Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Жонажон Ватанимиз «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври – Учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК

“TAMADDUN”
ТОШКЕНТ – 2021

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ХАЛҚАРО ЖАМОАТ ФОНДИ

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎН ЕТТИНЧИ ЖИЛД

*** *** ***

Дилором САЛОҲИЙ

НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ УСЛУБИ МАСАЛАЛАРИ

*** *** ***

Фарида Каримова

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ДЕБОЧА

*** *** ***

Мақсуд АСАДОВ

НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҚИЙНОМА

Мир Алишер Навоий таваллудининг
580 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланади

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ


Беҳзод Йўлдошев, Баҳром Абдуҳалимов, Абдулла Аъзамов, Бахтиёр Назаров, Сирожиддин Саййид, Акмал Нур, Шуҳрат Сирожиддинов, Гулчеҳра Рихсиева, Муҳаммаджон Имомназаров, Ваҳоб Раҳмонов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Иброҳим Ҳаққул, Боқижон Тўхлиев, Нусратулло Жумахўжа, Қосимжон Содиқов, Султонмурод Олим, Шуҳрат Ризаев, Афтондил Эркинов, Нурбой Жабборов, Каромат Муллахўжаева, Мирзо Кенжабек, Сайфиддин Сайфуллоҳ, Исажон Султон

ИЖОДИЙ ГУРУҲ

Олимжон Давлатов, Дилнавоз Юсупова, Феруза Тўрахўжаева, Акмал Фармонов, Диёра Абдужалилова, Ирода Эшонхонова, Орифжон Олимжанов

ДИЛОРОМ САЛОҲИЙ

НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ УСЛУБИ МАСАЛАЛАРИ



БАДИИЙ СЎЗ ҚУДРАТИ

Алишер Навоий лирикаси маъно сарҳадларини тушуниб етишга бўлган эътибор ўз давридан бошлаб узлуксиз ортиб бораётир. Бу ўринда XX аср алоҳида таъкидга сазовор. Навоийни ўрганишнинг фан даражасига кўтарилиши, шоир лирик меросининг мукаммал тарзда тўпланиши ва таҳлил этилиши, унинг дунёқараши, ижодий услуби ва адабий-танқидий қарашларининг ўзак- ўзагигача тадқиқ этилиши айни шу даврга ҳос бўлиб, бунда ўзбек навоийшуносларининг хизмати беқиёсдир. XX аср навоийшунослиги тажрибаси улуғ шоир ижоди шарқ бадиий тафаккурининг олий маҳсули эканини, ўзигача мавжуд туркий ва форсий адабиёт эришган барча ютуқларни мужассам этган, хусусан, туркий адабиётнинг кейинги тараққиётига замин яратган поэтик, фалсафий, бадиий-эстетик қарашлар тизимини шакллантирган мукаммал назарияга асосланганлигини кўрсатди. Бу, табиийки, тадқиқотчиларни улуғ шоир даҳосини янада теранроқ англаш учун янги-янги изланишлар олиб боришга чорламокда. Айтиш мумкинки, ҳақиқий маънода унинг ижодхонаси сирларини кашф этиш ишлари учун энди қулай имкониятлар туғилди.

Дилором Салоҳийнинг ушбу монографияси ана шу йўналишдаги дастлабки жиддий тадқиқотлардан бири сифатида кўзга ташланади.

Муаллиф тадқиқотда Навоий поэтик услуби такомилини синчиклаб ўрганар экан, ғазалда фикр ва ғояни ихчам, тушунарли ва гўзал шаклда ўқувчига етказиш йўлида улуғ шоир изланишларини ҳам кузатади. Навоий лирикасига бағишланган кўпгина тадқиқотларда бу мавзу тилга олинган. Аммо Дилором Салоҳийнинг янгилиги шундаки, у девондан девонга кўчаётган айнан бир хил ғазаллар матнларида такомиллашиб бораётган шакл ва мазмун таҳлили асосида шоир поэтик услубининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бера олган.

Тадқиқотчининг Навоий лирик меросини даврлаштириш масаласи хусусидаги фикрлари, шубҳасиз, улуғ шоир ҳаёти ва лирик ижоди эволюциясини изчил ўрганиш ишларида муҳим аҳамиятга эгадир.

Хуллас, кўп йиллик изланишлар натижасида юзага келган ушбу китоб навоийшунослик фанининг яна бир янги саҳифаси сифатида баҳоланиши мумкин, деб ўйлайман.

Ботурхон Валихўжаев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик

МУҚАДДИМА

Маънавий етук инсонни тарбиялаб вояга етказиш масаласи қадимдан бунёдкор бўлган ўзбек халқининг энг муқаддас, барча даврлар учун долзарб ҳисобланмиш вазифаларидан бири саналган. Ўзбек мумтоз адабиёти эса халқимизнинг бу азалий орзуси, мақсадини амалга оширишда энг ижтимоий фаол ва ишончли омиллардан биридир. Бинобарин, ўзбек мумтоз адабиётини бугунги кунда янгича ўрганиш ўсиб келаётган авлод тафаккур тарзини миллий маънавий қадриятларимиз асосида шакллантиришга кенг имконият очиб беради.

Бугунги кунда жамиятни маънавий юксакликка кўтариш масаласи Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсатининг ҳам муҳим таркибий қисмларидан бирига айланди. Жумладан, миллий маънавият 1995 йил февраль ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида И.А.Каримов томонидан давлатнинг энг муҳим вазифаси сифатида таърифланди: «Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади». Қадимий адабий меросимизга янгича - холис ва соф илмий муносабат бу соҳада ҳам янги йўналишлардаги илмий-назарий, илмий-услубий изланишларни тақозо этади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Иккинчи чақириқ биринчи Сессиясида ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоий асарларини чуқур тушуниб тадқиқ этиш ва кенг миқёсда ўрганиш ҳақидаги махсус таъкидлари, шоирнинг ўлмас асарларида тарғиб қилинган умумбашарий ғояларни даврimiz эҳтиёжига яратиш зарурлиги борасидаги қимматли кўрсатмалари Ўзбекистон илм-фани аҳлини, Алишер Навоий ижоди мухлисларини янги тадқиқотларга, амалий ҳаракатларга илҳомлантириб юборди.

Низомиддин Амир Алишер Навоий лирикаси XV асрдан ҳозирга қадар яратилган жаҳон адабиёти тарихининг энг гўзал саҳифаларидан бирини ташкил этади, шунинг учун унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Навоий лирик ижоди ўзига қадар туркий адабиёт эришган барча ютуқларни умумлаштириб, бутун Шарқ адабиёти, хусусан, ғазалчилигини янги тараққиёт босқичига кўтарди. Академик Ойбек ёзганидек, шу боисдан ҳам «Навоийнинг ёшликдан бошлаб то умрининг сўнг саналарига қадар ёзган лирик шеърларини иҳота этган «Чор девон» нинг идея ва бадиий шакли, тили ва мастерлиги, тарихий аҳамияти ва бошқа жиҳатлардан чуқур тадқиқ этиш кўп йилга чўзиладиган оғир ва муҳим ишдир» [III, 80, 31-6.].

Навоий лирикаси ўзбек, рус ва озарбайжон олимлари томонидан нафақат ўзбек адабиётшунослиги доирасида, балки аллақачонлар шаклланиб улгурган ва тараққий этаётган жаҳон навоийшунослиги аспектида жуда кўп хорижий мамлакатлар олимлари илмий ишларида ўрганилмокда.

Шунга қарамай, назаримизда Навоий лирикаси ва поэтик маҳоратини том маънода адабиётшунослик фани қонуниятлари нуқтайи назаридан тадқиқ этиш энди бошланяпти. Бугунги кунга қадар Навоий лирик меросининг мукаммал нашрлари амалга оширилди, бунинг асосида шоир биографияси, дунёқараши, ижодий методи, адабий-танқидий қарашлари, санъаткорлиги масалаларига доир фактлар тўпланди ва таҳлил этилди, шоир ижод этган тарихий шароит ва унинг буюк мутафаккир турли соҳалардаги фаолиятига таъсири масалалари ўрганилди. Навоий ғазалиёти ва поэтикасини назарий жиҳатдан жанр поэтикаси хусусиятлари нуқтайи назаридан изчил текшириш, ундаги образлар

тизимининг эстетик асосларини аниқлаш соҳасидаги тадқиқотлар эса икки-уч махсус илмий асар доираси билан чегараланади. Бироқ ҳозирги адабиётшунослик талабларини бу ҳол, албатта, қониқтирмайди. Ўзбек адабиётшунослигининг Навоий ғазалиёти ва поэтикаси масалаларига бўлган қизиқиши унинг ҳозирги давр тараққиётидаги умумий интилишларини акс эттиради.

Адабиётшуносликнинг бугунги кундаги янги вазифаси Навоий поэтикаси хусусиятларини фактик жиҳатдан аниқлаш ва замонавий фан талаблари нуқтайи назаридан таҳлил этишдангина иборат бўлмай, балки уни ички бадиий эволюцияси ҳар бир босқичидаги хусусиятларидан келиб чиқиб, шоир илмий-назарий мулоҳазаларини ҳам солиштириш, бевосита ижодий жараёни қирраларини ҳам махсус ўрганиш каби масалаларни қамраб олади. Ана шу нуқтайи назардан биз ушбу тадқиқотда, аввало, Навоий поэтик услуби, бадиий тасвир поэтикаси хусусиятларини унинг ғазаллари матнларини қиёсий ўрганиш, уларни бадиий таҳлил ва талқин этиш орқали кузатишни мақсад қилдик. Навоий лирикасида поэтик матн такомили масаласини бадиий санъат қонунияти нуқтайи назаридан ўрганиш шоир ижодий услуби тадрижий такомилини кузатиш имкониятини беради.

Иккинчидан, поэтик матн такомили таҳлили Навоий лирикаси асосида туркий шеъриятда аруз тараққиёти хусусиятларини, айрим бадиий санъат воситаларининг туркий тил доирасидаги ўзига хос ривожини кўрсатишга хизмат қилади. Шунингдек, ғазал композицияси, бадиий тасвир тамойиллари ва усулларининг муҳим ўзига хослик белгиларини аниклашда ҳам ушбу текшириш услубининг бевосита иштироки бордир.

Қиёсий таҳлил воситасида шоир ижтимоий лирикасининг ҳар бир девондаги ўзига хос кўриниши, мавзу эврилишлари, шоир ҳаёти фасллари мазмуни билан уйғун равишдаги тадрижи масалаларига эътибор қаратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи, Навоий шеъриятининг нафақат туркий, балки, умуман, шарқ поэзияси тарихида мукаммал ва олий даражадаги поэтик услуб маҳсули эканлигини намойиш этиш учун мазкур соҳадаги маълумот ва мулоҳазалар муҳим имконият бўлиб хизмат қилади. Шоир девонларининг қиёсий таҳлили ҳозирги навоийшуносликнинг долзарб масалаларидан бири – шоир лирик ижодини илмий даврлаштириш масаласи соҳасида ҳам баъзи мулоҳазаларнинг ўйғонишига сабаб бўлди. Навоий ғазалиётини илмий даврлаштиришда шоирнинг ҳар бир алоҳида олинган ғазали тарихини, яратилиш даври ва матний ранг-барангликларини аниқлаш, илмий ўрганиш ниҳоятда муҳимдир. Шу аспектда олиб борилган кузатишлар Навоийнинг болалик ва йигитлик, ўрта ёшлик ва кексалик даври лирикаси чегараларини илмий ва тарихий нуқтайи назардан янада аниқроқ белгилаш масаласини ҳам кўндаланг қўйди. Тадқиқотда ушбу масала юзасидан ҳам фикр юритилади.

Навоий ўзининг оламшумул ижоди мисолида лириканинг жамият маънавий-маърифий тараққиётида тутган ўрни, унинг бадиий ижод, қолаверса, адабиётшунослик ва адабий танқид соҳалари ривожига бўлган таъсири доираларини ҳам кўрсатиб бердики, бу нарса уни кенг кўламда – ғоявий-бадиий, адабий-эстетик, илмий-назарий аспектларда янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Навоий лирикаси бадийяти сирларини бадиият илмининг қонуниятлари нуқтайи назаридан таҳлил этишга интилиш шоирнинг ўзи ҳаётлик пайтлариданоқ бошланиб, ўзбек адабиётшунослигининг услубан жаҳон адабиётшунослиги мезонлари доирасида тараққий этиб фаолият кўрсатаётган ҳозирги даврида ҳам фундаментал мавзулардан бири сифатида давом этмокда. Демак, Навоий назмиёти гўзалликларини кашф этиш ва унинг бу соҳадаги илмий-назарий қарашларини ўрганиш тарихи салкам олти асрни ишғол этиб турибди. Бу катта тарихий жараённинг Навоий лирик меросини текшириш услуби, йўналишлари ва илмий аҳамияти жиҳатидан тўрт босқичда давом этганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, туркий тилдаги ғазални етук лирик жанр сифатида катта тараққиёт босқичига кўтарган

Мавлоно Лутфий, Камол Турбатий, Аълойи Шоший, Абулқосим Бобур, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби шоир ва алломалар Навоий илк лирикаси юксак бадиийлигига таҳсин ўқиб, юқори баҳо берар эканлар, буни бевосита ёш шоирнинг келгусидаги катта муваффақиятларига, бутун Шарқ бадиий тафаккурининг ўлмас даҳоси сифатида танилувига илк гувоҳлик, башорат деб тушунмоқ жоиздир. Шеърий санъатнинг бу нозикфаҳм алломалари ёш Алишер Навоийнинг ўз ғазалларида бадиий мазмун ва бадиий шакл унсурларидан усталик билан фойдалана олганлиги, бу соҳадаги етук бадиий маҳоратига диққатларини жалб этганлар. Бу эса Навоий илк назмиёти унинг даврида яратилаётган асарлардан алоҳида ажралиб турганлигини, унга бўлган жиддий қизиқишни таъкидлаб, бевосита бу соҳир бадиий ижод сирларини ўрганиш соҳасига пойдевор бўлиб хизмат қилди. Навоий «Илк девон» ининг унинг ўзи томонидан эмас, балки шеърият мухлислари томонидан тузилиши шарқ девончилиги тарихида мисли кўрилмаган ҳодиса бўлиб, бу ҳам ўз навбатида шоир лирикасининг шарқ ғазалчилиги анъаналари ва у даврда шаклланиб улгурган анъанавий поэтика мезонлари асосида махсус текширув объекти бўлуви лозимлигига бир ишора эди. Шу тариқа Навоийнинг илк лирикасидаги санъаткорлик маҳоратига ўзига хос ёндашув, уни чин маънода фавқулодда истеъдод сифатида тан олиш, тарғиб этиш тарзидаги ижодий муносабатлар туркий ва форс-тожик шеърияти етук мутахассислари томонидан юзага келди ва бу жараён Навоий ижодининг 25 ёшгача бўлган даврини қамраб олиб, уни илмий-ижодий ўрганишнинг биринчи босқичини ташкил этади. Бу даврда Навоий лирик шоир сифатидагина машҳур бўлиб, унинг ғазал, рубоий, мухаммас, мустаъзод жанрларидаги асарлари ва ҳасби ҳол типидаги маснавийси маълум эди. Бундан кўринадики, Навоийнинг поэтик маҳорати унинг катта, машҳур замондошлари томонидан асосан 5 лирик жанрда яратилган асарлари юзасидан эътироф этилиб (бизгача етиб келган тарихий маълумотларга кўра, кўпроқ ғазал жанридаги), у ҳам бўлса, ўрта асрлар шарқ адабиётшунослиги услубига хос бўлган умумий фикрлардан иборат эди. Аммо машҳур шахсларнинг шоирга бўлган эътибори ва унинг ижоди юзасидан билдирилган мазкур умумий фикрлар Навоийнинг бу даврда ўз лирикаси мисолида туркий ғазалчиликни бадиий тасвир жиҳатидан янгилаётганлиги (Лутфий эътирофи: бир байт мисолида), шеърларида эмоционал-руҳий таъсирнинг ва бадиий лавҳаларнинг бетакрорлиги (Абулқосим Бобур, Саййид Ҳасан Ардашер билан боғлиқ хотиралар тафсилотлари), адабий-танқидий қарашларининг ўзига хос мазмун ва йўналишга эга эканлиги (Шайх Камол Турбатий билан учрашув эпизоди ва б.) каби масалаларни қамраб олади. Ана шу жиҳатлардан Навоий лирикасига нисбатан бўлган бу даврдаги адабий-танқидий муносабатни унинг бадиий афзалликларини эътироф этган ҳолда, муносиб баҳолаш, тарғиб этиш тарзидаги ижодий ўрганиш, деб кўрсатиш мумкин.

Навоийни нафақат етук зуллисонайн шоир, балки лириканинг 16 жанрида самарали ижод қилган буюк мутафаккир сифатида жуда кенг миқёсда махсус ўрганиш бадиий-тарихий характердаги асарлар ва рисолаларда унинг ўз замондошлари ва кейинги асрларда яшаган муаллифлар ижодида хам кўзга ташланади. Шоир ғазалларининг чуқур мазмуни, илғор ғоявий-фалсафий асослардаги эстетик намойиши Нуриддин Абдураҳмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Давлатшоҳ Самарқандий, Мирхонд, Хондамир, Камолиддин Биноий, Абдуллоҳ Хотифий, Ҳакимшоҳ Қазвиний, Зайниддин Восифий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломалар томонидан катта ҳурмат билан тилга олинади. Шоир бадииятини танқидий ўрганишнинг бу босқичи унинг аввалги давридан умумий таъриф-тавсиф мазмунидаги фикрлардан аниқликка - Навоий лирикасининг сон ва сифат жиҳатидан оригиналлиги, аруз вазнининг туркий ғазалчилик асосидаги тараққиётига қўшган ҳиссаси (Заҳириддин Муҳаммад Бобур), бадиий санъатларнинг анъанавий поэтика қонуниятларини рад этмаган ҳолда ижодий ривожлантирилиши (Атоуллоҳ Ҳусайний, Зайниддин Восифий) каби илмий, таҳлилий асослардаги йўналишлари билан фарқ қилади. Бу ўринда шуни таъқидлаш

лозимки, Навоий поэтикаси соҳасида замонавий адабиётшунослик фани нуқтайи назаридан илмий-назарий тадқиқотларнинг дунёга келишида Навоий мероси юзасидаги адабий-танқидчилик тарихининг бу даврида яратилган асарлар асосий манбалардан бўлиб хизмат қилади. Чунки туркий классик ғазалнинг энг баланд равнақи даврида унинг динамикасини таъминловчи Навоий лирикаси юзасидан билдирилган адабий-танқидий мулоҳазалар ўша давр адабиётшунослиги характерини, лириканинг бевосита ўрта асрлар мусулмон маданияти тараққиётига қўшган ҳиссасини (ўша давр адабиётшунослиги нуқтайи назаридан), унинг жамият турли табақаларига мансуб шеърият мухлислари билан муносабатини ва бошқа кўп масалаларни ойдинлаштиришга сабаб бўлиши шубҳасиздир.

Навоий ғазалиёти бадиийлигини, унинг поэтик услуби ва бадиий тасвир принципларини назарий асосларда илмий ўрганиш асримиз бошларида (30-йилларнинг иккинчи яримларида) академик Ойбек, проф. Е.Э.Бертельс, А.К. Боровков, Мақсуд Шайхзода, Ҳоди Зариф асарларида амалга оширилди.

Академик Ойбекнинг 1936 йилда ёзилиб, 1961 йилда «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналининг 1, 2, 5- сонларида эълон қилинган Навоий ғазалиёти ҳақидаги икки мақоласида шоир лирикасининг асосий моҳияти, поэтикаси хусусиятлари соҳасида фикр юритилади. Жумладан, муаллиф шоир поэтик услубини таҳлил этар экан, унинг бадиий тасвир принцилларига алоҳида эътибор беради. Бир ўринда: «Навоийнинг поэзияси метафорикдир, – деб ёзади олим, - Навоийнинг метафоралари аксар ҳақиқатан чуқур, оригинал бўлади. Фикр ва нарсалар орасида кутилмаган, янги муносабатларни, янги томонларни очажак бир характердадир... Умуман, Навоийда сўз юқори нарсаларга ишора қилиши керак». [III, 80, 38-6.] Ойбек Навоий поэзиясининг мазмун ва бадиий шакл жиҳатидан характерли белгиларини қайд этар экан, «Навоий поэзиясида ўтказилган идеяларнинг ижтимоий-синфий характери, бадиий форманинг белгили идеология билан шартланганлиги, умуман, Навоий услубини туғдирган шароит ва ҳ.к. масалалар қолдиким, асл илмий текшириш бусиз бўлмайди», - деган хулосага келади. [III, 80, 40-6.]

Алишер Навоий лирикасини назарий жиҳатдан тадқиқ қилишда Мақсуд Шайхзоданинг илмий фаолияти, айниқса, диққатга сазовордир. Олим «Навоийнинг лирик қахрамони» номли илмий иши ва шу соҳадаги қатор мақолаларида шоир лирик қахрамони хусусиятлари, унинг ғоявий интилишлари, шоир лирикасидаги бадиий тасвир принципларини ўрганиш хақида мулоҳазалар билдиради.

Шайхзода илмий текширишларининг услубий асослари Навоий лирикасини назарий ўрганишнинг ўзига хос етук босқичи сифатида кўзга ташланади. Навоий поэтикасини ўрганиш соҳасида кейинги даврда чиққан ва чиқаётган монографик тадқиқотларда Шайхзода илмий услубининг бевосига таъсири борлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, бу нарса ўзбек адабиётшунослигининг замонавий жаҳон адабиётшунослиги услубий асосларида тараққий этишига восита бўлган сабаблардан биридир.

Навоий поэтикаси масалаларини махсус ўрганиш Ҳоди Зарифнинг «Рубоий», «Лутфий ва Навоий» номли мақолаларида тилга олиниб, шоир лирикасининг ғоявий-бадиий моҳияти, ўзбек поэзияси анъаналарининг Навоий шеърияти тараққиётида тутган ўрни каби соҳаларда жиддий фикрлар баён қилинади.

Самарқанд навоийшунослик мактаби асосчилари акад. Воҳид Абдуллои Самарқандий[2] ва проф. Абдураҳмон Саъдий[3] томонидан амалга оширилган катта илмий қимматга молик тадқиқотларда ҳам Навоий лирикаси хусусиятлари, ундаги оригинал бадиий тасвир кўринишлари, унинг назарий асослари ва адабий таъсир доираси каби масалаларга аҳамият берилади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг 60-йиллардан бугунги кунларгача бўлган фаолияти Навоий лирикаси масалаларини поэтика илмининг назарий

асослари, қонуниятлари нуқтайи назаридан илмий ўрганишнинг ҳажм ва илмий салоҳият, салмоқ жиҳатидан юксак тараққиёт босқичига чиқаётганлигидан гувоҳлик беради.

Н.Маллаевнинг «Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли», И.Султоновнинг "Навоийнинг қалб дафтари", А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» А.Абдуғафуровнинг «Навоий ижодида сатира», шунингдек, М.Юнусов, Э.Рустамов, О.Носиров, И.Ҳаққулов, Ш.Шариповларнинг монографик тадқиқот ва мақолалари, файласуф олимлар В.Зоҳидовнинг «Улуғ шоир ижодининг қалби», М.Ориповнинг рус тилидаги "Гуманизм Алишера Навои" каби асарлари шоир лирик меросини турли илмий йўналишларда текширишга бағишланади.

А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳорати» асаридан шоир поэтикасидаги ранг-баранг бадиий воситалар, вазнлар юзасидаги тадқиқотлар ўрин олган.

Б.Валихўжаевнинг Навоий ижоди бадийяти хусусиятлари ва шоир санъаткорлиги кўринишларига бағишланган бир қатор мақолаларида, М.Муҳиддиновнинг адабий алоқа ва ўзаро таъсир масалалари аспектидаги «Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси» номли докторлик диссертациясида, Р.Орзибековнинг «Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат» номли монографиясида шоир поэтикасига алоқадор муҳим масалалар таҳлил этилади.

Республикамиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, буюк мутафаккир илмий-бадиий меросининг шу кунгача тадқиқ этилмаган қирраларини очиб беришга эътибор кучайиб кетди. И.Ҳаққулов, С.Олимов каби олимларнинг бу соҳадаги фаолиятлари диққатга сазовордир. И.Ҳаққулов Навоийнинг фалсафий-тасаввуфий дунёқараши, илоҳиётга муносабати, асарларидаги теран маърифий маъно-мазмун, тимсоллар ва рамзлар ҳақида қатор монография, рисола ва илмий мақолалар ёздики, бу ҳодиса навоийшунослик фанининг ўзига хос янги йўналишдаги тараққиётига сабаб бўлди. [111, 132; 133; 134; 135; 136.]

Аммо Навоий лирикасини ўрганиш соҳасидаги мазкур катта илмий жараёнда юзага келган тадқиқотларга хос умумий хусусият шуки, уларда, умуман, Навоий лирикаси хақида, шоир поэтик тасвирининг айрим усуллари, маҳорат масалалари ва бошқа соҳаларда мақола ёки монографик тадқиқот мавзуси доирасида фикр юритилади.

Навоий поэтикасининг асосий хусусиятлари, ундаги образлар тизими, бадиий тасвир усуллари, лирик жанрлар ривожига тааллуқли системали равишдаги изчил тадқиқотлар А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси» ва Ё.Исҳоқовнинг «Алишер Навоий илк лирикаси», «Навоий поэтикаси» каби монографиялари ва қатор мақолаларида таҳлил этилдики, бу нарса Навоий лирикасини поэтиканинг ўзига хос тизими қонуниятлари нуқтайи назаридан илмий-услубий йўналишда ўрганишни бошлаб берди.

«Навоий лирикаси» асарида А.Ҳайитметов Алишер Навоий лирикасининг тур хусусиятлари, тематикаси ва асосий образларини тадқиқ этади. Муаллиф шоир лирикасининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, унинг шарқона лирик анъаналарга муносабати масалаларини батафсил муҳокама этади.

А.Ҳайитметов «Навоийнинг ижодий методи масалалари», «Навоий даҳоси» монографияларида ҳам шоир лирикаси ва ижодий методининг бир қатор муҳим хусусиятлари, унинг лирик асарларида ижодий методи ифодаси мавзусига диққатини жалб эгади.

Ё. Исҳоқов биринчи бўлиб Навоий лирикасининг бадиий эволюциясини босқичма-босқич, унинг илк давридан балоғат босқичига етгунга қадар намоён бўладиган хусусиятларини, шу «босқичлар орасидаги умумий боғланишни ўрганиш" мақсадида шоирнинг «Илк девон» ига мурожаат қилади.

«Илк девон» нинг, унинг асосида Навоий илк лирикасининг махсус ўрганилиши шоир ижодий маҳоратининг тадрижий такомили, санъаткорлиги ва ғоявий дунёқарашининг ўзига хос кўринишлари, камолот босқичига етиш жараёнини кузатишга имкон беради.

Олим ўзининг кейинги асари «Навоий поэтикаси»› да лирик жанрлар ва бадиий тасвир поэтикаси хусусиятларини муҳокама этади. Бу асар Навоий поэтикасини ўрганиш соҳасидаги кейинги тадқиқотлар учун ўзига хос таянч манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Чунки ўзбек лирик поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келишида Навоий ғазалиётининг ўрни ва роли масаласи, шоир поэтикасининг ички қонуниятлари ва поэтик услубининг оригиналлигини таъминловчи асосий омиллар бу асарда изчил таҳлил этилган.

Бундан ташқари, муаллиф бу асарида биринчи бўлиб ўзбек поэзиясида ўзининг маълум анъаналарига эга бўлган лирик жанрларнинг Навоий лирикасида янгича ривожини ва туркий адабиётда пайдо бўлмаган ёки қатъий қонуниятига эга бўлмаган баъзи бир жанрларнинг шоир ғазалиётидаги янги ҳаётини кузатади.

Иккинчидан, «асосий лирик жанрларни, адабий канон ва анъаналар билан муносабати нуқтайи назаридан системали таҳлил этиш асосида, уларнинг ички динамикаси ва адабий жараёндаги мавқеини белгилаш ҳамда шу асосда Навоийнинг лирик жанрларнинг тараққиёт тарихидаги ролини кўрсатиш» |Ш, 46, 9-6.] масаласи илк бор тадқиқот доирасига тортилади.

Учинчидан, Навоий бадиий тасвир поэтикаси учун хос бўлган етакчи тамойил бадиий тасвир воситалари ва шарқ поэтикасининг анъанавий қонуниятлари нуктаи назаридан очиб бериладики, бу ҳам асарнинг муҳим илмий қимматини белгилайди.

Алишер Навоий лирикаси масалаларини янгича йўналишда, ўзига хос илмий нуқтайи назардан тадқиқ этиш XX аср 90- йилларида А.Абдуғафуров томонидаи йўлга қўйилди. Олим Навоий лирик девонларининг яратилиш даврларини аниқ белгилаш, девонларга кирмай қолган шеърларни аниқлаш юзасидан кузатувлар олиб бориш, девонлар дебочаларида намоён бўлган буюк шоирнинг ўзига хос бадиий тасвир услубини очиб бериш, шу нуқтайи назарлардан Навоийнинг ўзидан кейинги шоирлар ижодига бўлган таъсирини текшириш каби масалаларни тадқиқ этишни мақсад қилиб қўяди.

«Бадоеъ ул-бидоя», «Хазойин ул-маоний» девонларининг тартиб берилиш саналари жиддий илмий далиллар асосида аниқланиши олимнинг навоийшунослик фани ривожи учун амалга оширган муҳим хизматларидан биридир. Шунингдек, Навоий қаламига мансуб бўлиб, бошқа шоирга нисбат берилган шеърлар, шоир ижодига нисбатан бўлган эътиборсизлик натижасида юзага келган чалкашлик, хатоликларга ҳам олим биринчилардан бўлиб очиқ муносабат билдиради. [III, 5;6;7;8;9; 10; 11; 12; 13; 14]

Навоий назмиётини ўрганишнинг мазкур хронологияси назарий нуқтайи назардан амалга оширилган асарлар юзасидан бўлиб, бу соҳадаги матншунослик, яъни шоир лирик меросининг илмий-танқидий матнини яратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар ҳам катта аҳамиятга эгадир. Биз тадқиқотимизнинг махсус бобида бу масалага имкон қадар муфассал тўхталиш ниятидамиз.

ПОЭТИК МАТН ТАКОМИЛИ ВА ТАСВИР МАҲОРАТИ. ПОЭТИК МАТН ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ ВА БАДИИЙ ТАЛҚИННИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ ХУСУСИДА

Шеърий матнларнинг бадиий талқинини ўрганишга доир адабиётларда таъкидланишича, ҳар қандай бадиий асар матн жиҳатидан махсус ички қурилмага эга бўлсагина ўзининг ижтимоий вазифасини бажара олади. Бу нарсани уч йўналишда текшириш мумкин: муайян тарихий реаллик билан боғликлик нуқтайи назаридан, бошқа бадиий матнларга муносабат юзасидан ва бадиий яхлит, бадиий бутун асарнинг ички тузилишини таҳлил этиш йўли билан. Муҳими шундаки, илмий тадқиқотнинг айнан учинчи йўналиши бадиий асар гўзаллигини ҳис этишга, матннинг эстетик таъсири сабабларини аниқлашга имкон яратади. [III, 50; 51; 57; 63].

Маълум бўлганидек, Алишер Навоий ғазалларининг автор қўлёзмаси нусхалари бизгача етиб келмаган. Бинобарин, бугунги кунда биз шоир ғазалларининг энг сўнгги илмий- танқидий матнига ҳам эга эмасмиз. Шу кунга қадар тўпламларда ва алоҳида китоб ҳолида нашр этилган ғазаллар нусхалари эса анчагина камчилик ва нуқсонлардан холи эмас. Шундай экан, адабиётшунослигимизда Алишер Навоий ғазаллари матнларини чуқур текшириш ва такомиллаштириш масаласи кўндаланг бўлиб тураверади. Ҳозирги кунда шоир 2640 ғазалининг (шоир девонларига киритилмаган 40 янги ғазал ф.ф.д. Ф. Сулаймонова томонидан аниқланган) ҳар бири бир нечтадан матн нусхаларига эга. Мантиқ нуқтайи назаридан қараганда, шоирнинг 20 томлик МАТ ига ғазалларнинг энг мукаммал, хатосиз матнлари киритилиши лозим эди. Аммо ушбу тўпламлардаги ғазалларда баъзан аввалги тўпламлар матнларидаги хатоликлар тузатилгани ҳолда, баъзан матн юзасидан янги хатолар, нуқсонларга йўл қўйилган. Бу ҳодиса бевосита шоир ғазаллари матнларининг тақдири хусусида безовталик ҳиссини ўйғотади.

Навоий ғазаллари матний мукаммаллиги масаласи бугунги кунда нималарга боғлиқ бўлиб қолмоқда ва уни таъминлаш учун нималар қилмоқ керак. Ушбу саволларга жавоб топиш учун назаримизда, биринчи навбатда, шоир ғазалларининг бугунги кундаги ҳолати, яъни уларнинг матний ранг-барангликлари, девонлардаги жойлашуви, ҳар бир алоҳида олинган ғазалнинг яратилиш тарихига оид тарихий маълумотларни, шунингдек, транслитерация (кирилл алифбосига кўчириш) натижасида юз берган ҳолатларни чуқур ўрганиш, таҳлил этиш лозимдир. Шу нуқтайи назардан мазкур тадқиқотда Адишер Навоий шеърияти матнларининг поэтик талқинини (интерпретациясини) матний турли-туманликларни қиёслаш асосида беришга журьат этилди.

Ишнинг биринчи бўлимида поэтик матн такомили бадиий санъат қонунияти талаблари нуқтайи назаридан таҳлил этилади. Шунингдек, бу масалада баъзи ҳолатларда буюк ижодкорнинг ўз иштироки ҳам бўлганлиги тахмин этилади ва шу нуқтайи назардан мулоҳазалар юритилади. Албатта, шоирнинг иштироки масаласидаги бизнинг тахминларимиз бир илмий гипотеза сифатидагина қолаверади, биз уларни тарихий факт ёки аниқ бир ҳодиса сифатида талқин этиш фикридан йироқмиз. Аммо фанда шу нарса ҳам маълумки, ҳар қандай чуқур асосланган назариянинг энг аввалги нуқтаси ёки боши гипотезадан иборатдир.

Ишнинг иккинчи бўлими поэтик матн такомили масаласи ва шоирнинг бадиий тасвир маҳорати хусусиятларини ўрганиш натижасида шеърий услуб тадрижи соҳасида юзага келган мулоҳазалар баёнига бағишланади. Мазкур тадқиқотда биз Навоий поэтик услуби тадрижини матнларнинг қиёсий таҳлили ва бадиий талқин воситасидагина очиб беришга

ҳаракат қилдик, ушбу мавзунинг кенг, ҳар томонлама яхлит монографияси масаласи эса тадқиқотимиз доирасига кирмайди.

Шундай қилиб, фаннинг асосий вазифаси ҳар қандай масалани, аввало, аниқ ва тўғри қўйишдан иборат экан, тадқиқотда қўйилган мақсадга эришиш учун биз қандай услубий принципларга асосланамиз ва ўрганилажак мавзунинг асосий устунини нималар ташкил этади?

Тадқиқотнинг асосий манбаси алоҳида асар сифатида тугалланган, ўзининг ички мустақил бутунлиги, яхлитлигига эга бўлган поэтик матндир. Бу мустақил асарни ғоявий-бадиий мукаммаллик нуқтайи назаридан қандай ўрганиш керак? Бадиий санъат қонунияти нуқтайи назаридан уни таҳлил ёки талқин этиш усуллари борми? Ушбу матн қандай шакл ва мазмунга эга ва нега у айнан шу кўриниш, шу ғоявий мазмун билан яратилган? Ана шу қўйилган саволлардан келиб чикиб, тадқиқотимизда асосий эътибор матннинг эстетик мавқейини таъминлашга хизмат қилувчи унинг хусусий бадиий жиҳатлари, аҳамиятини ўрганишга қаратилади. Бу нарса ишимизнинг асосий йўналишини белгилайди.

Ўзбек адабиётшунослиги ҳозирги даврда жаҳон адабиётшунослиги мезонлари, услубий йўналишларидан хабардор ҳолда ривожланар экан, бу ҳодисанинг Алишер Навоий поэтикаси соҳасига ҳам татбиқ этилиши фойдадан холи бўлмас, деб ўйлаймиз. Жумладан, поэтик матн талқини масаласи Европа адабиётшунослигида аллақачон ўз тарихига эга бўлган соҳалардан биридир.

XIX асрда Европада тушунтириш, талқин санъатига асосланган «герменевтика» деб аталмиш фан соҳаси ривожланган бўлиб, у қадимий адабий ёдгорликларни тушуниб, маъносига етиб талқин этишнинг махсус методи – услуби сифатида намоён бўлган.[14] Ўша давр мутахассисларининг таъкидлашларича, бу йўналиш бадиий асар мазмунини тўғри талқин этишни ўргатувчи амалий санъат тури сифатида ҳам тан олинган экан. Бизнинг давримизда адабий асарни тушунишнинг бу услуби филологик танқидчилик фани соҳасига кириб, унинг моҳиятини адабий асарнинг чин, асл матнини тиклашга ва унинг адабиёт тарихидаги аҳамиятини аниқлашга қаратилган тадқиқот усуллари йиғиндисини ташкил этади.

Герменевтиканинг асосини ташкил этувчи назарий принциплар сифатида, биринчидан, умумий, контекстуал талқин принципини; иккинчидан, шу соҳа доирасига кирувчи талқин усулларини; учинчидан, муаллиф мақсади ва мулоҳазаларини ҳисобга олган ҳолда матннинг тарихий ва ижтимоий шароитдаги ҳаёти, унда содир бўлиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва унинг кўпчилик нусхалари таҳлилини қайд этиш мумкин. Немис олими Фр.Шлейермахернинг бу соҳадаги фикрларига кўра: «Искусство герменевтики состоит в следующем: необходимо исследователю и переводчику текста, чтобы постигнуть индивидуальность говорящего через сказанное им, чтобы через множество частных выразительных средств: особенностей стиля, речи, построения фразы и построения всего произведения в целом - постигнуть целое содержание выражения, стилистическое единство произведения, а тем самым понять духовную индивидуальность его автора». [III, 50, с.441]

Бошқа бир олим Фр.Бласснинг фикрича, матнни талқин этиш жараёни икки этапда содир бўлади: биринчисида матн муаллифини тўла тушуниш лозим бўлса, иккинчиси, муаллиф ижодига баҳо бериш, шарҳлашдан иборатдир. Бунинг учун интерпретатор, ёки талқинчи, матн тилини унинг муаллифи даражасида билиши, улкан сўз заҳирасидан матн муаллифи руҳи муқобилида ва матн мазмунидан келиб чиқиб, ҳар сафар муаллиф кайфияти ва психологик ҳолатига мос сўз ва ибораларни танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. [III, 21, с.31]

Америкалик лингвист олим Ч.Филлмор эса матн талқини соҳасига «фон тушунчаси» ни, яъни асосий мавзу орқасидаги кўриниш, шу мавзуни акс эттирган орқа план тушунчасини киритади. Бу тушунчага кўра, контекстлар «сўзли» ва «сўзсиз» бўлиши мумкин. Яъни биринчи ҳолатда матннинг тил воситасидаги шаклий кўриниши тушунилса, иккинчи ҳолатда сўз бораётган мавзуга доир мулоҳаза қилиш мумкин бўлган имкониятлар, тарихий факт ва ҳодисалар, талқин жараёнида лозим бўладиган билимлар назарда тутилади. «Сўзли» матн талқинида сўз ва ибораларнинг мазкур матн учун кераксиз бўлган турли маънолари эътибордан соқит қилинса, «сўзсиз» матн талқини асарнинг тузилиш унсурлари ва умумий ҳолатига доир ўқувчи мулоҳазасини чалғитувчи фикрларнинг олдини олиш учун хизмат килади. [111,102, с.79] Шундай қилиб, юқорида биз тўхталиб ўтган ва бошқа қатор муаллифлар асарларида [111,50,51,54,55,56,113,114] қайд этилганидек, матннинг мантиқий-семантик моҳияти талқини қуйидаги беш ҳолатни назарда тутиши мумкин:

1) грамматик жиҳатдан тўғри тузилган бирикмаларни нотўғриларидан фарқлай билиш;

2) муаллиф мантиқий фикрлари мағзини «чақа билиш»;

3) гапнинг тузилиш нуқтайи назаридан асосий маъно-мазмун англатувчи бўлаклари аҳамиятини тушуниш;

4) ушбу унсурларнинг муайян матнда қўлланилиш ҳолларини назарда тутиш;

5) муайян матннинг юзага келишида бевосита ёки билвосита аҳамиятга эга бўлган парагматик имкониятларни ҳам ҳисобга олиш. Парагматик имкониятлар ёки парагматик билим деганда, матн талқини учун, шубҳасиз, зарур унсурлар, яъни асарнинг дунёга келишига туртки бўлган сабаблар, матн муаллифи шахсияти ва биографиясига оид маълумотлар, тарихий шароит, баъзан, ҳатто, талаффуз тарзи, оҳанги ва баён услуби ҳам тушунилади.

Хуллас, ғарб адабиётшунослиги услуби фандаги ҳар қандай ҳодисага деталли (унсурма-унсур, узвма-узв, бўлакма-бўлак) ёндашув хусусияти билан ажралиб туради. Бадиий талқин ёки шарҳ усули қадимдан шарқ адабиётшунослигида ҳам мавжуд бўлиб, бу усул талқинда юқорида қайд этилган барча имкониятларни назарда тутган ҳолда, умумийроқ фикр билдириш, умумийроқ хулосалар баён этиш ҳолатлари билан фарқланади.

Маълумки, адабиётшунослик ва адабий-танқидий қарашларнинг муҳим асосларидан бири – бадиий асарлар юзасидаги илмий шарҳлардир. Навоий ўзининг барча адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарларида шарҳларга кенг ўрин беради. Шоирнинг «Мажолис ун-нафоис» асари бунинг ёрқин тимсолидир. Жумладан, шоир тазкиранинг 8-мажлисида Ҳусайний девонидаги ғазаллар мисолида шарҳнинг мўъжаз намунасини кўрсатиб берди. Навоий Ҳусайний девонига баҳо берар экан, унинг бошқа шоирлар ижодида ва девонларида учрамайдиган жиҳатларига эътибор беради. Навоийнинг бу соҳадаги илмий услуби ҳали очилмаган жуда кўп фазилатларга эга бўлиб, махсус тадқиқотларни кутмокда.

Навоийдан аввал ўтган шарқ филологлари асарларида, шоир замондошлари ва ундан кейинги давр адабиётшунослигида ҳам шарҳлар катта мавқе эгаллайди. Зеро, шарҳлар адабиётшунослик назарияси ва унинг тараққиёти учун ҳар доим илмий манба, аниқ негиз бўлиб хизмат қилган. Шу нуқтайи назардан даврimiz навоийшунослигида шоир асарлари юзасидан амалга оширилган илмий-аналитик шарҳлар текстология фанининг махсус тармоғини шакллантирди, десак хато қилмаймиз. Бу йўналишда 60-йиллардан кейин яратилган асарлар Навоий меросини бенуқсон, мукаммал тушуниш, ундан чин маънода бадиий завқ олиш учун катта имконият бўлиб хизмат қилади. Бу соҳанинг изчил ривожи акад. А.П.Қаюмов илмий фаолияти билан боғликдир.

Олим Навоийнинг «Хамса» достонлари юзасидан яратган «Ҳайрат ул-аброр» талқини», «Фарҳод ва Ширин» сирлари», «Ишқ водийси чечаклари» номли асарларида достонларнинг ғоявий - бадиий йўналиши ва эстетик фазилатларини очиб беришда адабий таҳлил - шарҳ усулидан унумли фойдаланади.

Мазкур илмий фаолиятнинг изчил ривожи натижасида кейинги йилларда адабиётшуносларимиз Навоий лирикасининг бадиийлиги сирларини тадқиқ этишда жиддий ютуқларни қўлга киритмоқдалар![5]. Бу эса келгусида Навоий асарларининг шарҳли нашрларини амалга ошириш учун илмий замин бўлиб хизмат қилади.

Бугунги даврнинг учқур ривожланиб бораётган тафаккури барча фан соҳаларидан ўзининг миллий, тарихий-анъанавий, ҳудудий чегараларини ёриб чиқиб, умумжаҳон фани тараққиёти услубларида ривожланишни тақозо этмоқда. Бу ҳодисадан, албатта, навоийшунослик фани ҳам истисно бўла олмайди. Изланишларимизнинг замонавий, умумтараққиётучунфойдалибўлишини,бевосита,уларнингжаҳонадабиётшуносвафилолог олимлари ижодларидан хабардор ҳолда яратилганлиги билан, жаҳон адабиётшунослигига ўзига хос янгилик бўлиб кириши лозимлиги билан белгилаш мумкин. Шу нуқтайи назардан биз ўз тадқиқотимиз мавзусига юқорида билдирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб ёндашишни ҳам ният қилдик. Аммо биз сўз юритган герменевтика соҳасининг барча муаллифлари фикр ва тавсияларига, услубий йўналишларига тўлиқ қўшилиш фикрида ҳам эмасмиз. Чунки ғарб тафаккури ва дунёқарашининг шарқ илмий тафаккури ва дунёқарашидан катта фарқ қилиши ҳодисаси илмнинг кўп соҳаларида ва ижтимоий ҳаётда ҳам маълум бўлган ҳолдир. Фикримизни изоҳлаш учун бир мисол келтиришни жоиз деб ўйлаймиз.

Герменевтикани филологик йўналишда тадқиқ этган Фр.Шлейермахер матн таҳлилида муаллиф ва тадқиқотчи имкониятлари ҳақида фикр юритар экан, тадқиқотчи имкониятларини қуйидагича санаб ўтади: тадқиқотчи матнни ҳам тил нуқтайи назаридан бир ҳодиса сифатида, ҳам инсон ижоди маҳсули сифатида, тилнинг тарихий ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф ижтимоий-маиший ҳаёти ҳодисаларини, шахсий тақдири хусусиятларини чуқур билган ҳолда тадқиқ этишга киришади. Матн мауллифи эса баъзан ўз даври анъаналарига бевосита, танқидий назар билан қарамай риоя қилавериши; баъзи воқеа ва ҳодисалар унинг шахсий тафаккурига, мулоҳаза қилинмай, қандай тарзда содир бўлган бўлса, шундайлигича ўрнашиб қолавериши мумкин. Шу нуқтайи назардан, Шлейермахер фикрига кўра, матн талқинчиси муаллифга нисбатан матнни чуқурроқ ҳис этади, тушунади ва тушунтириб бера олади. Яъни унинг фикрларини айнан келтирсак: «Интерпретатор, изучая эпоху автора, свойственный ей язык, стилистические особенности истолковываемых текстов, может знать больше автора и, в частности, может освоить то, что осталось неосознанным для автора текста. Своеобразное отношение между бессознательньм моментом в творчестве автора и переводом его в план сознания интерпретатора может привести к тому, что интерпретатор будет понимать автора значительно глубже, чем автор понимал себя и свое произведение». [111,50, с.48]. Худди шу фикрларни маъқуллаб бошқа бир муаллиф – немис олими В.Дильтей қуйидаги фикрларни ёзади: «Последняя цель герменевтического опыта состоит в том, чтобы понять автора лучше, чем он сам понимал себя. Положение, которое является необходимым следствием учения о бессознательном творчестве». [Ш,38,с.64]

Бу фикрлар, кузатувларимиздан маълум бўлишича, шу соҳани ўрганган ғарб ёки рус олимларининг бирортасида эътироз туғдирмайди. Биз эса мазкур нуқтайи назарга нисбатан ўз мулоҳазаларимизни баён этишни лозим кўрдик, бизнинг эътирозимиз қуйидагилардан иборат.

Бадиий таҳлил ва талқин ўрта асрларда шарқ ижодкор доираларида жуда кенг ривожланган. Шарқнинг машҳур ижодкорлари асарлари, айниқса, назмиёт намуналари шоҳ саройи мажлисларида, шоирлар, шеършунослар давраларида ҳам таҳлил, ҳам талқин этилган. Ижодий талқиннинг мўъжаз намунасини Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлиси мисолида жуда гўзал бир тарзда намойиш этади. Албатта, Навоий Ҳусайний девони фазилатларини, шеърларини муаллифнинг ўзидан кўра устунроқ тушунтириб, кўрсатиб бера олади. Бу жиҳатдан ғарб адабиётшунослари фикрларига ҳеч қаршилик йўқ. Аммо ҳатто беқиёс адабий-танқидий заковат эгаси бўлган Алишер Навоий ҳам асар матни яратилиши жараёнида муаллиф тафаккурида юз берган ҳолатлар, унинг ички ҳиссий кечинмалари, руҳий кўтаринкилиги ёки аксинча, руҳий азоблари, индивид ёки шахснинг психологик тарзини, аҳволини унинг ўзидан кўра яхшироқ ҳис қилиши, бошидан кечириши мумкин эмас. Бадиий асар эса, аввало, бир лаҳзалик илҳом маҳсулидир. Бу мантиққа ҳам тўғри келмайди. Ғарб адабиётшунослари талқин этувчининг матнни муаллифдан кўра тузукроқ тушунтириб бериши ҳақида гапирганларида психоанализ (руҳий таҳлил) ни ҳам назарда тутишади. Фикримизча, герменевтиканинг бошқа барча йўналишларида улар ҳақ бўлсалар-да, худди шу масалада уларнинг концепциялари ўзини оқламайди. Албатта, шарқдаги қадим бир ҳикматга кўра, бировнинг орқасидан кетаётган одам қандай қилиб «мен ундан олдинда боряпман», дея даъво қила олади. Бундан ташқари, фанда “бадиий асар индивидуаллиги” деган тушунча бор. Бу асарнинг бетакрор, бир нусхадаги санъат намунаси эканлигини англатади. Асарнинг ўнлаб, юзлаб классик талқинлари унинг ўзи ўқувчига бера оладиган бир лаҳзалик завқ, руҳий қониқишни ифодалаб ҳам, тушунтириб ҳам бера олмайди. Машҳур итальян рассоми Леонардо да Винчининг «Моно Лиза» («Джаконда») асарининг минглаб талқинлари мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ қайси санъатшунос мазкур асарни рассомнинг ўзидан кўра кўпроқ тушунаман, деб даъво қила олади. Бунга унинг маънавий ҳуқуқи борми? Шеър, ғазал хусусида ҳам худди шундай фикрларни айтиш мумкин. Мавлоно Лутфий ёки ҳазрати Машраб шеърияти сирлари, илоҳий илҳом, жозиба сирлари, яна жуда кўп тушунтириш қийин бўлган бадиий комиллик сирлари фақат муаллифларнинг ўзларигагина маълум эканлиги беистисно ҳақиқатдир. Демак, асарни ўқувчига тақдим этишда, у орқали ўзининг бадиий тафаккури ва истеъдодини намойиш этишда муаллиф имкониятлари кенгроқ, албатта у талқин этувчидан олдинги ўринда туради. Бунда муаллифнинг истеъдоди ва қобилияти масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу масаланинг бир томони.

Иккинчи жиҳати шундан иборатки, истеъдод такрорланмасдир. Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Матн талқинчисининг уни ўқувчига муаллифдан кўра яхшироқ етказиб бера олиши ҳақидаги фикр эса ушбу ҳақиқатнинг раддига хизмат қилади. Чунки талқинчи аксари тахминлар, мушоҳадалар билан иш кўради. Масалан, ҳазрат Навоий асарлари бадиий талқинини мукаммал қилиб бериш учун ул зоти олий истеъдодлари даражасидаги истеъдод лозим. Шундай истеъдод бўлган тақдирда ҳам у шоир асарини айнан такрорлаб талқин этиб беролмайди. Уни ўз қалби, тушунчаси призмасидан ўтказади. Талқинчи буюк истеъдоднинг буюклигини таъкидлаб кўрсатиши мумкин, аммо истеъдоднинг ўзидан кўра кўпроқ асарни тушуна, ҳис эта олмайди. Бу табиат қонунларига зид ҳодиса. Ҳатто, муаллифнинг ўзи ҳам муайян даврда яратган асарини кейинчалик ўша асар яратилган даврдаги бадиий завқ, илҳом билан талқин этиб бера олмаслиги мумкин. Шу нуқтайи назардан, матн талқинчиси, шубҳасиз, бадиий асарни ўқувчига етказиш ва тушунтиришда муаллифдан кейинги ўринда туради.

Шу каби мулоҳазалар ғарб адабий танқидчилигида мавжуд булган услубий йўналиш ва кўрсатмаларни назарда тутган ҳолда, тадқиқотимизни ўз миллий-тарихий ва замонавий

услубий анъаналаримиз, таҳлил ва талқин усулларимиз йўналишида олиб боришни тақозо этади.

Алишер Навоий адабий-танқидий заковатининг бадиий талқинга асосланган кўринишлари, юқорида таъкидлаганимиздек, унинг йигитлик даврида Машҳад ва Самарқандда таҳсил олиб юрган йилларида намоён бўлади. «Самарқанддаги адабий суҳбатларда Алишернинг эътиборини ўзларига, айниқса, кўпроқ қаратган Мирзобек, Мирзо Хожа Суғдий, Ҳаримий Қаландар, Риёзий Самарқандий, Саид Қутб Самарқандий, Юсуф Сафоий, Шайхим Суҳайлий каби шоирлар бор эди. Алишер мана шу шоирлар иштироки билан Фазлуллоҳ Абулайсий, Алойи Шоший, Муҳаммад Олим Самарқандий, Хожа Хисрав мударрислик қилиб турган мадрасада адабиётнинг турли назарий масалалари, шеър санъати, аруз баҳрлари устида ва мактабдошларининг баъзи бир шеърлари муҳокама қилинган суҳбатларда, мунозараларда актив қатнашар эди». [III, 101, 96-104]

Шу даврдаёқ Навоийнинг поэтика соҳасидаги чуқур назарий билимлари ва бадиий маҳорати уни ўз доирасидаги ижодкорлар даврасидан кўтарилиб, анча машҳур шоир ва амалдорлар даврасида ҳам эътиборга сазовор бўлишига сабаб бўлади. Хондамир ўша даврнинг анчайин машҳур зуллисонайн шоири Шайхим Суҳайлийнинг бир қасидасини кўриб беришни Навоийдан илтимос қилганлигини ҳикоя қилиб ёзади: «Бир вақтда Самарқанд шаҳри гўзал сифатли Амирнинг нурли юзларидан жаннат каби эди. Амир Низомиддин Суҳайлий Мирзо Султон Аҳмадни мадҳ этиб, тизма йўсинида бир қасида тузиб, олий ҳазратнинг назарига етказди ва уни тузатиб беришни сўради. Бу зот қасиданинг байтларини мутолаа қилиб айтдилар: Мадҳ этилмишнинг исмига зийнатланган байтлардан сўнгги байтдан кейин бир байт орттириш керакки, сўз бир-бири билан боғлансин». [II, 16, 48-6.]

Бу фикрларни биз шу мақсадда келтирдикки, буюк мутафаккир ҳар қандай поэтик матнга баҳо беришда, энг аввало, унинг бадиий асар сифатида тузилиш жиҳатидан яхлитлиги, бутунлигига, ғоявий-семантик, мантиқий аҳамиятига, фикрлар изчиллиги, хулосалар асосланганлигига ва, айниқса, синтактик бирикмалар, гап тузилиши усуллари, бадиий тасвир усулларига катта эътибор берган. Худди шу нуқтайи назардан ва шундай таҳлил услубида биз шоирнинг ўз девонлари ҳолати, ғазаллари матнларига назар ташлайдиган бўлсак, буюк ижодкор тасвир маҳорати, таҳлил ва талқин усуллари ва шу билан боғлиқ поэтик услуби қирраларига доир кўпгина маълумотларга эга бўламиз.

Алишер Навоий девонларининг бугунги кундаги ҳолати (қўлёзмалар ва нашрлар нуқтайи назаридан) адабиётшунослигимизда изчил ўрганилмаган масалалардан биридир. Шоирнинг туркий тилда тартиб берган девонлар таркиби, тузилиши, мазмун-мундарижаси, ғазаллар матнлари, ғазаллар девондан девонга кўчирилганда юз берган ўзгаришлар, шу муносабат билан поэтик матнлар таҳлили ва бошқалар фанимизда кейинга қолдириб бўлмайдиган вазифалар қаторига киради.

Бу соҳадаги изланишларимиздан шу нарса маълум бўлдики, турли девонлар таркибига кирган ғазаллар матнларида катта фарқлар бор экан. Навоий девонларининг қўлёзма, тошбосма ва нашр этилган нусхаларида битта ғазал матни турли ўзгаришлар билан уч-тўрт кўринишда учрайди. Бу ҳолат бевосита ушбу матнларнинг энг охирги, мукаммал матнини топиш эҳтиёжини туғдиради. Аммо Навоий ғазалларининг муаллиф нусхалари бизгача етиб келмаганлиги сабабли, биз ҳозирча бу эҳтиёжни қондириш имкониятидан маҳруммиз. Шунга қарамай, девонларнинг изчил таҳлили, ғазаллар матнлари талқини ва қиёсий ўрганилиши анча самарали бўлиши мумкинлиги назарда тутилди. Матнларда кўзга ташланган ўзгаришлар уч хил сабаб билан содир бўлган бўлиши мумкин: муаллиф редакцияси натижасида; котибларнинг эътиборсизлиги ёки турли саводхонлик даражаси ту-

файли ва транслитерация оқибатида. Юқорида таъкидлаганимиздек, муаллиф редакцияси ёки тузатишлари хусусида фикр билдира олмаймиз; тасарруфимизда аслият бўлмаганлиги сабабли бу ҳақда мулоҳаза юритишга маънавий ҳуқуқимиз йўқ. Вазиятдан келиб чиқиб, мавжуд поэтик матнларнинг талқинини амалга оширишни ва шунинг асосида матннинг аслиятга яқин нусхасини аниқлаш, фикр ва хулосаларимизни далиллашни лозим кўрдик. Талқинда герменевтика принципларини ҳам назарда тутдик.

Аммо Навоий девонларини қиёсий жиҳатдан текшириш ва уларга ёзилган икки дебочани чуқур ўрганиш «Алишер Навоий ижодида таҳрир тенденцияси ҳам бўлган», деган фикрга келишимизга сабаб бўлди. Шу боис матн талқинига киришишдан олдин «ушбу матн вариантларининг юзага келишида баъзан муаллиф иштироки бўлган бўлиши мумкин», деган мулоҳазани ҳам рад этмадик. Шу хусусда батафсилроқ фикр юритайлик.

Алишер Навоий адабий-танқидий қарашлари XX аср ўзбек адабиётшунослигида анча мукаммал ўрганилган бўлиб, бу мавзунинг махсус ва муфассал таҳлили Абдураҳмон Саъдий, А.Ҳайитметов, Б.Валиҳўжаев, С.Ғаниева ва Ҳ.Қудратуллаевлар тадқиқотларида амалга оширилди. Бироқ Навоий ижодининг бу соҳадаги барча кўринишлари ва хусусиятлари илмий нуқтайи назардан текширилган ушбу асарларда ҳам Навоий адабий-танқидий фаолиятининг муҳим кўринишларидан бири бўлмиш ижодий таҳрир масаласига махсус муносабат билдирилмайди.

Ижодий таҳрир масаласи ўзбек адабиётшунослигида 60- йилларнинг бошларида Навоий лирикасини адабий тур ва жанрлар нуқтайи назаридан ўрганиш доирасида [II, 108.], унинг илк лирикаси эволюциясига доир тадқиқотлар [II, 43, 44] таркибида кўрина бошлади. Бунга қадар бу масалага Навоий даврида турли адабий жанр ва услубда бизгача етиб келган бирор манбада ёхуд адабиётшуносликда яратилаётган илмий тадқиқотда шоир поэтик услуби масалалари билан боғлик махсус илмий-текшириш объекти сифатида қаралгани йўқ. Ваҳоланки, Навоий биографияси, адабий-танқидий қарашлари, уни қуршаган адабий муҳит ҳақида маълумот берувчи қимматли манбаларда шоирнинг йигитлик давридаёқ (Машҳад ва Самарқандда таҳсил билан банд бўлган йилларида) ўз мактабдош дўстлари ва шу давр анчайин машҳур шоирларининг бадиий яратмаларини таҳрир этиб, уларга муҳим тузатишлар киритганлиги воқеалари ҳикоя қилинади. Навоийнинг буюк мутафаккир олим сифатида етук даврида яратилган «Мажолис ун-нафоис» тазкираси, «Мезон ул-авзон» ва «Муншаот» каби асарларида хабар берилишича, шоир, айниқса, поэтик матнга нисбатан ниҳоятда қаттиққўл бўлган. Навоий учун ҳар қандай ижодий яратмани бадиий-эстетик нуқтайи назардан таҳлил қилиш, унинг адабий канонлар ва эстетик дид юзасидан бенуқсон бўлишини талаб қилиш жуда муҳим эди.

Алишер Навоий ижодида таҳрир тенденцияси бўлганлиги ҳақида адабиётшунослигимизда баъзан бевосита, баъзан билвосита фикрлар билдирилган. Жумладан, Навоий лирик ижодида амалга оширилган ижодий таҳрирларга адабиётшунос олимлар проф. Е.Э. Бертельс, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, С.Ғаниева, А.Абдуғафуровлар ўз асарларида муносабат билдирганлар. А.Ҳайитметов Навоийнинг машҳур маснавийси – Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубига бағишланган мақоласида бу лирик асарнинг таҳрир этилиши сабаблари ҳақида фикр юритади. [III, 121, 273-291-6.]

Муаллифнинг фикрича, Навоийнинг 25 ёшларида ёзилган бу асар унинг икки аввалги девонига киритилмай, кейинчалик таҳрир этилиб «Ғаройиб ус-сиғар» девонига жойлаштирилишига даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеа, ҳодисалари сабаб бўлган. Яъни: «...бу асарда темурий подшоларидан Абусаид даври қаттиқ қораланган бўлиб, Абу Саид давридаги ҳақсизлик ва адолатсизликларнинг илдизлари кейинги ҳукмрон темурийлар даврида ҳам кавлаб ташланмаган эди. Навоий бу асарни илгариги девонларига киритганда,

халқнинг кейинги темурийлардан ҳам норозилигини кучайтиришга, Султон Ҳусайн Бойқаро давлатини мустаҳкамлашга эмас, балки сусайтиришга бевосита хизмат қилган бўларди. Навоий эса буни истамас эди. Шунинг учун ҳам Навоийнинг отахон устози Саййид Ҳасан Ардашернинг шахсий адресига ёзилган, шартли равишда нома жанрига тааллуқли бўлган, аслида эса шахсий хат доирасидан анча четга чиқиб, ўз даврига айбнома даражасига кўтарилган бу тарихий ҳужжат, адабий хат «Хазойин ул-маоний» девони тузилгунига қадар сир тутилган, шоир замондошларига кенг маълум бўлмаган. Аммо Навоий бу муҳим адабий-сиёсий асарга ўзининг сўнги мукаммал «Хазойин ул-маоний» девонидан ўрин бермасликнинг иложини топа олмаган. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, асар Навоий лирик асарларининг сўнгги редакциясига асли ҳолича эмас, баъзи ўзгариш ва тузатишлар билан киритилгани эҳтимолдан узоқ эмас». [III, 121, 273-б.]

А.Ҳайитметов «Навоий даҳоси» китобига кирган «Навоий ижодида таҳрир масаласи» номли мақоласида бу масалага яна қайтиб, асарнинг вақт ўтиши билан шоир томонидан маълум даражада таҳрир қилинганлиги воқеасига бир равшанлик киритади. Муаллиф унинг проф. Ҳамид Арасли томонидан «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида[17] эълон қилинган Ҳусайн Бойқаронинг «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» даги варианти билан «Ғаройиб ус-сиғар» нинг барча қўлёзма нусхалардаги вариантларини солиштиради. Бу текширувдан маснавийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро рисоласи вариантидаги сўнгги тўрт байти «Хазойин ул-маоний» вариантларида йўқ эканлиги маълум бўлади. Бундан ташқари, баъзи сўз ва ибораларнинг ўзгартирилиш ҳодисасига ҳам муаллиф диққатини жалб этади. Асарнинг Султон Ҳусайн вариантидаги охирги тўрт байти ўз мазмуни ва услуби жиҳатидан Навоий қаламига мансуб эканлигига шубҳа қилмаган олим, бу байтларнинг «Хазойин» вариантида тушириб қолдирилганлиги сабабини асар ғоявий-семантик тузулиши нуқтайи назаридан келиб чиқиб, қўйидагича изоҳлайди: «...биринчидан, «Хазойин ул-маоний» тузилаётганда бу даъвони қилишга (Яъни шоир «Шаҳнома» дек достонни ўттиз йилда эмас, икки-уч йилда ёзиши мумкинлиги ҳақида гапиради - С.Д.) ўрин йўқ эди. Бу вақтда Навоий ўз «Хамса» сини яратиб бўлган эди. Чиндан ҳам улуғ асарни у икки йилда ёзиб тугаллаган эди. Навоийнинг назм соҳасидаги бу қаҳрамонлиги билан Султон Ҳусайн ҳам ўз рисоласида чин қалбидан фахрланади. Иккинчидан эса, фахрия характеридаги бу хил гаплар Навоийнинг «Хамса»га кирган достонларининг бир қанча ўринларида, хусусан, «Садди Искандарий» нинг тугалланиш қисмида айтилган. Ўша гапларни бу ўринда яна такрорлашни Навоий ўзига эп кўрмаган бўлса керак». [III, 123, 155-б.]

А. Абдуғафуров «Машҳур маснавийнинг тўрт номаълум байти» мақоласида ушбу маснавийнинг «Хазойин ул-маоний» га киритилмаган тўрт байтини Ҳусайн Бойқаро 1485 йилда ёзилган рисоласига киритиши тафсилотларини қўйидагича шарҳлайди: «...бироқ Ҳусайн Бойқаронинг ўз рисоласида худди шу байтларни келтиришига жиддий зарурат бўлган. Бугина эмас, бизнингча, Бойқаронинг маснавийдан катта бир парчани келтиришдан асосий мақсади ҳам, ана шу тўрт байтдаги маънони таъкидлаш бўлган. У парчадан олдин ҳам, ундан кейин ҳам, асосан шу тўрт байтнинг мазмунига ишора этади: «Навоий «Хамса» ни агар киришсам, қисқа муддатда ёзиб тугатаман, деб даъво қилган эди. Мана, эндиликда ўз сўзининг уддасидан чиқа олди», - демоқчи бўлади:

«Хотирға ўзининг (Навоийнинг - А.А.) маснавийларидан неча байт келурким, бу айтилатурғон маънида назм қилибдурур, ва ул будур», деб шоирнинг ўз сўзларини мисолга келтиради...» [III, 6, 71-б.]

Кўринаётганидек, Навоийнинг ўз асарлари устидаги ижодий таҳрирлари шоир ижодининг давр реал воқелиги билан боғлиқ баъзи жиҳатларини ифода этувчи мантиқий асосларга ҳам эга эканлигини кўрсатади.

А.Абдуғафуров «Хазойин ул-маоний» девонларининг тузилиши даврига оид тадқиқотларида бу девонларнинг Навоий томонидан уч қайта таҳрир этилганлиги ва уларнинг охирги редакцияси 1498 йилга тегишли эканлиги хусусида фикр юритади. Олимнинг хулосаларига кўра, Навоий бу девонларини янги ёзилган шеърлар билан мунтазам тўлдириб борган. Девонларнинг иккинчи редакцияси 1494-95 йилларда, учинчи редакцияси эса 1498 йилда якунланади. Муаллиф кузатувларини Навоий девонларининг таркиби (ҳажм жиҳатидан) юзасидан олиб борар экан, шоир таҳрирларида ғазаллар матни соҳасида кўзга ташланган ўзгартиришларни ўрганишни мақсад қилиб қўймайди.

«Хазойин ул-маоний» девонлари Навоий қўлёзма вариантларининг сақланмаганлиги тадқиқотчи учун катта қийинчиликлар туғдиради. «Зикр этилган девонларнинг худди ўша тўқсон биринчи йиллари кўчирилган қўлёзма нусхаларининг илмда ҳануз номаълум эканлигидан уларнинг ҳажми, ички қурилиши ҳамда шеърий жанрлар бўйича мундарижаси хусусида аниқ фикр юритиш қийин». [III, 9, 3-б.]

Шу ўринда биз икки муҳтарам адабиётшунос олимнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, масалага битта аниқлик киритишни лозим топдик. А.Ҳайитметов Навоийнинг машҳур маснавийси тўрт байти маълум муддатгача сир тутилган, дейди ва бунинг сабабларини тушунтириб беришга ҳаракат қилади. Аммо А.Абдуғафуров Ҳусайн Бойқаронинг 1485 йилда ёзилган рисоласида бу байтларга муносабат билдирилганлиги ҳақида ёзиб, уларнинг «Хазойин ул-маоний» девонларининг биринчи редакцияси тузилгунига қадар, яъни 1491 йилга қадар аллақачон ошкор ва машҳур бўлганлигини баён этади. Кўринаётганидек, бу нарса отахон олим мулоҳазаларини рад этади.

А.Ҳайитметов Навоий таҳрирларининг илмий аҳамиятини икки жиҳатдаи белгилаб беради. Биринчидан, Навоийнинг ижодий таҳрирлари унинг ижтимоий-сиёсий фаолияти ва мураккаб тарихий даврда кечган шахсий ҳаёти билан боғлиқ баъзи масалаларга ойдинлик киритиш учун хизмат қилиши мумкин. Бу ўз навбатида турли давр ва шароитларда шоирнинг ёши улғайиши ва руҳияти билан боғлиқ ижодий жараён хусусиятларини, жумладан, ижодий таҳрирни ҳам махсус илмий текшириш лозим эканлигини тақозо этади.

Иккинчидан, муаллиф Навоийнинг машҳур маснавийси мазмунини унинг «Хамса» га кирган достонлари билан қиёсий ўрганар экан, маснавийдаги баъзи байтларни таҳрир қилиб, «Хамса» достонларига киритилиши ҳодисасини шоир эпик стили ва реалистик тасвир услуби такомили масалалари билан боғлайди. Бу фикр бевосита ижодий таҳрирнинг умуман Навоий поэтик услуби такомилида муҳим ўрин тутганлиги фактини яна бир карра изоҳлайди.

А.Ҳайитметов Алишер Навоий ижодида кўзга ташланган ижодий таҳрир шамойилини яна бир муносабат билан таъкидлаб ўтади. Олим ўзининг «Хазойин ул-маоний» девони такмили ва Ҳусайн Бойқаро» номли мақоласида икки дебочадаги фикрларга эътиборни қаратар экан, Навоий девонларини ғазаллар яратилган йилларга қараб хронологик тартибда тузмоқчи бўлган, деган мулоҳазани ўртага ташлайди. Олимнинг фикрларига кўра, «Ғаройиб ус-сиғар» девони такмилида бевосита шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг ҳам иштироки бўлган.

Аммо А.Абдуғафуров «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари» номли мақоласида (бунгача олимнинг шу мавзуга яқин икки мақоласи эълон қилинган эди) Навоий ижодидаги таҳрир тенденциясини инкор этмагани ҳолда, таҳрир деб аталмиш ҳодиса шоир дебочаларида

қайд этилган даража ва миқёсда, айниқса, Ҳусайн Бойқаро ва кўпчилик ижод аҳли иштирокида амалга оширилмаганлигини таъкидлайди. Олимнинг қарашларига кўра, «Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» мажмуаси, шунингдек, аввалги икки девони, Султон Ҳусайн Бойқаронинг «ҳукму хитоби» – хоҳиш-иродаси билан тузилди, мазмунидаги дебочаларда баён қилган «иқрорномаси» ни Шарқ шеъриятида турлича жилоланувчи фахрия санъатининг ўзига хос бир кўриниши, буюк шоир усталик билан қўллаган бадиий усул деб тушуниш керак».

Олим ўз хулосаларини изоҳлашда рад этиб бўлмайдиган далиллар келтиради. Жумладан, «Муншаот» асаридан 41-ўринда жой олган шоирнинг Султон Ҳусайн Бойқарога йўллаган бир мактуби мазкур масала ечимида муҳим аҳамиятга эгадир. Мактубни мазмунан «Хазойин ул-маоний» дебочаси билан қиёслар экан, олим шундай фикрларни баён этади: «Аммо мактуб билан дебоча ўртасида жиддий тафовутлар борки, улар бизга жуда муҳим кўринади. Гап шундаки, дебочада «Хазойин ул-маоний» Ҳусайн Бойқаро ташаббуси, даъват ва ҳатто махсус фармони билан тузилганлиги, иш жараёнини шоҳ доимо жиддий кузатиб боргани, муттасил равишда маънавий рухлантириб, рағбатлантириб тургани чуқур миннатдорчилик билан қайд этиладики, булар хусусида мактубда ҳатто ишора ҳам йўқ.

Бугина эмас, дебочадаги девонларга жойлаштириш учун тайёрланган шеърлар пешма-пеш Ҳусайн Бойқаронинг «кимёасар назарига етказилар», у эса ҳар бирини кўздан кечириб, нуқсонларини тузатиб, «тағйир бериб, зебу зийнатлаб камолга етказар эди, «ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрнига рақам қилур эрди» каби жиддий мазмун мутахассисларни ҳайрат ва таажжубга солиб келарди.

Чиндан ҳам, наҳотки Навоий шеърлари девонлар тузиш жараёнида Ҳусайн Бойқаро томонидан бирма-бир ўқиб чиқилган, тузатилиб, таҳрир этилган бўлса? Наҳотки, дебочада айтилганидек, Навоий Ҳусайн Бойқаронинг «таълимларин» ўзига дастур қилиб, «ҳамул дастур била» тўрт девонини тузган бўлса? – каби саволлар жавобсиз қолмоқда эди. Эндиликда, аслида бундай бўлмаган, деб аниқ айта оламиз.

Биз таҳлил этган мактубда, юқорида кўрганимиздек, бундай мазмун йўқгина эмас, ҳатто девонлар то тайёр ҳолга келгунига қадар Ҳусайн Бойқаро улардан бехабар бўлганлиги англашилади. Тўрт девонни бир мажмуага бирлаштириб, «Хазойин ул-маоний» деган умумий номнинг берилиши ҳам дебочада, девонлардаги «маъни гавҳарлари барча ул ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро - А.А.) нинг табъи баҳридин ва зеҳни конидин ҳосил бўлган» лигидан, «алфоз ва иборат хазойини ҳамул маънилар гавҳарларидин тўлган» лигидан дейилса-да, аслида, у 1494-95 йиллардаёқ Навоийнинг ўзи томонидан қўйилганлиги мактубда равшан қайд этилганки, биз уни юқорида кўриб ўтдик». [III, 9, 13-6.)

Мақолада олим ўз фикрларини ривожлантирар экан, шундай деб ёзади: «1494 йил охири 1495 йил бошларида Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактубида эса бу ишни амалга оширганини очиқ-ойдин таъкидлайди:

«Дағи (девонлар - А.А.) мажмуиғаким, махлут битилиб дурур - чун табъ хазойинидин ҳосил бўлғон маоний эрди - «Хазойин ул-маоний» лақаб берилди...»

Жомий билан бўлган суҳбатда эса, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, Хусрав Деҳлавий девонлари ва уларнинг номланиши ҳақида Навоийнинг ўзи сўз очган. Бошқача айтганда, Навоийнинг ўз фикрлари дебочада Ҳусайн Бойқаро тилидан қайта баён этилган...

Шу алоҳида эътиборга лойиқки, Навоий қолдирган маълумотлар бўйича, бу редакцияларнинг аввалги иккисида Ҳусайн Бойқаронинг мажмуа тузилишидаги улкан хизматлари ҳақида бирор сўз, ҳатто шама ҳам йўқ. Юқори парда ва очиқ-ойдин мадҳия руҳида битилган бу таъкидларнинг ҳаммаси «Хазойин ул-маоний» нинг 1498 йилда амалга оширилган ва Ҳусайн Бойқаро номига бағишланган учинчи редакциясига махсус ёзилган

дебочада ҳукмрон ва яқин дўстга нисбатан изҳори лутф тарзида ва айни замонда, ўзига хос фахрия ифодаси тарзида майдонга келган». [III, 9, 15-16-6.]

Бошқа бир мақолада муаллиф бу масалага яна қайтиб, қуйидагиларни баён этади: «... гарчи Навоийнинг ўзи гувоҳлик берган бўлса-да, Ҳусайн Бойқаро унинг назмини қусурли ва таҳрирга муҳтож деб ҳисобламаган, «ислоҳ» этмаган, қалам чекиб «тағйир» киритмаган, ва шу боис, улуг шоир шеъриятидаги «зеб-у зийнатлар» га унинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу ҳақдаги Навоийнинг ўз «эътирофлари» эса шарқона одоб, дўстона лутф, самимий эҳтиром ҳамда аркони давлат томонидан сарой муҳитида ўрнатилган анъаналар ва муомала меъёрлари, жумладан, тахт соҳибини ҳар жиҳатдан қобилиятли ва истеъдодли, ҳар соҳага раҳнамо ва ҳомий кўрсатиш расмининг таъсири билан тўла изоҳланади. Навоийнинг бу таъкидлари моҳиятан унинг сўнгги ўттиз йиллик ижодий фаолиятида кўзга ёрқин ташланувчи Ҳусайн Бойқаро мадҳининг бир кўриниши ва давомидир». [III, 14, 11-6.]. Биз олимнинг ушбу чуқур мантиқий ва илмий далилланган фикрларига тўлиқ қўшилган ҳолда, Навоий девонлари такмили ва шоир ижодий камолотида давлат бошлиғи Султон Ҳусайн Бойқаронинг бевосита катта хизмати бўлганлигини ҳам эътироф этмоқни лозим топамиз. Навоий ижодида жузъий қайта кўриб чиқишлар бўлган, аммо бу ҳодиса тузатиш ёки бировнинг аралашуви кўринишида эмас, балки янги илҳом, аввал ёзилган шеърларга янги муносабат шаклида кўзга ташланган. Кўринаётганидек, бу бугунги кунда ўрганилиши ва муносабат билдирилиши лозим бўлган масалалардан биридир. Бизнинг ишимиздан аввалги адабиётшунослар асарларида «ижодий таҳрир» термини қўлланилади. Биз ҳам шу нарсани инкор этмаймиз ва ишимизнинг махсус бобида бунга алоҳида тўхталамиз.

Ижодий таҳрирнинг Навоий илк лирикаси эволюцияси масалалари аспектида ўрганилиши шоир поэтик услубининг балоғат босқичларини яна бир ўзига хос йўсинда кузатиш методига асос солди. Бу метод «ёзувчи ижодий процессининг қонуниятларини аниқлашга, унинг динамикаси, ижодий методи ва индивидуаллигини очишга имконият туғдиради. Айни замонда вариантларни ўрганиш ёзувчи услубининг хилма-хил формаларини, унинг етакчи эстетик принципларини аниқлашга, қисқаси, ёзувчи дунёқарашининг эволюциясини белгилашга имкон беради». [111, 45, 121-6.]

Ё.Исҳоқов шоирнинг «Илк девон» идан «Хазойин ул-маоний» девонларига кўчган ғазалларидаги тузатишларга илк бор поэтика қонуниятлари ва тил хусусиятлари нуқтайи назаридан аналитик услубда ёндашади. Олим Навоий байтларидаги таҳрирларнинг стилистик, бадиий тасвир принциплари, фикрнинг конкрет намоён бўлишига эришиш соҳасидаги хоссаларини аниқлайди.

Навоийнинг «воқеълик ҳақидаги фикрларини фалсафий умумлашмалар даражасига кўтариш ва фалсафий хулосаларга сиёсий руҳ беришга интилиш» [III, 45, 132-6.] ниятида ғазалларига киритган таҳрирлари анализи муаллифга шоир эволюцияси хусусиятлари юзасидан баъзи хулосавий фикрларни билдиришга имкон беради. Шунингдек, асарда вариантларнинг ҳосил бўлиш сабаблари ҳам изоҳланади. Жумладан, бу сабаблардан бири сифатида шоирнинг ёшлигида форс тилида кўпроқ машқ қилганлиги, «илк ижодини форс тилида бошлаган ёш шоирнинг дастлабки ўзбекча шеърлари услубига ана шу ҳолнинг таъсир қилган бўлиши мумкинлиги» [III, 45, 135-6.] тарзидаги мулоҳаза билдирилади.

Демак, Навоий ижодидаги таҳрир ҳодисаси таҳлили унинг нафақат поэтик услуби тадрижини, балки ҳаёти, маҳорати, ғоявий принциплари, эстетик мавқеъи – умуман ижодиёти билан боғлиқ жуда кўп масалаларни илмий ёритишга имкон яратади.

Алишер Навоий юксак даражага етказган, ўз замонасидаги кўпчилик туркий халқларга яқин ва тушунарли бўлган ўзбек адабий тили ва бу тилда яратилган бетимсол адабий

мероснинг [III, 37,1 8-б.] жаҳон миқёсида шухрат қозонишига шоир кўплаб нусхалардаги асарлари қўлёзмаларининг узоқ ва яқин ўлкаларга кенг тарқалганлиги ҳам сабаб бўлди. Машҳур тарихчи Хондамирнинг хабар беришича: "Ғоятда очиқ ва енгиллиги, ажойиб маънолар билан безалиши, сўз бойлиги ва бетакаллуфлиги, зўракиликнинг йўқлиги орқасида, оз муддатда бу бадиий байтлар ва тўла зийнатли назмларнинг латифлик ва поклик шуҳрати шу даражага еттики, дунё теварагидаги мамлакатларнинг подшолари атайлаб Ҳирот пойтахтига сухандон элчилар юбориб, санъат нишонли куллиётларни талаб қилдилар». [II, 16, 50-51-б.]

Навоийнинг юксак гуманизм ғоялари билан суғорилган асарларига бўлган маънавий эҳтиёж кейинги асрлар давомида янада ошди ва натижада шоирнинг минглаб нусхалардаги нодир қўлёзмалари дунёга келди. Адабиётшуносликнинг муҳим тармокларидан бири бўлмиш текстология фани Навоий қўлёзмаларининг энг кадимий ва илмий-бадиий қиммати юксак даражада бўлган нусхаларини аниқлаш ва жиддий муқояса килишни талаб этади. Албатга, бундан кўзланган асосий мақсад, Навоий асарларининг илмий-танқидий текстларини яратиш ва такомиллаштиришдан иборатдир.

Навоий асарлари, шу жумладан, унинг лирикаси соҳасида олиб бориладиган текстологик тадқиқотлар адабиётшунослик тараққиёти учун икки йўналишда хизмат қилади: 1) Навоий шеъриятининг илмий-танқидий текстини яратиш ва бу асосда шоир лирикаси илмий ва илмий-оммабоп нашрларини амалга ошириш учун; 2) мазкур соҳадаги текширувлар Навоий лирик мероси юзасидан олиб бориладиган назарий характердаги илмий тадқиқотлар учун ҳам асосий замин вазифасини ўтайди.

Навоий лирик меросини текстологик нуқтайи назардан ўрганиш соҳасида амалга оширилган энг биринчи катта тадқиқот Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Республика Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, филология фанлари доктори Ҳ.С.Сулаймоновнинг 1961 йил октябрь ойида ҳимоя килган «Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқоти» мавзусидаги докторлик диссертациясидир.

Йирик олим Навоий девонларининг жаҳон китоб хазиналарида сақланаётган 200 дан ортиқ турли нусхаларини кўриб чиқиб, улардан 20 тасини тадқиқот учун асос қилиб олади ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг автор редакциясини яратади. Бундан ташқари, шоир девонлари фотонусхаларини синчиклаб ўрганиш, ўнлаб кўлёзмаларни бир-бирига солиштириш натижасида олим Навоийнинг ҳали фанга номаълум бўлган икки расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» ни аниклади. Навоийнинг форсий шеърлар тўплами «Девони Фоний» ҳам бевосита Ҳ.Сулаймоновнинг сермашаққат изланишлари натижасида фанга маълум этилди. Ана шу қўлёзмалар асосидаги изланишлар жараёнида у Навоий шеъриятининг хронологияси, таркиби, мундарижаси каби бир қанча муҳим илмий муаммоларни ҳал этади.

Ҳ. Сулаймонов кўп йиллик меҳнат ва узоқ изланишлар самараси сифатида юзага келган Навоий лирик асарлари мукаммал текстларининг нашрлари масаласига ҳам жиддий эътибор берди. «Хазойин ул-маоний»нинг олим томонидан тикланган автор редакцияси 1959-60 йилларда Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётида чоп этилди. Олимнинг бу илмий фаолияти Навоий лирикасининг кейинги даврдаги тадқиқотчилари учун кенг ва қулай имкониятлар яратди. «Навоий девонларини текшириш натижасида Ҳ. Сулаймонов чиқарган илмий хулосалар биринчи галда шунинг учун ҳам қимматлики, қўлёзмаларнинг аксарияти Навоий ҳаётлигида яхши котиблар томонидан кўчирилган, кўпларининг колофонида кўчирилиш саналари бор». [III, 123, 158-б.]

Ҳ.Сулаймоновнинг 1967 йилда Ўзбекистон ССР ФА Давлат Адабиёт музейига асос солиши ва унга раҳбарлиги даврида Навоий лирик меросининг кейинги илмий тадқиқотлари ва илмий ҳамда оммавий нашрлари учун замин яратилди.

Навоий асарларининг 60-йилларда нашр этилган кўптомли тўпламлари улуғ шоир адабий меросининг ягона илмий-танқидий текстини тузиш ишини янада такомиллаштириш учун хизмат қилди, бу соҳадаги кўпгина масалаларни, чигалликларни ҳал этишга йўл очди.

Биз юқорида Навоий кўптомликларининг ўзбек ва рус тилларидаги нашрлари хусусида фикр билдирган эдик. Аммо 1987 йилдан бошлаб ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти томонидан шоир мукаммал асарлари тўплами нашрларининг амалга оширилиши адабиётшуносликнинг жуда кўп соҳаларида жиддий қидирув ва тадқиқот ишларини олиб боришга даъват этдики, биз бу ҳакда махсус тўхталмоқчимиз.

Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонлари Ҳамид Сулаймонов томонидан Париж Миллий кутубхонаси ва Британия музейидаги қўлёзмалар асосида фанга маълум этилган эди. Кейинчалик бу девонларнинг Тошкент нусхалари ҳам аниқланди. Жумладан, «Наводир ун-ниҳоя» девонининг ягона нодир қўлёзмаси ҳақида 1968 йилда Порсо Шамсиев «Навоий асарларининг янги топилган қўлёзмалари» иомли мақоласида маълумот беради. [III, 76, 307-308-6.]. Орадан йигирма йиллар муддат ўтгач, бу девонларнинг текстологик таҳрир этилиб биринчи марта чоп этилиши адабий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Бу адабий ҳодисанинг муҳимлиги шундаки, биринчидан, Навоий МАТининг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонлари билан бошланиши шоир лирик меросини унинг табиий хронологик тартиби асосида ўрганиш учун имкон яратади.

Иккинчидан, бу ҳодиса Навоий расмий ижодий жараёнининг бошланиш даври ҳақида тасаввур ҳосил қилиб, унинг лирикаси бадиий эволюциясини мукаммал ўрганишга кенг йўл очади.

Учинчидан, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларининг асл ҳолида, автор редакциясида чоп этилиши уларни шоирнинг лирик асарлари куллиёти бўлмиш «Хазойин ул-маоний» девонлари билан қиёсий-типологик тадқиқ этиш ва шу асосда шоир поэтикасига оид кўпгина масалаларга ойдинлик киритиш учун ҳам хизмат қилади.

Тўртинчидан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг тўлиқ нашр этилиши билан Навоийнинг фақат илмий доиралардагина маълум бўлган икки дебочасидан яна бири кенг илмий ва адабий жамоатчилик ҳамда ўқувчилар оммаси ҳукмига ҳавола этилдики, бу бевосита адабиётшуносликнинг баъзи муҳим масалаларига доир мунозара ва муҳокамалар, илмий тадқиқотларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бешинчидан, бу икки девоннинг нашр этилиши Навоий ижодида муҳим ўрин тутган бадиий таҳрир жараёнини аниқлаш, унинг шоир поэтикаси ва ижодий услуби такомилига бўлган таъсири масалаларини илмий ўрганиш учун имкон яратади.

Ниҳоят, мазкур девонларга кирган лирик асарлар мундарижаси асосида уларнинг тартиб берилиш даврлари, шунингдек, «Хазойин ул-маоний» девонларининг ҳам тузилиш даври, қолаверса, Навоийнинг ҳар бир лирик асарининг яратилиши масаласига аниқлик киритиш ва баъзи тарихий маълумотларга ҳам эга бўлиш мумкин.

Навоий қўлёзма девонларининг бизгача етиб келган нусхалари, фикримизча, икки жиқатдан илмий баҳоланишни тақозо этади. Биринчи тур қўлёзмалар шоирнинг ўзи ҳаётлиги даврида Ҳиротда кўчирилган бўлиб, бевосита унинг назаридан ўтган энг ишончли нусхалардир. Чунки чорак асрдан ортиқроқ вақт давомида Хуросон адабий муҳитини бошқариб турган, Ҳиротнинг барча котибларини шахсан билган, уларга ғамхўрлик ва

раҳнамолик қилган Алишер Навоий қайси котиб унинг девонини кўчираётганлигидан воқиф бўлмаслиги мумкин эмас эди. Бундан ташқари, янги кўчирилган ҳар бир девоннинг у ким учун кўчирилганлигидан қатъий назар, Навоий нигоҳидан ўтказилмаслиги ҳам нотабиий бир ҳол бўлур эди. Навоий эса ўз девонлари матнларидаги хатоликларга ҳеч қачон бефарқ бўлмаган. Унинг бу фазилатига «Хамсатул- мутаҳаййирин» да келтирилган машҳур мисол ҳам гувоҳлик беради». Демак, Навоий ҳаётлиги давридан етиб келган қўлёзмалар матнларининг аслиятга яқинроқ нусхалар эканлиги ҳақида хулоса қилса бўлади.

Қўлёзмаларнинг иккинчи тури эса шоир вафотидан кейин ёки унинг хабардорлигисиз кўчирилган бўлиб, бу девонлар матнларида учровчи ўзгаришларга котиблар ёки девон эгалари ҳам дахлдор бўлишлари мумкин. Масалан, «Илк девон» шу гуруҳга мансуб бўлади.

Бинобарин, Навоий назоратидан ўтган, деб тахмин қилинадиган қўлёзмаларнинг танқислиги шароитида шоир ижодиётида юз берган бадиий таҳрир жараёни ва унинг хусусиятларини ўрганиш масаласини бугунги кунда таҳлил объекти сифатида қўйиш мумкинми? Назаримизда, ҳа, қўйиш мумкин. Чунки Навоий давридан кейин кўчирилган қўлёзмалар, албатта, аслиятдан катта масъулият билан нусха олиш натижасида дунёга келган. Аммо бу қўлёзмалар ҳам оригинал девонларнинг турли вариантларидан кўчирилган бўлиши табиий. Чунончи, Навоий даврида китобат қилинган аслиятлар матнлари ҳам турли тафовутлардан холи эмас. Навоийнинг назаридан ўтган девон нусхаларида учраган тафовутлар эса бевосита ҳар янги девон тартиб берилиши даврида бу девонларга қандайдир ўзгартиришлар киритилганлиги, шоир ўз девонларини умр бўйи тўлдириб борганлигидан далолат беради. Бу ерда яна шу нарсани қайд этиш керакки, Навоий нафақат ўзининг лирик девонларини, балки насрий асарларини ҳам кўздан кечириб, уларга тузатишлар киритиб, тўлдириб борган. Бу хусусда матншунос олим М.Ҳакимов, жумладан, шундай ёзади: «Муншаот» қўлёзмаларини қиёсий ўрганиб тадқиқ этишдан шу нарса аён бўлмокдаки, Навоий бу асарни 1499 йилгача уч марта таҳрирдан ўтказиб, ҳар бир таҳрирда уни янги мактублар билан тўлдириб борган. Биринчи таҳрир қўлёзмаларида 94, учинчи таҳрир қўлёзмаларида эса 100 дан ортиқ мактуб мавжудлиги маълум бўлди». [III., 129., 24-25-6.]. Шунингдек, А.Ҳайитметов Навоийнинг ўз отахони Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубининг, С.Ғаниева эса “Мажолис ун-нафоис» асарининг таҳрир қилинганлиги ва натижада бу асарларнинг иккитадан редакцияси мавжуд бўлиб, уларнинг матнларидаги фарқлар ҳақида ҳам маълумот берадилар.

Бундан ташқари, Навоийдан кейинги давр қўлёзмалари матнларидаги турли-туманликлар характерини ўрганиш орқали уларнинг кимга тегишли эканлигини ҳам аниқлаш мумкин. Хаттотларнинг эътиборсизлиги ёки саводхонлик даражаси сабабидан девонларда пайдо бўлган ўзгаришларни, албатта, муаллиф таҳрири деб қабул қилиб бўлмайди. Бундай хатолар графикаси ёки ёзилиши ўхшаш бўлган сўзлар юзасидан содир бўлган бўлиши ҳам мумкин. Биз тадқиқот жараёнида матнлардаги бундай хусусиятга эга бўлган хилма-хилликларни таҳрир деб ҳисобламадик.

Ғазаллар матнлари вариантларини ўрганишда транслитерация хусусиятлари ҳам кўзда тутилди. Бундан ташқари, қўлёзмалардаги матнларнинг ҳар бир мисраси асарнинг илмий-танқидий матни билан солиштирилиб, энг тўғри деб топилган сўз ва иборалар таҳрирларни ўрганиш учун асос қилиб олинди. Чунки маълум бўлганидек, бу соҳада ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, улар хусусида илмий матбуотда мунтазам маълумотлар берилмокда.

Энди Навоий девонларидаги ғазаллар матнларида учраган ўзгаришлар масаласига қайтсак. Маълумки, «Бадоеъ ул-бидоя» девони 1478-1479 йилларда тартиб берилди. Биз бу соҳада А.Абдуғафуров хулосаларига қўшимча тарзда, Навоийнинг бу девонни

бир йил ичида тартиб бериши унинг характери хусусиятларидан келиб чиқиб, умуман, бу мазмундаги ижодий меҳнатни шоир ҳеч қачон узоқ йилларга чўзмаганлигини илова қилмоқчимиз. Бунга буюк «Хамса» ёки «Хазойин ул-маоний» девонларининг нисбатан жуда қисқа муддатда яратилиши ҳам мисол бўла олади. Бундан ташқари, «Бадоеъ ул-бидоя» нинг тартиб берилиши олти (1470-1476), ўн икки (1469-1481) йиллар орасида мавҳум бўлиб қолмаганлиги шоир ижоди билан боғлиқ бошқа баъзи масалаларнинг равшанлашувига ҳам имкон беради. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг 1480, 1482, 1484 ва 1486 йилларда кўчирилган қадимий нусхалари маълум. Бу девоннинг 1478-1479 йилларда Навоийнинг шахсий қўлёзма вариантларида тузилганлигини эътиборга олсак, унинг Париж нусхаси (1480) энг тўнғич нусха сифатида эътироф этилиши мумкин. Навоий «Муншаот» ида бир мактуб жойлаштирилган. Бу мактуб мазмунидан подшоҳнинг «...Паришон абъётингни жамъ қилиб, Мавлоно Султонали Машҳадийға ёздуруб, ҳазратимизга юборғил», деган фармони бўлганлигини ўқиймиз. Лекин мактуб давомида шоир бу вазифани бироз кечроқ адо этганлиги учун узр сўраб, уни Мавлоно Мир Ҳусайн Бовардийдан бериб юбораётганлигини ёзади. [II, 5,13-т., 104-105-6.]. Бу мулоҳазалар «Бадоеъ ул-бидоя» нинг илк нусхаси унинг Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Шоирнинг иккинчи, «Наводир ун-ниҳоя» девонининг икки нодир қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар 1480 йиллар ўрталарига тааллуқли. Демак, бу давргача, аниқроғи, 1487 йилгача «Бадоеъ ул-бидоя» девони тўрт марта кўчирилган ва бу нусхаларнинг ҳар бири Навоий нигоҳидан ўтганлиги ёки унинг кўрсатмаси билан кўчирилганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Биз «Бадоеъ ул- бидоя» қўлёзмаларидаги ғазаллар таркибини ўрганишимиз жараёнида девоннинг Париж (1480), Британия (1482) ва Боку (1484) нусхаларида бор бўлган 83 ғазал унинг Тошкент (1486) нусхасига киритилмаганлигининг гувоҳи бўлдик[28]. Бу ғазаллардан 76 таси «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритилган бўлиб, уларнинг аксари ошиқона ва ижтимоий мавзулардаги ғазаллардир. «Наводир ун-ниҳоя» девони «...1486 йилда тузилган деб тахмин қилинади». [III, 6, 62-6.]. А.Абдуғафуров Ҳусайн Бойқаронинг «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» асари 1485 йилда ёзилганлигини тасдиқловчи хулосаларида бу асарда Навоийнинг фақат битта девони – «Бадоеъ ул-бидоя» ҳақида фикр билдирилганлигини таъкидлайди. «Наводир ун-ниҳоя»нинг эса 1487 йилда кўчирилган нусхаси маълум. Демак, 1486 йилда «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг навбатдаги нусхаси кўчирилиши даврида Навоий «Наводир ун-ниҳоя» девонини тузиш билан банд бўлган ёки уни тузиш ишини якунлаган. Ана шу мулоҳазаларни эътиборга оладиган бўлсак, назаримизда шоир бу ғазалларни «Наводир ун-ниҳоя»га киритиш ниятида “Бадоеъ ул-бидоя» таркибидан чиқариб олган бўлиши ҳам мумкин. Чунки «Бадоеь ул-бидоя» девонининг ҳозирча бизга маълум бўлишича, тўртинчи бор китобат қилинишида ҳали ёш бўлган котиб – Султонали Машҳадийнинг шогирди Али бинни Нур ўз ихтиёри билан бу девоннинг аввалги шоҳона нусхаларида бор бўлган ғоятда бадиий юксак 83 ғазални янги қўлёзмага киритмаслиги мумкин эмас эди. Ваҳоланки, Навоий бу девонга ёзган дебочасида унинг ўзига хос, янги мазмун ва руҳдаги таркиби хусусида махсус тўхталади. Бундан ташқари, Навоий илк расмий девонининг оригинал хусусиятларидан бири ҳар бир ҳарфга доир ғазалларнинг ҳамд, наът ёхуд фалсафий-ижтимоий рухдаги шеърлар билан бошланиши эканлиги маълум. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг зикр этилган қўлёзмасидан чиқариб олинган ва «Наводир ун-ниҳоя» девонидан жой олган 76 ғазалнинг бирортаси бу мавзуларда эмас. «Наводир ун-ниҳоя»га киритилмаган, қолган 7 ғазал ҳам асосан ошиқона ғазаллардир. Бундан кўринадики, «Бадоеъ ул-бидоя» нинг аввалги нусхаларида бор бўлган ғазалларни унинг кейинги

нусхасига киритмаган муҳаррир девоннинг шарқ девончилигида аввал кўрилмаган янги руҳдаги композициясига путур етказмасликка ҳаракат қилган. Шу жиҳатдан ҳам биз бу масалада Навоийнинг иштироки бўлган, деган фикрда тўхталдик. Мазкур ҳодиса Навоий ўз девонларининг қўлёзма нусхаларини ҳам жиддий кузатиб, таҳрир қилиб борганлигини тасдиқлайди. Буюк шоирнинг ўз ижодига, хусусан, ўз даври адабий анъаналарига нисбатан янги шакл ва мазмунда тартиб берган девонларига бўлган ниҳоятда катта талабчанлиги ҳам бу фикрни қувватлайди. Шу нуқтайи назардан бу ҳодисани буюк шоирнинг бутун илмий маҳсулотини кўз ўнгига келтириб, девонлари композициясини ҳам ўйлаб амалга оширган ўзига хос таҳрири деб баҳоласак хато қилмаймиз.

«Бадоеь ул-бидоя» девонидан жой олган 777 ғазалдан «Наводир ун-ниҳоя» девонига 117 ғазал киритилган. Бу ғазаллардан 38 таси янги девонга баъзи ўзгартиришлар билан киритилган. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, «Наводир ун-ниҳоя» нинг илмий-танқидий нашридан (МАТ, II т.) 862 ғазал ўрин олган, деб кўрсатилган. Аслида, девоннинг бу нашри 860 ғазалдан ташкил топган. «Юз ўтида юз қатра су не тонг хўйи ғалтонидин» ва «Неча даврон ахдининг бедодидин шиддат чекай» мисралари билан бошланувчи ғазаллар икки қайтадан – биринчи ғазал 563 ва 635 ўринларда, иккинчи ғазал эса 760 ва 838 ўринларда такрор келтирилади. «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг тўрт машҳур нусхаси (Париж, Лондон, Боку, Тошкент) га асосан бу девондаги ғазалларнинг «Хазойин ул- маоний» қайси девонига қанчадан киритилганлиги проф. Х.Сулаймонов томонидан аниқланган. Маълумки, Ҳ.Сулаймонов ўз тадқиқотлари учун «Бадоеъ ул-бидоя »нинг Лондон нусхасини асос қилиб олган. [«Хазойин ул-маоний» сўзбошиси, ХХ1-6.] 20 томлик МАТнинг биринчи томи учун эса девоннинг 1486 йилда кўчирилган Тошкент (инв. №216) нусхаси ва ундан аввал кўчирилган уч нодир қўлёзмалар фотокопияларидан фойдаланилган. Шунга кўра, «Бадоеъ ул-бидоя»нинг Лондон нусхасида 585 ғазал мавжуд бўлса, девоннинг академик нашри 777 ғазалга эга. Девоннинг ушбу илмий-танқидий нашрини «Хазойин ул-маоний» девонлари таркиби билан солиштирганда, «Бадоеъ ул-бидоя» дан «Хазойин» таркибига кирмай қолган шеърлар сонида ҳам тафовут кўринди. Яъни Ҳ.Сулаймонов жадвали бўйича «Хазойин» га 32 шеър (28 шеър «Бадоеъ ул-бидоя»дан, 4 шеър «Наводир ун-ниҳоя»дан) кирмай қолган бўлса, бизнинг кузатишларимизга кўра, 53 шеър (42 ғазал, 5 қитъа, 2 рубоий ва 3 фард) «Бадоеъ ул-бидоя»дан ва 9 ғазал «Наводир ун- ниҳоя» дан кирмай қолган. Демак, «Хазойин ул-маоний» девонларига шоирнинг аввалги девонларидан 51 ғазал, 61 шеър киритилмаган.

«Наводир ун-ниҳоя» девонидан жой олган 860 ғазалдан «Хазойин» девонларига 851 ғазал киритилган. Бу девондан «Хазойин» нинг академик нашрига киритилмаган 9 ғазал эса «Бадоеъ ул-бидоя» девони таркибида ҳам учрамади. Мазкур 9 газал фақат «Наводир ун-ниҳоя» девонига жойлаштирилган бўлиб, уларнинг биринчи мисралари қўйидагилар:

1. Хўбларда меҳр йўқ, чун меҳр йўқ ул ойда
2. Ишқ айлади юз оқилу фарзонани расво
3. Ишқ аро эйким фироқ ўтиға куйдурдинг мени
4. Висолингдин кўнгул навмид, эса дардинг чекарму ун
5. Неча даврон аҳлининг бедодидин шиддат чекай
6. Демангиз ҳар кимниким бир ёр ила бор улфати
7. Демаким оламда ошиқ сени киби кам бўлмағай
8. Холи шавқи ошти носиҳ чора еткурғон сайин
9. Эмди буэмайдур ўкуш бедод ила даврон мени.

Биз «Хазойин ул-маоний» девонларига шоирнинг аввалги девонларидан қанчадан ғазал киритилган ва киритилмай қолганлигини қўйидаги жадвалда акс эттиришга

Д Е В 0 Н Л А Р	Ғазалларнинг умумий сони	«Хазойин» девонларига	
		Киритилган	Киритилмаган
«Бадоеъ ул-бидоя»дан	777	735	42
«Наводир ун-ниҳоя»дан	860	851	9

ҳаракат килдик. Кузатишларимизда девонларнинг ўзимизда мавжуд кўлёзмалари, қўлёзмалар фотонусхалари ва янги академик нашрга асосланганлигимиз сабабли сонли кўрсаткичларимиз бу соҳадаги Ҳ.Сулаймонов хулосаларидан фарқ қилади:

Бундан кўринадики, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлари учун 1014 та янги ғазал ихтиро қилган. Бу Навоий яратган ғазалларнинг умумий сонига нисбатан 33,3% ни ташкил этади. «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларидан «Хазойин ул-маоний» таркибига кўчирилган 1586 ғазалдан 252 тасида турли мазмун ва шаклда ўзгаришлар учрайди. 1334 ғазал эса «Хазойин ул-маоний» га ўзгартиришсиз киритилган. Шу ўринда Навоий шеърларидан тузилган «Илк девон» хусусида ҳам баъзи маълумотларни келтиришни лозим топдик. Бу девонга 391 ғазал жойлаштирилган бўлиб, икки ғазал – «Ул париваш муддаига меҳрибондур бизга йўқ» 203, 228-ўринларда ва «Юзунгни кўрди, кўзларимни боғла, эй қотил» мисраси билан бошланувчи ғазал 237, 281 - ўринларда икки қайтадан келтирилган. Шунга кўра, девондан Навоийнинг 389 ғазали ўрин олган. «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида шоир бу девонга кирган ғазаллар ҳақида: «Аммо халойиқ орасида минг байт икки минг байт ортуқрок ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлиб эрди. Буларнинг тартибиға ҳукм бўлғондин сўнгра баъзи абётеким, хомроқ ва баьзи ғазалиётеким, нотамомроқ эрди, китобат шуюъидин ва шуҳрат вуқуъидин ўзгалар орасидин хориж қилмоклик мутааззир, балки муҳол кўрунди, ул жиҳатдин ҳар қайси ўз

«Илк девон»нинг факсимил нашридан Навоийнинг кейинги девонларига киритилган ва киритилмаган ғазаллар сони							
«Бадоеъ ул-бидоя»га		«Наводир ун-ниҳоя» га		«Хазойин ул-маоний»га бевосита			
кирган	кирмаган	кирган	кирмагаи	ҒС	НШ	БВ	ФК
161	229	91	298	34	--	108	121
				263 ғазал			

ерида назм силкига кирди», [II, 7, 24-6.] деб ёзган бўлса ҳам, «Илк девон» дан «Бадоеъ ул-бидоя» га 161 ғазални киритади. Қўйидаги жадвалда шу мазмундаги маълумотлар келтирилди:

Мазкур статистика шуни кўрсатадики, демак, Навоий ўз ғазалиётининг аксари қисмини, Яъни 66,7 фоизини 45 ёшларига қадар ёшлик, йигитлик ва ўрта ёшлик даврларида яратган.

Д А В Р	Ё Ш	Яратилган ғазаллар сони	% ҳисобида
Ёшлик ва йигитликда	7-8 ёшдан 35 ёшгача	389	15 °/с
Ёшлик, йигитлик ва ўрта ёшликда	7-8 ёшдан 45 ёшгача	1749	66,7 %
Қариликда	45 ёшдан 60 ёшгача	1014	33,3 %

Агар «Илк девон» га 389 шеър киритилганлигини эътиборга оладиган бўлсак, бу шоирнинг 45 ёшларга қадар ижод этган ғазалларининг 15% ташкил этади. Бу маълумотларни ҳам жадвалга туширсак, қўйидаги манзара ҳосил бўлади:

Биз бу жадвални тузишда шоир девонларининг ҳозирги кундаги мавжуд нусхаларига асосландик. Шоир девонларининг янги нусхалари топилиши ёки шу соҳада бирор маълумотнинг пайдо бўлиши бизнинг ушбу тахминий фикрларимизга бевосита ўзгариш киритиши аниқдир.

Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларини тузгандан сўнг ёзган ғазаллари сонини жуда кўп, ҳатто яна икки девон тузса етгулик, деб ҳисоблайди: «... Андин сўнгра йиғилғон ашъорнингу назм риштасиға тортилғон дурру шаҳворнинг адади бурунғи девонлардин ортқон чоғликдурур ва латофати сифоти хублар ва малоҳати сифоти маҳбублар била яна икки девон тартиб берса бўлурдек маълум бўладур». |11, 4, 1-ш 14-6.]. «Дебоча» дан яна шу нарса маълум бўладики, Навоий бўлажак девонлари таркибига кирувчи ғазалларни саралайди, баъзи ҳарфлар учун кам кўринган янги ғазалларни ёзиш билан машғул бўлади. У бу даврдаги фаолияти ҳақида шундай деган:

Кун бор эрдиким, бир ғазалу ики ғазал,
Бал уч ғазалу тўрт ғазал баъзи маҳал,
Маҳвашлардек бори латофатда масал,
Боғлаб кийибон юзга ҳулла тўнға ҳулал.

[И, 4, 17-6.]

Девонларнинг такмили даврида Навоий ижодий таҳрир билан жиддий шуғулланади. Бу эса Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлари такмили билан шуғулланган даврида ўз ғазалларини танқидий нуқтайи назардан кўриб чиққан, деган хулосани тақозо этади. Бу хулоса ҳам ўз навбатида Навоий лирикасида таҳрир тенденцияси бўлган, деган фикрни рад этмайди.

Ана шу мулоҳазалар нуқтайи назаридан биз шоир девонлари таркиби соҳасида ва ғазаллар матнларида кўзга ташланган тафовутларни ижодий таҳрир сифатида эмас, балки ижодий талқин сифатида тадқиқ этиб, поэтик матн такомилига сабаб бўлган омиллар, бадиий тасвир хусусиятлари ва санъаткор маҳорати ҳақидаги мулоҳазаларимизни буюк ижодкор қаламига дахл қилмайдиган тарзда, ўз кузатиш ва тушунчаларимиз асосидагина баён этишни ният қилдик. Чунки ҳозирги кунга қадар адабиётшунослигимизда шоир девонлари қўлёзма нусхалари ва нашрларининг қиёсий таҳлили, шунингдек, ғазаллар матнларининг чоғиштирма, мунтазам, изчил таҳлили амалга оширилмаган. Биз бажармоқчи бўлган меҳнат шоир ғазалларининг кейинги нашрларида матн юзасидан йўл қўйиладиган хатоликларнинг барҳам топишига бирмунча таъсир этар, деган умиддамиз. Бинобарин, «Хазойин ул-маоний» девонларининг бугунги кундаги охирги нашри – МАТ 20 томлигида матн соҳасида кўплаб хатоликларнинг учраши фикримизнинг исботи бўла олади.

Ўзбек адабиётшунослигида бадиий таҳрир масаласи махсус, чуқур ўрганилмаган мавзу эканлиги, таҳриринг бадиий санъат қонуниятлари нуқтайи назаридан таҳлил этилиши ҳам муҳим эканлиги аёндир. Зеро, бу мавзуларнинг илмий ишланилиши бадиий санъат қонуниятларининг юзага келиши ва ривожидан тортиб, бу соҳада алоҳида олинган ижодкор тафаккурида юз берган ўзгаришлар, ҳаётий тажрибалар асосида сайқал топа борган ижодий савия ва малакаларнинг тадрижий такомили, қолаверса, маҳорат жилоларини кузатиш, фикрлаш имконини беради.

ВАЗН МУНОСАБАТИ ВА НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шарқ мумтоз адабиёти тарихида аруз вазнларидан энг мукаммал фойдаланган шоирлардан бири Алишер Навоийдир. У ўз бадиий ижоди мисолида ўрта асрларда араб ва форс- тожик адабиётларида анча мукаммал ишланган ва гўзал лирик шеърлар, девонлар шаклида оммалашган аруз вазнига асосланган шеърий санъатни туркий тил имкониятлари воситасида бадиийликнинг энг баланд мақомига кўтарди ва бу билан аруз фанининг яна бир тил доирасидаги назарий ва амалий тараққиётига асос солди. У ўзининг аруз назариясига бағишланган «Мезон ул-авзон» асарида бу илм соҳасидаги маълумотларни йиғиб, тартибга солиб, тушунтириб бериш билангина чегараланиб қолмади. Унинг бу рисолани ёзишдан мақсади аруз фанидаги муаммоларни оммалаштириш, уларни араб ва форс-тожик адабиётлари майдонига олиб киришгина эмас, «балки аруз проблемаларининг бирмунча янги талқинини бериш ва арузни бойитиш» [II, 5, 267-6.] дан иборат эди.

"Мезон ул-авзон» асарининг мазмуни ва шоирнинг бутун поэтик ижоди шундан гувоҳлик берадики, бу вазифани етук қалам соҳиби ўз улуғ рутбасига муносиб бир тарзда амалга оширди.

Араб алифбосининг туркий тил эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги ва бу тил имкониятларини анча чегаралаб кўйиши, аруздабитилган назмий асарларда бирорҳарфнинг нотабиий чўзилиши билан боғлиқ нуқсонлар юз бериши хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврида мухтасар маълумот берган эди. Маълумки, вазн шеърий мисраларда кўп ноаниқликларни равшанлаштиради. Сўз таркиби, талаффузи, шакл ва бўғинлари, мажозий маъно, кўп оҳанглилик каби унсурлар вазн талабларидан келиб чиқади. Агар матнда баъзи англашилмовчиликлар кўзга ташланса, уни вазн талаблари нуқтайи назаридан текшириб аниқлик киритиш мумкин. Ана шу жиҳатдан кузатишларимиз натижасида «Хазойин ул-маоний» девонларидан илгари тартиб берилган икки девондаги баъзи байтларнинг янги девонга бошқа шакл ва мазмун билан киритилганлигининг гувоҳи бўлдик. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 114-ғазалнинг иккинчи байти фикримизга мисол бўла олади. Ғазал

Эй орази насрин, сочи сунбул, қади шамшод,
Булбул киби ҳажрингда ишим нолаву фарёд

матлаъси билан бошланади. Бу матлаъни Навоий намунавий мисол тариқасида «Мезон ул-авзон»нинг ҳазаж баҳрига тааллуқли бўлимига ҳам киритган. Ғазалнинг иккинчи байти «Бадоеъ ул-бидоя»да қуйидагичадир:

Кўзларингга сайд ўлди кўнгул, вах, қутулурму
Бир қушки, анинг кўйида бўлғай ики сайёд

(115-6.]

Ғазал «Наводир ун-ниҳоя» га киритилмаган, «Ғаройиб ус- сиғар» га эса иккинчи байтининг қуйидагича кўриниши билан жойлаштирилган:

Сайд ўлди кўнгул кўзларингта, вах, қутулурму
Бир қушки, анинг кўйида бўлғай ики сайёд

[136-6.]

Ғазал арузнинг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур баҳрида ёзилган бўлиб, ўзгаришга учраган байтларнинг тақтиъларини солиштириб кўрайлик. Байтнинг «Бадоеъ ул-бидоя» кўринишидаги тақтиъи:

Кўз ла: ри/мафъулу/ на сай дўл ди /мафоъийлу/ кў нул ваҳ қу /мафоъийлу/ ту лур му /мафоъийл/

Бир қуш ки /мафъулу/ анин кў: йи /мафоъийлу/ да бўл ғайи /мафоъийлу/ ки сай ёд /мафоъийл/

«Ғаройиб ус-сиғар» да ўзгартириб берилган мисранинг тақтиъи:

Сай дўл ди /мафъулу/ кў нул кўзла /мафоъийлу/ ри на ваҳ қу /мафоъийлу/ ту лур му /мафоъийл/

Кўриниб турганидек, байт мусамман бўлиб (садр ҳашв ҳашв аруз) ибтидоъ ҳашв ҳашв зарб), байтнинг садр ва икки ҳашвида ўзгариш учрайди. Аруз илмидан хабардор ўқувчига маълумки, байт рукнларга бўлиниб, рукнлар қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ ҳижоларнинг турли бирикмаларидан ташкил топади ва бунинг натижасида баҳр вужудга келади. Сабаб, ватад, фосила деб аталувчи турли ҳижолардан ташкил топган жузв ёки рукнлар ўз қатъий қонуниятларига эга бўлиб, улардаги аҳамиятсиз кўринган камчилик ҳам вазннинг бузилишига ёки оҳангнинг нотекислигига сабаб бўлади. Демак, байт хоҳ арабий, хоҳ форсий, хоҳ туркий бўлсин, арузнинг «афоийл» ва «тафоийл»лари [11,5,139-6.] талабларига риоя қилиниши зарур. Бироқ биз шу ўринда мазкур қонуниятлар араб тилининг лексик-семантик ва орфоэпик хусусиятларидан келиб чиқиб ташкил топганлигини унутмаслигимиз лозим. Ана шу жиҳатдан ҳам туркий тилда ғазал ёзиш шоирдан икки ҳисса кўпроқ маҳоратни талаб қилади. Назарда тутаётган байтимизнинг «Кўзларинга сайд ўлди» бирикмасида – сабаби ҳафийф, – ватади мажмуъ бўлиб келяпти. Аслида қисқа бўғин бўлиши керак бўлган – «ла» вазн талаби билан чўзиқ бўғин бўлиб келишга маҳкум. Чунки арузда просодик урғу) ҳар доим ватадга тушади, шу сабабдан ҳам ватад бўлинмайди. Бу эса рукннинг таҳлилида туркий тил хусусиятлари нуқтайи назаридан сўз оҳангида нотабиийлик ҳосил қилади. Ғазал матнининг иккинчи вариантида бирикмадаги арабча «сайд» сўзини мисранинг бошига қўйилган. Яъни бу бирикмада бирор ҳижо зўраки чўзилмайди. Бунда табиийки, араб алфавити билан кирилл ёзуви ўртасидаги, араб ва туркий тиллар ўртасидаги тафовутни ҳам унутмаслик лозим, албатта.

Ҳашвларда кўзда тутилаётган сўз бирикмасининг сабаб ва ватад муносабатлари ўзгармаган. Умуман, байтда арузнинг назарий талабларидан бирортасига ҳам путур етмаган, аммо бу ерда шеършунос ўқувчи нозик таъбини қониқтирмаган нарса туркий сўздаги битта ҳижонинг нотабиий чўзилиши натижасида пайдо бўлган оҳангдаги нотекисликдир. Бу бир қарашда «аруз бузилганмикин», деган фикрга ҳам олиб келади. Байтнинг кейинги кўриниши ниҳоятда равон ва хушоҳангдир.

Худди шундай тафовут «Наводир ун-ниҳоя» девонидан «Бадоеъ ул-васат»га кўчирилган 555-ғазалда ҳам учрайди. Ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» девонига киритилмаган, «Наводир ун-ниҳоя»да эса 723-ўринда келади. Ғазал:

Тонғға солма ваъдаи васлингни бори бу кеча,
Ким мени ўлтурғуси тонг интизори бу кеча.

(500-6.)

матлаъси билан бошланиб, арузнинг рамали мусаммани солими маҳзуф баҳрида ёзилгандир. Ғазалнинг бешинчи байти «Наводир ун-ниҳоя»да қуйидаги кўринишда берилган:

Базмида англадинг, эй шамъу қадаҳ йиғлаб, куюб,
Буки ўлтурди мени ҳажр изтирори бу кеча.
«Бадоеъ уд-васат»да байт қуйидаги шаклдадир:
Англадинг базмида, эй шамьу қадаҳ йиғлаб, куюб,
Буки ўлтурди мени ҳажр изтирори бу кеча.

Ўзгаришга учраган мисраларнинг тақтиъларини солиштирайлик:

1. Баз ми да: ан /фоилотун/ ла: ди ней шам /фоилотун/ ъу қа даҳ йиғ /фоилотун/ лаб ку юб /фоилун/

2. Ан ла дин баз /фоилотун/ ми да эй шам /фоилотун/ ъу қа даҳ йиғ /фоилотун/ лаб ку юб /фоилун/

Маълум бўлаётганидек, байтнинг биринчи кўринишида садрда икки чўзиқ ҳижо кетмакет келиб, а товуши зўраки чўзиляпти. Садр - фоилотун - икки сабаби ҳафийф ва ўртада бир ватади мажмуь бирикмасидан тузилган. Бу ерда сабаби ҳафийф -بذ яъни - фо, ватади мажмуь эса ميده - ило, ва яна бир сабаби ҳафийф –انك тун - дан иборатдир. Маълумки, ватади мажмуь икки мутаҳаррик (ёки зарбли) ва бир сокиндан (ёки ҳаракатсиз, зарбсиз) ҳарфдан ташкил топади. Келтираётган мисолимизда эса бир сокин етишмайди. Яъни ватад икки мутаҳаррик (م) ва (د) дан иборат бўлиб қолган.ا (алиф) олдидан бир сокин етишмаётганлиги сабабли [а] фонемаси талаффузида оҳанг зўраки чўзиляпти.

Бундан ташқари, [а] фонемаси байтнинг биринчи ҳашвида ҳам чўзиқ ҳижо сифатида келиб [ла:], вазн оҳанги бузилмаслиги учун сўз бирикмаси нотабиий бир шаклда талаффуз этилади.

Мисра оҳангидаги ана шу нуқсон сўзлар ўрнини алмаштириш орқали байтнинг кейинги вариантида тузатилган. Котиб айби билан байтнинг биринчи матнида оҳанг сакталиги юз берган бўлса, унинг иккинчи матнида (фикримизча, байтнинг муаллиф нусхаси ҳам айнан шу матн бўлиши керак) маъно ва оҳанг уйғунлиги, сўзлар ва ҳарфлар орасидаги уйғунлик гўзал бир тарзда тикланади. Яъни байтнинг садридаги ватади мажмуь қуйидаги шаклда ҳосил қилинади: انك- сабаби ҳафийф (фо), لدينك- ватади мажмуъ (ило) ва بذ сабаби ҳафийф (тун). Ватади мажмуь арузда талаб қилинганидек, икки мутаҳаррик - ل ва د ҳамда бир сокин - نك дан иборатдир.

Қуйидаги байтлардаги ўзгартиришлар ҳам юқоридаги нуқтайи назарлар натижасида амалга оширилган бўлиб, тағйирдан сўнг ғазалларнинг бенуқсон равонлигига ва хушоҳанглигига эришилган. Солиштириб кўринг:

1.«БАДОЕЪ УЛ-БИДОЯ» ДЕВОНИДАГИ 585-ҒАЗАЛНИНГ БЕШИНЧИ

Тийғ ила ғамгин кўнгул ўтиға таскин бермадинг,
Элткумдур, оҳким, туфроққа ул сув ҳасратин.

(449-б.)

байтнинг «Фавойид ул-кибар» девонидаги кўриниши:

Тийғ ила ғамгин кўнгул ўтиға таскин бермадинг,
Оҳким, туфроққа элтурмен ул сув ҳасратин.

(340-б.)

Ўзгартирилган мисраларнинг тақтиълари:

Эл т кум дур /фоилотун/ о ҳ ким туф /фоилогун/ роқ қа ул су /фоилотун/ ҳас ра тин /фоилун/

О ҳ ким туф /фоилотун/ роқ қа эл тур /фаилотун/ ме н ул су /фаилотун/ ҳас ра тин /фаилун/.

2 «НАВОДИР УН-НИҲОЯ» ДЕВОНИДАГИ 573-ҒАЗАЛНИНГ УЧИНЧИ БАЙТИ:

Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,
Бу қатиқ дард аро васлининг давосинму дейин?

(397-6.)

Бу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя»да йўқ, «Ғаройиб ус-сиғар» девонида эса 483-ўринда келтирилган. Байтнинг «Ғаройиб ус-сиғар»даги кўриниши:

Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин?
Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?!

Ўзгартирилган мисралар тақтиълари:

Бу қа тиқ дар /фоилотун/ да: ро вас ли /фоилотун/ ни да восин /фоилотун/ му де йин /фоилун/

Бу қатиқ дард /фоилотун/ ла ра ро вас /фоилотун/ ли да восин /фоилотуи/ му де йин /фоилун/.

3 «НАВОДИР УН-НИҲОЯ» ДЕВОНИДАГИ 283-ҒАЗАЛНИНГ МАҚТАЪСИ:

Эй Навоий кисвати фақру фано эгнинга сол,
Йўқса хирқанг тенгдурур гар атлас ўлсун гар палос.

(199-6.)

Бу байт «Ғаройиб ус-сиғар»да 230-ўринда қуйидаги кўринишда берилган, «Бадоеъ ул-бидоя»да эса йўқ:

Эй Навоий кисвати фақру фано сол эгнинга
Йўқса хирқанг тенгдурур гар атлас ўлсун, гар палос.

Ўзгартирилган мисралар тақтиълари:

Эй на во йи /фоилотун/ кис ва ти фак, /фоилотун/ ру фа но эг /фоилотун/ ни на сол /фоилон/

Эй на во йи /фоилогун/ кис ва ти фақ /фоилотун/ ру фа но со /фоилотун/ лег ни на /фоилон/ ва б.

Вазн талаблари юзасидан яна қуйидаги кўринишдаги ўзига хос тафовутларга дуч келдик. Маълумки, аруз араб тили хусусиятлари, грамматикаси қонунларига мослаб яратилган фан бўлиб, унинг ўзга тилларда бундай чегаралар доирасидан чиқиши табиийдир. Масалан, туркий арузда бир харфнинг битта қисқа ёки битта чўзиқ ҳижо бўлиб келиши ҳоллари учрайди. Бу арузшуносликда жузьий хато саналмаган, балки умуман айб ҳисобланмаган. Мисолларга мурожаат этайлик. «Наводир ун-ниҳоя» девонига 358-ўринда кирган ғазалнинг иккинчи байти:

Дайр жаннатдур гар анда жилвагар ҳар муғбача,
Шакл зоҳир айлар анда ҳуру ғилмондин бадеь

шаклида берилган. Бу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя»да йўқ, «Хазойин ул-маоний» нинг биринчи девонига кирган ва кўриниши қуйидагича:

Дайр жаннатдур гар анда жилвагар ҳар муғбача,
Шакликим зоҳир қилибтур ҳуру ғилмондин бадеъ.

Ўзгартирилган мисраларнинг тақтиьлари:

Шак л зо ҳи: /фоилотун/ рай ла ран да /фоилотун/ ҳу ру ғил мон /фоилотун/ дин ба деъ /фоилон/

Шак ли ким зо /фоилотун/ ҳир қи либ тур /фоилотун/ ҳу ру ғил мон /фоилотун/ дин ба деъ /фоилон/

Байтнинг садрида бир [ро] ҳарфи бир ҳижо бўлиб келяпти /дай р жан нат/ - фоилотун, ибтидода ҳам шу ҳол қайтарилган /шак л зо ҳи:/ - фоилотун. Кўринаётганидек, ибтидоъда ватади мажмуъда бир ҳаракат (фатҳа, касра ёки замма) ва бир сокин етишмаяпти. Иккинчи сабаби ҳафийф - га ҳам бир сокин етишмаяпти. Албатта, арузда бундай очик ҳижоларнинг чўзиқ ўқилишида ҳеч қандай таажжубли ўрин йўқ. Бироқ ғазалнинг кейинги вариантида байтнинг аввалги кўринишидаги етишмаётган ўринлар тўлдирилган, «зоҳир» сўзи /зо: ҳи:/ сифатида эмас, ўзининг табиий талаффузида қўлланилиб, байт оҳанги равонлиги янада ошган. Бундан ташқари, мисрадаги мазмунан ортиқчалик қилаётган «анда» сўзи (ҳол) ҳам таркибдан чиқариб ташланган. Чунки бу сўз байтнинг биринчи мисрасида бор бўлиб, унинг иккинчи мисрада ҳам қайтарилиб келиши натижасида ҳеч қандай бадиий санъат ҳосил бўлмаяпги, балки байтга ортиқча юк бўлиб тушяпти. Бу мисол ҳам котибларнинг хатоси туфайли улуғ шоир поэтик маҳорати хусусида нотўғри тасаввур пайдо қилиши мумкин.

Худди шундай яна бир байтга эътибор қилайлик. «Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган ғазалнинг матлаъси:

Сарвдин гул бутмаса қад узра рухсори недур?!
Жон агар ширин деса, лаъли шакарбори недур?!
Байтнинг «Бадоеъ ул-васат»даги кўриниши
(«Наводир ун- ниҳоя»да бу ғазал йўқ):

Сарв уза гул бутмаса қад узра рухсори недур?!
Жон агар ширин деса лаъли шакарбори недур?!

Ёки:

Борди Навойиё анинг кўйиға зорлик кўнгул,
Кўргил агар инонмасанг йўл уза қонидин асар.
(«Наводир ун-ниҳоя» 225-ғазал)

Мақтаънинг «Наводир уш-шабоб»даги шакли:

Борди Навойиё анинг кўйига ёралиқ кўнгул,
Кўргил агар инонмасанг йўл уза қонидин асар.
(- маълумки, қон ярадан, жароҳатдан оқади).

Ёки қуйидаги мақтаъ:

Заъфдин махмурлиқ йиқти Навоий жисмини,
Ёр базми айшида ёд айланг ул афтодадин.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 533-ғазал)

«Ғаройиб ус-сиғар»да қуйидагича келтирилган:

Заъфдин махмурлиқ йиқти Навоий жисмини,
Ёр айши базмида ёд айланг ул афтодадин.
(478-б.)

«Бадоеъ ул-бидоя»нинг 310-ғазали иккинчи байти ҳам худди шундай мақсадда ўзгаришга учраган:

Лаълидин тиргузмак этсам орзу айб этмангиз,
Хеч ким ўлтурмак этмайдур Масиҳодин тамаъ.

«Ғаройиб ус-сиғар»да:

Лаълидин тиргузмак этсам орзу айб этмангиз,
Ким киши ўлтурмак этмайдур Масиҳодин тамаь.
(306-б.)

Шу каби бир қатор байтларда учрайдиган тафовутлар бир ҳарфнинг бир ҳижо бўлиб келишининг олдини олиш мақсадида эҳтиёткорликни талаб қилади.

Аруз фани ҳарф ва товушларнинг фонетик ва орфоэпик хусусиятлари, сўздаги мавқеъи, сўз ва сўз бирикмаларининг ўзаро лексик-семантик ва стилистик уйғунлиги жиҳатларига бевосита боғлиқ фан бўлганлиги сабабли баъзан аруз амалиётида кўп учраганлигидан аҳамиятсиз бўлиб кўринган ҳодисаларга ҳам диққатни жалб этишни талаб қилади.

Ғазаллар матнларини қиёслар эканмиз, кўп ўринларда «эрур» феълини «бўлур» билан, ёки аксинча «бўлур»ни «эрур» билан алмаштирилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Бўлур» ва «эрур» орасидаги лексик-семантик фарқ бу феълларнинг замонидадир. Яъни «бўлур» келаси замонга оид феъл, «эрур» эса ҳозирги замон феъл формаларига тегишли. Лекин биз учратганимиз вариантли байтлар матнида бундай тафовут, яъни маъно жиҳатидан жиддий аҳамиятга молик бирор ўзгариш кўзга ташланмайди. [э] ва [б] фонемаларининг хусусиятлари, сўздаги ва гапнинг стилистик тизимидаги мавқеъи масалалари эса эътиборга эгадек туюлади. Шу нуқтайи назардан баъзи байтлар таҳлилига қўл урдик. А.Рустамовнинг ёзишича, [э] фонемаси туркий сўзларда очиқ бўғинда бир қисқа бўғин ҳосил қилади, ёпиқ

бўғинда эса бир чўзиқ бўғин ҳосил қилади ва туркий сўзларда доим сўз бошида келади. Навоийнинг баъзи байтларида бу фонема ёлғиз ўзи бир чўзиқ бўғин бўлиб келади. Масалан,

Мен худ ўлдим лек ҳар ошиқки эрур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоққа маъзур ўлмасун.

Рамал баҳрида ёзилган бу мусамманнинг учинчи рукни учинчи ҳижоси ёлғиз [э] фонемасидан иборатдир. Хўш, бунинг нимаси айб, арузда керакли ўринда бошқа унли товушлар сингари [э] ҳам чўзиб айтилаверади, деган фикр туғилиши табиий. Лекин бу ерда гап шундаки, китобатда икки мутаҳаррикнинг ёнма-ён жойлашуви натижасида алифнинг мавқеъи анча сусайиб, талаффузда [э] дан олдин беихтиёр бир (йо) ҳам орттирилгандек туюлади [jэрур]. Бу ҳам аруз санъатида бор бўлган ҳодиса, яъни «...ҳар ҳарфки лафзда келгай, агарчи китобатда бўлмағай, тақтиьда ҳисобга кирғай...». [11,5,150-6.] Агар «эрур» сўзидан олдин келган сўз ундош ҳарф билан тугаганда, бундай бўлмас эди, яъни байт учинчи рукнининг ватади мажмуъидаги етишмаётган мутаҳаррик ҳарф ўрнига [йой] талаффуз этиляпти. Бошқа матнда бу сўз «бордур» сўзи билан алмаштирилгандан сўнг рукндаги ватади мажмуъ ҳам, сабаби ҳафийф ҳам тўлиқ бўлиб сабаб- ватад, сабаб/, мисра равон ва мукаммал кўринишга эга бўлади:

Мен худ ўлдум лек ҳар ошиқки бордур покбоз,
Навҳа тортиб мотамим тутмоққа маъзур ўлмасун.

Худди шундай котиб эътиборсизлиги сабаб «эрур» лафзининг «билгил» лафзи билан ўзгартирилиши натижасида қуйидаги байтларда ҳам ноқислик ва равонлик кўзга ташланади:

Кесгали ҳушу хирад нахлини эрур аррае,
Ҳар харошеким жунун шарҳида фарёдимда бор.
[«Бадоеъ ул-бидоя», 171-б.,6-байт]
Кесгали ҳушу хирад нахлини билгил аррае,
Ҳар харошеким жунун шарҳида фарёдимда бор.
[«Фавойид ул-кибар», 136-б.]

Мазкур муқоясалардан шу нарса маълум бўладики, ўзбек тилшунослиги Навоий даври тилининг фонетикасига оид бир катор илмий ишларга эга бўлса-да, Навоий тилининг фонетик хусусиятлари билан боғлиқ бўлган масалаларни тўла тўкис ҳал қилиб берувчи илмий тадқиқотларга эга эмас ва бу нарса тилшунослар ва арузшунослар диққатини жалб этиши лозим бўлган муҳим масалалардан биридир.

Шоир девонларидаги ниҳоятда равон ва мукаммал байтларнинг ҳам бир неча вариантлари учрайди. Бу шундай матн вариантларики, уларнинг мукаммаллигини фақат шоирнинг энг дақиқунназар, шеършунос ўқувчисигина ҳис эта олади. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан жой олган қуйидаги байтларда, бир қарашда маъно ва мазмун такомили юзасидангина тафовут борга ўхшайди. Бироқ эътибор қилинса, байт арузида икки кетма-кет келган ундош ҳарфдан бирининг қисқартирилиши натижасида байтдаги оҳанг жилоси янада тиниқлашган. Ғазал арузнинг ҳазажи мусаммани солим баҳрида ёзилган бўлиб, тафовут ғазалнинг олтинчи байтида учрайди:

Совурғил ақл эвин гардун, мени мажнун қачон ўлсам,
Таним туфроғию оҳим елидин гирдибод айлаб.

[88-6.]

Тақтиъи:

Совур ғи: лақ/мафоъийлун/левингардун/мафоъийлун/
мени маж нун /мафоъийлун/ қачо нўл сам /мафоъийлун/
Таним туф ро /мафоъийлун/ ғию о ҳим /мафоъийлун/ ели дин гир /мафоъийлун/ дибо дай лаб /мафоъийлун/

Бу байт «Наводир уш-шабоб»да шундай:

Совурғил акл эвин гардун мени мажнун агар ўлсам,
Таним туфроғию оҳим елидин гирдибод айлаб.

[65-6.]

Унинг бошқа вариантидаги мисра тақтиъи:

Совур ғи: лақ /мафоъийлун/ левин гар дун /мафоъийлун/ ; мени маж ну /мафоъийлун/ нагар ўл сам /мафоъийлун/.

Назар солинса, байт рукнларидаги сабаб ва ватадлар мукаммал ҳосил қилинган. Бироқ байтда битта «қачон» лафзининг «агар» лафзи билан алмаштирилиши натижасида мисра оҳангида бирор ўринда ҳам тўхталиш юз бермаяпти.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган бир ғазалнинг мақтаъсига ҳам ўзига хос нозик бир тузатиш киритилган. Бу ғазал «Наводир ун-ниҳоя»га ҳам киритилган бўлиб, бу матнда ўзгариш йўқ. Аммо у «Хазойин ул-маоний» девонларидан «Наводир уш-шабоб»га киритилишдан олдин ўзгартиришга учраган. Мана ўша байт-мақтаъ:

Эй Навоий, гар вафоси қолмамиш онинг санга,
Ғам емаким, анга ҳуснининг вафоси қолмамиш.

[230-6.1]

«Хуснининг» лафзидаги -ни эгалик ва -нинг келишик қўшимчаларининг «ни: ни:» тарзида икки қайта такрорланиши сўз оҳанги нотабиийлигига сабаб бўлиши мумкинлиги боис «анга ҳуснининг» бирикмасини «анга ҳам ҳуснин» бирикмаси билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки – нинг қўшимчаси тақтиъда бир чўзиқ (-) ни: бўлиб келади. Бу ҳақда «Мезон ул-авзон»да шоир шундай ёзади: «Яна ортуқси «нун» ларким, сўз иртиботи учун «нинг» лафзида битилур, мисли «онинг» ва «менинг» ва «сенинг» лафзида, андоққим байт:

Эй кўнгул билгилки бу жон не сенингдур, не менинг,
Балки онингдур десанг, кимнинг дейинким - ёрнинг.

Ва бу мазкур бўлғон алфознинг «коф»ларидурким, «коф» урнида битилур, аммо талаффузда «коф» ўрнига кирмас. Ва “нг” «нун» била «коф»ларким онинг ва менинг ва тонг

ва ўнг ва сўнг ва нанг ва танг ...лафзида воқеъдурким, барчаси тақтиъда соқит бўлур.» [II, 5, 153-6.] Ғазалнинг кейинги вариантида нуқсли бўлиб кўринган байт равон оҳангга ва гўзал шаклга эга бўлган:

Эй Навоий, гар вафоси қолмамиш онинг санга,
Ғам емаким анга ҳам ҳуснин вафоси қолмамиш.
[«Наводир уш-шабоб», 273-6.]

Бундан ташқари, -нинг лафзи байтнинг биринчи вариантида икки мисрада ҳам қўлланилган бўлиб, кейинги байтда бунга барҳам берилган. Мазкур матн вариантининг яна бир фазилати шундан иборатки, таъкид маъносини бериб, шоирнинг биринчи мисрадаги фикрини далиллаб келувчи «ҳам» боғловчиси байтдаги мазмуннинг мантиқий ривожи учун хизмат қилган.

Худди шундай тафовутлар ғазалнинг матлаъсига ҳам тааллуқли. Байтнинг матнлардаги аввалги ва кейинги ҳолатларини солиштириб кўринг:

Манга эмди сарв ила гул муддаоси қолмамиш,
Сарв бўйлуқ гулжабинликлар ҳавоси қолмамиш.
Манга эмди сарв ила гул муддаоси қолмамиш,
Сарв бўйлуқ гулжабинларнинг ҳавоси қолмамиш.

Навоий девонларидаги ана шу тариқа ранг-барангликларни кўздан кечирар эканмиз, ғазаллар композициясига, мавзу ва мазмун уйғунлигига, бадиий санъатларнинг гўзал ва мукаммал қўлланилишига оид матнлар вариантларини ўрганишнинг, шунингдек, қийин ва мураккаб аруз илмининг ўта нозик қирраларига эътибор бериб, мукаммал вазнларда ёзилган шеърларнинг баъзи ўринларида учраган тафовутлар ҳодисасини таҳлил этишнинг муҳим илмий аҳамиятга эга эканлигига амин бўлдик. Бу ҳодиса эса арабий арузнинг туркий шеъриятга кириб келиши муносабати билан боғлик бўлган қатор масалаларни адабиётшуносликнинг тадқиқот майдонига олиб кирилиши учун восита бўлиши мумкин. «Мезон ул-авзон»да Навоий туркий арузнинг жуда кўп жиҳатларини очиб берувчи чуқур илмий таҳлилларни махсус фасллар доирасида амалга оширди, туркий арузнинг ўзига хос қонуниятларини аниқлади. Агар «Мезон ул-авзон»нинг «Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб берилгандан сўнг ёзилганлигини эътиборга олсак, бу асарнинг бевосита девонлар тузиш жараёнида шоир ижодхонасида юз берган жуда катта ижодий юксалиш маҳсули сифатида юзага келганлигига амин бўламиз. Юқорида тақтиъга тортилган мисоллардан шундай хулоса қилиш мумкинки, шоирнинг «Мезон ул-авзон»ни ёзишдан мақсади аруздаги муаммоларнинг янгича талқинини бериш ва уни бойитишдан иборат экан, бу мақсаднинг амалга ошишида унинг ўз ғазалларини яратиш жараёнида тўплаган тажрибаларини умумлаштириши ва узоқ йиллар давомида шаклланган малакаси ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Аруз тараққиётида янгича қарашларни илгари сурган Навоий бу фаннинг кейинги давр туркий халқлар адабиётшунослигида чуқур ўрганилиши учун замин яратди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида арузи туркийнинг самарали ўрганилиши ва аруз илмида яна янги нуқтайи назарларнинг кашф этилиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Бобур ўзининг «Мухтасар фил аруз» асарида аруз вазнининг 21 баҳри, ахрам ва ахраб туркумидаги рубоийлар, доира ва унинг турлари, 500 дан ортиқ рукн шахобчаларини аниқлади. Бобур ўз илмий тадқиқотлари билан XV аср адабиётшунослигида бўлган аруз ҳақидаги баҳсу

мунозараларга тўлиқ якун ясади, ижодий кузатишлари натижасида аруз илмини янада юқори босқичга кўтарди.

«Мухтасар» ўзигача форс-тожик адабиётида бўлган ва «Мезон ул-авзон»даги аруз назариясига оид қарашларни ижодий жиҳатдан умумлаштирганлиги ва бунинг натижасида аруз назарияси ҳудудларини кенгайтирганлиги боис кейинги даврда энг ишончли назарий қўлланма ҳамда манба бўлиб қолди.

Аруз назариясининг кейинги илмий ўрганилиши Абдулрауф Фитрат, Иззат Султон, Содиқ Мирзаев, Алибек Рустамов, Уммат Тўйчиев, А.Ҳожиаҳмедов ва А.Абдураҳмонов каби олимлар фаолияти билан боғлиқдир. 361

Адабиётшуносликда асарлар матнларини қиёсий ўрганиш уларда кўзга ташланган турли мазмундаги ўзгаришларни текшириш бу фаннинг маълум соҳаларида қандайдир янгиликлар киритилишига, муаммовий масалаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бугунги кунда аруз илмининг кейинги ривожи ва оммалашуви масаласи даврimiz адабиётшунослигининг долзарб нуқталаридан биридир. Навоий асарлари вазнлари ва у билан боғлиқ кўпгина муаммолар, жумладан, шоир ғазалларида вазн нуқтайи назаридан кўзга ташланган матний фарқларни жиддий ўрганиш бу соҳада маълум даражада ижобий силжишга олиб келиши мумкин. Тожик олими Р.Мусулмонқулов ўзининг «Персидско-таджикская классическая поэтика X-XУ вв» номли китобида шундай ёзади: «Анализ наблюдений средневековых авторов по поводу нарушений отдельными поэтами некоторых канонов аруза помог бы выяснить вопрос о происхождении и развитии таджикско-персидского аруза» [III, 64, с. 94]

Туркий арузнинг ҳам пайдо бўлиши ва тараққиёти масаласи фанимизда ҳануз очиқ турган муаммолардан биридир. Навоий ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида форсий ва туркийзабон шоирлар ижодларидаги қатор камчилик ва нуқсонлар ҳақида назокат билан гапириб ўтади. Бироқ ундан кейинги адабиётшуносликда аруз қонуниятлари соҳасида турли давр шоирлари ижодида кўзга ташланган ютуқ ва камчиликлар, аҳли табънинг ўз ижодларига бўлган муносабатлари, ўз ижодий маҳсулотларини ўзлари ислоҳ қилишлари масалалари билан боғлиқ эътиборга молик бирор тадқиқот кўзга ташланмайди.

Навоий лирикаси, эпик ва насрий асарлари вазнлари хусусида бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса-да, улар Навоийнинг аруз фанида нақадар мукаммал ижод қилганлигини таъкидлаган, исбот этган ҳолда, унинг туркий аруз тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш учун етарли манба бўла олмайди. Бу ҳол Навоий ижодий жараёни хусусиятларини ҳам жиддий ва ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Навоий асарлари матнларини вазнлар соҳасида қиёслаб ўрганишимиз натижалари эса шоир ғазаллари матнларининг мукаммалроқ, аслиятга яқинини топиш, илмий-танқидий матн яратиш соҳасидаги изланишларга муҳим янгилик бўлиб қўшилади.

Туркий тилли халклар ижодиётида аруз жуда узоқ тарихга эга бўлса-да, уни адабиётшунослик фани талаблари нуқтайи назаридан назарий жиҳатдан ўрганган ва оммалаштирган шахс Навоий эди. Арузнинг амалий тараққиётини таъминлашда шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девонларини тузиш давридаги ижодий меҳнати бошқа жуда кўп омиллар қаторида ўзига хос бир босқич бўлди.

Алишер Навоийнинг аруз соҳасида эришган ютуқлари ва бу ҳодисанинг адабиётшуносликда тутган аҳамияти белгиланар экан, ушбу муаммонинг тўлиқ ечими учун энг аввало, XIV – XVII асрларда яшаган барча форс-тожик ва туркий шоирлар ижоди поэтик матн такомили нуктаи назаридан киёсий текширилиши, иккинчидан, араб, форс-тожик ва туркий адабиётларда мавжуд бўлган барча асарларнинг вазн тафовутлари соҳаси қиёсий ўрганилиши, учинчидан, келиб чиқиши туркий бўлиб, форс- тожик тилида ижод

қилган шоирларнинг ҳам аруз фани юзасидан ўз ижодларига бўлган муносабатлари махсус монографик мавқеда ўрганилиши лозимдир. Зеро, бу ўз навбатида Навоий ижоди бадиий етуклигига асос бўлган муҳим унсурларнинг очилиши учун имкон яратади.

БАДИИЙ СЎЗ ТАЛҚИНИ

Бадиий сўзнинг аҳамияти ва хусусиятлари муаммолари илк ўрта асрларданоқ шарқ муаллифлари эътиборини тортиб келган. Маълумки, қадимги Шарқ ва Ғарб ҳалқлари ўртасидаги маданий алоқалар поэтика соҳасига тегишли тушунчаларнинг араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётларида муштарак, уйғун тараққиётига сабаб бўлди. Шунинг натижасида бу халқлар адабиётшунослигида ягона поэтик терминология пайдо бўлиб, унинг назарий ўрганилиши ҳам адабий алоқалар заминида равнақ топди ва юксалди.

Аммо «Араб тилини илмий тадқиқотлар билан ривожлантирган, сарфу наҳв, балоғату фасоҳат, илми маоний, баёну бадиъни юқори босқичга кўтарган, Қуръонга тафсирлар ёзган, мўътабар ҳадисларни жамлаган, хуллас, араб тилини араб тили қилиб танитган, илму маданиятини оламга тарқатган зотлар ажам уламо ва шуаролари» [III, 76, 53-б.] эканлиги ҳам тарихий ҳақиқатдир. Бинобарин, поэтика соҳасида араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётшунослигида мавжуд бўлган қимматли манбалар, уларнинг бу халқлар бири иккинчисининг илмий, адабий тажрибасидан баҳраманд бўлиб, назарий қарашларини ривожлантириб дунёга келтирилганлигидан гувоҳлик беради.

Аристотелнинг «Поэтика» асарига шарҳлар битган ва унинг бу соҳага оид фикрларини ижодий ривожлантирган Абу Наср Форобий ўзининг «Илмлар таснифоти ҳақида рисола», “Санъат ва шеърият қонуниятлари ҳақида рисола» каби асарларида поэтикани «тил ҳақидаги фанлар туркумига киритади ва уни уч қисмга: вазн, қофия ва стилистикага (стилистика деганда назмни насрдан ажратиб турувчи лексик хусусиятлар кўзда тутилади) бўлади.[37)]

Классик Шарқ адабиётининг ўрта асрларда ишлаб чиқилган назарий асослари нуқтайи назаридан эса поэтика тушунчаси илми маоний (фикрни мантиқли, равшан ва чиройли, қоидага мувофиқ ифодалаш илми), илми баён (нутқни ташбиҳлар ва муболаға билан безаш илми) ва илми бадиъ (нутқни санъаткорона тузиш ва баён этиш илми) каби соҳаларни қамраб олади.

Исломдан анча илгари пайдо бўлиб, катта тараққиётга эришган араб поэзиясида поэтик санъатлар эволюциясини акс эттирувчи танқидий рухдаги назарий-адабий тадқиқотлар VIII асрнинг II ярми XI асрлар араб-мусулмон тадқиқотчилари қаламларига мансубдир.

Поэтика масалалари араб, форс-тожик ва туркий халқлар адабиётшунослигида бадиийлик илмини назарий жиҳатдан ривожлантирувчи ўртаосиёлик муаллиф Абул-Ҳасан Наср бинни ал-Ҳасан ал-Марғинонийнинг араб тилида ёзилган «Маҳосин ал-калом» (X аср), Ҳожи Муҳаммад бинни Довуд ал- Исфаҳонийнинг «Китоби Зуҳра» (УШ-1Х), машҳур араб адабиётшунослари Ибн ал-Муътаззнинг «Китоб ал-бадиъ», Қудома ибн Жаъфарнинг «Накд уш-шеър», Хатиби Табризийнинг «Ал-Кофий фил арузи ва қавофий» каби асарларида тадқиқ этилгандир.

Мазкур асарларда бадиий фикрнинг ифодаланиш имкониятлари, нуткдаги бадиий воситалар мавқеъи ҳақида баҳс юритилиб, бу воситалар ўрганилиб, ўзига муносиб номлари қайд этилиб, тасниф этилади. Бадиий фикрнинг бир жиҳатдан, [шаклий намойиши ёки суратини амалга оширувчи (лафзий), иккинчи жиҳатдан эса маъно-мазмуннинг бадиий такомили учун ҳизмат қилувчи (маънавий) санъатлар шу тарика адабиётшуносликнинг

махсус тармоғи сифатида тараққий этиб, туркий мумтоз адабиёт равнақининг олтин даври бўлмиш XV асрларда ўзининг назарий ва амалий жиҳатлардан асосланган қонуниятларига эга эди. Бадиият илмининг ана шу қонуниятлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари Алишер Навоийга қадар Рашидиддин Ватвотнинг «Хадойиқ ас-сиҳр фии дақойиқ аш-шиър» (XII), Шамс-и Қайс Розийнинг «Ал Мўжам фии маъойир ашъор ал-Ажам» ‘(1218-1223), Тож ал-Халавийнинг «Дақойиқ аш-шиър» (XIV), Шароф ад-дин Рамийнинг «Ҳақойиқ ал-ҳадойиқ» (XIV), Аҳмад Тарозийнинг «Фунун ал- балоға» (XV аср 1-ярми), Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи қофия», «Баҳористон» (XV), Ҳусайн Воиз Кошифийниг «Бадоеъ ал-афкор фии санойиъ ал ашъор» (XV) ва Атоуллоҳ Маҳмуд Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-санойиъ» (1493) асарларида ривожлантирилган бўлиб, Навоий бу асарларнинг барчасидан хабардор эди.

Маълумки, туркий классик шеьриятнинг асосий лирик жанрларидан бири ғазал бўлиб, унинг ташаккули қадимги араб поэтикасига бориб тақалади. Ҳам шакл, ҳам мавзу, ҳам мазмун жиҳатидан араб ва форс-тожик поэзиялари таъсирида шаклланиб, ўзининг мукаммал кўринишига эришган ғазал Навоий даврида туркий поэтиканинг энг оммалашган турларидан бирига айланди. Туркий тилли шоирлар араб ва форс тилларини яхши билганликлари ва бу тилларда ғазал яратишнинг кўп асрлик тажрибаларидан хабардор бўлганликлари билан бирга, ўз даврида катта тараққиётга эришган туркий ғазалчиликнинг ҳам узоқ ва қадим анъаналарига суянар эдилар. Шундай экан, ҳар бир шоир, ғазалчиликда ўзидан анча илгари ишлаб чиқилган ва амалда бўлган анъаналар ва адабий қонуниятларга риоя қилиши, уларни ўрганиши лозим эди. Бироқ бу нарса туркий ғазалчиликнинг образлар дунёси, мавзу, шакл ва бошқа унсурлари аввалдан, туркий тил хусусиятларидан тамоман фарқ қиладиган, ўзга тилларда қонунлаштирилган образлар, мавзулар, бадиий санъатлардан ташкил топган экан, деган мулоҳазаларга сабаб бўлмаслиги лозим. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, классик туркий поэзияда образлар системаси ташкил топишининг асосий принциплари туркийларнинг энг қадимги бадиий ёдгорликларидан мерос қилиб олинган ва бу нарса классик туркий поэзия пойдеворида ўзига хос, араб ва форс поэтикаси билан боғлиқ бўлмаган архаик қатламни ташкил этади, ва демак, бу ўз навбатида туркий классик ғазалнинг ўз мустақил таваллудига эга эканлигини билдиради. Туркий ғазалиётнинг ана шу узоқ эволюцияси Навоийга қадар назарий, адабий-танқидий жиҳатлардан илмий ўрганилмаган бўлиб, бу мавзу бугунги адабиётшунослигимизнинг ҳам диққатталаб вазифаларидан биридир. Ваҳоланки, ғазалнинг асосий хусусиятларидан бўлмиш ишқий лирик мавзу туркий поэзияда ўзиниг махсус тараққиёт йўлига эга бўлиб, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридан, балки ундан олдинроқ яратилган ёдгорликлардан бошланади.[43)] Бадиият илми хусусида ҳам худди шундай фикрни билдириш мумкин. Масалан, бадиий санъат воситаларидан бири бўлмиш тажнис туркий халқларнинг оғзаки адабиётида жуда қадимдан ишлатилиб келинган. «Девону луғотит-турк»дан бунга қатор мисоллар келтириш мумкин. Жумладан, бу асарда қофия тажниси қўлланилган шундай шеър бор:

Калса киши, атма ангар ўртар кула!
Баққил ангар эзгулун ағзин кула!
(Киши келса, унга ўртайдиган кул отма,
Унга яхшилик қил, кулиб боқ).

Назмий асарларда, хусусан ғазалда фикр ва ғояни ихчам, тушунарли, гўзал шаклда ўқувчига етказиш масаласи ғазалнинг энг қадим тарихидан то ҳанузга қадар адабиётшунослар баҳс майдонида муҳим ўринни эгаллаб турган шакл ва мазмун муносабатларига

оид мулоҳазалар асосини ташкил этади. Бу мавзу исломнинг илк давридаёқ араб адабий танқидчиларидан ал-Аскарий, ал-Журжоний, Ибн Қутайба, Ибн ал-Муьтазз кабиларнинг асарларида таҳлил этилган. Зеро, назм ёки насрда ижод қилаётган ҳар бир қаламкашнинг бу хусусда ўз фикри ва йўриғи бўлиши лозим. Биз бу масаланинг адабиёт майдонида қўйилишидан бошлаб то бугунги кунгача бўлган давр мобайнида унинг энг етук ва мукаммал ечимини ўзининг адабиётшуносликка оид асарларида назарий жиҳатдан илмий ифодалаб берган, бетакрор ижодида унинг амалий намойишини кўрсатган буюк мутафаккир Алишер Навоий фикрларига тўхталишдан аввал бу хусусдаги баъзи баҳс-мунозарали фикрларга нисбатан ҳам мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Ўрта асрлар классик поэзиясининг турли масалалари ғарб адабиётшунослари асарларида ўрганилган бўлиб, узоқ тарихга эгадир. Ғарб олимлари ўрта асрлар шарқ адабиётида ўзига хос мустақиллик, оригиналлик ҳақида фикр юритар эканлар, аксари Европа поэзияси материалларига суяниб иш кўрадилар. Ана шу сабабдан ҳам уларнинг билдирган фикрлари ва хулосаларида бирёқламалик, чегаралганлик кўзга ташланади. Жумладан, биз назарда тутаётган мавзу – бадиийлик илми масалаларининг ўрганилиши хусусида ҳам худди шу ҳолни кўриш мумкин. Бундай ғарб назариётчиларининг фикрларига кўра, шарқ классик поэзиясида анъанавийлик кучли бўлганлиги сабабли, оригиналлик, ўзига хослик фақат бадиий асарнинг ташқи кўриниши, шаклидагина намоён бўлади. Яъни классик поэзияда мавзу ва мазмун аввалдан белгилаб берилганлиги, ҳар бир шоир ўз маҳоратини ана шу мавзунинг янгича талқини, бадиий ишланилишида кўрсатиши лозим эканлиги, бу соҳадаги қатъий анъанани бузишга ҳуқуқи йўқ эканлигини кўзда тутиб, ғарб муаллифлари: «...авторы стремятся превзойти друг друга в мастерстве владения формой и достигают в соперничестве высокого артистизма», деган хулосага келадилар. Бу нуқтайи назарга кўра, ўзининг мустақил ижодкор эканлигини таъкидлаш учун ўрта аср классик поэзияси вакили ўз бадиий яратмасининг шаклигагина эътибор қаратиши лозим (Яъни бадиий санъатлар ўйинини кўрсатишигина кифоя) бўлади.

Француз олими П.Зюмтор асарларида ҳам худди шу мазмундаги фикрлар такрорланиб, у ҳатто ўрта аср ўқувчиси поэтик асардан унинг бадиий шаклидан ўзга ҳеч нарса кутмайди, бу поэзиянинг асосий хусусияти унинг намойишкорлигидадир (айнан: «театральность» сўзини қўллайди) дейишгача боради. У эътирозга ўрин қолдирмайдиган бир тарзда ўрта аср шарқ поэзиясида «мазмун, маъно ва ахборотга нисбатан шакл катта аҳамиятга эгадир», деган фикрни билдиради.

Араб поэзиясини ўрганган инглиз олими Х.А.Р.Гиббнинг таъкидлашига кўра ҳам, «целью его (Яъни классик шоирнинг - (Д.) было, развивая ту или иную тему по четко обозначенной канве, украсить её всеми доступными средствами искусства, превзойти своих предшественников и современников красотой, выразительностью, сжатостью фразы, правдивостью описания и восприятия действительности».

Шунга ўхшаш фикрларни бир-бирини такрорловчи ва шу заминдан фикрларини ривожлантирувчи бошқа бир қатор ғарб ва баъзи рус олимлари асарларида ҳам кўриш мумкин. Қизиғи шундаки, классик араб, форс-тожик ёки туркий поэзиянинг айрим даврлари ёхуд алоҳида олинган ёзувчилар зумраси фаолияти юзасидан чиқарилган хулосалар кўп ҳолларда, умуман, Ўрта аср Шарқ поэзияси ва унинг барча даврларига нисбат берилади.

Албатта, бу муаммога турли ёндашувлар, нуқтайи назарлар мавжуд бўлиб, жумладан, рус олимлари Д.С.Лихачев, И.Я.Крачковский, М.В.Жирмунский, А.Б.Куделин кабилар юқорида келтирилган мулоҳазалардан тамоман фарқ қилувчи фикрларни баён этганлар. Масалан, М.В.Жирмунский жаҳон адабиётшунослигидаги бундай «формалистларни танқид қилиб, классик араб поэзиясидаги бадиий либос бевосита давр ва услуб масалалари билан ҳам

боғлиқ эканлигини, яъни ҳар бир даврда адабий асар маълум услубда ёзилиб, давр янгиланиши билан услуб ҳам янгиланишини таъкидлайди ва шундай дейди: «...эволюция стиля как система художественно-выразительных средств или приёмов тесно связана с изменением обшего художественного задания, эстетических навыков и вкусов, но также всего мироошушения эпохи». 46)

Дарҳақиқат, ҳар қандай қаламкаш ўз асарини бирор мақсадни кўзлаб яратади. Исломгача бўлган давр араб саҳроларида битилган ғазалларда шоир ўзининг нуктадонлиги, топқирлиги, фаҳми тез ва фаросатлилиги, ҳофиза қуввати билан бошқалардан устунлигини намойиш этишни мақсад қилиб қўйган бўлса, ўрта асрлар ниҳояси, инсоният шарқ ўйғониш даврининг камолот чўққисига етган бир даврда бу даврнинг энг етук вакили Алишер Навоий, албатта, бадиий асар яратишдан тамоман ўзга мақсадларни кўзлаган эди.

А.Ҳайитметов «Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан» номли асарида ҳар бир давр адабиётининг ўз даври эстетик идеали билан яқиндан боғланганлиги хусусида фикр юритади ва шундай ёзади: «Эстетик идеал инсоннинг, ёзувчининг ёки умуман жамиятнинг мукаммал, энг юксак гўзаллик ҳақидаги тасаввури, деган гап бўлиб, бадиий асар объектив борлиқнинг ёзувчи ижодига таъсири ҳамда шу даврдаги кишиларга, умуман жамиятга хос идеал гўзаллик ҳақидаги субъектив хоҳиш ва орзу асосида яратилади» [III, 124, 231-6.]

Кўринаётганидек, бадиий санъатларга асосланган шарқ поэзиясидаги бадиий тасвир усуллари ҳам эволюцион тарихий тараққиётга эга бўлиб, ҳар бир давр адабиёти поэтик асардан ўзининг етакчи ғоявий тенденциялари, мазмунига хос ёндашувни талаб этади. Бу турли шоирлар ижодида турлича намоён бўлади. Яъни ҳар бир шоир ўз қобилияти, билими имкониятларидан келиб чиқиб, ё поэзияни янги тараққийпарвар мазмун билан бойитади ёки анъанавийлик доирасида қолиб кетади. Шунга кўра, бадиий санъатларнинг ҳар бир давр поэзиясидаги функционал моҳияти ва вазифаси ҳам турлича бўлади. Уларнинг муайян ижодкор ёхуд ижод аҳли асарларида истифода этилиши хусусиятлари шу ижодкор ёхуд ижод аҳлининг услуби асосларини ташкил этади. Услуб эса «...маълум тарихий шароитда ижод қилаётган санъаткорнинг маълум дунёқараш асосида ... бадиий элементлар ва тасвирий воситаларга ижодий муносабатини англатади» [Ш, 124, 309-6.]

Навоий ижодида поэтик санъатлар шоирнинг эзгу мақсадлари, эстетик идеалини бадиий ифода этиш учун восита бўлиб хизмат қилган. «Навоий учун ҳеч қачон шеърий санъатлар шунчаки бир санъаткорликни намойиш қилувчи воситалар бўлган эмас. У ҳақиқий новатор ижодкор сифатида, ўзининг бутун санъаткорлик маҳоратини, муҳим ижтимоий-сиёсий фикрлари, олижаноб ғояларини юксак бадиий савияда ифода қилиш учун дадиллик билан ишга солган». [111,46,166-6.]

Алишер Навоий бутун илмий ва бадиий ижодида, давлат арбоби сифатидаги сиёсий-ижтимоий фаолиятида ислом сарчашмалари бўлмиш Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлардаги умумбашарий, илғор ғояларга таянди, тасаввуф назарияси, унинг илмий-ғоявий асоси бўлмиш вужудуюн таълимотини чуқур ўрганди ва тарғиб этди. Буюк шоир Шарқ уйғониши жараёнида юзага келган энг илғор ижтимоий-фалсафий ҳамда бадиий тафаккур ютуқларини ўз асарларида бой фалсафий мазмун ва гўзал бадиий нафосат уйғунлигида ўқувчисига тақдим этди. Унинг фалсафий бадиий тафаккури тараққиёти ислом маънавиятини кенг идрок қилиш ва уни ўз ижодий ва ижтимоий фаолиятида тарғиб этиш ғоялари билан бевосита боғлиқдир.

Қуръони Каримда ва Ҳазрати пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларида ифодаланган фикрлар Алишер Навоийнинг бадиий асарларида гўзал ташбеҳлар, бетакрор лавҳалар воситасида акс этади. Шунинг учун ҳам бу даврни мукаммал ўрганмай туриб, ўрта асрлар шарқ адабиёти маъно ва мазмун жиҳатидан чекланган, дея даъво қилиш бирёқлама хулосалардан ўзга нарса эмасдир.

Мавзун (вазнга солинган) фикрнинг оддий ахборот воситаси бўлмиш тилга нисбатан мафтункор, жозибали ва ёқимли бўлишида бадиий санъат яратувчи унсурларнинг катта аҳамиятга эга эканлиги бир қатор ислом уламолари асарларида ҳам қайд этилади.

Ислом уламоларининг уқтиришича, Қуръони Карим – илоҳий китоб, «Аллоҳнинг сўзи» бўлганлиги туфайли, ўзининг бетакрорлигини таъминловчи қатор хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятларни инсон нутқининг бирор кўринишида - оддий, бадиий, назмий ёки насрий бўлсин - ифодалаш мушкул, тўғрироғи, уларни инсон зоти ўз тилида ифодалай олмайди. Буни исбот этиш учун мусулмон уламолари Қуръони Карим бадииятини ўрганиш ва уни араб назми ва насрининг энг юксак намуналари билан солиштиришга эҳтиёж сезганлар. Шу тариқа Қуръони Карим ва мусулмон уламолари бевосита адабиётшунослик муаммолари муҳокамасига тортиладилар. Ваҳоланки, Қуръони Каримнинг бетакрор ва илоҳийлиги унинг «Исро» сурасида аниқ ва равшан ифодалаб берилгандир: «Айтгин: «Агар инсу жинлар жам бўлиб, бир-бирига ёрдам бериб уринсалар ҳам Қуръонга ўхшаш нарсани келтира олмайдилар». [П, 18]

Араб мусулмон назариётчиларидан Абд-ал-Қаҳир Журжоний ўзининг

«Далоил ал-эъжоз» ва «Китоб асрор ал-балоға» асарларида Қуръони Каримнинг бетакрор бадииятини таъминлаши мумкин бўлган барча омиллар маъноси англаниши мушкул бўлган сўзларда (алфоз муфрад), уларнинг оҳангдорлигида, ҳарф ва ҳаракатлар муносабати ёки рукнларда, васл ва қофияларда, ўхшатиш ва истиораларда акс этиши мумкинлигини тахмин қилади ва бу мулоҳазаларини илоҳий китоб асосида мукаммал ўрганади. Ниҳоят, муқаддас китобнинг бетакрор жозибаси ва мафтункорлигини ёлғиз шу санъатлар ташкил эта олмаслигига имон келтирган олим, унинг илоҳий гўзаллиги ўзига хос ва фақат унгагина муносиб бўлган услуби, назмидадир, деган хулосага келади.

Ал-Журжоний бадиий шакл ва мазмун уйғунлигида яратилган бадиий асарда мазмун етакчи ўрин тутишини таъкидлайди. Бироқ унинг фикрича, ҳар қандай мазмун бирор шаклда намоён бўлади. Адабий асарда шакл ўзгариши билан мазмун ҳам маълум даражада ўзгаради. Шу нуқтайи назардан араб адабиётшуноси классик адабиётда шакл мукаммаллиги маъно, мазмун мукаммаллигига, динамикасига хизмат қилади, деган хулосага келади.

Ўрта асрларда Шарқ адабиёти тарихида адабиётшунослик масалалари билан энг кўп ва изчил шуғулланган Алишер Навоий бу масала хусусида катта илмий қимматга эга бўлган фикрларини баён этди.

Шоирнинг фикрича, поэтик асарда бадиийликни таъминловчи омиллардан биринчиси поэтик мазмундир. Шоирнинг катта ишонч билан уқдиришича, поэтик мазмун бадиий асарнинг жони бўлса, бошқа омиллар гўё унга комилликни, башарий қиёфани бағишловчи чиройли либосга ўхшайди.

Шоир бу фикрни ўзининг адабиётшуносликка доир асарларида қайта-қайта такрорлайди. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзган сўзбошисида ўзи тартиб берган биринчи девон ҳақида ёзар экан, «Неча навъ ишким, мунда маръий бўлубтурур, ўзга давовинда кўринмайдурур», - дейди. Шоир бу девонининг асосий хусусиятларидан бири сифатида шеърларида кишиларга маърифат тарқатувчи байтларнинг кўпроқ бўлишига алоҳида эътибор берганлигини, уларнинг инсон руҳиятининг энг нозик жиҳатларини ёритишга мосланганлигини, қисқароқ айтганда, девондаги шеърларнинг ғоявий ва бадиий қувватига алоҳида эътибор берганлигини таъкидлайди. Шоирнинг уқдиришича, айрим девонларда ғазалнавис ҳуснни зоҳирий хатту хол таърифидан иборатгина қилиб қўйиб, гўзалларнинг ҳусну жамоли таърифи айрим ҳолларда иффат пардасидан холи равишда тасвир-

ланади. Ваҳоланки, муҳаббат мавзусидаги шеърларда ҳам «насиҳаторо ва маъвизатосо» байтлар киритилса, бундай шеърлар қадри, таъсир кучи янада ошади.

Навоийнинг фикрича, шеърларда асосан бир мавзу ёритилса, у шеърнинг бошидан охиригача тадрижий ривожлантирилган ҳолда ўзининг турли томонларини ўқувчи кўз ўнгида гавдалантириб турса, бундай шеър муваффақиятли чиққан шеър ҳисобланиши лозим.

Навоий назарида ҳар қандай мазмун ҳам поэтик асарни юзага келтира олмайди, поэтик фикр инсоннинг ҳис-туйғуларига, руҳига таъсир қилиши, уни турли кайфиятларга солиши керак. Бунинг учун ҳар бир шеърдаги поэтик мазмунга мос равишда вазн танлаш, ўхшатиш, сифатлаш, муболаға каби бадиий омилларнинг мазмунни юзага чиқариш учун жуда мос бўлишлигига ҳам эътибор бериш лозим.

Навоий адабий-танқидий қарашларининг муҳим масалаларидан бири бўлган поэтик маҳорат масаласида унинг «адабий маҳорат ҳақидаги фикрлари билан совет адабиётшуносларининг бу ҳақдаги фикрлари ўртасида жуда катта яқинлик кўринади» [III, 121, 98-6.]

Бадиий маҳоратнинг Навоий даври ва ҳозирги давр адабиётшунослигида ўрганилиши ҳақида А.Ҳайитметов қуйидаги фикрларни баён этади: «Навоийнинг поэтик маҳорат ҳақидаги қарашларини текширар эканмиз, бу нуқтайи назардан унинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси алоҳида қимматга эга. Чунки Навоий бу тазкирада тўрт юз элликдан ортиқ шоир ва қаламкашларнинг ҳаёти ва ижодига тўхталади ва бу шоирлар мисолида бадиий маҳоратнинг хилма-хил томонларини ёритади. Навоийнинг поэтик маҳорат ҳақидаги фикрлари умумий, абстракт фактлар билан эмас, балки реал фактлар билан, унинг ўз салафлари, айниқса, замондошлари ижоди билан яқиндан боғлангани учун ҳам ўрта аср схоластикасидан жуда узоқ бўлиб, ҳамон ўз қимматини сақлаб келмокда» [III, 121, 99-6.] Шоир ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий тилнинг бадиий асар яратишдаги имкониятлари хусусида фикр юритиб «...бу лафзда мунча вусъат ва майдонида фусҳат топилур. Керакким, мунда ҳар навь сухангузорлиғ ва фасеҳгуфторлиғ ва назмсозлиғ ва фасонапардозлиғ осонроқ бўлгай ...Бу тилда ғариб алфоз ва адо кўпдур», деб ёзади. [III, 5, 118-6.1 Буюк шоир ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб, фикрни бадиий ифодалашда туркий тилнинг бадиий шакллари, хилма-хил имкониятларидан ғоят санъаткорлик билан фойдаланади. Шоирнинг қалами остида табиатда мавжуд бўлган қарийб барча нарсалар, инсон жисмининг мукаммал гўзаллиги ва латофати, руҳиятининг хилма-хил лаҳзалардаги ҳолатлари ҳам фикрни бадиий ифодалашда имконият бўлиб хизмат қилади. Шоирнинг ғазалларда тадрижийлик ва якпоралик, воқеабандлик ва воқеабаёнлик хусусиятлари ҳақидаги фикрлари орқали поэтик асар мукаммаллигини таъминловчи омиллар бадиий шаклга нисбатан бадиий мазмун билан, муаллифнинг ғоявий мақсадлари билан қўпроқ боғлиқ эканлиги англашилади.

Навоий ўзининг шу тариқа назарий қарашларини туркий ва форс-тожик тилларида яратган барча назмий асарларида баркамол намойиш этди. У адабиётшуносликка оид «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида, «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон», «Муфрадот» каби асарларида, бир қатор «Ҳолот»ларида биз юқорида келтирган баъзи ғарб танқидчиларининг шарқ ғазалчилигини «артистизм»[49]' дан иборат, деган тушунчаларига нисбатан ўзининг соф илмий нуқтайи назарини баён этди, лирикаси мисолида эса ўз фикрларининг амалий ифодасини кўрсатди.

Шеърий асарда бадиий санъаткорлик унсурларининг меъёрида, чиройли қўлланилиши ёки бу соҳада шоир йўл қўядиган хато ва камчиликлар ҳақида Навоий «Мажолис ун- нафоис» да кенг маълумот беради. Тазкирада тилга олинган шоир ва қаламкашлар ижоди адабий

услуб, ва асосан, бадиий маҳорат нуқтайи назаридан таҳлил этилади. Бадиий жиҳатдан содда ва халқчил асарларга нисбатан «туркона» термини қўлланилади. Навоий ўзидан анча илгари ўтган ва ўзига замондош бўлган ҳамкасблари асарларида бадиий санъат воситаларидан нечоғли усталик билан фойдаланилганлигига катта эътибор беради. Жумладан, Атойининг машҳур

Ул санамким сув қироғинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклигидин сув била ютса бўлур

матлаъсини таҳлил этиб, «қофиясида айбғинаси бор» лигини (Яъни равийда) қайд этади, лекин, байт ғоят юксак бадиий қимматга эга эканлиги, (унда бошқа санъат унсурлари моҳирлик билан қўлланилганлиги, масалан, тасдир, талмиҳ) туфайли шоир маҳоратига таҳсин ўқийди.

«Бадоеъ ус-саноеъ» муаллифи Навоийнинг шеърда бадиий санъатларни қўллашда ниҳоятда талабчан бўлганлигини қайд қилиб, маънавий санъатлардан имтиноъ ёки мумтанеъ санъати бобида бу санъатни қўллашда ҳаддан ошувчи ёки фаросатсизлик қилувчи шоирларга қаттиқ танбеҳ берганлигини эслатади: «Албатта, тасаввуф аҳлию маъно арбобининг ўзга тили бордур ва аларнинг деганнинг ўзга маъноси бордурким, кўрунушта ҳар неча шариатқа хилоф бўлса ҳам, ҳақу ҳақиқатдур ва кишининг аларға эътироз қилгудек ҳоли йўқтур. Аммо ул маънодин мутлақан бехабар сафсатачи шоирлар жамоати ул жамоатқа такдид қилурлар ва шаръи шарифқа хилоф бемаьни нималарни айтурларким, ҳазрат-и худовандгор (Яъни Навоий - С.Д.) гоҳ-гоҳ қилиб тургандек (аммо кўпрак бўлса яхшироқ бўлур эди) аларнинг яхшилаб адабин бермак керактур» [III, 9, 264-6.]

Атоуллоҳ Ҳусайний Ҳазрат Навоийнинг бадиий санъатлар борасида ниҳоятда ўткир билимдон эканлигини тасдикдовчи яна бир воқеани ҳикоя қилади. Лафзий гўзалликлар сирасига кирувчи тарофуқ санъати шундай санъатки, бунда ҳар мисрани истаган бошқа бир мисра билан қўшиб ўқилса, ўша шеърдан бир байт ҳосил бўлади, маъно ва қофияга ҳеч ҳалал етмайди. «Мундоқ бир саньатни эътибор қилиш кўпдин бери хотиримда айланиб юрар, аммо ани айтмиш йўли бандага келмас эрдиким, ҳазрати худовандгор мажлисиға эришмак навбати етти ва яқинлик пайдо бўлди. Ул фикрни изҳор эттим. Сўзум тугагач, ўшул он ул ҳазрат давоту қалам тиладилар ва филбадиҳа ушбу рубоийни айттилар (рубоий):

Рўй-и ту зи рух-и осмоний хуштар,
Қадди ту зи сарв-и бўстоний хуштар,
Лаъли ту зи об-и зиндагоний хуштар,
Нутқат зи ҳаёт-и жовидоний хуштар. [50)]

Аксари замона фозилларию атоғлиғ хуштабълардин бўлмиш мажлис аҳли ҳайрон қолдилар ва таажжуб бармоғин тишлариға олдилар. Бу саргашта ҳам тан бериб қулоқ туттум. Бу иш замона фозилларига неча кўп ғарибу ажиб туюлмасун, аммо ул олиймиқдор уммондин бир қатрадур ва заррот-и жаҳондин бир заррадур» (II, 9, 89-5, |

Кўриниб турганидек, Навоий бадиияти гўзалликларини кашф этиш шоир ўзи ҳаётлик даврларидаёқ бошланган бўлса-да, уни том маънода илмий ўрганиш ва тадқиқ этиш шоирнинг чин меросхўрлари бўлмиш ўзбек олимларигагина насиб этди.

Асримиз ўрталаридан бошлаб Навоий лирик меросининг бадиий жиҳатларини текшириш иши Мақсуд Шайхзода, Иззат Султон, Н.Маллаев, А.Қаюмов, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, Ё.Исҳоқов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққулов каби олимлар томонидан амалга

оширилди. 40-йилларнинг охирларида бадиий санъатлар тадқиқига биринчилардан бўлиб қўл урган ўзбек олими Мақсуд Шайхзода «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида».[5]) «Ғаройиб ус-сиғар» девони асосида ёзилган «Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида» «Устоднинг санъатхонасида» номли мақолаларида шоир лирикасининг ғоявий-эстетик моҳияти, вазифаси ва аҳамияти бевосита бадиий санъатлар билан боғлиқ эканлигини қайд этиб, улардаги поэтик фикр, унинг юзага чиқиш омиллари, мантиқий тавсифи, бошқа бадиий санъатлар билан муносабати каби масалаларни ёритади. Шайхзода ўзининг қатор мақолалари ва асарларида шеъриятдаги бадиий санъатлар, уларнинг хусусиятлари, истилоҳ ва таърифлари ва шу билан боғлиқ жуда кўп масалаларни алоҳида мавзу сифатида ўрганиш лозимлигини уқдиради. «Таассуф билан айтишга тўғри келадики, - деб ёзади олим «Ғазал мулкининг султони» номли мақоласида, - классик поэтикани текшириш ишлари, хусусан, поэтика андозалари билан буюк шоирларимиз ижодини ўлчаш ва таҳлил қилиш масалалари совет адабиётшунослигида жуда кам шаклланган соҳалардандир» [II, 93, 233-6]

Адабиётшунослигимизнинг кейинги даври вакиллари устоз мутафаккир белгилаб кетган ана шу соҳада ўзларининг бир қатор изчил ва соф илмий тадқиқотларини юзага келтирдилар.

А.Рустамов томонидан бадиий санъат воситаларига оид Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-саноеъ» асарининг сўзбоши ва шарҳлар билан ўзбек тилига ўгирилиши адабиётшуносликнинг бу соҳасига қизиққан барча туркий тилли ўқувчилар учун эътиборли ҳодиса бўлди. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг бадиий санъатларга оид олти муаллиф асарларини қиёслаб ўрганиб ёзган бу китоби ҳанузга қадар асосий манба ва қўлланма бўлиб, унинг таржимасини ҳам ўзбек олими катта маҳорат ва санъаткорлик билан амалга оширгандир. Бундан ташқари, А.Рустамов Навоий асарлари бадийяти сирларини чуқур ўрганиб, «Навоийнинг бадиий маҳорати» номли китоб ёзди ва унда «Навоийнинг бадиий воситалари», «Навоийнинг қофия ва сажълари», «Навоийнинг вазнлари» номли сарлавҳалар остида шоир маҳорати масалалари, ижодининг бадиий етуклиги асосларини чуқур тадқиқ қилиб беришга муяссар бўлди.

70-йиллардан бошлаб фидойи олим Ё.Исҳоқов «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали саҳифаларида бадиий санъатлардан бир нечтасини таҳлил қилиб, уларнинг ажойиб намуналарини кўрсатиб берди. [531] Шу тариқа ўзбек классик ғазалчилигида бадиий санъат унсурларининг аҳамияти, вазифаси, услубий хусусиятлари масалаларини замонавий адабиётшунослик фани нуқтайи назаридан муаммовий ва қиёсий ўрганиш жараёни бошланди, десак хато қилмаймиз. Чунки бу йўналишдаги илмий ишлар бугунги кунда кўпаймокда. [541]

Муҳтарам олим ўзининг мазкур мавзу доирасида олиб борган кўп йиллик изланишлари натижасида дунёга келган “Навоий поэтикаси» асарида қуйидаги фикрларни ёзади: «Навоий лирикасининг бадиий қиммати, шоир санъаткорлигининг ўзига хос қирралари унинг тасвир воситалари доираси ҳамда улардан фойдаланиш йўлларида яна ҳам конкрет намоён бўлади. Бинобарин, Навоий лирикасида, бир томондан унга қадар ўзбек шеъриятида маълум даражада мавжуд бўлган поэтик воситаларнинг мисли кўрилмаган даражада тараққий этганлигини кўрсак, иккинчи томондан, фақат шоир лирикаси орқали юзага чиққан янги усул ва образларнинг шоҳиди бўламиз. Навоий девонларида юздан ортиқ шеърий санъатлар мавжуд бўлиб, улар шоир бадиий системасининг изчил тармоқларига айланган». [III, 46, 105-6.]

Олим ушбу асарида бадиий санъатларни муайян муаллиф ижоди доирасида, хусусан, Навоий лирикасида уларнинг лирик асар матни сарҳадларида бажарган вазифаси билан боғлиқ хусусиятларини назарда тутган ҳолда, шартли равишда ўн гуруҳга бўлиб ўрганади. Бадиий санъатларнинг моҳият жиҳатидан ва услубий хусусиятларига кўра, шеърий текст доирасидаги фаолияти ва унга боғлиқ характери юзасидан амалга оширилган бундай таснифот ўрта аср муаллифлари ва даврimiz олимларининг бу мавзудаги машҳур асарларидан бирортасида кўринмайди. Ё.Исҳоқов бадиий тасвир усулларининг бадиий асардаги ўрни ва вазифаси ва бошқа қатор хусусиятларини ўзига хос услубда Навоий лирикаси асосида ўрганар экан, «ҳар бир поэтик детал ёки образ муайян адабий оқим ёхуд индивидуал поэтик услуб доирасида ўзининг хилма-хил функционал имкониятларини намойиш этиши мумкин» [III, 46, 119-6.] эканлигини кўрсатиб берди ва шу тариқа бадиий санъат қонуниятлари тараққийси учун хизмат қилувчи яна бир янги, ўзига хос изланишлар ўзанига асос солди.

Бизнинг ушбу бобдаги тадқиқотимиз ҳам шу мақсадга йўналтирилган бўлиб, унда Навоий поэтикасида шеърий санъатлар мавқейи нуқтайи назаридан бажарилган бадиий талқин воситасида шоир поэтик услуби шаклланuви ва ривожи масалаларига эътибор қаратилади. Кичик шеърий асарга хам жуда катта ижтимоий вазифа юклаган, унинг ғоявий ва фалсафий моҳияти хусусида ниҳоятда талабчан бўлган шоир ижодий меҳнатни муҳим ижтимоий аҳамиятга молик давлат иши даражасига кўтаради. Шу сабабдан ҳам у ўз бадиий яратмаларининг мукаммал, бенуқсон бўлишини ният қилади.

Шоирнинг баъзи ғазаллари матнларини бадиий санъатлар талқини асосида ўрганишга журъат этдик. Масалан, Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан «Хазойин ул-маоний» девонларига ўтган баъзи ғазаллари вариантларида тасдир санъатини ҳосил қилувчи ўзгартиришлар бор. Ё.Исҳоқов бу санъатни фикрни далиллаш (мотивировка) учун хизмат қилувчи тасвир усули деб атайди. [III, 46, 106-6.]

Маълумки, бу санъатни юзага келтириш учун бир сўз байтнинг икки ерида берилади. «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 36-ғазалнинг тўртинчи байти

Ўқи баским тандадур, тегмас танимға ўзга ўқ,
Улки ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга

(57-бет)

тарзида берилган. «Ғаройиб ус-сиғар» да эса байтнинг биринчи мисраси ниҳоясидаги иккинчи марта қайтарилган «ўқ» сўзи ўрнига «захм» лафзи қўлланилган. Иккинчи мисрада биринчи мисрадаги «ўқ» сўзига тааллуқли фикр давом эттирилади. «Ўқ ... эмди қалқондур манга» бирикмаси билан шоир тазйил қилади. Яъни биринчи мисрадаги фикрини яна бир бор таъкидлаб, бадиий санъат ҳосил қилади. Демак, маъшуқа отган ўқ ошиқ танига санчилгач, қалқон вазифасини бажаради ва бошқа захмларга йўл бермайди. Ғазалнинг бошқа матнида «ўқ» сўзи «захм» билан алмаштирилган:

Ўқи баским тандадур, тегмас танимга ўзга захм,
Улки, ўқ деб нола қилдим, эмди қалқондур манга.

(34-бет)

Назаримизда, ғазалнинг аввалги варианти бадиий тасвир нуқтайи назаридан мукаммалроқдир. Буни байт мазмунининг мантиқий йўналиши ҳам таъкидлаб турибди.

Худди шундай кўриниш «Бадоеъ ул-бидоя» га кирган 249-ғазалнинг саккизинчи байтида ҳам учрайди:

Ком еткурмак ғанимат англа ҳожат аҳлиға,
Эй ғани, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

(211-б.)

Шоирнинг катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу байтининг ҳам аввалги девондаги матни кейингисига нисбатан мукаммалрокдир. Яъни «ком» ни албатта ҳожатмандга етказмоқ керакдир. Матн кейинги вариантида «даврон» сўзи байтнинг иккинчи мисрасида ҳам такрорланиб, тасдир санъати ҳосил қилинади, бироқ бу ҳол байтнинг ғоявий мазмунига путур етказади:

Ком еткурмак ғанимат англа даврон аҳлиға,
Эй ғани, бу дамки коминг бирладур даврон ҳануз.

(«Ғаройиб ус-сиғар», 225-б.)

Бу санъат А.Рустамовнинг бадиий санъат воситалари юзасидан қилган таснифотига кўра, тасдирнинг бешинчи турига киради. Шу нуқтайи назардан байтнинг аввалги варианти автор нусхаси бўлиши мумкин, деган фикр ўйғонади. Унинг кейинги матнида эса котиб қаламининг дахли бўлган.

Худди шу мазмундаги ўзгаришлар «Наводир ун-ниҳоя»дан «Хазойин ул-маоний» девонларига кўчган қуйидаги байтларда ҳам учрайди:

«Наводир ун-ниҳоя», 148-ғазал, 6-байт:

Талаб даштида аввал фоний ўлғил,
Ки йўқ бу йўлда ўзлукдин оғир банд.

(109-б)

Шу байтнинг «Бадоеъ ул-васат» даги кўриниши:

Талаб йўлида аввал фоний ўлғил,
Ки йўқ бу йўлда ўзлукдин оғир банд.

(127-ғазал)

«Наводир ун-ниҳоя», 321-ғазал, матлаъ:

Суроҳи то майи лаълинг висолин орзу қилмиш,
Ани бу мастлиқ девонаи жўлидамў қилмиш.

(225-бет)

Бу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» да 277-ўринда келган. Матлаънинг «Наводир уш-шабоб» даги шакли:

Суроҳи то майи лаълинг висолин орзу қилмиш,
Ани бу орзу девонаи жўлидамў қилмиш.

(263-ғазал) ва б.

Қуйида кўриладиган матний тафовутлар шоирнинг байтда ифодалаётган фикрини янада аниқлаштириш, мазмун жиҳатидан ҳақиқатга ёки реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга яқинлаштириш учун хизмат қилиши нуқтайи назаридан талқин этилади. Чунки бу нарса ҳар қандай шоирнинг асосий мақсади. Бироқ матн вариантида ана шу мақсад амалга оширилаётиб, тасдирнинг гўзал намунаси ҳам яратиб қўйилган. «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирган 815-ғазалнинг тўртинчи байтида катта бир сўз бирикмаси ўзгартирилган:

Зулфи домин ҳажр шомидек ёпиб олам аро,
Кўйи офоқ аҳлининг кўнглин гирифтор истади.

(564-6)

«Фавойид ул-кибар», 607-ғазал:
Зулфи домин ҳажр шомидек ёзиб офок аро,
Кўйи офок аҳлининг кўнглин гирифтор истади.

Байтда маъшуқанинг қоп-қора сочлари шом қоронғулигига қиёс қилиняпти. Бу ўхшатилмиш ва ўхшовчининг зоҳирий таърифи. Ўхшамиш эса қораликдир. Аммо байтда ташбиҳи томм қилинган бўлиб, шом қоронғулигида маъшуқасини кутавериб умидсизликка тушган ошиқнинг ғамдан қоп-қоронғу бўлган кўнглига ҳам ўхшатиляпти. Демак, маъшуқанинг сочлари ҳар кун ниҳоясида келадиган шомга эмас, ошиқнинг юраги соғинчдан ўртаниб турган ҳижронли шомга ўхшайди. Бундан ташқари, маъшуқанинг сочлари ва шом ўртасида уларнинг бажараётган вазифасига асосланган яна бир ўхшашлик бор. Маъшуқа зулфининг тобланиб, қўнғироқ бўлиб туриши шаклан овчининг домига қиёсланади «зулф»га нисбатан «дом» ни истиора қилиб ва унинг шом каби ёйиб юборилишига ишора қилиб, шоир икки карра ташбиҳ, яъни ташбиҳи мусалсал ҳосил қилади. «Олам» лафзининг ўрнида “офоқ” лафзининг келиши эса шомнинг ҳаракат доирасини ёки вазифасини янада аниқлаштиради, яъни шом тушгани уфқлардан билинади.

Ўхшатиш яратишда шоир бу билан ҳам кифояланмайди. У байтнинг иккинчи мисрасида ташбиҳ санъатини такомилига етказади. Маълумки, домнинг вазифаси қушни тутиб қолишдан иборат. Маъшуқа зулфининг печу тоблари ҳам шу мақсадда эшилиб, тўлғонади. Унинг истаги бутун офоқ аҳлининг, яъни бутун уфқни тўлдириб келаётгандек туюлган халқнинг кўнглини ўзига ром, гирифтор этишдир. Ташбиҳ санъатида бундай юксак маҳорат намойишини шоирнинг жуда кўп байтларида кузатиш мумкин. Академик Ойбекнинг ёзишича, Навоий метафора ва ўхшатишларида нарсаларнинг ташқи мушоҳадаларигагина эмас, кўпроқ, нарсалар, ҳодисалар, картиналар орасидага ички мушобиҳатлар, боғланишлар, муносабатларга зўр аҳамият беради. Бунинг натижасида янги поэтик бирикмалар, янги поэтик мажозлар яратади, бадиий воситалари хазинасини бойитади, шеърнинг образлилигини қуюқлаштиради» [III, 80, 39-6.]

Шоир бадииятига хос бу хусусиятни А.Рустамов ҳам таъкидлайди: «Навоийнинг ўхшатиш бобидаги етуклигини кўрсатувчи бир неча хусусият бор... Навоийнинг ўхшатишларидаги ўхшамиш фақат шаклга эмас, кўп ҳолатда вазифага асосланган. Мана шу хусусият Навоийга жуда кўплаб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ва келмайдиган ўхшатишларни вужудга келтиришга сабаб бўлган» [III, 90, 67-6.]

Навоий ўз байтларида бадиий санъатларни ўзаро уйғунликда моҳирона қўллайди. Таҳлилга тортган байтимизда «офоқ» сўзининг ҳар мисрада келтирилиши билан тасдир ҳосил қилинган бўлса, шу муносабат билан ташбиҳнинг ҳам энг юксак ва бетакрор намунаси намойиш этилади.

Тасдир ва ташбиҳни уйғунликда яратиш санъати билан боғлиқ қуйидаги байтлар матнлари ҳам диққатга сазовордир. «Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирмаган, «Наводир ун-ниҳоя» даги 432-ғазалнинг учинчи байти:

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир тугон,
Лолалар остидадур ҳар доғи пинҳоним менинг.

(295-6.)

«Фавойид ул-кибар»да қуйидагича ўзгартириб берилган:

Дафъа-дафъа қон аро жисмимдадур бир-бир тугон,
Лолаедур гўйиё ҳар доғ ила қоним менинг.

(348-ғазал)

“Остида” ҳолининг ёрдамчи сўз туркумларидан «гўйиё» (“гўё”) ўрнида келиши байтда маънонинг равшанроқ ифодаланувига хизмат қилган. Яъни бу ерда ҳам ташбиҳ мушаббаҳ ва мушаббаҳун биҳнинг шаклий кўринишига эмас, балки сифатига нисбатан амалга оширилган. Байтнинг биринчи кўринишида «ҳар кўринмас доғ устида бир лола турган каби», маъноси берилса, «жисмимдаги ҳар доғ ила қон қизиллиги туфайли лолага ўхшайди» дейиш билан унинг иккинчи кўринишида ташбиҳи музмар (яширин ўхшатиш) ташбиҳи сареҳ ёки ташбиҳи мутлаққа айлантирилади. Албатта, бу ерда ижодкор мақсади ташбиҳ турларининг афзалини қидириш эмас, балки байтдаги бадиий фикрнинг чиройли ва ихчам ифодаси учун ташбиҳнинг қулай туридан фойдаланишга интилишдан иборатдир. Ташбиҳнинг бу тариқа такмили ўз навбатида муболағанинг такомилига ҳам сабаб бўлади. Яъни байтнинг биринчи шақлида фақат ошиқ жисмидаги доғлар ҳақида сўз кетса, унинг иккинчи шаклида доғлар устида ёки остида қон ҳам борлиги орқали ошиқ жисмининг абгор ҳолати бўрттирилади. Байтдаги бўрттириш санъатининг бу қадар чиройли кўринишида байтнинг биринчи мисрасидаги такрир санъатининг ҳам ўрни бор. Бундан ташқари, байтдаги тасдир иштиқоқлидир. Бу хил матнлар ҳақида биз қуйироқда алоҳида сўз юритамиз.

Кўринаётганидек, бир байтда икки сўзнинг тутган мавқейи биратўла тасдир, ташбиҳ, такрир, муболағa, иштиқоқ каби санъат унсурларининг ажойиб намуналарини кўрсатиш учун аҳамиятга эгадир.

Шоирнинг «Кўз» радифли ғазали мақтаъсидан олдин келган байтда ҳам фикрни аниқроқ ифодалаш мақсадида бир сўз ўзгартирилган. Бунинг натижасида тасдир ҳосил бўлган. Назаримизда ижодкор айнан шу вазиятда керак ва муҳим бўлган сўзни танлаб, икки мақсадни бирйўла амалга оширади:

Наҳс юлдуздек кўзи чун тушти, барҳам бўлди базм,
Муҳтасиб майхона аҳли айшиға еткурди кўз.

«Наводир ун-ниҳоя» девонида 265-ўринда жойлашган бу ғазалнинг тафовутли байти «Фавойид ул-кибар» да қуйидагичадир:

Наҳс юлдуздек кўзи чун тушти, барҳам бўлди базм,
Муҳтасиб майхона аҳли базмиға еткурди кўз.

(218-ғазал)

Байтда ирсоли-масал санъати ҳам бор.

Вариантларда иштиқоқли тасдир ҳосил қилиниши ҳоллари ҳам кўзга ташланади. Лафзий санъатлар сирасига кирувчи ўзакдош сўзларнинг уюштирилишига асосланган бу санъат «иқтизоб» деб ҳам юритилади. Ё.Исҳоқов таснифотида бу санъат сўзнинг ички, ташқи формаси билан алоқадор санъатлар гуруҳига киради. Қуйидаги байтлар матни вариантларида иштиқоқли тасдир ҳосил бўлган:

Куймади шоми хуморим тийраликдин ақлу ҳуш,
Май қуёшин куп спеҳридин чиқар, эй майфуруш.

Табдилий матн:

Куймади шоми хуморим тийраликдин ақлу ҳуш,
Май қуёшин хум спеҳридин чиқар, эй майфуруш.

Ёки:

Дўстлар ул нахли қад ҳажринда чун бўлдим қатил,
Сарв экинг гар қўймоқ истарсиз мозорим узра мил.

Табдилий матн:

Дўстлар ул сарвқад ҳажринда чун бўлдим қатил,
Сарв экинг гар қўймоқ истарсиз мозорим узра мил.

Яна:

Кўзларингта сайд ўлди кўнгул, вах, қутулурму,
Бир қушки, анинг кўйида бўлғай ики сайёд ?!

Табдилий матн:

Сайд ўлди кўнгул кўзларингга, вах, кутулурму,
Бир қушки, анинг кўйида бўлғай ики сайёд ?!

Бу байт тадқиқотимизнинг арузга доир талқинлар бобида ҳам таҳлил этилган эди (75-бет). Байтда «сайд» ва «сайёд» сўзларидан иштиқоқ ҳосил қилинган. Бу санъат «Бадоеъ ус-саноеъ» да иштиқоқи хафия, Яъни паст овоз билан айтилган, яширин иштиқоқ навъига мос келади. Матн нусхасида «сайд» сўзи байтнинг ҳашвидан садрига кўчирилгач, «раддул-ъажз мина-с-садр» деб аталувчи яна бир санъат юзага келади. Бадииятнинг лафзий гўзалликлари туркумига кирувчи бу санъат орасида ё тажнис, ё иштиқоқ, ё шибҳи иштиқоқ[57] бўлган икки лафзнинг бирини жумла бошида ва иккинчисини охирида келтириш билан ҳосил қилинади. Навоий ғазалларида бу санъатнинг жуда гўзал ва мураккаб кўринишлари кўзга ташланади. Масалан, мана бу матлаъда унинг икки қайта қўлланилганлигини кўриш мумкин:

Қилса <u>жонон</u> *оллида* жоним туфайл *олмоққа майл,*
Кош юз <u>*жон*</u> *бўлсаким, ҳар дам бирин қилсам туфайл.*

Байтда тазод ҳам бор. Фикримизча, қуйидаги байт ҳам юқоридаги мулоҳазалар нуқтайи назаридан дунёга келган.

Матн:

Боқма асфар барг уза, ҳар ён қизарғон обкаш,
Заъфароний юз уза кўр ашки хунобим сари.

Табдилий матн:

Боқма асфар барг уза, ҳар ён қизорғон обкаш,
Заъфароний юз уза боқ ашки хунобим сари.

Навоийнинг чуқур ижтимоий маъно касб этувчи қуйидаги байтида юқорида келтирилган байтдаги сингари иштиқоқ туркий сўзлар воситасида яратилади. Маълумки, сомий тиллар, жумладан, араб тилидаги ўзак сўзнинг ишлатиладиган формасига мос келмайди. Яъни ўзакда фақат ҳарф қолиб, ҳаракатлар акс этмайди. Масалан, қосид-мақсуд-қасида сўзларида ҚСД, обрў-эътибор-мўътабар.. сўзларида АЙН, БО, РО каби ва ҳ.к. Туркий тилда эса сўз ўзаги ўзгармайди. Демак, иштиқоқ сўз ясовчи ва ўзгартирувчи қўшимчалар воситасида ҳосил қилинади. Қуйида келтирилган байтлардаги сингари:

Югурма ризқ учун, не етса ҳакдин, англаким, комил
Не келтургил демиш, не ғайбдин етгонни қойтормиш.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 238-бет)

Табдилий матн:

Югурма ризқ учун, не етса ҳақдин англаким, комил
Не келтургил демуш, не ғайбдин келгонни қойтормиш.
(«Ғаройиб ус-сиғар» 268-бет)

Байтнинг аввалги кўринишида ҳам «етса-етганни» лафзлари иштиқоқли. Бироқ кейинги нусхада иштиқоқли сўзлар орасидаги масофа яқинлаштирилган, яъни иштиқоқли сўзлар бир мисрага жойланган. Бунинг натижасида эса байт оҳангида ижобий ўзгариш содир бўлади.

Қуйидаги байтда ҳам худди шундай иштиқоқ ҳосил бўлган:

Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимга юз бало,
Кўп бало келтурди бу юзи қаролар бошима.

Табдилий матн:

Кўрмайин кўзлар қачон келди бошимға юз бало,
Кўр нелар келтурди бу юзи қаролар бошима.

Албатта, бу матн вариантлари котибларнинг «ро» ва «бо» ҳарфларини фарқламасликлари оқибатида содир бўлган. “Юзи қаролар» истиораси воситасида шоир маънавий санъатлардан ирсоли-масални юзага келтирган. Бундан ташқари байтда шундай санъатлардан яна бири – илтифот ҳам ҳосил бўлган.

Тубандаги байт матнлари ҳам иштиқоқ билан боғлиқ бўлган санъатларнинг мукаммаллигини кузатиш учун хизмат қилади:

Тут ўзунгта фарду бекаслик балою шиддатин,
То бировга ўрганиб, айру тушуб эмганмагил.
(«Наводир ун-ниҳоя», 481-газал)

Табдилий матн:

Тут ўзунгга фарду бекаслик балою эмгакин.
То бировга ўрганиб, айру тушуб эмганмагил.
(«Наводир уш-шабоб», 372-ғазал)

Шоирнинг

Ул шайхки минбар уза афсунға берур тул,
Шайтондур ўзи, мажлисининг ахли сурук ғул

матласи билан бошланувчи, жамиятда бидъату хурофот ёйиб, фисқу фасод тарқатган айрим дин вакилларини фош этувчи ғазалининг олтинчи байти вариантлари орқали ифода қилмоқчи бўлган фикр янада бойиб, иштиқоқ воситасида кучли муболаға юзага келганлигини кўриш мумкин:

Юз пора қилиб минбарин ўт ёққали авло,
Бу шарт илаким бўлса ул ўтда ўзи мақтул.
(«Наводир ун-ниҳоя», 484-ғазал)

«Фавойид ул-кибар», 377-ғазал:

Юз пора қилиб минбарин ўт ёққали авло,
Бу шарт илаким, бўлса ўзи қотилу мақтул.

Албатта, бундай санъатлар яратиш билан шоир ҳеч қачон бадиий фикрни гўзал шаклга тобеъ қилиб қўймаган. У ўзининг қуйма сатрларини яратар экан, аввало, ўз ғоявий мақсадини ўқувчига яхшироқ англатиш, фикрини тўла ифодалаб беришни ният қилади. Бу фикрни Навоий ўз ижодида жуда кўп марта такрорлайди. Жумладан, матнлар чоғиштирма нусхаларининг бирида ана шундай маъно ифодаланади. Яъни «сен бу пасткаш дунё сари рағбат қилган кимсаларнинг ниҳоятда тубан тушганликларини кўрдингми? Демак, бу дунё ҳою ҳавасидан кечиб, маъни олами сари назар қил», дейди шоир.

Мақтаъда «оламин» сўзининг «дуняи» сўзи билан алмаштирилиши натижасида иштиқоқли ташбиҳ яратилади:

Эй Навоий, иста маъни оламинкин, келди дун
Ҳар кишиким, майли ушбу олами дун соридур.
(«Наводир ун-ниҳоя», 240-ғазал)

Табдилий матн:

Эй Навоий, иста маъни оламинким, келди дун
Ҳар кишиким, майли ушбу дуняи дун соридур.

Навоийнинг бир қатор байтлари турли матнларини қиёслаб янгроқ товушли сўзларни уюштириш билан юзага келадиган тавзиъ санъати юзасидан талқин этиш мумкин. Лафзий санъатлар турига тааллуқли бўлган бу санъат номининг луғавий маъноси улашиш, тарқатиш демакдир. Мазкур санъатни бир хил товушни барча сўзларга улашиб чиқишни

назарда тутиб, «тавзиъ» деб атаганлар. Қуйидаги байтлар матнларида ана шу санъат турига тегишли тафовутларни сезиш мумкин:

1.

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар,
Бир адасдурким, ёпишмиш бир адас чоғлиқ шакар.
(«Наводир ун-ниҳоя», 178-ғазал)

Табдилий матн:

Рангсиз холинг жамолинг хонида, эй сиймбар,
Ё адасдур, ё ёпушмуш бир адас чоғлиқ шакар.
(«Наводир уш-шабоб», 135-ғазал)

2.

Чу нома чирмадим ёзиб юзинг васфида шавқангез,
Дамимдин ўт тушуб бир бошиға қилди они гулрез.
(«Наводир ун-ниҳоя», 152-ғазал)

Табдилий матн:

Чу нома чирмадим ёзиб юзунг шавқида шўрангез,
Дамимдин ўт тушуб бир бошиға қилди они гулрез.
(«Наводир ун-ниҳоя», 204 -ғазал)

3.

Дема гулгундур либосим ашқнинг ҳунобидин,
Шўъладурким, ўртанурмен ҳажр ўтининг тобидин.
(«Наводир ун-ниҳоя», 575-ғазал)

Табдилий матн:

Дема гулгундур либосимким сиришким қонидин,
Шўъладурким, ўртанурмен ҳажр ўтининг тобидин.
(«Бадоеъ ул-васат», 461-ғазал)

4.

Қазо нарроди кўк тосида ой-кун каъбатайнидин,
Душаш нақши била эл умри накди ҳар не бор элтур.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 174-ғазал)

Табдилий матн:

Қазо нарроди кўк тосида ой-кун каъбатайнидин,
Душаш накши била эл накди умрин бешумор элтур.
(«Наводир уш-шабоб», 186-б)

5.

На гулгун бодае мумкин, на гулрух соқие мавжуд,
Жиҳат будур Навоий гар тилар кетмак Хуросондин.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 507-ғазал)

Табдилий матн:

На гулгун соғаре мумкин, на гулрух соқие мавжуд,
Жиҳат будур Навоий гар тилар кетмак Хуросондин.
(«Наводир уш-шабоб», 588-ғазал)

ва б.

Бир катор ғазаллар вариантларида муболаға такмилга етказилади. Бу ҳодиса ҳам шоир поэтик услуби хусусиятларини ўрганиш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, «Муболағанинг поэтик санъат сифатида қўлланиш даражаси ва бадиий тасвир воситаси сифатидаги имкониятлари муайян давр, адабий оқимлар, жанрлар ҳамда маълум даражада у ёки бу ёзувчининг мақсади ҳамда индивидуал услуби билан боғлангандир. Маълумки, агар васфда даъво ақлу одатга мувофиқ бўлса, у ҳолда муболаға мақбул муболаға ёки таблиғ дейилади. Агар муболаға ақлга сиғсаю, одатдан ташқари бўлса ҳам мақбул саналади, бироқ энди у иғроқ дейилади.

Вариантларнинг мунтазам тахлили, котиблар эътиборсизлиги ёки бошқа сабабларга кўра Навоий байтларидаги иғроқ санъати номаълум бўлиб қолганлигини кўрсатади. Мана мисоллар:

1.

Анингдек солди ишқинг шўъла жоним ичраким шаксиз,
Малойик ошиқ ўлғай кўкка тушса бир шарар мендин
(«Наводир ун-ниҳоя», 562-ғ)

Табдилий матн:

Анингдек солди ишқинг шўъла жоним ичраким, шаксиз,
Малойик барча куйгай кўкка тушса бир шарар мендин.
(«Наводир уш-шабоб», 464-ғ)

1.

Навоий, айла анинг ишқи таркини, йўқ эса,
Чу ғайр ила май ичар боқу дам-бадам қон ют.
(«Наводир ун-ниҳоя», 102-ғ)

Табдилий матн:

Навоий, айла анинг ишқи таркини, йўқ эса,
Чу ғайр ила май ичар боқу захри хирмон ют.
(«Наводир ун-ниҳоя», 82-ғ)

2.

Заъфдин қаддим алиф бўлди, ул икки ломи зулф,
Ҳар ёнимдин жилвагар, вах, не ажаб гар лолмен.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 528-ғ)

Табдилий матн:

Заъфдин қаддим алиф бўлди, ул икки ломи зулф,
Ҳар ёнимдин фитнагар, вах, не ажаб гар лолмен.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 473-ғ)

Мазкур байтнинг аввалги кўринишида маъшуқа зулфларининг жилва қилиб, тебраниб тургани тасвирланса, унинг иккинчи шаклида улар фаттон, яъни фитна қўзғатувчи сифатида ифодаланади. «Жилвагар» лафзи сочларнинг кўриниши, ҳаракатига нисбатан қўлланилган ташбиҳ бўлса, «фитнагар» сўзи уларнинг бажараётган ишига, ёки аниқроғи, вазифасига қўра ишлатилган муболағали ташбехдир. Бундан ташқари, байтда китобат санъати ҳам қўлланилган бўлиб, у «лол» сўзига тааллуқлидир. Яъни араб ёзувидаги ЛОЛ сўзидаги АЛИФга ошиқнинг заиф ва нозик жисми қиёс қилинса, икки ЛОМга маъшуқанинг икки фитна қўзғатувчи зулфи ўхшатилади. Бу бетакрор бадиий лавҳа орқали шоир «икки ёнимда икки маккор фитнагар турса, ўзим заиф ва ожиз бўлсам, не қилишни билмай лолман», деган фикрни ифодалайди ва гўзал бадиий санъат намуналаридан бирини намойиш этишга муяссар бўлади.

Шоир ўз ғазалларида такрир ёки такрор санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Унинг баъзи кўринишлари вариантлар талқинида ҳам кўзга ташланади. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан олинган қуйидаги байт иккинчи вариантида такрир бир мисрада икки марта яратилган ва натижада байт оҳангининг яна ҳам равонлигига хизмат қилган:

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумга йўллар ўлбтур сиришкдин рах-рах
(«Бадоеъ ул-бидоя», 107-ғ.)

Табдилий матн:

Хаёли хайли кўзумга келургадур гўё,
Юзумки йўл-йўл ўлбтур сиришкдин рах-рах.
(«Ғаройиб ус-сиғар, 126-ғ.)

«Йўл-йўл» сифати юзга нисбатан ишлатилган бўлса, «рах- рах» лафзи ҳам шу маънони билдиради ва байтдаги форс-тожик тилидан олинган «сиришк» – кўз ёшларига тааллукдидир. Мазкур вариантларнинг ҳосил бўлишида ҳам котиблар «саводхонлиги» сабаб бўлганлиги шубҳасиз аёндир.

Мана бу байтда такрир муболағани янада кучайтириш учун хизмат қилади:

Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлғон,
Ҳар кимки йўк андин батар ўлғон, батар ўлғон.
(«Наводир ун-ниҳоя», 626-ғ.)

Табдилий матн:

Ишқ ичра қани мен киби зеру забар ўлғон,
Ҳар кимки, йуқ андин батар ўлғон, батар ўлғон.
(«Наводир уш-шабоб», 488-ғ.)

Шоир, албатта, оригиналда матлаъдаги «ўлғон» радифини бир байтда уч марта қўлламаган. Бундан ташқари, «ўлғон» феълини такрорлагандан кўра, сифат ва равиш бирикмаси – «андин батар» ни икки мартадан қайтариб, муболағани янада кучайтириш афзалдир. Яъни байтда аҳволи паришон ошиқдан батарроқ кимса йўклиги таъкидланиб, ўқувчи диққати ахборотдаги ҳаракатга эмас, балки тасвирланмиш ҳолнинг сифатига жалб этиляпти. Шу нуқтайи назардан байтнинг биз назарда тутган табдилий матни автор нусхаси бўлиши мумкин.

Маънавий санъатлар бобида ҳам Навоий маҳорати сўз санъаткорлигининг энг юксак чўққисига кўтарилганлиги маълум. Бу санъатга оид фикрларни ҳам вариантлар таҳлилида келтириш мумкин. «Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган 729-ғазалнинг мақтаъси, жумладан, шундай матнга эга:

Навоийни тила андин бурунки, дегайлар,
«Адам йўлин тутиб ул зори бенаво кетди».

Табдилий матн эса, назаримизда, мана бу:

Навоийни тила андин бурунки, дегайлар,
Адам йўлин тутиб ул зори бенаво итти.

Табдилий матннинг афзаллиги шундаки, «кетти» феълини «итти» га алмаштириш натижасида таносуб яратилади. «Адам» сўзининг маъноси йўқликдир. Шу маънода «нобуд, нобудлик» сўзлари ҳам ишлатилади. «Итти», «итиб кетти» феълларининг ҳам «йўқолиб кетди», «нобуд бўлиб кетди», деган маънолари бор.[59]' Ана шу маънодош сўзларнинг (от ва феъл) ёнма-ён қўлланилиши натижасида таносуб юзага келган. Бундан ташқари, «кетти» га нисбатан «итти» ни қўлланилиши муболағани ҳосил қилади. Байтнинг биринчи шаклида бу маънода муболаға йўқ. Байт саволу жавоб ёки мурожаъа санъатида ёзилган.

«Наводир ун-ниҳоя» дан «Фавойид ул-кибар» га кўчган бир ғазалда ирсоли-масал санъати бўлиб, вариантлардаги ўзгаришлар уларнинг бирида икки марта тасдир ва тавзиъ санъатлари ҳосил қилинганлигини кўрсатади. Байтда халқ тилида бўлган «Кунимни қора қилса, куни қора бўлсин», сўзларига ишора бор:

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қора бўлмиш.

Табдилий матн:

Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам рўзгори қора бўлмиш.

Яна бир матнда талмиҳ санъати учрайди. «Эй кўнгул» лафзининг «эй Масиҳ» лафзи ўрнида келиши Ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг водийга чиқиб кетишлари воқеасига ишора қилади:

Ишқ водийсинки осон деб эмишсен, эй кунгул,
Сен азимат қилки, мен ажзимға қилдим эътироф.
(«Наводир ун-ниҳоя», 378-ғ.)

Табдилий матн:

Ишқ водийсинки осон деб эмишсен, эй Масих.
Сен азимат қилки, мен ажзимға қилдим эътироф.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 303-ғ.)

Навоийда ҳусни таълил санъатининг гўзал намуналари жуда кўп. Бир байт матнида зътиборсизлик натижасида ана шу санъат бой берилган:

Ҳар тараф ул навъ ёпушмуш яролар қонидин,
Ким қуруғ жисмим уза бўлмиш тери пироҳаним,
(«Наводир ун-ниҳоя», 505-ғ.)

Табдилий матн эса, фикримизча, мана бундай:

Ҳар тараф ул шўх тош урмиш, яролар қонидин,
Ким қуруғ жисмим уза бўлмиш тери пироҳаним.
(«Фавойид ул-кибар», 405-ғ.)

Чунки байтнинг биринчи кўринишида таълил йўқ, чиройли муболаға бор. Иккинчи шаклида эса шоир кўйлагининг куруқ жисмига тери сингари ёпишиб кетишига сабаб қилиб (таълил), маъшуқа отган тошлардан пайдо бўлган яраларидаги қонни кўрсатади. Шу ўринда яна бир гўзал истиора орқали маъшуқанинг шўхлигини, шўх бўлгач эса, тош отиши табиийлигини ифодалайди. Бу эса ҳусни таълилдир.

Шу тариқа буюк шоир ғазаллари матний нусхалари таҳлили асосида бадиий асарда мазмун етакчилигида гўзал бадиий шакл унсурларининг фаолият доирасини, ўрни ва аҳамиятини, меъёрини, қўлланиш услубларини ва шу каби қатор жиҳатларни илмий текшириш ва аниқлаш мумкин. Чунки шоир ҳар бир байт, мисра ёхуд жумла, ёки сўз бадиий асарда ўзининг ташиётган маъноси, бажараётган вазифасига кўра ортиқча ҳашамсиз ва мантиқан ўринли, тил қоидалари нуқтайи назаридан бехато ва тушунарли бўлишлигига алоҳида эътибор беради ва унинг бу соҳадаги талабчанлиги бадиий-эстетик қарашлари асослари ва моҳиятини ташкил этади. Навоий лирик меросини жамлаш асносида ғазаллари байт ва мисраларини назардан ўтказар экан, ҳеч қачон маъно ва шакл унсурлари орасига чегара қўймади. Балки, гўзал бадиий шакл ёхуд лафзий либосни юксак ғоя ва чуқур мазмунга тобеъ этди, хизмат қилдирди. Шунинг учун ҳам шоир асарлари жаҳон адабиёти хазинасидан ўзига муносиб юксак мавқеъни эгаллади.

Маълумки, Навоий ўзининг ҳар бир асарида адабиётга бирор янгилик беришни мақсад қилиб қўяди. Классик шеъриятнинг энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган бадиий санъатлар соҳасидаги шоирнинг ғазаллари вариантлари талқини ҳам туркий шеъриятнинг баъзи назарий масалаларини илмий идрок этишга, шубҳасиз, хизмат қилади:

– биринчидан, Алишер Навоий ўз лирикасида бадиий санъат воситалари истифодасини мукаммал даражага етказар экан, ўша давр туркий шеъриятида аввалдан маълум бўлган ва мустаҳкам қонуниятга асосланган санъатларнинг ўзига хос янги жилоларда шоир ғоявий мақсадини янада аниқроқ акс эттириб, фаолият кўрсата олиши мумкинлигини исботлаб берди;

– иккинчидан, девондан девонга кўчган ғазаллар вариантлари таҳлилидан шу нарса маълум бўладики, Навоий бадиий адабиётнинг вазифаси жамиятга бадиий шаклда хизмат қилишдан иборат эканлигини, мукаммал табиат яратилмишнинг бир зарраси бўлган инсоннинг зоҳири, ботини, фикри ва сўзи ҳам гўзал, мукаммал, ёқимли бўлиши лозимлигини ва бадиий сўз ташбиҳу муболағасиз сўздан фарқли ўлароқ, ана шу вазифаларни бажариш учунгина амалда бор эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. Бу билан Навоий ўрта аср шарқ адабий мероси бутун инсоният келажагига дахлдор оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, унинг баъзи ғарб уломалари айтмиш ялтироқ шаклбозликдангина иборат эмас эканлигини қайта-қайта уқтиради. Агар лириканинг катта ижтимоий вазифаси шубҳасиз равшан бўлмаганда эди, Навоий ўз шеърларидаги ҳар бир байт ёхуд сўз мавқейи масаласига жиддий эътибор бермаган бўлар эди;

– учинчидан, шоир туркий тил хусусиятлари, сарфу наҳви қонуниятлари, оғзаки бадиий ёдгорликларнинг ёзма адабиётга, хусусан, лирикага таъсири масаласи, умуман, XV аср ижодий поэтик услуби ва бу услуб негизини ташкил этувчи халқчиллик сирлари каби масалаларни ўз ғазаллари мисолида такомилга етказишга муваффақ бўлди. Шоир янги туркий сўзлар, иборалар, мақолларни ўз назмига киритди, уларга сайқал берди. Демак, туркий тилнинг ҳазрат Навоий ижоди орқали бойиши ва янгиланиши, камолот чўққисига кўтарилишида унинг ўзига хос эстетик заковатининг ҳам маълум даражада ўз ўрни ва ҳиссаси бор экан;

– тўртинчидан, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан маълумки, Навоий ўзидан илгари ўтган аҳли табъ ва замондош шоирлар ижодини зийраклик билан кузатган, бадиий жиҳатдан таҳлил этган, баъзиларига ўз мулоҳазаларини билдирган. Навоий таҳлиллари чуқур назарий асосда пухта ишланган илмий таҳлиллар бўлиб, А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, ўрта аср схоластикасидан анча йирокдир. Навоий ўз лирикасига ҳам танқидий нуқтайи назардан ёндашиб, жумладан, бадиий санъатларни шеърларда ғоявий мазмун ва бадиий шаклнинг турли йўналишдаги масалалари билан уйғунликда истифода этади. Демак, Алишер Навоий бугунги ривожланган адабиётшунослигимиздаги аналитик услубнинг ҳам бошловчиси, асосчиси бўлиб қолади;

– бешинчидан, Навоий даврида бадиий санъат воситалари ҳақидаги илмларни ўрганиб, умумлаштириб ва тасниф этиб берувчи икки асарнинг пайдо бўлиши ўша даврда адабиётшуносликнинг бу соҳасига нисбатан бўлган қизиқишни кучайтирди. Навоийнинг ўз шеърларида бадиий санъатлар такмилига эътибор бериши унга замондош бўлган ва ундан кейин ижод этган туркий тилли шоирларни ана шу соҳадаги ижодий изланишларга рағбатлантирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Огаҳий, Аваз Ўтар, Фурқат каби шоирлар ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади;

– олтинчидан, лирикасида қўлланилган бадиий санъатларни такмилга етказар экан, Навоий ўз услубини, Ё.Исҳоқов таъкидлаганидек, энг олий мақом, юксак даражага кўтарилишига эришди.

Хуллас, Алишер Навоий ғазаллари матнларининг бадиий санъат воситалари нуқтайи назаридан таҳлили ва талқини унинг ниҳоятда кенг дунёқараши ва заковати, шеършунослик соҳасидаги чуқур билими ва ўз даври учун тараққийпарвар бўлган ғоявий-эстетик мавқеъидан далолат беради.

ҒАЗАЛ КОМПОЗИЦИЯСИДА СЎЗ ВА ТИМСОЛ МАСАЛАСИ

Санъат ва адабиётдаги ортиқча ҳашамат ва ялтироқликка жиддий қарши турган Алишер Навоий уни фикрий чегараланганликдан қутқариш учун бутун ижоди давомида курашди ва шу туфайли бадиий фикрнингдоҳий санъаткорларидан бирига айланди. Бадиий фикрнинг гўзал бадиий шакл омухталигидаги мукаммал ифодаси кўркам санъат асарини юзага келтирар экан, мазмун ҳам, шакл ҳам қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлган унсурлардан ташкил топиб, бу унсурларнинг санъат яратувчи бошқа омиллар қатори бадиий асар бенуқсонлигини таъминлашга хизмат қилиши маълум. Шу нуқтайи назардан шеърнинг композицион тузилиши масаласи ҳам муҳим масалалардан бири саналади.

Шеърий санъатлар масалаларини чуқур тадқиқ этган ўрта аср адабиёт мутахассислари ғазал композицияси ва лирик асарда фикрнинг стилистик ифодаси хусусида махсус

тўхталадилар. Уларнинг фикрича, шеър албатта уни ташкил этувчи қисмлар – муқаддима (насиб ёки ташбиб), асосий қисм ва хотима (мақтаъ ёки гуризгоҳ) дан иборат бўлиши лозим. Жумладан, «Меъёр ал-ашъор» муаллифи Носир ад-дин Тусийнинг ёзишича, худди хитобат (риторика) ўз ташкилий бўлаклари - муқаддима (садр), баён (иқтисос), чекиниш (тасдир) ва якуний қисм (хотима) дан иборат бўлгани каби, шеър ҳам ана шундай қисмлар, яъни матлаъ, ташбиб, тахаллус, дуо ва мақтаъдан иборат бўлиши керак. Шунингдек, ҳар қайси қисмнинг хусусиятларига кўра, унга муносиб бадиий санъатлардан фойдаланмоқ жоиздир. [III, 64,145-6.] Бундан ташқари, шеърнинг муваффақиятли чиқиши учун унинг юқорида номлари келтирилган қисмлари ҳусни матлаъ (чиройли муқаддима), ҳусни матлаб (ғоя-мақсаднинг чиройли ифодаси) ва ҳусни мақтаъ (хушоҳанг, сермазмун хотима) каби жиҳатларга ҳам эга бўлиши лозим. Шу тариқа ўрта асрлар шеърият назариётчилари ғазалнинг композицион тузилишида катта аҳамиятга молик бўлган уч асосий элементнинг мавжуд бўлишини қатъий таъкидлайдилар; Яъни бошловчи ва якунловчи байтлар ва шоирнинг асосий ғоя-мақсадини ифода этувчи қисм. Лирик шеърга нисбатан каттароқ ҳажмда бўлган асарларда эса, жумладан, қасидаларда, тўртинчи муҳим унсур - тахаллуснинг ҳам қўлланилиши зарур эканлигини бу адабий жанр формасига оид бир қонуният сифатида белгилайдилар. Ғазал эволюцияси тарихидан маълумки, нисбатан каттароқ ҳажмдаги лирик асар композицион бутунлигини таъминловчи тўртинчи унсур саналмиш - тахаллус, кейинчалик, ғазалнинг шаклий ва семантик структураси мукаммаллигини ташкил этувчи асосий компонентлардан бирига айланди.

Хуллас, ғазалнинг композицион тузилиши масаласида ўрта асрларда яратилган манбаларда бир-бирини қисман тасдиқловчи ёки тўлдирувчи қатор мулоҳазалар мавжуд бўлиб, бу масаланинг нисбатан тугал тавсифи Навоий даврида яратилган адабиётшунослик назариясига оид асарларда ўз ифодасини топгандек кўринади. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадоеъ ус-саноеъ» ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фии саноеъ ул-ашьор» асарларида шеър матлаъси, ҳусни матлаъ ёки ибтидо, мақтаь, тахаллус ёки гуризгоҳ каби тушунчаларга аниқлик киритилган. Аммо ғазал композициясига оид мазкур маънодаги таърифлар ижодкорнинг ғоявий мақсадини муайян лирик жанр ҳажмида мукаммал ифодалаб бериши учун бир техник схема сифатида хизмат қилиб, бу ўринда композиция тушунчасини анча чеклаб қўяди. Ё.Исҳоқов «Навоий поэтикаси» асарида композицияни формал ташқи белгилар ёки андаза сифатида тушунмаслик лозимлигини таъкидлайди: «Умуман, композицияни андаза тарзида тушуниш нафақат Навоий ғазалларини, балки асрлар давомида яратилган барча ғазалларни ягона андазага солишга олиб келади. Ваҳоланки, ҳар бир ҳақиқий шеър ўз семантик структурасига боғлиқ композициясига эга бўлади», - деб ёзади олим. [III, 46, 55-6.]

Шу ўринда бир муҳим нарсани таъкидламоқ лозим. Юқорида келтирилган барча мулоҳазаларда ғазал композицияси тушунчаси унинг архитектоникаси тушунчаси билан уйғунлаштириб юборилган. Ваҳоланки, ғазал архитектоникаси ҳали унинг композицияси эмас. Ё.Исҳоқов ана шу нарсани таъкидламоқда. Асар архитектоникаси унинг муайян жанр доирасидаги композицион мукаммаллигини таъминловчи формал омиллардан биридир. Яъни «архитектоника – бадиий асар қурилишининг умумий ташқи формасидир». Шеърнинг банд қурилиши унинг архитектоник жиҳатини ташкил эгади. Нутқий текстнинг банд ичидаги жойлашуви эса банд композициясини кўрсатувчи жиҳатдир. [III, 48, 137-6.] Демак, композиция ички уюшиш, мазмун асосидаги уюшишдир. Бу уюшишда мазмун боғлиқлиги, унинг ғоя-мақсад ифодаси учун хизмат қилиши зарурдир. Шу нуқтайи назардан, шеърий асар архитектоник жиҳатдан ғазал жанрига мансуб бўлиб, пароканда байтлардан ташкил

топган бўлса, композициясига эга бўлмаган асар ҳисобланади. Шу мазмунда классик адабиётда, жумладан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодида «устухонбанд» атамаси ишлатилади. Чунончи, у «Бобурнома»да Бадриддин Ҳилолийнинг «Шоҳ ва дарвеш» достонини «мазмун ва устухонбандлиғи бисёр ковок ва харобдур», деб танқид қилади. Ўз мулоҳазаларини шоирнинг ғоявий мақсади билан боғлиқ бўлган тасвир принципларининг асосий типларини кузатиш жараёни орқали Ё.Исҳоқов шундай баён этади, яъни: «Навоий ғазалларининг композициясига хос асосий қонуниятлар ҳам ғазаллардаги тасвир типларининг тақозоси билан юзага келган». [III, 46, 56-6.]

Олимнинг ўринли таъкидлашига кўра, ғазалдаги тасвир типлари унинг композицион тугаллигига оид асосий қонуниятларни юзага келтирар экан, демак, лирик жанр сифатида ғазалнинг специфик хусусиятини ташкил этувчи омиллардан бири ҳам (ишқий мавзусидан ташқари) унинг ўзига хос композицияси ва у билан бевосита боғлиқ архитектоникасидир.

Умуман, шеърнинг композицион тузилиши масаласига муносабат ҳар бир даврда ўша давр ижодкорининг адабий-эстетик дунёқарашига кўра турли мазмунда бўлган. Композицион яхлитлик, композициянинг бир образ асосида қурилиши, ғазал ҳажми ва тахаллус қўллаш масалаларида махсус қонунийликка интилиш каби белгилар Навоийгача бўлган давр поэтикасида жиддий эътиборга молик унсурлар сифатида кўринади.

Бироқ Шарқ ғазалчилигида Навоийга қадар лирик асар композицияси масаласи назарий жиҳатдан ҳар томонлама, кенгроқ ишланмаган, масалан, бадиий санъатлар соҳасида бўлгани каби, махсус канонийликка бўйсундирилмаган бўлиб, бу даврнинг машҳур шоирлари ижодида ҳам композицион жиҳатдан турли кўриниш ва даражада бўлган, яъни таркиби яхлит ёхуд пароканда ғазаллар учрайди. Бу мулоҳазалар байтда ифодаланган фикрнинг мисрадаги кўриниши, яъни ҳар мисрада мустақил фикр акс этиши ёки бир фикрнинг икки мисрага тақсим этилиши, мантиқий муносабати, байтларнинг ўзаро боғлиқлиги ёки боғлиқ эмаслиги, ғазалда байтлар сони, тахаллуснинг қўлланилиши ва қайси ўринда қўлланилиши каби масалалар ҳақида бўлиб, А.Ҳайитметов ўзининг «Навоий лирикаси» асарида бу масалага тўхталади ва худди шу нуқтайи назарлардан ўзбек ғазалчилиги форс-тожик ғазалчилигига нисбатан шеърий форма сифатида тезроқ шаклланганлигини таъкидлайди. Муаллиф текширишларини Ҳофиз, Саъдий, Анварий, Саккокий, Атойи, Лутфий каби шоирлар ижоди доирасида олиб борар экан, Алишер Навоийнинг ғазалда композицион бутунлик масаласини назарий жиҳатдан пухта ишлаб беришида ва унинг амалий тасдиғини етук лирик асарлари мисолида кўрсатишида бу шоирлар ўзларининг бадиий яратмалари билан мустаҳкам замин ҳозирладилар, деган фикрни билдиради. Демак, шу тариқа туркий ғазалнинг алоҳида олинган форма хусусиятлари такомили, Яъни вазн, қофия, радиф, ритм, тил, услуб ва бошқалар умуман унинг композицион мукаммаллиги масаласининг илмий ишланилишига олиб келди. Навоий ўзининг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган дебочаларида, «Мажолис ун-нафоис» ва «Мезон ул-авзон» асарларида бу масалага муносабат билдиради ва уни назарий жиҳатдан очиб беради.

Маълумки, Алишер Навоий бадиий асар композициясини ишлашда жаҳон адабиёти миқёсида тенги йўқ сўз санъаткорларидан бири ҳисобланади. У ўзининг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя»га ёзган дебочасида ғазал поэтикаси ва композицияси масалаларига тўхталиб, бу борадаги танқидий мулоҳазаларини шундай баён этади: «Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъ турур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арўсининг жилвасига ва жамолига оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлаъе махсус навъда воқеъ бўлса, ҳамул матлаъ услуби билан итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугагунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида

гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдурур. Бу сурат доғи муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқеь бўлса, аксар андоқ бўлғайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай». [II, 7, 22-6.]

Навоийнинг мазкур мулоҳазаларидан маълумки, у шеърнинг ғоявий ва бадиий таъсир қувватига алоҳида эътибор бергани ҳолда, ғазалнинг ғоявий-эстетик асосларини ташкил этувчи унсурлар такомили поэтика соҳасидаги мавжуд қоида ва анъаналарнинг қатъий адабий канон доирасида қайта ишланилиши ва ривожлантирилишига бевосита боғлиқ, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда шоир шарқ девончилиги соҳасида тўпланган анъана ва тажрибаларни умумлаштириб, уларни тамоман янги шакл ва мазмунда ривожлантириб дунёга келтирган девони «Бадоеъ ул-бидоя»га «Дебоча» ёзади. Бу дебочада Навоий бадиий ижодда халққа фойдали мазмуннинг муҳимлиги, бадиий шаклнинг ҳам гўзал ишланган бўлиши, ғазал яратганда кўпроқ мавзунинг якпора усулда ёзилишига эътибор бериш, ҳар бир лирик навъ хусусиятига кўра мазмун танлаш, муҳаббат ҳақидаги шеърларда ҳам маърифатомуз фикрларни жо қилиш, бу навъ шеъриятга беҳаё тавсифни йўлатмаслик масалалари хусусида фикр билдиради.

Шу ўринда, Навоий ижодий принципининг муҳим кўринишларидан бири сифатида унинг ўз девонларини «Дебоча»лар билан таъминлаганлиги ҳодисасини қайд этиш лозим. Бу мавзу адабиётшунослигимизда В.Зоҳидов, М.Солиҳова мақолаларида, Ф.Каримова[66]' номли муаллифнинг номзодлик диссертациясида махсус ўрганилган. Аммо биз бу соҳада тадқиқотимиз мавзуси йўналишида баъзи мулоҳазаларни баён этмоқчимиз. Маълумки, шоир ўзи тартиб берган «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» девонлари, «Хазойин ул-маоний» девонлар куллиётига махсус дебочалар ёзади. «Наводир ун-ниҳоя» девонига ёзилган дебоча ҳали номаълум бўлиб, бизгача етиб келган икки дебоча мазмунидан англашилишича, Навоийни композиция борасида нафақат алоҳида олинган лирик жанр доирасидаги, балки, умуман бадиий ижоддаги анъанавий якранглик қаноатлантирмай, у бу соҳада ҳам янгиликка, мукаммалликка интилади. Шу жиҳатдан мазкур «Дебоча»лар, шоир девонлари мундарижаси ҳақида қисқача маълумот берувчи «муқаддималаргина» бўлиб қолмай, Навоийнинг поэтика соҳасидаги чуқур илмий кашфиётларини, шеършуносликнинг назарий масалалари таҳлили ва тараққиётини, қолаверса, янги адабий канонлар мажмуасини ўзида акс эттирувчи илмий асарлар ҳамдир. Бундан кўринадики, Навоий феҳраст ёки дебоча каби бир қарашда катта илмий аҳамиятга эга бўлмагандек туюлган, алоҳида адабий жанр сифатида эътироф этилмаган, бироқ адабий асар ёҳуд девон муаллифининг мазкур асар ҳақидаги фикрларини адабиётшунослик-нинг долзарб масалалари аспектида таҳлилий баён этиши учун фавқулодда қулай имконият яратувчи ушбу миниатюр илмий асарлар композициясига ҳам мазмунан ва шаклан ўзига хос янгиликлар киритади, уларнинг илмий функционал имкониятларини кенгайтиради. Бу дебочаларда ўз даври ғазалнавислигида, умуман, шарқ классик назмиётида Алишер Навоий кўрсатиб берган асосий адабий-эстетик принциплар ҳақидаги фикрлар мавжуд бўлиб, кейинчалик бу мулоҳазалар шоирнинг ижодий услуби, лирикасининг бадиийлик сирларини ўрганишда мустаҳкам илмий асос бўлиб хизмат қилди. Шу боисдан ҳам Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлар куллиётига ёзган дебочасида «агар менинг девонларимни кўчирар эканлар, бу девонларнинг юзага келишидан иборат дебочамни ҳам албатта қўшиб кўчирсинлар», деб уқдиради: «...ул арзадоштим саводин бу дебоча зайлида сабт эткаймену биткучиларга ҳам бу феҳристдин бу арзадоштни айирмасқа васият эткаймен». [II, 4, 20-6.]

Шу ўринда А.Абдуғафуровнинг «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари» номли иккинчи мақоласида баён этилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтишни жоиз деб билдик: «...Албатта, мажмуанинг якунланиши билан дебочанинг ёзилиши ўртасида кўп вақт ўтмаган. Дебочанинг оддий-одатий муқаддималардан мазмунан ва шаклан жуда фарқланиб, мажмуа тузилиши ва мундарижасига бевосита алоқадор бўлмаган масалаларни ҳам қамраб олиши оддий тасодиф бўлмаса керак. ...1498 йил руҳи – мезони билан ёзилган дебоча бир-биридан мазмунан узоқ икки мустақил қисмдан ташкил топган. Худди шу мустақиллик хусусиятларини назарда тутиб бўлса керак, Навоий дебочадан нусха кўчирувчиларга махсус мурожаат билан, бу қисмларни бир-биридан «айирмасликка васият» этади. [III, II, 10-6.]

Навоий дебочаларининг яна бир муҳим илмий аҳамияти шундаки, шоир уларда ёлғиз ғазал композицияси соҳасида эмас, умуман, девон композицияси, қолаверса, дебоча композицияси соҳасида ҳам ўзига хос янгича услуб, махсус илмий йўналишлар мавжуд бўлиши лозимлигини тушунтиради ва бу фикрларини ўз девонлари, дебочалари, лирикаси мисолида намойиш этади. Аввало девон композицияси, ундан сўнг ғазал композицияси ҳақидаги фикрлар «Бадоеъ ул-бидоя» девонига ёзилган «Дебоча»да баён этилган бўлса, юқорида таъкидланганидек, дебоча ёзишнинг чуқур илмий ўзандаги мукаммал намунаси Навоийнинг икки «Дебоча»си мисолида шеършунослар ҳукмига ҳавола этилди. «Дебоча»- ларда муҳокама этилган масалалар ўзбек адабиётшунослари диққатини 60-йиллардаёқ ўзига тортиб, Мақсуд Шайхзода, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов ва бошқа бир қатор олимлар асарларида ўз тадқиқини топгандир. Кейинчалик, 70-йилларда навоийшунос олим Ш.Шарипов ўзининг «Навоийнинг воқеабанд ғазаллари» номли мақоласида [III, 106, 53-61-б.] «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасидаги пароканда байтлар танқиди ва ғазал ёзишда тадрижийлик, изчиллик принципларига амал қилиш кераклиги ҳақидаги фикрларга тўхталиб, шоирнинг кўпчилик ғазаллари ана шу навоиёна принципга амал қилинган ҳолда ёзилганлигини таъкидлайди. «Мазкур услубда ғазал ёзиш Шарқ классик ғазалиёти тарихида янгилик бўлиб, у кенг миқёсда биринчи марта (таъкид. - Ш.Ш.ники) Алишер Навоий ижодида кўзга ташланади», – деб ёзади муаллиф бу мақолада. Мақолада муҳим ўринлардан яна бири шуки, олим Навоий ғазалнависликда янги композицион принципларни кашф қилганлиги ва бу принциплар асосида бошқа шоирлар ижодидан тубдан ажралиб турувчи тамоман янги ғазаллар битганлигига тўхталиб, шоир ижодидаги тадриж усулида ёзилган якпора ғазаллар ва воқеабанд ғазалларнинг бир-биридан фарқланиб турувчи хусусиятларини очиб беради. Олим фикрини «Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган ғазаллар таҳлили орқали исботлайди.

Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида девон тузиш традициялари ҳақида билдирган танқидий мулоҳазалари, ғазал соҳасидаги кашфиётлари хусусида Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» асарида махсус фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Навоийнинг композиция масаласида ғазалга нисбатан бўлган қатор талаблари, Яъни ғазалнинг аниқ бир мавзуда бўлиши лозимлиги, шоир ғоя-мақсадининг шу мавзу орқали ифодаланиши, лирик қаҳрамон кечинмаларининг конкрет шароит билан боғланиши, байтларнинг мазмунан - изчил ривожи, матлаъ ва мақтаънинг ҳам мавзу ва мазмун юзасидан мантиқан ўринли, ғазал ғояси билан уйғун бўлиши каби масалалар унинг ўзи томонидан назарий жиҳатдан ишланиб, қатъий адабий канон даражасига етган эди.

Девонларни солиштириб ўрганиш шуни кўрсатдики, ғазал композицияси ва қурилишига оид тафовутлар «Бадоеъ ул- бидоя»дан «Наводир ун-ниҳоя»га, ундан «Хазойин ул-маоний» девонларига кўчган 72 ғазалда учрайди. Бу тафовугларни шеър композициясининг ташқи структуравий тузилиши - архитектоникаси юзасидан қуйидагича тасниф қилиш мумкин. Бироқ бу таснифот ниҳоятда шартли бўлиб, албатта, матнлардаги ўзгаришлар

характери, ижодкор мақсадининг асл моҳиятини очиб бериш учун асосий эътибор ғазал композициясининг семантик структураси, ғоя-мақсаднинг ифодаланиш йўриғи асосида ўтказиладиган қиёсий текширувларга қаратилади. Шу ниятда биз талқинни ғоявий-маънавий ҳамда эмоционал-руҳоний йўналишларда олиб боришга қарор қилдик. Матнлардаги композицион-стилистик ўзгаришлар қуйидаги мазмунга эга:

1) ғазал таркибидан бир ёки бир неча байтнинг чиқариб олиниши билан боғлиқ тафовутлар;

2) ғазал таркибига қўшимча байтлар киритиш борасидаги ўзгаришлар;

3) ғазалдаги байтлар ўрнини алмаштириш билан боғлиқ вариантлар;

4) ғазал мақтаъсидан олдинги ўринда келувчи байтлар юзасидаги фарқлар;

5) мақтаъси бўлмаган ғазалларни мақтаъ билан таъминлашга оид матн кўринишлари;

6) аввалги девонлардаги икки ғазални бир ғазал шаклига келтириш орқали амалга оширилган таҳрир;

7) матлаъ ёки икки байти айнан ўхшаш бўлиб, кейинги байтлари тамоман бошқа бўлган ғазаллар юзасидан таҳрирлар,

8) бадиий санъатлар билан (комиозиция юзасидан) боғлиқ таҳрирлар.

1. СЎЗНИНГ ҒОЯВИЙ-МАНТИҚИЙ ҚУВВАТИ

Бу талқин услуби функционал жиҳатдан маъно изчиллиги ва ғоя билан алоқадордир. Яъни бундай талқин воситасида асар мавзуси билан ёки байт мазмуни билан боғлиқ бирор сўз ёки жумлага урғу бериш орқали унинг асосий ғоясига урғу берилади. Алишер Навоийнинг ғазаллари вариантларини сўз ёки жумлаларнинг байтда лексик, синтактик-семантик, бадиий-семантик ғоявий нагрузка бажариш, маъно ташувчилик каби функциялари нуқтайи назаридан хам талқин этиш мумкин.

Навоийнинг шарқ девончилиги соҳасига киритган янгиликларидан бири шу бўлдики, у ўзининг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя»га кирган ҳар бир ҳарфга оид ғазалларини ҳамдлар ва наътлар билан бошлайди. Тадқиқотимизнинг бу қисмида Навоийнинг ғазал композицияси такомилини кўрсатиш учун ҳизмат қилувчи матний талқинни унинг ҳамдлари, наътлари, фалсафий-ижтимоий мавзулардаги шеърлари юзасидан олиб боришни мақсад қилдик. Тафовутлар ғазалларда мавзу мазмуннинг муайян эпизод ёки бадиий лавҳадаги функционал хусусиятини бўрттириш мақсадини ифодалаб куйидаги шаклларда кўринади:

а) маълум бир сўз, изофа ёхуд изофали сўз бирикмасини мамдуҳнинг бирор сифатини конкретроқ ифодалаш мақсадида алмаштириш;

б) бирор ташбиҳ ёки истиоравий ташбиҳнинг тасвирланмиш объектнинг янги сифатини юзага чиқарувчи ва уни муболаға билан бўрттирувчи сўз воситасида ўзгартирилиши;

с) байтда баъзи сўзларнинг воқеа-ҳодиса ривожининг мантиқий изчиллигини таъминлаш мақсадида алмаштирилиши;

д) баъзи сўз ва сўз бирикмаларининг мамдуҳ васфини янада баландроқ мақомда амалга ошириш мақсадида ўзгартирилиши;

е) бадиий тасвирни оригинал приёмлар билан янада бойитиш ниятида байтнинг бутун бир мисраси ёхуд мисранинг катта қисми ўзгартирилиши;

ж) изофали сўз бирикмаларининг форсий ёки туркий этимологиясини назарда тутиб, уларни халқ жонли тилидаги ҳолатида истифода этиш ниятида ўзгартириш ва б.

Навоий девонларида етук шарқона фалсафий тафаккурнинг юксак бадиий ифодаси бўлмиш ҳамдлар кенг ўрин эгаллайди. Маълумки, даҳо сўз санъаткорининг умумбашарий ижоди ҳар қандай миллий (тор маънода: миллат маъносида), ирқий, диний, мафкуравий ҳудудларни ёриб чиқади ва фақат инсонни улуғлайди, унинг камолоти учун хизмат қилади. Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳам унинг ислом маънавий хазинасидан, тасаввуф илмидан баҳрамандлиги, илғор фикрли сўфийлар оқимига мансублиги эди. Бинобарин, Навоийнинг мутасаввуф эмас, тараққийпарвар сўфий шоир эканлиги масаласи навоийшуносликнинг жиддий илмий текширувларини тақозо қиладиган муҳим вазифаларидаи биридир.

Алишер Навоийнинг фалсафий, тасаввуфий дунёқараши масалалари Е.Э.Бертельс, И.М.Муминов, В.Зоҳидов, Иззат Султонов, А.Ҳайитметов, М.Муҳиддинов, И.Ҳаққулов, Р.Воҳидов, С. Олимов асардарида анча кенг очилиб, кўп қимматли мулоҳазалар билдирилган. Шунга қарамай, бу масала адабиётшуносликнинг ҳали жуда кўп изланишларни талаб қиладиган соҳаларидан бири бўлиб қолмокда. Албатта, айни ҳолатда бизнинг мақсадимиз бу масалага бирор жузъий янгилик киритишдан иборат эмас. Аммо шоирнинг орифона шеърлари юзасидан бажарилган талқин асосида билдирилган мулоҳазаларимиз бу масаланинг баъзи соҳаларига ойдинлик киритади, деб умид қиламиз.

«Наводир ун-ниҳоя» девонида учинчи ўринда жойлаштирилган ҳамд икки вариантда учрайди. Ғазалда лирик қаҳрамоннинг ўз яратгучисига қилган муножоти энг авж пардаларда ифода этилади:

Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро,
Ниҳон дардима ошкоро эт мадоро.
Не дардингни кўнглумда асрарға тоқат,
Не сиррингни оғзимға олмоққа, ёро.
Хаёлингда савдо пишурганда айлаб,
Димоғимни ошуфта ул мушксоро.
Фироқинг аро жон талошурда, ё ғайб,
Ҳам ул ғам тоғидин бошим узра хоро.
Тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум, тараҳҳум,
Бутo, чобуко, маҳвашo, гулъузоро.
Қоронғудур олам оҳим сайлидин,
Куёш янглиғ оч ораз оламоро.
Навоийға жон ошкору ниҳонсен,
Зиҳи эл ниҳони санга ошкоро.

Бемисл, беҳамто Парвардигорига тошни сув этувчи илтижолар билан мурожаат қилган шоир муножотининг мақтаъдан олдинги байтдаги бир сўзи матнларда икки турли бўлиб келади.

Қоронғудур олам оҳим сайлидин,
Қуёш янглиғ оч ораз оламоро.

байтидаги «сайлидин» сўзи «тунидин» шаклида ҳам келади. Байт мазмунига диққат қи-

линса, матннинг мантиқан муаллиф нусхасига яқинроғини ажратиш мумкин. Мумтоз адабиётда «сайл» - «сел» ташбиҳи анъанага биноан кўз ёшларига нисбатан қўлланилади. «Оҳ» урмоқ эса тутун билан куйдириб юборувчи шамол билан қиёсланади. «Қоронғудур олам оҳим сайлидин» мисрасининг мазмуни матннинг биринчи шаклида мавҳумроқ туюлади, чунки сел келиши билан оламни қоронғулик босмайди. Оламни қоронғулик босиши учун тун келиши керак. Бироқ бу фикрни «оҳ ураверіб олам кўзимга қоронғу бўлиб кетди», қабилидаги кўчма маънода ҳам тушуниш мумкин. Икки ҳолда ҳам матннинг кейинги варианти фикрнинг конкрет, содда ифодаси учун хизмат қилади. Байтнинг иккинчи мисрасида қуёш чиқиши ҳақидаги фикр билдирилган. Бу ҳам кейинги матннинг устунлигини таъкидлайди. Чунки тун чекингач, Қуёш чиқиб, кун келади. Шу ўринда Навоий пантеизми баралла намоён бўлган. Яъни «оҳ»ларимдан олам тундек қоронғу бўлди, қуёш чиққач, ҳар бир гиёҳ, ҳар томчи шабнам, барча гўзал хилқатларда сенинг жамолингни кўрай, дейди шоир.

Бу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя»да йўқ, «Наводир уш-шабоб»да юқоридаги ўзгартириш билан тўртинчи ўринда келтирилган.

«Наводир ун-ниҳоя» девонида ўн биринчи ўринда келган ҳамдда ҳам кичик бир тузатиш кўзга ташланади. Ғазал:

Ёраб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлиб мундин жудо, сен бўлмоғил ондин жудо

тарзидаги ирсоли масал ва тарди акс санъатлари билан зийнатланган матлаъ билан бошланади. Ҳамднинг тўртинчи байти «Наводир ун-ниҳоя»да:

Хонумондин ойириб қилғонда туфроқ ичра ҳибс,
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо.

шаклида келади. «Бадоеъ ул-бидоя»да эса қабр маъносидаги «туфроқ» сўзи янги, янада кучли истиора билан муболаға қилиб берилган:

Хонумондин ойириб қилғонда зиндон ичра ҳибс,
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо

Бу ғазал ҳам «Бадоеъ ул-бидоя»да учрамайди. Бу эса ғазал шоирнинг 40 ёшларидан кейин ёзилганлигига ишора қилади.

Шоирнинг:

Эй жамолинг меҳридин равшан азалдин то абад,
Зарра янглиғ ул ёруғлуқ ичра саргардон хирад

матлаъси билан бошланувчи машҳур ҳамди ҳам икки матнда мавжуд.

Навоий эътикоди, илоҳиётни фалсафий идрок этиши ёхуд пантеизми баркамол намоён бўлган ғазалнинг тўртинчи байти «Наводир ун-ниҳоя»да қуйидагича:

Сенга толиб кимки азми Каъба айлар, йўкса дайр,
Сен муроди кимки зикр ичра санам дер, ё самад.

«Наводир уш-шабоб»да байтдаги «зикр» сўзи ўрнида «дайр» сўзи келади. Чунки яратгучининг сифатларидан бири бўлмиш «самад» сўзи зикр ичида айтилади. Зикр мусулмон авлиёларининг ибодат турларидан бири. Демак, «дайр» сўзининг иккинчи мисрада қайтарилиши биринчи мисрадаги фикрнинг мантиқий давомини таъминлайди. Яъни байтда ҳар мисрада мустақил, хабар мазмунидаги тугал фикрлар ифода этилиб, биринчи мисра мазмуни қуйидагичадир: «Каъба сари отланганлар ҳам, «дайр» дегувчилар ҳам сендан умидвор, марҳаматингга интизордурлар».

Иккинчи мисрада ғазалнинг биринчи вариантидаги «зикр ичида санам ёки самад» дегучи иборалари – ибодат этувчилар маъносида тушунилади. Байт композицияси психологик параллелизм санъати асосида қурилганлиги боис, бу мисрада «санам» дегувчи бутпараст образи ҳам иштирок этади. Байтнинг ғазал биринчи вариантидаги лексик-стилистик структурасида ушбу контраст образлар жойлашувининг схематик кўриниши қуйидагича:

I мисра: Каъба сари отланган мўмин
II мисра: Зикр этувчилар


«санам»	«самад»
деб	деб

«Зикр» сўзи «санам» ёки «самад» дегучи шахсни «ибодат этувчи» деган маънода тушунишга олиб келади. Демак, байтнинг иккинчи мисрасида икки хил тафаккурдаги обидлар образи намоён бўлади (Яъни бутпараст ва мўмин). Мисрада тазод обидларнинг диний дунёқараши юзасидангина яратилгаи. Аммо байтнинг биринчи мисрасида томм маънода икки қарама-қарши образ тасвирланган. Фикр грамматик ифодасидаги «йўқса» - феъли моҳиятан бутунлай қарама-қарши шахслар хусусида гап кетаётганлигини таъкидлайди, яъни улар Аллоҳ таолога интилувчи мўмин ва фоний дунёга майл қўйган дунёпараст образларидир.

Матнда «зикр» сўзи ўрнига «дайр» сўзи келтирилгач эса, иккинчи мисрада ҳам ундан олдинга тасвир муқобаласида контраст образларнинг ёрқин ифодасига эришилади. Бу ўринда байтнинг биринчи мисрасида «дайр» - ибодатгоҳ, иккинчи мисрада эса дунё, борлиқ маъносида келади. Мисранинг янги вариантида «санам» сўзи реал маъшуқа образига ишора этиб, унда бир маънодаги (Яъни ибодат этувчи маъносидаги) икки образ эмас, балки бир-бирига тамоман зид бўлган - ўткинчи дунё ҳавасидаги дунёпараст ва Аллоҳ таоло талабида бўлган ориф образлари иштирок этади.

Бундан ташқари, байтда «Сен муроди кимки дайр ичра санам дер ё самад» дейиш билан шоир ғоявий мақсадининг муболағали, юксак эмоционал формадаги ифодасига ҳам эришилади. Чунки зикр этувчининг муроди – у бутга сиғинадими ёки ягона Холиққами - яратгучига интилишдан иборатдир. Аммо кейинги матндаги фикр «обид мўмин ҳам, дайрда бир санам ишқига мубтало ошиқ ҳам Сендан марҳамат кутади», деган маънони билдиради. Шу жиҳатдан байтнинг кейинги матни схематик тасвири қуйидаги кўринишда бўлади:

Демак, бу матн вариантида байтдапсихологик параллелизмнинг мукаммал кўринишда акс этиши, шу муносабат билан тасдир санъатининг ҳам чиройли намунаси кўзга ташланади.



Ғазалнинг бешинчи байтида кўринган тафовутлар ҳам фикрни содда, халқона ифодалаш мақсадида сараланиши мумкин. «Наводир ун-ниҳоя»да:

Халқ радди не зиён топқонға лутфунгдин қабул,
Эл қабулидин не суд оники қаҳринг қилса рад

«Наводир уш-шабоб»да:

Халқ раддидин не ғам топқонға лутфунгдин қабул,
Эл қабулидин не суд оники қаҳринг қилса рад.

Байтда «халқ радди не зиён» жумласининг «халқ раддидин не ғам» бирикмаси ўрнида келиши билан тасвирнинг муболағали ифодасига эришилади.

Ғазалнинг еттинчи байти матнлари қиёсида ҳам худди шундай – муболағанинг кучайтирилган ҳодисасини сезиш мумкин. Яъни фил танли паҳлавон ҳам, энг кучли шер ҳам сенинг қувватинг олдида ожиз, ҳеч нарсага арзимайди. Гулжабин ва сарвқад гўзаллар эса санъаткорлигингнинг биргина қиррасидир, дейилади байтнинг биринчи кўринишида. Унинг кейинги шаклида эса гулжабин ва сарвқадлар ҳақидаги фикр янада ривожлантирилиб, уларнинг фақат ташқи тавсифи эмас, балки ботиний камолоти ҳам, Яъни тангри таолога шукр айтувчи эканликлари ҳам таърифланади:

Қувватингнинг ожизи гар пилтан, гар шери зўр, Санъатингнинг шўъбаси гар гулжабин, гар сарвқад.

Табдилий матн:

Қувватингнинг ожизи гар пилтан, гар шери зўр,
Миннатингнинг шокири гар гулжабин, гар сарвқад.

Ғазал шоирнинг тангри таолога бўлган дардли илтижоси билан тугайди:

Журму исён чоҳидин чиқмоқ Навоий, илтимос
Сендин айлар, негаким, йўқтур сенга "куфван аҳад".

Ғазалларда тафовутларнинг бошқа кўринишлари ҳам учрайди. Жумладан, шоирнинг яна бир ошиқона ғазалида байтнинг иккинчи мисрасидаги фикрни тўлдириш учун унинг биринчи мисрасидаги бир сўз мавқейи муҳим аҳамиятга эгадир.

Байт:

Чархи минойи хати шарҳига ҳамроз истама,
Ким бу хат мазмунидин дам урмай ўтмиш аҳли роз.

Байтдаги «шарҳиға» сўзи «сирриға» сўзи билан алмашиб кетган. Мақтаъдан олдин келиб, Навоийнинг хос услубига кўра чуқур ижтимоий мазмун касб этган бу байтда фалакнинг хатига, яъни сирларига сирдош бўлишни умид қилма, чунки бу хат мазмунидан огоҳ бўлганлар ҳам уни сир тутиб ўтиб кетганлар, деган маъно ётади. Шу сабабдан «сирриға» лафзи «шарҳиға»га нисбатан назаримизда фикрни ойдинроқ, тўларок, ифодалашга хизмат қилади.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган 28-ғазалнинг олтинчи байтида ҳам шу мазмундаги тафовут кўзга ташланади:

Нотавон жисмимға байрамлиқ била бер суҳбате
Ким кўнгул уммедвору мунтазирдур жон санга.

Шоир «Наводир уш-шабоб»да «суҳбате» сўзи ўрнига «сиҳҳате» сўзини қўллайди. Ошиқнинг нотавон жисми ҳақида сўз кетар экан, албатта маъшуқадан сиҳҳат тилаш мантиқ юзасидан тўғрирокдир. Қуйидаги ғазал вариантлари ҳам байт мазмунининг мукаммаллиги учун хизмат қилиши мумкин. Ғазалда маъшуқа юзининг турли кайфият ва ҳолатлардаги ифодаси қуёшнинг турли ҳаракатлари ва кўринишларига қиёс қилинади:

Маст ўлуб оразни чун майдон аро қилди ниҳон,
Сарғариб титраб чиқарди пардадин сиймо қуёш.

Шоир маъшуқа оразини Қуёшга ташбиҳ бериб, унинг парда ортига яшириниши ёки уфққа бош қўйишини маъшуқанинг мастона чеҳрасини хилватга олишига ўхшатади. Шунинг учун маъшуқанинг оразини ниҳон этиши билан боғлиқ «майдон» сўзидан кўра «хилват» сўзи афзалроқдир. Иккинчи мисрада фикр давом эттирилиб, қуёшнинг уфқдан бош кўтариши ҳолати тасвирланади. Бу эса маъшуқа юзининг хилват пардасидан секин чиқишига ишора қилади:

Маст ўлуб оразни чун хилват аро қилди ниҳон,
Сарғариб титраб чиқарди пардадин сиймо қуёш.

Шу мазмундаги вариантларни шоирнинг бир қатор ғазаллари орқали текшириш мумкин. Жумладан:

I.

Кўйинг ўқ истар Навоий, нася жаннат аҳли зуҳд,
Мунча ўқ бўлғай тафовут олиму жоҳил аро.

(«Бадоеъ ул-бидоя», 42-б.)

Табдилий матн:

II.

Масканинг истар Навоий, нася жаннат ахли зухд,
Мунча ўқ бўлғай тафовут олиму жоҳил аро.

(«Бадоеъ ул-васат», 20-б.)

II.

Чарх жисмим туфроғин оҳим елидек совуруб,
Ҳажр даштида қуюндек айлади даврон мени.

(«Наводир ун-ниҳоя», 559-б.)

Табдилий матн:

Чарх жисмим туфроғин оҳим елидек совуруб,
Ҳажр даштида қуюндек килди саргардон мени.
(«Фавойид ул-кибар», 605-ғ)

I.

Номаи ҳушу ҳаёт ўлғай дедим васлинг, валек
Хатти беҳуш айлабон қатл айлади мазмун мени.
(«Наводир ун-ниҳоя», 803-ғ)

Табдилий матн:

Муждаи васлу хаёт ўлғай дедим номанг, валек
Хатти беҳуш айлабон қатл айлади мазмун мени.
(«Фавойид ул-кибар», 603-ғ)

II.

Кўзумда ҳар дам ул ой ўзни тутти,
Саводин онинг давриға хола қилдим.
(«Наводир ун-ниҳоя», 554-ғ)

Табдилий матн:

Кўзумда ул ой мардум ўрнини тутти,
Саводин онинг давриға хола қилдим.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 437-ғ)

III.

Хилъатин захмимға боғларға не ҳадким, истасам,
Қилса лутф ондин муни тикмак учун бир тор бас.
(«Наводир ун-ниҳоя», 281-ғ)

Табдилий матн:

Ёғлиғин захмимға боғларға не ҳадким, истасам,
Қилса лутф ондин муни тикмак учун бир тор бас.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 236-ғ)

IV.

Не мозидур, не мустақбал, арода сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқтурур ҳар дам узун умрунг ҳисобидин.
(«Наводир ун-ниҳоя», 560-ғ)

Табдилий матн:

Не мозидур, не мустақбал, арода сенсену бу дам,
Не шод ўлмоқтурур ҳар дам узун умрунг шитобидин.
(«Фавойид ул-кибар», 458-ғ.)

VII.

Ўзгалар арзин нетайким, жонима ором эрур,
Жавру бедодеким ул ороми жондин кўргамен.

(«Наводир ун-ниҳоя», 507-ғ.)

Табдилий матн:

Ўзгалар лутфин нетайким, жонима ором эрур,
Жавру бедодеким ул ороми жондин кўргамен.

(«Фавойид ул-кибар», 473-ғ.)

ва б.

Баъзи вариантларда шоирнинг байтлардаги бадиий тасвирни янада бойитиш учун оригинал истиоралар, муболағалар, ташбиҳлар киритганлиги ҳодисасини кузатиш мумкин. Матнларга нисбатан эътиборсизлик эса буюк санъаткорнинг бадиий тасвирдаги ана шу маҳоратидан бебаҳра қолишимизга олиб келади. Масалан, «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирган 854-ғазалнинг вариантларида саккизинчи байтда мисра ўзгариб кетиши натижасида лирик қаҳрамон ҳолати тасвирида яна бир ташбиҳ ҳосил бўлади. Байтнинг аввалги кўринишида ошиқ масту паришон деб тасвирланса, таҳрирдан кейин унинг сифатлари ортади - масту, бебоку, нодон деб таърифланади:

Дину дониш аҳлиға бер тавба, эй носиҳки, мен
Кеча кундуз дайр аро масту паришонмен басе.

Табдилий матн:

Дину дониш аҳлиға бер тавба, эй носиҳки, мен
Маст тун-кун дайр аро бебоку, нодонмен басе.

(«Бадоеъ ул-васат», 641-ғ.)

Қуйидаги байтга назар ташлайдиган бўлсак, «майхона» сўзи ўрнида «бутхона» келиб, ўзига хос тазод ҳосил қилинган. Масжид ҳам, бутхона ҳам вазифасига кўра ибодат қилинадиган жой. Бироқ масжидда мусулмон, бутхонада бутпараст ибодат қилади. Эътиқодлари тубдан қарама-қарши. Байтнинг мазмунига кўра, икки қошингнинг меҳроби туфайли юзинг аввал масжид бўлган бўлса, энди бу юз суратга сиғинувчи бутпараст учун бутхона бўлибди, деган фикр англашилади. Бундан ташқари, байтнинг иккинчи мисраси унинг биринчи мисрасидаги фикрни шарҳлаб келаётганлиги маълум. Мисрадаги меҳроб сўзи ундан олдинга мисрадаги масжид ва майхона сўзларига алоқадор. Масжиднинг меҳроби бўлади, аммо майхонада меҳроб бўлмайди. Шу нуқтайи назардан ҳам шоир «майхона»ни «бутхона» сўзи билан алмаштиради:

Магарки масжид экандурки, бўлди майхона,
Юзунгки ики қошингдин тўридадур меҳроб.

(«Наводир ун-ниҳоя», 60-ғ.)

Табдилий матн:

Магарки масжид экандурки, бўлди бутхона,
Юзингки ики қошингдин тўридадур меҳроб.

(«Наводир уш-шабоб», 44-ғ.)

Бошқа бир ғазал матнларида биринчи мисрада келган «бир нафас» жумласи иккинчи мисрада «бир дам» шаклида қайта такрорланмаслик учун «бир кун» лафзи билан алмаштирилиши ҳодисаси афзал:

Чун ўлармен бир нафас ул дилрабони кўрмасам,
Не ҳаёт имкони бўлғай бир дам они кўрмасам.
(«Наводир ун-ниҳоя», 557-ғ.)

Табдилий матн:

Чун ўлармен бир нафас ул дилрабони кўрмасам,
Не ҳаёт имкони бўлғай бир кун они кўрмасам.
(«Наводир уш-шабоб», 436-ғ.)

Ана шундай мантиқий талаблар нуқтайи назаридан ёндашилган матнларнинг бири «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 492-ғазалдир. Унинг тўртинчи байтининг аввалги ҳолати қуйидагича:

Ҳар бири юз миннат айларлар эрур бу ҳам жафо,
Юзу зулфунг даврида мундоғ кечар ёзу қишим.

У «Хазойин ул-маоний»нинг 1-томида (485-6)

Хар дам иссиғ ашку совуғ оҳдин дармондамен,
Юзу зулфунг даврида мундоғ кечар ёзу қишим

шаклида келган. Ғазал:

Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим,
Юқори тенгрию қуйи сендин ўзга йўқ кишим

тарзидаги ирсоли-масал санъатида юзага келтирилган байт билан бошланади. Ғазалда тасвир кўз ёши, нолиш, оҳни ифодаловчи сўзлар иштирокида ёритилган. Тўртинчи байтнинг аввалги ҳолатини назардан кечирсак, унда «сенинг юзинг ва зулфинг менга миннат қиладилар, бу эса жафодир. Уларнинг даврида менинг ёз-қишим жафода ўтмоқда», деган маъно англашилади. Бу байтда юзни ёзга, зулфни қишга ўхшатишдан иборат яширин ташбиҳ ҳам мавжуд. Лекин Навоийнинг янги девони таркибида бу байтнинг янги матни учрайди. Бу вариантда байтдаги тасвирийлик янада кучайган. «Юз ва зулфинг миннат қиладилар», деган интоқ, нутқлантириш санъати асосида яратилган мисра биринчи матни назаримизда мавҳумроқ туюлади. Байтнинг бу мисраси кейинги матнида фикр янада равон, янада бадиийроқ воқеъ бўлган. Яъни иссиқ қўз ёшию совуқ охдан аҳволим забундир. Юзинг ва зулфинг замонида бизнинг ёзу қишимиз оғир кёчмокда, деган мазмун келиб чиқади. Бунга қўшимча қилиб, кўз ёшининг иссиқ бўлишини ёзга, совуқ оҳнинг эса «қиш» сўзига тааллуқли эканлигини ҳисобга олсак, мулоҳазаларимизнинг ўринли бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Навоий девонларида яна шундай матн кўринишлари учрайди: шоирнинг бир девондан иккинчи девонига кўчган ғазалида бирор ўзгариш кўринади, Бироқ ундан кейинги янги девонда ғазалнинг биринчи кўринишдаги шакли айнан келтирилади. Масалан, шоир

биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя»га 193-ўринда кирган бир якпора ғазалининг учинчи байти мана бу мазмунда:

Бу сориғ рангини кўрмаски, қилғай кўнгли раҳм,
Баски, юзға қонлиғ ашки чеҳраолойим келур.

Бу ғазалнинг иккинчи девон «Наводир ун-ниҳоя» матни биринчи мисрадаги «рангини» сўзининг «юзунгни» тарзида келтирилиши билан фарқланади. Бироқ «Хазойин ул-маоний» девонларида ушбу байтнинг аввалги кўриниши, яъни байтдаги «юзунгни» сўзи қайтадан «рангини» сўзи билан алмаштирилиши кўзга ташланади. Бундай вариантларнинг, албатта, котиблар эътиборсизлиги туфайли содир бўлганлигига шубҳа йўқдир. Чунки байтнинг иккинчи мисрасида икки қайта келган «юз» маъносидаги сўзларнинг учинчи карра яна такрорланиши бадиий санъат талабларига мос келмайди.

Худди шундай фикрни «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг 608-ғазали бешинчи байти мисолида ҳам айтиш мумкин. Байтнинг аввалги кўриниши қуйидагича:

Менки ўлдум кўйида кўнглум ўтининг дудидур,
Зоғдин қилманг гумон қонлиғ таним узра ғулу.

«Наводир ун-ниҳоя» девонида эса у мана бу шаклда келтирилган:

Мен гадо ўлдум кўйида кўнглум ўти дудидур,
Зоғдин қилманг гумон қонлиғ таним узра ғулу.

Байтнинг «Фавойид ул-кибар»дан жой олган аввалги «Бадоеъ ул-бидоя» мисолидаги шакли маъно юзасидан анча мукаммалроқ кўринади. Чунки лирик қаҳрамоннинг қонлиғ тани устидаги қора парда зоғлар эмас, балки, унинг куяётган кўнглидан чиққан тутун экан, демак, байтда ошиқнинг жисмоний ўлими лавҳаси тасвирланяпти. Бадиий фикр ифодасидаги бундай мантиқий боғланиш байтнинг «Наводир ун-ниҳоя» шаклида кўринмайди. Шу сабабдан ҳам, назаримизда, байтнинг биринчи кўриниши, яъни «Хазойин ул- маоний» матни асл нусхадир. Котибнинг матнда бир алиф орттириб ёзиши натижасида хатолик юзага келган. Яъни «менки ўлдум» бирикмаси - «мен гадо ўлдум» бирикмасига айланган.

Фикримизни шоир девонларидаги ғазаллар матн кўринишларининг яна бир тури орқали тасдиқламоқчимиз. Матнларнинг бу кўринишларида бирор сўз уч девонда уч хил шаклда келади. Шундай фарқларга учраган ғазаллардан бири «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 287-ғазалдир. Ғазалнинг бешинчи байти «Бадоеъ ул-бидоя»да қуйидагича:

Чун тузалди жисм уйи қовғай эди андин равон,
Йўқ кўнгул девонайи расвои нодонимни кош.

Байтнинг «Наводир ун-ниҳоя» шакли эса мана бундай:

Чун тузалди ишқ уйи қовғай эди андин равон,
Йўқ кўнгул девонайи расвои нодонимни кош.

«Ғаройиб ус-сиғар» девонига байт яна янги матн билан киритилган:

Чун тузалди тан уйи қовғай эди андин равон,
Йўқ кўнгул девонайи расвои нодонимни кош.

Матнларнинг бундай хусусиятларини илмий текшириш шоир бадиий тафаккури ва бутун ижодий меросига тегишли бўлган жуда кўп масалаларни ойдинлаштиришга имкон яратади. Шу мазмундаги яна бир мисолга эътибор қилайлик.

Девонларда тез-тез учрайдиган «бағир» сўзи ўрнида «кўнгул» сўзи келади. Бунга мисол сифатида қуйидаги байтларни келтириш мумкин:

Куйди бағирки қолмади ашкда қонидин асар,
Қон демайинки, кўзда ҳам ашки равонидин асар.
(«Наводир ун-ниҳоя», 225-ғ.)

Табдилий матн:

Куйди кўнгулки қолмади ашкда қонидин асар,
Қон демайинки, кўзда ҳам ашки равонидин асар.
(«Наводир уш-шабоб», 176-ғ.)

Ёки:

Қасдима чекма ҳилолинг тиғини кўп, эй спеҳр,
Ким ул ойнинг тиғи зулмидин бағир афгори бас.
(«Наводир ун-ниҳоя», 287-ғ.)

Табдилий матн:

Қасдима чекма ҳилолинг тиғини кўп, эй спеҳр,
Ким ул ойнинг тиғи зулмидин қўнгул афгору, бас.
(«Бадоеъ ул-васат», 236-ғ.)

Шу йўсиндаги матнлардан яна бир тури сўз бирикмалари билан боғлиқ. Яъни матнлар таҳлилида икки тил воситасида яратилган сўз бирикмаларига ҳам эътибор қаратиш таҳлилнинг муҳим жиҳатларидан биридир. Қуйидаги ғазал мақтаъсида «суву дона» жумласи истифода этилган. Бироқ бу жумла халқ тилида «обу дона» деб айтилиши боис ва бундан ташқари, сўз бирикмасининг иккинчи қисми – «дона» – форсча сўз бўлганлиги туфайли уни «обу дона» деб тасарруф этиш мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, бирор гўзал бадиий санъат ҳосил қилинмаётганлиги сабабли «сув» сўзининг байтда икки марта ишлатилиши ноўриндек кўринади:

Эй Навоий, неча бағринг сув бўлиб тўктунг сиришк,
Тойири давлат чу боқмас бўйла суву донаға.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 477-б.)

Табдилий матн:

Эй Навоий, неча бағринг сув бўлуб тўктунг сиришк,
Тойири давлат чу боқмас бўйла обу донаға.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 542-б.)

Шунга ўхшаш вариантларни «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги 625-ғазалнинг олтинчи байти мисолида ҳам учратиш мумкин. Ғазал маҳзун кайфиятдаги:

Ишқ аро мен киби йўқ бесару сомон бўлғон,
Хонумон бузғон алохону аломон бўлғон

матлаъси билан бошланади. Ғазалнинг бизни қизиқтирган байтида ҳам лирик қаҳрамоннинг ғамгин, ҳасратли қиёфаси тасвирланади:

Ишқ дарёси ани одами оби этғон,
Ҳажр саҳроси аро ғули биёбон бўлғон.

Тафовут байтнинг биринчи мисрасидаги «одами оби» жумласига тааллуқли. «Одами оби» - сувда яшовчи одам, амфибия маъносини беради. Сўз бирикмасидаги «одам» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси «тупроқ» демакдир. Яъни бу жумла тупроқдан яратилган сувда яшовчи инсон, деган маънони англатади. Аммо матн иккинчи кўринишида «одам» сўзи «оби» сўзи каби форсий тилдаги «мардум» лафзи шаклида келади. Натижада бирикма ўзининг асл кўринишида – икки форсий сўздан иборат бўлган шаклга келади ва бадиий тасвирдаги табиийлик янада кучаяди:

Ишқ дарёси ани мардуми оби этғон,
Ҳажр саҳроси аро ғули биёбон бўлғон.
(«Наводир уш-шабоб», 488-б.)

Кўриниб турганидек, Навоий ғазаллари, уларнинг мавзу доираси, маъно ва мазмун хусусиятлари борасида фикр юритилар экан, шоир адабий-илмий тафаккури тадқиқида муҳим ўрин тутадиган ғазаллар матн кўринишлари ва девонлар мунтазам таҳлили масаласини ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсоннинг катта жисмоний, руҳий меҳнатларнинг заҳматини чекиб, ўзини ҳар томонлама поклаб эришадиган башарий бойлигидир. Навоий адабий тафаккурининг беқиёс, оламшумул парвозига сабаб бўлган нарса унинг бадиий тасвир соҳасидаги беқиёс санъаткорлигидир. Шоир поэтик услубини шу жиҳатдан талқиний ўрганиш масаласи бугунги кун адабиётшунослигида фақат Навоий ижодиётигагина хос бўлган илмий жараён сифатида кўзга ташланмокда. Назаримизда илмий изланишларнинг бу кўриниши имкон қадар янада кенгроқ миқёсдаги текширишларни талаб қилади. Чунки шоир бадиий тасвир маҳоратини бадиий-илмий талқин воситасида ўрганиш юқорида келтирилган мисолларда кўринганидек, адабиётшуносликнинг жуда кўп масалаларига кичик бўлса-да, ўзига хос ва муҳим янгиликлар киритади, унга қўшимча манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Навоий ғазалларининг ғоявий-мантиқий жиҳатдан такомилида бадиий талқиннинг тутган ўрни алоҳида эътиборга моликдир. Аввало шуни таъкидлаш лозимки, шоир ҳамд ва наътларининг матн вариантлари юзасидаги талқини Навоий ижодий эволюциясининг кўринишлари ҳақида ҳам муайян тасаввур уйғотади. Шунинг учун ҳам «Илк девон»дан «Хазойин ул-маоний» девонларигача бўлган даврда ҳамдлар ҳам, наътлар ҳам йиллар ўтган сайин Навоий бадиий тафаккурида алоҳида, ўзига хос аҳамият касб этадилар. Чунки ушбу ҳамд ва наътлар, сўфийлик руҳида ёзилган шеърлар саккизинчи асрлардаёқ Шарқда кенг тарқалган ва ҳозирги кунгача давом этиб келаётган, лекин ўзининг илмий таҳлили ва таърифини мукаммал топа олмаган сўфийлик фалсафасини ўрганиш нуқтайи назаридан, шу-

нингдек, Алишер Навоийнинг бу фалсафий оқимга муносабатини белгилаш жиҳатидан ҳам ғоятда бой материал бўлиб хизмат қилади. Уларнинг ижодий талқини эса ана шу муносабатнинг янги, кўз илғамас қирраларини кашф этиш учун имконият яратади.

Навоий ўз ҳамд ва наътларида тил илми қонуниятлари ва қоидаларига, сарфу наҳв истифодасига, айрим сўзлар ва сўз бирикмалари этимологиясига, содда ва халқчил тил хусусиятларига катта эътибор берди.

Биз юқорида тўхталган матн кўринишлари Алишер Навоийнинг ғазаллари матнларини асосан мазмун ва ғоявий-мантиқий маъно етуклиги нуқтайи назаридан тиклашга хизмат қилади, деб умид қиламиз. Маълумки, ўрта аср адабиётшунослари, шунингдек, кўпчилик қалам аҳли ҳам шакл ва мазмун муносабатлари тушунчасини «лафзу маоний» жумласи билан ифодалайдилар ва шаклга алоқадор бўлган барча унсурларни «лафз» сўзига тегишли деб биладилар. Шунингдек, уларнинг аксарияти ўз адабий ва илмий-танқидий асарларида шакл ва мазмуннинг тўлиқ мутаносиблигини, ўзаро тенг даражада уйғунлигини ёқлайдилар. Алишер Навоий эса ўз илмий-адабий ва бадиий ижодида бу масалага янгича ёндашади, яъни ҳар қандай бадиий асарда, жумладан, лирикада ҳам мазмун ҳар доим шаклдан устун бўлмоғи кераклиги, шеърнинг гўзал шакли ғоя ва мазмуннинг тўла ва ёрқин ифодаси учун хизмат қилмоғи лозимлигини биринчилардан бўлиб таъкидлайди. Бу ҳодиса Навоийнинг адабиёт ва адабиётшунослик тараққиётига қўшган буюк ҳиссаси ва беқиёс ютуғи эди. Алишер Навоийнинг бадиий асарда, ҳусусан, лирик яратмаларда маъно ва мазмунни бирламчи ўринга қўйиши, шаклни ва унинг маьно ва мазмунга нисбатан бўлган муносабатларини иккиламчи, тобеъ унсур сифатида баҳолаши ҳозирги давр адабиётшунослигининг эстетик талабларига мос келади ва буюк ижодкорни тараққийпарвар адабиёт назариётчиси сифатида намоён этади.

2. СЎЗНИНГ ЭМОЦИОНАЛ-РУҲИЙ ҚУВВАТИ

Ғазал композициясига оид матнлардаги ўзгаришларни кузатар эканмиз, у ёки бу ғазал «Хазойин ул-маоний» девонларига киритилар экан, поэтик тасвир жиҳатидан сустроқ кўринган айрим байтлар эски девон таркибидаги ғазаллардан тамоман чиқариб ташланганлигига кўзимиз тушади. Агар биз таркибидан байтлар чиқариб олинган ғазалларга эътибор берсак, уларнинг кўпчилиги саккиз байтлидир. Агар Навоий ўз ғазалларини 7, 9, 11, 13 байтли қилиб ёзишни одат қилганлигини ҳисобга олсак, бу иш маълум бир қонуниятга асослангандек кўринади. Ғазалнинг бу хусусияти тўғрисида А.Ҳайитметов «Навоий лирикаси» асарида мухтасар маълумот бериб, Навоийнинг бу соҳада ҳам ўзбек шоирлари традицияларига амал қилганлиги ва лирикасининг бу жиҳатини ҳам ўзбек ғазалчилиги заминида туриб ривожлантирганлигини таъкидлайди: «Навоий бу масалада специфик қоидаларга риоя қилиш билан бирга, ижодий позицияда турган ва бу соҳада қатьий бир ғов ясамаган». [III, 121, 78-6.] Бироқ Навоий ғазалда байтларнинг сони тоқ бўлиши ва энг камида етти байтдан иборат бўлиши керак, деган фикрга келган. Буни унинг қуйидаги қитъасидан ҳам англаш мумкин:

Навоий шеъри тўққуз байту ўн бир байту ўн уч байт,
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин.

Буким, албатта, етти байтдин ўксук эмас, яъни –
Таназзул айлай олмас рутба ичра етти гардундин.

Чунки Навоийга қадар ғазал композициясининг бу хусусияти маълум бир эстетик принципга асосланмаган бўлиб, бу даврда мавжуд бўлган Саьдий, Хусрав, Ҳофиз, Жомий, Саккокий, Атойи, Лутфий девонларида турли ҳажмдаги - 5 байтдан 22 байтгача бўлган ғазаллар учрайди[68]'.

А.Абдуғафуров ўз тадқиқотларида жуфт байтли ғазалларни «қусурли ғазаллар» деб ҳисоблайди. Унинг фикрларига кўра «...саҳифага илк бор тушган чоғида шоирнинг ўзи махсус қитъада таъкидлаганидек, «етти байтдин ўксук» - кам ғазаллар ҳам, ададди жуфт байтли ғазаллар ҳам бўлмаган. Худди шунинг учун ҳам мажмуа девонларининг ҳозир бизга маълум бўлган қўлёзма нусхалари ва улар асосида амалга оширилган нашрлардаги бундай ғазалларни матн жиҳатидан қусурли деб ҳисоблашга мойилмиз. «Хазойин ул-маоний»даги тўрт девонга жамланган икки минг олти юз ғазалнинг асосий қисми қитъадаги таъкидларга тўла-тўкис мос тушиб, фақат саксон олтитагинасида номувофиқлик учраши ҳам уларнинг кейинчалик турли сабаблар билан «бузилган»ликларига ишора этади... Адолат ва илмий ёндашув худди шуни тақозо этади». [III, 9, 14-6.]

Бизнингча, олимнинг ушбу кескин хулосаси маълум маънода бирёқламадек туюлади. Кузатувларимиздан шу нарса маълум бўладики, жуфт байтли ғазаллар таркибидан чиқариб олинган байтлар фақат Навоий поэтик услуби ва санъаткорлигигагина ишора этиб, бадиий жиҳатдан ғоят тугал ва мукаммал мўъжаз яратмалардир. Назаримизда, айни шу ўринда шоир ижодида юз берган таҳрир шамойили ҳақида сўз юритмоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки текширишларимиз ишонарли ва мантиқий жиҳатдан ўринли илмий фактларни юзага чиқарди.

Навоийнинг бу соҳадаги санъаткорлик маҳорати ҳар бир ғазал ҳажмини асосий фикр – ғоя-мақсаднинг ёрқин ва тугал, мукаммал ифодаси учун мос қилиб белгилашида кўринади, яъни Навоий ғазалларидаги байтлар сони бевосита уларнинг семантик структурасига боғлиқ бўлиб, мавзу ва мазмун тақозосига кўра белгиланади. «Навоий лирикасининг асосий фазилатларидан бири шеърнинг туб моҳиятини ташкил этган мазмун-ғоянинг ўзига хос шаклда намоён бўлишида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фикр учун унга мувофиқ келадиган жанрни танлаш ва унинг ҳажмини ҳам асосий мақсаднинг мукаммал ифодасига мос қилиб белгилашда кўзга ташланади. Навоий ғазаллари орасида 7, 9, 11 байтли шеърлар кўпчиликни ташкил қилса ҳам, уларнинг ҳар бири мазмун тақозоси билан танланган. Жумладан, ишқий тематика учун кичикроқ шакл, фалсафий-ижтимоий фикрлар ифодаси учун эса ҳажман каттароқ ғазаллар асос қилиб олинган». [III, 46, 102-6.]

Демак, Навоий бу хусусда ҳам ўзининг ғоявий-эстетик позициясига эга бўлган. Бинобарин, таркибидан байтлар чиқариб олиниб ёки бирор байт қўшилиб 7 байтли шаклга келтирилган 11 ғазалнинг барчаси ишқий тематикага доирдир. Шу мавзудаги 9 байтли шаклга келтирилган ғазаллар эса 4 та. Булар ҳам асосан ошиқона ғазаллардир, бироқ мавзу бир бўлишига қарамай, улар 7 байтли ғазаллардан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади. Бу ҳақда қуйирокда махсус тўхталамиз.

7 байтли шаклга келтириш учун ғазаллар таркибидан чиқариб ташланган байтлар мазмунига эътибор қилайлик:

Ишқ дуррин кўргузур қотиқ ғамим, ваҳким, эрур
Дарду ғам дарёси ул жавҳарки пўлодимда бор.

(«Бадоеъ ул-бидоя», 192-ғ)

Васлдин қолғон бузуғ кўнглумни, эй ҳажр, асраким,
Ганж аро йиллар ниҳоний асрағон вайронадур.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 197-ғ)

Айни иффатдин ўшал покиза гавҳар жисмида
Хилъат эрмаским, бинафш этган киби пўлод эрур.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 213-ғ)

Лаб этиб нукта, хоболуд кўзга чин солиб,
Жон бериб ўлганга, жонлиғ ҳалқни бемор қил.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 448-ғ)

Ана шу каби чиқариб ташланган байтларнинг мазмуни ғазалнинг бошқа байтларига ҳам сингиб кетган бўлса, фикримизча, уларни таҳрир этиш мақсадида шундай йўл тутилган. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан ўрин олган 448-ғазалнинг иккинчи байтида гўзалнинг лаблари нозик маъноли сўзлар айтиб, Исо сингари ўликка жон бахш этса афсунсоз кўзи эса Мусо алайҳиссалом даврларидаги сеҳргар Сомирий сингари мўъжизалар изҳор килганлиги тўғрисида сўз боради. Мана у байт:

Кўзни афсунсоз этиб жонбахш лабдин нукта айт, Сомирий сеҳрин, Масиҳо мўъжизин изҳор кил.

Мазкур ғазалнинг бешинчи байтида ҳам карийб шу маъно ифодаланган. Бирок у ғазалнинг иккинчи байтига нисбатан бадиий тасвир жиҳатидан сал кучсизроқдир. Шунинг учун ҳам бу байт шеър таркибидан чиқариб ташланган кўринади:

Лаб этиб нукта, хоболуд кўзга чин солиб,
Жон бериб ўлганга, жонлиғ халқни бемор кил.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонига кирган 56, 151, 166, 197, 213, 468 ва «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги саккизинчи ўринда келган ғазалларда ҳам шу каби ҳодисалар учрайди. Аввалги девонларда олти байтли бўлиб, бир байт қўшиш натижасида 7 байтли шаклга келтирилган ғазаллар ҳам муҳаббат мавзусидаги якпора ғазаллардир. Масалан, «Наводир ун-ниҳоя» девонидан «Наводир уш-шабоб»га кўчирилган 487-ғазалда иккинчи байтдан сўнг бир байт кўшилган. Ғазал шундай бошланади:

Неча ул чеҳрани кўз лавҳида тасвир этайин,
Ани[1] кўрмакка бу суврат била тадбир этайин.

Неча тун тонгғача кўрмакка куёшдек юзини,
Юз таҳайюл қилибон бориға тафсир этайин.

Қўшилган байт:

Неча уйқу йўқу васлин ясағон туш кўрубон,
Борин ўз кўнглум учун топқоли таъбир этайин.

[1] Вази талабига кўра «они» бўлиши керак. «Хазойин»нинг нашр этилган нусхаларида «ани» деб берилган.

Ғазал мақтаъси:

Эй Навоий, дема жон бергилу илгин ўпгил,
Мундок иқбол илик берса не тақсир этайин?

Худди шундай вариантли яна бир ғазал:

Гул не бўлгайким юзунг ҳажрида кўргаймен они[1],
Сепсалар кулбамға хас янглиғ супургаймен они.

Базмидин бўлса насибим бир сўнгак то умри бор,
Ислағоймен, йўқса ит янглиғ кўмургаймен они.

Қўшилган байт:

Жон чиқар ҳолатда келди ёру таскин топди жон,
Эмди номаҳрам деб истармен итургаймен они.
(«Бадоеъ ул-васат», 604-ғ.)

Мақтаъ:

Эй Навоий, телба кўнглум итти, эмди истамон,
Неча тоғу даштдин истаб кетургаймен они.
(«Наводир ун-ниҳоя», 802-ғ.)

Кўринаётганидек, 7 байтли ғазал ҳолатига келтирилган ғазалларнинг барчаси таъриф ва тавсиф, васф ва мушоҳадавий характердаги ошиқона шеърлар бўлиб, уларда лирик қаҳрамоннинг эҳтиросли кечинмалари бетакрор бадиий лавҳаларда ифода этилади.

Энди 9 байтли ғазалларга диққатимизни жалб этсак. Бу ғазалларда ҳам асосан мажозий ишқ тараннум этилади. Бироқ уларда ошиқнинг маъшуқага бўлган ёлқинли муҳаббати, орзу умидлари, висол севинчлари каби оптимистик туйғулар ифодасидан фарқли ўлароқ, ҳижрон изтироблари, лирик қаҳрамоннинг қайғули ҳолати, умидсизликка учраган дил эътирофлари сингари мотивлар устунлик қилади. Фикримизнинг исботи сифатида шундай ғазаллардан намуна келтирамиз. «Наводир ун-ниҳоя» девонидан жой олган 436-газал:

Ҳажри тоби ичра ким кўрди бу жисми зордек,
Ким топибдур барқ шакли ўтқа тушган тордек.

Эй кабутар тавқ пайдо айлагунг қумри киби,
Сўзлуғ номамни оссам бўйнунга тумордек.

Бўлди юз минг пора жисмимда сўнгак, қон қолмади.
Молиши ҳажрингда ўлмишмен сиқилғон нордек.

Қўшилган байт:

Вах, не ҳижрондурки, ҳам аввал тунининг тонгласи
Бўлмишам йиллар малолат тортқон бемордек.
(«Ғаройиб ус-сиғар», 338-ғ.)

---

[1] Бу ғазалда ҳам радиф вазн талаби билан «ани» бўлиши керак. Чунки, фо -- и -- лун рукнидан / - V - / иккинчи ҳижо қиска. Радиф «они» бўлган тақдирда эса бу ҳижо узун бўлиб қолади: (ме но ни). Тўғриси: (мэ на ни). Қ: илова-81.

Мақтаъ:

Ҳар дам ул ой ҳажрида оворалиғ истар кўнгул,
Эй Навоий, қўй они - ҳар қайда борса, бордек.

Яна бир ғазал:

Фиғонки, ёр вафо аҳлига ситам қиладур,
Ниёзу ажз гуноҳига муттаҳам қиладур.
Наими васлига хўй айлаган кўнгулларни,
Асири ҳажр этибон мубталои ғам қиладур.
Рақиб беҳуда тақрири бирла юз тақсир,
Заиф ғамзадалар отиға рақам қиладур.
Не ҳукм қилса вафо хайли журмида ғам эмас,
Бу зулм эрурки жафо аҳлига ҳакам қиладур.

Қўшилган байт:

Ўз илги бирла гар ўлтурса бок йўқ, ваҳким,
Рақиб олдида афтодаву дижам қиладур..

(«Ғаройиб ус-сиғар», 183-ғ.)

Замона ўқ киби тузларни синдуриб, «ё»дек,
Аларки эгридурур шаҳга муҳтарам қиладур.

Навоий ўлғай эди бўлмаса умиди висол,
Бу қасдларки, анга ҳажр дам-бадам қиладур.

(«Наводир ун-ниҳоя», 248-ғ.)

Ушбу ғазалларнинг барча байтларида лирик қаҳрамон маҳзун кайфиятининг, маъшуқасидан ҳам, замонадан ҳам, замона аҳлидан ҳам норози, изтиробли ҳолатининг изчил, динамик ифодаси акс этади. Айнан ана шу 9 байтли ғазалларда Навоий шеъриятининг ўзига хос композицион етуклиги, бетакрорлигини белгиловчи бир хусусият кўзга ташланади. Яъни Навоий ғазаллари семантик структурасида уларнинг ғоявий пафоси билан боғлиқ тарзда бадиий тасвирнинг босқичли усули қўлланилади. Бизнинг тахминимизга кўра бундай матн вариантлари ижодкорнинг ўзига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Чунки бундай ғазаллардаги тафовутлар вариантларининг ҳосил бўлишида ниҳоятда билимдон ва зукко бир санъаткорнинг қўли борлигига ишора этади. Аммо бу ўринда шу нарсани ҳам назардан қочирмаслигимиз лозимки, ғазалларнинг нокомил кўринишлари пайдо бўлишида котибларнинг иштироки ҳам бўлган, яъни ғазал композицион мукаммаллиги учун хизмат қилувчи муҳим мавқеъга эга бўлган байт эътиборсизлик билан тушириб колдирилган. Ҳар ҳолда биз поэтик матн такомили кўзда тутилган вариант талқинига киришар эканмиз, агар бунда ижодкор таҳрири бор бўлса, биз буюк санъаткорнинг бадиий тасвир соҳасидаги яна бир кашфиёти, янги тасвир усулини очиб беришга муваффақ бўламиз. Биз мулоҳаза этаётган тасвир усулининг моҳияти шундан иборатки, шоир ўз ғоя-мақсадининг бадиий фикр воситасидаги манзум ифодасини тасвирнинг турли кўринишлари орқали босқичма-босқич ёки байтма-байт ривожлантира боради. Муайян босқичга етгач, ана шу босқичгача бўлган семантик-эмоционал ифода йўналиши аста- секинлик билан яна ўзининг бошланишидаги вазиятга қайтаётгандек тасаввур ўйғотади. Яъни бундай тасвир кўринишида ижодкор шеърнинг гармоник марказини ташкил этувчи нуқтанинг бўлишлигига аҳамият беради. Масалан, у айрим ишқий ғазалларида лексик элементлар

воситасида, мураккаб стилистик таркиб билан, бадиий санъат воситалари кўмагида ғазалда субъектив эмоционал тасвирни кучайтира боради. Ғазал кульминациясига, ёки бу ўринда гармоник марказига, десак мосроқ бўлар, етгач эса, симметрик қайтиш бошланади. Яъни лирик қаҳрамон ўз ҳиссиётларини аста-секин жиловлай боради. Шундан сўнг, шоирнинг ғоявий мақсади, шеър мавзуси ва мазмуни нуқтайи назаридан келиб чиқадиган мантиқий хулосага навбат келади. Бадиий тасвирнинг бундай хусусияти ғазалга нисбатан ҳажман катта поэтик жанрлар – қасидаларда, ўрта асрлар араб поэзиясидаги хамрият, ҳажвий-сатирик характердаги лирик қиссаларда учрайди. Мазкур тасвир усули ўрта асрлар араб классик адабиёти тадқиқотчилари эътиборини жалб этиб, бундай композицияга асосланиб яратилган асарлар «гармония принциплари»га амал қилинган ҳолда дунёга келган асарлар деб таърифланади. Арабшунослар ўз кузатувларини қуйидаги мулоҳазалар билан асослашга ҳаракат қиладилар: бутун коинот маълум бир мутаносиблик асосида қурилган, шундай ўзаро мутаносиблик – гармония ва «тартиблиликка» инсоният жамияти ва инсон шахси ҳам интилмоғи керак. Сўз эса, айниқса, бадиий сўз, инсоннинг уни бошқа жонзотлардан ажратиб турувчи ягона сифатидир. Демак, сўз ҳам, фикр ҳам бевосита ана шу принцип юзасидан шаклланмоғи, айтилмоғи керак. [II, 47, с. 108-110].

Юқорида тилга олинган тасвир услуби уни бевосита истифода этиб яратилган (гармония ва симметрия талаблари асосида) асарлар воситасида араб классикасида ўзига хос тенденция сифатида кўзга ташланади. Шу нуқтайи назардан у муҳим ғоявий-эстегик аҳамият ҳам касб этган. Бу принцип арабшуносликда «градация» термини билан изоҳланади: «Важным композиционным принципом была также градация, нарастание от начала к середине, а затем спад от середины к концу (в этом случае возможны различные варианты в зависимости от жанра, направленности произведения, мастерства и таланта автора, однако обшая схема остается именно такой). |Эта система композиции характерна и для прозаических и для поэтических жанров, особенно для «посланий», в частности сатирического характера». [11,101, с. 112]

Шу типдаги композицион системани Навоийнинг муайян сюжетга асосланган лиро-эпик асарлари, достонларидаги айрим ўринларда ҳам кузатиш мумкин.

Навоий шеъри вариантларини уларнинг композицияси юзасидан ўрганиш унинг баъзи ғазалларида ана шу таърифланган тасвир услубининг амал қилганлиги ҳолатини кўрсатди. Жумладан, юқорида келтирилган ғазалларга мурожаат этайлик:

Ҳажр тоби ичра ким кўрди бу жисми зордек,
Ким топибди барқ шакли ўтқа тушган тордек

матлаъси билан бошланувчи ғазалнинг биринчи, иккинчи байтларида лирик қаҳрамон ҳижронли изтиробларининг бадиий тасвири икки бадиий лавҳа орқали баён этилади. Биринчи байтдаги «ким кўрди», «ким топибди» каби риторик сўроқлар ошиқ тортаётган ҳижрон дардининг эмоционал тавсифини ёки тасвирнинг эмоционал қобиғини ташкил этса, қофиядаги «дек» қўшимчаси, ёки ташбеҳ воситаси билан ўқувчига қаратилган бундай таъсир янада кучайтирилади. Ана шу компонентларсиз байт мазмунини идрок қилиб кўрсак, у оддий хабар гапдан иборат бўлиб қолади.

Иккинчи байтда кабутарни тавфиқда қумрига қиёс қилиб, унинг бўйнига тумор ўрнида ошиқ дили ҳарорати сезилиб турган хатини осиш орқали лирик қаҳрамон ҳиссиётларининг бадиий тасвири яна бир босқичга кўтарилади. Ғазалнинг учинчи байти аввалги икки байтга нисбатан янада кучлироқ, драматик ҳолат тасвири билан давом эттирилади: жисмимдаги

суякларим юз минг пора бўлди, қоним қолмади; ҳажрингда эзилиб, сиқилган анордек бўлиб қолдим, дейди шоир.

Ғазалнинг биринчи вариантида бу байтдан кейин келадиган тўртинчи байт шоирнинг кўнгулга мурожаати билан бошланади ва ҳиссий кечинмалар тасвири даражасига кўра олдинги байтга нисбатан анча кучсизроқдир. Бу байтда, эй кўнгул, кофирни севдинг, бироқ унинг белига ўзни боғлашинг учун бир ип ҳам йўқ, деган маъно ифодаланган. Ана шу ўринда шоир ғазалга таҳрир киритишни лозим топади. Юқорида таъкидлаганимиздек, градация, яъни секин-аста кучайиб, юксала бориш ва энг юқори босқичга етгач, аста-секин пасайиш, қайтиш принципига кўра, тўртинчи байтга нисбатан эмоционал тасвир жиҳатидан кучлироқ бўлган учинчи байтдан кейин шу нуқтайи назардан янада мукаммалроқ, бақувватроқ бир байт киритилади. Назаримизда ана шу байт лирик қаҳрамон ҳис-туйғулари ифодасининг гармоник марказини ташкил этади. Байтда «ваҳ» ундов сўзининг қўлланилиши, «не ҳижрондурки?!» дея риторик сўроқ қўйилиши лирик қаҳрамон ҳиссиётларининг кульминацион босқичга чиқаётганлигидан дарак беради. Мана ўша байт:

Ваҳ, не ҳижрондурки, ҳам аввал тунининг тонгласи
Бўлмишам йиллар малолат тортқон бемордек.

Ғазалнинг олтинчи байтида ошиқнинг ёридан шикояти баён этилиб, еттинчи байтда эса унинг ҳар бир суяги ёнидан бир тешик бўлиб, жисмининг бу абгор ҳолатини ғам базмида нола қилувчи мусиқа асбобига ўхшатади. Ниҳоят, мақтаъдан олдин келувчи саккизинчи байтда ғазал учинчи, тўртинчи байтларида кўзга ташлангани каби ошиқ психологик ҳолатининг кучли тасвири кўринмайди, балки шоирнинг дўстга мурожаати билан бошланувчи лирик чекиниш мазмунидаги фикр баён этилади. Яъни эй дўст, агар бода ичмоқчи бўлсанг, кулбаи хаммор, яъни май сотувчининг уйига бор, дейди шоир. Мақтаъда лирик қаҳрамон – шоир ҳис-туйғулари, ҳаяжонлари тасвирининг ундан олдинги байтга нисбатан ҳам бир поғона пасайганини кўрамиз. Энди шоир дил изҳорининг поёнига етаётганини сезгач, унга якун ясайди, юқоридаги шарҳи ҳолидан келиб чиқадиган мантиқий хулосасини баён этади:

Ҳар дам ул ой ҳажрида оворалиғ истар кўнгул,
Эй Навоий, қўй они, ҳар қайда борса - бордек.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидламоқ лозимки, мақтаъда ҳис-туйғулар тасвири пасайиши мумкин, аммо бадиий фикр ифодаси мақтаъда авж нуқтага, шоир мақсади баёнидан иборат бўлган кульминацияга чиқади.

Навоий ижодида лирик қаҳрамон руҳий ҳолати, кайфиятининг чуқур моҳирона тасвири, унинг муаллиф ғоявий мақсади билан уйғун ифодаси асосида қурилган бундай мукаммал ички композицион устунга эга бўлган ғазаллар ниҳоятда кўпдир. Шу нуқтайи назардан шоирнинг яна бир ғазалига эътибор қилайлик. Бу ғазални таҳлилга тортишимизнинг сабаби, унда амалга оширилган таҳрир ҳам, юқорида келтирилган ғазалдаги каби, поэтик градация ёки ҳиссий кечинмаларнинг босқичли тасвирини етилтириш учун хизмат қилади. Бу ғазал «Бадоеъ ул-бидоя» девонида 175- ўринда, «Наводир ун-ниҳоя»да эса 248-ўринда берилган бўлиб, икки девонда ҳам саккиз байтлидир. «Ғаройиб ус-сиғар» га тўққиз байтли шаклда 183-ўринда киритилган. Ғазал шарҳи ҳол типида ёрнинг ситамкор, золим эканлигидан қаттиқ шикоят билан бошланади. Матлаъдан тўртинчи байтга қадар ошиқнинг маъшуқаси қилмишларидан зорланиши секин-аста юқори пардаларга кўтарила боради:

1- байт: *ёр вафодор ошиқларни гўё бевафоликда, ниёзмандликда айблаб, туҳмат қилади.*

2-байт: *висоли неъматига умид қилган кўнгулларни ҳижрони дардига асир қилиб, ғамга мубтало қилади.*

3-байт: рақиб эса бечора ғамзадалар номига юз қусур - хатони тиркаб қўяди.

4-байт: ёр вафодорлар айби учун қандай ҳукм чиқарса ҳам майли, бу не зулмки, уларга жафокорларни ҳакам қилади.

Ана шу байтлардан сўнг киритган янги байтида шоир лирик қаҳрамоннинг зулмпеша ёридан шикоятини энг авж пардага чиқаради. Ғазалнинг биринчи, иккинчи байтларида жафокор ёр ва жабрдийда ошиқлар муносабатлари баён этилса, учинчи байтда – рақиб образи киритилган. Бу образ тасвири ва у билан боғлиқ лирик қаҳрамон норозиликлари акс этган мулоҳазалар тўртинчи байтда ҳам давом эттирилади. Янги киритилган бешинчи байтда биратўла ошиқ, маъшуқа ва рақиб образлари бевосита иштирок этиб, уларнинг ҳар бири ўзининг энг характерли ҳолатига, хусусий жиҳатларининг мукаммал тавсифига эришади. Яъни –

Ёр - ошиққа ёлғиз ўзигина зулм қилмай, уни рақиб таъқибига ҳам рўбарў қилади.

Ошиқ - бемеҳр ёрдан ва унинг зулми туфайли ғолиб рақибидан ранж тортади.

Рақиб - мағлуб ошиқ аҳволини мамнуният билан кузатади.

Ана шу мулоҳазалар нуқтайи назаридан бу байт лирик қаҳрамон ҳиссиётлари тасвирининг ғазалдаги энг баланд нуқтаси, деб ҳисобланса арзийди:

Ўз илги бирла гар ўлтурса бок йўқ, ваҳким,
Рақиб олдида афтодаву дижам қиладур.

Бу байтдан кейин келувчи байт ҳам бадиий тасвирда ошиқ изтиробларининг кульминацион мақомини ифода этади:

Муҳаббат аҳлини, во ҳасрато, куюб, ўртаб,
Аларнинг оҳи ўтидин ҳарос кам қиладур.

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон ҳиссиётларининг бадиий тасвири муаллифнинг ҳаётий қонуниятлар ва ўзининг тажрибалари асосида чиқарган хулосалари, ижтимоий фикрларига ўрин беради. Ғазалнинг еттинчи байтида «гулнинг вафосизлиги маълумку, энди кўнгул қуши бу гулистондан кетади», деган мазмундаги ҳам икки шахс муҳаббатига, ҳам умуман бу юксак инсоний туйғунинг ижтимоий моҳиятига тааллуқли фикр айтилса, саккизинчи байт муҳаббат мавзусидан холи тарзда шоирнинг чуқур ижтимоий-фалсафий маъно касб этувчи мулоҳазаси билан суғорилгандир:

Замона ўқ киби тузларни синдуруб «ё»дек,
Аларки эгридурур, шаҳга муҳтарам қиладур.

Мақтаъда лирик қаҳрамон ҳиссий кечинмаларида нолишдан кўра умидворлик устун туради. У ўз ишқида шунчалар қойимки, висолдан умидини ҳеч қачон ўзмайди. Шунинг учун ҳам айрилиқнинг тинимсиз қасдлари бенатижа қолаверади.


Кўриб ўтганимиз ғазаллардаги каби лирик қаҳрамон ҳиссиётларининг градация (босқичма-босқич кўтарила бориш) ва деградация (босқичма-босқич тушиш ёки қайтиш) принципи асосидаги бадиий ифодаси Навоийнинг етти байтли ғазалларидан кўра, каттароқ ҳажмдаги, тўққиз ва ундан ортиқ байтли ғазалларида кўпроқ учрайди.

Навоийнинг ошиқона ғазаллари композициясида кўзга ташланган лирик қаҳрамон эмоционал ҳолатининг бадиий тасвирига алоқадор бундай хусусиятни шоирнинг орифона ғазалларида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, «Наводир ун-ниҳоя»да 638-ўринда ўн байт, «Наводир уш-шабоб»га эса таҳрир натижасида ўн бир байт бўлиб кирган 506-рақамли ғазалнинг семантик структурасини кўриб чиқайлик. Ғазал ижтимоий мавзуда, сўфиёна бўлиб, муаллиф – сўфийнинг фано ва бақо хусусидаги фалсафий мулоҳазалари, тариқат йўлига кирувчиларга қаратилган маслаҳат-насиҳатларидан иборатдир. Биринчидан бешинчи байтга қадар донишманд файласуфнинг умуман инсон умри мазмуни мавзусида ҳаётий билимлар асосида чиқарган илмий хулосалари – тасаввуф терминологиясида «айнал-яқийн» – бадиий ифода этилади. Олтинчи байтда эса тингловчининг бевосита бугунги куни эҳтиёжларидан юзага келаётган муаммоларга эътибор тортилиб, фоний дунё талаблари - моддий манфаатлар учун умрни беҳуда сарф этмаслик алоҳида уқдирилади. Маъно юзасидан аввалги беш байтдан фарқли ўлароқ, муайян замон аҳли қизиқишларига ишора этувчи («дирам йиғиш учун умрингни сарф этма») бу байт ғазал композициясида ҳаётий масалаларга яқин келиши билан ажралиб туради. Ундан кейин келаётган еттинчи байтда ифодаланган машҳур ҳаётий мисол - ўхшатиш орқали шеър семантик қурилмасидаги ана шу тонус – ҳаётийлик янада кучаяди. Бу байтда ифодаланган фикр икки анъанавий образ воситасида яратилган бадиий лавҳада акс этади. Шоир лирикасида аксари ёмон нафс - нафси аммора итга, таъмагир зоҳид эса тулкига қиёсланади. Мазкур байтда Навоий бу аллегориядан ғазал мавзуси ва мазмуни тақозосига кўра фойдаланади. Яъни ҳийлагар зоҳид қаршисига занжирбанд ошиқни, тулки олдида эса занжирбанд шерни қўйиб тазод яратади.

Ғазалнинг кейинги уч байтида орифлик мақомига эришув сирлари, фано ва бақо тушунчаларининг моҳияти хусусида сўз боради.

Мақтаъда аниқ объект - подшоҳнинг тилга олиниши муносабати билан ғазалнинг умумий мавзусидан узилиш юз бериб, тингловчи фалсафий мушоҳадалар оламидан реал ҳаётга қайтади. Мазкур мавзудаги ғазалларда кўпинча подшоҳ, султон образи албатта бутун оламларнинг яратувчиси, султони Парвардигорга нисбатан қўлланилади. Бироқ бу ғазалда «дайрдан ўтаётганимда албатта султон қаршимдан чиқиб, бир соғар тутади» маъносидаги фикр баён этилганлиги боис, мақтаъ ғазалнинг умумий пафоси – тасаввуф ғоялари тарғиботини ижтимоий масалалар оқимига буриб юборади. Демак, мазкур ўн бир байтли ғазалнинг олтинчи, еттинчи байтлари унинг марказий нуқтаси, кульминацияси бўлиб, бу байтларгача ва улардан кейин келувчи байтлар ғазал семантик қурилмасининг симметрик томонларини ташкил этади. Бадиий таҳрир юзасидан шеърнинг кейинги вариантида киритилган бешинчи байт эса ғазал композициясидаги симметрик ўсишнинг бир поғонаси бўлиб хизмат қилади. Ғазал композицияси семантик қурилмаси схемасини қуйида келтириб, унинг охирги вариантдаги матнини ҳам эътиборингизга ҳавола этамиз:

Ғазал:



Фалактин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.
Ва гар ҳар тийраликка бир ёруғлиқни инонмассен,
Йиғи кўр чархдин ҳар шом дағи субҳдин кулгу.
Камол истар эсанг сидқ аҳлидин қилма кўнгул тийра,
Мукаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.
Сафо аҳлиға гулрухлар хаёлидин тағайюр йўқ,
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

Қўшилган байт:

Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб огоҳлар накдин,
Ки, ғофил элга у афсоналардин кам бўлур уйқу.
Бақо накди ҳаётингга чу эрмас бир замон маълум,
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.
Жунун занжирида ошиқ ёнида ҳийлагар зоҳид,
Киши кўрса тасаввур айлагай шер олдида тулку.
Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.
Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур ушбу.
Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам қолмағай боқий,
Фанодин бал бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.
Навоий дайр аро маст ўлса, шохдин паноҳ, андин
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.

Албатта, юқоридаги мулоҳазалар шоир ғазаллари композициясидаги бадиий тасвирнинг ўзига хос бир хусусияти юзасидан бўлиб, уни умуман Навоий лирикасига алоқадор типик ҳодиса, деб баҳолаш нотўғридир. Масалан, шоирнинг бир қатор ошиқона, кўп ҳолларда ташбиҳга асосланган бадиий санъатлар устувор бўлган васф типидаги ғазалларида таъриф ва тавсиф бир оҳангда, монотон ифодаланади. Қўйидаги якпора ғазалда лирик қаҳрамон ҳиссий кечинмалари бир текис, чавгон ўйновчи маьшуқа образининг изчил таьрифи ва тавсифи орқали баён этилади:

Шаҳсуворим тавсани айларму оё пўя тез,
Ё қуёш тарки фалак рахшин қилибдур гармхез.

Ул шиҳоб эрмаски, майдоне аро гўй урғали
Саъд кавкаблар тушар ерга қилиб кўкдин гурез.

Гардлиғ чавгон ҳамида ахтар ўлғай, ўйлаким,
Гўйи ғабғаб даврида чавгони зулфи мушкбез.

Маркаби тер қатраси бирлаки ҳар ён сочилур,
Бир саҳоби дурфишондур ер юзиға қатра рез.

Гўйи чавгон зарбидин тутмоқ била ҳар дам ҳаво,
Бийм эрурким шишаи гардунни қилгай рез-рез.

Соқиё, май берки бу майдон аро гўй урди ул
Ким фалак чавгони бирла қилмади ҳар дам ситез.

Гўй учун инди кавокиб гардидин ер тутти авж,
Эй Навоий, воқиф ўл, гўёки бўлди рустахез.

Бу ғазал мисолида биз аввалги ғазалларда кўрганимиз каби шеър ички композицион қурилишида кўзга ташланган семантик-эмоционал тасвирнинг симметрия асосидаги градацион ёки босқичли ифодасини кузата олмаймиз. Ғазал воқеабанд бўлиб, чавгон ўйнаётган маъшуқанинг бир маромда майдонда кўрсатаётган ўйини тасвирланган.

Ғазал ўзининг кашф этилиш давридан бошлаб барча адабиёт назариясига оид манбаларда «ишқий-эротик кечинмаларнинг мавзун ва ташбеҳли, истиоравий тавсифи» маъносида таърифланар экан, демак, унда лирик қаҳрамон туйғулари, ҳиссий кечинмаларининг ифодаси ҳам гоҳ бир маромда, гоҳ ошиқ кайфиятига мос равишда энг авж пардаларда, гоҳо эса паст, маҳзун бир ҳолатда акс этади. Поэтик маҳоратнинг муҳим критерийларидан бири, балки асосийси саналмиш бу хусусият ҳар бир ижодкор асарида унинг санъаткорлик даражаси миқёсида кўзга ташланади. Ғазалнинг эмоционал руҳи масаласи у ёки бу тарзда Навоий асарларида ва унинг даврига оид адабий мавзудаги ёдгорликларда тилга олинади. Жумладан, Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис»да Хожа Абу Саид ҳақида ёзар экан, қўйидаги таърифни ҳам келтиради: «Аммо ўз шеърин ўқурда йиғламсиниб ўқур, даҳи ўзи мутаассир бўлуб, ҳардам улуғ тинар, аммо бас қилмағунча эл тинмас». [II, 5, 108-б.] Шу жиҳатдан шоир ўзининг отахони Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган ҳолотида ҳам унинг Навоий шеърларини ўқиганда овозини гоҳ баланд қилиб, гоҳ пастлатиб ўқишини таърифлайди. Навоий шеърнинг самимий бўлиши, ўқувчи юрагига чуқур кириб бориши тарафдори, бунинг учун эса шоир қалбидаги жўшқин илҳом ёлқинли сўзлар воситасида қоғозга кўчмоғи лозим, бироқ бу шеърнинг риторика, қуруқ бақирик-чақирикдан ҳам иборат бўлиши керак, деган маънони билдирмайди. Бунга Навоий ҳам, Абдураҳмон Жомий ҳам қаттиқ қарши эдилар. Жумладан, «Хамсат ул-мутахаййирин»да Навоий бир воқеани ҳикоя қилди: Соғарий номли шоир Жомий ҳузурида ўз шеърларидан бирини гоҳ баланд, гоҳ паст овозда, катта ҳиссиёт билан ўқиётганида Навоий кириб келади. Жомий Навоийдан: Фикрингиз қандай? - деб сўрайди– Навоий: Хўб ёзмоқ била ҳўб ўқур, - дейди. Жомий эса шеър мазмунига ишора қилиб: – Бизни ғафлатқа солур, - деб жавоб беради. Гарчи бу мулоҳазалар шеър ўқиш техникаси ҳақида бўлса ҳам, аммо улар шеърнинг руҳий, ҳиссий-эмоционал қурилмасига бевосита алоқадордир. Демак, Навоий шеър композициясида ғоя мақсаднинг семантик-стилистик таркиби билан бир қаторда лирик қаҳрамон эмоционал ҳолати ва шеърдаги фикрлар тизими ёхуд йўналишининг маълум бир системадаги бадиий тасвирига ҳам алоҳида эътибор қаратади.

Шу нуқтайи назардан, ўзининг эстетик қарашларида Навоий яна бир принципга амал қилади, яъни ўз ғазалларининг мусиқавий ижросини ҳам назарда тутади. Буни акад. Ойбек: Шеър ила мусиқийнинг ички чуқур робитасини билган Навоий ҳар бир шоирнинг мусиқийдан хабардор бўлишини истаган» [III, 80, 28-б.] ва А.Ҳайитметов ҳам алоҳида таъкидлайдилар: «Навоийнинг фикрича, ҳар қандай лирик шеър маълум бир музикага тушадиган бўлиши керак». [III, 120, 50-б.]

Навоий ғазаллари равонлиги ва мусиқага ўнғай тушиши ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да маълумот беришича, шоирнинг ўзи мусиқа ва унинг назарий масалаларидан яхши хабардор бўлгани ҳолда, мақом йўлларига кўпгина нақш, пешрав, амаллар боғлаган бастакор ҳам эди. Шеър ўлчови асослари ва қоидаларини эгаллашда мусиқанинг ритмик асоси ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам баъзи олимлар аруз илми мусиқа назарияси асосида юзага келганлигини уқдириб ўтганлар[69]. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да шеър вазнларини бузиб ёзган шоирларни танқид қиларкан, мусиқа илмида уларнинг истеъдодсиз ва билимсиз эканликларини кўзда тутади. Чунки у аруз санъатини эгаллашда, шоирдаги эстетик ҳисни тарбиялашда мусиқа илмининг катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билар эди. Ўзининг «Хамсат ул-мутаҳаййирин» асарида Навоий бир неча олимларга, шу жумладан, Абдураҳмон Жомийга ҳам мусиқа ҳақида рисола ёзиб беришни илтимос қилганлигини сўзлайди. Натижада Абдураҳмон Жомийнинг «Рисолаи мусиқий», Зайнулобиддин ал-Ҳусайнийнинг «Қонуни илмий ва амалий мусиқий» каби асарлари яратилди.

Навоий ўзининг барча лирик асарларини аруздан мукаммал фойдаланган ҳолда юксак даражада яратганлиги маълум. Бироқ шу нуқтайи назардан мутахассислар томонидан махсус илмий ишланмаган бир соҳа бўлиб, у ҳам бўлса Навоийнинг ғазал яратиш асносида аруз қонуниятлари билан бир қаторда мусиқа назарияси қонун-қоидаларига ҳам қатьий амал қилганлиги масаласидир. Жумладан, биз юқорида Навоий ғазалларининг семантик-эмоционал қурилишига тааллуқли бўлган бир хусусият тўғрисида гапириб, уни шоир лирикасида бадиий тасвирнинг поэтик градация усули деб номлаган эдик. Навоийнинг бундай бадиий тасвир усули ўн икки мақом йўлларидаги ва унинг асосида ташкил топган Шашмақомдаги ҳаракатлардан бирига мос келади. Яъни «...ўзбек ва тожик куйлари асосий тоникадан бошланиб, секин-аста ривожланиб ўрта ва катта авжга чиқади-да, яна ўрта авж орқали тоникага қайтиб тушади». [III, 88, 194-6.] Бу ҳодисани, албатта, мақом йўлларига нисбатан доим жорий эта бериш нотўғри, бироқ мусиқада шундай ҳаракатнинг борлиги маълум. Мусиқа илмидан мукаммал хабардор бўлган Навоий ўз ғазали мусиқий ижросида ҳар бир байтнинг мазмунан ва эмоционал бадиий ифода жиҳатидан куй қисмларидан қайси бирига мос тушишига катта аҳамият берган. Бинобарин, ашуланинг Сарахбор, Талқин, Наср ва Уфарларида, Намуд ва Авжларида, Тароналарида маъно-мазмун ва бадиий завқ улашиш жиҳатидан, ғоя-мақсад ифодаси юзасидан куй мазмунига ҳамоҳанг байтларни ижод этган. Куйнинг авж пардаларида ғазал матнидаги бадиий тасвир жиҳатидан энг мукаммал, сермазмун, ғоявий мақсад моҳиятини чуқурроқ акс эттирувчи ёки бошқача айтганда, лирик асар кульминация даражасини ифодаловчи байтларни келтиришга ҳаракат қилса, талқин пардаларида эса «насиҳатомуз ва маърифатангез», ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларини ҳам ифода этувчи байтларни жойлаштирган. Ғазалларда байтларнинг ўрнини алмаштириш билан боғлиқ матнлар мисолида бунга яна бир карра амин бўлиш мумкин. Бундай матнлар «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларига кирган 21 ғазалда учрайди. Масалан, «Бадоеъ ул- бидоя» девонига кирган 604-ғазалдаги саккизинчи байт бешинчи байт ўрнига қўйилган ёки 151-ғазалнинг бешинчи ва олтинчи байтлари ўрни ўзгартирилган. Агар шеърга чуқурроқ зеҳн солинса, ижодкорнинг шеър семантик-эмоционал композициясини ўйлаб шундай қилганлиги очиқ кўзга ташланади. Масалан, шу ғазалнинг бешинчи, олтинчи байтлари ўрнини алмаштириб ўқиб, бу мулоҳазаларнинг ростлигига ишониш мумкин. Бешинчи байт:

Бир замонлиғ ҳажр чун минг йилча бор ўлсам, не тонг,
Чунки бўлмас ҳеч кишининг умри минг йил пойдор.

Олтинчи байт:

Соқиё, чун ичкимиздур оқибат жоми ажал,
Бода тут андин бурунким, бизни ўлтургай хумор.

Бешинчи байтда бир нафаслик айрилиқнинг узунлиги ошиқ қалбига минг йилча туюлиши назарда тутиляпти. «Инсон умри минг йил эмас, васлга эришмай ўлиб кетаман, чоғи» мазмунида фикр баён этилмокда. Олтинчи байтда эса «соқий, оқибат ажал шаробини ичиш бор экан, бизга бода тут», деган маъно бор. Агар байтларнинг ўрни алмаштирилса, бешинчи байт комил байт сифатида мақтаъдан олдинги ўринга тушади. Бу ишни бажариш учун эса:

Орази боғидаги тер кўнглум ўтин қилди тез,
Маркаби наълидағи ўт жонима урди шарор

байти чиқариб ташланиши лозим. Чунки ўлим ҳақида гап кетгандан кейин кўнгул ўтининг ишқдан, васлдан ёлқинланиши ҳақида гап бўлиши ортиқча нарса эди.

Ғазал композициясида фикрнинг бир образ асосидаги изчил ривожини кузатиш учун қуйидаги матн вариантлари ҳам эътиборга моликдир. «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги ийҳом ва ирсоли-масал санъатлари дарж этилган.

Менинг бахтим юзи ғам кожидин ул кун қаро бўлди,
Ки кўнглум ул кўзи қошу қароға мубтало бўлди

матлаъси билан бошланувчи 798-ғазалнинг тўртинчи, бешинчи байтлари ўрни алмаштирилган. Бундай ўзгартиришнинг сабаби ғазал матнидаги кўнгул образи билан боғлиқдир. Бу образ ғазалнинг матлаъсидан бошлаб ўрни ўзгартирилган байтларига қадар иштирок этади. Яъни:

1-байт: Ошиқнинг бахти қаролигига мубтало кўнгул сабабчидир.

2-байт: Кўнгул ошиқлик балосидан қутулган эди, яна ўша кўйга кетибди, унга не бало бўлди?

3-байт: Маъшуқа киприклари ўқи ошиқ кўнгли уйини камонхона қилибдилар. Унда ҳар алиф бир ўқу, ҳар наъл бир эгилган ҳалқа бўлди.

Бу ерда шоир китобат санъати воситаси билан «камонхона» сўзига ишора қилади. Яъни бу сўзда иштирок этувчи икки алиф ва икки нун дан истиора яратади. Ғазалнинг биринчи вариантида тўртинчи байт маъшуқанинг лаълдек лаблари таърифига бағишланган. Бешинчи байтда эса яна кўнгул образи ва учинчи байтда иштирок этган «ўқ» образлари воситасида бадиий тасвир яратилади. Яъни

Бузулғон хаста кўнглумдин ўқин зинҳор чекмангким,
Ул уйга бу сутун, ул нотавонга бу асо бўлди.

Маълум бўлаётганидек, биринчи, иккинчи, учинчи ва бешинчи байтларда лирик қаҳрамон кечинмалари кўнгул образи воситасидаги лавҳаларда бадиий акс этиб, бевосита унинг кўнгли билан боғлиқ ҳодисалар баён этилса, бу байтлар орасидаги тўртинчи байт маъшуқанинг лаблари таърифига бағишланади. Ғазалнинг давоми - олтинчи, еттинчи,

саккизинчи, тўққизинчи байтларда кўнгул истилоҳи ва унга алоқадор тасвир учрамайди. Ана шу ўринда Навоий ғазалга таҳрир киритишни лозим топади ва бадиий фикрнинг кўнгул образи воситасидаги ифодасида семантик изчиллик, ўзига хос динамикани таъминлаш учун бу байтлар ўрнини алмаштириб, тўртинчи байтни бешинчи байтдан кейинги ўринга туширади. Бунинг натижасида ғазал янги вариантидаги бошланғич уч байтда лирик қаҳрамон кўнглининг турли-туман ҳолатлардаги тасвири берилса, тўртинчи байтда, ниҳоят, бу кўнгулнинг хаста бўлиб, бузилганлиги, маъшуқа киприкларидан отилган ўқлар унинг бузуқ уйига устун бўлиб, ўзига эса асо бўлиб турганлиги ҳақида гап кетади. Шоир ошиқ кўнгли билан боғлиқ тасвирни охирги мақомига еткизгач, маъшуқа лаблари таърифини бошлайди. Ғазалнинг кейинги тўрт байти ошиқ-маъшуқа ишқий можароларидан мутлақо холи тарзда бевосита шоирнинг ижтимоий-фалсафий мазмундаги мушоҳадалари ифодасига бағишланади. Кўриниб турганидек, ғазал ўзига ҳос семантик структурага эга бўлиб, Навоийнинг бир байт ўрнини алмаштириш орқали киритган таҳрири унинг композицион мукаммаллигига хизмат қилади. Таҳрирдан кейин ғазалнинг композицион қурилмасини икки бўлимга ажратиш мумкин. Яъни бошланғич, кўнгул образи билан боғлиқ тўрт байт - биринчи бўлим, ва лаблар таърифи берилган бешинчи байтдан кейинги олтинчи, еттинчи, саккизинчи, тўққизинчи байтлар иккинчи бўлим тарзида. Шу ўринда, агар таъбир жоиз бўлса, ғазалнинг биринчи бўлимини мавзу ва мазмун ҳамда тасвир типи юзасидан - ошиқона, иккинчи бўлимини эса - фано ва бақо масалаларини истифода этувчи мушоҳадавий типдаги «орифона» деб аташ маъқулдир. Ғазалнинг ошиқона бўлимидаги байтлар мажмуаси, яъни дастлабки тўрт байт гўё қасиданинг бош (насиб) қисмини эслатади, унинг орифона қисми эса қуйидаги мазмундадир:

Ажаб муҳлик эмасму ишқ дашти, эй мусулмонлар,
Ки бир мўриға ҳар кун тўъма икки аждаҳо бўлди.

Фано истар эсанг ич дайр пири илгидин жоме,
Нединким хонақаҳ шайхи иши зарқу риё бўлди.

Вужудим фоний айлаб олди дин бир муғбача, тонг йўқ,
Агар зуннор боғлаб масканим дайри фано бўлди.

Навоий ғуссадин махлас тиларсен, масту бехуд бўл,
Ки даврон дарду ранжиға даво бу бўлди, то бўлди.

Навоий лирикасида учрайдиган бундай мураккаб композицияни Ё.Исҳоқов тавсифий характердаги ғазаллар учун характерли ҳодиса деб ҳисоблайди: «...ғазал бошида тилга олинган нарсалар (масалан, «Уйғотур субҳи баҳор элни фиғон бирла саҳоб» ғазалини эсланг) учинчи, тўртинчи ёки бешинчи байтдан кейин тушиб қолади. Улар гўё кадр ортига ўтиб, биринчи планга конкрет қиёфа ёки масала чиқиб қолади». [III, 46, 61-6]

Навоий лирикасининг барча типдаги ғазаллари семантик композициясига хос хусусиятларни бу тариқа текшириш унинг алоҳида олинган бир ғазалини ошиқона ғазал, бошқа ғазалини эса орифона ёки сўфиёна деб, қолипга солиб бирёқлама тасниф этиш каби масалаларни жиддийроқ ўйлаб кўришга эҳтиёж туғдиради. Зеро, бу нуқтайи назардан Навоий ғазаллари мақтаълари ва мақтаъдан илгари келувчи байтларнинг шоирнинг ошиқона аталмиш ғазалларидаги позицияси, муаллиф ғоя-мақсади ифодасидаги аҳамияти масалалари бугунги навоийшунослик талаблари доирасида, махсус монографик мавқеъда

ҳали ўрганилмаган. Албатта, шоир ҳамд ва наътлари, баъзи ижтимоий-фалсафий рухдаги якпора ғазаллари бундан мустасно.

Байтлараро мазмунан боғлиқлик нуқтайи назаридан ўтказилган таҳлил девонларда тафовутларнинг яна бир неча кўринишда учрашини кўрсатади. Масалан, «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирган 26-ғазалнинг иккинчи ва тўртинчи байтлари ўрни алмашиб келиши ҳам мазкур маънодаги мулоҳазаларни тақозо этади. Чунончи, ғазал биринчи байтида маҳбубанинг чирмалган мактуби ҳақида сўз боради. Иккинчи, учинчи байтларда эса шу мактубни чирмаган ёки боғлаган иплар – ришта билан боғлиқ тасвир берилади. Тўртинчи байт мазмунан яна мактуб таърифига бағишланган. Ғазалнинг сўнгги вариантида нома билан боғлиқ бадиий ифодалар акс этган биринчи - тўртинчи байтлар матлаъ ва ундан кейинги ўринда бирин-кетин, ришта тавсифидаги икки байт эса учинчи- тўртинчи байт тарзида бирин-кетин келтирилган. Ғазалнинг кейинги уч байти ҳам нома образи асосида яратилган бадиий лавҳалар билан зийнатланган бўлиб, мақтаъ мазмунидан англашилишича, бу шеърни Навоий бирор реал воқеа, қандайдир яқин кишисидан мактуб олиб, беҳад хушнуд бўлганлиги муносабати билан ёзган кўринади:

Эй Навоий, номаи мақсуд етти, хушдил ўл,
Ким хати озодлиқ, будур ғами ҳижрон аро.

Худди шу мазмундаги матн вариантлари «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирган 244, «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 77, 293, 305, 393, 697-ғазалларда учрайди.

Навоий ғазаллари семантик-стилистик, руҳоний-эмоционал кўринишлардаги композицион етуклигини кўзда тутиб амалга оширилган бадиий талқин ва вариантларни текшириш баъзи хулосаларни чиқаришга ҳам имкон беради. Биринчидан, Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» девонларини тузиш даврида ўз лирик асарларида бадиий фикрнинг муаллиф ғоя-мақсади ёрқинроқ акс этган асар марказий нуқтасига қадар изчил ва динамик ривожланишига, шеърнинг давомида келадиган тасвирнинг ҳам коммуникатив ва эмоционал жиҳатдан маълум йўналишга эга бўлишига аҳамият берган. Бу, умуман, Навоий лирикасига хос бўлган етакчи бадиий хусусиятлардан бири - образнинг тадрижий такомили принципига алоқадор бадиий тасвир тарзининг бир кўринишидир. Мақсуд Шайхзода: «...тадриж приёми рус поэтикасидаги «нагнетание» терминига бадал бўла олур», дейди. Бу нуқтайи назардан биз эътиборимизни қаратган тадрижийлик асосидаги бадиий тасвир усулини «градация» термини билан изоҳлашни лозим топдик.

Шоир ғазалларининг асосий типлари ҳақида фикр билдирар экан, Ё.Исҳоқов: «Албатта, ҳар бир ғазалда, у қандай типда бўлишидан қатъий назар, шоирнинг субъектив муносабати у ёки бу даражада ўз аксини топади. Лекин ғазалдаги ана шу объектив ва субъектив моментларнинг (яъни коммуникатив ва эмоционал тасвирнинг) ўзаро мувозанати унинг характери - тасвир типи билан чамбарчас боғлиқ» [III, 46, 56-6.] деб таъкидлайди. Навоийнинг ҳар бир алоҳида олинган ғазалида бу муносабатлар (яъни объектив ва субъектив моментлар муносабати) муайян шакл ва мазмунда кўринар экан, уни бевосита ғазал характерининг, ундаги тасвир типининг белгиловчи хусусиятларидан бири деб ҳам баҳолаш мумкин. Шу нуқтайи назардан ғазал ички семантик қурилмасидаги биз таърифлаган босқичли симметрик тасвир усули Навоийнинг бир қатор таъриф, тавсиф ва мадҳ қўшилган ҳолда акс этадиган ишқий мавзудаги ҳамда тасвирий ёки мушоҳадавий типдаги ғазаллари композицияларида намоён бўлади.

Албатта, бундай шеърий усулдан Навоий муайян мақсад йўлида - уни аниқ бир фикр ва ғоянинг бадиий ифодасига хизмат қилдириш учун фойдаланган эди. Бундан ташқари, шоир

ғазал композициясида кўзга ташланган мазкур типдаги семантик-тасвирий комбинациялар орқали шарқ ғазалчилигида ижодкор имкониятлари жуда кенг ва ранг-баранг эканлигини намойиш этди. Албатта, бу масала хусусидаги мулоҳазаларимиз шоир ғазаллари матний вариантлари мисолидагина юзага келиб, Навоий лирик меросини ўрганишнинг кейинги тараққиёти унинг махсус ишланилишини тақозо этади.

Иккинчидан, таркибидан байтлар чиқариб олинган ёки қўшимча байтлар киритилган ғазаллар юзасидан ўтказилган кузатувлар шуни кўрсатадики, Навоий ғазал ҳажми ва унинг ғазал композицияси учун тутган аҳамияти масалалари борасида ҳам ўзининг бадиий-эстетик принципларига эга бўлган. Чунончи, шоирнинг аксари таъриф, тавсиф, мадҳ, васф типидаги ва бу тушунчаларнинг қўшилиб кўриниши асосида яратилган ғазаллари етти байтдан иборат бўлиб, улар, асосан ишқий тематикадаги, композицияси ихчам образли тасвир асосида қурилган ғазаллардир.

Навоийнинг тўққиз байтли ғазаллари эса мавзу ва семантик структура жиҳатидан хилма-хил бўлган шарҳи ҳол ва мулоҳазавий типдаги ғазаллардир. Ишқий мавзудаги бундай ҳажмли ғазалларда бадиий тасвир етти байтли ғазалларга нисбатан шоирнинг фалсафий-поэтик мулоҳазалари асосида кенгайтирилади, уларда лирик қаҳрамон кечинмалари тасвирида шикоят мотивлари, тушкун психологик руҳ устунлик қилади. Шоирнинг муҳим фалсафий ғоялари, жиддий ижтимоий фикр ва хулосалари ифодаси учун ўн бир ва ундан ортиқ байтли ғазаллар имконияти кенгроқ ҳисобланади. Чунки бундай ғазаларда шоир бадиий тасвирнинг турли комбинацияларидан, ҳажм жиҳатидан каттароқ лирик жанрларга тааллуқли бўлган асарлардаги баъзи композицион унсурлардан ҳам (масалан, тасвирий типдаги ғазалларда сюжет чизиғи каби) фойдалана олади. Демак, шеър композициясидаги тасвир типлари унинг ҳажмини белгилашда муайян таъсир кўрсатиш имкониятига ҳам эга экан.

Бу фикрлардан шу нарса аён бўладики, Навоий ғазал ҳажми масаласида фақат туркий шеъриятдагина эмас, балки бутун шарқ ғазалчилигида ҳам адабий канон даражасига кўтарила оладиган эстетик мулоҳазалари ва адабий принципларини бевосита ва билвосита баён этди, ғазал формасининг бу жиҳатдан ҳам ижодий такомилга эришуви лозимлигини беқиёс шеърияти мисолида кўрсатди. Навоийдан кейинги давр шеъриятида бу масалада Навоий ижодий принципларига ижобий муносабатда бўлиб, унинг бу соҳадаги анъаналарига бевосита эргашиш тенденциялари яққол кўзга ташланади. Жумладан, Навоийдан кейинги даврлар шеъриятининг машҳур вакилларидан Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Зокиржон Фурқат, Завқий ва Аваз Ўтар каби шоирлар ғазалларида шеър семантик структураси ва тасвир типи унинг композицияси ва ҳажмини белгиловчи омиллардан бири сифатида хизмат қилганлиги кўзга ташланади.

Учинчидан, ғазалда байтларнинг ўзаро семантик боғлиқлиги ёки боғланмаслиги масаласига ҳам Навоий жиддий эътибор берган. Шубҳасиз, Навоийнинг оламшумул лирикасида пароканда байтлардан иборат ғазаллар учрамайди. Ғазалларида «...бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ» қилувчи байтларнинг мутлақо йўқ эканлигига амин бўлган шоир, ғазаллари семантик тизимида байтлараро қисман бўлса ҳам маънавий узилиш ёки бир фикрни икки қайта турли кўринишларда айтиш ҳолатлари бўлмаслигига ҳам эътибор беради. Шоир ғазаллари семангик структурасини ташкил этувчи қисмларнинг тугал мазмунли бўлишига эришади. Бу қисмлариинг ҳар бири ўз поэтик материали характерига кўра муайян бадиий тасвир типига алоқадор бўлиб, бу Навоийнинг кўптемали, мураккаб композицияли ғазаллари учун характерлидир. Демак, Навоий ўз ғазалларида нафақат байтлараро, балки бир неча

байтлардан ташкил топган қисмлараро маъновий ва эстетик боғлиқликка ҳам эътибор берган. Бу бевосита буюк шоирнинг шеър композицияси семантик структурасида ранг-баранг тасвирий усуллар яратиш учун тинмай ижодий изланишда бўлганлигидан дарак беради.

Навоий ғазалиётида мақтаъ ва мақтаъдан олдинги ўринда келиб, мазмун ва услуб жиҳатидан нисбий мустақиллик руҳига эга бўлган байтлар муҳим поэтик мавқеъ эгаллайди. Шоирнинг ғазал мавзуси ва мазмуни юзасидан чиқарган мантиқий хулосасини ёки тасвир объектига нисбатан бўлган субъектив муносабатини, хусусан, унинг муҳим фалсафий-ижтимоий ғояларини ифода этувчи мақтаъдан олдинги байтларни А.Ҳайитметов лирик чекиниш сифатидаги байтлар деб атаган. Ё.Исҳоқовнинг фикрича эса, «Навоийнинг муҳим фалсафий, ижтимоий фикр ва хулосаларини юксак эмоционал формада ифода этган эпифамма байтларини (поэтик жиҳатдан) ғазал ичига жойлашган ўзига хос шеърий жанр деб аташ мумкин» [III, 46, 63-6.] Навоийнинг ғазал композициясидаги ҳар бир алоҳида олинган байтлар ва семантик бўлакларни якуний мантиқий хулоса воситасида яхлит лирик асар қилиб бирлаштирувчи мақтаъ ва мақтаъдан олдинги байтларга бўлган ижодий муносабати матн вариантларида ҳам кўринади. Жумладан, шоирнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун- ниҳоя» таркибига кирган мақтаъси бўлмаган ғазаллари мақтаъ билан таъминланган. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя»га 42-, «Наводир ун-ниҳоя»га эса 43-ўринда киритилган мулоҳазавий бир ғазал бунга мисол бўла олади. Бу ғазал композицияси шоирнинг чуқур ижтимоий-фалсафий мулоҳазалари асосида қурилган бўлиб, услуб жиҳатидан ҳам ўзига хосликка эга. Яъни ғазал байтларидаги мисралараро боғланиш ўзига хос оригинал бир қонуниятга бўйсундирилган. Ана шу жиҳатдан, яъни мисраларнинг услубий боғланиши юзасидан ғазални уч қисмга ажратиш мумкин. Чунончи, биринчи, иккинчи, учинчи байтларнинг биринчи мисраларида шоирнинг ибратомуз хулосавий фикрлари берилиб, иккинчи мисралар уларни бир томондан изоҳлаб келса, иккинчи томондан, яна бир бор киноя, кесатиқ тарзидаги умумлашма хулосалардан иборатдир. Байтларда мисралар ўзаро риторик сўроқлар воситасида интонация йўли билан боғланади. Эътибор қилинг:

Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли давриндин вафо,
Улки даврон офатидур не тамаъ андин вафо?!

Жониму умрумдур ул ой бевафо бўлса, не тонг,
Қайда кўрмиш кимса ҳаргиз умр ила жондин вафо?!

Гар вафо қилсанг эрур андинки, бордурсен пари,
Йўқса ким оламда кўрмиш навъи инсондин вафо?!

Ғазалнинг кейинги икки байти (4-5) чуқур ижтимоий мазмунда шоирнинг даврон ва даврон аҳлидан, бевафо ёрдан («ёр» тушунчаси бу ерда кенг маънода, яъни барча лирик қаҳрамон «кўнглини олиши» мумкин бўлган шахслар маъносида) шикояти мотивлари билан йўғрилгандир. Бу байтларда аввалги байтлардан фарқли ўлароқ, хулосавий фикрлар иккинчи мисраларда берилиб, биринчи мисралар уларнинг сабабини изоҳлаб келади. Жумладан, грамматик воситалар («чун» - «чунки» эргаштирувчи боғловчиси, «ваҳки» ундов сўзи) ана шу мақсад ифодаси учун хизмат қилдирилган:

Ваҳки, даврон аҳлидин жуз бевафолиғ кўрмади,
Ҳар нечаким кўрдилар мен зори ҳайрондин вафо.

Чун вафо гулбарги даврон боғида очилмади,
Бежиҳатдур кимки истар бу гулистондин вафо.

Ғазалнинг биринчи қисмида муаллиф фикрлари маърифий мазмундаги тезислар шаклида ифодаланган бўлса, унинг иккинчи қисмида шоир шахсининг иштироки кўзга ташланади. Ғазалнинг учинчи қисми, яъни мақтаъдан олдинги байт ва мақтаъда эса шоир шахси олдинги планга чиқади. Бу байтларда ҳам мисралар сабабий боғланиш орқали бири иккинчисини изоҳлаб келади. Бироқ уларнинг аввалги байтлардан фарқли жиҳати шундаки, аввалги байтларда сабабий-мантиқий боғлиқлик икки мисра ўртасида юз берган бўлса, бу байтларнинг иккинчи мисраларида бутун шеър мазмунига тааллуқли бўлган сабаб мотивлари ва муаллифнинг якуний мантиқий хулосалари ифода этилади:

Кимса кўнглин кимсадин истаб вафо олдурмасун
Ким, манга худ етмади ул кўнглум олғондин вафо.

Эй Навоий, гар вафосиз чиқти ул султони ҳусн,
Топдинг элдинким, тиларсен эмди султондин вафо?!

Ғазалнинг биринчи варианти, яъни «Илк девон» матнида мақтаъ бор, унинг «Бадоеъ ул-бидоя» матни эса мақтаъсиз. Мақтаъдан олдин келувчи олтинчи байт шоир ғоя-мақсадининг хулосавий ифодаси сифатида шеърга якун ясаган. Девонларида ғазаллар ҳажмининг етти байтдан кам бўлмаслиги принципига амал қилган Навоий бу ғазал композициясини ҳам ҳажм ҳамда семантик-эмоционал тасвир такомили борасидаги мулоҳазалар юзасидан мақтаъли бўлишини маъқул кўрган. Чунки ғазалнинг биринчи қисмидаги байтлар каби мақтаъда мисраларнинг риторик сўроқ воситасида боғланиши шеър композициясида бадиий тасвир яхлитлигини таъминлайди. Шу ўринда бир савол туғилади: нега Навоий ғазални «Бадоеъ ул-бидоя» девонига мақтаъсиз ҳолда киритган? Унинг «Наводир ун-ниҳоя» ва «Фавойид ул-кибар» нусхаларига эса чиқариб олинган мақтаъни қайтадан қўшган?

Мақтаъни ғазалнинг умумий мазмунидан узилган ҳолда олиб қарасак, у шоирнинг бирор реал вокеа-ҳодиса муносабати билан ёзган эпиграммаси тарзида намоён бўлади. Аммо у мазкур ғазал ниҳоясига жойлаштирилар экан, бу таассурот ғазалнинг умумий руҳида ҳам акс этади. Бу эса бевосита ғазалнинг ёзилиш даври ҳақидаги мулоҳазаларнинг уйғонишига сабаб бўлади.

Албатта, Навоий мақтаъда султон образини тасодифан киритмаган. Шоирнинг барча жанрлардаги лирик асарларида бўлгани каби султон образи бу байтда ҳам ўзининг ҳаётдаги реал прототипига эгадек кўринади. Шундай бўлмаганда, Навоий бу образни умумлашма, типик образ сифатида отнинг кўплик грамматик формасида бериши ёки ғоявий фикрлари хулосаси учун бошқа образлар, бадиий лавҳалардан фойдаланиши мумкин эди. Демак, байтдаги фикр йўналиши реал султонга қаратилган.

Агар мақтаънинг «Наводир ун-ниҳоя» девони тартиб берилиши даврида ғазалга қайта қўшилганлигига эътибор берсак, унинг 80-йиллар ўрталарида шоир давлат ишларидан расман ўзини четга олиб, султон ва амалдорлар билан бўлган муносабатлардан қаттиқ чарчаган дамлардаги кайфияти ифодаси бўлиши мумкин, деган хулоса чиқади. Чунки мақтаъда шоирнинг замона султонидан норози ҳолдаги руҳий кайфияти равшан акс этиб турибди.

Ғазал шоирнинг ёшлик даврига тааллуқли. Шоирнинг ёшлик ва йигитлик даври биографиясида бевосита из қолдирган султонлар - унга ниҳоятда ғамхўр бўлган Муҳаммад

Султон, Абулқосим Бобур Мирзо ва ёш шоирнинг Ҳиротни учинчи марта тарк этишига бевосита сабабчи бўлган Абусаид Мирзолардир. Агар ғазал Навоийнинг мамлакат султонидан вафо кутмаган бир даврда, яъни Самарқанд сафари олдидан ёзилганлиги «эҳтимолини эътиборга оладиган бўлсак, «Бадоеъ ул-бидоя»га тартиб бериш даврида Навоий маълум мулоҳазалар нуқтайи назаридан уни ғазал таркибига киритмаган бўлиши мумкин. Чунки Султон Ҳусайн Бойқаронинг бевосита ғамхўрлиги ва раҳнамолиги остида ўзининг биринчи расмий девонига тартиб бераётган шоир бу девонга элдан ва султондан қаттиқ шикоят пафоси уфуриб турган байтни киритишни истамаган кўринади, «Наводир ун-ниҳоя»ни тузиш даврида эса шеър композицияси бутунлигини ўйлаб, уни қайтадан ғазал таркибига киритган. Ана шу мулоҳазалар қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради: кўзда тутилаётган ғазал Навоийнинг ижтимоий-маърифий йўсиндаги тадрижли ғазалларидан биридир. Уч вариантда бўлган бу ғазалнинг кейинги вариантидаги мақтаъ ўқувчи диққатини бевосита муаллифнинг ҳаёти билан боғлиқ муносабатлар доирасига тортиб, ғазалнинг умумий руҳига воқеабандлик хусусиятини киритади. Бундан ташқари, Навоийнинг мақтаъ ёзилган даврдаги фалсафий-сиёсий қарашларини ҳам ифода этади. Навоийнинг ёшлик лирикасига тегишли бўлган бу ғазал у бу даврда катта муҳаббат қўйган подшохдар («Ҳар гадоким бўрёи фақр эрур кисват анго» ва «Илк девон»даги бошқа ғазалларни эсланг) - Муҳаммад Султон (1456) ва Абулқосим Бобур Мирзо (1457) вафотларидан кейин, 1464 йилда Машҳаддан Ҳиротга қайтиб, оғир қийинчиликларни бошидан кечираётган бир даврда яратилгандир. Ғазалнинг «Илк девон»дан жой олганлиги Навоийнинг Самарқанд сафари олдидан, яъни 1464-1465/66 йиллар оралиғида ёзилганлигини тасдиқлайди. Бу эса жуда муҳимдир. Маълумки, «Илк девон»да шоирнинг болалик ва йигитлик чоғида ёзган шеърлари аралаш ҳолда жойлаштирилган. Ҳ.Сулаймонов илмий тадқиқотларида эса бу девонга кирган шеърларнинг ҳаммаси болалик (ёшлик) даврига оид деб қаралган. Навоийшунослик фанининг вазифаси имкони борича шоирнинг болалик ва йигитлик даврида ёзган шеърларини бир-биридан фарқпаб беришдир» [III, 127, ‘6-6.] Келтирилган ғазал, фикримизча, «биз (Навоийнинг - С.Д.) 15- 16 ёшгача бўлган даврини болалик, ундан кейинги даврни йигитлик даври деб оладиган бўлсак...» [III, 127, 6-6.] Навоийнинг ёшлик эмас, балки йигитлик даврига тааллуқлидир. Демак, Навоий лирикаси хусусиятларини изчил ўрганиш орқали айрим ғазаллар матнларидаги ранг-барангликлар воситасида шоир биографиясининг баъзи жиҳатларига оид муҳим маълумотларга эга бўлиш мумкин, шунингдек, ғазаллардаги поэтик усуллар ва бадиий тасвир хусусиятларини ҳам чуқурроқ текшириш имконияти пайдо бўлади.

Бу ғазал хусусида яна шуни айтиш мумкинки, у шоир кўнглига маҳбуб шеърлардан бири бўлган. Кейинчалик Навоийнинг бу ғазалга мусаддас боғлаб «Бадоеъ ул-бидоя» девонига киритиши бунинг исботидир.

Девонларда мақтаъдан олдинги байтларнинг ғазалда тутган ғоявий-эстетик позицияси, айрим ҳолатларда фалсафий-дидактик ролини ошириш мақсадида, бизнинг тахминий мулоҳазаларимизга кўра, шоир томонидан амалга оширилган таҳрирлар ҳам учрайди. Вариантлардаги тафовутларни таҳрир дейишимизнинг яна бир жиҳати борки, улар ғазалнинг асл матнини тиклаш ниятида кейинчалик бирор зукко котиб томонидан ҳам амалга оширилган бўлиши мумкин. Лекин бунинг эҳтимоли камроқ. Котиб байтлар ўрнини ўз мулоҳазалари нуқтайи назаридан ўзгартириши мумкин, бироқ Навоий ғазали учун худди шоир услубида янги байт ихтиро қилиб бера олмайди. Бунга унинг қудрати ҳам етмайди, маънавий ҳуқуқи ҳам йўқ. Шундай экан, кўриб чиқилаётган вариантлар таҳлилида биз буюк шоир қалами дахлдорлигини эътироф этиб, бу ҳодисани ҳам таҳрир деб аташга журьат этамиз. Аммо аниқлик ва асосланганлик даъвосини қилмаймиз. Бу таҳрирлар ҳам шоирнинг

муҳим ижтимоий фикр ва хулосаларини, фалсафий қарашларини юксак пафосда ифода этувчи байтларни мақтаъдан олдинга тушириш ёки айрим ғазаллар учун шундай байтларни ихтиро қилиш орқали амалга оширилган. Шу мазмундаги таҳрирлар шоирнинг 14 та ғазалида учрайди. Жумладан, қуйидаги байтлар ғазаллардаги бошқа ўринлардан мақтаъдан олдинги ўринга туширилган:

Демангиз нетти фироқ, охирку бўлдунг душмани,
Манъи васли хусрави Жам иқтидор этти фироқ.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 337-ғ.)

Не учун ашжордин йиғмиш ўтун, эй боғбон,
Оташин гулдин агар урмас фалак бўстонға ўт.
(«Наводир ун-ниҳоя», 90-ғ.)

Соқиё, сол оташин лаълинг била бир ўт менга,
Ким кўнгулга шўъла солсун жонни осон ўртабон.
(«Наводир ун-ниҳоя», 612-ғ.)

Ёшурун дардимни қилмай ошкор ўлгумдурур,
Оҳким, оламда аҳли дард топилмас киши.
(«Наводир ун-ниҳоя», 847-ғ.)

Эй сабо, кўйида элтиб кўнглумниким, айлар эмиш,
Бул ажабвашлиқлар ул ошуфтани расво басе.
(«Наводир ун-ниҳоя», 859-ғ.)

Қуйидаги байтлар эса ғазал ғоявий йўналиши ва мундарижасига кўра мақтаъдан олдинги ўрин учун махсус ижод қилинган:

Қадаҳни давридин тиндурма бир дам,
Кўнгулни даҳрдин топсанг ғамандўз.
(«Наводир ун-ниҳоя», 210-ғ.)

Шоҳиди мақсуд ҳусни жилвагоҳинг жом эмиш,
Истасанг мақсуд иликдин қўймағил ул кўзгуни.
(«Наводир ун-ниҳоя», 788-ғ.)

Навоийнинг ўз ғазаллари семантик структурасида ғоявий-эстетик изчиллик ва композицион бутунликни таъминлаш ниятида олиб борган бу мазмундаги ижодий меҳнатини унинг поэтик услуби такомили йўлида шаклланган ўзига хос тенденция сифатида баҳолаш мумкин. Шоирнинг бу соҳадаги ижодий иши «Наводир ун-ниҳоя» девонига тартиб бериш даврида бошланиб, кейинчалик кенг йўсинда унинг бутун лирик ижодини (ғазалдан бошқа лирик жанрларни ҳам) қамраган ҳолда турли кўриниш ва шаклларда намоён бўлади.

Ғазаллар композициясига доир мазмун ва шакл бирлиги, мазмун ва поэтик услубдаги мантиқий изчиллик юзасидан киритилган ўзгартиришлар баъзан бир ғазал материали доирасидан четга чиқади. Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлари учун шеърларда таҳрирнинг анча мураккаб усулларини ҳам қўллаган. Бу йўлда у икки шеърни битта қилиб қайта ишлаш, дурустгина ёзилган айрим байтлардан воз кечиш, янги байтлар ижод қилиш заҳматларидан ҳам чўчимаган. У, жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» даги мазмунан бир хил бўлган иккита ғазални бир ғазал шаклига келтириб қайта ишлаган. «Бадоеъ ул-бидоя»

девонининг 672 ва 673 етти байтлик ғазаллари «Наводир уш-шабоб»га тўққиз байтли ғазал қилиб киритилган. 672-ғазалнинг биринчи байти:

Очиб кўксим шигофин айладим кўнглумни наззора,
Эрур юз пораву ғам тийғидин ҳар пора юз пора.

«Наводир уш-шабоб»да «ҳар пора юз пора» бирикмаси ўрнида «минг пора ҳар пора» каби ўзгариш киритилган.

«Бадоеъ ул-бидоя»даги ғазалнинг иккинчи байти таҳрир пайтида тушириб қолдирилган. Унинг ўрнига 673-ғазалнинг учинчи байти иккинчи байт ўрнида берилган:

Не тонг урён танимға урди, кўксум чокиға солдим,
Мени бедил кўнгул касб эттим онинг кўнглидек хора.

672-ғазалнинг учинчи байти ҳам қолдириб кетилган. Унинг ўрнига эса 673-ғазалнинг бешинчи байти баъзи таҳрирлар билан киритилган. Байтнинг «Бадоеъ ул-бидоя»даги шакли:

Танимни ишқ асири айладинг, манъ этма оҳимни,
Чу қил ўт ичра тушти дуд бўлмоқтин эмас чора.
«Наводир уш-шабоб»даги шакли:
Таним чун ишқ асири айладинг, манъ этма оҳимни,
Чу қил ўт узра тушти, дуд бўлмоқтин эмас чора.

«Бадоеъ ул-бидоя»даги ғазалнинг тўртинчи байти «Наводир уш-шабоб»да ҳам келтирилган:

Ўтарсен ўйнай-ўйнай, мен гадойи хаста йўл узра,
Қолурмен бир қиё боқмоқ учун ёлбора-ёлбора.

Энди «Наводир уш-шабоб»даги 531-ғазалнинг бешинчи байти сифатида 672-ғазалнинг олтинчи байти айнан берилади.

Яъни:

Ўлумдин ҳажр душвор ўлмаса дард ахдиға невчун,
Ажал Мажнунни асраб, айлағай Лайлини оввора?!

Шоир «Наводир уш-шабоб»даги ғазалнинг олтинчи байтини «Бадоеъ ул-бидоя»даги 673-ғазалнинг мақтаъсини таҳрир қилиб юзага келтирган:

Навоий бода ютқон кўрса қон ютқон гумон айлар,
Сув ичканни май ичкан соғинур, ким бўлса майхора.
(«Бадоеъ ул-бидоя», 673-ғ.)
Киши май ютса кўнглум ани қон ютқон гумон айлар,
Су ичканни май ичкан соғинурким, бўлса майхора.
(«Наводир уш-шабоб», 531-ғ.)

«Наводир уш-шабоб»даги еттинчи байт «Бадоеъ ул-бидоя»дага 672-ғазал бешинчи байтининг айнан ўзидир:

Кўнгул саргашталикдин бўлди йўқ оғзинг киби, гўё
Ани чарх айлагандур ғунча йўнмоғлиққа инкора.

Шундан кейин шоир «Бадоеъ ул-бидоя»даги 673-ғазалнинг олтинчи байтини «Наводир уш-шабоб»даги 531-ғазалга саккизинчи байт қилиб киритади:

Малак таслими шайтон кибридектур, буки акл ўзин
Қилиб маъмури амр, истар аморат нафси аммора.

Худди шунингдек, 672-ғазалнинг мақтаъси ҳам 531-ғазалга ҳеч қандай ўзгаришсиз кўчирилган:

Навоий кўнглини чок этти ҳажр андоққи, фаҳм эткай,
Тахайюл ҳайъатин кўнгул аро ким қилса наззора.

Бу ғазаллар «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритилмаган. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг 1486-йилда кўчирилган 216-Тошкенг нусхасида ҳам йўқ. Унинг 1480-Париж ва 1482-Британия нусхаларида эса бор. Демак, бу ғазаллар «Бадоеъ ул- бидоя»нинг аввалги кўчирилган нусхаларида бор бўлиб, унинг кейинги нусхасига шоир томонидан (балки таҳрир қилиш мақсадида) киритилмай қолдирилган бўлиши мумкин. Ғазалларнинг 1487-йилда кўчирилган «Наводир ун-ниҳоя» девонига ҳам киритилмай, «Хазойин ул-маоний»га катта ўзгаришлар билан киритилиши уларнинг таҳririни кўзда тутиб шоир томонидан асраб қўйилганлигига ишора қилади. Агар бу масала юзасидан аниқ бир фикрга келиш имконияти бўлганда эди (афсус, бундай имконият ҳозирча йўқ), таҳрирнинг Навоий фаолиятида мавжуд бўлганлиги ва унинг поэтик услуби ҳамда поэтика соҳасидаги маҳорати такомилига бевосита ижобий таъсир кўрсатганлигини исботлаш имкони ҳам пайдо бўлар эди.

Девонлар нусхаларида яна шундай ўзгартиришлар учрайдики, уларни таҳрир кўринишлари сифатида эмас, бошқачароқ маънода ҳам тушуниш мумкин. Биз ғазаллардаги бу ҳодисани бадиий санъат усулларидан тазмин ва татаббу қилиш санъатида Навоийнинг тутган ўзига хос услуби деб баҳоладик. Масалан, шоир «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирган етти байтли 575-ғазалнинг матлаъсидан фойдаланиб, «Хазойин ул-маоний»га етти байтли янги ғазал ёзиб киритади. Бу ғазал тўла маънода Навоийнинг ўз ғазалига қилган татаббуси деса ҳам бўлади. Шоир ғазалнинг матлаъсини айнан келтириб, унинг вазни ва учта қофиясини янги контекстда сақлаб қолади. Ғазаллар ишқий мавзуда бўлиб, мазмунан ҳам бир-бирига жуда яқиндир. Худди шундай усулни у «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги 546 ва «Хазойин ул-маоний»даги 433 ғазалларда ҳам қўллайди. Яъни бу ғазалларнинг матлаълари айнан бир хил, ҳажм жиҳатидан ҳам ҳар икки ғазал етти байтлидир.

Тазмин ва татаббу санъати ишлатилган «Хазойин ул-маоний»даги 433-ғазалда аввалги ғазалнинг вазни, радифи ва бешта қофияси сақланган. Иккала ғазал ҳам тасвир асосида қурилган бўлиб, семантик-эмоционал тасвир ғазаллар композицияси асосини ташкил этади. Ғазалларни байтма-байт текширадиган бўлсак, биринчи ғазалда тасвирланган бирор образ ёхуд бадиий лавҳа иккинчи ғазалда худди шу тасвир объекти ёки у билан боғлиқ воқеаларни янада ёрқинроқ, кенгроқ ифодалаб келади. Икки шеърда мазмунан мос

бўлган байтларнинг қофиялари ҳам бир хил. Бундай байтларни ёнма-ён қўйиб, муқояса қилиб кўрайлик. Кўнгул образи билан боғлиқ лавҳа:

Теманг кўнглунг қаниқим, ҳажрдин беҳуш эдим,
Қай сори борғонни ул бехонумоним билмадим.
(«Наводир ун-ниҳоя», 3-байт)

Ул пари то жилва қилди борди кўнглум, ваҳ, қаён
Бўлди ул ovвораи бехонумоним билмадим.
(«Хазойин ул-маоний», 5-байт)

Ёрнинг таъна қилиши билан боғлиқ лавҳа,
«Наводир ун- ниҳоя», тўртинчи байт:

Васлидин сўз деб бу янглиғ таъниға хуш келмасин
Билмадим, эй қотили номеҳрибоним билмадим.

«Хазойин ул-маоний», учинчи байт:

Демадингму, дема рашкимники, боқтинг ғайрима,
Билмадим, эй кофири номеҳрибоним билмадим.

Ошиқнинг маъшуқани бирор ҳолатда кўриб жон бериши билан боғлиқ лавҳа, «Наводир ун-ниҳоя», бешинчи байт:

Истадим сўзинг лабинг тишлаб мени қилдинг ҳалок,
...қилганингни қасди жоним билмадим.[74>]

«Хазойин ул-маоний» («Наводир уш-шабоб»), тўртинчи байт:

Сўргали келганда заъфимдин ўзумдин бормишам,
Чун сўруб қўпти, не янглиғ чиқти жоним билмадим.

Мақтаъдан олдинги байт икки ғазалда ҳам ижтимоий-фалсафий фикрлар ўзанида, шоирнинг фоний бўлмоқ, ўзлигидан қутулмоқ хусусидаги мушоҳадалари асосида қурилган.

«Наводир ун-ниҳоя», олтинчи байт:

Ўзлукимдин ранжа эрдим ичкали жоми фано,
Бехуд ўлдум ўйлаким ному нишоним билмадим.

«Наводир уш-шабоб», олтинчи байт:

Дўстдин билдим нишон, то топмадим ўздин нишон,
Лек ўздин токи бор эрди нишоним билмадим.

Ғазаллар мақтаъларида мазмунан лирик қаҳрамон – шоирнинг руҳий ҳолати баёнида тафовут кўринади. Биринчи ғазал мақтаъсида ошиқнинг тушкун, шикоят этувчи ҳолати тасвирланса, иккинчи ғазал мақтаъси оптимистик руҳ билан суғорилган:

«Наводир ун-ниҳоя», еттинчи байт:

Эй Навоий, ошиқ ўлғонда дедим қолғай ниҳон,
Бўйлаким оламни тутқай достоним билмадим.

«Наводир уш-шабоб», еттинчи байт:

Эй Навоий, ёр кўнгли меҳрму қилди аён
Ё асар қилди анга ўтлуғ фиғоним, билмадим.

Ана шу жиҳатлардан «Хазойин ул-маоний» девонига киритилган мазкур ғазални таҳрир натижаси эмас, балки татаббу санъатининг чиройли намунаси сифатида ижод этилган, деб тушунмоқ жоиз.

Шунингдек, ғазалларига ўзининг байтларини тазмин қилиш ҳодисаси бошқачароқ шаклда шоирнинг яна бир ғазалида учрайди. «Наводир уш-шабоб» девонига 468, 469 ўринларда кетма-кет жойлаштирилган ғазалларнинг иккинчи байтлари айнан ўхшаш, матлаълари эса мазмунан жуда яқиндир. Бу ғазаллар мисолида ҳам Навоий татаббуънинг ижодий намунасини, иҳтизо санъатини ва тазмин санъатининг салх шаклини намойиш этади. Яъни 468-ғазалга татаббуъ қилиб яратилган 469-ғазалнинг иккинчи байти тазмин қилиниб, аввалги ғазал матнидан айнан олингандир. Тазминнинг салх шакли эса ғазалнинг матлаъси:

Ваҳки, ўтлуғ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдин айтиб нукта, жоним ўртадинг.

(468-ғ.)

Оташин рухсора очиб хонумоним ўртадинг,
Хонумоним худ не бўлғай жисму жоним ўртадинг.

(469-ғ.)

тўртинчи байти:

Ўт аро қил тўлғониб куйғондек ул юз шавқидин,
Нечаким тоб урди жисми нотавоним ўртадинг.

(468-ғ.)

Тўлгониб куйсам ажаб йўқ ўтқа тушган шўъладек,
Чун фироқ ўтида жисми нотавоним ўртадинг.

(469-ғ.)

ва мақтаъсида ишлатилган:

Эй Навоий, то белу оғзи хаёли айладинг,
Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг.

(468-ғ.)

То Навоийдек белу оғзинг хаёли бирла мен
Ушбу йўқ савдода пайдову ниҳоним ўртадинг.

(469-ғ.)

Бу ғазалларнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонига кетма-кет жойлаштирилиши ҳам уларнинг бир ғазал нусхалари эмас, балки ҳар бири алоҳида ўз тасвир усули, ихчам, яхлит композициясига эга бўлган ғазаллар эканлигидан далолат беради. Ғазалларнинг бири

(468) «Наводир ун-ниҳоя» девонига 354-ўринда, иккинчиси (469) «Бадоеъ ул-васат»га 358-ўринда ўзгартиришсиз киритилган. Демак, Навоий ғазалларини девонларига тартиб билан жойлаштирар экан, уларнинг семантик структураси, композицион тузилишига алоҳида эътибор берган. Бунинг натижасида ғазал композицияси билан боғлиқ бадиий санъат усулларининг (татаббуь, тазмин) ўз ғазалиётида ижодий ривожланишига ва бу соҳадаги анъаналарнинг янги-янги ўзанларда тараққий этишига имконият яратган.

Навоийнинг ўз ғазалларига мурожаат этиб, улардан ижодий фойдаланиб бошқа лирик жанрлардаги асарлар яратганлиги маълум. Масалан, А. Абдуғафуров ёзишича: «Хазойин ул- маоний»даги қолган ўн мусаммат (7 мухаммас, 2 мусаддас ва мусамманнинг ҳаммаси) Навоийнинг ўз ғазаллари асосида яратилган. Навоий биринчи галда ўз замонасида шуҳрат қозонган ғазалларини мухаммаслар шаклига келтирган» [III, 6, 96-6.]

Ана шу жараёнда ҳам Навоий таҳрир билан жиддий шуғулланганки, бу адабиётшуносликда эътиборга олинган ҳодисадир: «Навоий мусамматлари бир қатор ғазалларнинг аниқ текстини тиклашга ишончли манба бўлиб ҳам хизмат қилади. Мусамматлар билан уларга асос бўлган ғазалларнинг текстларини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, Навоий мусамматлар яратиш жараёнида ғазаллар устида баъзан жиддий, баъзан жузъий таҳририй иш олиб борган. Шоир кўпгина жумлаларни ўзгартиради, мазмунга аниқлик киритади, ҳатто бутун-бутун байтларни тушуриб қолдиради ва аксинча, янги мисралар билан тўлдиради. Масалан, «Қилмадинг» радифли ғазалидаги:

Дема, эй кўзким, не қилдинг, гар сени кўр истасам,
Бир боқиб юз минг балоға мубталому қилмадинг.

байтининг биринчи мисрасида маъно ғализлиги содир бўлгани учун бўлса керак, уни шоир ўз мухаммасида тушириб қолдиради». [III, 6, 98-99-6.]

Демак, Навоий қандай ниятда бўлмасин, ўз ғазалларига қайта мурожаат этганида, албатта ижодий таҳрирни ҳам назардан қочирмаган.

Композицион таҳрирларнинг бадиий санъатлар билан боғлиқ яна бир кўриниши «Бадоеъ ул-бидоя» девонида тўртинчи ўринда келган ҳамднинг «Ғаройиб ус-сиғар»га жойлаштирилиши муносабати билан учрайди. Бу ғазалнинг матлаъсида келган «фасоҳат» сўзи унинг учинчи байтида қофия тарзида қайтарилган. Ғазалнинг «Ғаройиб ус-сиғар» нусхасида эса бу сўз «балоғат» сўзи билан алмаштирилган. Фикримизча, ғазалнинг биринчи вариантида Навоий шеър семантик структураси ва қофия билан боғлиқ қадимий санъатлардан бири – раддул қофия ёки ито деб аталмиш поэтик усулни ишлатган. Бу санъатнинг моҳияти шундан иборатки, матлаъда қўлланилган қофия ғазалнинг кейинги байтларида ёки мақтаъда ҳам қайтарилади. Навоий бу санъатдан мазмун ва фикр мантиқий йўналиши тақозо этган ҳар қандай вазиятда фойдаланади. Ё.Исҳоқовнинг таъкидига кўра, Навоий ижодида бу санъатнинг асосий қисми матлаъ ва иккинчи байт ҳамда матлаъ ва мақтаъга тўғри кёлади. [III, 46, 151-6.] Бу санъат ўрта асрлар муаллифлари асарларида (XVI асрга қадар) қофияга тақаладиган айблар сифатида баҳоланади. Ё.Исҳоқов бу таърифларга аниқлик киритиб, агар қофиянинг асоси бўлмиш равий сўзнинг ўзагида эмас, балки қўшимчада бўлса, бунинг устига битта аффикс қофия сифатида такрорланса, (масалан, додгустар - сухангустар - балогустар), у ҳолда, бу ҳодисани қофиянинг нуқсони сифатида баҳолаш мумкин, деган фикрни айтади. Чунки бундай такрор қофия эмас, радифга хос хусусиятдир. Шу сабабли олим бу ҳодисага нисбатан раддул-қофия эмас, ито терминини қўллашни тавсия этади. Раддул-қофия атамасини эса, мустақил сўз - қофиялар

воситасида ҳосил қилинган поэтик усул - бадиий санъатга нисбатан ишлатишни маъқул, деб ҳисоблайди. [III, 46, 149-б.]

Албатта, Навоий ҳам бу усулни ўз ғазалларида поэтик санъат сифатида қўллаган. Акс ҳолда, у «Хазойин ул-маоний» девонларига кирган юздан ортиқ ғазалларида «радд» санъатининг бу шаклидан фойдаланмаган бўлур эди.

Бироқ поэтика қонуниятларига доим ижобий муносабатда бўлган шоир мазкур ғазалнинг иккинчи мукаммал нусхасини яратиш даврида, бундай қофиянинг ноқис, деб таърифланганлигини назарда тутиб бўлса керак, уни алмаштиришга ахд қилган бўлиши мумкин. Аммо таҳрирни шоир бу сўзларнинг луғавий маъноси нуқтайи назаридан ҳам амалга оширган бўлиши мумкин. «Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати» тўрт томлигининг 1-Ш-томларида бу сўзларга қуйидагича таъриф берилади:

балоғат - етуклик, баркамоллик, бенуқсонлиқ, нотиқлик [III, 2, I т, 208-б.]

фасоҳат - сўзнинг очиқ, равшан, чиройли ва қоидага мувофиқ бўлиши. [III, 2, Ш т, 335-б.]

Ғазал матлаъсида фасоҳат сўзи бевосита ҳамд айтувчининг ҳамд айтиш маҳоратига нисбатан ишлатилган. Учинчи байтда эса фаришталарнинг ҳам фасоҳат билан ҳамд айта олмасликлари таъриф қилиняпти.

Ғазалнинг кейинги вариантида коинотдаги яратилмишларнинг «шунча балоғат» билан ҳам «фасоҳатли» ҳамд айта олмасликлари тасвирланган. Демак, ғазал кейинги матнида шоир муболағани оширган. Ана шу мулоҳазалар нуқтайи назаридан ҳам Навоий раддул-матлаъ санъатидан воз кечган бўлиши мумкин. Вариантларни қиёслаб кўринг:

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоққи, қурбе тақвию тоат била санга...
Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд эта олмас онча фасоҳат била санга.

Табдилий матн:

Эй ҳамд ўлуб маҳол фасоҳат била санга,
Андоққи, қурбе тақвию тоат била санга.
Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд эта олмас онча балоғат била санга.

Алишер Навоий шеър композицион мукаммаллиги соҳасида ижодий иш олиб борар экан, аввало ғазалларининг семантик-стилистик структураси ва улардаги эмоционал тасвир йўсинига алоҳида эътибор берди. Шеър композициясини ташкил этувчи бу омилларни ранг-баранг поэтик усуллар, бадиий тасвирнинг Навоий қаламигагина хос бўлган энг таъсирчан, сержило кўринишлари билан янада бойитди. Биз «таҳрир» деб мулоҳаза этган ҳодиса эса шоир шеъриятида бадиий тасвир унсурлари ёки муайян образларнинг хилма-хил функционал хусусиятларини намойиш этиш учун ҳам ижодий имконият бўлиб хизмат қилди. Навоий таҳрирларни ғазалнинг семантик структураси билан боғлиқ композицион усуллар ва бадиий санъатлар воситасида юзага келган стилистик комбинацияларнинг ўзаро уйғун ҳолдаги турли кўринишларини намойиш этиш учун ҳам амалга оширди. Бу муносабат билан Навоий нафақат ғазалнинг композицион бутунлиги, ундаги композицион қисмларнинг эмоционал-эстетик функциялари хусусидаги қарашларини, балки, умуман, ҳар бир шеърий асарда чуқур ғоявий мазмун етакчилигида гўзал бадиий шаклнинг гармония принциплари асосида беқусур яратилиши лозимлигини билвосита ифода этди. Навоий ғазаллари ғоявий-бадиий такомилини кўзда тутиб олиб борган ижодий меҳнати ғазал жанрининг туркий адабиётдаги композицион етилувига катта таъсир кўрсатди.

1. Алишер Навоий лирик асар (хусусан, ғазал) муваффақиятини белгиловчи асосий омиллардан бири унинг лексик-стилистик ва ғоявий-тематик яхлитлиги асосида юзага чиқадиган композицион бутунлик эканлигини ижодий таҳрирлар воситасида алоҳида таъкидлади.

2. Навоий ўзининг ижодий таҳрирларида ғазал шакли ва мундарижасининг бевосита шеър эмоционал таъсири хусусиятлари билан боғлиқлиги фактига ҳам эътибор берди. Шу нуқтайи назардан таҳрирга учраган ғазаллар мисолида шоирнинг янги йўналишлардаги эстетик мулоҳазаларини англаш мумкин.

3. Ижодий таҳрир жараёни Навоий ғазалиётида ҳажман катта лирик жанрларга хос бўлган поэтик усуллар ғазалнинг бадиий тасвир системасига ҳам татбиқ этилганлиги ҳодисаларини намойиш этди (тасвирий типдаги ғазаллар мисолида, симметрик гармония усулидаги шеър такомилига оид таҳрирлар воситасида).

4. Навоий ғазалларининг девонларда учрайдиган вариантлари матнлар асосида шоирнинг айрим алоҳида олинган ғазалларининг яратилиш тарихини аниқлашга имкон берди. Бу эса Навоий лирик меросини илмий даврлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

5. Композицион-стилистик нуқтайи назардан бадиий талқин Навоий давригача шаклланган норматив поэтиканинг шоир ижоди мисолида адабий канонлар даражасидаги тенденциялар воситасида классик поэтика мақомига кўтарилуви учун жиддий босқич бўлди.

Тадқиқотимизда Навоий ғазалларининг турли матнларини текшириш асосида рўёбга чиққан таҳрирнинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилдик. Биз ушбу бўлимда тадқиқ этган масалалар Навоий поэтик услубининг туркий поэзия равнақи жараёнида ушбу тил лексикаси ва стилистикаси ҳамда туркона услуб (Навоий нуқтайи назаридан) анъаналарини ўзига хос йўсинда бойитиш ва такмилга етказиш учун хизмат қилганлигини кўрсатиш жиҳатидан ҳам ғоятда муҳимдир.

НАВОИЙ ПОЭТИК УСЛУБИ ТАДРИЖИЙ ТАКОМИЛИ МАСАЛАЛАРИ

Ижтимоий руҳдаги ғазалларда ғоя-мазмун ва бадиий образ такомили

Инсонга Яратгучи томонидан ҳадя этилган истеъдод, қобилият ҳаракатга келтирилмаса, сайқалланмаса сўниб кетиши муқаррардир. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида машҳур сўфий Баҳоуддин Нақшбандниng ўз пири руҳонийси Абдухолиқ Ғиждувоний билан учрашуви воқеаси қуйидагича ҳикоя қилинади: «Андоққи, дер эрмишларки, мабодии аҳволда бир кеча ғалаботи жазаботдин Бухоро мазоротидин уч мазорга етишдим. Ҳар мазорда бир чироғдон кўрдум, ёнадурғон ёғи тўла ва фатилалари ёғ ичинда. Аммо фатилаларға бирор нима ҳаракате бермоқ керак эрдики, яхши туташқай ва ёруғай. Сўнгги мутабаррак мазорда қиблаға мутаважжиҳ ўлтурдум ва ул таважжиҳда ғайбате воқеъ бўлди. Мушоҳада қилдим. Қибла девори шақ бўлди ва бир улуғ тахт пайдо бўлди...

Пире кўрдум нуроний. Салом қилдим. Жавоб бердилар; ва сўзларки, сулук мабдаида ва васатида ва охирида керакликтур, манга баён қилдилар ва дедиларки, ул чароғларки, ул кайфият била санга кўргуздилар ишорат ва башоратдур санга бу йўл қобилият ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин ҳаракатға келтурмак керак, то ёруғай ва асрор зуҳур қилғай...» [111,5, 130-131-6.1]

Парвардигори Оламнинг хос бандалари – аҳли ҳол маноқибларида келтирилган ушбу парчадан кўринаётганидек, ҳаттоки расо ақл, эътиқод, валоят ва жуда кўп фазилатлар билан оддий инсондан баландроқ тургувчи авлиёуллоҳ ҳам ўзларига ҳадя этилган истеъдод, қобилиятни мунтазам тарбия қилмоқлари, ўстирмоғлари, ривожлантирмоғлари зарур экан. Яъни истеъдод инсон хилқатида аввал қандай зоҳир бўлган бўлса, унинг умри охирига қадар шу кўринишда, жилода ҳамроҳ бўлавермас экан.

Демак, ҳар бир истеъдод эгаси тинмай ўз маҳоратини оширишга, такмил этишга интилмоғи лозим. Ижодкорнинг ҳаётий тажрибаси, дунёқараши, илмий салоҳияти, ижодий услуби каби қатор тушунчалар эса маҳорат жилоларини турли мақомда кузатувчи, ислоҳ этувчи воситалардир. Бинобарин, ана шу зикр этилган фазилатлар уйғунликда маълум чегарага етгач, ижодкор ўз маҳоратига ўзи баҳо бера бошлайди. Бу табиий ҳол. Чунки истеъдод эгаси ўз ижодий имкониятларини мукаммал тасарруф эта олганлигига амин бўлади, ўз маҳорати даражасини четдан кузата олади.

Чунончи, Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ўз ижодига комил ишонч билан «хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмағай ва тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай», дея юксак баҳо беради. Шоирнинг бу фикрлари замирида ётган катта ҳақиқат изоҳ талаб этмайди. Бирок шу нарса аёнки, Навоий беназир шоир ва даҳо мутафаккир сифатида XV аср адабий ҳаётида бирдан пайдо бўлмади. У жуда кичик ёшлигиданоқ ёрқин истеъдод бўлиб кўзга ташланди ва ўз асри маданий, адабий муҳити таъсирида буюк шоир ва мутафаккир даражасига етди. Ўзидаги илоҳий иноят - истеъдод неъматини жуда эрта англаган Навоий уни юзага чиқариш учун қаттиқ меҳнат ва машаққатлар чекиш лозимлигини ҳам тушунди. Худди шу нарса, кейинчалик, шоирнинг оламшумул ижодини тинмай юксакликка ундовчи куч бўлди.

Бу илоҳий истеъдод ўз ижодига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлди. Навоий ўз истеъдодига ўзи ҳакамлик қилди, асарларига мутассил янгиликлар, ўзгартиришлар киритиб турди. Ёши 50 дан ошган, саломатлиги анча ёмонлашган бир даврда эса «Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб бериш каби жуда катта ва сермашаққат меҳнатни ҳам

амалга оширди. Бу даврда Навоий назмиётининг адади анча катта бўлиб, шоир ўз лирик яратмалари куллиётини сайланма сифатида, шеърларининг энг яхшиларини танлаб тартиб берса ҳам бўлар эди. Бироқ ҳар бир асарини ўзига фарзанд деб билган шоир, бу меросни қайтадан кўздан кечиришни, унга янгидан сайқал бериб, такмилга етказишни лозим топди. Шу тариқа бунгача бирор шоир ёхуд насрнавис тажрибасида кўрилмаган, ўз даври адабий жамоатчилигининг юксак эътиборига сазовор бўлган «Хазойин ул-маоний» девонлари дунёга келди. Ижодий маҳсулдорликнинг бу кўриниши Навоийдан кейинги адабиёт аҳли биографиясида ҳам учрамайди. Навоий ўзининг бу фараҳбахш ижодий меҳнати қай йўсинда кечганлигини «Хазойин ул- маоний» дебочасида батафсил баён этади. Шоирнинг ёшлик ва йигитлик даври лирикасида илоҳий илҳом билан дунёга келган қуйма ғазаллар учрайдики, кейинчалик шоир уларнинг бирор сатрига ҳам қалам тегизмаган. «Кеча келгумдур дебон...», «Ул паривашким...», «Фурқатингдин заъфарон...», «Оразин ёпқоч...» каби машҳур ғазаллар шулар жумласидандир. Бироқ ана шу ғазаллар яратилган даврдаги ёлқинли илҳом, етук маҳорат шоирнинг кейинги даврлардаги шеърият соҳасида эришган чуқур билими, тажрибаси, юксак ижодкорлик савияси учун асос бўлди, десак адашмаймиз. Демак, ёшлик давридаги маҳорат етуклиги, кексалик давридаги билим, тажриба баркамоллиги шоир поэтик услубининг мунтазам такомили учун хизмат қилди. Шу муносабат билан яна вариантлар масаласига қайтсак.

«Бадоеъ ул-бидоя» девонига тартиб беришга киришган шоир унга «Илк девон»дан 161 ғазал киритади ва ғазаллардан 34 таси вариантларга эга. Жумладан, «Илк девон»даги «Вафо» радифли ғазалнинг биринчи мисрасига киритилган тузатиш ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида Навоий поэтик услубида ижтимоий руҳ кескин ортиб, унинг бу соҳадаги дунёқараши ғазалларида ёрқинроқ акс эта борганлигидан далолат беради. Ғазалнинг бош мисраси «Илк девон»да «Кимса ҳаргиз кўрмади чун навъи инсондин вафо» тарзида берилган бўлиб, шоир «навъи инсондин» изофали сўз бирикмасини «аҳли даврондин» бирикмаси билан алмаштиради. Демак, Навоий 20- 25 ёшларида умуман инсон зотидан вафо кутиш бефойда, деган хулосага келган бўлса, 30-40 ёшларида эса бу фикрини ўз даври ижтимоий воқеълиги сабаблари билан боғлайди. У даврон ахли бевафолиги конкрет, муайян феодал жамиятда халқнинг ижтимоий ҳимоясизлиги, сиёсий нотинчликлар гирдобидаги ночорлиги заминида юз бераётганлиги оқибати эканлигини идрок этади. Шу боис «Илк девон» лирикасидан фарқли ўлароқ, «Бадоеъ ул-бидоя»да Навоий табиат етуклиги жавҳари бўлмиш инсонга қаратилган норозилик, шикоятларини ўз даврининг маълум табақаси вакилларига, жамиятнинг муайян типдаги шахслари – худбин, жоҳил, мунофиқларга нисбатан баён этади. Кейинги девонлардан ўрин олган ижтимоий руҳдаги ғазалларда шоирнинг давр аҳлига нисбатан бўлган салбий муносабати «инсон», «навъи инсон» иборалари ўрнида «аҳли даврон», «аҳли замон», «аҳли жаҳон», «эл», «улус» иборалари воситасида ифодаланади. «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги ғазаллар эса Навоийнинг ўз даври ижтимоий муҳити воқеълигига, бу муҳитни маънавий тубанлаштирувчи шахсларга қаратилган фикрлари, фалсафий мушоҳадалари ўзанида ривожланиб, ижтимоий-фалсафий руҳ касб эта борганлигидан гувоҳлик беради.

Шу билан бир қаторда девоннинг аксари шеърларида «замон аҳли», «даврон аҳли»дан шикояг мотивлари устунлик килади. Маълумки, шоирнинг «Илк девон»идан бевосита шу мавзуда ижод этилган 7 ғазал ўрин олган . Бу ғазаллар қуйидаги мисралар билан бошланади:

1) Даҳр элидин нафь агар йўктур зарар ҳам бўлмаса;
2) Онча даврон бирла кўрдум аҳли даврондин жафо;
3) Эй кўнгул бир навъ ўлубмен аҳли даврондин малул;

4) Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим;
5) Халқ меҳрига яна ёраб мени зор айлама;
6) Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо;
7) Кимса ҳаргиз кўрмади чун навъи инсондин вафо.

Бу даврда Навоийнинг ўз даври ва замонасига муносабати лирик қаҳрамоннинг даврон ва халқдан шикояти оҳангидаги шахсий кечинмалари доирасида торроқ мазмунда:

Эй кўнгул, фикрингни қилким, дўсту душманлар юзун
Кўрмас эрди бўлмаса сен зори ҳайрондин малул.

ёки

Турфа кўрким халқ коми бирла умрум бўлди сарф,
Турфароқ буким, бировға ёқмади бир хизматим.

тарзида ифодаланса, «Бадоеъ ул-бидоя» девонида мазкур мавзу чуқур социал мазмун касб этиб, шоир мулоҳазалари баъзан фалсафий оқимга йўналтирилади. Зотан, «шоир ҳаётининг турли даврларида яратилган ғазалларда барча проблемаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши йўллари ҳам турлича бўлган». [III, 46, 36-6.] Шоир «Бадоеъ ул-бидоя» девонига бу ғазаллардан биттасини («Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим») киритади. Бироқ у «Бадоеъ ул-бидоя»га шу мавзудаги 7 янги ғазалини жойлаштирадики, уларда давр ва давр аҳлидан шикоят, танқид ижтимоий фалсафий йўналишда ғазалдан ғазалга изчил ривожлантирилиб, шоир услубида тенденцион моҳият касб этади:

1) Парим бўлса учиб қочсам улустин то қанотим бор;
2) Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур;
3) Мен жаҳондин кечдиму кечмас менинг жонимдин эл;
4) Бу кун ахли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам;
5) Меҳр кўп кўргуздим Аммо меҳрибоне топмадим;
6) Вафо аҳлиға даврондин етар жавру жафо асру;
7) Ваҳки, умрум борча зойиъ бўлди эл коми била.

Мазкур ғазалларда «аҳли даврон», «аҳли замон», «халқ», «даҳр эли» каби иборалар «жаҳон», «аҳли жаҳон» каби иборалар орқали кенгроқ тушунчалар даражасига кўтарилади. «Эл», «улус» каби умумлашма образлар воситасида шоирнинг кескин, муросасиз хулосалари унинг «ўз даври хақидаги сиёсий айбномаси» [III, 46, 42-6.] сифатида ифодаланади. Мазкур мавзулардаги ғазалларда «Илк девон»даги шу мазмунда яратилган ғазаллардан фарқли ўлароқ, шоирнинг фалсафий мушоҳадалари бир неча йўналишда тараққий эттирилади. Ижтимоий руҳ ҳукмрон бўлган кичик лирик асарга жаҳон фалсафий тафаккурининг ўзак масалалари бўлмиш - инсон хилқати ва унинг онгли умр кечириш борасидаги қарашлари, инсоннинг мукаммал шахс сифатида шаклланиши, ана шу шахснинг том маънодаги эркинлиги масалалари ҳам моҳирона сингдириб юборилади. Шу тахлит лирианинг энг халқчил нави бўлмиш ижтимоий руҳдаги ғазал кенг фалсафий моҳият касб этади, бу эса ўз навбатида буюк шоирнинг шарқ фалсафаси тараққиётига кўшган қимматбаҳо улушидир. Шоир поэтик услубининг бу хусусияти унинг 25 ёшгача яратган асарларида кўзга ташланмайди. Навоийнинг «жаҳон» ва «аҳли жаҳон»дан норозилиги, замондошлари ҳақидаги танқидий мулоҳазалари унинг ижтимоий воқеълик ва илғор фалсафий дунёқараш асосида шаклланган ўз ижобий идеали билан бевосита алоқадор тарзда акс этади.

Шоирнинг тахминан 1485 йилларда тартиб берилган «Наводир ун-ниҳоя» девонини «Илк девон» ва «Бадоеъ ул-бидоя» девонлари билан қиёслаб, бу девон учун янги ёзилган

ғазалларни аниқлаш қийин эмас. Ушбу девонга шоирнинг ижтимоий мавзудага 12 янги ғазали жойлаштирилган:

1. Дўстлар аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз;
2. Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз;
3. Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржманд этмас;
4. Қилди душманраҳм баским, килди жавр изҳор дўст;
5. Даҳрдин меҳру вафо қилма ҳавас;
6. Менку, даврон зулмидур кўнглумға, балки жонға ҳам;
7. Онча йиғлатти жафодин дўстдур деб севганим;
8. Қон ютиб умри жаҳон аҳлидин бир ёр истадим;
9. Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечгамен;
10. Ошиқ ўлдим неча жавр аҳли замондин тортайин;
11. Топмадим ахли замон ичра бир андоқ ҳамдаме;
12. Демангиз ҳар кимни ким бир ёр ила бор улфати.

Бу ғазалларда ижтимоий руҳ ҳукмрон бўлса-да, «Бадоеъ ул-бидоя»нинг шу мавзуда ёзилган шеърларидаги каби бадиий тасвирда кенг, чуқур фалсафий фикрларнинг ижтимоий масалалар заминида ифодаланиш хусусиятлари яққол кўзга ташланмайди. Бу давр лирикасида (шоирнинг 45 ёшларидан кейин) тасвир объекти муайян социал масаланинг эпик пландаги кўринишидан иборатдир. Баъзан ижтимоий муаммолар ечими шоирнинг сўфиёна мулоҳозалари заминида якун топади. Навоийнинг бу типдаги ғазалларида «даврон», «жаҳон» ва «ахли жаҳон»дан қаттиқ шикоят, норозилик, ўзининг бу соҳада ночорлиги учун изтироб чекиш мотивларидан кўра, замоннинг номукаммаллиги сабабларини мушоҳада этиш, ўзини ундан четга олиш кайфиятлари устун туради.

Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечгамен,
Хонумондин ким десун икки жаҳондин кечгамен.

Ҳар замон бошимға юз тиғи ҳалок айлаб қабул,
Умрдин тортиб этак, биллаҳки жондин кечгамен,

Шаҳру кишвар, хонумон, икки жаҳону умру жон
Худ не бўлғай, мунча юз ком ўлса ондин кечгамен...

Воизо, айлаб енгиллик, нечаким кавсар майин
Мақтасанг хошоки мен ратли гарондин кечгамен;

Эй Навоий неча қилғайлар этакдек поймол,
Мен доғи эмди этак аҳли жаҳондин тортайин;

Йўқ вафо жинси бани одамда бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Нукта нозик бўлди асру, бўлғай эрди кошки,
Шаммаи бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме.

«Наводир ун-ниҳоя» девони шоир 40-50 ёшлари орасида тузилганлиги, “Бадоеъ ул-бидоя» яратилгандан кейин (1479-1485 йиллар оралиғида) ёзилган шеърлар шу девондан ўрин

олганлиги ҳодисаси мазкур девоннинг шоир поэтик ижоди бу даври хусусиятларини ифода этувчи текшириш обьекти сифатида катта илмий қимматга эга эканлигини таъкидлайди.

Навоий ижтимоий лирикаси такомили таҳлили бу мавзунинг «Хазойин ул-маоний» ғазалларида ғоявий-семантик ва бадиий ифода услуби соҳасида мавжуд бўлган йўналишларини кузатишни ҳам тақозо этади.

Албатта, Навоий лирикасида ижтимоий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши анча кенг доирадаги ғазалларда кузатилади. Шоир бу масалага ўз лирикасида гоҳ бевосита, гох билвосита муносабат билдиради. Навоийнинг мазкур мавзу доирасидаги муаммоларга бевосита ёндашуви унинг шу пландаги тадрижли ғазалларида акс этади. Биз ўз мулоҳазаларимизни асосан шундай ғазаллар юзасидан баён этмоқдамиз.

«Хазойин ул-маоний» девонларига аввалги уч девон таркибига кирмаган ижтимоий мавзудаги 62 ғазал жойлаштирилган. Бу ғазалларнинг аввалги девонларда учрамаслиги уларнинг «Наводир ун-ниҳоя» тартиб берилгандан кейин ёзилганлигига ишора этади. Навоийнинг 45 ёшдан кейинги ҳаёти давомида давр воқеалари ва «даврон аҳли»га бўлган муносабати, жамият ижтимоий воқелигининг шоир тақдиридаги акс садоси унинг ушбу давр лирик ижодида ўзига хос йўналишларда ифода этилади. Жумладан, ҳамдларда (орифона ғазалларда) аввалги девонларнинг шу типдаги ғазалларида кўринмаган хусусият - тасвир объекти бўлмиш Тангри таолога муножот, илтижо оҳангларининг устуворлиги кўзга ташланади. Бадиий ифоданинг васф, таъриф, тавсиф формасида ижод этилган ҳамдлар туркуми шоир кексалик лирикасида шарҳи ҳол, мушоҳада типидаги тасвирий усуллар воситасида мазмунан кенгайиб боради. Мамдуҳга бевосита мурожаат, ўтинч, илтижоли фикрлар Навоий ҳамдларининг аксари мақтаъдан олдинги байтлари ва мақтаъларида ифода этилиб, шоирнинг бу соҳадаги эстетик принциплари асосини белгилаганлиги маълум. Аммо қуйидаги ғазал Навоийнинг кўтаринки руҳ, юксак стилда ижод этилган васф типидаги ҳамдларидан лирик қаҳрамон - шоирнинг ички кечинмалари, кайфияти, шу билан бирга умри мазмуни ва ҳаётий мақсадининг ифодаси билан ажралиб туради. Ғазал композицияси унинг семантик-эмоционал планида муножот мотивининг тадрижий ифодасига асосланган:

Ёраб, ўлғон чоғда жоним жисми вайрондин жудо,
Ул бўлиб мундин жудо, сен бўлмағил андин жудо.

Чун жудо бўлсам мени ғамнок йўқу боридин,
Не ғамим, сен бўлмасанг мен зори ҳайрондин жудо.

Накди жон чиққанда имон гавҳарин кўнглумга сол,
Айлагил жондин жудо, лек этма имондин жудо.

Хонумондин ойириб, қилғонда зиндон ичра ҳибс,
Қилма лутфунг мен алохону аломондин жудо[79)]

Ҳашр ғавғоси аро осийлиғимға раҳм қил,
Лутф ила илгим тутуб, қил аҳли исёндин жудо.

Гарчи ўлдум кофири ишқ аҳли ислом ичра қот,
Ул замонким бўлғуси кофир мусулмондин жудо.

Элга махлас истасанг, етти тамуғни айла кул,
Айлабон бир шўъла бу оҳи дурахшондин жудо.

Жаннат истаб айлаганларни ибодат, қилмағил
Кавсару тўбию қасру ҳуру ризвондин жудо.

Борчадин айру Навоийға қилиб васлинг насиб,
Қилмағил, ёраб, ани мундин, муни андин жудо.

Навоийнинг кексалик даврида ёзилган ижтимоий маъно касб этувчи ғазаллар бадиий тасвир усуллари ва мазмун-мундарижасига кўра шоир дунёқарашининг бу даврдаги ўзгаришларини бир неча аспектда ифодалаб беради. Аммо бу ғазалларнинг барчасида мавзу-ғоя ифодаси, тасвирланмиш ва тасвирий имкониятлар турлича бўлса-да, пировард натижада якуний фикр, хулоса бир хил маънода, яъни ўзликдан кечиб, фанога юз тутиш мақсади ифодаси билан интиҳо топади. Жумладан, қарилик лирикаси ғоявий мотивлари шоир тасвир-ифода услубининг қуйидаги йўналишларида талқин этилади:

а) муножот типидаги ғазалларда;

б) дидактик насиҳат ёки тажрибали кексанинг ёшларга берадиган панд-ўгитлари ифодаланган ғазалларда;

в) сўфийлик руҳида ёзилган - орифона ёки бевосита тасаввуф масалаларини муҳокама ва тарғиб этувчи ғазалларда;

г) «қарилик» ва «йигитлик» мавҳумлари воситасидаги мушоҳадавий-дидактик ғазалларда.

Ижтимоий мавзу воситасида юзага келган дидактика шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоҳанг равишда намоён бўлади. Чунончи, йигитлик даврида у оптимистик, ҳаётсевар тонусда фалсафий моҳият касб этади; ўрта ёшликда умуман бу фоний дунёдан «қўл ювиш», уни рад этиш маънолари сингдирилган лирик қаҳрамон кайфияти ва Ҳақ даргоҳидан умидворлиги шарҳидан иборат бўлган пассив дидактика шаклида ифодаланади; кексалик даври ғазалларида дидактик бўёқ шоирнинг сўфийлик дунёқараши асосида илгари сурилган фикрларида ўз аксини топади. Кексалик лирикасида ижтимоий мавзунинг мантиқий ривожи ва хулосаси учун хизмат қилувчи дидактик асоснинг аввалги давр ғазалиётидан фарқли жиҳати шундаки, унда яна ҳаётга муҳаббат (йигитлик лирикасидаги каби жўшқин, илмий-фалсафий оҳангларда бўлмаса-да), уни онгли кечиришга рағбат, ҳаётнинг ҳар бир инсон ўз мабдаи, Жавҳари Олийга комил қиёфада қовушмоғи учун бир восита, имконият эканлигини англаш тарғиб этилади. Бинобарин, «давр», «замон», «даврон аҳли» бедодлиги, зулму ситамлари инсонни етукликка ундовчи ва унга комил қиёфа бахш этишга хизмат қилувчи восита экан, бу ҳодисани сабр билан оқилона идрок этмоқлик ва фақат мақсад сари интилмоқлик, фоний бўлиб бақо топмоқлик асосий мақсад эканлиги уқтирилади. Навоийнинг турли даврларда яратилган девонларини кўздан кечириш орқали бунга амин бўлиш мумкин. Масалан, аксари ғазаллари йигитлик даврига тааллуқли «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги фалсафий-дидактик пафос билан ижод этилган қуйидаги байтларга эътибор қилинг:

Кимса юз йил комронлик қилса, билким, арзимас
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била;

Беша шерин гар забун қилсанг шижоатдин эмас,
Нафс итин қилсанг забун, оламда йўқ сендек шужоъ;

Гулханийдин гулхан олотин тамаъ қилмоқдурур
Ҳар киши дунёлик этса аҳли дунёдин тамаъ;

Чиқиб бу дайрдин Исоға невчун ҳамнафас бўлмай,
Биҳамдиллаҳ, тажарруд бирла ҳиммatдин қанотим бор

ва б.

Ўрта ёшлик лирикаси - «Наводир ун-ниҳоя»да:

Сабр кўп қилсанг фавойид кўп дединг, носиҳ, не суд
Ким кўнгулнинг ҳажр аро бир лаҳзалик йўқ тоқати;

Кимки даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,
Ғам йўқ ар ҳар дам ғамин айтурға топса ҳамдаме...

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме:

Вафо аҳлин чарх беком этиб,
Жафо хайлини комрон қилдило;

Интиҳоси ишқнинг ҳижрон эмиш, эй аҳли ишқ,
Васли даврони аро мағрур бўлманг асру ҳам.

Кексалик даври – «Хазойин ул-маоний» девонларида:

Зулму бедод айлаб андоқ бузмамиш даврон мени
Ким, топа олғай ўзи тузмакка ҳам имкон мени;

Даврон гулию гулшани хореға арзимас,
Гулгун майи балойи хумориға арзимас.

Минг йил киши жахон элига қилса шоҳлиқ,
Бир дам алар иҳонату ориға арзимас...

Кирғил фано йўлиға, Навоийки, даҳри дун
Бу умри бесаботу мадориға арзимас;

Ёрмангиз Фарҳоду Мажнун олдида кўксумниким,
Ботинимнинг дарду доғин аҳли зоҳир кўрмасун.

Ким, Навоийдек фано водийсиға истар хузур,
Кечсин ўздин, балки худ ўзлукни ҳозир кўрмасун;

Дема дардингни ниҳон тутқилки, юз минг дардни
Махфий этсам, қилмиш ўлғаймен ниҳон мингдин бирин;

Жаҳонда фақр касб эт, майли кўп қилма ғино сори
Ки, мундин оз этибдур орзу фарзона андин кўи;

Эҳтиёжимни улустин уз, худоё, фақр ила,
Ўйла фақрким, анга бўлмас худоға эҳтиёж.

Олам аҳлидин вафо муҳтожи бўлмаким, алар
Ҳам чекарлар бу матоьи бебаҳоға эҳтиёж;

Навоиё, тутар аҳли фано нажот йўлин,
Эришмак истар эсанг ишда, ҳам аларни эриш.

Мазкур байтларда Навоийнинг сўфиёна қарашлари унинг ижтимоий, дидактик мушоҳадалари фонида тасвирланган. Шоирнинг бу давр лирикасини А.Ҳайитметов «энг сермаҳсул босқич» (яъни лириканинг 16 жанрида ижод қилинган) деб атайди. [III, 126, 67-6.] Х.Жўраев эса «Алишер Навоий кексалик даври лирикаси» мавзусидаги номзодлик диссертациясида шоирнинг бу давр лирикасидаги аввалги босқичлардан фарқ қилувчи жиҳатларга: шарқ классик шеъриятининг барча жанрларига мурожаат қилинганлиги, образлар тизими бойиганлиги, мавзулар доираси кенгайганлиги, ғоялар чуқурлашуви, дунёқарашдаги ўзгаришлар сингари масалаларга эътибор қаратади. Муаллиф Навоий кексалик даври лирикасининг ўзига хос ғоявий-тематик ва бадиий жиҳатларини ўрганар экан, «Навоийнинг кексалик даври лирикасини бир неча йирик қисмларга ажратиш мумкин: ошиқона, риндона, орифона, тасаввуфий характердаги шеърлардир. Бу шеърлар ўз навбатида яна бир неча туркумларга (сатирик, дидактик, шарҳи ҳол ёки ҳасби ҳол ва б.) бўлинади» деган хулосага келади.

Кексалик лирикасининг ажралиб турувчи хусусиятларидан яна бири, шоирнинг бу даврда яратилган ғазалларида «қарилик», «кекса», «мен қари» каби жумлаларни қўллаши, ёши ўтиб қолганлиги, заиф аҳволини тез-тез тилга олиши ҳодисасидир. «Хазойин ул-маоний» девонларининг номланиши шартли характерга эга бўлса-да, Навоий бу туркум ғазалларини асосан «Фавойид ул-кибар» девони учун махсус ижод этган бўлиши ҳам мумкин. «Йигитлигингда қариларға қилмадинг хидмат», «Қарида гарчи сабук рухлуғ фаровондур», «Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш», «То йигит эрдим, қариларға кўп эрди хидматим», «Ул шоҳу мен гадомен, ул тифлу мен қари» мисралари билан бошланувчи «Фавойид ул- кибар»дан жой олган ғазалларда шоир ёшининг ўтганига ишора қилиш билан дидактик фикрлари баёни учун руҳий замин ҳозирлайди. Ушбу ғазаллар Навоийнинг «Висолим шомича йўқ ҳажри субҳи меҳнат афзойи», «Кўнгул, қайғурмаким, дашти фаноға боргудектурмен», «Тариқи ишқ аро гар ўзни фард билса биров» каби орифона ғазаллари билан мавзу ва маъно-мазмун инкишофи, сўфиёна ва дидактик мушоҳадаларнинг мантиқий яқинлиги жиҳатидан ўзига хос уйғунликка эга.

Демак, Навоийнинг кетма-кет тузилган девонларидаги муайян бир мавзуга доир туркум ғазалларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари шоир поэтик услуби эволюцияси ҳақида баъзи якуний фикрларга келиш учун ҳам асос бўла олади:

1. Навоийнинг ижтимоий мавзудаги ғазаллари унинг ҳар бир девонида сон жиҳатидан ортиб борган. «Илк девон»да бу мавзуда 7 ғазал жойлаштирилган бўлса, «Бадоеь ул-

бидоя»да яна 7 ғазал киритилган. Бу 7 янги ғазал Навоийнинг 25 ёшларидан 38 ёшларгача бўлган ҳаёти мобайнида ижод этилган ва бевосита шоирнинг ана шу йиллардаги ижтимоий, фалсафий, маърифий, бадиий-эстетик қарашларини ифода этади.

«Наводир ун-ниҳоя» девонига бу мавзуда аввалги икки девонда бўлмаган 2 янги ғазал киритилган. Бу ғазаллар ҳам шоирнинг 38-46 ёшлари оралиғидаги ижоди ҳусусиятлари ҳақида маълумот беради.

«Хазойин ул-маоний» девонларига шоирнинг аввалги уч девонидаги барча ижтимоий мазмундаги ғазаллари киритилган бўлиб, унинг бу рухда 1485 йилдан (яъни «Наводир ун-ниҳоя» тартиб берилгандан) кейин ёзилган 62 ғазали ҳам ўрин олган. Бу ғазаллар ҳам шубҳасиз Навоийнинг қарилик даври фалсафий мушоҳадалари ва ижтимоий-дидактик қарашлари ҳақида энг мукаммал маълумот берувчи манбалардир. Шундай экан, шоир ижтимоий лирикасининг бутун ижоди мисолидаги эволюцияси хусусиятлари Навоий ҳаётининг қайси даврида қандай руҳ ва услубда ижод этганлиги тўғрисида маълумот бера олади. Бинобарин, бу кузатишлар ўз навбатида Навоий лирик меросини илмий асосда қайта даврлаштириш масаласини ўртага қўяди.

2. «Илк девон» дан ўрин олган ижтимоий руҳдаги 7 ғазал асосида шоирнинг бекаслик, маънавий ёлғизлик, дўсту ағёр - «замон аҳли»дан вафо ўрнига жафо кўриш» каби оҳанглардаги шикоятлари, танқидий мулоҳазалари ётади. «Бадоеъ ул-бидоя» девонида эса, аввало бу мавзуни ёритувчи образлар туркуми - тасвир объектининг ҳудудий масштаби кенгайган. Жумладан, бу девонда «замон», «аҳли замон», «аҳли даврон», «халқ» каби ибораларга нисбатан «жаҳон», «аҳли жаҳон», «даҳр» иборалари кўпроқ ишлатилган.

Иккинчидан, «Илк девон»да ижтимоий мавзу талқини кучли биографик асосга эга бўлса, «Бадоеъ ул-бидоя»да бу мавзу шоир фалсафий қарашларининг назарий масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда ифода этилади. Чунончи, Навоий «замон» ва «аҳли замон»дан қаттиқ шикоят, танқид руҳидаги фикрлари воситасида шу замон ноетуклигига сабаб бўлувчи муаммолар, иллатларни очиб ташлашга, шу муносабат билан инсон руҳий дунёси ва жамият касалликларига даво излашга интилади, ўз даврида маърифат воситасида комил инсоний жамият қуришга умид боғлайди. Бу ғазалларда юксак оптимистик руҳ ҳукмрон бўлиб, улар Навоийнинг барча даврларда яратилган ғазалларидан ана шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Агар Навоийнинг 30-40 ёшлари оралиғида Ўрта аср Шарқи юксалишининг жавҳари бўлмиш буюк Темурийлар давлати доирасидаги ғоят катта ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бадиий ижодига бўлган таъсирини идрок этадиган бўлсак, бу ҳодисанинг табиий эканлигига амин бўламиз. Бу давр лирикасида Навоий ижтимоий дидактикани фалсафий дидактика даражасига кўтарди. Шоир лирикасида намоён бўлган бу ҳаётсевар пафос кейинчалик унинг эпик асарларида янада юксакроқ мақомда ўз ифодасини топди. Навоийнинг ушбу давр лирикасидаги қаҳрамони кейинчалик унинг ижодий камолоти чўққиси бўлмиш «Хамса» достонлари қаҳрамонлари образларида ўзининг мукаммал сиймосига, кўринишига эга бўлди. («Хамса»нинг шу пайтларда ёзилганлигини эсланг). Шу нуқтайи назарлардан Навоийнинг ушбу давр ҳаётсевар ва инсонпарвар ижтимоий лирикасини фалсафий-илмий-дидактик лирика деб баҳолаш мумкин.

3. Бу давр лирикаси бошқа мавзулардаги ғазаллар мисолида ҳам бадиий тасвир типлари ва ифода усулларининг ранг-баранг ва серқирралиги билан ажралиб туради. Бунинг исботи сифатида шоир барча девонларининг очувчи ҳамдлари қиёсий характеристикасини келтириш мумкин. Маълумки, Навоийнинг «Илк девони» «Илоҳо...» деб бошланувчи ҳамд билан очилади. Бу ғазални Навоий кейинчалик таҳрир қилиб «Ғаройиб ус- сиғар» девонига 5-ўринда жойлаштиради.[82] Ўзининг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя»ни

«Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул ҳудо» мисраси билан бошланувчи ғазал билан очади. «Наводир ун-ниҳоя» девонининг биринчи ғазали эса «Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо, Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо» байти билан бошланувчи ғазалдир.

Маълумки, ҳар қандай девоннинг биринчи – бошловчи ғазали муаллиф назарида шу девонни ташкил этувчи бошқа ғазаллардан ғоявий-бадиий етуклиги, тасвир принциплари ва ифода услубининг янгилиги, ўзига хослиги билан ажралиб туриши лозим. Иккинчидан, девонни очувчи ғазал ўқувчи нигоҳида шу девоннинг бадиий қиммати, ғоявий руҳи, шоир услуби ва поэтик стиллари, адабий анъаналарга муносабати, поэтика соҳасидаги илмий-назарий билим ва имкониятлари каби жиҳатлардан муайян тасаввур ҳосил қилади. Девоннинг бошловчи ғазалига мазкур маънодаги талаб ва масъулиятларнинг юкланиши бу ғазал мавқеъининг девон ғазалиёти доирасида устунлиги ҳақида фикр ўйғотади.[83]

«Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб бериш даврида ҳамд руҳидаги ғазаллар Навоий лирикасида салмоқли ўринни эгаллаб турарди. Шоир бу девонлар куллиётининг ўз ҳаёти ва ижоди, қолаверса,ўз даври, ватани, халқи, туркий тил тараққиёти учун нақадар муҳим ва жиддий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этар эди. Шу боисдан девонлар куллиётини очувчи ҳамд Навоийнинг бутун ҳаёти давомида, яъни 7-8 ёшлардан 50 ёшдан ошгунга қадар яратган ғазаллари ичида энг гўзали, ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммали,«аъло мақомдагиси” бўлиши керак эди. Лирик мероси куллиётининг бу юксак мавқеъли ўрнига Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девони учун ёзилган «Ашрақат...» билан бошланувчи ғазални муносиб кўради. Бу ғазал Навоий томонидан энг бадиий юксак деб баҳоланишининг тасдиғи унинг бирор сатрига таҳрир киритилмаганлигида ҳам намоён бўлади. Демак, бу танлов орқали Навоий «Ашрақат...» ёзилган давр, яъни ўзининг 25-38 ёшлар оралиғидаги ижоди лирик маҳоратининг чўққиси бўлганлигига билвосита ишора этади.

Ё.Исҳоқов «Навоий поэтикаси» асарида шоир лирикасида айнан шу даврда жанр ранг-баранглиги ҳам кучли бўлганлигини (13 хил жанрда ижод қилган), бадиий санъатлар техникаси, тасвир усуллари ва бошқа соҳалардаги динамик ривож намойиши кўзга ташланганлигини таъкидлайди. Масалан, бадиий санъатлардан раддул-матлаъ санъатини қўллашнинг энг кўп фоизи (50%) шу даврга тўғри келади. [III, 46, 144-6.]

4. «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган ижтимоий мавзудаги ғазаллар аввалги икки девон доирасидаги шундай ғазаллардан ғоявий-мундарижавий қурилиш жиҳатидан жиддий фарқ қилади. Бу ғазалларда шоир лирик қаҳрамони кайфиятидаги тушкун руҳ бадиий тасвир жараёнида ёрқин фон бўлиб хизмат қилади. Шоир бадиий образлари ана шу фонда талқин этилади. Бу давр лирикасида социал дидактика Навоийнинг пантеистик дунёқараши асосида юзага келган сўфиёна хулосалари билан уйғунлашиб кетади (Нукта нозик бўлди асру, бўлғай эрди кошки, Шаммаи бу рамздин зоҳир қилурға маҳраме...»). «Даҳр» ва «даҳр эли» бевафолиги, жоҳиллигидан қаттиқ изтироб чеккан шоир бу жаҳон ва ундаги инсонлар учун қайғуриш бефойда, ундан бутунлай кўнгул узмоқ керак, деган хулосага келади. Навоийнинг шу мазмундаги энг машҳур байтларининг ҳам айни шу даврда яратилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир:

Гар будур олам, кишиға мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин яротқой оламе.
Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

«Наводир ун-ниҳоя» девони шоирнинг 45 ёшигача яратган ғазалларини ўз ичига олиб, унинг «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган дебочасида келтирган киши ҳаёти фасллари ҳақидаги ўз эътирофларига кўра, ўрта ёшлик лирикасини ташкил этади.

5. «Наводир ун-ниҳоя» тузилгандан кейин ёзилган ва «Хазойин ул-маоний» девонларидан ўрин олган ижтимоий рухдаги ғазаллар Навоийнинг кексалик лирикасида ҳам ғоявий-тематик ва бадиий жиҳатдан муайян ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, бу даврда шоирнинг ижтимоий масалаларга бўлган муносабатида сўфийлик дунёқарашининг кучли таъсири сезилади.

Ана шу мулоҳазалар Навоий лирикасини ўрганишнинг истиқболларига оид муҳим бир масаланинг илмий ишланилиши лозимлигини долзарб қилиб қўяди. Бу соҳада қуйида махсус фикр юритишни лозим топдик.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК МЕРОСИНИ ИЛМИЙ ДАВРЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ

Навоийшуносликнинг мураккаб масалаларидан бири улуғ шоирнинг шеърий меросини илмий даврлаштиришдир. Бу масалага қирқинчи йилларда Мақсуд Шайхзода эътибор бериб, «Хазойин ул-маоний» таркибига кирган тўрт девоннинг номланиши шартли ва нисбий эканлигини қайд этган эди.

Навоий девонлари қадимий қўлёзма нусхаларини қиёсий ўрганиш, муқояса қилиш орқали олтмишинчи йиллар бошларида Ҳамид Сулаймонов шоир шеъриятини унинг туркий тилдаги етти девони юзасидан даврлаштирди.

Бу даврлаштириш Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган «Дебоча» сидаги киши ҳаёти фаслларини белгиловчи йиллар асосида амалга оширилди. Яъни олим Навоийнинг инсон умрининг ёшлик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексалик даврларини ўз ичига олувчи йилларда яратилган девонларини унинг шу даври лирикаси деб номлади. Бу таснифотга кўра, Навоийнинг «Илк девон»и (7-8 ёшдан 25 ёшгача) ёшлик даври лирикаси, «Бадоеъ ул-бидоя» девони (25- 35 ёшлар) йигитлик даври лирикаси, «Наводир ун-ниҳоя» девони (35-45 ёшлар) ўрта ёшлик лирикаси, «Хазойин ул-маоний» девонлари (45-60 ёшлар) кексалик лирикаси сифатида белгиланди. Бироқ Ҳ. Сулаймонов ҳам шоир лирик меросининг бу шаклда номланиши ғоят нисбий эканлигини таъкидлаб, унинг ҳар бир алоҳида олинган ғазали юзасидан келгусида ўтказиладиган чуқур илмий текширишлар бу масалага ойдинлик киритиши мумкин, деган фикрга келди.

Адабиётшунослик тадқиқотларида бугунги кунда бу масалага бевосита (А.Ҳайитметов) ва билвосита (Иззат Султон, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов, Н.Жумаев) муносабат билдирилаётган бўлса-да, у шоир лирик меросининг ҳамон энг кам ўрганилган, муаммовий қирраларидан бири бўлиб қолмокда.

Биз ўз тадқиқотимизда бу масала хусусида якуний фикрлар баён қилиш ниятида эмасмиз. Чунки ҳозирги илмий ва адабий ҳаёт учун катта назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу масала улуғ шоирнинг бутун лирик, эпик, адабий-танқидий, маърифий-дидактик, илмий-тарихий ва бошқа соҳалардаги мероси, ҳаётий биографиясига оид барча манбалар, шоир шахси ва ижоди ҳақида қарийб 600 йиллик тарихни қамраб олувчи илмий-тадқиқий материалларни мукаммал ўрганишни, текстология соҳасида ҳам ҳали жуда кўп изланишларни амалга оширишни талаб қилади. Бизнинг бу мавзуга мурожаат этишдан мақсадимиз тадқиқотимиз мавзуси чегараларидаги баъзи мулоҳаза ва хулосаларни шу мавзуга алоқадор тарзда умумлаштиришдир.

«Хазойин ул-маоний» девонларининг инсон ҳаёти фаслларига мос равишда номланганлиги ҳақида Алишер Навоий шу девонлар куллиётига ёзган дебочасида маълумот беради: «...Тўрт фаслининг муқобаласидаким, тўрт девон воқеъ бўлубтур, ҳар қайсиға бир муносиб от дар боист эди. Ул сабабдин аввалғи девонниким туфулият баҳори ғунчасининг ажиб гуллари ва сиғар гулзори боғчасининг ғариб чечаклари била ораста бўлуб эрди, «Ғаройиб ус-сиғар» дейилди. Иккинчи девонниким, йигитлик ошуфталиғ ва шабоб олуфталиғ ёзи ва даштида юзланган нодир вақоеъ била пийроста бўлур эрди, «Наводир уш-шабоб» аталди. Ва учунчи девонниким, васатул-ҳаёт майхонасида ишқ ила шавқ паймонасидин юзланган бадиъ нишотлар кайфиятин ёзилиб эрди, «Бадоеъ ул-васат» от қўйулди. Ва тўртинчи девонниким, умрнинг охирларида юзланган ишқ дарду ранжи фойдалариким, жонсўз оҳ урмоқ ва жон топширмоқдурурким, анда сабт бўлубтур, «Фавойид ул-кибар» лақаб берилди» [II., 5., 1 т, 14-б] Шунингдек, Навоий дебочада ҳар бир фасл чегараларини йиллар билан ҳам аниқлаб беради: «Туфулият овониким, етти, секкиз ёштан йигирма ёшқача ченаса бўлғайким... Шабоб замониким, йигирмадин ўттуз бешғача деса бўлғайким... Ва куҳулат айёмиким, ўттуз бештин қирқ бешғача дегинча қиёс қилса бўлғайким... Ва қирқ бештин олтмиш яқиниғачаким таъйин қилса бўлғайким, бу фусулнинг қишидурким...» [шу китоб, 15 - б.]

Бу мавзуга Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам тўхталади ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг номланиши ўз умрининг хронологик даврлари асосида белгиланганлигини қайд этади. Бу асарида шоир ҳар бир девонига шу девон номи билан боғлиқ даврда ёзилган шеърлари кирганлигини маълум қилади. Яъни «Ғаройиб ус-сиғар» девонидурким, кичик ёшда тақририм гузориш ва таҳриримдин нигориш топибдурким...»;

«Наводир уш-шабоб» девонидурки, йигитлик авоилида баёним қилкидин намойиш девониға ва оройиш бўстониға киribдурким...» қабилида тавсиф қилади.

Шунга кўра, Навоий ўз лирик мероси хронологик даврларини «Хазойин ул-маоний» девонлари юзасидангина фақат ушбу икки асарида белгилайди. Шоирнинг бошқа асарларида бу мавзуда ва аввалги уч туркий девон ҳамда «Девони Фоний» шеърларининг яратилиш даври борасида бирор аниқ маълумот учрамайди.

Демак, шоир «Илк девон»и, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларининг ҳозирги ҳолатдаги даврлаштирилиши у белгилаб берган киши ҳаёти фаслларига тегишли йиллар асосидагина шаклланган.

Маълумки, шоирнинг «Илк девон»и 1465-66 йилларда Ҳиротда тузилган. Бу девонга Навоийнинг 7-8 ёшдан 24-25 ёшгача ёзилган шеърлари киритилган бўлиб, уларнинг ҳаммаси Ҳ.Сулаймонов илмий тадқиқотларига кўра болалик лирикасига нисбат берилади. Ҳ.Сулаймоновнинг Навоий шеъриятини шоирнинг ўзи тузган инсон ҳаёти фаслларини ташкил этувчи хронологик даврларга асосан тартиблаштирганлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак, «Илк девон»дан Навоийнинг йигитлик (20 дан 25 ёшгача бўлган) даврдаги шеърлари ҳам ўрин олган. Шунга кўра, бу девон шоирнинг болалик ва йигитлик даври лирикасини қамраб олган.

Навоий лирикаси даврларини изчил, мунтазам текшириш бу соҳада жиддий ўзгаришларга олиб келиши мумкин, аммо «Булар орасида энг мураккаби - Навоийнинг болалик ва йигитлик даврида ёзган шеърларини бир-биридан фарқлаб беришдир». [III, 127, 6-6.]

Мазкур масаланинг ишланилиши, назаримизда, унга бевосита алоқадор яна бир муҳим муаммонинг ечимига боғлиқ кўринади. Бу Навоийнинг болалик ва йигитлик даври чегараларини аниқ белгилаш масаласидир. Чунки бу даврни ташкил эгувчи йиллар борасида ҳам бугунги кунда Навоий таснифотидан фарқ қилувчи фикрлар мавжуд.

Чунончи, А.Ҳайитметов юқорида мурожаат этганимиз мақоласида шоирнинг болалик йилларини унинг 15-16 ёшгача бўлган даври деб белгилайди: «...биз 15-16 ёшгача бўлган даврни болалик, ундан кейинги даврни йигитлик даври деб оладиган бўлсак, бу девонда шоирнинг болалик ва йигитлик чоғида ёзган шеърлари аралаш ҳолда жойлаштирилган». [шу мақола, 6-6.]

Бинобарин, «Илк девон»да жойлаштирилган ғазалларнинг мунтазам таҳлили мазкур масалага ойдинлик киритш мумкин. И.Султонов «Навоийнинг қалб дафтари» асарида шоирнинг биринчи ғазали унинг 11-13 ёшларига тўғри келиши ҳақидаги фикрларни билдиради.

Маълумки, «Илк девон»дан шоирнинг «Оразин ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш» мисраси билан бошланувчи ғазали ўрин олган. Навоийнинг бу «машҳур байти ҳақида Лутфий билдирган фикрни умуман шоир лирикаси ҳақида баён қилинган дастлабки баҳо деб айтиш мумкин». [III, 45, 4-6.)

Туркий шеърият мулкининг улуғ ва ёрқин сиймоларидан бири бўлмиш Лутфий ва ёш Навоий мунособатлари, адабий таъсир масалалари бугунги адабиётшуносликда анча мукаммал ўрганилган бўлса-да, бу соҳадаги тадқиқотларда мазкур машҳур ғазалнинг ижод этилган йиллари ҳақида бирор аниқ маълумот учрамайди.

Н.Маллаев бу ғазални «Илк девон»нинг Ҳ.Сулаймонов тадқиқотларига кўра ёшлик лирикасини ташкил этишига асосланиб бўлса керак, шоирнинг болалик йиллари маҳсули сифатида эътироф этади. Ҳ.Зарипов «Улуғ ўзбек шоири» тўпламига кирган «Лутфий ва Навоий» мақоласида бу ғазал шоирнинг ўспиринлик йилларида ёзилганлигига ишора қилади «...юқорида Хондамир ва Навоийдан келтирилган маълумотлар Навоийнинг ўспирин вақтиданоқ (эътибор қилинг: болалик эмас – С.Д) Лутфий билан учрашиб, доим ундан баҳраманд бўлганини билдиради» [II, 91, 190-6]. Олимнинг кейинги асарларида ҳам бу соҳада шу мазмунда фикр билдирилади.

А.Ҳайитметов Лутфий ва Навоий ўртасида бўлиб ўтган бу суҳбатнинг шоир йигирма ёшларида содир бўлганлигини қайд этади. А.Ҳайитметов Навоийнинг инсон умрининг йигитлик даври 20 ёшдан бошланиши ҳақидаги фикри ва шу нуқтайи назардан Хондамирнинг бу учрашув ҳақида берган маълумотлари асосида хулоса чиқаради. Аммо кейинги мақолаларидан бирида муаллиф бу ғазални шоирнинг болалик лирикасига нисбат беради: «...бу давр (яъни болалик даври – С.Д.) шеърларида юлдуз образидан тез-тез фойдаланган. Буни биз унинг «Оразин ёпқоч...» деб бошланган ғазали матлаъсида ҳам кўрган эдик»

Ё.Исҳоқов «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» илмий тадқиқотида Лутфий ва Навоий ўртасидаги бу суҳбат ҳақида: «Хондамир бу воқеанинг аниқ вақтини айтмаган бўлса-да, ҳар ҳолда бу, бизнингча, 1456-57 йилларга қадар, Навоийнинг 14-15 ёшлик чоғларида бўлган бўлиши керак», деган фикрни билдиради. Олим ўз мулоҳазаларини Лутфийнинг умрининг сўнгги йилларини Ҳиротда ўтказганлиги, Навоий эса 1456-57, 1464 йилларда Машҳадда турганлиги, бинобарин, бу суҳбат икки шоирнинг Ҳиротдаги учрашувларидан бирида бўлиб ўтганлигига асосланиб баён этади [III, 45, 22-6.]

Бир қатор муаллифлар, жумладан, Э.Рустамов, Н.Шукуров, С.Эркинов, Э.Аҳмадхўжаев, Д.Юсуповалар илмий тадқиқотларида бу суҳбат бўлиб ўтган йиллар хусусида умумий фикрлар билдирилади. Муаллифлар бу масала юзасидаги мулоҳазаларини асосан Ҳ.Сулаймоновнинг «Илк девон»ни шоир болалик лирикасига нисбат берганлиги, Навоийнинг инсон ҳаёти фасллари чегаралари ҳақидаги фикрлари ва Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ»да келтирилган маълумотларига суяниб изҳор этадилар.

Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»нинг «Дар баёни фазилати шеър ва азимушшаън шуаро» деб номланган учинчи фаслида Навоий ва Лутфий ўртасида бўлиб ўтган бу машҳур суҳбатни

шундай таърифлайди: «Мавлоно Лутфий ки ба лутфи сухани ягонаи офоқ буд ва пеш аз вай ва беҳ аз вай ба забони турки касе шеър нагуфта. Дар мабодии синни рушд ва тамиз он ҳазрат рўзи ба мулозаматаш расид ва илтимос намуд, ки аз натоижи афкори худ бахондан ғазале маро баҳравар созед. Он ҳазрат ғазал хонд, ки матлааш ин аст:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

Жаноб Мавлави Лутфи аз истимои ин ғазали ғарро дар баҳри ҳайрат афтода базабон ронд, ки «Валлоҳки, агар муяссар шуди даҳ-дувоздаҳ ҳазор байти турки ва форси худро бо ин ғазал бадал мекардам ва ҳусули ин муомаларо фавзи азим мешумурдам». [I, 17, с.33]

Парчада келтирилган «дар мабодии синни рушд ва тамиз» «ёшлари эндигина тўлиб, нарсалар ҳақида фикр юргазаётган даврларининг бошланишида» жумласи ушбу учрашувнинг бўлиб ўтган йилларига ишора қилади. Демак, бу фикрни билдиришда Хондамир Навоий ҳаётининг қайси йилларини кўзда тутган, деган савол туғилади. Мазкур жумлани болалик даври тугаб, йигитлик даврининг бошланиши маъносини ҳам англатишига эътибор берадиган бўлсак, Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн»даги фикрларига кўра, болалик даври 7-8 ёшдан 20 ёшгача, «йигитлик авоили» эса 20 ёшдан бошланади. Бу мулоҳазаларга кўра ушбу суҳбатнинг бўлиб ўтган пайти 1461 йилга тўғри келади. Навоийнинг ана шу давр биографиясига назар ташлайлик.

Маълумки, 1456 йилда Навоий подшоҳ Абулқосим Бобур Мирзо билан Машҳадга кетади. Абулқосим Бобур Мирзо вафотидан (1457) кейин 1459 йилда Абусаид Мирзо Хуросон тахтини эгаллайди. Навоий Машҳаддан 1464 йилда Хиротга қайтганда, Лутфий ҳали ҳаёт эди. Шоир 1465 йилда Ҳиротдан Самарқандга кетади. Бинобарин, Лутфий ва Навоий ўртасидаги мазкур суҳбат ана шу бир йил ичида бўлиб ўтган, деб тахмин қилиш мумкин. Аммо бу пайтда Навоий эндигина йигитлик даври бошланган – 20 ёшли эмас, балки 23-24 ёшлардаги етук йигит бўлган. Шоир 20 ёшида эса, яъни 1461 йилда Машҳадда бўлган. Луфий эса ҳаёти давомида умуман Ҳиротдан ташқарига чиқмаган. Ана шу мулоҳазалар бу учрашувнинг шоир 20 ёшлигида бўлиб ўтганлигини рад этади.

Масалага чуқурроқ назар ташлайдиган бўлсак, баъзи маълумотлар бу учрашув ва суҳбатнинг анча илгари содир бўлганлигидан гувоҳлик беради. Маълумки, Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Лутфий ва ўзининг у билан бўлган муносабатлари ҳақида кенгроқ маълумот беради. Чунончи, «Насойим ул-муҳаббат»да у шундай ёзади: «Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва дойим волида мулозаматиға ризойи хотириға тарғиб килур эрди» (таъкид бизники - С.Д.) Ушбу парчадан маълум бўлишича, Навоий Лутфий мулозаматига бориб юрган йилларида онаси ҳаёт бўлган. Лутфий унга онасини рози қилишни насиҳат қилган. Бу албатта, Навоийнинг Машҳадга кетганга қадар бўлган давридаги воқеалар тафсилотига тегишли. Чунки Машҳаддан ақли, илми камолга етиб қайтган 23-24 ёшли йигитга Лутфийнинг бу тарзда насиҳат қилиши эҳтимолдан анча йироқ. Бундан ташқари, бу пайтда шоирнинг онаси ҳаёт бўлганлиги масаласи ҳам мавҳум. Маълумки, ҳаётининг бу даврида Навоий ўзини «кимсасиз, ғариб, бекас» деб атайди. Кейинчалик у Машҳаддаги устози Саййид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида ҳатто бир ҳужрада кўнглига яқин киши билан суҳбат қуришга ҳам эҳтиёж сезганлигини ҳикоя қилади:

Манга бу эл ичра не бир хамдаме,
Ки бир дам икавлон дейишсак ғаме,

Не бир аҳли донишдин онча умед,
Ки андин наво топса бир ноумед.
Не бир ҳужра, ким ком топғай кўнгул,
Даме анда ором топғай кўнгул.

[II, 4, 591-6.]

Ҳаётининг Машҳадга кетгунга қадар бўлган даврига оид Лутфий билан боғлиқ баъзи тафсилотларни «Мажолис ун- нафоис»нинг Шайхимбек Суҳайлийга бағишланган фасли юзасидан ҳам келтириш мумкин. Ёшлигидан Ҳирот адабий муҳитида тарбия топган Шайхим Суҳайлий болалик йилларидаёқ Алишер Навоий билан дўстлашади. Лутфийшунос олим Э.Аҳмадхўжаев унинг Лутфий билан бўлган дўстлигига Алишер Навоий сабаб бўлган, деган фикрни билдиради: «Лугфийнинг диққат-эътибори ва муҳаббатини жуда эрта қозонган ва унинг доимий дўстона муносабатига сазовор бўлган ёш Алишер Навоий қалби шеъриятга муҳаббат билан тўлган ёш дўсти Суҳайлийни улуғ шоир билан таништирган бўлиши мумкин». [III, 14, 11-6.]

Ушбу муаллифнинг фикрича, бу учрашув ва дўстлик муносабатларининг бошланиши Лутфийнинг 90 ёшларига, яъни 1456 йилларга тўғри келади. Бу даврда Суҳайлий 11-12 ёшларда, Навоий эса 14-15 ёшларда бўлган.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул- муҳаббат»да берган маълумотларига кўра, («фотиҳалар ўқур эрди», «кўп фотиҳалар ўқуғондур») у Лутфий билан кўп учрашган. Аммо юқоридаги мулоҳазалар Навоийнинг Лутфий ҳақида икки асарида келтирган маълумотлари у Машҳадга кетганга қадар бўлган ҳаёти воқеаларидир, деган фикрнинг ўйғонишига сабаб бўлади. Чунки шоирнинг Машҳаддан Ҳиротга қайтиб Самарқанд сафарига чиққунга қадар бўлган (бир йиллик) ҳаёти хотиралари унинг машҳур «Маснавий»си (Сайийд Ҳасан Ардашерга хати)дан ташқари бирор асарида аниқроқ ёритилмаган. Жумладан, шоирнинг отахони Саййид Ҳасан Ардашер билан боғлиқ хотиралари ҳам асосан 1455-56 йилларгача бўлган даврларни ўз ичига олади.

Ҳ.Зариповнинг «Навоийнинг Лутфий билан танишуви балки Саййид Ҳасан Ардашер воситаси билан бўлгандир, чунки Саййид Ҳасан Ардашернинг уйида бўлган суҳбатларда Лутфий ғазаллари мақталиб ўқилар эди» [III., 101., 188-6.] деб ёзади. Бу фикрнинг ҳақиқатга яқинлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак, Саййид Ҳасан Ардашер ва Абулқосим Бобурлар қатори ёш Алишер Навоийнинг нодир истеъдоди ва юксак шоирлик маҳоратига айни шу йилларда Лутфий ҳам тан берган бўлиши мумкин. Чунки Навоий Машҳаддан Ҳиротга қайтганда шеърлари бутун Хуросонга машҳур бўлган етук шоир эди. Бинобарин, Навоий ҳаётининг бу йиллари ҳақида Хондамир ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган, дейиши ҳақиқатдан йироқ. Шунингдек, Лутфийнинг ҳам Навоийнинг 23-24 ёшли машҳур шоир сифатидаги ижодини бу қадар муболаға билан мақташи нотабиийдек туюлади. Зеро, Навоийнинг машҳур байтига Лутфийнинг берган юксак баҳосида тажрибали кекса шоирнинг талантли ёш шоир қудрати ва маҳоратига астойдил тан бериш, уни кўпроқ ижод қилишга рағбатлантириш, шеъриятга бўлган муҳаббатини янада ошириш ниятлари яққол сезилиб турибди.

Бу мулоҳазалар ҳам Хондамирнинг «ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланганда», деган фикрларини Навоийнинг 20 ёшлигини назарда тутиб айтганлигига шубҳа ўйғотади.

Хўш, Навоийнинг болалиги қачон тўлиб, йигитлик даври неча ёшда бошланган эди?

Мақсуд Шайхзода «Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида» номли мақоласида «Хазойин ул-маоний» девонлари дебочаларида инсон ҳаётининг даврий чегаралари турлича

кўрсатилганлигини маълум қилади. Аммо бошқа илмий масала юзасидан юритган мулоҳазаларида билвосита бу соҳага тўхталган олим қуйидагича хулосага келади: «...баъзи бир дебочаларда «Ғаройиб ус-сиғар» 13-20 ёшлар ўртасида, «наводир уш-шабоб» 20-35 ёшлар чоғида, «Бадойиъ ул-васат» 35-45 ларда ва «Фавойид ул-кибар» 45-60 ларда ёзилган шеърларни ўз ичига олади, деган кўрсатмаларга жиддий бир маъхаз деб қараб бўлмайди. «Чор девон»нинг баъзи нусхаларидаги дебочада учраган шу тақсимот кейинги котибларнинг қўшимчаси бўлса керак». [III., 101., 134-6.]. Албатта, олим бу мулоҳазаларни билдиришда аввало, «Хазойин ул-маоний» девонлари ва уларга кирган шеърларнинг шоир неча ёшлигида ёзилганлиги асосида жойлаштирилишини назарда тутган, иккинчидан, «Ғаройиб ус-сиғар» бўйича бажарган илмий ишида Навоийнинг болалик ва йигитлик манзумаларини ажратишни ният қилмаган. Умуман, Навоий поэтикаси соҳасидаги тадқиқотларида олим Навоийнинг «Хазойин ул-маоний»дан аввалги уч девонини бизга маълум сабабларга кўра тахлилга тортмаган. Шу нуқтайи назардан, фикримизча, бугунги кунда «Чор девон» дебоча матнларида учрайдиган юқорида келтирилган маънодаги ранг-баранглиларга «жиддий бир маъхаз деб қараш» мавриди етди. Жумладан, Шайхзода фойдаланган девон дебочасидаги киши ҳаёти фасллари чегаралари Хондамирнинг биз назарда тутаётган маълумотига аниқлик киритиши мумкин. Агар биз Ҳ.Сулаймонов академик нашридан фарқ қиладиган «Хазойин ул-маоний»нинг бошқа дебоча матнларидаги мазкур маънодаги маълумотларга асосланса, демак, Навоийнинг Хондамир назарда тутган даврдаги Лутфий билан учрашуви 12-13 ёшларида юз берган.

Ушбу фикрни яна тўлдириш мумкин.

Шарқнинг қадимий Хитой фалсафасига асосланган мучал ҳисоби ва шу бўйича Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит-турк»да келтирган даврий доирасига кўра, инсоннинг ёши 12 дан 13 га ўтганда тўлади. Ислом шариатига асосан ҳам инсон шу ёш, яъни 12 тўлгач, «болиғ» - балоғатга етган ҳисобланади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадиси шарифларида келтирилишича, ҳар бир инсон 10 ёшдан ошгач, фарз амалларни бажармоғи, яъни намоз ўқиши ва рўза тутиши лозимлиги уқтирилади. Бу буйруқ инсоннинг худди шу ёшда жисмоний ривожланишда маълум босқичдан ўтиб, маънавий камолот учун ҳаракат қиладиган муддати етганлиги ҳақида хабар беради. Демак, ислом таълимоти бўйича инсоннинг болалик даври ўн йиллар давом этади, ундан кейинги давр унинг онгли ҳаёти ҳисобланади.

Шунингдек, Навоийнинг «Хамса»да:

Ўнғача ғафлат била побастлиқ,
Жаҳл йигирмиғачау мастлиқ...

деган фикрларини ҳам мазкур маънода тушуниш мумкин.

Ана шу нуқтайи назарлардан, Алишер Навоий болалик йилларини 11-12 ёшларда интиҳо топган деб қарайдиган бўлсак, Хондамир юқорида келтирилган маълумотида шоирнинг 12-13 ёшларини назарда тутганлиги аён бўлади. Бу фикр эса Навоийнинг машҳур ғазали шу даврдан у Машҳадга кетгунга қадар, яъни 1451/52-1455/56 йиллар оралиғида яратилган, дея хулоса қилишга имкон беради.

«Хазойин ул-маоний» девонларида Навоийнинг ўз лирик меросини даврлаштириши шартли характерга эга бўлганлигини айтиб ўтдик. Бироқ девонлар матнларининг қиёсий таҳлили шоирнинг ўзи тартиб берган аввалги икки девонида ҳам худди шундай хусусият борлигини кўрсатади. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» девони дебочасида шоир «Илк девон» ҳақида шундай ёзади: «...бу зобита қайдиға кирмасдин ва бу робита силкиға тортилмасдин

бурун, бу жиҳатдинким, агар баъзиси васати синда айтилғон бўлса, баъзи сиғари синда дейилиб эрди..., ораларида шоядки фоҳиш тафовут бўлғай деб жамъ қилмоғида далерлик қилинмас эрди, аммо халойиқ орасида минг байт - икки минг байт ортуғроқ – ўксукракким, ўзлари жамъ қилиб эрдилар, бағоят машҳур бўлуб эрди». [II, 7, 24-6.]

«Илк девон» таркибига шоирнинг 25 ёшга қадар ёзган ғазаллари кирганлигини эътиборга оладиган бўлсак, демак шоир бу даври лирикасини болалик (сиғари син) ва ўрта ёшлик (васати син)га нисбат беряпти. Худди шу мазмунда «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан яна бир мисол келтириш мумкин. Шоирнинг юқорида таҳлилга тортганимиз ижтимоий-фалсафий рухдаги «Ваҳки, умрум борча зойиъ бўлди эл коми била» деб бошланувчи ғазали «Илк девон»да учрамайди. Бу ғазал биринчи марта «Бадоеъ ул-бидоя»га киритилган. Шунга кўра ғазал шоирнинг йигитлиги ва ўрга ёшларининг бошланиш даврлари – 25-38 ёшлари оралиғида ёзилган. Ғазал мақтаъсида эса:

Эй Навоий, ҳузн ила ўткар қарилик меҳнатин,
Чун йигитлик борди айшу ишрат айёми била.

мазмунидаги фикр билдирилади. Мақтаъ биринчи қарашда Навоий қарилик даврини 45 ёшдан кейин деб белгиласа-да, 38 ёшларини ҳам қарилик деб ҳисоблайди, деган таассурот ўйғотади. Бу фактлар Навоийнинг ўз лирикасини илмий аниқлик билан хронологик даврлаштиришни мақсад қилиб қўймаганлигидан, умуман, бу масалага ҳеч қачон илмий ёндашмаганлигидан гувохдик беради. Шайхзода ҳам бу соҳада шундай таъкидлайди: «Зотан, ҳар тўртала девон, озгина бир фарқ билан, тамоман баробар (ўн бир минг мисрадан сал ошиқ ё кам), бўлишлиги ҳам шу даъвомизга қувват беради. Чунки шеърий табънинг балоғатга етган (35-45 ёшлар ўртасида) даврида ҳам, қарилик (45-60) даврида ҳам шоир айни миқдорда шеърлар ёзгандир, ёки ўсмирлик чоғида ёзган шеърлари ҳам кейинги даврда ёзган шеърларига сон ва сифат жиҳатидан баробар эди, деб ўйлаш амри маҳол бўлса керак». [Ш, 101, 134-6.]

А.Абдуғафуров «Хазойин ул-маоний» жумбоқларига бағишланган иккинчи мақоласида қуйидаги фикрларни баён этади: «Хазойин ул-маоний» нинг муаммоларидан яна бири шоирнинг ижодий эволюцияси билан боғлиқ масаладир. Навоийнинг мажмуани таркиб этган девонларни болалик, ёшлик, ўрта ёш ва қарилик йиллари маҳсули сифатида тайин этиши ўта шартли экани маълум. 1498 йилгача она тилида яратилган шеърларини Навоий тўрт девонга тақсимлашда ҳақиқий хронологияга амал қилмаганлиги, айтайлик, болалик йиллари девони деб белгиланган «Ғаройиб ус-сиғар»да кексалик йилларида ёзилган аниқ ғазаллар ҳам мавжудлиги ва, аксинча, қарилик даври девони «Фавойид ул-кибар»да болалик ҳамда ёшлик йилларда қоғозга тушган шеърларнинг ҳам учраши кўплаб далилларда қайд этилган. Аммо шак-шубҳа йўққи, ўша биринчи девондан шоир ижодий фаолиятининг илк даври маҳсули бўлмиш шеърлар ҳам ўрин олган». [III, 9, 17- 18-6.]

Навоийнинг ҳаёт фасллари маъносидаги байтларида «йигитлик» ва «қарилик» иборалари кўпроқ учрайди, болалик ва ўрта ёшлик даврларига ишора этувчи фикрлар ёки иборалар қарийб учрамайди. Шоир «Хазойин ул-маоний» девонларини инсон ҳаётининг ва йилнинг тўрт фаслига ўхшатиб номлаган бўлса-да, лирикасини асосан икки фасл – йигитлик ва қариликка ажратади. Бу ҳодиса шоир лирикасини илмий даврлаштиришда унинг ғазаллари мазмунигагина асосланиш мазкур масала тадқиқи борасидаги имкониятларни анча чеклаб қўйишига олиб келади. Шунингдек, бу масалада шоир барча девонларининг яратилиш даврлари хронологияси ҳам муаммо ечими учун жиддий асос бўла олмайди.

Ана шу мулоҳазалар Алишер Навоий лирик меросининг Ҳ.Сулаймонов илмий тадқиқотлари асосида даврлаштирилиши тарихий аниқлик нуқтаи назаридан ҳозирги адабиётшунослик талабларига жавоб бера олмайди, деган хулосани тақозо этади. Бу фикр, албатта, навоийшунослик учун янгилик бўлмаса-да, Навоий лирик ижоди эволюциясини изчил ўрганишда принципиал аҳамиятга эгалиги боис янада долзарблик касб этиб турибди.

Мазкур масала юзасидан Иззат Султон, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов тадқиқотларида бевосита ва билвосита билдирилган фикрлар масаланинг ҳозирги ҳолатида баъзи умумий хулосаларга келиш имконини беради.

А.Ҳайитметовнинг 70-йиллардаги «Буюк шоирнинг йигитлик манзумалари» номли мақоласида шундай фикрлар бор: «Алишер Навоий ҳаёти турли ижтимоий ҳодисаларга бой бўлиши билан бирга, ўзининг ғоят мазмундорлиги билан яққол ажралиб туради. Унинг мислсиз бой шеърияти ҳам ўша давр ҳаёти билан чамбарчас боғланган бўлиб, муаллифдаги гениал қобилиятнинг конкрет тарихий шароитда юзага чиққанини кўрсатади. Шунинг учун унинг ҳаёти ва шеъриятини даврларга бўлиб, ўша даврдаги ижтимоий ҳодисаларга боғлаб ўрганиш тўғри бўлади. Фақат шу йўл билан шоир ижодидаги тарихий тадрижий такомилни илмий асосда ёритишга эришиш мумкин». [III, 123, 48-6.] Шу мақоласида муаллиф Алишер Навоийнинг йигитлик даври чегаралари ҳақида ҳам фикр билдиради: «Навоийнинг Абулқосим Бобур хизматига кирган вақтидан то Султон Ҳусайн хизматига ўтганига қадар бўлган даврни Навоийнинг йигитлик йиллари деб оладиган бўлсак, ана шу давр Навоийнинг ижодий эволюциясида энг муҳим даврдир. Унинг дунёқараши, поэтик стили, шоирлик таланти асосан шу даврда шаклланди ва шу даврдаёқ у катта шоир, ажойиб инсон сифатида танилди». [III, 123, 51-6.]

Навоий девонларини уларнинг турли матнлари асосида қиёсий текширишимиз олимнинг мазкур мулоҳазаларига конкрет, фактик материаллар асосида ҳамфикр бўлиш учун имконият яратади. Чунончи, олимнинг Навоий йигитлик ёшларини белгилаган даври 1456-1469 йилларни ўз ичига олади. Шоирнинг бу даврда ва ундан кейинги ўн йил давомида ёзган шеърлари қисман «Илк девон» ва асосан «Бадоеъ ул- бидоя» девонидан ўрин олган. Биз шоирнинг ҳар ғазали имкон қадар қайси даврда яратилганлиги, унинг девондан девонга кўчирилиши ва шу муносабат билан ўзгаришларга учраши (таҳрир масаласи), шу масалалар ўзанида шоир поэтик услуби хусусиятлари, ижодий эволюциясини кузатар эканмиз, Навоий бадиий-эстетик қарашлари тинмай кенгайиб борганлигининг гувоҳи бўлдик. Аммо Навоий лирикасини илмий ўрганишнинг бу аспекти «Бадоеъ ул-бидоя» девони тузилган давр шоир бадиий маҳоратининг энг юксак чўққиси эканлигини муайян йўналишдаги илмий далиллар воситасида тасдиқлади.

Девоннинг 1479 йилда тартиб берилганлиги ҳозирги кунда маълум бўлди. Шундай экан, девон Ҳ.Сулаймонов таснифотига асосан шоирнинг фақат йигитлик лирикасини қамраб олмайди. Чунки уни тузган даврида шоир 38 ёшда бўлган.

Демак, Навоий девонларининг ҳозирги ҳолатдаги даврлаштирилишида илк лирикага оид «Илк девон»да ёшлик ва йигитлик, йигитлик лирикаси деб аталмиш «Бадоеъ ул-бидоя»да эса йигитлик ва ўрта ёшликда ёзилган шеърлари жамланган.

Навоий ғазалларининг девондан-девонга ўтказилиш тарихи ва девонларда кузатилган шоир ижтимоий лирикаси ғоявий-бадиий такомилининг унинг ҳаёти фасллари билан боғлиқ ҳусусиятлари юқорида билдирилган мулоҳазаларни қуйидагича умумлаштиришга имкон беради:

1. Шоирнинг ёшлик лирикаси 7-8 ёшдан 15-16 ёшгача, яъни 1449 йилдан 1455/56 йилларгача бўлган даврни ўз ичига олиб, унинг бу даврда ижод этган шеърлари «Илк девон»дан ўрин олгандир. Навоийнинг болалик даврида Хуросонда кечган ижтимоий-

сиёсий вазият, Шоҳруҳ Мирзо ўлими (1448) муносабати билан мамлакатда юз берган нотинчликлар, кўплаб аҳолининг, шу қатори шоир оиласининг ҳам ватанни тарк этиб, дарбадарлик уқубатларини чекишга мажбур бўлиши ҳодисалари унинг болалик лирикасига катта таъсир кўрсата олмаган эди. Фавқулодда истеъдод соҳиби бўлган Навоий бу воқеаларни жиддий идрок этиб хулоса чиқариш учун жуда ёш эди. Шу боис унинг бу давр бадиий яратмалари ишқий мавзуларда, ошиқона руҳда бўлиб қолди. Шу нуқтайи назардан, шунингдек, шоир ва унинг замондошлари хотиралари, ҳолотлар, шоир ижодига адабий анъаналарнинг таъсири масалалари хусусидаги мулоҳазаларга суяниб навоийшунос олимлар Иззат Султон, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқовлар шоирнинг бу даврда яратилган ғазаллари ҳақида ўз тадқиқотларида маълумот берадилар. Бизнинг кузатишларимизга кўра, шоирнинг машҳур «Оразин ёпқоч...» деб бошланувчи ғазали ҳам шу давр лирикаси маҳсулидир. Бинобарин, Навоийнинг болалик лирикасини унинг йигитлик лирикасидан ажратиш учун бугунги навоийшуносликда девонларни қиёсий ўрганиш, тарихий маълумотлар, шеърларнинг ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари таҳлилига асосланган илмий-услубий замин ҳозирланди.

2. Навоийнинг йигитлик даврини 15-16 ёшдан 35 ёшгача давом этган деб белгилаш ва унинг 1456-1476 йиллар давомида ёзган шеърларини йигитлик лирикаси сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу давр Навоий мустақил ҳаётининг бошланиш даври бўлиб, у махсус билим олиш ниятида биринчи бор она шаҳри Ҳиротдан Машҳадга йўл олади, яъни шоир ҳаётида ғурбат, мусофирлик даври бошланади.

Навоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бу давр шоир адабий-танқидий қарашларининг кенгайиб, сермазмун бўла борганлиги билан ҳам алоҳида диққатга сазовордир. Ёш шоир бадиий тафаккурида шакллана бошлаган назарий қарашлар Машҳад адабий муҳити таъсирида тезда камолга ета борди. Навоийнинг Машҳадда шайх Камол Турбатий, Хўжа Муҳаммад Астрободий, Пахлавон Муҳаммад каби катта олим ва шоирлар эътиборига сазовор бўлиши ўз даврининг кўзга кўринган ижодкор шахси сифатида шаклланиб улгурганлигидан дарак беради. Аммо шунга қарамай, Машхад ҳаёти Навоий учун ўқиш, изланиш, илм йўлида риёзат чекиш даври бўлиб қолди.

Шоирнинг 1464-65 йилларда Ҳиротда кечирган ҳаёти унинг сиёсий дунёқараши, ижтимоий онгининг етилувига катта таъсир кўрсатди. Бу даврда мамлакат ҳаётида юз берган ижтимоий-сиёсий воқеалар, давлат ҳукмдор доиралари, жумладан, подшоҳ Абусаид Мирзонинг қаттиққўл сиёсати, шоирга нисбатан бўлган нодўстона муносабати унинг лирикасида чуқур из қолдирди. Бинобарин, шоир ижтимоий лирикасининг ташаккули айни шу даврларга тўғри келади. Шеърларида ижтимоий мазмун ва руҳнинг фаоллашуви шоир истеъдоди ва бадиий тафаккури янги қирраларининг очилувига, сиёсий-ижтимоий дунёқарашининг янги аспектдаги тараққийсига таъсир кўрсатди.

Давр ижтимоий-сиёсий воқеълигининг шоир лирикасидаги инъикосида унинг ҳаётий биографияси материаллари поэтик имконият бўлиб хизмат қилди. Шоир илк лирикаси эволюцияси ва поэтикаси тадрижий такомилини илмий ишлаб берган Ё.Исҳоқов тадқиқотларида бу масаланинг муфассал таҳлили баён этилган, чунончи: «...илк даврда бекаслик, йигитлик даврида дарбадарлик, ҳижрон билан боғлиқ бўлиб, биографик асос муҳим роль ўйнаган бўлса, кейинги босқичларда (1469 йилдан кейинги ўрта ёш ва кексалик даврида) фақат шахсий тақдир эмас, балки ижтимоий муҳит – мамлакат, халқ тақдири ҳақидаги мулоҳазалар, яъни кенг ижтимоий асос етакчи омил бўлиб қолади». [III., 49., 43-6.] Муаллиф «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» номли тадқиқотида «Илк девон»га кирган ғазалларга шоирнинг илк лирикаси деб қараса-да, бу девонга кирган 10 ғазални унинг йигитлик даври маҳсули сифатида таҳлил этади.

Шунингдек, А.Ҳайитметов шоирнинг «Ғаройиб ус-сиғар» девонига кирган 133 ғазалини йигитлик даври лирикасига нисбат беради. Шундай экан, Навоийнинг йигитлик даврида яратилганлиги мушоҳада этилган ғазаллари бугунги кунда «Илк девон» ва «Бадоеъ ул-бидоя» девонларига кирган ғазаллар орасидан маълум даражада ихрож қилинди, дейишга ҳуқуқимиз бор. Бу эса Навоий йигитлик шеърияти муайян поэтик мазмуни, руҳи, бадиий ифода типи ва усуллари жиҳатидан ўз ҳудудий чегараларига эга бўлди, деган маънони англатади.

3. Навоийнинг ўрта ёшлик лирикаси «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларига кирган ғазаллардан ташкил топгандир. Бу давр шоирнинг 35-45 ёшларини, 1476-1486 йилларни ташкил этади. Мазкур давр Навоийнинг буюк эпик монография – «Хамса» яратиш жараёни ва уни муваффақиятли якунлаганлиги билан характерланади. «Наводир ун-ниҳоя» девони «Хамса»дан кейин тартиб берилди. Мазкур давр лирикасига мансуб шеърларни ушбу девон асосида ва «Бадоеъ ул-бидоя» таркибига кирган ғазаллар орасидан ажратиб ўрганиш ғазалга нисбатан ҳажман катта лиро-эпик жанр муаммолари фонида буюк шоир тафаккури ва ижодий услубида юз берган адабий-эстетик ва ғоявий-бадиий хусусиятларни идрок этиш имкониятини пайдо қилади.

Ушбу давр лирикасига оид алоҳида олинган ғазалларни аниқлаш соҳасида ҳам адабиётшуносликда маълумотлар пайдо бўлмоқда. Чунончи, А.Абдуғафуров «Тўққиз байтдан тўқсон тўққиз банд» номли мақоласида бир ғазал хусусида шундай ёзади: «...Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб, Хироми суръатидин гул юза хайдин гулоб айлаб» матлаъси билан бошланувчи машҳур ғазал илк бор 1485 йилда тартиб берилган «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олганки, бундан ғазал 1479 йилдан, яъни Навоийнинг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя» тузилганидан кейин ўтган 4-5 йиллик оралиқда яратилган, деган мантиқий хулосага келиш мумкин» [111,8,36-6.]

• «Наводир ун-ниҳоя» девонига кирувчи, «Илк девон» ва «Бадоеъ ул-бидоя» таркибида бўлмаган ва шу жиҳатдан шоирнинг 38 ёшидан кейин ёзилган деб ҳисобланган ғазаллар қатор ғоявий-тематик ва бадиий хусусиятлари билан аввалги девонлардаги ғазаллардан фарқ қилади. Жумладан, янги девон ғазалларида мақтаъдан олдинги байт ва мақтаъда шоирнинг сўфиёна қарашлари, фано ва бақо тушунчалари юзасидаги мушоҳадалари, шоир «мен»и ёки «ўзлук» мафҳумининг (буни Шайхзода инкишоф этган) ғоявий-бадиий тасвир услубидаги фаоллашуви каби хусусиятлар кўзга ташланади. Ушбу ҳодисани биз бадиий таҳрирлар мисолида ҳам кузатдик. Бинобарин, Навоий фалсафий-илмий дунёқарашида ва шахсий ҳаётида юз берган катта ўзгаришлар билан боғлиқ олам ва олам аҳли, унга келиш ва кетиш маъноси мавзусидаги мантиқий фикрларнинг ғазал имкониятлари доирасидаги ифодаси бу давр лирикасида тенденциал моҳият касб этади. Шу нуқтайи назардан шоир ижодий методининг бу турдаги кўриниши «Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги ғазаллар орасидан унинг ўрта ёшлик даври лирикасини англаб олиш учун биринчи имконият бўлиши мумкин.

4. Навоийнинг кексалик даври лирикасини «Хазойин ул-маоний» девонларига жойлаштирилган, аммо аввалги уч девонда бўлмаган ғазаллар ташкил этади. Маълумки, Ҳ.Сулаймонов кузатишларига кўра, «Хазойин ул-маоний» девонларига «Бадоеъ ул-бидоя» девонидан 32 ғазал киритилмаган. Бизнинг кузатишларимиз натижасида бу мавзудаги маълумотлар янада тўлдирилди. Албатта, бу ғазаллар кексалик даври лирикасига эмас, «Хазойин ул-маоний»га қадар қайси девондан жой олганлигига қараб даврлаштирилади. Аммо кексалик даври лирикаси шоир ижтимоий-сиёсий дунёқарашининг фалсафий-дидактик аспектдаги ривожи ва сўфийлик масалаларининг кенг тарғиботи билан

характерланадики, бу хусусият шу нуқтайи назардан бу давр лирикасини махсус туркум ғазалиёт тарзида ўрганишни тақозо этади.

Бу соҳада шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давримиз адабиётшунослиги Навоийнинг кексалик даври шеърлари хусусида баъзи маълумот ва мулоҳазаларга ҳам эга. Хусусан, А.Абдуғафуров ўзининг «Топилмаган ғазаллар» деб номланган мақоласида шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девонларига кирмай қолган ғазалларини аниқлаб берар экан, бу ғазаллар мажмуанинг сўнгги редакцияси узил-кесил тузилгандан кейин ёзилган бўлиши ҳам мумкин, бинобарин, бу ғазаллар Навоийнинг кексалик даври лирикасига тааллуқли бўлади», деган мантиқий хулосани баён этади. [III, 7, 72-73-6.]

Навоий поэтик услубини кузатиш аспектида қиёсий таҳлил усулига мурожаат этиш икки жиҳатдан самарали бўлиб, биринчидан, шоирнинг барча девонлари ва уларнинг хилма-хил нусхалари асосида ғазалларнинг автор редакциясини аниқлаш, шоир лирикасининг илмий-танқидий матнини такомиллаштириш имконини беради. Иккинчидан, Навоийнинг алоҳида олинган ғазаллари тарихини ўрганиш унинг ижодий услуби ранг-барангликларини кашф этишга олиб келади. Бу соҳада шоир бадиий таҳрирларининг ҳам муҳим ўрни ва аҳамияти бордир.

Навоий поэтикаси хусусиятлари ва лирик услуби тадрижи масаласи унинг бу соҳадаги ижодини илмий-тарихий нуқтайи назардан даврлаштиришни талаб этар экан, бу бир неча йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бориш заруратини туғдиради. Шоир лирик меросида энг катта майдонни ишғол этувчи ғазалиётнинг даврий ҳудудларини белгилаш эса мазкур масаланинг умумий пландаги ечимида жиддий илмий имконият ярата олади.

ХУЛОСА

Алишер Навоий лирикаси хусусиятларини текшириш соҳаси кейинги йилларда қатор монографик ва махсус мақолалар ҳажмидаги илмий тадқиқотлар билан бойиди. Аммо бу мавзу ҳануз навоийшуносликнинг жуда кўп тармоқларида текширувлар ўтказишга эҳтиёж туғдирмоқда. Чунки бу масала Навоий поэтик услубининг ҳақиқий қиёфасини, унинг бутун бойлиги, гўзаллиги, сермазмунлигини кашф этиш имконияти бўлиб ҳам хизмат қилади.

Қиёсий таҳлил воситасида шоир ижодий фаолияти хусусиятлари ва ғазалиётининг девонларда жойлаштирилиши масалаларини текшириш ана шу катта илмий жараён тараққиётида муҳим аҳамиятга эгадир.

Навоий туркий тилдаги етти девонининг қўлёзмалар фондларидаги ҳолати ва уларнинг текстологик тадқиқи шоир илмий фаолиятининг унинг поэтик услуби такомилига бўлган ўзига хос таъсири ҳақида маълумот беради. Навоий асарлари автограф нусхаларининг сақланмаганлиги боис шоир ғазалиётининг кетма-кет тузилган девонларга киритилиши уларнинг илмий-танқидий матнини такомилга етказиш учун хизмат қилди. Аруз техникаси, бадиий санъат қонунияти, ғазал композицияси соҳаларида Навоий поэтик стили такомилини намойиш этувчи ижодий талқин шоир лирик услубининг «олий ёки навоиёна» (Ё.Исҳоқов концепциясига кўра) услуб даражасида юксалуви ҳақида муайян тасаввур ўйғотади.

Шоир лирик ижоди мисолида туркий тил имкониятлари, ёзма адабиётда стилистика қонуниятлари, оғзаки бадиий ижоднинг лирикага таъсири масалалари, умуман, ўз даври поэтик услубига хос муҳим масалаларни муайян аспектларда кўриб чиқиб илмий анализ қилишга муваффақ бўлди. Навоий ўз шеърларида ғоявий мазмун ва бадиий шакл омилларининг турли кўринишлардаги уйғунлигига эришар экан, бу мазмундаги эстетик принципларининг янги қирраларини намойиш этди.

Бадиий талқин Навоий тасаввуфий дунёқарашининг илмий-назарий эволюциясини ҳамд ва наът руҳидаги ғазалларга киритилган таҳрирлар мисолида кузатиш имконини ҳам беради.

Алишер Навоий шеър композицион мукаммаллигига эришиш учун ғазалларининг семантик-стилистик тузилмаси ва эмоционал тасвир йўсинига алоҳида эътибор берди. У лирик асар (хусусан, ғазал) муваффақиятини таъминловчи асосий омиллардан бири – унинг лексик стилистик ва ғоявий-тематик яхлитлиги асосида юзага чиқадиган композицион бутунлик эканлигини ғазаллари мисолида алоҳида таъкидлади.

Ижодий талқин жараёни тасвирий типдаги ғазаллар мисолида, симметрик гармония усулидаги шеър такомилига доир таҳрирлар воситасида Навоий ғазалиётида ҳажман катта лирик жанрларга хос бўлган поэтик усуллар ғазал бадиий тасвир тизимига ҳам тадбиқ этилганлиги ҳодисаларини намойиш этди. Бундай талқин натижасида аниқланган композицион-стилистик таҳрирлар Навоий давригача шаклланган анъанавий поэтиканинг туркий тилда шоир ижоди мисолида классик поэтика даражасига кўтарилуви учун жиддий босқич бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Ғазалларнинг девонларда учрайдиган вариантлари матнлар асосида шоирнинг айрим алоҳида олинган ғазалларининг яратилиш тарихини аниқлашга имкон берди. Бу ўз навбатида Навоий лирик мероси илмий даврлаштирилишига аниқлик киритиш масаласини ўртага қўяди.

Ҳар бир алоҳида олинган ғазалини яратиши ва умуман, туркий девонларини тузиши даврида шоирнинг тил илми ва аруз назарияси қонуниятлари, услубининг халқчил

тонусига катта эътибор бериши ўрта аср ўзбек шеъриятида машҳур бўлган туркона услубнинг ғоявий тематик ва бадиий-эстетик жиҳатдан адабий қонуниятлар доирасидаги давр анъанавий поэтикасига таъсир ўтказиши ҳодисасини ҳам намойиш этди.

Навоий ғазалларида ижтимоий мавзу воситасида юзага келган дидактика шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоҳанг равишда намоён бўлади. Жумладан, йигитлик даврида у фалсафий моҳият касб этади, ўрта ёшликда аксари шарҳи ҳол асосидаги пассив дидактика шаклида ифодаланади, кексалик даври ғазалларида эса дидактик бўёқ шоирнинг сўфийлик дунёқараши асосида илгари сурилган фикрларида ўз аксини топади. Ана шу нуқтайи назардан, шоир ижтимоий лирикасининг девонларда жойлашуви асосидаги хронологик тадқиқи унинг ижодида мавзу ҳудудларининг кенгайиб, бадиий образларнинг ижтимоий-фалсафий моҳият касб этиб, бойиб, такомиллашиб борганлигидан далолат беради.

Навоийнинг туркий тилдаги етти девони нусхаларининг чоғиштирма таҳлили унинг «Хазойин ул-маоний» куллиётидан илгари тартиб берган девонларидаги ғазаллари ҳам шоир ҳаётининг турли фаслларига тўғри келишини кўрсатди. Чунончи, илк лирикага нисбат берилган «Илк девон» шоирнинг болалик ва йигитлик лирикасини, йигитлик лирикаси саналмиш «Бадоеь ул-бидоя» эса йигитлик ва ўрта ёшлик лирикасини ўз ичига олади. Шунингдек, «Хазойин ул- маоний» девонларига кирган ва аввалги уч девонда б ў л м а г а н ғазаллар асосида шоир кексалик лирикаси бадиий хусусиятларини белгилаш ва шу нуқтайи назардан бу давр ғазалиёти ҳудудларини аниқлаш имкони мавжуд. Қўлингиздаги китобда машҳур ўзбек адабиётшунос олимлари томонидан яратилиш даврлари (балки, ёзилган йиллари ҳам) чуқур текширилиб аниқланган ғазаллар белгиланди, шунингдек, мавзу доирасидаги кузатишлар натижасида Навоий кўпгина ғазалларининг дунёга келиш сабаблари ва йиллари ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Шунга кўра, Навоий лирик меросини қайта илмий даврлаштириш масаласининг бугунги кундаги ҳолати нуқтайи назаридан, шоирнинг махсус ўрганилиб, даврлари аниқланган ғазалларини «Ёшлик лирикаси», «Йигитлик лирикаси», «Ўрта ёшлик лирикаси», «Кексалик лирикаси» тарзида гуруҳлаб, нашр эттириш мақсадга мувофиқдир.

Навоий ғазалиётини болалик, йигитлик, ўрта ёшлик ва кексалик лирикаси сифатида якуний илмий даврлаштириш эса унинг ҳар бир алоҳида олинган ғазалини адабий-тарихий манбалар воситасида, давр ижтимоий-сиёсий воқеълиги ва шоир ҳаёти тафсилотлари билан боғлиқ тарзда, уларнинг ғоявий-бадиий ва адабий-эстетик хусусиятлари жиҳатидан ва бошқа турли йўналишларда илмий ўрганиш ва ҳар бир ғазалнинг (2640 ғазал) шоир лирикасининг муайян даврига тааллуқли эканлигини аниқлашни тақозо этади.

ИЛОВАЛАР

1.Шайхзода М. «Алишер Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида (Ғаройиб ус-сиғар» девони асосида)», «Устоднинг санъатхонасида», «Ғазал мулкининг султони» ва б.

2. Абдуллаев В.А. Навоий Самарқандда. Тошкент, 1968.

3. Абдураҳмон Саъдий. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашларига доир // Докт. дисс.

4. Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли // «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари». 1961, 3-сон; Навоий лирикаси - Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том, Тошкент, 1963.

5. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. Тошкент, 1970.

6. Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. Тошкент, 1979.

7. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979.

8. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент, 1974; Барҳаёт шеърият // Ленин йўли. 1986, 8 февр.; .Алишер Навоий ижодида туркий ва туркийгўйлик ҳақида // Ад. жанрлар ва бад. маҳорат мас-ри. - Самарқанд, 1988.

9. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1962.

10. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент, 1963.

1 1. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970.

12. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, [1965]-

13. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. Тошкент, 1983.

14. Герменевтика - “Герменевтика” терминининг келиб чиқиши қадимги грек мифологиясидаги худо Гермес номи билан боғланади. Унинг вазифаси Олимпдаги худолар билан инсонлар ўртасида воситачиликдан иборат бўлган. Яъни у худолар хоҳиш-иродасини инсонлар тилида уларнинг онгига сингдириш вазифасини бажарган. Шунинг учун “герменевтика” терминининг этимологияси “тушунтириш”, “талқин қилиш” деган маъноларни билдиради. Герменевтиканинг айрим йўналишлари матнни тушунтириш санъати сифатида Қадимги Грецияда юзага келган. Жумладан, Гомер поэмаларини унинг авлодлари тушунмайдиган бир даражага етадилар. Матнни ижодий талқин этиш жараёнини назарий жиҳатдан идрок этишнинг бошланиши айнан шу даврга тўғри келади. Бундан кўринадики, герменевтик услубият ўзининг ибтидосида филология соҳасида ривожланади. Кейинчалик фандаги бу йўналиш файласуфлар ва руҳшунослар (психологлар)ни ҳам қизиқтиради.

15. Шоирнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган шарҳларнинг бир қисми «Алишер Навоий. Ғазаллар. Шарҳлар» номи билан китоб ҳолида нашр этилди. (Тошкент, «Камалак», 1991.)

16. Бу масала хусусидаги умумий мулоҳазалар, баъзан жузъий таҳлиллар Ойбек, Е.Э.Бергельс, О.Шарафиддинов, М.Шайҳзода, И.Ахмедов, В.Й.Зоҳидов, В.А.Абдуллаев, И.Султонов, А.П.Қаюмов, Н.М.Маллаев, Н.Шукуров, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов ва б. тадқиқотларидан ўрин олган.

17. «Ўзбек тили ва адабиёти». 1965, 3-сонда эълон қилинган.

18. Муаллиф «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро»нинг тузилган йили» номли мақоласида бу масалага ҳам аниқлик киритади. (Шу китоб, 58-63-6.)

19. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари. (Биринчи мақола) ЎТА, 1994, 4-5-6-сон; Абдуғафуров А. Шеърият саройи // Ўзб.ад. ва саньати, 1998 - 6-февр., 3-б.

20. Бу ҳақда қаранг: Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва ад-ти, 1989, 4-сон. 3-9-б.

21. Қаранг: Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (Иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва ад-ти. 1995, 1-сон. 10- 18-6.

22. Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва б. асарларида Султонали Машҳадий, Абдулжамил котиб, Мавлоно Номий, Мавлоно Абдулваҳҳоб, Мавлоно Абдусамат, Мавлоно Абдулвосеь, Юсуфшоҳ котиб, Ҳофиз Жалолиддин Маҳмуд, Шайхзода Нуроний, Паҳшвон котиб каби хазтотларнинг номларини тилга олади.

23. Яъни Навоий ўзининг топшириғига биноан Жомий девонининг Мавлоно Абдусамат котиб томонидан янги кўчирилган нусхасидаги хатоларни ўз қўли билан тузатиб чиқишни муаллифдан илтимос қилади. Жомий ҳам девонга жуда кўп тузатишлар киритади ва охирида ҳазиломуз:

«Ҳар чи ў карда буд бо суханам,

Ба хати ў қусур кардам рост» байти билан тугалланувчи қитьани ёзиб қўяди.

24. Қаранг: Раҳматуллаева М. Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девони илмий-танқидий матнини тузиш тажрибасидан // Адабий мерос. 1991, 2(56). 22-25-6.; Нагнева Ж. Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» девонининг қўлёзмаси // Адабий мерос. 1978, 11-сон. 108-111-6.

25. А.Абдуғафуровнинг илмий ва мантиқий асосланган хулосаларига кўра (Ўзбек тили ва ад-ти. 1989, 4-сон, 3-9-б.).

26. Каранг: Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Тошкент, 1976. 382-6.

27. Қаранг: Сулаймон Х. Навоий асарларининг манбалари ва нашри ҳақида. - Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. 1-т. Тошкент, 1963. 37-6.; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, 1969. 404-6.

28. Бу ҳақда Алишер Навоий МАТ 20 томлиги таҳрир ҳайъати ҳам маълумот беради (1 том, 64-6.).

29. Бундан кейин девонлар ҳақида сўз кетганда уларнинг энг муккаммал қўлёзмалари асосида нашр этилган Навоий МАТ 20 томлигининг 1, 2, 3, 4, 5, 6-томлари ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг Х.Сулаймонов томонидан тузилган академик нашри кўзда тутилади.

30. А.Рустамов ва А.Абдураҳмоновлар байтнинг садрини ибтидоъ, ибтидоъсини эса садр деб хатоликка йўл қўйганлар. Қ.: Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979; Абдураҳмонов А. Аруз назарияси. Хўжанд,

1993. Ваҳоланки, арузга доир барча машҳур асарлар, шу жумладан, «Мезон ул-авзон»да ҳам байтнинг биринчи рукни «садр» дейилади.

31. Аруз вазнининг энг кичик кўрсаткичи сифатида ҳарф ва ҳаракатлар тушунилади. Унли ва ундош ҳарфлар, фатҳа, касра ва замма ҳаракатларидан ташкил топган бўлаклар жузвлар дейилади. Улар сабаб (арабча: боис, боғлов, арқон), ватад (араб.: қозиқ) ва фасила (араб.: оралиқ, ажралиш) бўлиб, ҳар бири ўз навбатида иккига бўлинади: сабаби хафийф, сабаби сақийл, ватади мажмуъ, ватади мафруқ, фасилайи суъро, фасилайи кубро. Арузнинг бу таркибий қисмлари ҳақида «Мезон ул-авзон» ва «Мухтасар»да содда ва тушунарли маълумотлар берилган. Араб ва баъзи форс-тожик арузшунослари асарларида бу соҳада баъзи баҳс-мунозарали фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, масалан, уларнинг бир неча тури - сабаби мутавосит, ватади мужтамиъ, ватади хафийф, фасилайи ахаф, фасилайи васати, фасилайи хафийф, фасилаи узмаъ ва б. ҳақида ҳам маълумотлар бор. Ҳатто, XVI аср машҳур арузшуноси Сайфи Бухоройи ҳам, масалан, фасиланинг асосий жузв бўлмай, балки сабаб

ва ватадларнинг турли бирикмаларидан ҳосил бўлиши ҳақида ўзидан аввалги форс-тожик муаллифлари фикрларига қўшилади.

32. Нутқда паузалар ёки синтагмаларда ҳеч қачон сўзлар бўлинмайди. Просодик паузалар эса албатта сўзларни бўлиб келади. Бундан ташқари, бир сўз ёнидаги сўзнинг ҳам бир қисмини олиши мумкин. Масалан: /кўз/ ло: ри / на сай /дўл ди/ ёки /кў нул/ ваҳ қу /ту лур му/ каби ва ҳ.к.

33. Д.В.Фролов номли муаллифнинг «Теория аруда: просодия и ритм» сарлавҳали мақоласида келтирилишича, рукнлардаги сабаб ва ватадлар муносабатлари фек ва араб метрикаси хусусиятларига асосланиб европалик олим Г.Вайл томонидан текширилган бўлиб, у ватаднинг мавқеъйи хусусида шундай ёзади: «Оба сабаба как безударная часть стопь! не влияют на образование ритма и поэтому подвержень! количественньш изменениям - зихафат, но ватид, носитель ударения, образует ритмический хребет метра и как таковой охраняется от любнх изменений...». Қаранг: Проблемм арабской культурьг М., 1987.

34. Рустамов А. Навоий тилининг фонетик хусусиятлари // Навоий ва адабий таъсир масалалари. Тошкент, 1968.262-6.

35. Бобур Навоийнинг рубоий вазнлари тахлили бобида 4 та хатосини топади, бироқ бу «Мезон ул-авзон»нинг илмий қимматига асло путур етказмайди. Бобур Навоий томонидан кашф этилган 2 доира (доирайи мужтамиа ва доирайи мухталифа)га қўшимча тарзда яна 2 доира (доирайи мужталибайи музохафа ва мужталибайи мухтараа)ни ихтиро қилади ва вазнлар таркибига ҳам икки қўшимча вазн (ариз ва амийқ)ни киритади.

36. Ўзбек арузининг Навоий ва Бобурдан кейинги ривожи А.Фитратнинг «Адабиёт қоидапари», «Аруз ҳақида», (Тошкент, 1936), И.Султоннинг «Адабиёт назарияси» (1939), Н.Шукуровнинг «Адабиётшуносликка кириш», А.Рустамовнинг «Аруз ҳақида суҳбатлар» (1972), «Навоийнинг бадиий маҳорати» (1979), Ў. Туйчиевнинг «Арузшуносликка доир» (1973), А.Абдураҳмоновнинг «Аруз назарияси» каби асарларининг дунёга келиши билан боғлиқ. И.Султон томонидан «Мезон ул-авзон»нинг (1949), Саидбек Ҳасан томонидан эса «Мухтасар»нинг (1971) танқидий матнлари тайёрланиб, нашр эттирилиши, машҳур шарқшунос олим Содиқ Мирзаевнинг Навоий арузига бағишланган номзодлик диссертацияси бу соҳада қўлга киритилган энг катта муваффақиятлардан биридир.

37. Қаранг: Ал-Фараби. Философские трактатм. Алма-ата, 1972. С.116-117.

38. И.В.Стеблева номли муаллиф X асрга тааллуқли бўлиб, Шарқий Туркистон ҳудудида топилган ва уйғур ёзувида битилган бир лирик шеърни ўқувчилар эътиборига ҳавола этади. Шеърнинг муаллифи Апрьшчур-тегин номли шахс бўлган. Қаранг: И.В.Стеблева. К вопросу формирования образной системь1 лирики в классической туркоязьшной поэзии. - Проблемь! исторической поэтики литератур Востока. М., 1988. С. 179.

39. Бу мисол А.Рустамовнинг «Навоийнинг бадиий маҳораги» номли асаридан олинди. (Тошкент, 1979, 90-6.)

40. Қаранг: Мейлах М.Б. Язмк трубадуров. М., 1975.

41. Худди шу маънодаги фикрларни яна келтириш мумкин, Б.Л.Рифтин: «средневековой автор больше «делает» свое произведение, чем творит его, как современньш художник»; «...средневековьш писатель подобен шахматисту, которьш, зная исход партии знаменитмх мастеров, должен сам разиграть её вновь на доске, не имея точнмх даннмх об отдельнмх ходах». (Рифтин Б.Л. Типология и взаимосвязи средневековнх литератур Востока и Запада. М., 1974)

42. Қаранг: 2иш1Ьог Р. Е$$а1 бе роеб§ие ше<Леуа1е. Р. 1972, $.24, 102, 113-115, 140-142-6.

43. Қаранг: Гибб Х.А. Арабская литература. Классический период. М., 1960.

44. Масалан, Фильштинский И.М. Арабская классическая литература. М., 1965; Шу муаллифнинг «Арабская лигература в средние века. Словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье. М., 1977; 1955 каби ва б.

45. Бу ҳақда Ё.Исҳоқов ҳам «Навоий поэтикаси» асарида мулоҳаза билдирган (99-бет).

46. Жирмунский М. 1919. С.38.

47. Қаранг: Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. М., 1983.

48. Азгаг а1-Ва1а§Ьа. ТЬе Му81епе8 о!» Е1о§иепсе. 01’ АЬс1 а1- ЗаЬ1г а1 2,идап1. Е§.Ьу М. КлМег. ЕгатЬиЬ 1954.

49. Қаранг: Мейлах М.Б. Язмк трубадуров. М., 1975. С.40-42.

50. Рубоийнинг таржимаси:

Сенинг юзинг осмон юзидан (ой, қуёш) яхшироқ, Қадинг бўстон сарвидан яхшироқ,
Лаълинг (лабинг) ҳаёт сувидан яхшироқ,
Нутқинг абадий ҳаётдан яхшироқ.
(Рубоийнинг таржимаси А.Рустамовга тегишли).

51. Қаранг: Шайхзода М. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳақида // Шарқ юлдузи. 1948, 5-сон. 68-69-б.

52. Қаранг: Шайхзода М. Навоий лирикасининг баъзи бир поэтик усуллари ҳақида («Ғаройиб ус-сиғар» девони асосида) // Ўзбек адабиёти масалалари. Тошкент, 1959, 49- 54-б.; М.Шайхзода. Устоднинг санъатхонасида. Асарлар. 6 томлик. 4-т.

53. Қарсшсин:Исҳоқов Ё. Классик адабиёт поэтикасидан маълумотлар // Ўзбек тили ва ад-ти. 1970, 1-сон. 88-90-б.; Иштиқоқ // Ўзбек тили ва ад-ти. 1972, 4-сон. 72-74-б.; Танқисус-сифот // Ўзбек тили ва ад-ти. 1973, 1-сон. 80-81- б.; Тарди акс // Ўзбек тили ва ад-ти. 1971, 6-сон. 81-83-б.; Ташобеҳуд-атроф // Ўзбек тили ва ад-ти. 1972, 1-сон. 90- 92-б.; Қайтариш санъати // Ўзбек тили ва ад-ти. 1972, 83- 87-б.; Таносуб // Ўзбек тили ва ад-ти. 1970, 6-сон. 72-75-б.; Ружуь // Ўзбек тили ва ад-ти. 1971, 1-сон. 71-72-б.; Ҳусни таъ.лил // Ўзбек тили ва ад-ти. 1971, 1-сон. 71-72-б.; Талмеҳ // Ўзбек гили ва ад-ти. 1970, 3-сон. 66-69-б.; Ирсоли масал // Ўзбек тили ва ад-ти. 1971, 3-сон. 69-б.; Муболаға // Ўзбек тили ва ад-ти. 1971, 5-сон. 78-80-б.; Тазод // Ўзбек тили ва ад-ти. 1970, 5-сон. 80-83-б.; Ташбеҳ // Ўзбек тили ва ад-ти. 1970, 4-сон. 81-84-б.

54. Жумладан, ўзбек фольклорида саъж ва унинг ўрни масалаларига бағишланган Б.Саримсоқовнинг номзодлик диссертацияси, 1996 йил декабрь ойида ЎзФА Адабиёт институтида Б.Ражабованинг «Ўзбек классик шеъриятида тамсил санъати» мавзусида ёқлаган номзодлик диссертацияси ва б. бунга ёрқин мисолдир.

55. Қаранг: Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. Тошкент, 1979. 51-53-б.

56. Бу санъатнинг бошқа номлари ва турлари ҳақида қаралсин: Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. Тошкент, 1981, 28-31-б.; Исҳоқов Ё. Қайтариш санъати. Ўзбек тили ва ад- ти. 1972. 83-87-б.

57. Яъни юзаки бир қарашда ораларида иштиқоқ бордек туюлган. Ҳақиқатда эса иштиқоқ бўлмаган икки лафздан иборатдир. Масалан: жон - жаҳон - жунун каби. Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг таъкидлашича, ажам шоирлари иштиқоқ ва шибҳи иштиқоқни фарқламайдилар. Бу санъат яна мушобиҳат деб ҳам аталади.

58. Қаранг: Исҳоқов Ё. Муболаға /7 ЎТА. 1971, 5-сон. 79-80-б.

59. Адабиётшунос Э.Умаровнинг маълумот беришича, бу феъл («итти») XV аср Ҳирот ўзбекларининг тилида кенг ишлатидган. Қаранг: Адабий мерос. 1986, 4(38). 43-б.

60. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадойиъ ал-афкор фии санойиъ ал-ашъор» ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарлари.

61. Бу хусусда А.Ҳайитметов «Навоий лирикаси» асарида батафсил фикр билдиради.

62. Канонийлик - Ё.Исҳоқов «канон» терминини моҳият эътибори юзасидан ўз ҳолида илмий истеъмолга киритди. Биз ҳам шу халқаро терминни шу нуқтайи назардан истифода этиш тарафдоримиз.

63. Бертельс Е.Э. Избраннме трудьг «Наваи и Джами». М., Наука, 1965. С.164, 380-382.

64. Зоҳидов В. Дебочанинг сири. Ҳаётбахш бадиият тароналари. Тошкент, 1975; Яна бир дебочанинг шаҳодати. Жаҳон бадиияти зарварақлари. Тошкент, 1980.

65. Солиҳова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар // Адабий мерос. 1-т, Тошкент, 1968.

66. Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча (Номзодлик диссертацияси автореферати), Тошкент, 1993.

67. М.Шайхзоданинг «Гениал шоир. (Навоий ижодининг баъзи масалалари). Тошкент. 1941; Асарлар. 6 томлик, 4-т.; Ғазал мулкининг султони. - Тошкент, 1972; Асарлар, 5-т.; Адабий-танқидий мақолалар. - Тошкент, 1973 ва б. асарларида; А.Ҳайитметовнинг «Навоий лирикаси», «Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари»; «Навоийнинг ижодий методи масалалари»; «Навоий даҳоси»; Ё.Исҳоқовнинг «Алишер Навоийнинг илк лирикаси»; «Навоий поэтикаси» асарлари.

68. Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. 75-78-б.; Исҳоқов Е. Навоий поэтикаси. 51-53-6, 102-6.

69. Масалан, Аҳмад ибн Абдуллоҳ «Китабу ихванус-сафа ва хулланул-вафа» («Самимий биродарлар ва вафоли дўстлар» китобининг биринчи бўлимида шундай фикр билдиради. Бомбай, 1888. 43-44-6.

70. Навоий ғазалларининг асосий типлари ҳақида фикр билдирганда биз Ё.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» асарида бу хусусда келтирилган таснифга асосландик.

71. Ҳозирча навоийшуносликда Ҳ.Сулаймонов тадқиқотларига кўра, Навоийнинг 1465 йилгача, яъни 24-25 ёшларигача ёзган шеърлари ёшлик даврига тааллукли, деб ҳисобланади. Бироқ бу мавзу шоирнинг ёшлик ва йигитлик лирикасини ажратиш соҳасида махсус илмий муносабатни тақозо этади.

72. Биз бу масалага тадқиқотимизнинг махсус бобида қайтишни ният қилдик.

73. Таҳрирнинг бундай кўринишлари ҳақида тадқиқотимизнинг олдинги фаслларида гапирган эдик.

74. Нуқталар ўрнидаги бир сўзни қўлёзмада ўқиб бўлмади. Бу ғазалнинг «Хазойин ул-маоний»га киритилмаганлиги боис, мисра матнини тиклаб ўқишнинг ҳам имкони бўлмади.

75. Иҳтизо - бирор ғазалнинг тарзу услубига татаббуь қилиб, ўшанга ўхшаш асар яратиш санъати.

76. салх - бошқа шоир асаридаи айрим парчани маъно ёки таркибидан бироз ўзгартириш орқали келтириш санъати.

77. Эрон олими Саййид Муҳаммад Ризо Доий Жаводнинг «Илми бадеъ дар забони форси», Шамси Қайси Розийнинг «Ал-Муъжам фии маойири ашъорул-ажам», Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ул-афкор фии санойиъ ал-ашъор» ва б. асарларида. Қ.: Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. 134-6.

78. Бу ғазаллар қуйидаги мисралар билан бошланади:

Войким, душмандек ўлди ахдидин бегона дўст.

Сен ўз хулқингни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд Истасангким урғасен давронга

тиги инқитоъ Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас Меҳрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ Кечти умрум накди ғафлат бирла нодонлиқта ҳайф Эй кўнгул ер кўк асосин асру бебунёд бил Истасам юз манзил ўткаймен адам саҳросидин Насиҳат ахди манга дерки, майни тарк эт, ваҳ Бўлмағай эрди фалакнинг кийнаси давронида Жунун водийсиға мойил кўрармен жону зоримни Даҳр боғи аро кўп истамагил айшу тараб 192

Қайси бир туҳматки бизга қилмади нисбат рақиб
Эйки файз истарсен ўзни сарвдек озода туг
Чун қўюб кеткунг жаҳон мулкин мусаххар бўлди, тут
Юз сиҳр қилса кимгаки элликтин ўтти ёш
Эй кўнгул ҳар макр ила қочсанг улустин, шукр қил
Не ажаб майл айласам йўқлукка ҳар дам, эй кўнгул
Кўнглима ёр истабон меҳнат келурин билмадим
Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим
Ёр ила агер озоридин андоқ зормен
Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон
Насли одам бўлмади ҳаргиз муҳаббат мазҳари
Йўқ вафо аҳлида бир зори паришон мен киби
Баски кўнглумни фалак мажруҳу вайрон истагай
Ёраб ўлгон чоғда жоним жисми вайрондин жудо
Мену ғариблигу ҳажру бенаволиғлар
Дўстлар маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз
Даврон гулию гулшани хореға арзимас
Йўқ тамаъ ағердин, гар душман эрмас ёр бас
Ҳакдин азизлик тиласанг элдин тамаъ уз
Чарх дард аҳлиға ҳар дам еғдирур гарди фироқ
Бу кеча оҳим эрур давронни барҳам ургудек
Дарду меҳнат тошин, эй маҳзун кўшул, жонимға ўқ
Неча ҳижрондин бузуғ кўнглумда бўлгай дам-бадам
Кимга қилдим бир вафоким, юз жафосин кўрмадим
Ишқ даштин хеч ғурбаткаш мусофир кўрмасун
Минг ўтум бор айлай олмасмен аен мингдин бирин
Жонға ҳар дам ишқидин юз минг бало кам истамон
Зулму бедод айлаб андоқ бузмамиш даврон мени
Йигитликда қариларға қилмадинг хидмат
Ишқ бемориға йўк элдин давоға эҳтиёж
Қарида гарчи сабук руҳлуғ фаровондур
Эй кўнгул, душманлар онча макр ила фан қилдилар
Эй кўнгул, уммид торин гулшани даврондин уз
Бир кун эй ҳушу хирад мен талбага ер эрдингиз
Гулшани иқболи хори меҳнатиға арзимас
Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш
Бизга йўктур олам ахдидин жафодин ўзга иш
Қилмади жонимни ҳижрон бандидин даврон ҳалок
Онча маҳзун кўнглум ўлмуш ишқдин озорлиғ
Вафо тариқида улким тиларки қилса сулук
Жону кўнглум баски кўрди аҳли даврондин малол

Не ажаб қон йиғласам ақли замондин дам-бадам То йигит эрдим қариларға кўп эрди хидматим Қайси тақво хирманин фисқ ўтидин куйдирмадим Билгасен чекмас киши дарду бало андоққи мен Эл ғамимдин куймасин деб, нолайи зор айламон Кўнгул қайғурмаким дашти фаноға борғудектурмен Тариқи ишқ аро гар ўзни фард қилса биров Фалактин яхшилиғ еткай дебон кўнглумни шод этма Вах неча даврон жафоси айлагай маҳзун мени Ул шоҳу мен гадомен, ул тифлу мен қари

79. Бу байт матнлари ҳақида тадқиқотимизнинг .. -бетида маълумот берилган.

80. Қаранг: Жўраев Ҳ.А. Алишер Навоийнинг кексалик лирикаси. Тошкент, 1993 (ном-зодлик диссертацияси автореферати)

81. Бу ҳақда Е.Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» асарига ҳам қаранг: 35-43-бетлар.

82. Ушбу ғазал таҳрири ҳақида Е.Исҳоқов фикр билдирган. Қаранг: Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Тошкент, 1965, 89-6.

83. Шу муносабат билан мазкур мавзу илмий аспектда умуман ўрганилмаганлигини ҳам таъкидлашни лозим кўрамиз.

84. Қаранг: Рустамов Э.Р. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М., 1963; Эркинов С. Лугфий. Тошкент, 1965; Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий. Тошкент, 1991; Аҳмадхўжаев Э. Мавлоно Лутфий Навоий таърифида // Адабий мерос. 1984, 1 (29), 40-49-6.; Воҳидов Р. Суҳайлий. Тошкент, 1976.^

85. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1965. 414- б.

86. Қаранг: Ҳоди Зариф. Фозиллар фазилати. Тошкент, 1969. 74-75-6.

87. Қаранг: А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961. 6-6.; Навоий даҳоси, Тошкент, 1970, 4-6.

88. Ҳайитметов А. Болаликнинг шеърий ихтиролари // Фан ва турмуш, 1991 /2, 7.-6.

89. Қаранг: Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века. М,, 1963. С.87, 101-102.

90. Шукуров Н. Бу олам саҳнида... Тошкент, 1982. 82-6.

91. Эркинов С. Лутфий. Тошкент, 1965. 24-6.

92. Ахмадхўжаев Э. Туркий назмнинг сеҳргари. Тошкент, 1992. 23-24-6.

93. Юсупова Д. Хондамир ижоди ҳақида // «Шарқшунослик». 1-сон. Тошкент, 1990. 96-6.

94. Гарчи жуда кўп бадиий ва илмий асарларида ўзи муҳаббат қўйган бу шоир ҳақида бевосита тўхтаб ўтса ҳам.

95. Қаранг: Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис, 71-6.; Воҳидов Р. Суҳайлий. Тошкенг, 1976.

96. «Чор девон». УзФА луғатлар секторининг кутубхонаси. Инв. №752. Ушбу қўлёзма қўлимизда бўлмаганлиги сабабли Шайхзода маълумотларига асосландик.

97. А.Абдуғафуровнинг шу мавзудаги мақоласи кўзда тутилади. Ўзбек тили ва адабиёти. 1989. 4-сон. 11-6.

98. Иззат Султон «Навоийнинг қалб дафтари» (Тошкент, 1968) илмий тадқиқотида Навоийнинг уч ғазали ва бир маснавийси 14-15 ёшларида, аниқроғи 1455-56 йиллардан олдин ёзилганлиги аниқланган'.

99. Ҳайитметов А. «Болаликнинг шеърий ихтиролари» мақоласида буюк шоирнинг бу даврга оид 5 ғазалига уларнинг бадиий хусусиятларига асосланиб ишора этади.

100. Ё.Исҳоқов. «Алишер Навоийнинг илк лирикаси» илмий тадқиқотида Навоийниг илк лирикасини болалик ва йигитлик даврларига бўлишни мақсад қилиб қўймаган бўлсада, шоирнинг 16 ғазали ва 2 мухаммасини давр ижтимоий-тарихий шароитининг Навоий биографиясидаги излари, адабий анъаналар ва ўзаро таъсир масалалари, шоир поэтик

услуби хусусиятлари юзасидан уч даврга, яъни 1455-56 йилларгача, 1457/64 йиллар оралиғи (Машҳад лирикаси) ва 1464-65 йилларга (Абусаид даври лирикаси) алоқадорлиги хусусида мулоҳаза билдиради.

101. Қаранг: Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. Тошкент, 1970, 164-6.

102. Навоийнинг нақшбандийлик тариқатининг энг буюк вакили Абдураҳмон Жомийни ўзига пир деб, расмий равишда қўл бериши (1476/77) назарда тутилади.

103. Тадқиқотимизнинг 1-боби 39-бетида «Хазойин ул-маоний»га шоирнинг аввалги уч девонига кирмаган ғазаллар сони ҳақидаги жадвал берилган.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. СИЁСИЙ МАНБАЛАР

1. Каримов И. А. Истиклол ва маънавият. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
2. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 6 томлик. 3 том - Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И. А. Адолатли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И. А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997.

II. МАНБАЛАР

1. Абдураҳмон Жомий. Лайли ва Мажнун. Саломон ва Абсол. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1989. - 224 б.
2. Абдураҳмони Чомй. Баҳористон. - Душанбе: - Адаб - 1987. –160 с.
3. Абу Мансур ас-Саолибий. Ятимат ад-даҳр. - Тошкент: Фан – 1976. - 329 б.
4. Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. IV томлик. 1-том. - Тошкент: Фан - 1959 - 494 б.
5. Алишер Навоий. Асарлар. XV томлик. 12-том. - Тошкент: Адабиёт ва санъат. - 1966- 420 б.
6. Алишер Навоий. Хамса. - Тошкент: Ўзакаднашр - 1961. - 431 б.
7. Алишер Навоий. МАТ. XX томлик. 1-6 томлар. - Тошкент: Фан - 1987-1990 1-т. - 1987. - 724 б. 2-т. - 1987. - 620 б. 3-т. - 1988. - 614 б. 4-т. - 1989. - 558 б. 5-т. - 1990. - 542 б. 6-т. - 1990. - 366 б.
8. Алишер Навоий. Илк девон. Факсимил нашр.
9. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъ ус-санойиъ. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1981. - 400 б.
10. Носири Хисрав. Гулчине аз девони ашъор. - Сталинобод: Таджикгосиздат - 1957. - 72 с.
11. Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 1- китоб, Тошкеғғт: Ёзувчи. - 1990. - 240 б.
12. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. - Тошкент: Юлдузча - 1990. - 368 б.
13. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. - Тошкент: Ўз ФА - 1959. - 390 б.

14. Муҳаммад Ғиёсуддин. Ғиёс ул-луғот! II жилд. - Душанбе: Ирфон - 1987-1988. Жилд. 1. -1987. -334 б. Жилд. 2. -1988. 432 б.
15. Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. - Тошкент: Фан - 1968. - 128 б. . /
16. Ғиёсиддин Ҳумомиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. - Тошкент: Фан - 1967. - 284 б.
17. Ғиёсиддин Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. Таълиф Ғиёсуддин Хондамир, ба муқаддима, тасҳиҳ, таълиқот ва фаҳорис Абдулғаффор Баёни, Чоп-и аввал, - Кобул, 1981- 248 с.
18. Қуръони Карим. - Тошкент: Чўлпон - 1992. - 544 б.

III. ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. - Тошкент: Фан - 1966. 152 б.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изохли луғати. IV томлик. - Тошкент: ЎзФА- 1983-1984-1985. 1-т. - 1983. 656 б. 2-т. -1983. 642 б. 3-т. -1984. 622 б. 4-т. -1985. 646 б.
3. Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. - Тошкент: Бадиий адабиёт. - 1968. 136 б.
4. Абдуллаев И. Абу Мансур ас-Саолибий. - Тошкент: Фан - 1972. 48 б.
5. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. - Тошкент: Фан -1966. 316 б.
6. Абдуғафуров А. Эрк ва эзгулик куйчилари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1979. 160 б.
7. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1995. 184 б.
8. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат - 1998. 216 б.
9. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари. (Биринчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1994. - 4-5- 6-сонлар. 9-16-б.
10. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари (Иккинчи мақола) // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1995,- 1- сон. 10-18-б.
11. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2000. - 5-сон. 3-11-б.
12. Абдуғафуров А. «Бадоеь ул-бидоя»нинг тузилиш санаси // Ўзбек тилй ва адабиёти. - 1989. 4-сон. 3-9-б.
13. Абдуғафуров А. Шеърият саройи // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. - 1998. - 6-февраль.
14. Абдуғафуров А. «Хазойин ул-маоний» жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1998, 6-сон. 3-10-б.
15. Абдураҳмонов А. Аруз назарияси. - Хўжанд: Хўжанд, - 1993. 72 б.
16. Айбек, Ал-Дейч. Алишер Навоий. - Тошкент: Художественная литература. - 1968. 200 с.
17. Алишер Навоий ижодий меросини ўрганиш проблемалари. Илмий мақолалар тўплами. - Самарқанд: СамДУ, - 1990. 1826.
18. Арипов М. Гуманизм Алишера Навои. - Ташкент: Фан, - 1963. 224 б.
19. Аҳмадхўжаев Э. Туркий назмнинг сеҳргари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат. - 1992. 67 б.
20. Бадиий санъатларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг айрим масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - 5-сон. 17- 21-б.
21. Бертельс Е. Э. Навои. - М. - Л. : Наука, - 1948. 269 с.
22. Бертельс Е. Э. Алишер Навои. - М. : Наука, - 1956. 243 с.
23. Бертельс Е. Э. История персидско-таджикской литературы. - Мс Наука, - 1958. - 253 с.
24. Бертельс Е. Э. Избранные труды - М. : Наука, - 1965. 132 с.

25. Бертельс Е. Э. «Улуғ ўзбек шоири» тўпламига ёзган тақризи // Шарқ юлдузи. - 1991. - 7-сон. 183-184-б.
26. Бласс Фр. Герменевтика и критика. - Одесса: Университет - 1891. 148 с.
27. Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. - Тошкент: Фан, - 1974. 149 б.
28. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Х-Х1Х асрлар. - Тошкент: Фан, - 1993. 194 б.
29. Валихўжаев Б. Воҳидов Р. Навоий ижоди - илҳом манбайи. - Тошкент: Фан, - 1981. 74 б.
30. Валихўжаев Б- Барҳаёт шеърият // Ленин йўли. - 1989. - 8 февраль.
31. Валихўжаев Б. Самарқандга мафтун эди // Ленин йўли. - 1988. - 9 февраль.
32. Валихўжаев Б. «Хамса» ёзиш анъаналарига Алишер Навоийнинг муносабати // Узбек тили ва адабиёти. - 1990. - 1-сон. 16-21-б.
33. Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари // Мулоқот. - 1991. - 2-сон. 23-31-б.
34. Валихўжаев Б. Н. Алишер Навоий туркий ва туркийгўйлик ҳақида // Илмий тўплам: Адабий жанрлар ва бадиий маҳорат масалалари. - Самарқанд,- 1988. - Б. 52-56.
35. Воҳидов Р. XV асрнинг иккинчи ярми XVI асрнинг бошларида ўзбек ва тожик шеърияти. - Тошкент: Фан, - 1983. 141 б.
36. Воҳидов Р. Суҳайлий. - Тошкент: Фан, - 1976. 44 б.
37. Воҳидов Р. «Мажолис ун-нафоис» таржималари. - Тошкент: Фан, - 1984. 72 б.
38. Воҳидов Р. Навоий барҳаёт. - Тошкент: Фан, - 1991. 79 б.
39. Воҳидов Р. Навоийнинг икки дурдонаси. - Тошкент: Фан - 1992. 134 б.
40. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. - Бухоро: Бухоро, 1. 176 б.
41. Григорьян С. Н. Из истории, философии Средней Азии и Ирана УН-ХИ вв. - М. : Наука, - 1960. 219 с.
42. Дониёров Х. Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили. - Тошкент: Фан, - 1972. 342 б.
43. Дильтей В. Введение и науки о духе // Зарубежная эстетика и теория литературы Х1Х-ХХ вв. Трактаты, статьи, эссе. - М. , 1987. С. 3-9.
44. Захидов В. Ю. Мир идей и образов Алишера Наваи. - Ташкент: Фан, - 1973. 416 с.
45. Иванов С. Арабизмы в турецком языке. - Л. : ЛГУ - 1973. 61 с.
46. Иззат Султон. Навоийнинг қалб дафтари. - Тошкент: Адаб. ва сан. - 1973. 422 б.
47. Иззат Султон. Жаҳон адабиётининг нодир обидаси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1985. - 6-сон. 8-10-б.
48. Имомназаров М. Ҳақиқат ва мажоз // Шарқ юлдузи. - 1991. 4-сон. 159-166-б.
49. Ислом дини асослари ҳақида. -Тошкент: Турон,- 1993. 52 б.
50. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. - Тошкент: Фан, - 1965. 140 б.
51. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. - Тошкент: Фан - 1983. 168 б.
52. Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1990. - 5-сон. 4-8-б.
53. Квятковский А. Поэтический словарь. - М. : Советская энциклопедия. - 1950. 375 с.
54. Куделин А. Б. Средневековая арабская поэтика. - М. : Наука - 1983. 362 б.
55. Кузнецов В. Г. Герменевтика и гуманитарное познание. - М. : Наука, - 1991. 219 с.
56. Кузнецов В. Г. , Алексеев А. П. Гносеологическая функция герменевтического понимания // Познание и язык. - М. , - 1984. С. 19-23.
57. Лихачев Д. С. Человек и литература древней Руси. - М. : Наука, - 1970. 172 с.

58. Лихачев Д. С. Внутренний мирхудожественного произведения // Вопросы литературы, 1968, №8. С. 74-92.
59. Лихачев Д. С. О филологии. - М. : Высшая школа, - 1989. 206 с.
60. Лихачев Д. С. Текстология. - М. - Л. : Наука, - 1962. 212 с.
61. Лосев А. Ф. Знак. Символ. Миф. - М. : МГУ, 1982. 479 с.
62. Лотман Ю. М. Анализ поэтического текста. -Л. : Просвешение, - 1972. 254 с.
63. МаллаевН. М. Ўзбек адабиётитарихи. - Тошкент: Ўқитувчи, - 1976. 662 б.
64. Маллаев Н. М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. - Тошкент: Ўқитувчи, - 1965. 220 б.
65. Маллаев Н. Гениал шоир ва мутафаккир. - Тошкент: Фан, - 1968. 50 б.
66. Маллаев Н. М. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. - Тошкент: Ўқитувчи, - 1973. 112 б.
67. Масьалаҳои назария ва тарихи адабиёти точику ўзбек // Серияи навъ №262. - Самарқанд, - 1975. - С. 74-92.
68. Мечников И. И. Этюдьғ оптимизма. М. : Наука, 1988. 172 с.
69. Мир-Али-Шир. Сборник статей. - Л. : Госиздат - 1928. 164 с.
70. Мирзоев А. М. Рудаки и развитие газели. - Сталинабад: Таджикгосиздат, 1958. 71 с.
71. Мирзоев А. М. Камол ад-дин Биной. - М. : Наука, 1976. 479 с.
72. Нагиева Ж. Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» девони қўлёзмаси // Адабий мерос. - 1978. - 11-сон. 108-111-сон.
73. Мусульманкулов Р. Персидско-таджикская поэтика Х-ХУ вв. - М. : Наука, 1989. 240 с.
74. Муминов И. М. Философские взглядм Мирзи Бедиля. - Ташкент: ЎзФан, - 1957. 102 с.
75. Муҳаммадхўжаев Қардошлик туйғуси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат. - 1976. 89 б.
76. Муродий Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1972. - 6-сон. 79-80-6.
77. Муҳиддинов М. Навоийнинг ишқ баёни // Саодат. - 1991. - 3-сон. 8-9-6.
78. Муҳиддинов М. Барҳаёт анъаналар. - Тошкент: Фан, 1987. 59 б.
79. Муҳиддинов М. Шарқ . адабиётида адабий-танқидий қарашлар тарихидан. - Самарқанд: Зарафшон, 1989. 204 б.
80. Мирзоев А. Алишер Навои ва Абдураҳмони Чоми. - Душанбе: Ирфон, 1968. 64 с.
81. Навоий ва адабий таъсир масалалари. - Тошкент: Фан, 1968. 351 б.
82. Навоий замондошлари хотирасида. - Тошкент: Фан, 1972. 347 б.
83. Носиров О. Ўзбек адабиётида ғазал. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 136 б.
84. Ойбек. Навоий гулшани. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. 150 б.
85. Ойбек. Асарлар. IX том. - Тошкент: Фан, 1974. 178 б.
86. Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. - Тошкент: Фан, 1976. 119 б.
87. Османов М. Н. Стиль персидско-таджикской литературьг (Х-ХН в). - М. : Наука, 1971. 267 с.
88. Проблемы арабской культурьь - М. : Наука, - 1987. 392 с.
89. Проблемы исторической поэтики литератур Востока. - М. : Наука, 1988. 312 с.
90. Проблемы восточного стихосложения. - М. : Наука, 1973. 184 б.
91. Равшанов П. ва б. Тарих бадиияти. - Тошкент: Фан, 1989. 234 б.
92. Рахмонов В. «Бадоеъ ул-бидоя» девони ҳақида // Гулистон. - 1990. - 9-сон. 11-12-бет.
93. Ражабов И. Мақомлар масаласига доир. - Тошкент: Ўзадабийнашр, - 1963. 304 б.
94. Родоначальник узбекской литературы - Ташкент: Уздавнашр, 1940. 137 с.
95. Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. 308 б.

96. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. 56 б.
97. Рустамов Э. Узбекская поэзия в первой половине XV века.
-М. : Наука, 1963. 78 с.
98. Салоҳий Исомиддин. «. . . Хушроқдурур озодлик» // Зарафшон. - 1991. - 10 окт. 2-б.
99. Салоҳиддинов И. Устоздан илҳом олиб // Ленин йўли. - 1991. - 4 июль. 3-б.
100. Салоҳиддинов И. «Навоийға мақоме бер. . . » // Ленин йўли.
-1990. - 24 еентябрь. 2-б.
101. Сирожиддинов Ш. Инсон руҳий камолоти талқини. - Самарқанд: Зарафшон, - 1992. 204 б.
102. Сирожиддинов Ш. Навоий навосидан баҳра олиб. . . - Самарқанд: Зарафшон, - 1996. 184 б.
103. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. - Самарқанд: Зарафшон - 1996. - 160 б.
104. Сулаймонова Ф. Айёми висол ўлди яна. . . - Тошкент: Фан, 1997.
105. Туйчиев У. Арузшуносликка доир. - Тошкент: Фан, 1973. 416.
106. Томашевский Б. В. Стилистика и стихосложение. - Л. : Наука, 1959. 138 с.
107. Тимофеев Л. И. Основы теории литературы - М. : Наука, 1968. 252 с.
108. Умаров Э. Навоий даврида Ҳирот ўзбекларининг тили // Адабий мерос, 1986, 41-сон. 32-36-б.
109. Улуғ ўзбек шоири. Мақолалар тўплами. - Тошкент: Фан, 1958. 224 б.
110. Филлмор Ч. Основные проблемы лексической семантики // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XII. - М. , 1983. С. 32-34.
111. Шайхзода М. Гениал шоир. - Тошкент: Уздавнашр - 1941. 83 б.
112. Шайхзода М. Асарлар. VI томлик. 4 т. : Ғазал мулкининг султони. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1972. 372 б.
113. Шайхзода М. Асарлар VI томлик. 5 т. : Адабий-танқидий мақолалар. - Тошкент: Бадиий адабиёт, 1973. 327 б.
114. Шарипов Ш. Навоийнинг воқеабанд ғазаллари // Адабий мерос. - 1978. 10-сон. 53-61-б.
115. Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. - Тошкент: Фан, 1986. 164 б.
116. Шодиев Э. Алишер Навоий ва унинг салафлари. - Ленинобод: ЛенДПИ,1957. - 53 б.
117. Шодиев Э. Ирсол ул-масал рубоийлар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. 5-сон. 73-75-б.
118. Шукуров Н. Услублар ва жанрлар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1973. 170 б.
1 19. Шукуров Н. Бу олам саҳнида. . . - Тошкент: Адабиёт ва саньат, 1982. - 248 б.
120. Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (У1-ХН вв). - М. : Наука, 1979. 254 с.
121. Шпет Г. Г. Внутренняя форма слова. - М. : Наука, 1927. 136 с.
122. Шпет Г. Г. Герменевтика и её проблемы. - М. : Наука. 1923. 128 с.
123. Қаюмов А. Ишқ водийси чечаклари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1985. 255 б.
124. Қаюмов А. «Ҳайрат ул-аброр» талқини. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1977. 155 б.
125. Қаюмов А. «Фарҳод ва Ширин» сирлари. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. 167 б.
126. Қаюмов А. Алишер Навоий. - Тошкент: Камалак,1991. - 173 б.
127. Ҳасанов С. Бобурнииг «Аруз рисоласи» асари. - Тошкент: Фан, 1981. 132 б.
128. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. - Тошкент: Фан, 1959. 196 б.

129. Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. - Тошкент: Фан, 1961. 295 б.
130. Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. - Тошкент: Фан, 1963. 173 б.
131. Ҳайитметов А. Навоий даҳоси. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1970. 172 б.
132. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. - Тошкент: Фан, 1970. 331 б.
133. Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. 165 б.
134. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993. 220 б.
135. Ҳайитметов А. Болаликнинг шеърий ихтиролари // Фан ва турмуш. - 1991. - 2-сон. 6-7-6.
136. Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчиллик тенденцияси. // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1993. - 2-3-сонлар. 5-11-6.
137. Ҳайитметов А. «Хазойин ул-маоний» девони такмили ва Ҳусайн Бойқаро» // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1998. - 1- сон. 7-10-6.
138. Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. - Тошкент: Фан, 1983. 199 б.
139. Ҳаққулов Иброҳим. Занжирбанд шер қошида. - Тошкент: Юлдузча, 1989. 223 б.
140. Ҳаққулов И. Ғазал гулшани. - Тошкент: Фан, 1991. 70 б.
141. Ҳаққул Иброҳим. Камол эт касбким. . . - Тошкент: Чўлпон, 1991. 240 б.
142. Ҳаққулов И. Шеърият - руҳий муносабат. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. 240 б.
143. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърият. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1989. 240 б.
144. Ҳаққулов И. Тасаввуф сабокдари. - Бухоро: БухДУ, 2000. 142 б.
145. Қуръони Карим. - Тошкент: Чўлпон, 1992. 544 б.
146. Ғафур Ғулом. Хоки Мусалло // Шарқ юлдузи. - 1991. 5- сон. 146-150-6.
147. Ғаниева С. «Муншаот»да даврнинг баъзи ижтимоий-сиёсий масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1975. - 1- сон. 11-15-сон.
148. Ғаниева С. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асари ва самарқандлик шоирлар // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1970. - 6-сон. 24-28-6.

ФАРИДА КАРИМОВА

ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ДЕБОЧА

КИРИШ

Ўзбек адабиётида девонларга ёзиладиган дебочаларнинг вужудга келиши Алишер Навоий ижоди билан боғлиқ. Дебочанинг дастлабки намуналари форс-тожик шоирлари ижодида учрайди. Ҳазрат Навоий бу соҳадаги тажрибаларни чуқур ўрганди, уларга ижодий муносабатда бўлди ва девонларини бетакрор дебочалар билан безади. Қадимда Шарқ халқлари адабиётида барча асарларни анъанавий муқаддима билан бошлаш одат тусига кирган эди. Бу ҳақда профессор Н.Маллаев ўзининг «Анъанавий муқаддимот ҳақида» номли мақоласида алоҳида таъкидлаб ўтган[1]. Адабиёт тарихида яратилган турли жанрдаги асарларнинг кириш қисми, анъанага мувофиқ, ҳамду наът билан бошланган, асар бағишланган шахс ва унинг мадҳига кенг ўрин берилган, асарнинг ёзилиш сабаблари ҳамда асарда қўйилган масалалар баён этилган. Ўзбек адабиётининг илк намуналари бўлган «Девону луғотит-турк» (Маҳмуд Қошғарий), «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб) «Қиссайи Рабғузий»(Рабғузий), «Муҳаббатнома» (Хоразмий) «Тазкират уш-шуаро» (Давлатшоҳ Самарқандий) каби асарларда шу характердаги анъанавий муқаддималар мавжуд. Алишер Навоийнинг барча асарлари ҳам анъанавий муқаддима билан таъминланган бўлиб, уларнинг характери турличадир. Бунга «Хамса», достонлари, «Назм ул-жавоҳир», «Арбаъин», «Мажолис ун-нафоис», «Мезон ул –авзон», «Муншаот», «Маҳбуб ул –қулуб» каби асарларнинг муқаддималарини мисол келтириш мумкин.

Девон дебочаларини одатдаги муқаддималардан фарқлаш лозим. Дебоча ва муқаддима ўртасида ўхшаш жиҳатлар бўлсада, улар бир-биридан фарқланади. Дебочалар девонлар учун махсус ёзилади. Бинобарин, дебоча алоҳида адабий жанрми ёки жанр эмасми деган саволнинг келиб чиқиши ҳам табиий. Навоийшунос олим А.Ҳайитметов илк марта ўзбек адабий- танқидий қарашларини ифодаловчи шакллардан бири сифатида Алишер Навоий дебочаларига мурожаат қилади[2]. Адабиётшунос олим Б.Валихўжаев эса дебочаларни ўзбек адабий-танқидий қарашларининг ифодаланиш «жанр» ларидан бири, деб эътироф этади[3]. Шунингдек, афғон олими Муҳаммад Яқуб Воҳидий Жузжоний Алишер Навоий асарларини тавсифлар экан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасини «Хутбаи давовин» деб атайди ва шоирнинг алоҳида асарлари қаторида тилга олади.

Дебоча ўзига хос адабий бошланма манба сифатида девоннинг узвий қисмидир. Дебочада адабиётшунослигимизнинг маълум масалалари муайян композицион изчилликда баён этилади. Улар шарқона мумтоз услубда битилиб, баёнда сажъ санъатини қўллаш устунлик қилади. Шунингдек, у ранг-баранг бадиий тасвир воситалари орқали ифода этилади.

Профессор Н.Маллаев юқорида келтирилган мақоласида достонлардаги муқаддималарнинг ҳар томонлама чуқур ўрганилишининг муҳимлигини, улар билан асарнинг моҳияти, етакчи тенденциялари ўртасида боғланиш борлигини тўғри таъкидлаган эди. Бу фикр девон дебочаларига ҳам тааллуқлидир. Хусусан, Навоий дебочаларидаги шарҳларсиз шеърларнинг яратилиш тарихи, мавзулар доираси, ғазалчилик соҳасида шоир эришган ютуқлар, адабий янгилиги ва ҳоказо масалалар моҳиятини англаб олиш қийин.

Ўзбек адабиёти тарихи масалаларини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқот ва мақолаларда ўзбек адабиётидаги дебочалар ва уларда қўйилган айрим масалалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазалар мавжуд.

---

[1] Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971. 1-сон.-Б.10-12.
[2] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Тошкент: 1959.
[3] Валихўжаев Б. XV-XIX асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. / СамДУ асарлари, янги туркум, 138-чиқарилиши. –Самарқанд: 1964. –Б.35.

Ўзбек адабиётида Навоий дебочалари ва уларда қўйилган масалалар тўғрисида биринчи марта фикр билдирган адабиётшунос олим А.Ҳайитметовдир[1]. Адабиётшунос олим ўз тадқиқотида Алишер Навоий адабий-танқидий қарашларини ўрганишда шоир дебочаларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб беради. Хусусан, Навоий устозлари ва замондош шоирларга бўлган муносабатини кузатиш борасида, шоир ғазалларининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда дебочадаги маълумотлар ниҳоятда муҳимдир.

Атоқли навоийшунос олим Ҳамид Сулаймоннинг «Хазойин ул-маоний» матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари»[2] номли тадқиқотидан кўринадики, «Хазойин ул-маоний» нинг яратилиши, унинг тузилиши ва девонларининг номланиши, шунингдек, девонларга кирган шеърларининг ёш чегараларини аниқлашда дебочадаги маълумотлар муҳим аҳамият касб этади.

Навоийшунос олим Ё.Исҳоқовнинг Навоий шеърияти ва унинг поэтикаси устида олиб борган кўп йиллик изланишлари ҳам бу жиҳатдан эътиборга моликдир.[3] Олим «Навоийнинг илк лирикаси» тадқиқотида шоирнинг форс-тожик адабиётидаги анъаналарга муносабати ва ғазалчилик соҳасидаги янгилиги масаласини ўрганишда дебочалар муҳим манбалардан бири эканлигини кўрсатиб беради. «Навоий поэтикаси» китобида эса шоир ғазалларининг мавзуси, тузилиши, услуби, бадийяти, қисқаси ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилар экан, улкан бир очқич сифатида дебочаларга мурожаат этади. Бу билан шоир девонларидаги ғазалларни ўрганишда дебочанинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини кўрсатиб беради. Ё. Исҳоқовгача ўзбек ғазалчилиги масалалари билан шуғулланган олимлар девон дебочаларига етарлича аҳамият бермаганлари сабабли бу тадқиқот ниҳоятда қимматлидир.

М.Солиҳованинг «Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларда шоир биографиясига оид маълумотлар»[4] мақоласида дебочаларда шоирнинг ҳаёти, асарларининг ёзилиш тарихи, устозлари ҳақида маълумотлар мавжудлиги тўғри таъкидлангани ҳолда, бу масалаларнинг айримлари, хусусан, шоир девонининг ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммаллиги, кексаликдаги хасталиги ҳақидаги фикрлар чала ва юзаки ёритилган. Алишер Навоий дебочаларини ўрганиш борасида ҳассос олим В.Зоҳидовнинг хизматлари алоҳидадир.[5] Муаллиф «Дебочанинг сири» мақоласида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабатларни, айниқса, мамлакат ҳукмдорининг улуғ шоир ижодига бўлган муносабатини «Хазойин ул-маоний» дебочаси асосида тўғри ёритишга ва холис баҳолашга ҳаракат қилади. «Яна бир дебочанинг шаҳодати» мақоласида «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси асосида Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилади, девоннинг яратилиш тарихини баён қилади.

Кейинги пайтларда Навоий ижодий меросини чуқур тадқиқ этиш борасида самарали иш олиб бораётган навоийшунос олимларнинг бири С.Ғаниеванинг шоир насрий мероси устида олиб борган изланишлари характерлидир. С.Ғаниева «Алишер Навоий ижодиёти ва наср

---

[1] Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари. –Тошкент: 1959.
[2] Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари / Хазойин ул-маоний, 4-жилдлик, 1-жилд. –Тошкент: -Б.-5-28.
[3] Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. –Тошкент: 1965. Ўша муаллиф. Навоий поэтикаси. –Тошкент: 1983.
[4] Солиҳова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар // Адабий мерос, 1-жилд. –Тошкент: 1968. –Б.94-95.
[5] Зоҳидов В. Дебочанинг сири. Ҳаётбахш бадиият тароналари. –Тошкент: 1975. –Б.119-136. Ўша муаллиф. Яна бир дебочанинг шаҳодати. Жаҳон бадийяти зарварақлари. –Тошкент: 1980. –Б.282-298.

проблемалари»[1] номли тадқиқотида шоирнинг 13 номдаги турли насрий асарлари ҳақида фикр юритар экан, улар қаторида девонларга ёзилган дебочаларга ҳам алоҳида тўхталади. Адабиётшунос олима «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» дебочаларининг қисқача ғоявий мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, бадийяти тўғрисида ўз мулоҳазаларини баён этади, уларнинг «ўша давр насрининг ёрқин намунаси» эканлигини тўғри таъкидлайди.

Алишер Навоий дебочаларига А.Абдуғафуровнинг изланишларида махсус эътибор берилади[2]. Олим дастлаб «Бадоеъ ул-бидоя» дебочаси Ҳусайн Бойқаро рисоласининг ёзилган вақтини аниқлашда муҳим аҳамият касб этиши борасида мушоҳада юритган эди. Муаллиф «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиши санаси» номли мақоласида эса бу девон, кўп адабиётларда таъкидлаб келинганидек, 1472-76 йилларда эмас, балки 1478-79 йилларда тартиб берилган, деган хулосага келади.

Кейинги йилларда адабиётшунос олима Л.Серикова томонидан «Хазойин ул-маоний» муқаддимасининг рус тилига таржима қилиниши эътиборга лойиқдир[3]. Олима таржимонлардан буюк мутафаккир асарларининг фақат тўлиқ таржимасини талаб қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни илгари сурган эди. Таржима соҳасидаги бу камчиликни тугатишга интилган олима «Хазойин ул-маоний» дебочасини тўлиқ таржима қилишга киришади ва бу ишни муваффақиятли амалга оширади.

Умуман, Алишер Навоий дебочаларидаги масалалар ниҳоятда кенг қамровлидир. Уларни атрофлича тадқиқ этиш дебочаларнинг адабиётимиз тарихини ёритишда муҳим илмий-адабий манбалардан бири сифатидаги аҳамиятини белгилашга ёрдам беради.

---

[1] Ғаниева С. Алишер Навоий ижодиёти ва наср проблемалари // Ўзбек насри тарихидан. –Тошкент: 1982. –Б.36-59.

[2] Абдуғафуров А. «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро»нинг яратилиш тарихидан // Ўзбек тили ва адабиёти. -1972. 3-сон. –Б.15-18. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси // Ўзбек тили ва адабиёти. -1989. 4-сон. –Б.3-13.

[3] Серикова Л. Предисловие к «Сокровищница мислей» Алишера Навои / Адабий мерос. -1984. 1-сон. –Б.15-21; 2-сон. –Б.54-59.

1-БОБ. ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ДЕБОЧА ВА УНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Ўзбек адабиёти тарихидаги дебочалар узоқ тарихга эга бўлиб, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим адабий манбалардан бири ҳисобланади. Дебочалар фақат девонларга битилади ва бошқа асарлардан масалаларнинг қўйилиши ва мазмуни, композицияси, баён услуби каби кўпгина жиҳатлари билан тубдан фарқ қилади. Айниқса, дебочалар шоирнинг таржимайи ҳолига оид маълумотлар, адабий фаолияти, асарларининг яратилиш тарихи, адабий-эстетик қарашларини ифода этиши жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади.

Дастлаб дебоча истилоҳига турли манбаларда берилган таърифларга назар ташлайлик. «Фарҳанги забони точики»да унинг маънолари шундай изоҳланади: «Дебоча - 1. Либоси рўйи шоҳонаи аз дебо дўхтаршуда, ки бор зару чавоҳир зинат медодаанд. 2. Аввали муқаддимаи китобҳои қадим, ки бор зарҳал ва рангҳои пурҳикмат ороиш дода мешуд. 3. Мач. сарсухан, муқаддима, пешгуфтор. 4. Мач. аввал, ибтидои ҳарчиз. 5. Мач. рухсора, рўй».[1] Таржимаси «Дебоча - 1. Қимматбаҳо ипак матодан тикилган ва зару жавоҳир билан зийнат берилган шоҳона либос. 2. Зарҳал ва қимматбаҳо ранглар билан сайқал берилган қадимги китоблар муқаддимаси. 3. Маж. сўзбоши, муқаддима, кириш сўзи. 4. Маж. аввал, ҳар нарсанинг ибтидоси. 5. Маж. юз, чеҳра, бет».

Юқоридаги таърифдан кўринадики, қимматбаҳо ипак матодан тикилган ва зару жавоҳир билан зийнат берилган шоҳона либос, зарҳал ва қимматбаҳо ранглар билан сайқал берилган қадимги китоблар муқаддимаси /яъни 1-варағи/ дебоча деб аталади. Шунингдек, мажозий маънода сўз боши, муқаддима, ҳар нарсанинг ибтидоси ҳамда юз, чеҳра, бет маъноларини ҳам ифодалайди.

«Ғиёс ул-луғат»да келтирилган таърифда дебоча подшоҳларнинг безакдор устки кийими, китобнинг зийнат берилган биринчи варағи маъноларини ифодалаши айтиб ўтилади. Шу билан бирга, «Ғиёс ул-луғат» муаллифи турли манбаларга таянган ҳолда дебочанинг қуйидаги маъносига ҳам тўхталади: «... ва ба муносабати ороиш хутбаи китобро низ гўянд. Ба баъзе муҳаққиқон навиштаанд, ки дебоча ба ёи маъруф ва чими арабй (яъне дибоча) лафзи арабист, ба маънии чеҳра ва рўй ва рухсора (аз «Канз») чун хутбаи китоб ба манзалаи рўи китоб аст, лиҳозо хутбаи китобро низ мачозан дебоча гуфтанд».[2] Таржимаси: «... китоб хутбасини (бошланиш қисмини) безаш муносабати билан айтилган кириш қисмига ҳам дебоча дейилади. Яна бу сўзнинг ҳақиқатини аниқловчиларнинг баъзилари ёзадиларки, дебоча сўзи бизга маълум юқоридаги йо ҳарфи билан ва арабча жим ҳарфи билан ифода этилганда арабча лафз бўлиб, чеҳра, юз, ёноқ деган маъноларни билдиради. («Канз ул-луғат»да шундай дейилган).

Чунки китобнинг хутбаси (кириш қисми) китобнинг юзи даражасидадир. Шунинг учун китобнинг хутбасини (кириш қисмини) ҳам дебоча (дебоча) деб аташган».

Юқоридаги таърифлардан кўринадики, барча китобларнинг кириш қисмлари дебоча деб аталган. Шу ўринда дебоча истилоҳ сифатида кенг ва тор маънода қўлланилишини назарда тутиш лозим. Дебоча истилоҳи кенг маънода барча асарларнинг кириш қисмларини

---

[1] Фарҳанги забони точики, чилди I, М., 1969, саҳ. 360-61.

[2] Муҳаммад Ғиёсиддин бинни Жалолиддин бинни Шарофиддин. «Ғиёс ул-луғат», иборат аз се чилд, чилд I. –Душанбе, 1987, саҳ. 460.

ифодалайди ва кўпинча муқаддима деб юритилади. Тор маънода эса девонларга ёзиладиган кириш сўзларни англатади ва бевосита «дебоча» деб аталади.

Адабиётшуносликка оид қатор луғатларда ҳам юқоридаги манбаларга асосланган ҳолда шунга ўхшаш таърифлар берилади.[1] Лекин турли тилларда яратилган барча адабиётшунослик терминлари луғатларида берилган таърифлар дебочанинг моҳиятини тўлиқ очиб бера олмайди. Фақат дебочаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва шу асосда уни мукаммал таърифлаш мумкин.

Девон дебочалари ўзига хос хусусиятларга эга ва кўп жиҳатлари билан муқаддималардан фарқ қиладиган ҳодисадир.

Дебочалар энг аввало ўзига хос композицион тузилишга эга бўлади: ҳамду наът билан бошланиб, сахву хатолар учун узрхоҳлик билан якунланади. Шоир ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар, давр ҳукмдори мадҳи, шоирнинг ўз устозларига бўлган муҳаббати, девон мундарижаси билан таништириш каби қатор масалалар дебоча композициясида муҳим ўрин эгаллайди.

Фикрлар баёнидаги жимжимадорлик, образлилик, яъни дабдабали шарқона услубнинг ҳукмронлиги дебочаларга хос муҳим хусусиятлардандир. Бунда дебоча муаллифи фикрларини узундан узоқ жумлалар, мураккаб ташбеҳлар, истиора ва образли параллелизмлар орқали ифодалашга интилади. Бу услуб Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоийдан тортиб XIX ва XX аср шоирлари томонидан яратилган дебочалар учун ҳам характерлидир.

Дебочаларга хос яна бир хусусият назм билан насрнинг қоришиқ ҳолда истифода этилишидир. Дебочалардаги насрий баён давомида маснавий, рубоий, қитъа, байт каби турли жанрдаги шеърий парчалар бериб борилади. Бу парчалар, Хусрав Деҳлавий таъкидлаганидек, наср гўзаллигини оширади, шунингдек, насрдаги фикрларни далиллаш, давом эттириш, хулосалаш каби вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Дебочалар бадиий тасвир воситаларининг қўлланиш доираси кенглиги ва хилма-хиллиги билан ҳам диққатни жалб этади. Булар фикрни аниқ, равшан ва образли тарзда ифодалашга имкон беради. Айниқса, дебочаларда сажъ санъати кенг истифода этилади.

Дебочалар, асосан, девоннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёзилади. Шуниниг учун девоннинг ўзига хос хусусиятлари, унинг тузилиш тарихи билан таништириш ҳам муҳим ўрин тутади. Масалан, Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида девон тузиш тарихида янгилик бўлган девонининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг қай тарзда бунёдга келганлигини баён этишга алоҳида эътибор беради.

Дебочаларнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг ижодий-биографик характерда бўлишидир. Биз дебочаларни ўқир эканмиз, улар орқали шоир ҳаёти ва ижодининг жуда кўп қирралари билан танишамиз. Масалан, Алишер Навоий ҳар икки дебочада ҳам Ҳусайн Бойқаро шоир ижодини доимо кузатиб борганлиги, шеърларини таҳрир қилганлиги, айрим ўзгартиришлар киритганлиги ҳақида сўзлайди. Бу маълумотлар Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ўрганишда муҳимдир.

Навоийдан кейинги даврда яшаган қатор шоирлар ҳам ўз девонларига дебоча ёзганлар ва бу соҳадаги анъаналарни давом эттиришга интилганлар. Уларнинг дебочаларида юқоридаги хусусиятлар билан бирга ўзига хос жиҳатлар ҳам пайдо бўлди. Булар биографик

[1] Ҳомидий, Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. –Тошкент: 1970. –Б. 190. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: 1981. –Б. 217. Б.В.Миллер. Персидско-русский словаръ. – М:, 1953. –Б.668.

маълумотларга дебочада кенгроқ ўрин бериш, даврнинг ижтимоий-сиёсий воқеаларини тасвирлашда аниқликка интилиш (Мунис дебочаси), барча асарлар рўйхатини келтирш (Огаҳий дебочаси), фикрларни далиллаш мақсадида кўплаб Қуръон оятларидан фойдаланиш (Табибий, Муҳсиний дебочалари), дебочасининг ёзилган вақтини кўрсатиш (Муҳсиний дебочаси) каби хусусиятлардир.

Дебочалар шаклий - поэтик жиҳатдан икки хил бўлади: насрий ва назмий дебочалар. Ўтмишда яратилган дебочаларнинг аксарияти насрий услубда битилган. Насрий дебочалар таркибида юқорида таъкидлаганимиздек, турли жанрдаги шеърий парчалар кўплаб келтирилади. Назмий дебочалар эса кам учрайди. Ўзбек адабиёти тарихида Шавқий, Узлат каби шоирлар ўз дебочаларини шеърий услубда битганлар. Дебочалар шоир ё котиб, шунингдек, девонни тузувчи шахс томонидан ёзилади. Шуни таъкидлаш керакки, котиб ёки девонни тузувчи шахс томонидан ёзилган дебочалар муаллиф томонидан ёзилган дебочадан кескин фарқ қилади ва уларни сўз боши деб аташ маъқулроқдир. Чунки бу характердаги дебочаларда, асосан, турли манбаларга асосланган ҳолда шоир ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар келтирилади, девоннинг тузилиши ва кўчирилиш сабаблари изоҳланади. Масалан, Ҳофиз Шерозий девонига дўсти Муҳаммад Гуландом томонидан ёзилган дебочани мисол келтириш мумкин. Муҳаммад Гуландом шоир ўлимидан сўнг унинг шеърларини тўплаб девон тузган ва унга дебоча ёзган. Ёки ҳудди шу девонга Ҳусайн Бойқаро саройида хизмат қилган Навоийнинг замондоши Хожа Абдуллоҳ Марварид Баёний ҳам дебоча ёзган. Монографияда шоир томонидан ёзилган дебочалар тадқиқ этилади.

Умуман, дебоча девон тузилиши билан боғлиқ адабий ҳодисадир. Шунинг учун алифбо тартибидаги девоннинг вужудга келиш жараёни билан танишиш муҳимдир. Девон тузиш, асосан, X-XI асрлардан бошланган. Е.Э.Бертельс «История персидско-таджикской литературы» асарида XI аср шоирлари Унсурий, Фаррухий, Манучеҳрий, Масъуд Саъди Салмон, Саноийларнинг тўлиқ ёҳуд нотўлиқ нусхада бизгача етиб келган девонлари ҳақида атрофлича маълумот беради.[1]

Бу даврдаги девонларда асосий ўринни қасида жанри эгаллаган бўлиб, ғазалга эса кам эътибор берилган. Автор фақат XI асрнинг иккинчи ярми ва XII аср бошларида яшаб ижод этган Саноий ижодида ғазал алоҳида поэтик жанр сифатида ривожлана бошлаганлигини таъкидлайди.[2] И.С.Брагинский ҳам XI аср шоири Ҳасан Ғазнавий девони яратилиши билан ғазал жанри девонларда алоҳида бўлим сифатида ўрин эгаллай бошлаганлигини уқтириб ўтади.[3] Адабиётшунос олим Ш.Шомуҳамедов форс-тожик адабиётида ғазалнинг пайдо бўлиши хусусида фикр юритар экан, шундай ёзади: «Форс адабиёти тарихида ғазал формаси X- XI асрлардаёқ маълум эди. Ҳатто Ҳасан Ғазнавий (XI аср) каби шоирлар ғазални ўз девонларида айрим бўлим қилиб ажратганлар. Аммо шунга қарамай, ғазал у даврда ҳали тамоман мустақил жанр даражасига кўтарила олмаган эди. Бунинг, албатта, тарихий сабаблари бор».[4]

X-XII асрларда шакллана бошлаган ғазал XIII-XIV асрларга келиб Саъдий ва Ҳофизлар ижодида ўзининг юксак такомилига эришди. Буни А.Мирзоев, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов,

---

[1] Қаранг: Бертельс Е.Э. Избраннные труды. История персидско-таджикской литературы. – М.: ИВЛ, 1960.
[2] Ўша асар. – Б. 455.
[3] Брагинский И.С. Из истории персидско-таджикской литературы. Избранные работы. – М.: Изд. Наука, 1972. – Стр. 169.
[4] Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. – Тошкент: Фан, 1965. – Б. 40.

Н.Маллаев, О.Носиров каби адабиётшунос олимлар ҳам ўз тадқиқот ва мақолаларида таъкидлаб ўтишган. Шарқ халқлари адабиётида ғазалчиликнинг ривожланиши билан девон қатъий бир шаклга эга бўла бошлади.

С.Айний «Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий» номли илмий тадқиқотида алифбо асосида девон тартиб бериш одат эмаслигини таъкидлаб, Саъдий девонини алифбо асосида тартибга солиш Бесутун тахаллусли Али бинни Аҳмад ибни Абубакр деган шахс томонидан амалга оширилганлигини сўзлайди. Шу ўринда С.Айний Саъдий «Куллиёт»ига Бесутун томонидан ёзилган дебочанинг қисқача мазмунини келтиради: «...Бир ғазални Саъдий куллиётидан қидириб тополмадик. Шу муносабат билан дўстлар мендан Саъдий девонига фехраст тузишимни илтимос қилдилар. Мен 726 /1326 йилда бу ишни битирдим. Шу вақтда дўстлардан бири Саъдийнинг бир байтини менга ёзиб бериб, бу байт бор ғазални топиб беришимни сўради. Мен ўз фехрастим бўйича қанча қидирсам ҳам, у ғазални тополмадим. Чунки мен фехрастни ғазалнинг бош ҳарфи бўйича тузган эдим. Ҳалиги байт ғазал ўртасидаги байт бўлгани учун топиб бўлмади. Шу воқеадан сўнг бу тартибнинг хато эканлигини англаб, қайтадан ишлаб, фехрастни ҳар ғазалнинг охирги ҳарфи бўйича туздим ва бу ишни 734 /1334 йилда тугатдим»[1].

Шунингдек, профессор Ш.Шомуҳамедов ҳам Саъдий «Куллиёти»даги шеърларнинг қофия ва радифга қараб алфавит асосида Али бинни Аҳмад ибни Абубакр Бесутун томонидан жойлаштирилганлигини таъкидлайди.[2]

Демак, Шарқ халқлари адабиётида алифбо асосида девон тартиб бериш шундан сўнг қатъий бир қоидага айланган. Айни пайтда Саъдийгача бўлган шоирларнинг девонлари ҳам шу асосда қайта тузила бошлаган.

Ўзбек адабиётида Лутфий, Саккокий, Атоий каби шоирлар форс-тожик шоирлари ижодидаги анъаналарни давом эттирганлари ҳолда ўзбек ғазалчилигини муҳим ютуқлар билан бойитдилар. Улар ўз асарларининг кенг халқ оммасига тезроқ етиб боришини истар эдилар. Шу истак фақат тил танлашдагина эмас, адабий жанр танлашда ҳам аҳамиятли бўлди»[3].

Бу шоирлар ўз шеърий девонларини туздилар ва бу девонларда, асосан, халқ оммасига яқин бўлган ғазал жанри етакчи ўрин эгаллаган эди. Мутафаккир шоир Навоий ўзигача бўлган ўзбек шоирларининг ғазалчиликда тўплаган ютуқ ва тажрибаларини ўрганиш, шунингдек, форс-тожик классикларининг анъаналарини ижодий ўзлаштириш асосида ўзбек ғазалчилигини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Навоий ўз девонлари билан классик девон тузишнинг юксак намунасини яратди. Шоир 1478-79 йилларда ўз шеърларини тўплаб, биринчи девони «Бадоеъ уд-бидоя» («Бадиийлик ибтидоси»)ни, 1480-87 йиллар орасида эса кейинги даврда ёзган шеърларини жамлаб, иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя» («Нодирликлар ниҳояси»)ни тузади. 1491-98 йиллар давомида аввалги икки девони ва кейинги даврда яратилган шеърларни ўз ичига олган тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)ни тузади.

Алишер Навоий ҳам форс-тожик шоирлари каби девонларини тузишда ғазал жанрига алоҳида эътибор беради. Девонларда ғазалга кенг ўрин бериш ўзбек адабиётида Лутфий,

---

[1] Айний С. Асарлар. 8-том.– Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967. – Б. 178.
[2] Шомуҳамедов Ш. Саъдий Шерозий. – Тошкент: Фан, 1964. – Б.25.
[3] Носиров О. Ўзбек классик адабиётида ғазал жанрининг шаклланиши ва такомили. Филол. фан.номз. диссертацияси. – Тошкент, 1968. – Б. 49.

Гадоий, Атоийлардан бошланган эди. Девон тузишнинг бу хусусияти Навоий ижодида янада қатъийлашди ва кейинги давр шоирлари томонидан бу анъана давом эттирилди.

Шарқ халқлари адабиёти тарихида девонларга ёзилган илк дебочалар форс-тожик адабиётида учрайди. Е.Э.Бертельс Эрон Миллий кутубхонасида сақланаётган Саноий девонининг қадимги қўлёзма нусхасида шоир томонидан ёзилган насрий дебоча мавжудлиги ҳақида хабар беради[1]. Мураккаб ва жимжимадор насрий услуб билан ёзилган дебочада шоир бутун адабий фаолияти давомида умидсизликка тушганлиги, дўсти ва ҳомийси Аҳмад ибн Масъуд Муставфий унга таскин берганлиги ва тарқоқ шеърларини тўплаб, девон тузишга даъват қилганлиги ҳақида сўзлайди.

Навоий таъбири билан айтганда, «... дард бешасининг ғазанфари ва ишқ оташгоҳининг самандари, жавоҳири маънавийси Амир Хусрав Деҳлавий» нинг лирик шеърлари жамланган «Туҳфат ус-сиғар» («Ёшлик туҳфаси»), «Васат ул-ҳаёт» («Ҳаёт ўртаси»), «Ғуррат ул-камол» («Камолотнинг бошланиши»), «Бақия ун-нақия» («Сараларнинг сараси») «Ниҳоят ул-камол» («Камолот чўққиси») номли беш девони мавжуд. Бу девонлар Ҳиндистон, Британия, Эрон кутубхоналари, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари кутубхоналари фондларида сақланади. Шоир ҳар бир девонига насрий дебоча ёзган[2]. Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижодини ўрганишда бу дебочаларнинг аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Хусрав Деҳлавийнинг учинчи девони - «Ғуррат ул-камол» девонининг нодир қўлёзма нусхаси сақланади. Девоннинг 1а-60 б варақларида катта ҳажмда дебоча берилган. Шоир дебочанинг ёзилиш сабабини шундай изоҳлайди: «Бу дебочани безаб тайёрладим ва бу китоб китобатида яширин ва махфий бўлган кайфият ва кифоятини шарҳ қилдим»[3]. Бундан кўринадики, Деҳлавий девоннинг ўзига хос хусусиятларини баён қилади ва уни ўқигувчиларга бир очқич сифатида тақдим қилади.

Дебоча ҳамду сано билан бошланади, сўнг Муҳаммад пайғамбар ва халифалар мадҳи берилади. Шоир ҳамду наътдан сўнг ўзининг адабий-эстетик қарашларини кенг баён қилади. Яъни сўз ва шеър, назм ва наср, тил ва услуб, санъатлар ҳақида атрофлича фикр юритади. Шунингдек, устоз ва шогирдлик муносабати, ўз устозларига муҳаббати, асарларининг яратилиш тарихи, девон мундарижаси каби масалалар ҳам дебочада ўз ифодасини топган.

Хусрав Деҳлавий дебочасининг ўзига хос хусусиятларидан бири баёндаги жимжимадорлик, образлилик бўлиб, ҳар бир фикрни турли хил ўхшатишлар, таққослашлар орқали ифодалашга интилиш характерлидир. Иккинчидан, дебочаларда қўйилган ҳар бир масала, айниқса, шоирнинг шеър, тил, услуб ва санъатлар ҳақидаги қарашлари жуда кенг ва батафсил баён этилади. Учинчидан эса, назм ва наср қоришиқ ҳолда берилади. Шоирнинг фикрича, «... насрга доҳил бўлган ҳар бир назм насрга оройиш бўлади ва наср гўзаллигини оширади».[4] Умуман, «Ғуррат ул-камол» дебочасини илмий ва бадиий характердаги катта бир асар дейиш мумкин.

Алишер Навоий ўз лирик ижодига форс-тожик классиклари Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз ва Жомийларнинг таъсири катта бўлганлигини «Бадоеъ уд-бидоя», «Хазойин ул-маоний» дебочаларида, «Муҳокаматул-луғатайн», «Маҳбуб ул-қулуб» ва бошқа асарларида алоҳи-

---

[1] Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикской литературы. – М.: ИВЛ, 1960. – Стр. 438.
[2] Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Деҳлавий. – Тошкент: 1971. – Б. 36.
[3] Хусрав Деҳлавий. «Ғуррат ул-камол» дебочаси, ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 178, 31а – варақ.
[4] «Ғуррат ул-камол» дебочаси, ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 178, 9-варақ.

да ҳурмат-эҳтиром билан таъкидлаб ўтади. Хусусан, Хусрав Деҳлавий поэзияси ўзининг соддалиги ва бадиий гўзаллиги билан шоирнинг қалбини ўзига ром этган эди. Бу ҳақда А.Ҳайитметов шундай ёзади: «Унинг /яъни Навоийнинг/ ғазалларининг тили ва стили ўша даврга нисбатан ўз соддалиги, англашиларлиги билан ҳатто унинг ўзининг достонлари, прозаик ва илмий асарларидан ҳам яққол ажралиб туради. Бунда ҳамма форс-тожик шоирларига қараганда, айниқса, Хусрав Деҳлавийнинг роли катта бўлди. Деҳлавий ғазалларидаги бадиий соддалик, туркистоний стиль кўп ўзбек шоирларининг диққатини ўзига тортган ва бу даврда Деҳлавий ғазалларининг мухлислари бошида эса Навоий ва Ҳусайн Бойқаро турар эди»[1].

Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида ёзишича, Ҳусайн Бойқаро унга Хусрав Деҳлавий тўрт девон тузганлиги, лекин уларнинг номи маълум бўлса ҳам ўзи етиб келмаганлиги ҳақида гапиради.» Шу ўринда шоирга дастлабки икки девонини тугатгандан сўнгги даврда ёзилган шеърлари ҳам «икки девон чоғли», балки ундан ҳам ортиқроқ эканлигини айтади ва бу тарқоқ шеърларни тартибга солишни буюради: «Бир ўз асрида ганжи маънавий Мир Хусрав Деҳлавийни дерларким, султон Маликшоҳ Олп Арслон отига тўрт девон мураттаб қилмиш бўлғай ва хотимасини анинг оти билан музайял этмиш бўлғай, бу иш ул замоннинг яхши-ёмони қулоғиға етмиш бўлғай, агарчи бу сўз мазкурдур, аммо ул девонлар маъдумдур ва ул маъдумларнинг агарчи асомийси мавжуддир, аммо вужуди номаълумдир... Чун сенга тавфиқ мадад қилибтуру бу мақсуднинг ҳеч кимга йиғилмоғон моддаси йиғилибтур, тиларбизким, фурсатни ғанимат билгайсену бу муддао ҳусулига рағбат қилғайсен»[2].

Юқоридагилардан кўринадики, Навоий Хусрав Деҳлавийнинг беш девони билан таниш бўлмаган. Ҳатто бешинчи девонининг борлиги ҳам маълум бўлмаган. Бунинг сабаби қўлёзма асарларининг ўша даврда жуда қийинчилик билан тарқалишидир. Чунки қўлёзма асарларини кўчириш катта меҳнат ва маблағ талаб қилган. Бу нарса ўтмишда яратилган асарларнинг, жумладан, шеърий девонларнинг кенг тарқалишига тўсқинлик қилган. Хусрав Деҳлавий ғазаллари ўз замонасида ҳам катта шуҳрат қозонган эди. Котиблар Хусрав Деҳлавийнинг бешта девонидаги ўзларига ёққан энг яхши шеърларини кўчириб олганлар ва терма девонлар тузганлар. Бундай девонлар халқ орасида кенг шуҳрат қозонган. Шунингдек, улар Навоий даврида ҳам машҳур бўлган. Шоир «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ёзади: «Аммо ашъор тадвин қилғонлардин баъзиким, бақо мулкида фонийдурлар ва баъзиким, ҳолофано дайрида боқийдурлар - аввалги зумрадин бовужуди дард бешасининг ғазанфари ва ишқ оташгоҳининг самандари, жавоҳири маънавийси Амир Хусрав Деҳлавий ва ... Хўжа Ҳофиз Шерозий ... Мавлоно Абдураҳмон Жомий девонлари орода бўлғай» (1-т., 14-бет).

«Муҳокамат ул-луғатайн»да эса қуйидагиларни ўқиймиз: «Ўқуриға давовиндин бу фақир мутолаасига кўп машғул бўлмоғон девон оз эрмиш. Батахсис ишқ ва дард аҳлининг раҳбар ва пешрави Хусрав Деҳлавий девониким, ошиқликда дард ва ниёз, сўз ва гудоз тариқин ул мунташир қилди ва онинг ишқи машъалидин бу партав олам тийра хокдониға ёйилди»[3].

Демак, Навоий Хусрав Деҳлавийнинг Хуросонда кенг тарқалган терма девони, шунингдек, девон дебочаси билан таниш бўлганлиги шубҳасиздир. Навоий девонларига дебоча битар экан, ўз салафларининг бу соҳадаги тажрибаларига суянган, улардан кўп нарса ўр-

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: 1961. – Б. 75.
[2] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. – Т.: 1988. – Б. 14. Кейинги ўринларда ҳам шу нашрга мурожаат қилинади. Саҳифалари қавс ичида кўрсатиб борилади.
[3] Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар. 15 томлик, 14-том. – Тошкент: 1967. – Б. 121.

ганган. Шунингдек, ўз ижодий тамойилларидан келиб чиққан ҳолда уларга ижодий муносабатда ҳам бўлган.

Хусрав Деҳлавий ўз дебочасида сўз ва шеър, назм ва наср ҳақидаги, араб ва форс шеъриятининг ўзига хос жиҳатлари, шеърий услублар, устоз ва шогирдлик муносабатлари ҳамда уларнинг шартлари тўғрисидаги адабий-эстетик қарашларини турли ўхшатишлар, таққослар орқали жуда кенг баён этади. Бу масалалар талқини дебоча ҳажмининг ярмидан кўпроқ қисмини эгаллайди. Шундан сўнг шоир бевосита дебоча тасниф берилишининг сабаблари, девонларининг яратилиши ва уларнинг номланиши, «Ғуррат ул-камол» девонининг жанрлар таркиби, бу девондаги шеърларда қўлланган бадиий санъатлар ва ўзига хос хусусиятлари каби масалалар баёнига ўтади.

Навоий, албатта, Деҳлавий дебочасида қўйилган масалаларнинг ниҳоятда кенг кўламли эканлигини ва девон дебочаси доираси бу масалаларнинг баёни учун торлик қилишини яхши англаган. Шунинг учун шоир ўзининг сўз ва шеър, назм ва наср, тил ва вазн, устозлари ижодига муносабати каби қатор масалалар ҳақидаги адабий-назарий қарашларини, ўрни-ўрни билан уларнинг кўпчилигига дебочада ҳам тўхталса-да, асосан, «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мезон ул-авзон» каби асарларида батафсил баён этади. Навоий дебочада биринчи галда бевосита девоннинг яратилиши ва ундаги шеърлар билан боғлиқ масалаларни баён этишга интилади. Бу билан шоир дебочаларининг ҳажман ихчам, мазмунан етук бўлишига эришади. Зотан, Навоий дебочалари ўзининг ғоявий мазмуни, ўзига хос шакли, бадиий гўзаллиги билан диққатга сазовор бўлиб, ниҳоят даражада мукаммалдир. Бадиий ва илмий асардаги мукаммаллик эса ўз-ўзидан бунёдга келмайди. Зеро, анъаналарни чуқур ўрганмай, уларни ижодий ривожлантирмай туриб, янгилик яратиш мумкин эмас.

Форс-тожик шоири Абдураҳмон Жомий ҳам 1491 йилда Навоийнинг таклифи билан уч девонини «бир пўст ичида уч мағиз етишгани каби» бир жилдга жамлайди ва уларга дебоча ёзади.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин»да ҳикоя қилинишича, Навоий сафардан қайтаётиб Жомий зиёратига тушади. Жомий унга ўз қўли билан битилган учинчи девонини тақдим қилади. Шунда Навоий Мир Хусравдан бошқа ҳеч ким ўз шеърларидан «мутааддид» девонлар тузмаганлиги ва уларга алоҳида номлар қўймаганлигини айтиб, устоддан ўз девонларига муносиб от қўйишни илтимос қилади. Орадан икки кун ўтгач, Навоий яна Жомий ҳузурига боради. Жомий шоирнинг қўлига девонларига ёзилган дебочани тутқазади. Унда Жомий Навоийнинг таклифи билан девонларининг ҳар бирини алоҳида номлаганлигини ҳам эслатган эди.

Шунингдек, Жомий ҳам Навоийга ўзбекча шеърларидан алоҳида девонлар тузиб, уларни махсус номлар билан аташни тавсия қилади: «Сен дағи назминг туркча алфозда чун мутааддид бўлубтур, сен дағи ҳар бирини бир исм била мумтоз қил ва ҳар қайсини бир лақаб билан жилвасоз этгил»[1].

Жомий «Фотиҳат уш-шабоб» дебочасида бу воқеанинг содир бўлган вақтини 897/1491 йил, деб кўрсатади. Демак, Жомий турли йилларда тузилган уччала девонига 1491 йилда дебоча ёзган. Шуниси характерлики, дебочаларда таърих санъатини қўллайди ва девонларининг тузилган йилларини аниқ кўрсатади.

[1] Алишер Навоий. Хамсат ул-мутаҳаййирин. Асарлар. 15 томлик, 14-том. – Тошкент, 1967. – Б. 58.

Жомийнинг биринчи девони «Фотиҳат уш-шабоб»га 10 варақдан иборат дебоча ёзилган. Дебоча ҳамду наът билан бошланади. Сўнгра шоир йиллар давомида рисола ва маснавий китоблари, ижод дафтарлари, қасида ва ғазаллардан тарқоқ девонлар жамлаганлиги тўғрисида сўзлайди. Пайғамбар ҳижратига 900 йил тўлишига уч йилча вақт қолганда, яъни 897/1491 йилда Навоийнинг таклифи билан уч девонини бир жилдга жамлаганлиги ва биргаликда уларни «Фотиҳат уш-шабоб» («Ёшликнинг бошланиши»), «Воситатул иқд» («Дур шодаси ўрталиғи»), «Хотимат ул-ҳаёт» («Ҳаёт якунлари») деб аталганлиги ҳақида маълумот беради.

Сўнгра Жомий ўзининг шеърият, шоирларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида адабий-эстетик қарашларини баён қилади. Бу фикрларини шоир кўпроқ Хусрав Деҳлавий каби Қуръон оятлари билан изоҳлашга, далиллашга интилади. Кейинги ўринларда ўз тахаллусининг икки жиҳати ҳақида гапиради. Яъни шоир ўзининг Жом вилоятида таваллуд топганлиги ва Жом вилоятининг шайхулисломи Аҳмади Жом туфайли ўз шеърларида Жомий тахаллусини қўллаганлигини сўзлайди.

Дебоча сўнггида таърих ёзиб, девоннинг тузилган йилини кўрсатади. Таърихдан маълум бўлишича, девон 884/1478-1479 йилларда тартиб берилган.

Жомийнинг «Воситат ул-иқд» ва «Хотимат ул-ҳаёт» девонларига ёзилган дебочалар 2-3 варақдан иборат бўлиб, улар ҳажман жуда қисқадир. Шоир бу дебочаларда ҳамду наътдан сўнг шеърларини тўплаб девон тузганлиги, девонларнинг қачон тартиб берилганлиги, ундаги шеърларнинг ҳажми ҳақида маълумот беради.

Юқоридагилардан кўринадики, Абдураҳмон Жомий дебочалари Хусрав Деҳлавий дебочаларидан ҳажман қисқалиги ва масалаларнинг қўйилиши билан бир мунча фарқ қилади. Жомий дебочаларда, асосан, девонларининг яратилиши тарихи, уларнинг номланиши ва қачон тартиб берилганлиги, адабий-танқидий қарашлари каби масалаларни баён этишга интилади. Қисқа қилиб айтганда, Абдураҳмон Жомий дебочалари Хусрав Деҳлавийнинг девонга дебоча ёзиш соҳасидаги анъаналарининг давоми эди.

Алишер Навоий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларнинг дебоча тузишдаги хизматларини қадрлади, улардан баҳраманд бўлиб, уларнинг девонларга дебоча ёзиш анъанасини ижодий давом эттирди. Бу ўринда Хусрав Деҳлавийнинг таъсири алоҳида бўлди. Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзган дебочалари ана шу ижодий ва илмий жараённинг маҳсули эди. Шоир иккинчи девони «Наводир ун-ниҳоя»га ҳам дебоча ёзганлиги ҳақида хабар беради: «Андин сўнгра дағи ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию, ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул гулшанининг дурахшон гавҳарларин дағи иккинчи девонимдаким, «Наводир ун-ниҳоя»га машҳурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззаи асҳоб ва ажиллаи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим» (3-т., 10-бет). Лекин бу дебоча девоннинг бизга маълум нусхаларида қандайдир сабаблар билан сақланмаган.

В.Абдуллаев ва Б.Валихўжаевлар «Наводир ун-ниҳоя» девонининг Эрон шоҳи кутубхонасида сақланаётган қўлёзма нусхасида дебочанинг мавжудлиги ҳақида тахмин қилган эдилар.[1] Кейинги текширишлар шоирнинг дастхати бўлган бу қўлёзмада ҳам дебоча йўқлигини кўрсатди. Ҳозирча бизга Навоийнинг икки девон дебочаси маълум, холос.

[1]Абдуллаев В., Валихўжаев Б. Навоийнинг ўз қўлёзма девони. //Шарқ юлдузи, 1979, 7-сон. – Б.223-224 .

Профессор Э.Шодиев қўлида тахминан XVII-XVIII асрларда номаълум котиб томонидан кўчирилган Навоий девони сақланади[1]. Девоннинг 1а-12б варақларида дебоча мавжуд. Қизиғи шундаки, бу дебоча «Вақфия» асарининг 1-қисми билан деярли бир хиллиги аниқланди. Шунингдек, Самарқанд Давлат дорилфунуни кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари фондида 1260335 инвентарь рақами остида Навоийнинг «Чор девон»и сақланади. Девонда дебоча мавжуд.

Дебочани ўрганган пайтимизда, унинг таркиби икки қисмдан иборат эканлигини аниқладик. Дастлаб, «Бадоеъ ул-бидоя» девони дебочаси, сўнгра «Вақфия»нинг биринчи қисми берилади. Девондаги дебочанинг 1-варақдан 14-варақкача бўлган қисми «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасининг айнан ўзи. Фақат котиб жуда кўп сўзларни бузиб кўчирган, айрим жумлаларни тушириб қолдирган. 14-варақдан 36-варақкача эса «Вақфия» асарининг 1-қисми давом этади.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, айрим қўлёзмаларда Навоий дебочалари ўрнида бошқа асарлари дебоча сифатида берилган. Буни, бир томондан, Навоий девонларини кўчираётган котибларнинг шоир асарларига онгли ижодий муносабатда бўлганликлари билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда айрим котибларнинг етарлича саводхон эмаслигини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Шоир девонини кўчирар экан, котиб китобхонни шоирнинг биографияси билан таништиришни кўзда тутган. Шу мақсадда Навоийнинг таржимайи ҳоли ва фаолиятини маълум даражада ёритувчи «Вақфия»нинг биринчи қисмини дебоча сифатида кўчиради.

СамДУ кутубхонаси Шарқ қўлёзмалари фондидаги «Чор девон» дебочасини ҳам шу тарзда изоҳлаш мумкин.

Умуман, Навоийнинг девонларига ёзган дебочалари билан «Вақфия» асари ўртасида «қатор масалаларни ёритишда ва талқинида умумийлик ва яқинликлар» мавжудлигини ва бу масала махсус текширишни тақозо этишини адабиётшунос олим А.Абдуғафуров тўғри таъкидлаб ўтган[2].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзбек адабиётидаги дебочаларнинг юзага келишида адабий алоқаларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлди. Бу соҳадаги тажрибаларни ижодий ривожлантирган Алишер Навоий ўзбек адабиётидаги дебочаларнинг гўзал намуналарини яратди. Унинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» дебочаларининг илмий-тарихий ва адабий аҳамиятини тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

---

[1] Бу қўлёзма ҳозир Қўлёзмалар институти фондига топширилган.

[2] Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя»нинг тузилиш санаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 4-сон. – Б.6.

2-БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕБОЧАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИЛМИЙ ҚИММАТИ

Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзилган дебочалар уларда қўйилган масалалар қамровининг ниҳоятда кенглиги билан диққатга сазовордир. Улар Алишер Навоийнинг ишқ ва шеъриятга мудом ошно бўлган йигитлик даври, ўша чоғларда қоғозга туширилган «кўнгил маънилари» ва уларнинг мавзуси, устоз ва замондош шоирлар, шоирнинг улар ижодига бўлган меҳр-муҳаббати, ўз даври ҳукмдори ва унинг шоир ижодига муносабати, асарларининг яратилиш тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, шоир таржимайи ҳолининг айрим томонлари ёритилиши каби масалалардир. Бу масалаларнинг барчаси муаллифнинг ўзи томонидан баён этилади. Шоир образи ҳар икки дебочада ҳам бошидан охиригача гавдаланиб боради. Гўё баён услуби бир нафис пардаю парда ортида бутун салобати билан ҳазрати Алишер Навоий тургандек туюлади. Масалан, Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида йигитлик чоғларида ошиқлик кўчасига кирганлиги, оташин ишқ унинг бутун вужудини чулғаб олганлиги ҳақида сўзларкан, ўша даврдаги ёш ошиқнинг ботиний ва зоҳирий қиёфаси ҳам намоён бўлади: «Умрум шабистони шабоб шамълари нуридин мунаввар ва ҳаётим гулистони йигитлик гуллари атридин муаттар эрди, синн муқтазосидин табиатға ҳаво ғолиб ва ҳаво ғалабасидин табиат лаҳвға толиб эрди, кўнглаким чокидин кўксумдаги эски туганлар бир-бир аён ва кўкрагимда кесган алифлардин кўнглаким хат-хат қон, мудом май рағбати кўнгулга маҳбуб ва ҳамиша маҳбуб улфати хотирға марғуб, жоним ишқ бодасидин маст ва кўнглум бода ишқидин майпараст:

Бўлмаса оллимда гулруҳ соқий, аҳволим хароб,
Йўқ эса соқийда гулгун жоми май, бағрим кабоб»[1]

Бу парчани ўқир эканмиз, кўз ўнгимизда ниҳоятда таъсирчан, камтар ва хокисор, ўз ёрини юракдан севувчи ошиқ шоир гавдаланади. Зеро, бу хислатлар Алишер Навоий характерининг муҳим қирралари эканлиги шубҳасиздир. Умуман, матн баёни давомида бой руҳий олам эгаси бўлган Навоий характерига хос ўта таъсирчанлик, камтарлик ва хокисорлик, бадиий ижодга ташналик ва талабчанлик, мулоҳазакорлик каби хислатлар билвосита намоён бўла боради.

Дебочаларда Алишер Навоий баён қилмоқчи бўлган муҳим масалалардан бири асарларининг яратилиш тарихидир. Ҳар икки дебочада ҳам шоир бу масалага кенг ўрин беради. Маълумки, Навоийнинг илк девони унинг мухлислари томонидан 1465 йилда тузилади. Шоирнинг ўзи томонидан тартиб берилган биринчи девон «Бадоеъ ул-бидоя» бўлиб, бу девонни тузишга шоир 1478-79 йилларда киришади. 14-15 ёшларидаёқ иқтидорли шоир сифатида шуҳрат қозонган Алишер Навоийнинг ўз шеърларини тўплаб, девон тартиб бериш ишига фақат 30 ёшдан ўтгандан сўнггина киришуви унинг ниҳоятда камтарин инсон эканлигидан яна бир далолатдир.

---

[1] Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 1-жилд. –Тошкент:1987. -Б.12. Кейинги ўринларда ҳам шу нашрга мурожаат этилади ва саҳифаларни қавс ичида кўрсатиб борилади.

Алишер Навоий дебочада маълумот беришича, кўпчилик шеърларидан девон тузишни таклиф қилишган, лекин шоир уларга камтарона жавоб бериб, девон тартиб беришга шошилмаган. Қачонки, Ҳусайн Бойқаро Навоийга ўз шеърларини замон ҳодисалари туфайли йўқолиб кетмаслиги учун уларни тўплаб, девон тузиш ҳақида топшириқ бергач, шоир бу улкан ишни юз мулоҳаза билан амалга оширишга киришади.

Шу ўринда Алишер Навоий ўзи билан Хусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларни ёритишга ҳам катта ўрин берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Навоий девонларига инсон умрининг тўрт босқичига монанд тўрт хил ном берганлигини баён қилар экан, шундай ёзади: «*Умид улким, бу тўрт девонким, Султони соҳибқирон оти билан музайяндуру алқоби билан мутарраз, ҳам анинг отидек рубъи маскунда тўлғайу ҳам анинг алқобидек тўртунчи кўкка дегинча мунташир бўлғай. Шукрким, бу банда назм василасию, шеър воситаси била тамом умрумни ҳазратнинг мадҳи била кечурдим ва барча ҳаётимни анинг дуоси била ўткардим» (3- т., 19-бет).*

Бу ўринда шоир тўрт девондан иборат «Хазойин ул-маоний»нинг султон соҳибқиронга бағишланганлигини айтмоқда ва бутун умрини «ул ҳазратнинг мадҳи» ва «дуоси била ўткарган»лиги учун шукрона қилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Бу руҳ дебочаларнинг бошидан охиригача сингдирилгандир. Бунинг сабаби, биринчидан, ўтмиш адабиётдаги анъанавий одат билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, шоирнинг Ҳусайн Бойқарога бўлган чексиз ҳурмат ва эҳтироми туфайлидир.

Алишер Навоийдек мутафаккир шоирнинг мамлакат ҳукмдорига нисбатан бундай муҳаббатининг боиси нимада эди? Бу саволнинг жавоби Ҳусайн Бойқаронинг ижтимоий, маданий фаолияти, хусусан, ижобий фазилатлари, шеърий диди кабилар билан боғлиққи, бу масалаларнинг кўп жиҳатлари дебочаларда ўз аксини топган.

Темурий шоҳ ва шаҳзодалар орасида бадиий адабиётга, айниқса, шеъриятга қизиқиш кучли бўлган. Уларнинг кўпчилиги бадиий ижод билан шуғулланган. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро ҳам туркий тилда ниҳоятда содда, равон ва гўзал ғазаллар битган. Унинг туркона девонини Алишер Навоий юксак баҳолайди. Бу даврда ўзбек шоирлари ҳам, асосан, форс-тожик тилида ижод қилар экан, улар орасида туркий тилда «гўзал, мазмундор асарлар яратиш мумкин эмас» деган фикрнинг таъсири кучли эди. Шунинг учун Ҳусайн Бойқаро ўзбек тилининг мавқеини ошириш мақсадида туркигўй шоирларни ўз она тилларида ижод қилишга чақиради. Бу ҳақда ҳатто махсус фармонлар ҳам берадики, «Муҳокамат ул-луғатайн»да Навоий буни шундай баён қилади: «*Ва илтифот ва эҳтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилурға ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубиға таъйинлар ва адосиға таълимлар ҳам изҳори бўлди*»[1].

Ҳусайн Бойқаро ўзининг насрий асари - рисоласида Алишер Навоий ўз асарларини она тилида ёзиб, «турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси билан руҳ»[2] киритганлигини зўр мамнуният билан сўзлайди. Туркий тилда яратилган «Хазойин ул-маоний», «Хамса» асарларини юксак баҳолайди.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоий лирик меросининг айниқса, ғазалларининг бизгача етиб келишида жуда катта роль ўйнаган. Бу нарса «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» дебочаларининг мазмунидан яққол англашилиб туради.

---

[1] Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик, 14-том. –Б.130.
[2] Ҳусайн Бойқаро. Девон, Рисола. - Тошкент: 1968. - Б. 161.

Умуман, дебочаларда Ҳусайн Бойқаронинг Навоий шеъриятига муносабатининг икки муҳим қирраси ёрқин акс этади. Хусайн Бойқаро, бир томондан, шоир шеърларининг тарқоқ ҳолда йўқолиб кетмаслиги учун уларни бир жойга тўплаб девон тузиш ҳақида топшириқ берган ва моддий ҳамда маънавий кўмак берган ҳолда топшириқнинг бажарилишини доимий равишда назорат қилиб борган. Иккинчи томондан, Ҳусайн Бойқаро Навоий ижоди, айниқса, шеърияти билан бевосита ва мунтазам равишда машғул бўлган, шеърларини ўқиб, уларга айрим тузатишлар киритган, адабий мажлисларда юксак баҳо берган.

«Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида хабар берилишича, Ҳусайн Бойқаро Навоийни «фасоҳат мулкининг соҳибқирони» , деб атайди. Шоир шеъриятига юксак баҳо берган шоҳ унга тарқоқ ҳолдаги илк лирик шеърларини тўплаб девон тузиш ҳақида топшириқ беради ва бу дебочада шеърий усулда қуйидагича баён қилинади:

Тиларбиз бу паришон бўлса мажмуъ
Равон бўлким, эмастур узр масмуъ.

Чу олий ҳиммaтимиз бўлди мойил,
Сен ўлдунг мунча нодир сўзга қойил.

Бу навь истайдур эмди ройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли.

Чу билдинг ҳукм, бор иштин ружуъ эт,
Равон мақсуд сори-ўқ шуруъ эт.

Мураттаб қилмағунча тинма бир дам,
Сўз ўлди мухтасар, валлоҳу аълам (1- т.,19-бет).

Бу жиддий ва масъулиятли топшириқни бажариш Навоий наздида катта қийинчиликлар билан боғлиқ эди. Бу қийинчиликлар шоир дебочада таърифлаган девоннинг ўзига хос хусусиятларига бориб тақалса керак, яъни девондаги шеърларнинг араб-форс алифбосидаги 32 ҳарфнинг барчасида бўлишини, ҳар бир ҳарф ғазалиётининг, шунингдек, бутун девоннинг композицион мукаммаллигини таъминлаш, умуман, ўзига хос девон яратиш улкан меҳнат ва машаққат талаб этарди. Ниҳоят, жуда катта меҳнат эвазига шоҳ ҳукми бажарилиб, девон яратилди – «шаҳ ихтимоми» туфайли «қасри олий» бунёдга келди:

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий
Ки, ҳаргиз ўлмағай, ё раб, заволи.

Биноедурки, шаҳ бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш.

Ани шаҳ ихтимоми қилди маъмур.
Мани меъмор фарз эт, балки музду.

Ҳамул садким, Сикандар қилди маъмур,
Ким айтурким, анга ким эрди музду.

Иморат саъйида ким бўлса зарпош.
Бино онинг оти бирла бўлур фош.

Биноға гарчи ҳар ким бўлса боний,
Атарлар боний исми бирла они.

Ва лекин халқ аро бу бўлди дастур,
Ки бўлғай анда боний исми мастур.

Шаҳ отин, чунки бу маънини билдим,
Бу қаср айвони узра сабт қилдим» (1- т.,23-24-бетлар).

Бу ўринда Навоий тугалланган девонни шоҳнинг доимий диққат-эътибори туфайли бунёдга келган қасрга ўхшатади. Иморатнинг тикланишида ким бош бўлса, бино ўша кишининг номи билан аталади. Шунга кўра, Навоий «бу қаср айвони узра» «шаҳ отин» сабт этади. Ўта муболағали услуб билан ифода этилган бу фикр, бир томондан, Навоийнинг ниҳоятда хокисор ва камтарин инсон эканлигини билдирса, иккинчи томондан, девоннинг тартиб берилишида Ҳусайн Бойқаронинг анчагина роли бўлганлиги учун шоирнинг унга нисбатан чексиз ҳурмат ва муҳаббатини ҳам ифода этади. Навоийнинг дебочани тузишдан мақсади девонни тузиш тарихи ва унинг ўзига хос тартиб-қоидаларини баён этишдан иборат. Шу билан бирга, девон тузиш ишининг бошида турган, девоннинг яратилишида – «қасри олий»нинг бунёдга келишида маънавий ёрдам берган Ҳусайн Бойқаронинг номини боқий қолдиришдир: «*...мақсад бу дебочадинким, бу раъно рухсориға битилди, ул эрдиким, чун салотиндин қай бириким биное қўйубдурлар маниъ ва айвоне чекибтурурлар рафиъ, ул бино равоқида ва ул айвон тоқида ўз ишларин таҳрир ва ўз алқобларин танқир қилибдурурларким, то ул айвон тоқи бўлғай, ул исм ила боқий бўлғай:*

Ким қилса иморатеки, мақдур ўлғай,
Чун исми китобасида мастур ўлғай.
Не чоққача ул биноки маъмур ўлғай,
Ул исм улус тилига мазкур ўлғай» (1-т., 23-бет).

Навоий девон тартиб бериш тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятларини Ҳусайн Бойқарога бўлган чексиз эҳтироми ва садоқати пардасига ўраб, образли тарзда баён этади.

Шоир дебочада девонни тартиб бериш жараёнидаги ўзига хос жиҳатларни, яъни девон тузиш тамойилларини баён этишга алоҳида тўхталади. Навоий ёзади: «*Бу девон, ишооллоҳ, бу зобита билаким мазкур бўлур, мураттаб бўлғай, иҳё топгай. Неча навъ ишким, мунда маръий бўлубтурур, ўзга давовинда кўрулмайдурур» (1-т., 21-бет).*

Фақат Навоий девони учун хос бўлган ва бошқа девонларда учрамайдиган хусусиятлар шоирнинг девон тузиш тамойилларини белгилаб беради. Биринчи тамойил, Навоийнинг ёзишича, «*Аввал будурким, ҳар кишиким, девон тартиб қилибдурур, ўттиз икки ҳарфдинки, халойиқ иборатида воқеъдурур ва улус китобатида шойиъ тўрт ҳарфға таарруз қилмайдурурлар. Чун сўз аруси назм ҳаридининг матбуъ кисватин ва мавзун хилъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққаи ёқути даги ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртиға нуқсон воқиъ бўлса, муқаррардурким, жамолиға андин қусур ва каломиға андин футур воқиъ бўлғусиду Бу*

навъ хаёле хотирға келган учун ҳар ҳарф ғазалиётининг аввалғи ғазалини ё Тангри таоло ҳамди била муфаттаҳ, ё бир мавъиза билаким, бу икки ишдин бирига дол бўлғай, муваззаҳ қилинди» (1-т., 21-бет).

Кўринадики, Навоий девон тузишда унинг умумий композициясига катта эътибор беради, шу билан бирга, ҳар бир ҳарф ғазалиёти композициясининг ҳам мукаммал бўлишини таъминлайди. Яъни биринчидан, девоннинг, иккинчидан, ҳар бир ҳарф ғазалиётининг дастлабки ғазаллари ё Тангри таоло мадҳияси билан, ё Муҳаммад пайғамбар мақтови билан бошланади, ёхуд орифона руҳдаги ғазаллардан таркиб топади.

Ҳар бир шоир ўз ғоя ва қарашларини китобхонга етказиш мақсадида энг тез тарқаладиган, энг халқчил жанрга мурожаат қилади. Навоий учун кенг халқ оммасига маъқул ва манзур жанр ғазал эди. Шоир ўзининг одам, олам ҳақидаги пантеистик қарашларини ҳам шу халқчил жанрда беришга интилди. Бундай характердаги ғазалларини ўз дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда девон бошида ва ҳар бир ҳарф ғазалиётининг аввалида жойлаштиради.

Дебочада таърифланган учинчи тамойил Навоий ғазалиётининг мавзу доираси билан боғлиқдир. Шоир дебочада ёзади: «*Яна бир буким, гўйиё баъзи эл ашъор таҳсилидин ва девон такмилидин ғараз мажозий ҳусну жамол тавсифи ва мақсуд зоҳирий хатту хол таърифидин ўзга нима англамайдурурлар. Девон топилғайким, анда маърифатомиз бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ асру беҳуда заҳмат ва зойиъ машаққат тортилған бўлғай. Ул жиҳатидин бу девонда ҳамду наът ва мавъизадин бошқа ҳар шўрангиз ғазалдинким, истимоъи маҳвашларға мужиби саркашлик ва ғамкашларға боиси мушаввашлиқ бўлғай, бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъизатосо байт иртикоб қилинди...» (1-т., 21-бет).*

Ўтмиш шоирлар ўз ғазалларини, асосан, ишқ-муҳаббат мавзусида яратганлар. Зеро, «ғазал хотин-қизларга нисбатан бўлган севги мавзусидаги лирик шеърдир»[1]. Шу билан бирга, таркибига жамият масалалари ҳақидаги ижтимоий фикрлар сингдириб юборилган ишқий ғазаллар ҳам яратилди. Жумладан, Лутфий ижодидаги жуда кўп ғазаллар таркибида ўзи яшаб турган замонадан норозилик туйғулари ифодаланган байтлар учрайди. А.Ҳайитметов «Навоий лирикаси» китобида бундай байтларни лирик чекиниш деб атайди[2].

Ўтмишдаги айрим шоирлар ижодида, асосан, мавзудан юқоридагидек четга чиқиш ҳоллари учраса-да, лекин соф ижтимоий, дидактик характердаги яхлит ғазаллар яратилмаган эди.

Навоий биринчи галда инсоний севгини улуғловчи ғоявий, бадиий юксак ғазаллар яратди. Зеро, шоир ғазалларининг тўртдан уч қисмидан кўпроғини ишқий ғазаллар ташкил этади. «Ишқ мавзуси Навоий лирикасида бошқа мавзулар учун асосий фон, баъзан баҳона ёки парда вазифасини бажаради. У ўзининг ҳар қандай фикрини шу масалага боғлаб ифодалайди ва илгари суради»[3].

Шу билан бирга, Навоий ғазалларида ўз даврининг муҳим масалаларини қаламга олди ва ишқий ғазаллар билан биргаликда фалсафий, ижтимоий ва дидактик характердаги яхлит ғазалларнинг энг гўзал намуналарини яратди ва ўз девонининг композицион-мавзу жиҳатдан мукаммал бўлишига эришди. Юқоридаги қайдда шоир ана шуларни таъкидлайди.

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1961. –Б. 61.
[2] Ўша асар. –Б. 99.
[3] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: ЎзФА нашриёти 196. –Б. 99.

Алишер Навоий мазмун ва шакл бирлиги масаласига катта эътибор берадики, бу дебочада таърифланган тўртинчи тамойилдир. Навоийнинг фикрича, мазмун биринчи ўринда туради. Шу билан бирга, мазмунни ифодаловчи шакл ҳам маънога мос бўлиши лозим. Шоир дебочасида ёзади: «*Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидимким, шойиъдурур, тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар. Ва агар аҳёнан матлаъе махсуснавъда воқиъ бўлған бўлса, ҳамул матлаъ услуби била итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдурурлар, балки тугангунча агар бир байт мазмуни висол баҳорида гулоройлиқ қилса, яна бири фироқ хазонида хорнамойлиқ қилибдурур. Бу сурат дағи муносабатдин йироқ ва мулояматдин қироқ кўрунди. Ул жиҳатдин саъй қилиндиким, ҳар мазмунда матлаъе воқиъ бўлса, аксар андоғ бўлғайким, мақтаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушкай» (1-т., 22-бет).*

Маълумки, форс-тожик классиклари ҳамма вақт ҳам ғазаллардаги барча байтларнинг мазмун жиҳатдан боғланишига эътибор беравермаганлар, бу ҳол ўз даврида камчилик саналган эмас. Лекин Навоий ўзидан олдинги даврда яшаб ижод этган шоирлар ижодидаги бу ҳолатни танқид қилади. Шоирлар ғазални бошдан-оёқ матлаъ услуби билан тугалламайдилар, балки бир байтда висол баҳори гул очса, иккинчи бир байтда фироқ хазони ҳукмрон. Навоийнинг фикрича, бу мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун Навоий ғазалнинг матлаъсидаги мазмунни мақтаъгача ривожлантириб, давом эттиришга, байтларнинг шакл жиҳатдан ўзаро мувофиқ ва маънога мос ҳамда изчил бўлишини таъминлашга ҳаракат қилди. Бу Навоийнинг ғазал поэтикаси соҳасидаги муҳим новаторлиги эди.

Ва ниҳоят, дебочадаги бешинчи тамойил девоннинг жанрлар мундарижасига алоқадордир: «*Яна маснавий била қасойиддин бошқаким, иншооллоҳ, алар дағи ҳар қайси бошқа мужаллад бўлғай, ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойид ул-ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонликда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмокда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мафтунлуғи зоҳир; ва барча мусалсал таржиълар, барча марғуб; ва муътадил туюғлар, барча туркий услуб бу абёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял бўлди» (1-т.,22-23 бетлар).*

Навоий бу ўринда ҳар томонлама мукаммал бўлган девоннинг жанр мундарижасини бермоқда. Навоийгача бўлган ўзбек шоирлари кўпроқ ғазал жанрида ижод қилганлар Атойи, Саккокий, Гадоий, Лутфий девонларида ғазалдан бошқа мустазод, рубоий, туюқ, қитъа жанрларидаги шеърлар учрайди, холос. Навоий эса «Бадоеъ ул-бидоя» девонига лириканинг 11 жанрдаги нодир намуналарини киритади. Бу билан шоир ўзбек адабиётидаги лириканинг жанр жиҳатдан ранг-баранг бўлишини таъминлади. Бу анъана Навоийдан кейинги давр шоирлари ижодида ҳам давом эттирилди. Масалан, Мунис, Огаҳий каби шоирлар ўз девонларининг жанр жиҳатдан ранг-баранг бўлишига эришганлар.

Умуман, Алишер Навоий ўз девони дебочасида асосий масалалардан бири – девон тузиш тамойилларини ҳам илмий, ҳам образли тарзда баён этади. Навоийнинг юқоридаги қайдларини чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш шоирнинг илмий ва бадиий ижод соҳасидаги новаторлигининг муҳим қирраларини очиб беради. Шоир девонидаги шеърларни чуқур ўрганишда эса зарур кўрсатмалар вазифасини бажаради.

Дебочаларда қўйилган масалалардан яна бири Навоийнинг ўз салафлари ва замондош шоирлар ижодига бўлган муносабатидир.

Маълумки, Алишер Навоий Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий ва Абдураҳмон Жомийларни шеъриятдаги буюк салафлари сифатида кўп асарларида эҳтиром билан тилга олади. Жумладан, форс-тожик адабиётининг бу уч буюк вакилига бўлган ҳурмат-муҳаббатини шоир «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ҳам баён қилади. Навоийшунос олим Ё.Исҳоқов «Навоийнинг илк лирикаси» номли тадқиқотида[1] шоирнинг салафлари ижодига муносабатини алоҳида масала сифатида текширади. Олим Навоий, бошқа асарлари қатори «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида салафларининг ўз ижодига таъсири ва бу таъсирнинг энг муҳим қирраларига эътиборни қаратганлигини тўғри таъкидлаб ўтади.

Алишер Навоийнинг туркигўй шоирлар ва уларнинг ижодига баҳолари, мулоҳаза ва фикрлари кўпгина асарларда ўз ифодасини топган. Жумладан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида форс-тожик адабиётидаги салафлари билан биргаликда туркигўй шоирлар ижоди ҳақида ҳам тўхталади, уларнинг шеъриятидаги муҳим хусусиятларни қайд этади.: «*Ва уйғур иборатининг фусаҳосидин ва турк алфозининг булағосидин мавлоно Саккокий ва мавлоно Лутфий раҳимаҳумоллоҳким, биринг ширин абёти иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиёти интишори Ироқу Хуросонда бениҳоятдурур ҳам девонлари мавжуд бўлғай» (1-т.,14-бет)*. Бундан ташқари, яқин дўсти, шоир Амир Шайхим Суҳайлийни ҳам ўз салафлари қатори тилга олиб, унинг форс-тожик ва туркий тиллардаги шеърларининг ўзига хос хусусиятига диққатни жалб этади ва уларни юксак баҳолайди.

«Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида туркигўй шоирларга берилган бу баҳолар, ўз навбатида шоирнинг кейинги даврларда ёзилган асарларида ривожлантирилиб, мустаҳкамланиб борилади. Лутфий, Саккокий, Амир Шайхим Суҳайлийлар ижоди ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни шоирнинг «Мажолис ун-нафоис», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Муҳокамат ул-луғатайн» каби асарларда ҳам учратамиз.

Дебочаларда маълум даражада даврнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид чизгилар ҳам мавжуд.

Маълумки, 1469 йилда Абусаид Мирзо Озарбайжонни ўз тасарруфига киритиш учун олиб борилган жангларнинг бирида ҳалок бўлади. Ҳирот тахтига Абусаидга қарши кўп йиллар кураш олиб борган Ҳусайн Бойқаро ўтиради. Худди шу сиёсий воқеани шоир дебочасида шундай баён қилади: «*... то рўзғор ҳаводиси ул жаҳондор салтанати асосин барҳам урди ва ел таҳарруклук сипеҳр ул комгор шамъи ҳаётин учурди, мулкистонлиқ тахти бир шаҳаншоҳ мақдами била тафохур қилдиким, саодат ахтари тожининг гавҳари бўлмоқлик била бошин кўкка еткурди...» (1-т.,15-бет.).*

Бундай ўринлар «Хазойин ул-маоний» дебочасида ҳам мавжуд. Ҳусайн Бойқаро Навоийга шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида топшириқ берар экан, Хусравнинг тўрт девонини эслатиб, шундай дейди: «*Бу тўрт девони замон аҳлидин меҳру вафо ва инсофу муруввatдек нобуд» (3-т.,14-бет).* Шоир бу ўринда замона кишилари ўртасида меҳру вафо, инсоф ва мурувват каби инсоний муносабатларнинг йўқолганига ишора қилмоқда.

Алишер Навоий ўз таржимайи ҳолини махсус ёзиб қолдирмаган. Лекин унинг деярли барча асарларида шоир ҳаёт йўлини ёритувчи маълумотлар мавжуд. Шунинг учун ҳам Навоий замондошлари асарлари билан биргаликда шоирнинг ўз асарлари ҳам унинг ҳаёт йў-

[1] Исҳоқов Ё. Навоийнинг илк лирикаси. –Тошкент: 1965.

лини бирмунча тўлиқроқ тасаввур қилиш имконини беради. Жумладан, дебочаларда ҳам шоир ҳаётининг айрим қирраларини ёрқинлаштирадиган ўринлар бор.

«Ишқ бодасидин маст ва бода ишқидин майпараст» шоир юрагидаги барча ҳис-туйғуларини, кечинмаларини қоғозга тўккан ва бу «маънилар» кўпчиликка манзур бўлган, турли табақа вакиллари орасида шуҳрат тутган. Шоир шеърларининг биринчи галдаги мухлислари халқ эди. Шунингдек, замонанинг «азим уш-шаън шаҳзодалари» ҳам унинг ижодига катта муҳаббат билан қараган. Бу ўринда шоир Абулқосим Бобурдан аввал қисқа вақт подшоҳлик қилган[1] темурий шаҳзода Муҳаммад Султонни тилга олиб, уни мадҳ этади. Маълум бўлишича, Муҳаммад Султон ёш Навоий ижодига катта эътибор билан қараган. Навоий шеъриятининг ана шу мухлислари томонидан шоир ғазаллари бир қанча нусхаларда кўчирилган ва халқ орасида кенг тарқалган эди: «*Хусусан, салтанат ганжининг дурри самини ва қаноат кунжининг хокнишини, илму зако аҳлининг ягонаси ва фақру фано хайлининг бенишонаси итик зеҳни дақойиқ ришталарининг гириҳкушойи ва ариғ табъи ҳақойиқ чеҳраларининг пардарабойи*

Табъи дарвишу ўзи шоҳнишон,
Шоҳи дарвиш Муҳаммад Султон

абқол-лоҳу канза фаноиҳи ва адома изза ғиноиҳиким, матлаъе ё ортуқроқ, ё тамом ғазал тилим хомаси тақририға келса эрди, ё хомам тили таҳрир қилса эрди, филҳол ани мушкбор қалам бирла кофуркирдор сафҳаға рақам қилиб, оқу қарони андин махтут қилур эрди ва яна ҳам анга қаробат ҳисоблик тезфаҳм шаҳзодалар ва мусоҳиб интисоблиқ хуштабъ мирзодалар мутаддид савод қилиб, сойир улусға ёйилур эрди» (1-т.,13-бет).

Навоий юқорироқда ёшлик ва йигитликдаги шеърий ижодининг қизғин палласи Абусаид Мирзо ҳукмронлиги даврига тўғри келганлиги ҳақида маълумот берар экан, шундай ёзади: «*... ул чоғким Хуросон тахти кўрагонлиқ дувожи ила зийнатафзой ва Кўрагон фарқи жаҳонбонлиқ тожи била фалакфарсой эрди» (1-т.,12-бет).*

Демак, Навоий дебочаларда қайси темурий ҳукмдор ва султонлар даврида яшаб, ижод қилганлиги ҳақида ҳам хабар беради.

Дебочаларда шоир ўзи билан Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатларни ёритишга катта ўрин беради. Бу масалага девонларнинг яратилиш тарихини баён қилиш муносабати билан қайта-қайта тўхталади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки шоир девонларининг бунёдга келишида шоҳ ва шоир Ҳусайн Бойқаронинг роли беқиёс бўлган.

Алишер Навоийда бирор асарини яратиш ҳақидаги фикр бирдан туғилмаган. Масалан, Низомий ва Хусрав Деҳлавийларнинг «Хамса»сига жавобан асар яратиш фикри шоирнинг хаёлини ёшлик чоғларидан банд этган:

Бурундан чу кўргуздингиз ёрлиқ,
Басе етти сиздан мададкорлиқ.
Кичик эрконимдин бўлиб қошима.
Улуғ муддао солдингиз бошима.

[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: 1983. –Б.29-30.

Узоқ вақтлар давомида «Хамса» достонидаги масалаларни ҳар томонлама ўйлаб, пишитиб юрганлиги учун ҳам бу улкан асарни жуда қисқа муддатда – икки йилда ёзиб тугатади. Шунингдек, Навоий барча шеърларини жамлаб, маълум композицияга эга бўлган шеърий тўплам тузиш фикри 80-йилларнинг ўрталаридаёқ пайдо бўлган эди. Буни «Хазойин ул-маоний» дебочасидан олинган мана бу парча ҳам тасдиқлайди: «*Ва бу авқот мобайнида (яъни «Хазойин ул-маоний» яратилаётган давр мобайнида – Ф.К.) ҳар миқдорким, фурсат топтим, хоҳ «Хамса» назмидину хоҳ «Назм ул-жавоҳир» ва «Мажолис ун-нафоис» у «Зубдат ут-таворих» ва сойир таснифлар иштиғолидин ҳам ул ҳазрат дуойи давлатиға авқотимни сарф қилдим»*[1].

Маълумки, юқорида тилга олинган «Хамса» 1483-85 йилларда, «Назм ул-жавоҳир» 1485 йилда, «Мажолис ун-нафоис» 1490-91 йилларда яратилган. Навоийнинг ўз маълумотига кўра, шоир ўз асарларини яратиш жараёнида ҳам улкан шеърий тўпламга кирувчи шеърларини тўплаш, уларни девонларга ажратиш, таҳрир қилиш, тузатиш, янгиларини ёзиб қўшиш борасида ҳам иш олиб борган. Ниҳоят, шеърий тўплам тузилишини пухта ўйлаб пишитгандан сўнг 1492 йилда уни тартиб беришга киришади.

Алишер Навоий шеъриятининг улкан тўплами «Хазойин ул-маоний» нинг яратилишида ҳам Ҳусайн Бойқаронинг хизмати катта бўлган. Бу ҳақда дебочада шоирнинг ўзи далолат беради.

1480 йилдан то умрининг охиригача Алишер Навоий учун ниҳоятда сермаҳсул давр бўлди. Бу даврда замонанинг турли-туман ҳодисалари гувоҳи бўлган, турмушнинг аччиқ-чучукларини тотиб кўрган шоир кўнглидаги дардларини қоғозга тўкиб солади. Шу йўл билан кўнгли бир оз ором топади. Шоир шу тариқа оз вақтда кўп шеър айтилганлигини таъкидлар экан, улар «икки мураттаб бўлғон девонлардин» «адади аксар» эканлигини айтиб, уларни тўплаб, девон тартиб беришни ўйлайди. Лекин шу даврга келиб, Навоийнинг соғлиғи ёмонлаша бошлайди. Чунки замонанинг турли-туман ҳодисалари, саройдаги фисқу фужурлар, фитналар ва улкан ижодий меҳнат Навоийга ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қаттиқ таъсир қилган, ниҳоятда заифлашган эди. «*Чун ул тарихдин муддате ўттию ул вақтдин фурсате аро кирди, фалак ҳаводисининг ул қатиғ эсадурғон сарсари таскин тутган ва ул ранжу ташвишдан йиллар ранжурлуқ тортқан тандек, балки жонидин маҳжур қолған баландек чиқтим, набзимға ҳаракат маъдуми нафасимнинг кирар-чиқари номаълум, таним ўн қатла андин, заифроқким нол ва кўнглум бир замон ўз ҳолида бўлса, яна ўн соат беҳол» (3-т.,11-бет).*

Худди шу пайт Ҳусайн Бойқаро Навоийга барча шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида топшириқ беради: « – *Эй қадимий бандайи хосу эй бойирий ходими зовий ул-ихтисос, бурунғи икки девонким, бизнинг ҳукми хитобимиз била мураттаб қилдинг. Андин сўнгра йиғилғон ашъорингу назм риштасиға тортилғон дурри шаҳворинг адади бурунғи девонлардан ортқан чоғлиғдур ва бу латофати хўблар ва малоҳати симоти маҳбублар била яна икки девон тартиб берса бўлурдек маълум бўладур. Эмди авло будурким, бу ғариб ишга кўнгул келтиргайсен, балки ҳукм эрурким, бу ажойиб амрға ҳома сургайсену тафаккур хилватгоҳида хаёл шўху раънолар била базм тузгайсен ва то фалак гардиш қилур башар жинсини хаёлига келмаган аъжубани элга кўргузгайсен» (3-т.,13-14-бетлар).* Ҳусайн Бойқаро «назм

[1] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-жилд. – Тошкент: Фан, 1988.- Б.19-20. Кейинги ўринларда ҳам шу нашрга мурожаат қилинади ҳамда жилд ва саҳифалар қавс ичида кўрсатиб борилади.

ҳариминнинг хосларию шеър баҳрининг ғаввослари» дан ҳеч бири бундай катта ёдгор қолдирмаганлиги, фақат Амир Хусрав Деҳлавий султон Маликшоҳ Алп Арслонга бағишлаб тўрт девон тартиб берганлиги, лекин уларнинг етиб келмаганлиги ҳақида гапириб, Навоийни ўз шеърларини жамлаб, тўрт девон тузишга даъват этган: «*Чун сенга тавфиқ мадад қилиптуру бу мақсуднинг ҳеч кимга йиғилмаған моддаси йиғилиптур, тиларбизким, фурсатни ғанимат билгайсену бу муддао ҳусулиға рағбат қилғайсен» (3-т.,14-бет).*

Шоҳ буйруғини эшитган шоир унга ўз аҳволини баён қилади: *«Агарчи маразимға сиҳҳат умиди пайдо бўлуптур, аммо ҳануз ғизо била шарбатким, ичилур, ейилур, мисқол тарозуси била тортилур ва тонгдин ақшомғача соат шишасиға кўз тикилур ва агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлуптур, аммо ҳануз бузуғ кошонамдин чиқарға қўпмоқ тиласам, осилган идбори анкабут торлари дастгирим бўлиб мадад еткармагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатқа мақдур, балки имкон йўқдур... (3-т.,15-бет).*

Умрининг сўнги йилларида катта ташвишлар ва оғир ижодий меҳнатлар туфайли хасталикка чалинган шоирга шоҳ топшириғини бажариш «душвор иш» бўлиб туюлади. Чунки барча шеърларини тўплаб, тўрт девонга жойлаштириш жуда катта меҳнат талаб қилувчи машаққатли иш эди. Шунинг учун шоир бу ишни бажариш давомида ўзига диққат-эътибор ва кўмак зарурлигини айтиб, шоҳга мурожаат этади. Бунга жавобан Ҳусайн Бойқаро, дебочада таъкидланишича, Навоийни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, моддий ва маънавий ёрдам беришга тайёр эканлигини баён қилади: «...*Андоқки бурунғи икки девоннинг такмилида риоятдин ҳеч навъ тақофул воқиъ бўлмади ва раҳномолиғу иноятдин ҳеч турлуг такосул суврат боғламади, эмди дағи ҳамул дастур бирла, балки андин ҳам афзунроқ, аҳволингдин хабар тутулғусидир ва ҳар оз вақтда сарвақтингға етилгусидур. Чун заъфи ҳолинг бизга зоҳиру пайдодур, шафқату банданавозлиғлар била равшану ҳувайдодур, марҳамату навосозлиғлар била мушкилинг бўлса ҳал қилинғусидур» (3-т.,16-бет).*

Ҳусайн Бойқаронинг бундай жавобидан руҳланган Навоий «ўтган айёмда» ва «кечкан ҳангомда битилган паришон гавҳарларни такмил риштасига тортмоқ била» машғул бўлади. Шоир фақат аввал ёзган ғазалларини жамлаб, уларни кўздан кечириш, айрим тузатишлар киритиш билангина кифояланмайди. Балки яна янги ғазаллар битиб, улар ёнига қўшади. Шу тариқа йиғилган ғазалларини Султони соҳибқирон ҳузурига етказади. Маълум бўлишича, шоҳ саройидаги адабий йиғилишлар «олий мажлис» деб юритилган. Навоий «Муншаот» даги хатларидан бирида «Хазойин ул-маоний» нинг мусаввадасини суҳбатдошлар фахри бўлган Мавлоно Соҳиб орқали «олий мажлис»га юборганлигини баён қилади: «Ул сабабдин маҳфарус-савоҳиб Мавлоно Соҳибни қуллуққа йиборилди ва ул мусаввадасини олий мажлисқа еткурсун дейилди».

Саройда ўтказиб туриладиган олий мажлисларда Саъдий, Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий каби классик шоирларнинг ғазаллари ўқиб, шарҳланган, уларнинг бадиияти юзасидан мубоҳасалар юритилган. Шу билан бирга, замондош шоирларнинг етук асарлари ҳам доимий равишда ўқиб, таҳлил қилинган, кўпчиликнинг, жумладан, Ҳусайн Бойқаронинг таҳсинига сазовор бўлган. Бу ҳақда шоир «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ёзади: «Ва дурарбор тилига мажолисда баъзи ғазалиётим мастур бўлур эрди» (1-т.,7-бет).

Шуниси диққатга сазоворки, Ҳусайн Бойқаро Навоий шеърларини ўқиш, улардан чексиз завқ олиш билангина чегараланиб қолмаган, уни кузатиб борган. Шоирнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний»га кирган шеърларини доимий тарзда ўқиб таҳлил қилган.

Навоийнинг «Мажонис ун-нафоис» асарининг сакизинчи мажлисига илова тарзида келтирилган Хусрав Деҳлавийнинг байти билан боғлиқ баҳони эсга оладиган бўлсак, Ҳусайн Бойқаронинг шеърий диди ва заковати нақадар юксак эканлигининг гувоҳи бўламиз. «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида далолат берилишича, Ҳусайн Бойқаро 70-йиллардаёқ Навоий шеърларининг таҳрири билан шуғулланган. У байтлардаги «бирор номуносиб лафз» га ёки «бирор» ноҳанжор байтқа хат уруб», улардаги баъзи нуқсонларни бартараф қилган:

«*Ва гоҳи иборатим қусурин тағйир бермак била айбдин мубарро ва гоҳи маонийим футурин ислоҳ қилмоқ билан нуқсондин муарро қилур эрди. Баъзи байтимдин бирор номуносиб лафзни чиқориб, бир даста субҳа ичра бир дурри шаҳвор тортқондек бирор лафз киюрур эрди ва баъзи ғазалларимдин бирор ноҳанжор байтқа хат уруб, бир бузуғ дашт ичра бир қасри зарнигор ясағондек, бирор байтға дахл берур эрди» (1-т., 17-бет).*

Бу маълумот Ҳусайн Бойқаронинг ўша даврдаёқ шеър илми масалаларидан чуқур хабардор бўлган иқтидорли шоир эканлигидан дарак беради.

Ҳусайн Бойқаро «Хазойин ул-маоний»даги шеърларини ҳам шоҳ сифатида, ҳам шоир сифатида кўздан кечириб, уларнинг айримларига ислоҳлар киритган, яъни ғазалларнинг маъно томонидан ёки бадиий санъатларнинг қўлланиши жиҳатидан «бетакаллуфлуқ» ва «номуносиблиғ» кўрса, уларни бартараф қилган: «*Айтилган абёт барча латойифосор ва сабт бўлган ашъор барча заройифшиорким, эллик, олтмиш ёки юз ғазалға яқин йиғилса эрди, ҳазрати Султон соҳибқироннинг фирдавсосо суҳбатидаву сипеҳрфарсо ҳазратида ҳозир қилиб арзға еткурур эрдим ва ул ҳазрат аларға шафқат юзидин боқиб, қайси маъно шўхинингким таркиби хилъатида ва алфози кисватида бетакаллуфлуқ кўрса, ўз ганжинайи замири хизонасидин муносиб алфоз била ул либосларға тағйир бериб ва алфоз кисватида санойиъ жавоҳиридин номуносиблиғ маълум қилса, ўз хизонаи хотираи ганжхонасидин ёқуту лаъли рангин ва гавҳару дурри самин била ул зебу зийнатқа табдил еткуруб, ҳар ғазални тартиб юзидин ўз ўрниға рақам қилур эрди» (3-т.,17-18-бетлар).*

Юқоридаги маълумотларни «Муншаот»даги қатор мактублар ҳам тасдиқлайди. Масалан, 30-мактубда «Паришон назмларидин бир жуз тобуқта юборилди. Чун муборак назарлари тушгай-ислоҳ била мушарраф бўлғай» деб ёзса, 33-мактубда эса «Буюрғон ғазаллардин тайёр бўлғонларни юборилди. Қолғонини дағи тугатиб, борур кишидин юборилғай», дейди. Ҳатто баъзи мактубларда айрим ғазалларнинг матлаъларини ҳам Ҳусайн Бойқарога ислоҳ учун йўллаганини ёзади.

Умуман, шоир шеърларининг биринчи ўқувчиси ва таҳрирчиси сифатида «ул ҳазратнинг муборак табъининг анда (Хазойин ул-маоний»да -К.Ф.) куллий даҳли бўлмаган» «ҳеч жузве жузъиёт йўқтур». Шунинг учун ҳам Навоий дебочасида ёзади: *«Чун бу маъно гавҳарлари барча ул ҳазратнинг табъи баҳридину зеҳни конидин ҳосил бўлди ва ...анинг отин «Хазойин ул-маоний» қўюлди»(3-т., 18-бет).* Яъни тўпламдаги шеърлар Ҳусайн Бойқаро табъи баҳридин ва зеҳни конидин ҳосил бўлганлиги ҳам унинг номи «Хазойин ул-маоний» қўйилганлигини маълум қилади. Бу дебочанинг кўтаринки руҳи, услубидан келиб чиқиб, шоҳга ҳурмат маъносида анъанавий муносабат билдиришдир. Зеро, шоир «Муншаот»даги бир мактубда «Хазойин ул-маоний» даги шеърларни ўз истеъдоди (табъи) хазиналаридан ҳосил бўлганлиги учун шундай ном берилганлигини таъкидлайди: «Дағи мажмунғаким, махлут битилиб турур, чун табъ хазойиндин ҳосил бўлғон маоний эрди»Хазойин ул-маоний» лақаб берилди».

Умуман, Ҳусайн Бойқаро «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» девонларининг тузилишига бош-қош бўлган, уларнинг таркибига кирган шеърларни мунтазам ўқиб, уларни таҳрир қилиб борган. Бу фикр дебочаларда муболағали тарзда баён қилинса-да, уларнинг заминида реал ҳақиқат мавжуддир. Бу ўринда Ҳусайн Бойқаро Ҳирот адабий муҳитининг йирик вакилларидан бири эканлиги, форс-тожик тилини яхши билишига қарамай, туркий тилда гўзал ғазаллар яратганлиги ва бошқа шоирларни ҳам она тилида ижод қилишга чақирганлиги, шунингдек, соҳибдевон эканлиги каби жиҳатларини ҳисобга олсак, юқоридаги фикримиз янада ойдинлашади. Навоийдек буюк шоирнинг шеърларига жузъий бўлса-да, тузатишлар киритиш, ислоҳ қилиш учун шеър илмининг энг нозик томонларини чуқур билиш зарур эди. Ҳусайн Бойқарода ана шу сифатлар мавжуд эди, десак хато қилмаймиз. Зеро, Навоий ғазалларида ҳам Ҳусайн Бойқаро шеър илмида ниҳоятда нозикфаҳм киши эканлигини таъкидлайди:

Эй Навоий, хурдаи назмингга ислоҳ истасанг,
Шоҳи Ғозийдин жаҳонда хурдадонроқ йўқ киши.

Юқоридагилардан кўринадики, Алишер Навоий девонларининг бунёдга келишида, шоир шеърининг келажак авлод учун сақланиб қолишида Ҳусайн Бойқаронинг хизматлари улкан бўлди. Бу жиҳатдан шоирнинг қуйидаги мисралари ҳам ёрқин далилдир:

Ҳар гавҳари туфроғ уза бир қатра сув янглиғ тушгач адам ўлғай,
Гар қилмаса ишфоқ этибон хусрави Ғозий назминг сари парво.
(1-т., 581-бет).

Шунинг учун ҳам Навоий Ҳусайн Бойқародан жуда хурсанд. Ҳатто келажак авлод ҳам унга таҳсин ўқийди. Бу ўринда шоирнинг қуйидаги сўзлари эътиборлидир: «*Бу жиҳатдин то олам инқирози бўлғусидир Султони соҳибқирон давлатиға дуо қилғайлар ва шафқату бандапарварлиғиға сано дегайлар» (3-т., 20-бет).*

Умуман, Ҳусайн Бойқаро Навоий ва унинг ижодига катта ҳурмат билан қараган. Ҳатто ўз рисоласида баён қилишича, Навоийдек шоир билан бир даврда, бир мамлакатда яшаётганганидан фахрланган. Ўз навбатида, Навоий ҳам ўзининг улкан ижодий мақсадларига эришганлиги учун Ҳусайн Бойқародан ниҳоятда миннатдор. Ҳатто шоир Султони соҳибқирон остонасининг жорубкаши бўлишга ҳам тайёр эканлигини баён қилади: *«...Қувватим бўлғанда супургу олиб, илгим била ва қувватим бўлмағанда супургу ўрниға кипригим била ул остонани супурур баҳонаси била кўзумни ул мунаввар равза туфроғидин ёрутғаймен ва ул остонани бу супургу бирла ариғу бу уйни ул сурма била ёруғ тутқаймен ва бу хидматни дунёву охиратим шарафи билгаймен». (3-т., 22-бет).*

Алишер Навоий дебочада «Хазойин ул-маоний»нинг тузилиши ҳақида батафсил маълумот беради. Бир йилда тўрт фасл бўлиши табиийдир. Табиатдаги каби инсон умри ҳам тўрт фаслга монанддир. Шунга кўра, Навоий шеърларини тўрт девонга ажратганлиги ва уларни «Ғаройиб ус-сиғар», «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар» деб номланганлигини батафсил баён этади. Шунингдек, шоир ҳар бир девондаги шеърларнинг умр фаслларининг қайси даврларида яратилганлигини , яъни хронологиясини ҳам кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Шоирнинг дебочадаги маълумотига кўра, 7-8 ёшдан 20

ёшгача бўлган даврда яратилган шеърлар «Ғаройиб ус-сиғар»дан ўрин олган. «Наводир уш-шабоб»да эса йигирма ёшдан ўттиз беш ёшгача бўлган давр оралиғида битилган шеърлар жойлашган. Ўттиз бешдан қирқ беш ёшгача бўлган даврда ёзилган шеърлар «Бадоеъ ул-васат»га киритилган. Қирқ бешдан олтмиш ёшгача бўлган даврда ёзилган шеърлардан эса «Фавойид ул-кибар» тартиб берилган.

Лекин Навоий девонларининг номланиши ва девонлардаги шеърларнинг тақсимланиши шартлидир. Чунки шоир шеърларини тўрт девонга тақсимлаётганда, уларнинг ҳақиқий хронологиясини ҳисобга олмаган, балки ҳар бир шеърнинг руҳи, услубига кўпроқ эътибор берган[1]. Шунинг учун ҳам девонлардаги шеърлар қатъий хронология асосида жойлаштирилмаган. Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон биринчи марта ўз тадқиқотларида «Хазойин ул-маоний» девонларининг номланиши, шеърларининг тақсимланишида хронологияга амал қилинмаганлигини асослаб берди.

Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ота-онадан етти пуштигача темурийлар хонадонига яқин кишилар эканлигини маълум қилади: *“Агарчи ота-онадин етти пуштға дегинча бу рафиъудмоннинг бойири бандаси ва бу васиъ остоннинг мавруси туғмаси, яъни бу хоназоданинг хонаводаси ва хонаводанинг хоназодаси эди:*

Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи.

Манга, гар худ бўлай булбул, вагар зоғ,
Ким ушбу даргаҳ ўлғай гулшану боғ» (1- т., 17-бет).

Кўпчилик тарихий манбаларда Навоийнинг ота-боболари темурийлар хонадонининг маълум доирасидаги шоҳ ва шаҳзодалар билан кўкалдош эканлиги тилга олинади. Навоий ҳам шаҳзода Ҳусайн билан кўкалдош бўлган. Шу жиҳатдан Алишер Навоий ёшлигиданоқ темурийлар саройида эътиборли эди. Бу ҳақда шоир ўз асарларида ҳеч нарса демайди. Лекин Ҳусайн Бойқаро «Рисола»сида Навоийни «у чодирий киши қорамдин қуллуқ силкидин кўкалтошлиқ бойрисиға етган»[2] деб таърифлайдики, бу нарса уларнинг ҳақиқатан ҳам эмикдош биродар эканликларини тасдиқлайди.

Шоир «Хазойин ул-маоний»нинг қай тарзда бунёдга келганлиги ва унинг тузилишини баён қилиб бўлгач, яна соғлиғи масаласига қайтади: *«Бу бандага ёш улғайган чогда заъфе юзланди ва ул заъф риштаси риштадек заъфли пайкаримга андоқ чирмандиким, ул қуёшдек замирга равшандур. Ҳоло мижозим истиқоматдин мунҳарифу баданимда неча марази мухталифдур ва атиббо иложимдин ожизу маъзул ва аҳиббо мижозимдин мутаажжибу малул»*, - деб ёзади шоир. Навоий давом этиб, бу «заъф»нинг белгиларини қуйидагича батафсил баён қилади: *«Димоғим паришонлиғидин сўзум номарбуту ҳаёлим ошуфталиғидин ҳолим номазбут. Бағрим қизиганидин жисмимда хуммойи лозим ва кунглум озганидин бошим айланмоғию кўзум қорармоғи дойим. Не тонгдин оқшомгача ўзумга бир дам ғизодин ком, не ақшомдин тонггача тарфат ул-айне кўзумга уйқудин ором. Хотирим савдоомиз хаёллардин мушавваш, бесарудиллиқдин ҳар неча дилкаш сўз бўлса кўнглумга нохуш. Меъдамнинг ҳазм қилур ғизоси замона аҳлининг изоси, кўнглумнинг нишот базмида майи ноби фалак тийғи*

[1] Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик, 2-том. –Тошкент: 1977. –Б.86.
[2] Ҳусайн Бойқаро. Девон.Рисола. – Тошкент: 1968. –Б.161.

оқизган бағир хуноби. Нотавонеким, юқори мазкур бўлғандек ғизо қилур, оши мисқол тоши била бўлғай, агар гоҳи заиф хотири шарбат майли қилғай, ул дағи бу тош тарозуси била тортилғай, киши қўлдамайин ердин қўпарида кўп озор бўлғайу асо мадади бўлмагунча ердин қадам кўтармаги душвор, сайр ҳавосин қилса ики инсонга отландурур, тушурурида ҳаммолвашлиқу, у отлангандин сўнгра пайкари юкидин бир ҳайвонга мурдакашлик, тушкандин сўнгра бу сайр кўфтидин аъзоси нокор, бу озурдалиғдин яна бир кеча-кундуз тебрана олмай, андоқки бир йиллик бемор, иссиғ нафасларидин ҳаётининг гули нажмурдаву нафасининг кирар-чиқаридин заиф тани озурда»(3-т., 20-21-бетлар).

Юқоридаги парчадан маълум бўлишича, паришонхотирлик туфайли шоирнинг сўзлари бир-бирига қовушмаган, бутун вужуди ўт бўлиб ёнган, кўнгли озиб, боши айланган ва кўз олдини қоронғилик босган, уйқусизлик азоб берган. Кўнгли турли-туман ўйлар туфайли бесаранжом бўлган, ҳеч кимнинг гап-сўзи ёқмаган, яъни асаби бузилган. Шунингдек, шоирни иштаҳасизлик, ортиқ даражадаги бедармонлик, «иситма ўти» қийнаган. Юқоридагилардан маълум бўладики, Навоий ўзи таъкидлаганидек, шоирга кексайган чоғида бир неча касалликлар азоб берган(«баданимда неча марази мухталифтур»). Бу, албатта, фаол ижтимоий-сиёсий фаолиятнинг ва оғир ижодий меҳнатларнинг натижаси эди.

Алишер Навоийнинг ҳар икки дебочадаги ўз ҳаёт йўлига оид қайдлари шунинг учун ҳам муҳимки, улар шоир таржимайи ҳолининг айрим томонларини чуқурроқ тасаввур қилишга, ёритишга имкон беради.

Умуман, Алишер Навоий дебочаларидаги масалалар ниҳоятда кенг қамровлидир. Уларни атрофлича тадқиқ этиш дебочаларнинг адабиётимиз тарихини ёритишда муҳим илмий манбалардан бири сифатидаги аҳамиятини белгилашга ёрдам беради.

3-БОБ. АЛИШЕР НАВОИЙ ДЕБОЧАЛАРИНИНГ БАДИИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

ДЕБОЧАЛАРНИНГ КОМПОЗИЦИОН-УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Алишер Навоий «Хамса» достонларида ва бошқа асарларида мазмун ва шакл бирлиги масаласига алоҳида тўхталади. Шоир маънони биринчи ўринга қўйгани ҳолда шаклни ҳам назардан четда қолдирмайди. Навоийнинг дебочадаги девон тузиш принципларининг тўртинчиси, яъни ғазал поэтикаси билан боғлиқ таъкиди бевосита композиция масаласи билан алоқадордир. Шоир бир ғазал доирасида бир неча масалаларга қўл урмасдан, матлаъдан мақтаъгача ягона бир фикрни поғонама-поғона ривожлантириб бориш асосида ғоявий яхлитликка - композицион бутунликка эришишни таъкидлаган эди. Бу ўринда Навоий ғазал композицияси ҳақида гапирса-да, унинг композицион изчиллик, яхлитликка интилиш ғояси девон композициясига ҳам, жумладан, дебоча композициясига ҳам тааллуқлидир.

В.Г.Белинский бадиий асар «организми»ни инсон организмига қиёслайди ва бадиий асардаги ҳар бир элемент зарурий ва ўз ўрнида бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди.[1]

Адабиётшунос олим М.Қўшжонов эса композицияга шундай таъриф беради: «... композиция... бадиий асарда ижодкор диққат марказининг, унинг олдида турган бадиий вазифанинг аниқлиги, шунга нисбатан асардаги катта ва кичик қисмлар ҳамда образларнинг жой-жойига қўйилиши ва ижодкор томонидан ўша марказ ва бадиий вазифага нисбатан тасвир меъёри ва мувофиқлигига риоя қилишдан иборатдир...».[2]

Дарҳақиқат, ҳар бир шоир ёки ёзувчи ўз диққат марказида турган ғоявий ниятидан келиб чиққан ҳолда асарнинг катта-кичик қисмларини, образларини ўз ўрнида жойлаштиришга ва маълум меъёрни сақлаган ҳолда тасвирлашга эътибор беради.

Умуман, композицион мукаммаллик ҳар бир бадиий асарнинг энг муҳим узвларидан биридир. Композицион мукаммалликсиз шоирнинг асардаги ғоявий нияти рўёбга чиқиши мумкин эмас. Алишер Навоий барча асарларида мазмун ва шаклнинг бир-бирига мутаносиб бўлишига, яъни композицион яхлитликка эришишга интилади. Дебочаларда ҳам шоирнинг асосий ғоявий нияти - девон тузиш тарихи ва унинг ўзига хос хусусиятларини баён этишдир. Бу ғоявий ниятни амалга оширишда шоир воқеа-ҳодисалар, тафсилотлар, мулоҳазалари баёнида маълум тартиб ва меъёрни сақлайди, мазмун ва шаклнинг бир-бирига уйғун бўлишига интилади.

Навоий ижодининг муҳим фазилатларидан бири ҳар бир асарнинг моҳиятини ташкил этган мазмуннинг ўзига мос шаклда намоён бўлишида кўринади. Бу эса, ўз навбатида, айтилмоқчи бўлган фикрларга мувофиқ жанр танлашда ҳам кўзга ташланади. Навоий таржимайи ҳолининг айрим қирралари бадиий ижод майдонига қай тарзда кириб келганлиги, ўз салафлари ва улар ижодига муносабати, ўзи ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар, асарларининг яратилиш тарихи, адабий-эстетик қарашлари ва ҳоказо масалаларни ифодалаш учун бошқа бир жанрни эмас, балки девон дебочасини танлайди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки юқоридаги масалаларнинг кўпчилиги ўз моҳият эътибори билан лирик харак-

[1] Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах. 3- том. – М:, 1948. –Стр. 200.
[2] Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Тошкент, 1962. –Б.115.

тердаги кўтаринки услубни тақозо этади. Дебоча эса ана шу масалаларни кўнгилдагидек ифодалаш учун мос шакл эди. Чунки дебоча девон тузишдек улкан иш ниҳоясига етказилгандан кейин ёзилади ва анъанага кўра кўтаринки услубда битилади. Шунингдек, дебочада шоир ҳиссиётлари, ички кечинмаларининг нозик қирраларини кенгроқ ва чуқурроқ бера олиш имконияти ҳам мавжуд. Адабиёт тарихида яратилган дебочаларнинг ҳар бири алоҳида ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар ўзига хос композицион хусусиятларга эгадир. Шу билан бирга, барча дебочалар композицияси учун умумий бўлган жиҳатлар ҳам мавжуддир.

Дебочалар, биринчидан, ҳамду сано ва наът билан бошланади. Иккинчидан, шоир яшаган давр ҳукмдори таъриф-тавсиф билан тилга олинади. Учинчидан, шоирнинг ўз салафлари ижодига муносабати ўз аксини топган. Тўртинчидан, девон тузиш истаги бўлмаганлиги ва бу ишга айрим шахсларнинг турткиси туфайли киришганлиги таъкидланади, шу аснода девон тузиш тарихи баён этилади. Бешинчидан эса, шоир девонга кирган шеърлардаги айрим сахву хатолар учун китобхондан узр сўраб, дебочани якунлайди. Бу хусусиятлар деярли барча дебочалар учун хос бўлиб, уларнинг анъанавий қисмларига айланган. Лекин ҳамма дебочаларда ҳам бу элементларнинг (ҳамду наътдан ташқари) айнан шу ҳолатда сақланиши шарт эмас. Бу унсурлар олдинма кейин бўлиши, айрим унсурларнинг кўшилиши ёки тушиб қолиши мумкин. Лекин умуман олганда, бу анъанавий элементларнинг шу тарзда берилиши кўпчилик дебочалар учун характерлидир.

Навоий дебочларида ифода этилган масалаларни кўздан кечирсак, уларнинг маълум тартибда жойлаштирилганлиги, яъни ўзига хос композицияга эга эканлигини кўрамиз. Бу жиҳатдан «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасининг композицион тузилиши билан танишиб чиқайлик:

1. Ҳамд ва наът.
2. Девондаги шеърларнинг қай тарзда дунёга келганлигининг баёни.
3. Навоийнинг ўз устозлари ижодига ҳурмат-эҳтиромининг ифодаланиши.
4. Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий ижодига муносабати масаласи.
5. Девоннинг яратилиш тарихи.
6. Девоннинг ўзига хос хусусиятлари ва мундарижаси.
7. Хотима. Сахву хатолар учун узр сўраш.

Адабиётшунос Н.Маллаев «Анъанавий муқаддимот ҳақида» номли мақоласида шундай ёзган эди: «Мусулмон ўлкаларида асарни ҳамд, муножот ва наът каби Худо, пайғамбар ва халифаларга бағишланган анъанавий муқаддима билан бошлаш одат эди. Алишер Навоий асарлари ҳам шундай муқаддимот билан ибтидо топади»[1]. Жумладан, шоирнинг девонларига ёзилган дебочалари ҳам ана шу анъанавий ҳамду сано ва наът билан бошланади. Шоир дебочанинг бу қисмида мусулмон фарзанди сифатида Худо ва пайғамбарни таърифу тавсиф этади. Сўнгра шоир ўзи ҳақида хабар бериб, девондаги ашъорларнинг қай тарзда туғилганлиги ва кўпчилик орасида кенг ёйилганлигини тарғиб қилади.

Дебочанинг муҳим элементларидан бири шоирнинг ўз салафлари ижодига бўлган муносабатидир. Гарчи шоирнинг шеърларидан мухлислари томонидан девон тузилган бўлса-да, у ўзини соҳиби девон бўлишга лойиқ деб билмайди. Уни ўз салафлари девонлари даражасига тенг келадиган девон тартиб беришнинг мушкуллиги ўйлантиради. Шу муноса-

[1] Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, 1-сон. –Б.10.

бат билан Навоий ўз салафларига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиромини ифода этади. Ҳусайн Бойқаронинг Алишер Навоий ижодига муносабати масаласи дебоча композициясидаги муҳим масалалардан биридир. Шунинг учун шоир ўз даврининг ҳукмдори бўлган Ҳусайн Бойқаро мадҳига ҳар икки дебочада ҳам кўп ўрин беради. Зеро, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро муносабатларини ёритувчи муҳим бир ҳужжатли манбадир.

Дебоча композициясидаги элементлардан яна бири девон тузиш истагининг бўлмаганлиги ва бунга маълум шахслар томонидан туртки берилганлигининг таъкидланишидир. Кўпчиликнинг девон тузиш ҳақидаги илтимосига камтарона жавоб бериб келган шоир, ниҳоят, Ҳусайн Бойқаронинг топшириғи ва бевосита кузатуви остида «Бадоеъ ул-бидоя» девонини яратади ва уни Ҳусайн Бойқарога бағишлайди. Шу аснода девоннинг яратилиш тарихини ҳам баён қилади.

Девоннинг ўзига хос хусусиятлари ва мундарижасини баён қилиш дебоча композициясида муҳим ўрин тутган масалалардан бири бўлиб, бу шоирнинг лирик дебоча яратишдан кўзлаган ғоявий мақсадларидан биридир.

Ниҳоят, девонга кирган шеърлардаги айрим сахву хатолар учун китобхондан узр сўраш билан дебоча хотима топади.

Шунингдек, шоир таржимайи ҳоли ва қаламкашлик ҳаётига оид чизгилар, илк девони ҳақидаги маълумотлари ҳам дебоча композициясига усталик билан сингдириб юборилган.

Юқоридагилардан кўринадики, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида қўйилган масалаларнинг кўлами анча кенг ва уларни маълум тартибда жойлаштириш ва изчил баён этиш шоирдан улкан санъаткорликни талаб қилганлиги шубҳасиздир. «Хазойин ул-маоний» дебочаси композициясини кўздан кечирганда, бу санъаткорлик янада юксак поғонага кўтарилганлигининг гувоҳи бўламиз. «Хазойин ул-маоний» композициясини ташкил этган масалаларнинг жойлашиши қуйидагичадир:

1. Ҳамду сано ва наът. Бу қисмда шоир инсонни ҳайвондан ажратиб, унга «нутқ ила назм эҳтироми» берган Қодири мутлақни ва пайғамбарни мадҳ этади.

2. «Хазойин ул-маоний»нинг тартиб берилиш сабаблари. Бунда шоир дастлаб тартиб берган икки девони ҳақида гапириб, кейинги даврда айтилган шеърлари ҳам ҳажм жиҳатдан улардан кўплигини таъкидлайди. Замон ҳодисалари туфайли йўқолиб кетмаслиги учун уларни тартибга солиш зарур эди. Лекин бунга шоирнинг соғлиғи йўл бермай қийнайди.

3. Ҳусайн Бойқаронинг Навоий ва унинг ижодига муносабати. Навоий ижоди билан доимий равишда қизиқиб борган Ҳусайн Бойқаро шоирга барча шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида фармон беради. Шоирнинг соғлиғидан хабардор бўлган шоҳ унга ҳар томонлама ёрдам беришга вада беради.

4. «Хазойин ул-маоний»нинг яратилиш тарихи. Навоий бевосита Ҳусайн Бойқаронинг моддий ва маънавий кўмаги туфайли барча шеърларини тўплаб, уларни таҳрир қилади ва улар ёнига янгиларини ёзиб қўшади. Бу шеърларни шоҳнинг «кимё асар назари»дан ўтказади. Ниҳоят, барча лирик шеърларини жамлаб тўрт девон тузади ва уни «Хазойин ул-маоний» деб номлайди.

5. «Хазойин ул-маоний»нинг тузилиши. Шоир йил фасллари ва инсон умрига монанд тўрт девонини тўрт хил ном билан атайди. Яъни биринчи девон «Ғаройиб ус-сиғар», иккинчи девон «Наводир уш-шабоб», учинчи девон «Бадоеъ ул-васат», тўртинчи девон «Фавойид ул-кибар» деб номланган. Шунингдек, шоир ҳар бир девонига кирган шеърларининг ёш чегараларини ҳам кўрсатади.

6. Шоирнинг ўз ижоди ҳақидаги фикрлари. Навоий «Хазойин ул-маоний»ни яратишга сарф этган йиллар давомида «Хамса» назми билан шуғулланганлиги, «Назм ул-жавоҳир», «Мажолис ун-нафоис», « Зубдат ут-таворих» ва «сойир тасниф»лар битганлигини таъкидлайди. Шу ўринда бадиий ижод соҳасида эришган ютуқларидан ниҳоятда мамнун эканлигини фахрия усулида баён қилади.

7. Кексаликдаги соғлигининг ёмонлашганлиги ҳақида. Шоир ёши улғайган чоғда турли касалликлар ёпишганлиги ва шу даврдаги аҳволи ниҳоятда оғирлиги ҳақида батафсил хабар беради.

8. Хотима. Бу қисмда шоир гўё Султон соҳибқироннинг давлатли даргоҳида ўтган умрига якун ясагандек туюлади. Ҳусайн Бойқаро давлатидаги хизматларини «дин ва охиратим шарафи» деб билган Навоий дебочани дуо, тилак характеридаги уч рубоий билан якунлайди.

Юқоридагилардан кўринадики, дебоча композициясидаги масалалар бир-бири билан узвий боғланган бўлиб, бирорта ҳам қисмнинг ортиқчалигини сезмаймиз.

Асар композициясини бино тархига ўхшатиш мумкин. Агар бино тархи мукаммал бўлмаса, қурилган иморат ҳам мустаҳкам бўлмайди. Шунга ўхшаш, бадиий асарда композицион яхлитлик бўлмаса, ёзувчи ёки шоирнинг айтмоқчи бўлган фикрлари, ғоявий-бадиий нияти китобхонга тўлиқ етиб бормайди.

Алишер Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» дебочасида қўйилган масалаларнинг кенг кўламлилиги ва уларни жойлаштириш тартибидаги изчиллик ҳамда баёндаги услубий етуклик унинг композициясига ҳар томонлама мукаммаллик бағишлаган. Зеро, «Хазойин ул-маоний»га битилган дебоча ўзбек адабиётида яратилган ғоявий, бадиий жиҳатдан юксак девон дебочаларининг энг гўзал намунасидир.

Умуман, «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» дебочалари композициясидаги фикрлар ифодасидаги мантиқий изчиллик шу даражадаки, уларда шоир ҳаёти ва ижодининг маълум даврига хос яхлит манзара гавдаланади.

Алишер Навоийнинг ҳар бир асари ўзига хос ва қайтарилмас услуб қирраларига эга бўлиб, ранг-баранг жилоларда кўзни қамаштиради. Ё.Исҳоқов «Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи» номли мақоласида шоир услуби ҳақида фикр юритар экан, уни олий услуб деб атайди ва бу услубнинг асосий хусусияти ҳақида шундай ёзади: «Олий ёки Навоий услубининг асосий хусусияти ундаги ички қатламнинг ниҳоятда бой ва ранг-баранглигидир. Унда турли услубий йўналишлар мужассам бўлган (жимжимадорлик, улуғворлик, безакдорлик, эмоционаллик, мулоҳазакорлик, мазмундорлик, вазминлик ва ҳоказо).

Шунга боғлиқ ҳолда, шоир услубида бутун бошлиқ оҳанглар (риторик, патетик, реалистик) ва ранглар гаммаси ҳаракатда бўлади.[1]

Навоий дебочаларида ҳам шоир услубининг ўзига хос томонлари, сержило қирралари диққатни ўзига жалб этади.

Навоий яшаган давр насрида форсча-тожикча, арабча сўзларга бой бўлган дабдабали шарқона услуб ҳукмрон эди. «Бу услуб учун фикрни мумкин қадар кўпроқ ўхшатишлар, истиора ва киноялларда, образли параллелизмлар орқали ифода этишга интилиш характерлидир. Бунинг натижасида шу услубда ёзилган асарнинг тили анча мураккаблашади».[2]

---

[1] Исҳоқов Ё Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи.// Ўзбек тили ва адабиёти,1990, 5-сон. –Б 7-8.
[2] Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. –Б. 380.

Девон дебочалари ҳам ана шу шарқона услубда битилган бўлиб, асар тили анчагина мураккабдир. Ранго-ранг ғазаллар яратган Алишер Навоий насрий асарлари услубининг ҳам рангин бўлишига, ўзига хос ажиб рангларда жилваланишига катта эътибор беради. Бинобарин, у ҳар бир асарнинг ғоявий мазмуни ва мақсади, характеридан келиб чиқиб, ўшанга мос услуб танлайди. Шу ўринда дебочалардаги кўтаринки руҳ, унда кўтарилган масалалар кўпроқ изчил ритмга эга бўлган безакдор баёндан ва сажъ санъатидан фойдаланишни тақозо қилади.

Навоийшунос олим, профессор А.Ҳайитметов «Алишер Навоийнинг бадиий поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар» номли мақоласида шоирнинг насрий асарлари услубини шартли икки гуруҳга бўлади: 1. Анъанавий услубда ёзилган асарлари. 2. Оддий насрда ёзилган асарлари.[1] Девон дебочалари анъанавий услубда ёзилган насрий асарлари гуруҳига мансубдир. Чунки дебочаларнинг аксари қисми сажъ билан, мураккаб сўз ва иборалар, узундан узоқ жумлалар билан битилган бўлиб, ўқувчидан уни тушуниш учун маълум тайёргарликни талаб қилади.

Навоий дебочалари услубининг бундай характердалиги, биринчидан, ўша даврга хос бўлган дабдабали услубнинг ҳукмронлиги билан белгиланса, иккинчидан, дебочаларнинг ниҳоят даражада кўтаринки руҳда ёзилишидир. Дебочаларнинг бундай кўтаринки руҳда бўлиши маълум даражада субъектив ҳолат, яъни шоирнинг кайфияти билан ҳам боғлиқ. Чунки шоир девон тузиб бўлгандан кейин дебочани ёзади. У байрам кайфиятида дебочани ёзиб тугатгач, ҳукмдорга тақдим қилиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, дебоча асосан мураккаб шарқона классик услубда битилган. Жумлалар жимжимадор, кўп қиррали бўлиб, фикр образли тарзда ифода этилади. Шу билан бирга, дебочада фикр нисбатан содда жумлалар орқали ҳам берилади. Бундай жумларнинг кесими феъл орқали ифодаланиб, фикрнинг тушунарли ва таъсирчан бўлишини таъминлайди. Масалан: «Биҳамдилоҳи таолоки, бу авқотдаким умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятиға комлар, балки комронлиғлар била етибмен, ҳеч турлуғ армон хотиримда қолмайдуру ҳеч турлуг армон хотиримда қолмайдуру ҳеч навъ орзу кўнглумда синғанин хаёлим топа олмайдур» (3-т., 20-бет).

Ўзбек адабий тилининг ривожида хизмати улкан бўлган шоир дебочада ҳам туркий тилни ривожлантириш, унинг мавқейини ошириш масаласини назардан четда қолдирмайди.

Биз дебочаларда арабча, форс-тожикча сўзлар кўп ишлатилганлиги, бу ўша даврдаги классик адабий услубнинг асосий хусусиятларидан бири эканлигини айтган эдик. Бу нарса дебочада умумтуркий сўзлар кам ишлатилган, деган фикрга олиб келмайди. Навоий дебочаларда арабча, форс-тожикча сўзлар билан бирга, туркий тилга хос бўлган сўзларни кенг истифода этади. Жумладан, кесим вазифасида келган ва сажъланган феъл формасидаги сўзлар «фикрларни тугал ҳукм тарзида, ихчам ва равон ифодалаш[2]га хизмат қилган. Бу эса дебочаларда халқ насрига хос бўлган оддий услуб хусусиятлари ҳам мавжудлигини кўрсатади.

---

[1] Ҳайитметов А. Алишер Навоий бадиий-поэтик услуби юзасидан мулоҳазалар.//Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1976.-Б.16.

ДЕБОЧАЛАРДА САЖЪ

Навоий дебочаларини ўқиганда ўзгача бир шеърий оҳанг жилоланиб турганлигини ҳис қиласан киши. Уларга ана шу оҳангдошликни, мусиқийликни бағишлаган бадиий элемент сажъдир. «Сажъ ... асар мазмунини очиш, образлилик, эвфоник ва ритмик функцияларни бажаради»[1]. Алишер Навоий сажъ санъатининг ана шу вазифаларини жуда яхши билган ва ундан барча насрий асарлари қатори дебочаларида ҳам унумли фойдаланган.

Навоий ҳар икки дебочасида ҳам Ҳусайн Бойқаро унинг шеърларини таҳрир қилганлигини, натижада ғазаллари «соҳибназарлар кўзига маҳбуброқ ва аҳли диллар кўнглига марғуброқ» бўла бошлаганлигини катта ҳурмат ва эҳтиром билан шундай таъкидлайди: «*Чун бу байтлар айвони ул ислоҳлар нақшу нигоридин рашки нигорхонаи Чин ва бу ғазаллар бўстони ул иҳтимомлар баҳоридин ғайрати хулди барин бўла бошлади; соҳибназарлар кўзига маҳбуброқ ва аҳли диллар кўнглига марғуброқ бўлуб, ҳурмати ғоятдин ва шуҳрати ниҳоятдин ўтти...» (1-т., 18-бет).*

Навоий келтирилган мисолда ўз фикрларини образли тарзда очиш, уни китобхонга турли бўёқларда етказиш учун сажъ санъатидан фойдаланади. Бу парчани ўқиганда жумлалар маълум ритмга эга бўлган оҳангдош бўлакларга ажралиб қолганлигини пайқайсиз, қулоғингиз остида ажиб бир гўзал мусиқа янграётгандек ҳис қиласиз.

Навоий дебочаларда насрнинг уч тури - эркин наср, сажъли наср ва вазндош наср каби турларини қўллаган. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Дебочаларда реалистик ўринлар, шунингдек, эмоционал ҳолатларнинг мавжудлиги, дебочанинг кўтаринки руҳда битилганлиги каби хусусиятлар насрнинг турли кўринишларини қўллаш имкониятини келтириб чиқарган.

Дебочалар, асосан, сажъли ва вазнли насрда ёзилган бўлиб, сажъли наср баёнда етакчилик қилади. Вазнли наср сажъли насрга қараганда кам қўлланган. Дебочалар шарқона классик услубда ёзилганлиги учун ундаги сажъларнинг характери ҳам мураккаброқ. Дебочада аксар гапларнинг деярли ҳамма бўлаклари сажъланади ва сажънинг уч тури - сажъи мутавозий, сажъи мутарраф ва сажъи мутавозин - аралаш қўлланади. Шунингдек, дебочаларда арабча, форсча-тожикча сўзлар кўп ишлатилганлиги учун ҳам бошқа тилга хос бўлган сўзлар кўпроқ сажъланади. Булар ифодаланаётган фикрнинг тез тушунилишини маълум даражада қийинлаштиради. Лекин бу дебочалар услубининг характеридан келиб чиқади. Ўз навбатида, дебочадаги бошқа тиллардан кирган сўзларнинг кўпроқ сажъланиши Навоийнинг араб, форс-тожик насри поэтикасининг нозик қирраларини эгаллашдаги маҳорати яққол намоён бўлади.

Алишер Навоий ўта нозик туйғули ва ниҳоятда юксак ҳиссиётли шахс бўлган. Ўзининг жўшқин ҳиссиётларини, нозик ички кечинмаларини, теран ўй-фикрларини қоғозга тўкиш, уни ранго-ранг жилода китобхонга етказиш учун шоир дебочада сажъ санъатининг ҳар уч турини – тўлиқ, қофияли ва вазндош сажъни кенг қўллайди.

Навоий девон тузиш тамойиллари ҳақида гапираркан, ҳар бир ҳарф ғазалиётининг аввали орифона ғазаллар билан бошланмоғи кераклигини таъкидлайди. Шоир давом этиб ёзади: *«Агар лаҳзае бу саодат муяссар бўлмаса, ҳар мутаайиин амр ифтитоҳида худ не навъ тағофул ва такосул раво кўрулгай» (1-т., 21-бет).*

[1] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 1-сон. –Б. 79.

Ёки «Хазойин ул-маоний» дебочасида шоир замон ҳодисалари туфайли «онча душворлиғлар» ва «саъб гирифторлиғлар» юзланганлиги, ишқ туғёни туфайли туғилган кечинмаларини дардлашгани бир ҳамдард йўқлигини айтади. Шунинг учун ҳам шоир ички кечинмаларини, ўй-фикрларини, ҳиссиётларини қоғозга тўкади: «*Бу восита била кўнглум ўтиға ороме ва ишқим бедоди ноҳамворлиғига андоме ҳосил бўлур эрди» (3-т., 11-бет).*

Биринчи мисолдаги тағофул ва такосул, иккинчи мисолдаги ороме ва андоме сўзлари тўлиқ сажъланган сўзлардир.

«Хазойин ул-маоний» дебочасида шоир Ҳусайн Бойқаро томонидан тўрт девон тузишга ҳукм бўлганлиги, лекин бу ҳукм ижросига киришишга унинг соғлиғи йўл бермаётганлигидан нолийди. Шунда марҳаматли подшо саройидан шундай садо келади: «*Чун заъфи ҳолинг бизга зоҳиру пайдодур, шафқату банданавозлиғлар била не ерда қолсанг ўткарилгусидур ва чун шикаст аҳволинг бизга равшану ҳувайдодур, марҳамату навосозлиғлар била ҳар мушкулнинг бўлса ҳал қилинғусидур» (3-т., 16-бет).*

Дебочалардаги асосий масалалардан бири Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ўртасидаги муносабатлар масаласидир. Бу икки шахснинг ўзаро дўстлиги, бир-бирига бўлган иззат-ҳурмати, вафо ва садоқати дебочада юксак кўтаринки услубда эмоционал характерда баён этилган. Бундай тасвир сажъ турларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади. Юқоридаги мисолда Ҳусайн Бойқарога хос улуғворлик, ўз дўсти ва буюк шоирга бўлган ҳурмат-эҳтиром, илтифот ва ғамхўрликлари қофияли сажъ орқали мухтасар баён этилган.

Навоий дебочаларидаги сажъланиш характери бир оз мураккаброқ, яъни бир жумла таркибида сажънинг уч тури ҳам қўлланилаверади. Бу хусусият шоирга ўз ҳис-туйғуларини, ўй-фикрларини гўзал поэтик либосда беришга хизмат қилади. Масалан: «*Йўққим, харобат дурднўшлари, балки муножот хирқапўшлари ва демайким, авом арозили, балки хавос афозилининг тилларифа жорий ва кўнгулларифа корий тушар эрди ва ул замоннинг каримул-хулқ озодалари, балки азимушшаън шаҳзодалари илтифотиға мушарраф бўлур эрди» (I-т., 13-бет).*

Келтирилган мисолда тўлиқ, қофияли ва вазндош сажь занжирга ўхшаб қўлланилган ва улар кўпроқ Навоийнинг ўй-фикрларини, ҳиссиётларини кўтаринки руҳда ифодалашга хизмат қилган. Навоий бу ўринда ўша пайтда «кўнглида не маъни» пайдо бўлса, барчасини «назм либосида» қоғозга туширганлиги ва бу «назм либосидаги маънилар» барча тоифадаги кишиларнинг кўнглига мақбул ва марғуб бўлаётганлигини кўтаринки поэтик шаклда ифодалайди. Бу услуб ўша пайтдаги шоир кайфиятини ёрқинроқ ифодалашга кўмак берган.

Алишер Навоий бошқа асарларидан фарқли ўлароқ дебочаларида Ҳусайн Бойқаро мадҳига кенг ўрин беради. У Навоий шеърларининг сочилиб, йўқолиб кетмаслиги учун шоирга уларни тўплаб, девон тузиш ҳақида топшириқ беради. Навоий улкан меҳнат эвазига шоҳ ҳукмини бажаради: девон тартиб беради. Шоир девон яратилганлиги, девоннинг бунёдга келишида Ҳусайн Бойқаронинг роли катта бўлганлигини хурсандчилик ва улкан миннатдорчилик туйғуси билан шундай баён этади: «*Чун бу қуббаи сипеҳр тимсол қасредурур муалло, ул ҳазратнинг табъи латифининг меъмори бино қилғон ва бу равзаи фирдавсмисол боғедурур жаҳоноро, ул жанобнинг хаёли шарифининг боғбони тарҳ солғон ва бу боғ кирёсининг равоқида ул ҳумоюн алқоб битилса, не ажаб» (I-т., 23-бет).*

Юқорида келтирилган парчада Навоий сажъли ва вазнли насрни биргаликда қўллайди. Бу усул асарга юксак кўтаринки руҳ бағишлайди. Мисолдаги барча сўзлар (чундан ташқа-

ри) ўзаро сажъланган. Жумладаги барча сўзларнинг ўзаро сажъланиши вазнли насрни келтириб чиқаради ва жумладаги оҳангдорлик, равонлик, мусиқийлик, фикрнинг таъсирчанлигини оширади. Агар жумлаларни ўзаро қиёсласак, уларнинг маълум ритмга эга эканлигини кўрамиз, бу ритм эса сажъланувчи гуруҳларнинг ўзаро ҳамвазн эканлигидан далолат беради.

Масалан:

бу қуббаи сипеҳртимсол қасредурур муалло...

бу равзаи фирдавсмисол боғедурур жаҳоноро...

ул ҳазратнинг табъи латифининг меъмори бино қилғон...

ул жанобнинг хаёли шарифининг боғбони тарх солғон...

Шуни таъкидлаш керакки, дебочанинг характеридан келиб чиқиб, Навоий кўп ўринларда бу усулга мурожаат қилади. Масалан: «*Ул ҳумоюн замирнинг ойинайи гетийнамойида равшану пайдодур ва ул покиза кўнгулнинг жоми жаҳоноройида мубарҳану ҳувайдоким, бу бандайи фақирға не нотавонлиғлар шикаст бердию бу зарраи ҳақирға не саргардонлиғлар даст берди» (3-т., 15-бет).*

Дебочадаги сажънинг асосий хусусиятларидан бири кўпроқ арабча, форс-тожикча сўзларнинг сажъланишидир. Масалан, қуйидаги мисолда фақат арабча сўзлар сажъланган: «*Ва яна доғи латофатшиор нозимлар заройифи ва зарофатдисор роқимлар латойифи ҳар ёндин истимоь тушарким, кўпраги ғазал услубиға машғул ва айтилғон ғазалларидин кўпраги матбуъ ва мақбулдур» (I-т., 15-бет).*

Ёки «Хазойин ул-маоний»дан келтирилган қуйидаги мисолда ҳам фикр мантиқан бир-бирини тақозо этувчи сўзлар силсиласи орқали мураккаб ташбеҳлар воситасида ифода этилган ва арабча, форс-тожикча сўзлар ўзаро сажъланган: «*Мундин бошқа доғи ул ҳазратнинг кўп хосса маънолари хаёлотину ғариб мазмунлари мақолотин ва дилназир ташбиҳлари назокатину беназир ташбиҳлари жазолатин бурунғи икки девоним дебочасида шарҳ била мазкур қилиб эрдиму тафсил била мастур этиб эрдим» (3-т.,18-бет).*

Яна шуниси характерлики, кўп ўринларда бошқа тилларга хос изофали бирикмалар сажъланади ва бундай сажъланувчи бирикмалар жумла оҳангдорлигини, мусиқийлигини оширади, Масалан: «*Ва бу фақири бебизоату бу ҳақири беиститоат ул таълимларни ўзумга дастур била ул забту тартибға шуруъ қилур эрдим» (3-т», 18-бет).*

Алишер Навоий кўп ўринларда фикрни жимжимадор сўзлар занжири ва шунга мос мураккаб сажъ орқала ифода этади. Айрим ўринларда эса фикр соддароқ жумлалар билан ифодаланади ва сажъланаётган сўзлар миқдори ҳам нисбатан кам бўлиб, бир туркумга - кўпроқ от, феъл, равиш туркумларига хос бўлади. Масалан: «*Бағрим қизиғанидин жисмимда хуммойи лозим ва кўнглум озғанидин бошим айланмоғию кўзум қорармоғи дойим. Не тонгдин ақшомғача ўзумга бир дам ғизодин ком, не ақшомдин тонгғача турфат-ул-айне кўзумга уйқудин ором» (3-т., 20-бет).*

Умрининг сўнгги йилларида шоирнинг саломатлиги ниҳоятда ёмонлашади. Юқоридаги мисолда сажъдан шу даврдаги ички кечинмаларини, ҳиссий туғёнларини ифодаловчи восита сифатида фойдаланади. Навоий жумлада шундай сўзларни ипга тизгандек терадики, уларнинг ҳар бири ўзаро сажъланмаса ҳам, фикрнинг оҳангдор, мусиқий ва равон бўлишига хизмат қилган. Бу ўз навбатида Навоийнинг ҳақиқий сўз устаси сифатидаги истеъдоди ва бадиий маҳоратидан дарак беради.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, дебочада кўпинча бошқа тилларга хос бўлган сўзлар ва туркий тилга мансуб феъл-кесимларнинг сажъланиши характерлидир. Масалан, қуйидаги мисолда феъл туркумидаги сўзлар сажъланган ва улар шоир айтмоқчи бўлган фикрни бўрттириб, таъкидлаб кўрсатишга, таъсирчан ифодалашга хизмат қилган: «*Чун сенга тавфиқ мадад қилиптуру бу мақсуднинг ҳеч кимга йиғилмаған моддаси йиғилиптур, тиларбизким, фурсатни ғанимат билгайсену бу муддао ҳусулиға рағбат қилғайсен» (3-т., 14-бет).*

Умуман, дебочаларда сажънинг қўлланиши, кўринишлари ифодаланаётган ўй-фикрлар, кечинмаларнинг характерига қараб ҳам турличадир.

Дебочалардаги сажъ санъати Алишер Навоийнинг насрдаги поэтик маҳоратининг қай даражада эканлигини кўрсатувчи бадиий воситалардан биридир.

БАДИИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ

Алишер Навоий асарларини қимматбаҳо дуру жавоҳирларга қиёслаш мумкин. Шоирнинг қайси бир асарини қўлга олманг, унинг янгидан-янги қирраларини кашф этаверасиз, теран маънолари, гўзал ифодалари кўз олдингизда «мавзун ҳаракатлик дилкашлар ва матбуъ сифатлик шўхвашлар» янглиғ турфа либосларда жилваланаверади. Навоий асарлари, орадан беш асрдан зиёд вақт ўтса ҳамки, китобхонни ўзига оҳанграбодек тортиб келади. Бунинг сабаби уларнинг чуқур мазмундорлиги ва гўзал бадииятга эга эканлигидир.

Асар ғояси ва мазмуни қанчалик теран бўлмасин, ўша мазмунга мос шакл танланмас экан, китобхонда чуқур таассурот қолдириш мумкин эмас. Навоийнинг эстетик принципига кўра, мазмун бирламчи; бадиий асардаги мазмун (маъно) шоирнинг доимо диққат марказида туради. Шу билан бирга, ўша мазмун гўзал либосда, яъни шаклда ифода этилиши лозим. Шу маънода асар бадийяти ёрқин ва жозибадор бўлмас экан, ўқувчида завқ уйғотолмайди. Булар юксак бадиий асар яратишнинг асосий шартларидир.

Навоийнинг шеърий асарларидагина эмас, балки насрий асарларида ҳам бадиийлик юксак даражададир. Шоир ўз фикрларини равон, таъсирчан, образли ифодалаш учун бадиийликнинг турли хил воситаларидан фойдаланади.

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида дастлабки икки девонини тузгандан кейинги даврда айтилган шеърлари ҳам сон жиҳатдан кўпайганлигини таъкидлайди ва уларнинг ҳар байтини «лафзу маъно била даржлиғ гавҳар[1]га ўхшатади. Бу билан Навоий ўз шеърларида сўз ва унинг маъноси билан боғлиқ ранг-баранг бадиий санъатлардан ҳам фойдаланганлигига ишора қилмоқда.

Алишер Навоийнинг девон дебочаларини ҳам жуда гўзал ва бой бадиий воситалар безаб туради. Бу бадиий воситалар хилма-хил ва ранг-баранглиги билан кишини ҳайратда қолдиради.

Дебочаларда шоирнинг буюк сўз санъаткори сифатидаги маҳорати жуда ёрқин намоён бўлади. У дебочаларда ташбеҳ, сифатлаш, истиора, муболаға, тафрит, тарди акс, мадиҳ, фахрия, талмеҳ, эънот, таносиб каби кўплаб маънавий ва лафзий санъатлардан кенг ва унумли фойдаланади.

Навоийшунос олим Ё.Исҳоқов «Навоий поэтикаси» китобида шоир асарларида қўлланган ташбеҳ, сифатлаш, истиоралар ҳақида гапириб, улар классик шеъриятнинг қон-қони-

[1] Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик, 3-том. – Б. 11.

га сингиб, унинг зарурий элементларга айланиб кетганлигини таъкидлайди[1]. Дарҳақиқат, Навоий асарларини, жумладан, дебочаларини ҳам бу поэтик санъатларсиз тасаввур этиш қийин.

Дебочаларда энг кўп мурожаат қилинган санъатлардан бири ташбеҳдир. Бирор нарса ёки ҳодисанинг хусусиятини шу хусусияти бор бошқа нарса ёҳуд ҳодиса орқали тасвирлаш ўхшатиш ёки ташбеҳ деб аталади.[2]

Навоий тафаккур оламининг ниҳоятда кенг ва ранг-баранглиги ташбеҳ санъати орқали яққол намоён бўлади. Шоир тафаккурнинг учқур отида юксак-юксакларга парвоз қилади, ўзининг фикр-ўйларини, ички ҳиссиётларини гўзал бир либосда жилвалантирадики, бу рангин жилвалар, бу бетакрор гўзаллик кишига битмас-туганмас завқ бағишлайди; ана шу бетимсол гўзалликни кашф этган даҳо қудратидан ҳайратланасан.

Фикримизнинг далили сифатида дебочалардаги ўхшатиш намуналарига назар ташлайлик. Навоийнинг ўхшатишларидаги ўхшамиш фақат шаклга эмас, кўп ҳолатда вазифага асосланган. Мана шу хусусият Навоийга жуда кўплаб ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ва келмайдиган ўхшатишларни вужудга келтиришга сабаб бўлган.[3]

Маълумки, Шарқда девон тузишнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. Яъни девондаги шеърлар араб-форс алифбосидаги 32 ҳарф тартибида жойлаштирилиши лозим. Лекин Навоийгача бўлган шоирлар 32 харфнинг тўрттасида шеър битмаганлар. Навоий ўз девонида бу камчиликни тугатади. Буни шоир образли тарзда шундай тасвирлаб, гўзал ташбеҳ намунасини яратади: «*Чун сўз аруси назм ҳаридининг матбуъ кисватин ва мавзун хилъатин кийиб, жилва оғоз қилса, ҳуққаи ёқути доғи ўттуз иккита гавҳардин қачонким тўртиға нуқсон воқиъ бўлса, муқаррардурким, жамолиға андин қусур ва каломиға андин футур воқеъ бўлғусидур» (I-т., 20-бет).* Яъни: «Сўз келинчаги шеъриятнинг ҳарир либосидан ёқимли ва ярашимли кўйлак кийиб, жилва қила бошласаю, оғзидаги ўттиз иккита гавҳар (тип) дан тўрттасида нуқсон бўлса, ундан жамолига қусур ва нутқига путур етиши муқаррардир». Девондаги шеърларни сўз келинчагига, алифбодаги 32 ҳарфни унинг оғзидаги тишларига ўхшатиш Навоийнинг ташбеҳ бобидаги кашфиётларидан биридир.

Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийга барча шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида топшириқ бергач, шоир шоҳ ҳукмини бажаришга киришади. Яъни ўтган айёмда айтилган «ва кечгон ҳангомада битилган» ғазалларини тўплаб, ислоҳ қилиб, яна янги ғазаллар битиб, «такмил риштасиға» торта бошлайди. Навоийнинг шоирлик қуввати шунчалик зўрки, ҳар куни унинг «табъ» ва «хаёл хилватхонасидин» учта-тўрттагача ғазаллар «жилваи ноз» ва «хироми дилнавоз била» чиқиб, «абкори фитна осорға қўшулурлар эрди. Бу ўринда Навоий ўз ғазалларини гўзалларга ўхшатади ва уларни чиройли сифатлашлар, гўзал истиоралар билан тасвирлайди: «*Бу назоҳат шабистонининг парданишинлари юз минг зебу зийнат била табъ хилватхонасидин жилваи ноз қилиб чиқиб, сойир абнойи жинс силкига кирурлар эрди ва бу малоҳат нигористонининг нозанинлари туман оройишу намойиш била хаёл хилватхонасидин хироми дилнавоз била ҳаракат кўргузуб, яна абкори фитнаосорға қўшулурлар эрди. Чун бу мавзун ҳаракатлик дилкашлару бу матбуъ сифатлик шўхвашлар эллик, олтмиш ё юзга яқин бўлсалар эрди, бу фақир савдойи бир тожирдекким, малик-ут-тужжор деса бўлғай, -*

[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1983. –Б.208.
[2] Исҳоқов Ё. Ташбеҳ. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1970,4-сон. –Б.81.
[3] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати.–Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. –Б.67.

Рубоия:

Юз ҳур сифат барчасининг нозу фани,
Кашмирию румию хитою хўтаний,
Ким бир шаҳ учун кетургай ул тойифани,
Тожир ўзин айларга баҳо бирла ғани.

- Кашмирийси сеҳрсозлиғда дилрабову дилкаш ва румийси турктозлиқда кофиройину фарангийваш ва хитойиси хунрезлиғда новакзану шершикор ва хўтанийси фитнаангизлиғда шерафкану ғизолакирдор, бу шамойилу ойин била ва бу зеболиғу тазйин била Султони соҳибқироннинг ҳарами саройиға киюрур эрдим ва бирин-бирин ул ҳазратнинг кимёасар назариға еткурур эрдим» (3-т. 17-бет).

Каттагина бу парчада Алишер Навоий битаётган гўзал ғазаллари 60-100 тага етгач, Ҳусайн Бойқаронинг муборак назаридан ўтказиш учун унинг ҳузурига етказишини тўғридан тўғри айтиб қўя қолмайди» балки шоир ўз фикрларини образли тарзда ифодалаб, гўзал ташбеҳ намуналарини яратади. Бу билан Алишер Навоий ўзининг тасаввур ва хаёл оламининг нақадар кенг ва бойлигини, оддий фикрларини ҳам ҳайратда қоларли даражада гўзал ифода қила билишнинг ўзи ҳам катта санъат эканлигин яна бир бор намойиш қилади.

Навоий санъаткорлигининг муҳим қирраларидан бири шундаки, у бир пайтнинт ўзида бир эмас, бир неча санъатларни тенг қўллайди. Юқоридаги мисолда ҳам шоир ташбеҳ, сифатлаш, истиора каби бир неча санъатлардан фойдаланган.

Умрининг сўнгги йилларида, айтиб ўтилганидек, Навоийнинг соғлиги анчагина ёмонлашади. Худди шу пайтларда Ҳусайн Бойқаро шоирга ўз шеърларини тўплаб, тўрт девон тузиш ҳақида фармон беради. Умри давомида ёзган лирик шеърларини тўплаб, уларни ислоҳ қилиб, тўрт девон тузиш Навоий назарида осон иш эмас. У шоирдан улкан меҳнат ва катта масъулият талаб қилади. Буни яхши англаган шоир шу даврдаги руҳий ҳолатини қуйидагича тасвирлайди: *«... агарчи заъфимға қувват имкони зоҳир бўлуптур, аммо ҳануз бузуғ кошонамдин чиқарға қўпмоқ тиласам, осилған у бори анкабут торлари дастгирим бўлуб мадад еткурмагунча, тебранмакка тобу тавон ва ҳаракатқа мақдур, балки имкон йўқтур, пашша юз пили дамон торта олмаған юкни нечук тортқай, батахсиским, мажруҳу ранжур дағи бўлғай, мўрчанинг шериж аён қила олмаған ишни нечук қила олғай, хусусанким, бемору сиҳҳат тариқидин маҳжур дағи бўлғай» (3-т., 15-бет).*

Навоий ўз асарларида, жумладан дебочаларида ҳам муболаға санъатидан маҳорат билан фойдаланади. «Муболаға ... сўзлагучи бир нимани васф этарда анинг кучлуглиги ёки кучсузлугининг ортиқлиғин, ул ортиқлиқ одаттин ташқари ёки эшиткучи ул васф етук эрмас деган хаёлга бормайтурған даражада даъво қилур».[1]

Шоир юқоридаги парчада ҳам муболағадан ўзинint кексалик пайтидаги руҳий ҳолатини, кечинмаларини реал ва таъсирчан ифодалаш учун фойдаланади. Навоий шу даврларда кексаликдаги қувватсизлик ва хасталиклар туфайли шунчалик заифлашадики, ўрнидан туришга ўргимчак тўрлари мадад етказмаса, ҳаракат қилшга имкон ва қуввати йўқ. Беморнинг ўргимчак тўрларига тирмашиб ўрнидан қўзғалиши жуда чиройли муболағали тасвир намунасидир.

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б.67.

Классик адабиётда нарса ёки ҳодисани атайин кичрайтириб, заифлаштириб тасвирлаш санъати - тафрит ҳам кенг қўлланади. Навоий юқоридаги парчада ўхшатиш билан тафритни биргаликда қўллайди. Шоир ўзини пашша ва чумолига ўхшатади; пашша юзта ҳайбатли фил торта олмаган юкни тортолмайди, тортса ҳам мажруҳ бўлади, чумоли ғазабли шер қила олмаган ишни бажара олмайди, бажарса ҳам соғлиғидан айрилади. Бу билан шоир девон тузиш жуда улкан иш эканлигини, бу ҳамманинг қўлидан келавермаслигини таъкидламоқда.

Маълумки, девон тартиб бериш учун жуда катта билим ва тажриба, талант ва маҳорат талаб қилинган. Шунинг учун ўтмишдаги шоирларнинг кўпчилиги ўз шеърларидан девон тузавермаганлар.

Классик адабиётда сўз такрорига асосланган санъатлардан бир тарди акс бўлиб, Навоий ўз лирик шеърларида ҳам бу санъатнинг гўзал намуналарини яратди. Шунингдек, дебочаларда ҳам бу санъатга мурожаат қилади: «*Не тонгдин ақшомғача ўзумга бир дам ғизодин ком, не ақшомдин тонғғача турфат-ул-айни кўзумга уйқудин ором» (3-т., 20-бет).* Бу мисолдаги биринчи гапда «не тонгдин ақшомғача», иккинчи гапда «не ақшомдин тонғғача» тарзида қайтарилган ва акс ҳосил қилган. Келтирилган мисолда бу санъат шоирнинг хаста пайтидаги руҳий ҳолатини чуқур ва таъсирчан ифодалаш учун хизмат қилган.

Дебочада кўп қўлланилган қофия билан боғлиқ санъатлардан бири эънотдир. Эънот санъатининг моҳияти шундан иборатки, «... сўзлагучи сажь ёки қофияда равий ҳарфидин олдин берилмаги шарт бўлмаган бир ёки бир неча махсус ҳаракат ёки муайян ҳарф келтирур».[1] Дебочалар, асосан, сажъ усулида ёзилган. Навоий кўп ўринларда сажълаш учун шундай сўзларни танлайдики, уларда равийдан олдинги бир ёки бир неча ҳарфлар ҳам бир хил бўлади. Бу сажъланаётган сўзларнинг жарангдорлигини, равонлиги ва мусиқийлигини таъминлайди. Асосийси - айтилаётган фикрнинг чуқур ва ёрқин, таъсирчан ифодаланишига хизмат қилади. Масалан: «*Яна буким, сойир давовинда расмий ғазал услубидинким, шойиъдурур тажовуз қилиб, махсус навъларда сўз арусининг жилвасиға намойиш ва жамолиға оройиш бермайдурурлар» (I-т., 22-бет).*

Юқоридаги мисолда ўзаро сажъланган «намойиш» ва «оройиш» сўзларидаги равий «ш» товушидир. Равий олдида келтирилиши шарт бўлмаган «о» ва «и» товушлари такрорланган. Бу эса сажъланган сўзларнинг оҳангдорлигини, таъсирчанлигини оширади.

Дебочалардаги эънот саньати намуналарини яна кўплаб келтириш мумкин: «*Ҳолиё, иккаласи алфоз назмиға қойил, балки девон такмилига мойил бўлғай» (1-т., 15-бет). Ёки: «Ва гоҳи иборатим қусурин тағйир бермак била айбдин мубарро ва гоҳи маонийидин футурин ислоҳ қилмоқ била нуқсондин муарро қилур эрди» (1-т., 17-бет).*

Алишер Навоий дебочаларда «мадиҳ» санъатини ҳам қўллайди. «Мадиҳ» луғатда мақташ, мақтов демакдир.[2]

Классик адабиётда шоир қасида, девон ё бирор асарини ўз даври ҳукмдорига ёки бирор олий мартабали шахслардан бирига бағишлаши анъанага айланган бир ҳол бўлган. Шубҳасиз, бундай асарларда (кўпроқ кириш қисмларида) ўша ҳукмдор ёки олий мартабали шахс ниҳоятда кўкларга кўтариб мақталган. Масалан, Хусрав Деҳлавий «Нуҳ сипеҳр» («Тўққуз осмон») достонини ўз даврининг ҳукмдорларидан бири - Муборакшоҳга бағишлаган. Ҳукмдор бунинг учун унга, шоирнинг маълумот беришича, «олтин фил» ҳадя қилган.

---

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. –Тошкент: 1981. –Б.10.

[2] Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: Порсо Шамсиев, С.Иброҳимов. –Тошкент: Фан, 1972. – Б.348.

Навоий девонларининг дебочасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат мавжуд. Шоир ўз даври ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони мадиҳ санъати орқали ниҳоятда таърифу тавсиф қилади. Бунинг сабабларидан бири анъанавий ҳолатнинг мавжудлиги бўлса, иккинчидан, санъаткор ижодини қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий шароит яратиб бериш давр ҳукмдорлари ва олий мартабали кишларга хос одат бўлган. Бу Навоийгача ва Навоийдан кейинги даврда ҳам анъанавий ҳолат тусини олган.

Алишер Навоий дебочаларида Ҳусайн Бойқаро шаънига битилган баландпарвоз сўз ва ибораларни, шеърий мисраларни кўплаб учратамиз. Бунинг сабаблари Ҳусайн Бойқаронинг ҳам мактабдош дўст сифатида, ҳам подшоҳ сифатида шоир ижодининг ривожланиши учун шарт-шароитларни яратиб беришга интилганлиги, шеърларини таҳрир қилганлиги, девон тузишга рағбатлантирганлиги, умуман, Навоий талантига ва ижодига чуқур ҳурмат билан қараганлигидадир. Ўз навбатида, дебочалардаги баёнда, келтирилган шеърларда Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога бўлган чексиз ҳурмати, чуқур эҳтироми яққол сезилиб туради. Ҳатто айрим ўринларда Ҳусайн Бойқарога хос бўлган сифатлар бўрттирилади. Масалан, Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг тахт тепасига келишини мадиҳ санъати орқали қуйидагача тасвирлайди: «*Мулк шабистони бир давлат машъали била равшан бўлдиким, учқунининг ашиъасида бадри мунир бадр олдида Суҳодек ёшунди ва адл шаҳристони бир маъдилат хуршиди била ёрудиким, ашиъасининг партавида меҳри оламгир меҳр олдида заррадек кўрунди. Иқлимгиреким, хумоюн шарафидин фармонравонлиқ хутбасининг минбари пояси Муштарий авжиға етти ва ганжбахшеким, рўзафзун жаноби исмидин кишваркушойлиқ сиккасининг миръоти беҳбуд нақшин зоҳир этти. Покдинеким, шариат ривожида хуршиди раъяти ихтисобидин Зуҳра уди юзидаги торлардин мусҳаф битир мистар юзига чекти. Адлойинеким, раият риоятида инсофи деҳқони мададидин Миррихи қаҳтандош савобит доналарин сипеҳр мазраъида экти. Соҳибқиронеким, тийғи суйидин разм бўстонида фатҳ гуллари очилди, мулкистонеким, азми асаридин базми анжуманида иноят саҳобидин зафар дурлари сочилди.*

Шаҳеким, васфи юз минг йил туганмас, деса юз минг тил,
Бу айтилғонча юз минг бил, яна ҳар бирни юз минг қил.
Ки юз мингдин бири зикр ўлмағай зикр ўлса юз минг қарн,
Бу юз минг қарндин ҳам бўлса ҳар бир лаҳза юз минг йил!.

(I-т., 15-16-бетлар).

Бундан кейинги ўринда ҳам Ҳусайн Бойқарони васф этувчи бир неча рубоийлар берилади. Умуман, ҳар икки дебочада ҳам Ҳусайн Бойқаро мадҳига жуда кенг ўрин берилган бўлиб, бу нарса юқорида тилга олинган сабаблар билан боғлиқ ва реал заминга эгадир.

Дебочаларда қўлланилган санъатлардан бири фахриядир.

Алишер Навоий «Лисон ут-тайр» асарида улкан шоирлик қуввати ва юксак иқтидори туфайли туркий тилда «Хамса», «Хазойин ул-маоний» каби асарлар яратиб, катта шуҳрат қозонганлигини фахрия усулида кўп ўринларда алоҳида таъкидлайди:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Тўрт девон бирла назми «Панжи ганж»,
Даст берди чекмайин андуҳу ранж.
Назму насрим котиби тахминшунос
Ёзса, юз минг байт этар эрди қиёс.

Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида бу улкан шеърий тўпламнинг яратилиш тарихи, тузилиши билан ўқувчини таништиради. «Хазойин ул-маоний» яратилган вақт оралиғида «Хамса», «Назмул жавоҳир», «Мажолис ун-нафоис», «Зубдат ут-таворих» ва бошқа асарларини ижод қилганлиги ҳақида хабар беради. Шундан сўнг давом этиб ёзади: *«Ва биҳамдиллоҳ андоқ муродлар касб эттиким, менинг абнойи жинсимнинг юзидин бирига муяссар бўлмайдур ва андоқ мақсудларға еттимким, аларким, мендек юз, балки минг қуллари бор эрди, бирининг соғари орзуси менга нишот еткурган май била тўлмайдур. Биҳамдиллоҳи таолоки, бу авқотдаким умр водийсининг кўпрагин анинг давлатидин муродлар била қатъ этибмен ва ҳаётнинг ниҳоятиға комлар, балки комронлиғлар била етибмен, ҳеч турлуг армон хотиримда қолмайдуру ҳеч навъ орзу кўнглумда синғанин хаёлим топа олмайдур. Ҳар не дунё муродию зоҳир комронлигидур сурубмен ва сўзумнинг сийту садосин анинг мадҳида етти фалакка еткурубмен» (3-т., 20-бет).*

Шоир бу ўринда фахрия усули орқали ўзининг ноёб таланти ва маҳорати туфайли бадиий ижод соҳасида улкан ютуқларга эришганлиги ва ижодда бундай юсак чўққиларга кўтарилиш ҳаммага ҳам насиб этавермаслигини таъкидламоқдаки, бу, албатта, реал заминга эгадир.

ДЕБОЧАЛАРДАГИ ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАР БАДИИЯТИГА ДОИР

Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» га ёзган ҳар икки девон дебочаси ҳам шоирона фикрлашнинг гўзал намунасидир. Шоир теран ўй-фикрларини, нозик кечинма ва ҳиссиётларини бу дебочаларда кучли эҳтирос билан ифода этади. Дебочалардаги насрий баённинг ўзи ҳам ҳар қандай таъсирчан шеъриятдан қолишмайди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, девон дебочалари шеърий бир мулкнинг сарсуханлари бўлганлиги учун ҳам лирик характер касб этган. Шоирнинг ўз шеърияти ҳақидаги мулоҳазаларининг ўзида шеърий руҳ бўртиб туради. Шунингдек, ўрни-ўрни билан рубоий, маснавий ва байтлар бериб борилади. Бу «... шеърий парчалар насрий баёнда ифодаланган фикрни хулосалаш, якунлаш, шунингдек, муаллифнинг асарларидаги ғоявий ниятини янада бўрттириб, эмоционал таъсирчанликни, бадиий эффектни ошириб бериш учун хизмат қилади. Баъзан назм насрда билдирилаётган фикрнинг давоми сифатида берила боради. Баъзан эса назм фактик материал сифатида келтирилади».[1]

Ўзбек адабиётида XIX асргача назмда ижод қилиш анъанаси ҳукмрон эди. Бу анъана Алишер Навоийнинг насрий асарларига ҳам ўз таъсирини ўтказди, яъни шоир насрий асарларида назмдан ҳам кенг фойдаланди. Умуман, назм билан насрнинг қоришиқ ишлатилиши Навоий ижодининг асосий хусусиятларидан биридир.

Навоий дебочаларида турли мақсадларда қўлланган шеърий парчалар ўзининг ёрқин бадиий фазилатларига эгадир. Бу шеърий парчалар рубоий, маснавий (3 байтдан 18 байт-

[1] Ғаниева С. Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти , 1979, 6-сон. –Б.37.

гача) байтлардан иборат бўлаб, улар ҳам Навоийнинг улкан ижодхонасида сайқалланган назм дурларидир. Шоир ўзининг чуқур ва юксак фикрлари, туйғуларини ифодалашда шеърий санъатларнинг кўпчилигига мурожаат қилади. Бу санъатлар Навоийнинг ғоявий-бадиий ниятини чуқур ва таъсирчан ифодалашга хизмат килган. Бу жиҳатдан дебочалардаги шеърий парчаларда қўлланган ташбеҳ, таносиб, тасдир, ташобеҳул-атроф, тарсеъ, тарди акс, талмеҳ каби санъатлар характерлидир. Шунингдек, шеърий парчалардаги ҳаётий тасвирлар ҳам шоирнинг юксак санъаткорлигини яна бир бор намойиш қилади.

Маълумки, Навоий ўзбек адабиётида рубоий жанрини юксак поғонага кўтарган шоирдир. Унинг девонларига ёзган насрий дебочалари таркибида ҳам анчагина рубоийлар бор. Масалан, «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида 17 та, «Хазойин ул-маоний» дебочасида эса 30 та рубоий бўлиб, уларнинг кўпчилиги биографик, ижодий-биографик мавзулардадир. Шунингдек, дебочанинг моҳияти, шоирнинг Ҳусайн Бойқарога бўлган муносабати каби масалалардан келиб чиққан ҳолда дуо, тилак, истак-характеридаги рубоийлар ҳам учрайди. Бу рубойлар шоирнинг насрдаги фикрлари, кечинмалари, эҳтиросларининг тадрижий давоми сифатида, такрор (таъкиди), хулосаси сифатида келтирилади.

Алишер Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида рубоийлар билан бирга маснавий ва байтлар бериб боради. «Хазойин ул-маоний» дебочасида эса фақат рубоий жанрига мурожаат қилади. Бу ўринда инсон умрининг тўрт фаслига монанд «Хазойин ул-маоний» ҳам тўрт девондан ташкил топганлиги билан рубоийнинг тўрт мисрадан иборат эканлиги ўртасида қандайдир мантиқий мутаносиблик борлигини эсласак, Навоий даҳосига яна бир бор таҳсин ўқиймиз.

Дебочалар таркибида рубоийларнинг кўп қўлланиши унинг жанр хусусиятлари билан боғлиқ. Яъни тўрт мисрада фикрни ихчам ва чуқур маъноли ифода қила олиш имкониятининг мавжудлиги сабабли шоир дебочаларида бу жанрга мурожаат қилади. Бу, айниқса, «Хазойин ул-маоний» дебочасида яққол кўзга ташланади.

«Хазойин ул-маоний» Алишер Навоийнинг бутун умри давомида ёзган шеърларининг улкан тўпламидир. Бу девонлар тўпламини тузишга шоир, ўзи далолат беришича, бутун умрини сарф этган, яъни тўрт девондан иборат тўпламга ёшлик чоғларидан 1498 йилларгача бўлган даврларда ёзган 16 лирик жанрдага шеърларини жойлаштирган. 2600 ғазал ва бошқа жанрдаги шеърларни тўрт девонга жойлаштиришнинг ўзи бўлмаган, албатта. Бунинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Девон тузиш улкан масъулият талаб қилувчи иш эканлигини ва умрининг кейинги даврларида шоирнинг соғлиғи ёмонлашганлигини ҳисобга олсак, Навоийнинг бу тўрт девондан иборат тўпламни яратишдаги чеккан заҳматлари, меҳнат ва машаққатлари янада равшанроқ намоён бўлади. Ана шу меҳнат ва машаққатларининг меваси сифатида бунёдга келган 4 девонни йилнинг тўрт фасли ва инсон умрининг тўрт даврига монанд номлар билан атайди. Шоир ана шу девонларни тузишга умрининг барча қисмини сарф этганлигини 4 мисралик рубоийда мухтасар шаклда ифода этади:

Сарф эттим анга умр баҳорин дағи,
Бўстони ҳаёту лолазорин дағи,
Оллида хазони зарнисорин дағи,
Кофурфишон қиш била қорин дағи

(3-т., 19-бет).

Навоий бу фикрни шеъриятнинг бошқа шаклида ҳам ифода этиши мумкин эди. Лекин Навоий ўзидаги сўзга бўлган ўта талабчанлик, сўзни беҳуда ишлатмаслик, оз сўз билан кўп маъно ифодалашга интилиш каби хислатлар туфайли бу фикрни рубоийда беришни маъқул кўрган. Рубоий жуда катта маҳорат билан яратилган бўлиб, ундаги ҳар бир қофия, радиф шундай санъаткорлик билан танланганки, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно ташийди.

Дебочалар кўпроқ ижодий-биографик характерда бўлганлиги учун унда келтирилган шеърий парчалар ҳам шоир ҳаётининг муайян даврлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам уларни баҳолашда шу даврдаги аниқ воқеа-ҳодисалар ва ҳолатлар ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда умумлашма даражасига кўтарилган муайян фикрларни тушуниш, англаш қийинлашади. Масалан, Ҳусайн Бойқаро Навоий ғазалларини ўқиб, уларни таҳлил қилган. Ислоҳ қилинган мисра ва байтларни шоир гўзал ташбеҳлар орқали шундай тасвирлайдики, бу ўз навбатида Ҳусайн Бойқарога бўлган муносабатни белгилашда ҳам муҳимдир:

Хоро орасинда эрди гавҳар янглиғ,
Ё куллар ичинда эрди ахтар янглиғ,
Ёҳуд тикан ичра гули аҳмар янглиғ,
Балким тан аро руҳи мусаввар янглиғ.

(1-т., 17-18-бетлар).

Бу рубоий бошдан оёқ ташбеҳи мусалсал асосига қурилган. Шоир биринчи мисолда ислоҳ қилинган байтларни оддий тошлар орасидаги қимматбаҳо тошга, иккинчи мисрада кул ичидаги қип-қизил чўғга, учинчи мисрада тиканлар орасидаги қизил гулга, тўртинчи мисрада танада мустаҳкам ўрнашган руҳга ўхшатади. Юқоридаги «кул ичидаги қип-қизил чўғ», «тан аро жойлашган руҳ» ташбеҳлари шоирнинг оригинал ўхшатишларидир.

Кетма-кет келтирилган ташбеҳлар орқали Навоий Ҳусайн Бойқаро ислоҳ килган, айрим тузатишлар киритган мисра ва байтларнинг сифатини ниҳоятда ошириб тасвирламоқда. Бу ўринда, албатта, муболаға ҳам мавжуд. Лекин шоирнинг дебоча ва бошқа асарларидаги иқрорларига кўра, Ҳусайн Бойқаро унинг шеърларини маълум даражада таҳрир қилганлиги, шубҳасиздир.

Навоий шеъриятида кенг қўлланилган санъатлардан бири таносибдир. «Таносиб шеъриятда кечинмаларнинг яхлит манзарасини бериш, фикрни маълум бир нуқтадан аниқ ва чегарагача мантиқий хулосага етказиш, ҳис-туйғулар табиатига мос мунтазам оҳанг топишда кенг имкон беради.[1]

Демак, маълум маънода таносиб шеърий асарларнинг композицияси билан боғлиқ бўлган санъатдир. Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида ғазал байтларининг композицион изчиллиги ҳақида гапирар экан, ўз фикрини далиллаш мақсадида қуйидаги рубоийни келтиради:

Ҳар ерда баҳор ўлса, чаман бўлса керак;
Ҳар ерда чаман, гулу суман бўлса керак.

[1] Ҳаққулов И. Бобир шеъриятида таносиб санъати. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981, 5-сон. –Б.23.

Ҳар ерда хазон бўлса, тикан бўлса керак;
Ҳар қайда тикан, ранжу миҳан бўлса керак.

(1-том, 22-бет)

Бу мисолда мантиқан бир-бирини тақозо қилувчи бир-бирига маънодош бўлган баҳор сўзи чаман билан, чаман сўзи гулу суман билан, хазон, сўзи тикан билан, тикан сўзи ранжу миҳан билан уюштирилган ва чиройли таносиб санъати намунаси яратилган. Шу билан бирга, шоир бу рубоийда тасдир ва ташобеҳул-атроф санъатларини ҳам қўллайди. Яъни биринчи мисра бошидаги сўз иккинчи мисра бошида ҳам такрорланади. Бу сўз такрорига асосланган тасдир санъатидир. Шунингдек, биринчи мисрадаги чаман сўзи иккинчи мисрада қайтарилади, учинчи мисрадаги тикан сўзи тўртинчи мисрада такрорланади. Бу ташобеҳул-атрофдир.

Шўхеки, ўкуш ҳусну жамол ўлғай анга,
Бир ҳусн яна ҳусни мақол ўлғай анга.
Лаъли аро дурларида гар бўлса қусур,
Сўз дерда керакки, инфиол ўлғай анга.

(1-т., 20-21-бетлар).

Келтирилган рубоий ҳам қатъий таносиб асосига қурилган. Бу рубоийда бир-бирини мантиқан тақозо қилувчи сўзлар уштирилган: шўх - ҳусну жамол, ҳусн - ҳусни мақол, лаъл (лаб) - дур (тиш), сўз - инфиол.

Энди рубоий мисраларини кўздан кечирайлик:

1. Шўхнинг ҳусни жамоли таърифга сиғмайди.
2. Шунча ҳусн устига ширин сўз ҳам.
3. «Лаъли аро» тишларида қусур бўлса.
4. Шунча ҳусн билан сўзлаганда хижолат бўлади.

Шоир томонидан танланган ва уюштирилган ҳар бир сўз рубоий композициясининг мантиқан изчил бўлишини таъминлаган. Умуман, Навоий таносиб санъатига кўп мурожаат қилган ва шеърларининг шакл ва мазмун жиҳатидан мукаммал бўлишига эришган.

Алишер Навоий ижоди учун асосан шартли тасвир усули хосдир. Шу билан бирга, навоийшунос олим профессор А.Ҳайитметов таъкидлаганидек, шоир лирикасидаги муҳим хусусиятлардан бири унда реалистик моментлар, реалистик элементларнинг мавжудлигидир.[1]

Дебочалар ижодий-биографик характерда бўлганлиги учун унда келтирилган шеърий парчаларда ҳам «реалистик тасвир, реалистик мазмун ва характер касб этган мисра ва байтлар»[2] талайгина.

Шоир йигитлик пайтида ишқ кўчасига кирган чоғларидаги ҳиссиёт ва кечинмаларини шундай тасвирлайди:

Тун-кун аёғим яланг, ёқам чок,
Майхона йўлида масту бебок.

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикасида реалистик моментлар ва элементлар. // Навоий даҳоси. –Тошкент: 1970. –Б.114.
[2] Ўша асар. –Б.125.

Ҳар дам етибон фалакка хўюм,
Авбош ила барча гуфтугўюм.

(1-т., 12-бет).

Бу ишқ бодасидан маст бўлган ҳақиқий ошиқ ички кечинмаларининг реал тасвиридир. Ишқ кўчасига кирган ошиқ оёқ яланг, ёқалари йиртилган ҳолатда туну кун майхона йўлида маст-аласт юради. Унинг саёқ дайдилар билан гап-сўз талашишлари, нола-фиғонлари ҳам дам осмону фалакни тутади. Ҳақиқатан ҳам, бу ошиқ бўлиб қолган кишида юз берадиган руҳий ҳолатдир.

Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида девон тузиш ҳақида Ҳусайн Бойқаро томонидан ҳукм бўлганлиги, унгача бу ишга ўзида рағбат бўлмаганлиги ҳақида сўзлайди. Шоҳ топшириғидан сўнг девон тузишга киришар экан, ўз-ўзига шундай мурожаат қилади:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ?
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ?
Тухм ерга кириб чечак бўлди;
Қурт жондин кечиб ипак бўлди,
Лола тухмича ғайратинг йўқму?!
Пилла қуртича ҳиммatинг йўқму?!

Кишининг заҳмат чекмасдан осойишталикка эришолмаслиги, кўнгли ўртанмаса, яъни қийналмаса, умид чироғининг порламаслиги мумтоз шеъриятда янги фикрлар эмас. Лекин тухум (уруғ) ерга қадалгач, ўсиб чиқиши – чечакка айланиши, қурт парваришдан сўнг жонидин кечиб ипак бўлиши нақадар ҳаётий тасвирдир. Навоий юқоридаги байтларда параллел таққослашлар орқали ўзини девон тузишдек улкан меҳнат талаб ишни амалга оширишга рағбатлантиради.

Шоир давом этади:

Гарчи бас тийрадурур ул зулумот
Ғам эмас, чун бор анда оби ҳаёт

(I-т., 20-бет).

Шоирнинг фикрича, зулумотнинг қоронғилиги ғам эмас, чунки ана шу қоронғиликда оби ҳаёт бор. Бу билан шеърларини тўплаб, таҳрир қилиб, бир жойга жамлаш учун чекилган заҳматни шоир зулумот қоронғилигига қиёслайди. Лекин бу заҳмат беҳуда эмас. Зулумотнинг қоронғилиги ортида оби ҳаёт бўлганидек, бу чекилган заҳмат сўнггида шоир номини боқий қолдирувчи девон дунёга келади.

Умуман, Алишер Навоий дебочаларидаги насрий баён давомида турли жанрдаги шеърий парчаларни бериб боради. Бу парчаларда қатор шеърий санъатлар қўлланган. Шуни таъкидлаш керакки, Навоий бу санъатлардан бадиий гўзаллик учунгина фойдаланмайди, балки уларни айтмоқчи бўлган фикрларини аниқ, равон ва таъсирчан ифодалашга хизмат қилдиради. Шу билан бирга, руҳий кечинмаларни реал ўхшатишлар, таққослар орқали ифодалаб, чуқур ҳаётий тасвирлар яратади.

4-БОБ. НАВОИЙДАН КЕЙИНГИ ДАВРДА ЯРАТИЛГАН ДЕБОЧАЛАР

Алишер Навоий ижоди кейинги асрлардаги барча ўзбек шоирлари учун ҳар жиҳатдан ибрат бўлди. Ўзбек адабиётининг Бобур, Машраб, Нишотий, Мунис, Огаҳий, Нодира каби барча вакиллари Навоий даҳосидан ҳеч истисносиз баҳраманд бўлдилар. Айниқса, Навоий ижодининг XIX асрдаги ўзбек шоирлари ижодига таъсири кучли бўлди. Бу давр шоирлари Навоий шеъриятининг ғоявий-бадиий жиҳатларидан озиқ олдилар, шоир ғазалларига назира ва мухаммаслар боғладилар.

Шунингдек, Нодира, Нодир-Узлат, Амирий, Мунис, Огаҳий, Шавқий, Муҳсиний, Фақирий, Табибий каби шоирлар Навоийнинг дебочали девон тартиб бериш анъанасини ҳам давом эттирдилар.

Алишер Навоийдан кейин XIX асргача бўлган даврда яшаган ўзбек шоирлари ижодида дебочага эга бўлган девон тузиш ҳолатини учратмадик. Фақат XVI асрда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири Фузулий девонида дебоча мавжуд. Бу дебочада кўпроқ Хусрав Деҳлавий дебочасининг таъсири сезилади.

Бу даврдаги девон дебочаларини шартли тарзда иккига бўлиш мумкин: 1. XIX асрнинг 1-ярмида яратилган дебочалар. 2. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яратилган дебочалар.

XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон ва Хива адабий муҳитида яшаб ижод этган Нодира, Нодир-Узлат, Амирий, Огаҳий, Мунис, шунингдек, каттақўрғонлик Муҳаммад Шариф Шавқий каби ўз даврининг машҳур шоирлари ҳам шеърларини тўплаб девон тузганлар. Бу девонларга дебоча ҳам битганлар. Бунда Навоийнинг таъсири катта бўлган. Биз буни, айниқса, Огаҳий, Мунис каби шоирларнинг дебочалари композицияси ва услубини, ҳатто тил хусусиятларини текширганда яққол кўришимиз мумкин.

Шунингдек, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида яшаган Муҳсиний, Фақирий, Табибий каби шоирлар ҳам ўз девонларига дебоча ёзганлар.

Ҳар бир шоир девонига дебоча битар экан, мумтоз адабиётдаги мавжуд анъаналарга баҳоли қудрат эргашишга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат ҳар бир шоирнинг талант ва қобилият даражасига боғлиқ равишда амалга ошади. Адабиётимиз тарихида яратилган ўнлаб дебочалар турли даврларда яшаган, дунёқарашлари, салоҳият даражалари турлича бўлган шоирлар томонидан битилган ва ўзига хос томонларга эгадир. Шу билан бирга, улар ўртасида маълум даражада умумийлик ҳам мавжуд. Бинобарин, XIX аср XX аср бошларида яратилган дебочалар мазмуни ва тузилишига кўра икки хилдир.

Нодира, Амирий, Фақирий дебочалари мундарижаси ва композицион тузилиши жиҳатдан маълум даражада умумийликка эга: яъни бу дебочалар ҳамду наът билан бошланиб, девондаги сахву хатолар учун узр сўрашдек анъанавий хотима билан якунланади. Шунингдек, шоир дебочада ўзи ҳақида хабар беради, ўша давр ҳукмдорига таърифу тавсиф берилади, кўкларга кўтариб мақталади. Шоирда девон тузиш фикри бўлмаганлиги, айрим шахсларнинг қистови билан қўл урганлиги, шу тариқа девон яратилганлиги хусусида сўз юритилади. Шу билан бирга, шоирнинг ўз устозларига бўлган муносабатлари ҳам ўз аксини топади.

Мунис, Огаҳий, Шавқий, Муҳсиний, Табибий каби шоирлар девонлари дебочалари композициясига юқоридаги компонентлардан ташқари, девон ва бошқа асарларининг яратилиш тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жанрлари, таржимайи ҳолига оид чизгилар, мамлакат тарихига доир воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда аниқликка интилиш, дебочанинг ёзилган вақтини кўрсатиш каби масалалар, шунингдек, айрим ўринларда ижтимоий мазмундаги фикрлар ҳам сингдириб юборилганки, бу хусусиятлар уларнинг ўзига хос жиҳатларидир.

Шунингдек, бу даврдаги дебочаларни услуб жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин: шеърий ва насрий услубда битилган дебочалар. Юқорида тилга олинган шоирлардан Шавқий дебочаси шеърий тарзда яратилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Каттақўрғонлик шоир Муҳаммад Шариф Шавқийнинг дебочали девони «Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий» номи билан 4634 инвентарь рақами остида Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади. Девоннинг 1б-5а варақларида дебоча жойлашган. Шуниси характерлики, дебоча тўққиз қисмдан иборат бўлиб, ҳар бир қисм махсус арабча сарлавҳалар билан таъминланган. Биринчи қисм Худога бағишлов бўлиб, «Ҳамду зоти мужиб ул-даъвот» («Худога ҳамд айтишлик даргоҳида дуонинг ижобат бўлишига сабаб бўлади») деб аталган.

Иккинчи қисм «Наъти набийна алайҳу афзал ул-салот» («Мақтовларнинг энг яхшиси ва саломлар пайғамбаримизга бўлсин, у кишининг сифатлари») деб номланган. Кейинги тўртта қисм халифаларга бағишланган бўлиб, «Сифоти ҳазрати амир ул-мўъминин Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу таъоло анҳу» («Мусулмонлар амири ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) нинг сифатлари»), «Сифоти ҳазрати амир ул-мўъминин Умар ул-Форуқ розияллоҳу таъоло анҳу» («Мусулмонлар амири ҳазрати Умар Форуқ (Худо у кишидан рози бўлсин) нинг сифатлари»). «Сифоти ҳазрати амир ул-мўъминин Усмон Зуннурайн розияллоҳу таъоло анҳу» («Мусулмонлар амири, икки кўз нурининг эгаси ҳазрати Усмон (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) нинг сифатлари»), «Сифоти ҳазрати амир ул-мўъминин Али Юл-ризо розияллоҳу таъоло анҳу» («мусулмонлар амири ҳазрати Али Ризо (Оллоҳ у кишидан рози бўлсин) нинг сифатлари») каби сарлавҳалар қўйилган. Бу қисмларда Оллоҳ ва Муҳаммад пайғамбар, халифалар мадҳ этилади. Навбатдаги қисм «Дебоча дар вафоти устозино вас-салотини асруҳу раҳматуллоҳи-алайҳим» («Устозимизнинг ва унинг давридаги султонларнинг (Оллоҳ улардан рози бўлсин) вафотлари тарихи дебочаси») деб аталиб, унда шоир Худо ва пайғамбарларга бағишловдан сўнг яна баъзи нарсаларни маълум қилмоқчи эканлигини айтади

Ашъорим ўқушсалар арода
Ёд айласалар мени дуода.

Ҳижратдин ўтиб минг икки юз йил
Йўқдин бу жаҳона келмишам, бил.

Ўттузға киранда сайр этиб роҳ
Хатми кутуб айламишман, эй шоҳ.

Толиблара хизмат айладим чўх,
Уйқу била роҳат айламак йўх.

Гоҳо келур эрди шеър ёда,
Мактуб ўлур эрди ул арода[1].

Шоир ҳижрий 1200 (милодий 1785-86) йилда туғилганлиги, 30 ёшда мадрасани тугатиб, «Хатми кутуб» қилганлиги, толибларни ўқитиш билан бирга шеър ёзиш билан ҳам машғул бўлганлиги ҳақида маълумот беради. Сўнгра мадрасадаги устози Мавлавий Шернинг вафоти тарихини баён қилади. Шоир устози давридаги ҳукмдорлар Амир Маъсум (Амир Шоҳмурод), унинг ўғли Сайид Амир Ҳайдар ва уларнинг вафотлари тарихини ҳам келтирадики, бу ўз навбатида ўша давр тарихини ўрганишда муҳимдир. Саккизинчи қисм шоир яшаган давр ҳукмдорларидан Амир Насрулло мадҳига бағишланган бўлиб, «Дар тавсифи қудрати уюнина ва сурури қулубина мавлоно ва амирина ва султонина адомоллоҳ ийёҳу ва вафақаҳу» («кўз нуримиз, қалбимиз шодлиги буюк амиримиз ва султонимиз (Оллоҳ у кишининг давлатларини зиёда қилсин ва ўз ризолигига мувофиқ қилсин) нинг тавсифлари» деб аталади. Бу қисмда Амир Насрулло, гарчи золимлиги билан ном чиқарган бўлса-да, адолатпарвар, шариатпаноҳ ҳукмдор сифатида мақталади. Бунинг боиси ўтмишдаги деярли барча асарларда, жумладан, дебочаларда ҳам давр ҳукмдорларини таъриф-тавсиф билан тилга олишнинг анъанавий ҳол эканлигидир.

Сўнгги тўққизинчи қисм «Баёни сабаби таълиф» («Китобнинг яратилиш сабаблари») деб номланган. Бу қисмда устози Халифа бозорнинг тавсияси билан мусулмончилик қонун-қоидаларининг мажмуаси бўлган арабча «Мухтасари виқоя»ни форсий тил билан шарҳлаб, назмда таржима қилганлиги ҳақида хабар беради. Уни тушуниш осон бўлиши учун луғат ёзганлигига ишора қилади («Мужмал сўзин муфассал этдим»).[2]

Шундан сўнг Навоий, Фузулий, Бедилни шеъриятдаги устозлари сифатида мадҳ этади. Шавқий Навоий шеърларини севиб ўқиган, уларга мусамматлар боғлаган. Шоир ижодига Фузулийнинг таъсири дебочанинг услубиданоқ яққол сезилиб туради. Айниқса, шоирнинг Бедилга муҳаббати кучли:

Форсий эл аро расоси чўҳдур,
Бедил киби бир расоси йўҳдур.

Сўз бобида таъби баҳри маввож
Файзи-ла замири шамси ваҳҳож…

Мен Шавқий анинг сўзин асири
Бел боғлу муҳибларини бири.[3]

Сўнг шоир китобхонга мурожаат қилиб, «сўз»ларини (шеърларини) ўқиганда, «дур ила санги хора»нинг фарқини ажратишни, уларга инсоф билан муносабатда бўлишни сўрайди. Шу ўринда шоир муҳим маълумот беради, яъни уч тилда уч девон яратганлигини таъкидлайдики, бу ўзбек адабиёт тарихида деярли кўрилмаган ҳодисадир:

[1] Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий, 4634 инвентарь рақамли қўлёзма, 3б-варақ.
[2] Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий, 4634 инвентарь рақамли қўлёзма, 4б-варақ. Шоирнинг бу асарлари Тожикистон ФА шўъбасининг қўлёзмалар фондида «Китоби миръот» ва «Ҳаллул луғат» номлари остида сақланади.
[3] Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий, 4634 инвентарь рақамли қўлёзма, 5а-варақ.

Уч лафз ила олам ичра девон
Айғон йўх эди бирор инсон.

Ҳиммат камарини белга боғлаб
Услуби улум илан яроғлаб.

Туттум раҳи ҳамду наъту алқоб
Ёр ўлса карими ҳаййи ваҳҳоб.[1]

Лекин шоирнинг бу уч девони бизга тўлиқ етиб келмаган.

Шавқий мадрасада ўқиб юрган йилларда араб-форс тилларини, ҳисоб, мантиқ, қофия, фиқҳ каби фанларни мукаммал эгаллайди.[2]

Шеърларини ҳам араб, форс ва ўзбек тилларида яратади. Шоирнинг бу тилларда яратган ва бизгача етиб келган 50 дан ортиқ ғазаллари «ғоявий ҳамда бадиий-эстетик жиҳатдан мукаммал асарлар бўлиб, муаллифнинг юксак маҳоратидан дарак беради».[3]

Умуман, Муҳаммад Шариф Шавқий дебочасининг аҳамияти шундан иборатки, унда шоирнинг таржимайи ҳоли, ижоди, яратган асарлари, устозлари ва салафлари ижодига муносабатига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Шуниси характерлики, шоир дебочада таърих айтиш санъатини қўллайди. Бу эса шоир ҳаёти ва ижодини хронологик асосда ўрганишда аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Ғафур Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт фондида Узлатнинг ноёб қўлёзма девони (инв. № 474) ва шу девоннинг номукаммал фотокопияси (инв.№ 360) сақланади. Узлат девонга шеърий бағишлов ёзган. Унинг бош қисми йўқолган бўлиб, 70 байтдан иборат. Нотўлиқ девонда эса бу бағишлов 100 байтни ташкил этади. Бу шеърий бағишлов кўп жиҳатлари билан дебочага ўхшайди. Шу нуқтайи назардан унинг композицион тузилишга эътибор берайлик:

1. Ҳамду сано (Яратганни шарафлаш).
2. Оллоҳдан ўз қаламини равон этишни сўраб қилган илтижоси.
3. Амир Умархон ва унинг «кишвари адамни тарк айлаган» лиги ҳақида.
4. Нодира ва унинг амир Умархон вафотидан кейин мамлакатда амалга оширган ишлари тавсифи.
5. Ўзи ҳақида. Шоир Косонда яшаган пайтда бир золим амалдор унинг ва ҳамшаҳарлари бошига солган кулфатлар ҳақида Нодирагача арз қилиб, уни ўз паноҳига олишни сўрайди.
6. Шеърларидаги айрим қусурлар учун узрхоҳлик қилиш.
7. Девон бағишланган шахс – мамлакат маликаси Нодирани дуо қилиш.

Дебочанинг катта қисми Нодирага бағишланган. Унда амир Умархон вафотидан сўнг қурдирган мадраса, бинолари, Қуръонни кўчиртириши, фазл аҳлига муносабати таърифланади. Лекин шоир дебочада ўз ижоди, яратган асарлари, устозлари ҳақида ҳеч нарса демайди. Бу ўринда дебоча (яна шеърий дебоча) битиш мураккаблигини, уни ҳар бир шоир ўз салоҳияти даражасида яратишини, шунингдек, адабиёт тарихида анъаналарнинг тўла сақланган ҳоллари ва айрим пайтларда бузилган ҳолатлари ҳам учрашини кузатиш мумкин.

---

[1] Ўша асар, 5а-варақ.
[2] Маҳмудов М. Муҳаммад Шариф Шавқий. Шеърлар.Сўзбоши. – Тошкент: 1964. –Б. 4.
[3] Ўзбек адабиёти тарихи, 5 жилдлик. –Тошкент: Фан, 1978. –Б.304.

XIX АСРНИНГ I ЯРМИДА ЯРАТИЛГАН ДЕБОЧАЛАР

Адабиёт тарихида дебочаларни насрий услубда яратиш анъана тусига кирган. Шунинг учун бу хил дебочалар кўпчиликни ташкил этади. Уларга Мунис, Огаҳий, Нодира, Амирий, Табибий Фақирий каби шоирлар дебочаларини мисол келтириш мумкин.

Бундай дебочалар анъанавий кириш қисми-ҳамду наът билан бошланиб, хотима билан якунланади. Муаллиф дебочада ўзи ҳақида, ижоди, ижодининг ривожига ҳомийлик қилган шахс (албатта, улар ўз даврининг ҳукмдори ёки баланд мартабали амалдорлари бўлган), асарларининг яратилиш тарихи, салафлари ижодига муносабати каби масалаларни шарқона услубда образли тарзда баён қилади. Баёнда, асосан, сажъ етакчилик қилади. Шунингдек, назм ва наср аралаш ҳолатларда қўлланилади. Бу дебочаларнинг аксариятида Навоий дебочаларининг таъсири яққол сезилади.

Бу икки дебочанинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапиришдан олдин уларнинг композицион тузилиши билан танишиб чиқайлик.

Мунис дебочаси:

1. Ҳамду наът
2. Ўзи ҳақида
3. Шеърий ижоди ҳақида
4. Давр ҳукмдорларининг таъриф-тавсифи
5. Девоннинг яратилиш тарихи (Девон тузиш фикрининг бўлмаганлиги ва амири кабир Қутлуғмурод иноқнинг қистови билан девон тартиб берилганлиги ҳақида).
6. Девон мундарижаси
7. Сахву хатолар учун узр сўраш
8. Хотима

Огаҳий дебочаси:

1. Ҳамду наът
2. Ўзи ҳақида
3. Шеърий ижоди ҳақида
4. Девоннинг яратилиш тарихи (Муҳаммад Раҳим II - Ферузнинг қистови билан девон тузганлиги ҳақида).
5. Сахву хатолар учун узр сўраш
6. Хотима
7. Таржима ва тарихий асарлари рўйхати иловаси

Мунис ва Огаҳий дебочалари анъанавий ҳамду наът билан бошланиб, ўзига хос хотима билан якунланади. Матн баёни давомида улар ўзлари ҳақида маълумот бериб, мактаб ва мадрасада ўқиган ёшлик йиллари ҳақида хабар берадилар. Шунингдек, девондаги шеърларнинг қай тарзда дунёга келганлиги, уларнинг умумий мавзуси ҳақида маълумот берилади. Девонларнинг яратилиш тарихи баён қилинади. Маълум бўлишича. Мунис Муҳаммад Раҳимнинг акаси – амир Қутлуғмурод иноқнинг таклифи билан, Огаҳий эса Муҳаммад Раҳим Соний– Ферузнинг амри билан тартиб берган. Мунис дебочасида анъанавий элементлардан бири – ўзида девон тузиш фикрининг бўлмаганлиги таъкидланади. Шундан сўнг Мунис девоннинг шеърий мундарижасини беради. Огаҳий эса қандай жанрларда ижод қилаётганлиги ҳақида бироз юқорироқда тўхталади.

Ўз шеърларидаги сахву хатолар учун китобхондан узр сўраш ҳар икки дебочада ҳам мавжуд бўлиб, дебочалардаги анъанавий элементлардан биридир. Шундан сўнг дебочалар ўзига хос тарзда якунланади.

Мунис ҳам, Огаҳий ҳам дебочада шеъриятдаги устозларини тилга олмайди. Лекин дебочадаги баъзи хусусиятлардан, шунингдек, девондаги айрим ғазал ва мухаммаслардан маълум бўладики, улар форс-тожик классиклари ва замондош шоирлар қаторида Навоийни ҳам устоз сифатида қадрлаганлар, унинг бадиий ижод соҳасидаги анъаналарини давом эттиришга интилганлар. Мунис ғазал ва рубоийларида «маъни» йўлида Навоийни ўзига «ҳомий» ва «пир» (устод) деб атаган бўлса, Огаҳий унинг навосидан илҳом олганлиги учун шеърлари кўпчиликка манзур эканлигини таъкидлайди.

Мунис:

Қилса ҳосид дахли бежо сўз аро йўқтур ғамим,
Ким бу маънида Навоий руҳи ҳомийдур манга.[1]

Сўз ичра Навоий жаҳонгирдурур,
Мунисга маоний йўлида пир дурур,

Йўқ ғайрият андин ўзга Ким айтурлар
Бу Шермуҳаммад, ул Алишер дурур.[2]

Огаҳий:

Огаҳий, ким топгай эрди сози назмингдин наво,
Баҳра гар йўқтур Навоийнинг навосидин сенга.[3]

Мунисниng 9 та мухаммасдан 6 тасини, Огаҳийнинг 83 та мухаммасдан 30 тасини Навоий ғазалларига боғлаганликлари ҳам уларнинг устоз ижодига нақадар муҳаббатлари кучли эканлигининг далилидир. Умуман, ҳар икки шоир ижодига Навоийнинг ижодий даҳоси самарали таъсир кўрсатди. Бу нарса уларнинг ўз девонларига ёзган дебочаларида ҳам ўз аксини топди.

Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида Ҳусайн Бойқаро шоир шеърларини фарзандга қиёслайди ва уларни дарбадар қилмасдан бир жойга жамлашга, яъни девон тузишга фармон беради. Шеърларни фарзандга қиёслаш ҳар икки шоир дебочасида ҳам анъанавий элемент сифатида мавжуддир.

Мунис ва Огаҳий дебочалари анъанавий шарқона услубда ёзилган бўлиб, кўп жиҳатлари билан Навоий дебочалари услубига ҳамоҳангдир. Масалан, Мунис Қутлуғмурод иноқнинг девон тузиш ҳақидаги таклифига жавобан: «*Онинг учун не ибо қилгали қудратим бор эрди ва не қабул этгали журъатим*»[4], дейди.

Навоий ҳам Ҳусайн Бойқаронинг «Хазойин ул-маоний»ни тартиб бериш топшириғини олгач, ўз аҳвол руҳиясини шундай баён қилган эди: «*Не узр айтурға заҳраву журъатим ва не қабул қилурға ҳавсалаву қувватим, агарчи узр дилпазир эмас эрди, аммо ўз ажзи ҳолимни арзға еткурмакдин ҳам гузир эмас эрди*».[5]

---

[1] Мунис. Сайланма. – Тошкент: 1980. –Б.11.
[2] Ўша асар. –Б.214.
[3] Огаҳий. Девон.Асарлар, 6 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: 1971. –Б.69.
[4] Мунис. Мунис ул-ушшоқ. ЎзФАШИ, 63-инвентарь рақамли қўлёзма, 13-варақ.
[5] Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ, 20 жилдлик, 3-жилд. – Тошкент: 1988. –Б.14.

Ёки қиёсланг:

Навоийда «*...кўнглагим чокидин кўксумдаги эски туганлар бир-бир аён ва кўкрагимда кесган янги алифлардин кўнглагим хат-хат қон, мудом май рағбати кўнгулга маҳбуб ва ҳамиша маҳбуб улфати хотирға марғуб, жоним ишқ бодасидин маст ва кўнглум бода ишқидин майпараст».*[1]

Огаҳийда: «*Гоҳо мотамдорлиғ таҳассуридин афсурда ва гоҳо сўгворлиғ тафаккуридин пажмурда ва гоҳо авқот гулзорлиғ асбоби саранжомининг фикри била бошимда қаро қайғу ва гоҳо сипоҳдорлиғ олотининг таҳийяси қайғуси била кўзимга жаҳон қоронғу ва гоҳо подшоҳ хизматининг тараддуди била кўнглумда минг ғам ва гоҳо вазир мулозаматининг тажассуси била жонимда юз алам».*[2]

Дебочалардан олинган юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Умуман, Мунис ва Огаҳий дебочалари умумий ва ўзига хос хусусиятларга эгадир. Анъанавий ҳамду наът билан бошланиб, хотима билан якунланиши, ёшлик йиллари, шеърий ижоди ва унинг умумий мавзу доираси, давр ҳукмдорларининг мадҳи, девоннинг яратилиш тарихи ва мундарижаси каби масалалар ва бу масалаларнинг Навоий дебочаларидаги каби ўта шарқона услубда баён этилиши, яъни баёндаги образлилик, жимжимадорлик, наср ва назмнинг қоришиқ ишлатилиши каби хусусиятлар Мунис ва Огаҳий дебочаларининг умумий жиҳатларидир.

Шу билан бирга, бу дебочалар ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Уларда, биринчидан, ҳар бир шоирнинг таржимайи ҳоли, турмуш шароити, кайфиятига оид жуда кўп қимматли маълумотлар мавжудки, улар шоирнинг ҳаёт йўли, дунёқараши, ижтимоий нуқтайи назарини ўрганишда муҳимдир.

«Мунис ул-ушшоқ» дебочасида шоир Авазмуҳаммад иноқ тахтга чиққач, мамлакатда нисбатан осойишталик ўрнатилганлигини, олиму фозиллардан тортиб оддий халққача «майкаши косаи ҳузур» эканлигини баён қилади. Шоир бу даврдаги ўзининг кайфияти ҳам ҳузурбахш эканлиги, олиму фозиллар суҳбатларига дохил бўлганлиги, шу суҳбатлар таъсирида шеърлар ёзганлигини таъкидлайди. Лекин бир оз вақт ўтгач, «чархи гардон» унинг бошига турли балолар ёғдиради, отаси, оға-инилари бирин-кетин оламдан ўтади, рўзғор ташвишлари бошига тушади:

«Насиби ғам уза ғам бўлди чархи гардондин,
Мусибат узра мусибат етушти даврондин.

Андоқким, ота ва оқо ва ини мани бекаслик ибтилосиға сазовор ва мотамкашлик балосиға гирифтор қилди. Назм:

Тийра қилдим дуди оҳимдин жаҳон кошонасин,
Ҳар бирининг сўги андуҳидин айлаб нолалар.
Лахта-лахта ашки хунолуд ила қилдим равон,
Ҳар бири ҳажрида бағримни қилиб парголалар.

[1] Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. МАТ, 20 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: 1987. –Б.12.
[2] Огаҳий. Таъвиз ул- ошиқин. ЎзФАШИ, 938- инвентарь рақамли қўлёзма, 3а-варақ.

Мундин ўзга яна навойиб ва оломиким, шарҳу итноби мужиби кудуратдур-насибим бўлди.[1]

Дебочада келтирилган бундай маълумотлар шоир ҳаёт йўлини ёритишда адабиётшунослар томонидан фойдаланиб келинди.

Огаҳий эса ёшлик йилларида ҳали мадрасани тугатмасдан бурун «чархи кажрафтор» уни «ранго-ранг» балоларга гирифтор қилганлигини, «сипоҳдорлиғ мансаби» «шуғли занжир» каби бутун вужудини чирмаб олганлигини шундай тасвирлайди: «*Аммо ҳануз илм қавоиди чошнисидин ком ва фазл қавонини лаззатидин баҳраи тамом ҳосил қилмасдан бурун жаҳони ғаддорнинг гуногун жафоси ва чархи кажрафторнинг ранго-ранг балоси сар вақтимға етушти ва рўзғор андуҳи шиддатининг оғир юки тоғ янглиғ бошим устиға тушти ва сипоҳигарлиғ узмак ташвишиға дучор ва сипоҳдолиғ мансабининг шуғли занжириға гирифтор бўлдим».*[2] Яъни Огаҳий 1929 йилда Мунис вафотидан сўнг, мадрасадаги ўқишини тўхтатишга мажбур бўлади. У Оллоқулихон томонидан тоғасининг ўрнига мироблик вазифасига тайинланади. Шоир саройда мироблик вазифасида ишлаб юрган йилларда турли тоифадаги кишилар ва уларнинг ҳаёти билан чуқур танишади. Шоир шеърлари ана шу ҳаётий таассуротлар асосида яратилганлиги шубҳасиздир. Бу ҳақда дебочада у шундай ёзади:

«Етурдим ҳар жамоатға ўзумни,
Очиб ибрат била ҳар ён кўзумни.»
Боранинг ҳолидин бўлдум хабардор,
Аён кўнглумга бўлди барча асрор.

Ушбу сайр асносида ҳар тоифанинг ҳолиға лойиқ ва ҳар жамоанинг афъолиға мувофиқ бир мазмун шоҳидининг хаёли хотирим кўзгусига ҳутур қилса эрди, гуногун иборатлар билан рангин назмлар либосин кийдуруб, дилкаш суратлар била халойиқ назарида намойиш берур эрдим...».[3] Шунингдек, бу шеърларнинг кўпчилиги оддий халқ орасида машҳур бўлиб, катта-ю кичикнинг тилидан тушмайди: «Аларнинг кўпроғи халойиқнинг тиллари аскорида мазкур, кўнгуллари авроқида мастур бўлуб, олам атрофи ва фалак ақторида қуёш янглиғ шуҳрат тутуб, акобир мажолисида рутбул-лисон ва асоғир маҳофилида вирди забон бўлур эрди».[4]

Юқоридаги маълумотлар, биринчидан, Огаҳийнинг ҳаёт йўлини ёритишга хизмат қилса, иккинчидан, шоирнинг дунёқараши, ижтимоий нуқтайи назарини белгилашда муҳимдир. Огаҳий биринчи галда саройдаги хон ва амир-амалдорларнинг эмас, балки авом халқ манфаатларини ҳимоя қилди. Шеърларида ҳам устоз Навоий каби инсонпарварлик тамойилини сурди. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари халойиқ орасида машҳур бўлди.

Иккинчидан эса, Мунис ва Огаҳий дебочаларида уларнинг тарихчи олим сифатидаги фазилатлари ёрқин намоён бўлади. Бизга маълумки, Мунис Хоразм тарихига доир «Фирдавс ул-иқбол» асарини ёзган. Бу асар қадимги даврдан 1825 йилгача бўлган воқеаларни қамраб олади. Огаҳий эса, Мунис вафотидан сўнг, қолган 12 йиллик воқеалар тасвирини тугатиб, асарни якунлайди. Сўнг 1825–1872 йиллардаги тарихий воқеаларни ўз ичига олган «Риёз уд-давла», «Зубдат ут-таворих», «Жоми ул-воқиоти Султоний», «Гулшани давлат», «Иқбо-

[1] Мунис. Мунис ул-ушшоқ. ЎзФАШИ, 63-инвентарь рақамли қўлёзма, 6-7-варақлар.
[2] Огаҳий. Таъвиз ул ошиқин. ЎзФАШИ, 938- инвентарь рақамли қўлёзма, 2б-3а-варақлар.
[3] Огаҳий. Таъвиз ул ошиқин. ЎзФАШИ, 938- инвентарь рақамли қўлёзма, 3б-варақ.
[4] Ўша асар, 3б-варақ.

ли Ферузий» («Шоҳиди иқбол») асарларини ёзган. Мунис ва Огаҳий дебочаларда ҳам воқеа-ҳодисаларни тарихийлик нуқтайи назаридан аниқ ва изчил баён этишга, ўзлари яшаб турган давр ҳукмдорлари олиб борган сиёсатни баҳолашга ҳаракат қиладилар.

Масалан, Мунис отаси, оға-инисидан ажраши, турмуш ташвишларига рўбарў бўлиши каби воқеаларнинг содир бўлган вақтини шундай баён қилади: «*Хусусан, санаи ҳижрия минг икки юз ўн бешдин (1215) то ҳазрат...Элтузар Муҳаммад Баҳодирхоннинг... воқеаи ҳойила ва ҳодисайи ғойиласиғачаким сипеҳри вожгун ва фалаки буқаламунким, ҳамиша аҳли дониш ва арбоби бениш маҳосамағи анга жибиллийдир».*[1] Бундан шу нарса англашиладики, Мунис бошига тушган мусибатлар 1800 йилдан Элтузархоннинг даҳшатли воқеасигача (1806 йилда Элтузархон кемаси билан Амударёда ғарқ бўлади) бўлган даврда юз беради.

Огаҳий ҳам ўзи яшаган даврдаги ҳукмдорлардан бири Сайид Муҳаммад Баҳодирхон тахтга ўтиргандан сўнг, мамлакатда олиб борган сиёсатини ижобий баҳолайди: «*...ул мамлакатга подшоҳона сиёсат ва мулукона адолат била ўзга янглиғ зийнат ва низом берди ва ҳар тоифани ўз ҳолиға кўра марҳамат ва навозишлар била хушдил ва баҳраманд ва ҳар жамоани ўз мартабасиға яраша макрамат ва бахшишлар била хушҳол ва хурсанд қилди».*

Шуни таъкидлаш керакки, Огаҳий дебоча сўнггида барча ижодий асарлари – девони, таржима ва тарихий асарлари рўйхатини келтиради. Бу хусусият бошқа дебочаларда учрамайди.

Умуман, Мунис ва Огаҳий дебочалари уларнинг ҳаёти ва ижодини, шунингдек, Хоразм тарихини ўрганишда ҳам муҳим манбалардан биридир.

XIX АСР II ЯРМИ XX АСР БОШЛАРИДА ЯРАТИЛГАН ДЕБОЧАЛАР

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб, ижод этган Хоразм адабий муҳити вакилларидан бири Аҳмад Табибийдир. У талантли лирик шоир бўлса-да, ҳозиргача, асосан, «Мажмуаи си шуаро шоҳи пайрави Фируз» номли тазкираси ўрганиб келинди.

Аҳмад Табибий сермаҳсул шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Шеърларидан беш девон тузган. Уларнинг 3 таси ўзбекча, 2 таси тожикчадир. Шоир ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган 6226 инвентарь рақамли «Мунис ул-ушшоқ» девони дебочасида бу ҳақда шундай ёзади: «...бу фақир қўлида жамъ бўлғон мададдин китобнинг жумласи пеша девондурким, уч девони туркий лафзи била фасоҳат ородур. Ва икки китоб форсий алфози била балоғат пийродур. Аввалғи девонғаким, Султони олийжоҳи жаноби муолли алқобиға ҳадиялиғ сабабидин «Туҳфат ус-султон» деб тасмия қилинди. Иккинчи девонға ушшоқ унсияти жиҳатидин «Мунис ул-ушшоқ» исми била мусаммам бўлди. Ва учлончи девонға ишқ ҳолотин муояна кўргузувчи важҳидин «Миръот ул-ушшоқ» оти била мавсум этулди. Тўртинчи девонға ошиқлар ўқуб мутолиа қилур ҳангомаларида ҳайрият фазолиғ мужиби била «Ҳайрат ул-ушшоқ» деб исм берилди. Бешлончи девонни бедиллар инбисоти жилвагоҳи бўлғон боиси била «Мазҳар ул-иштиёқ» деб аталди».

Дебоча анъанавий тарзда, яъни Яратганни улуғлаш билан бошланади. Шуниси характерлики, наът қисмида Муҳаммад пайғамбар билан тўрт халифа – Абу Бакр Сиддиқ, Умар ул-Форуқ, Усмон, Алилар, шунингдек, биби Фотиманинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайн мадҳи

[1] Мунис. Мунис ул-ушшоқ. ЎзФАШИ, 63-инвентарь рақамли қўлёзма, 6-варақ.

берилади. Бу нарса Табибийнинг Навоий дебочалари билан биргаликда форс-тожик адабиётидаги дебочалар, хусусан, Хусрав Деҳлавий дебочалари билан таниш эканлигини кўрсатади. Чунки Навоийда дебочаларнинг Худо ва пайғамбарлар мадҳига бағишланган ҳамду наът қисми бирмунча ихчам. Деҳлавийнинг «Ғуррат ул-камол» дебочасида ҳамду сано ва наът қисми нисбатан кенгроқ, Худо ва Муҳаммад пайғамбар билан биргаликда унинг саҳобалари бўлмиш тўрт халифалар мадҳи ҳам берилади. Ўзбек адабиётида Шавқий ва Табибий дебочаларида халифалар ҳам мадҳ этилади.

Табибий дебочасида Навоий дебочаларининг таъсири яққол сезилади. Масалан, шоир ота-онасининг саройга алоқадор шахслар эканлигини таъкидлайди:

Отам бу боргоҳға эрди банда,
Онам бу остонға сарафканда...

Бу байтлар Навоийнинг «Бадоеъ ул бидоя» дебочасидаги қуйидаги мисраларига ҳамоҳангдир:

Отам бу остонанинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи.

Навоий дебочасидаги шеърни фарзандга қиёслаш анъанавий элемент сифатида Табибий дебочасида ҳам мавжуддир.

Ҳусайн Бойқаро «Бадоеъ ул-бидоя» дебочасида Навоийга ўз фарзандларини, яъни шеърларини дарбадар қилмасдан бир жойга тўплаш-девон тузиш ҳақида топшириқ беради:

Бу навъ истайдур эмди ройи олий,
Ки қилғай фикратинг девон хаёли.

Жаҳонда кимга бўлса мунча фарзанд,
Ки бўлғай барча руҳафзову дилбанд.

Равомудур бизинг фарруҳи замонда,
Аларни дарбадар қилмоқ жаҳонда.

Муҳаммад Раҳим соний Табибийга девон тартиб беришни амир қилар экан, фарзандларини-шеърларини саргардон қилмоқ одамгарчилик шевасидан йироқ эканлигини таъкидлайди:

Эрур шеър фарзанди шоир мудом,
Жигар пораси балки келди тамом.

Жаҳон мулки чун бор, эмас пойдор,
Валекин сухан бўлғуси ёдгор.

Бас эмди анинг жами вожиб эрур,
Мурувват қилурға муносиб эрур.

Табибий Муҳаммад Раҳим соний (Феруз) ни мадҳ этар экан, шу ўринда унинг ҳузуридаги шеърий суҳбатлар ҳақида маълумот берадики, бу нарса ўша давр сарой муҳитидаги адабий ҳаёт даражасини белгилашда аҳамиятлидир.

Шунингдек, шоир ўз девонининг шеърий мундарижасини берар экан, шеъриятнинг ғазал, мустазод, мураббаъ, муашшар, таржибанд, қасида, маснавий, рубоий, қитъа, фарди итлоқ каби ўн хил жанрда ижод қилганлигини таъкидлар экан, улар «жами ўн ранг гулдир» дейди.

Ниҳоят, шоир ўзининг ўзбек ва тожик тилларида яратган беш девони ва уларнинг номланиши ҳақида хабар беради. Бу маълумотларнинг барчаси Табибийнинг ўз давридаги иқтидорли шоирлардан бири сифатидаги қиёфасини маълум даражада белгилашга ёрдам беради.

XIX аср охири ва XX аср бошларида яшаган Хоразм шоирларидан бири Абдураззоқ Фақирий ҳам шеърларини девон тарзида тартиб берган ва унга дебоча битган. Шоир девони Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалари фондида «Девони Фақирий Хоразмий» номи билан 7693 инвентарь рақами остида сақланади. Девоннинг 26-146-варақларида дебоча жойлашган.

Дебочанинг композицион тузилиши қуйидагича:

1. Ҳамду сано ва наът
2. Ўзи ҳақида
3. Девондаги шеърларининг ёзилиш тарихи
4. Қандай жанрларда ижод қилганлиги ҳақида
5. Девоннинг яратилиш тарихи
6. Ўз аҳволоти хусусида
7. Хулоса.

Шуни таъкидлаш керакки, Фақирий дебочасида маълум даражада анъана сақланган бўлса-да, айрим томонлари билан юқоридаги шоирлар дебочаларидан фарқ қилади: Мунис, Огаҳий, Табибий маълум сабабларга кўра расмий вазифаларда хизмат қилган ва бадиий ижод билан шуғулланган шоирлардир. Фақирий эса мадраса кўрган, илмли киши бўлишига қарамай, ниҳоятда қашшоқ ҳолда яшаган. Ижодида танқидий руҳ кучли бўлганлиги учун хонларнинг лутф эҳсонига сазовор бўлмаган. Шунинг учун бўлса керак, шоир дебочасида ўзи яшаб турган давр ҳукмдори мадҳ этилмайди.

Дебоча анъанавий ҳамду наът билан бошланади. Шундан сўнг шоир ўзи ҳақида хабар беради. Шу ўринда шоир фикрларини давом эттириб, бир маснавий келтиради. Унда ўз аҳволининг ёмонлиги ва замонанинг носозлигидан нолийди. Шуниси қизиққи, бу маснавийнинг айрим байтлари Огаҳий дебочасидаги маснавий байтларининг айни ўзи, айримлари эса бироз ўзгарган шаклдадир. Бу нарса Огаҳий билан Фақирийнинг ижтимоий аҳволидаги муайян ўхшашликлар билан изоҳланса керак.

Огаҳийда:

Кичикликдан тушиб бошимға кулфат,
Замоне бўлмадим беранжу меҳнат...
Ишим бекаслик ичра бўлди мушкил,
Муродим бўлмади ҳеч ишда ҳосил...
Кўнгулда ер тутиб юз навъ қайғу,

Бўлуб кўза ёруғ олам қоронғу.
Туман минг ғамға топдим мубталолиғ,
Фароғу айшу роҳатдин жудолиғ...
Гаҳи ҳижрон ғами бошимдан ошти,
Фиғонимдин фалакка ўт тутошти.
Бўлиб хуллас ғамим ондин фузунроқ,
Ки шарҳидур ниҳоятдин узунроқ...

Фақирийда:

Кичикликдин тушиб бошимға кулфат
Замоне бўлмадим беранжу меҳнат.
Ишим бекаслик имчра мушкил
Хирадим бўлмади ҳеч ишда ҳосил.
Кўнгулда кун бакун ҳар турли қайғу,
Мудом бахти жаҳон кўза қоронғу,
Неча йил ғамға бўлдим мубталолиқ
Фароғу айшу роҳатдин жудолиқ.
Гоҳи ҳижрон ғами бошимдин ошти
Фиғонимдин фалакка ўт тутошти...
Десам бошдин аёқ қиссам узунроқ,
Ки шарҳи «Шоҳнома» дин фузунроқ.

Адабиётшунос олим Б.Мирзаев томонидан нашрга тайёрланган Фақирийнинг «Шеърлар» китобчасига дебочадаги маснавийлардан тўрттаси «Қиссам узунроқ», «Шеър таърифи ҳақида», «Шоир писандалари», «Шоир ранжида хотир» номлари остида киритилган. Шоирнинг ҳаёти, ижоди билан боғлиқ бу маснавийлар маълум мақсадларни кўзлаб тўпламга киритилган бўлса керак.

Шоир дебочада, асосан, шеърларнинг «Ҳар бири бир сабаб ила» айтилганлигини, қандай жанрларда қалам тебратганлиги, «дўсти қадимларининг» шеърларини тўплаб, девон тартиб беришни маслаҳат берганликлари, устозлари Жомий ва Навоий руҳларидан мадад тилаб, бу қийин ишга киришганлиги ва улуғлар девонлари олдида кичик бир девонча яратганлигини баён этади. Шунингдек, дебочадаги шоирнинг таржимайи ҳолига оид маълумотлар ҳам муҳимдир. Шоирнинг хабар беришича, у жуда қашшоқ ҳаёт кечирган. Ҳатто рўзғор тебратишга ҳам кучи етмайди. Шунинг учун қаландархонада ҳаёт кечиришга мажбур бўлади: *«...бахт иқболим пастлиғиға дариғлар чекиб, чора тополмай, гоҳлар ўтга тушган қил масаллиқ тўлғониб ва гоҳлар ҳақорат ва мазаммат хокига булғаниб, хор-зор, афгори бемор, балки девонавор мажнуншиор бўлиб, бу муддатғача ман фақир ул-ҳақир қаландархонанинг бир кунжида хокисор бўлиб ётғудек ранжу аламларға, зулму ситамларға дучор бўлдум».*

Умуман, дебочада шоирнинг 1914-15 йилларгача бўлган даврдаги таржимайи ҳоли, ижодига хос характерли маълумотлар мавжуд.

XIX аср ва XX аср бошларида Қўқон адабий муҳитининг Амирий, Нодира, Муҳсиний каби вакиллари ҳам девонларга дебоча битганлар. Қўқон хони Амир Умархон Амирий тахаллуси билан шеърлар ёзган. Амирийдан бизгача ўзбек ва тожик тилларида яратилган шеърларини ўз ичига олган девон етиб келган.

Шоирнинг девонида дебоча мавжуд бўлиб, унинг композицияси қуйидагичадир:

1. Ҳамду наът
2. Ўзининг тахтга ўтирганлиги ва мамлакатда амалга оширга ишлари хусусида
3. Шеърий ижоди ҳақида
4. Девоннинг яратилиш тарихи
5. Хулоса. Сахву хатолар учун узр сўраш.

Анъанавий ҳамду наътдан сўнг ўзини «Темур Кўрагон гулистони шажарасининг самараси», «Бобир Султон чаманининг навбодаси» ҳисоблаган. Амирий «давлат тахти ва салтанат сарири нишимангоҳи» бўлганлиги ҳақида хабар беради. Шундан сўнг мамлакатни мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш соҳасида амалга оширган ишлари, қурдирган бинолари ҳақида батафсил маълумот беради.

Сўнгра Амирий ошиқона ғазаллар битганлиги, устодларнинг «муҳаббатомиз» ғазалларига назиралар ёзганлиги, мухаммаслар боғлаганлиги, «андак фурсатда варақ поралар юзи тўлган»лиги, саройдаги «закитабъ зуфунунлар» илтимоси билан девон тартиб берилганлигини баён қилади. Ниҳоят, шоир шеърларидаги баъзи сахву хатолар учун китобхондан узр сўраб, дебочани якунлайди.

Амирий дебочада устодларининг номларини келтирмайди, лекин ғазал ва мухаммасларидан шоир Лутфий, Навоий, Фузулий, Бедил каби шоирларни ўз устози деб билганлигини англаш мумкин. Айниқса, шоирнинг Лутфий ва Навоийларга муҳаббати кучли. У Лутфийнинг 4 та, Навоийнинг 20 тадан ортиқ ғазалларига мухаммаслар боғлади. Бу ҳақда дебочада шундай деб ёзади: «*Ва гоҳи устодлар девонларидин бирор шавқангиз ва муҳаббатомиз ғазалдин рангин ва таҳсин қофия топар эдим, татаббуида ғазал айтур эдим, филҳол завқ шавқ фартидин мухаммас боғлар эдим ва чун ҳар абёт гавҳарларин хаёл дафинасидин териб, ва ҳар назм жавҳарларин андиша хазинасидин чиқориб зоҳир қилур эрдим».*[1]

Қўқондаги адабий ҳаётнинг тараққиётида катта роль ўйнаган Амир Умархон, гарчи биринчи навбатда ҳукмдор бўлса-да, ўз даврининг истеъдодли шоирларидан бири эди. Унинг буюк устози Навоий анъаналарини давом эттиришга, шоир маҳорати сирларни ўрганишга интилиши, шунингдек, девонга дебоча битиши диққатга сазовордир.

Қўқон адабий муҳитининг йирик вакилларидан яна бири талантли шоира Нодирадир. У ўзбек ва тожик тилларида девон тузган бўлиб, ўзбекча девонига дебоча ёзган. Дебоча анъанавий руҳда ёзилган. Ҳамду наътданг сўнг шоира Амир Умархон билан ўтказган бахтли онлари ҳақида сўз юритади. Нодира шеъриятга қандай кириб келганлиги ҳақида сўзлар экан, Амир Умархон билан бўлган суҳбатлар давомида «…кам-кам шеър қонунидан хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисра, гоҳо бирор байт тақлид бирла айтган»лиги, оз фурсатда «назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир»[2] бўлганлигини таъкидлайди. Сўнгра шоира Амир Умархоннинг вафоти ва бу туфайли чеккан изтироблари, кейинги даврдаги ижтимоий, маданий фаолияти хусусида сўзлайди.

Шунингдек, девоннинг яратилиш тарихига тўхталиб, унинг саройдаги олима ва фозилаларнинг таклифи билан тартиб берилганлигини баён қилади. Ниҳоят, ўз шеърларидаги сахву хатолар учун узр сўрайди. Ва Яратгандан уларни «кўнгулларга маҳбуб ва марғуб қилиш»ни илтижо қилиш билан дебочани якунлайди. Дебочада маснавий, рубоий, қитъа жанрларидаги шеърлар келтирилади.

---

[1] Амирий. Девон. ЎзФАШИ, 36-42-инвентарь рақамли қўлёзма, 6-7-варақлар.
[2] Нодира. Девон. ЎзФАШИ, 4182-инвентарь рақамли қўлёзма, 3б-варақ.

Нодиранинг тожикча девонида ҳам дебоча мавжуд бўлиб, у номаълум котиб томонидан ёзилгандир.

Ҳусайнқул Сулаймонқули ўғли Муҳсиний XIX аср охири ва XX аср бошларидаги демократик адабиётнинг илғор фикрли вакилларидан эди. У талантли шоир, истеъдодли таржимон, нозиктабъ ҳаттот ва рассом сифатида машҳур бўлган. Лекин Муҳсиний ижоди ҳақида кўпчилик манбаларда, жумладан, «Ўзбек адабиёти тарихи» нинг 5 томлигида ҳам маълумотлар учрамайди.

Муҳсиний ўз шеърларидан девон тузган ва унга дебоча ёзган. Бу девоннинг 1897, 1914-15, 1916-17 йилларда тартиб берилган 3 нусхаси мавжуд бўлиб, улар бир-биридан катта фарқ қилади. «Бу фарқлар фақат ҳажм жиҳатидангина эмас, балки шоир асарларининг сайқал топиш тарихидан ҳам гувоҳлик беради. Бу нусхалар Муҳсиний ижодининг эволюциясини аниқлашда» муҳимдир. Бу фикрлар шоирнинг девонига ёзган дебочасига ҳам тааллуқлидир.

Девоннинг 1897 ва 1914 йилларда тузилган икки нусхаси Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейида сақланади. 1916-17 йилларда тартиб берилган учинчи нусха шоирнинг энг сўнгги таҳрири бўлиб, Ўзбекистон ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар бўлимида 7392 инвентарь рақами остида сақланади.

Девонлар каби уларга битилган дебочалар ҳам бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Девоннинг кейинги нусхаларидаги дебочаларда баёндаги аниқлик, жумла ва ибораларнинг, шеърий мисраларнинг қайта-қайта ишланиши, бадиий сайқал берилиши каби хусусиятлар яққол кўзга ташланиб боради. Шунингдек, Қўқон адабиёт музейида 4 саҳифадан иборат варақда дебоча бўлиб, бу девоннинг учинчи нусхасидаги дебочанинг қораламаси бўлса керак, деб тахмин қилинади. Чунки баёнда айрим фарқлар бўлишига қарамай, улар нисбатан бир-бирига ўхшайди. Масалан, варақдаги дебочада шоир ўзининг илм ўрганишида отасининг хизматлари катта эканлигини таъкидлаб шундай ёзади: «*...жаноби марҳум валади амжадим ҳуқуқи маъфрузотимдан холис ўлдиқларидан сўнгра миръоти журъат тимсоларина фақир фарзанди дилбанди жигар пайвандларини иктисоби одоби илм ва истикмоли фунуни фазл таълим қилдирмак жилвагар ўлуб ғоят таҳрис ила ниҳоятда тарғиб гўстаруб улуми диния ва нақлия, ақлиялара мураххас ўлдим».*

Худди шу парча девоннинг учинчи нусхасидаги дебочада қуйидагича ифодаланган: «*...ул ҳазрат валади бузрукворим хотири ҳайрат мазоҳирларига фақири фарзанди дилсўзларини такмили маориф ва таҳсили улум иктисоби жилвагар ўлуб отида таҳрис ва ниҳоятда тарғиб гўстаруб илм ва фунун ўқутмоқға маъдун қилдилар».*

Шуни таъкидлаш керакки, Муҳсиний Ҳофиз ва Навоийларни устоз деб билган. Шунингдек, Фузулий ижодига ҳам муҳаббати кучли бўлган. Бу дебочанинг тили ва услубида ҳам яққол кўзга ташланади.

Муҳсиний дебочасининг композицион тузилиши қуйидагича:

1. Ҳамду сано
2. Ёшлик йиллари ва шеърий ижоди ҳақида
3. Таржимайи ҳолига оид маълумотлар
4. Девоннинг яратилиш тарихи
5. Девон мундарижаси
6. Хулоса. Шеърларининг барчанинг кўнглига марғуб бўлишини тилаб қилган илтижоси

Дебочада шоир ҳамду санодан сўнг ёшлик йилларида отасининг саъйи ҳаракати туфай-

ли кўп илмларни ўрганганлиги, шеърий ижод билан шуғуллана бошлаганлиги, дастлабки девонини тузганлиги, ҳажга бориши, ота-онасининг истаги билан уйланганлиги, ўлкада сафарларда бўлиши, шу аснода ҳаётни янада чуқурроқ ўрганганлиги ҳақида маълумот беради.

Шоир шеъриятдаги устозлари Ҳофиз ва Навоий руҳларидан мадад тилаб, ҳомийси Яқубхўжа эшон кўмагида девон тартиб беришга киришганлиги ва бу ишни ниҳоясига етказганлигини баён қилади. Девон мундарижаси билан таништиради. Ниҳоят, дебоча анъанавий тарзда якунланади.

Муҳсиний дебочасининг ўзига хос хусусиятларидан бири шоир томонидан фикрларни далиллаш мақсадида Қуръон оятларининг кўплаб келтирилишидир. Шоир ўзи таъкидлаганидек, «улуми диния ва нақлия, ақлия»ларни чуқур ўрганган, Қуръонни яхши билган. Бунинг таъсири дебочада ҳам ўз аксини топган.

Иккинчидан, шоир дебочаларда уларнинг ёзилиш саналарини ҳам аниқ кўрсатадики, бу хусусият бошқа дебочаларда учрамайди.

Учинчидан, Навоийни ўз устози деб билган шоир девонининг ҳар бир нусхасига дебоча ёзган. Кейинги нусхаларга ёзилган дебочалар аввалгиларидан мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Умуман, Муҳсиний дебочалари шоир таржимайи ҳоли, ижоди, ижодининг тадрижий ривожини ўрганишда катта аҳамиятга эгадир.

ХУЛОСА

Ўзбек адабиётидаги дебочаларнинг пайдо бўлиши узоқ тарихга эга. Унинг дастлабки намуналари Алишер Навоий ижодида учрайди. Шоир ўз салафларининг шеърий девонларга дебоча ёзиш соҳасидаги тажрибаларини чуқур ўрганди, уларга ижодий муносабатда бўлди, Алишер Навоийнинг «Бадоеъ ул-бидоя» ва «Хазойин ул-маоний» девонларига ёзилган дебочалари ана шу жараённинг маҳсули сифатида майдонга келди.

Алишер Навоий дебочалари, биринчидан, XV аср ўзбек насрининг гўзал намунаси сифатида қимматлидир. Иккинчидан эса, мутафаккир шоирнинг шахсий ҳаёти, адабий фаолияти, асарларининг яратилиш тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, маълум даражада ўша давр ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар бериши билан аҳамиятлидир. Учинчидан, композицион ва услубий етуклиги, бадиий гўзаллиги билан диққатни жалб этади.

Умуман, Навоий дебочалари масалалар қамровидаги ўзига хослик ва уларнинг муайян ҳамда изчил композицияга эга эканлиги, услубий етуклик ва бадиий тил хусусиятлари билан форс-тожик адабиётидаги дебочалардан алоҳида ажралиб туради.

Алишер Навоий ўзидан кейинги шоирлар учун бадиий ижод соҳасида улкан устод бўлди. Унинг дебочали девон тартиб бериш анъанаси XIX ва XX аср бошларида яшаган Мунис, Огаҳий, Шавқий, Табибий, Амирий, Нодира, Узлат, Муҳсиний, Фақирий каби ўнлаб шоирлар томонидан давом эттирилди. Бу шоирлар Навоий дебочаларидаги анъанавий элементларни муайян даражада сақлашга, шу билан бирга, ўзига хос девон дебочалари яратишга интилдилар. Шунинг учун бу дебочалар умумий хусусиятлар билан бирга, ўзига хос жиҳатларга ҳам эгадир. Булар биографик маълумотларга кенгроқ тўхталиш, шоир яшаб турган даврдаги тарихий воқеалар ҳақида маълумот бериш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни маълум даражада баҳолашга интилиш, девондан бошқа барча асарлари рўйхатини келтириш, фикрларни далиллаш мақсадида кўплаб Қуръон оятларидан фойдаланиш, дебочанинг ёзилган вақтини кўрсатиш каби хусусиятлардир.

Ўзбек адабиётидаги дебочаларни, хусусан, Алишер Навоий дебочаларини ўрганиш жараёнида қуйидаги хулосага келинди:

1. Девоннинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиш тарихи ва мундарижасини баён этиш дебочанинг бош хусусиятидир. Шоир бу масалалар билан китобхонни таништиш давомида ўзининг адабий-эстетик қарашларини ҳам ифода этади.

2. Дебочаларнинг ижодий-биографик характерда бўлиши ҳам уларнинг муҳим хусусиятидир. Уларда, биринчидан, шоирнинг таржимайи ҳолига оид маълумотлар мавжуд. Иккинчидан, муаллифнинг адабий фаолияти, ўз устозлари ижодига муносабати, ўша давр адабий муҳитининг айрим қирралари маълум даражада ўз аксини топади. Учинчидан эса, ўша давр ҳукмдори билан шоир ўртасидаги муносабатлар ёритилади.

3. Навоий дебочалари ўзига хос композицион тузилишга эгадир. Улар анъанавий ҳамду наът билан бошланиб, ўзига хос хотима билан якунланади. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муносабатлар, шоирнинг устозлари ижодига муносабати, девонларининг яратилиш тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жанрлар таркиби каби масалалар дебочанинг тузилишида муҳим ўрин эгаллайди ва узвий яхлитликда баён этилади.

4. Дебочаларнинг баён услуби ҳам ўзига хосдир. Фикрни мураккаб ташбеҳлар ва узундан-узоқ жимжимадор жумлалар билан ифодалаш, баёнда кўтаринкиликка интилиш, сажъ ва изчил ритмнинг мавжудлиги Навоий дебочалари услубига хос характерли хусусиятлардир.

5. Дебочаларда хилма-хил тасвир воситалари қўлланилади. Ташбеҳ, тарди акс, ташбеҳул-атроф, тасдир, тарсеъ, талмеҳ, тазод, фахрия каби санъатлар шулар жумласидандир. Бу санъатлар дебочаларнинг юксак бадииятини таъминлаган воситалардан биридир.

6. Назм ва насрнинг қоришиқ ҳолда ишлатилиши дебочаларга хос муҳим хусусиятлардандир. Дебочалардаги насрий баён таркибида шеърий парчалар бериб борилади. Улар фикрни далиллаш, давом эттириш, хулосалаш, таъкидлаш каби турли мақсадларда истифода этилади. Шунингдек, турли жанрдаги шеърий парчалар насрий баённинг бадиий жиҳатдан гўзаллигини таъминлашга ҳам хизмат килади.

7. Дебочалар шеърий ёки насрий услубда битилади. Адабиётимиз тарихида шеърий услубда ёзилган дебочалар кам учрайди. Шеърий дебоча намуналарини Шавқий, Узлат каби шоирларнинг девонларида учратиш мумкин. Адабиётимиз тарихидаги мавжуд девонларнинг аксариятига насрий дебоча ёзилган. Насрий дебочалар таркибида турли шеърий парчаларнинг учраши характерлидир.

Юқоридаги фиклардан келиб чиққан ҳолда дебочани шундай тавсифлаш мумкин: шоирнинг таржимайи ҳолига доир маълумотлар, шоир ва ўша давр ҳукмдори ўртасидаги муносабатлар, адабий фаолияти, асарларининг яратилиш тарихи, девоннинг ўзига хос хусусиятлари, адабий-эстетик қарашлари ифодаланган, ўзига хос тузилишга ва услубга эга бўлган ҳамда девонларга муқаддима ўрнида ёзиладиган илмий-бадиий характердаги насрий ёки шеърий асар дебочадир.

XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб шоирлар, асосан, бармоқ системасида ижод қилишга ўтдилар. Шу билан бирга, аруз классик шеъриятнинг анъанавий вазни сифатида яшаб келмоқда. Ҳамза Ҳакимзода, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Собир Абдулла, Ҳабибий, Чархий, Чустий, Эркин Воҳидов каби шоирлар арузнинг ғазал, мухаммас, мусаддас каби қатор жанрларининг гўзал намуналарини яратдилар.

Лекин шунга қарамай, классик шеъриятнинг мукаммал девон тузиш ва унга дебоча ёзиш анъанаси эътибордан четда қолиб келди. Шунга кўра, 70-йилларда Ҳабибийнинг «Девон», Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» девонларининг яратилши муҳим воқеа бўлди. Айниқса, Ҳабибийнинг ўз «Девон»ида устод Навоийнинг мукаммал девон тузиш ва унга дебоча ёзиш анъанасини давом эттиришга интилиши таҳсинга сазовордир.

Ҳабибий «Девон»ининг дебочасида анъанавий ҳамду сано учрамайди. Бу, албатта, шоир яшаётган давр характери билан изоҳланади. Шоир дебочада таржимайи ҳоли ҳақида маълумот беради, классик шеъриятга бўлган муҳаббати ва аста-секин арузда ижод қилиш бошланганлигини баён қилади. Устоз Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларидаги иштироки ҳақида сўзлайди, Аруз назариясига бағишланган асарларни, жумладан, Навоийнинг «Мезон ул-авзон» асарини қайта-қайта ўқиганлиги, ўзига ёққан вазнларда шеърлар ёзганлиги ва шу аснода девон тузиш орзуси туғилганлигини маълум қилади. Шунингдек, айрим дўстларининг таклифи билан анъанавий девон тузишга киришади ва уни ниҳоясига етказади. Сўнгра шеърларидаги сахву хатолар учун узр сўраш мазмунидаги рубоий билан дебочани якунлайди. Кўринадики, Ҳабибий ўтмиш адабиётда мавжуд бўлган дебочалардаги анъанавийликни маълум даражада сақлашга ҳаракат қилган.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг бадиий ижод соҳасидаги анъаналари, жумладан, девонларга дебоча ёзиш анъанаси кейинги давр шоирлари томонидан давом эттирилди. Адабиётимиз тарихида яратилган ўнлаб дебочалар муаллифларнинг ҳаёти ва ижоди, улар яшаган давр тарихини тўлароқ ўрганишда ва ёритишда адабий манбалардан бири сифатида муҳимдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Манбалар:

1.Алишер Навоий. Бадоеъ ул-бидоя. Мукаммал асарлар тўплами, 20 томлик, 1-том. – Тошкент: Фан, 1987.

2.Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами, 20 томлик, 3-том. – Тошкент: Фан, 1988.

3.Алишер Навоий. Асарлар, 15 томлик, 4-том. – Тошкент: 1965.

4.Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 4 томлик, 1-том. – Тошкент: 1959.

5.Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Асарлар, 15 томлик, 10-том. – Тошкент: 1965.

6.Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Асарлар, 15 томлик, 12-том. – Тошкент: 1965.

7.Алишер Навоий. Муншаот. Асарлар, 15 томлик, 13-том. – Тошкент: 1966.

8.Алишер Навоий. Вақфия. Асарлар, 15 томлик, 13-том. – Тошкент: 1966.

9.Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Асарлар, 15томлик, 14-том. – Тошкент: 1967.

10.Алишер Навоий. Арбаин. Асарлар, 15 томлик, 15-том. – Тошкент: 1968.

11.Абдураҳмон Жомий. Фотиҳат аш-шабоб. Биринчи девон. Танқидий матн. –М., 1978.

12.Абдураҳмон Жомий. Воситат ул-иқд. Хотимат ул-ҳаёт. Иккинчи ва учинчи девонлар. Танқидий матн. –М., 1980.

13.Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойъус-с-санойиъ. –Тошкент: 1981.

14.Амирий Девон, ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 3642.

15.Анбар Отин Шеърлар ва рисола. –Тошкент: 1970.

16.Бобур Заҳириддин Асарлар. 3 жилдлик, 2-жилд. – Тошкент: 1965.

17.Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони («Тазкират уш шуаро» дан). –Тошкент: 1981.

18.Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вақоеъ. –Тошкент: 1979.

19.Мунис Девон. Мунисул-ушшоқ. ЎзФАШИ, литография, инв. № 63.

20.Мунис. Сайланма. – Тошкент: 1980.

21.Муҳаммад Шариф Шавқий. Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқий, фотонусха, инв. № 1634.

22.Муҳаммад Шариф Шавқий. Шеърлар. – Тошкент: 1964.

23.Муҳсиний. Девони Муҳсиний. ЎзФАШИ, фотонусха, инв. № 7693.

24.Нодира. Девон, ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 4182.

25.Нодира Девон. – Тошкент: Фан, 1963.

26.Нодир-Узлат.Девон. ЎзФА Ғафур Ғулом номидаги Қўқон адабиёт музейи фонди, қўлёзма, инв. № 474. Шу девоннинг номукаммал фотокопияси, инв. № 360.

27.Навоий замондошлари хотирасида. –Тошкент, 1985.

28.Огаҳий . Девон. Таъвиз ул-ошикин. ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. № 938.

29.Огаҳий. Девон. Асарлар. 6 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: 1971.

30.Табибий. Девон. Мунис ул-ушшоқ. ЎзФАШИ, фотонусха, инв. № 6226.

31.Фақирий. Девони Фақирий Хоразмий. ЎзФАШИ, фотонусха, инв. № 7693.

32.Фузулий. Девон. Асарлар. 2 жилдлик, 1-жилд. – Тошкент: 1968.

33.Хусрав Деҳлавий. Девон. Ғуррат ул-камол. ЎзФАШИ, фотнусха инв. № 178.

34.Хондамир. Макорим ул-ахлоқ. – Тошкент: 1948.
35.Ҳабибий. Девон. – Тошкент: 1971.
36.Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола. – Тошкент: 1968.

II. Илмий адабиётлар, рисолалар, мақолалар:

1.Айний С. Асарлар, 8-том. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1967.
2.Арзибеков Р. Поэт Шавқи Каттакургани и его литературная среда. Автореферат дисс. канд. филол.наук. – Самарканд: 1963.
3.Арасли Ҳ. Рисолаи Ҳусайн Бойқаро. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 3-сон.
4.Адабий мерос. 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1968.
5.Адабий мерос. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 1971.
6.Абдуллаев В. Валихўжаев Б. Навоийнинг ўз қўлёзма девони.// Шарқ юлдузи, 1979, 7-сон.
7.Абдуғафуров А. «Рисолаи Ҳусайн Бойқаро» нинг яратилиш тарихидан. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1972, 3-сон.
8.Абдуғафуров А. «Бадоеъ ул-бидоя» нинг тузилиш санаси. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1989, 4-сон.
9.Аҳмедов Т. Мунис. –Тошкент: Фан, 1980.
10.Белинский В.Г. Собрание сочинений в трех томах. Т.3. – М., 1948.
11.Бертельс Е.Э. Избранные труды. Наваи. –М., 1984.
12.Бертельс Е.Э. Избранные труды. История персидско-таджикой литературы. ИВЛ. – М., 1960.
13.Бертельс Е.Э. Научные труды. Наваи и Джами. – М.: Наука, 1965.
14.Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литературы. –М.: Наука, 1972.
15.Былинин В.К. Стихотворение «Предисловия многоразлична» в рукописях первой половины 17 века. В книге записки отдела рукописей. – М.: Книга, 1983.
16.Валиходжаев Б. Из истории развития литературно-критической мысли в Узбекистане (15-19 в.). Автореферат дисс. к.ф.н. – Самарканд, 1960.
17.Валихўжаев Б. 15-19 асрлар ўзбек адабий-танқидий қарашлари тарихидан. СамДД асарлари, янги серия, 138-нашр. – Самарқанд, 1964.
18.Валихўжаев Б. Алишер Навоий ва Шайхим Сухайлий. Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент: Фан, 1968.
19.Демин А.С. Писатель и общество в России 16-17 веков. –М.: Наука, 1985.
20.Жамолов С. «Бобурнома» нинг бадиий қиммати ҳақида. Илмий асарлар. 25- китоб. – Тошкент: 1961.
21.Зоҳидов В. Дебочанинг сири. // Ҳаётбахш бадиият тароналари. –Тошкент: 1975.
22.Зоҳидов В. Яна бир дебочанинг шаҳодати.// Жаҳон бадиияти зарварақлари. – Тошкент: 1980.
23.Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. –Тошкент: 1965.
24.Исҳоқов Ё. Талмиҳ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 3-сон.
25.Исҳоқов Ё. Ташбеҳ. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970, 4-сон.
26.Исҳоқов Ё. Амир Хусрав ва ўзбек адабиёти. Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 4-сон.
27.Исҳоқов Ё. Баёз ва баёзчилик тарихи. //Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: 1976.

28.Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: 1983.
29.Исҳоқов Ё. Навоий ва ўзбек шеъриятидаги услублар масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1990, 5-сон.
30.Камол Ж. Лирикада жанрлар масаласи. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 6-сон.
31.Мир-али-шер. Сборник к 500-летию со дня рождения. –Л., 1928.
32.Миллер Б.В. Персидско-русский словарь. 2-ое издание. – М., 1953.
33.Маллаев Н. Ўзбек адабиётида ғазал ва унинг ривожида Навоийнинг роли ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1961, 3-сон.
34.Маллаев Н. Анъанавий муқаддимот ҳақида. // Ўзбек тили ва адабёти, 1971, 1-сон.
35.Маҳмудов М. Муҳаммад Шариф Шавқий. Сўзбоши. Шавқий. Шеърлар. –Тошкент: 1964.
36.Муҳаммад Яқуб Жузжоний. Мусаннифоти Амир Алишер Навоий. // Амир Алишер Навоий – Фоний. – Кобул: 1967.
37.Мусамухамедова Ф. О жизни и творчестве Факири. Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Ташкент: 1974.
38.Мадаминов А. Узлат лирикаси. // Адабий мерос, 2-китоб. – Тошкент: 1971.
39.Мусаев Б. Амир Хусрав девонларининг қўлёзмалари ҳақида. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1976, 4-сон.
40.Муҳаммадиев Н. Сорғорибтур лоларўйим. // Гулистон, 1980, 2-сон.
41.Навоийга армуғон. (Мақолалар тўплами). – Тошкент: 1968.
42.Носиров О. Ўзбек классик адабиётида ғазал жанрининг шаклланиши ва такомили. Филол.фан.номз дисс. – Тошкент: 1968.
43.Навоий ва адабий таъсир масалалари. –Тошкент: 1968.
44.Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: Порсо Шамсиев, С.Иброҳимов. –Тошкент: Фан, 1972.
45.Ойбек Адабий-танқидий мақолалар, Мукаммал асарлар тўплами, 19 томлик, 13-том. – Тошкент: 1979.
46.Родоначальник узбекской литературы. –Тошкент: 1940.
47.Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. –Тошкент: 1979.
48.Сулаймон Ҳ. «Хазойин ул-маоний» матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. // Хазойин ул-маоний. 4 томлик, 1-том. – Тошкент: 1959.
49.Сулаймон Ҳ. Алишер Навоийнинг янги топилган асари «Ситтаи зарурия». // Адабий мерос, 1-китоб. – Тошкент: Фан, 1968.
50.Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. –Тошкент: 1969.
51.Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980.
52.Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Тошкент: 1978.
53.Серикова Л. Алишер Навоий асарларининг рус тилига таржимаси. // Адабий мерос, 1980, 2/14/ - сон.
54.Серикова Л. Предисловие к «Сокровищнице мыслей» Алишера Наваи. // Адабий мерос, 1984, 1/29/ - 2/30-сонлар.
55.Солиҳова М. Алишер Навоий девонларига ёзилган дебочаларда шоир биографиясига доир маълумотлар. // Адабий мерос. 1-китоб. – Тошкент: 1968.
56.Улуғ ўзбек шоири. –Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1948.
57.Фарҳанги забони тоҷики. Ҷилди 2. – М.: 1969.

58.Холиқов Р. Муҳсиний - серқирра ижод соҳиби. –Адабий мерос. – Тошкент: 1973.
59.Шарафиддинов О. Алишер Навоий (ҳаёти ва ижоди). –Тошкент: 1971.
60.Шомуҳамедов Ш. Абдураҳмон Жомий. –Тошкент: 1964.
61.Шомуҳамедов Ш. Саъдий Шерозий. –Тошкент: 1964.
62.Шомуҳамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. –Тошкент: 1965.
63.Шомуҳамедов Ш., Мусаев Б. Амир Хусрав Деҳлавий. – Тошкент: 1971.
64.Юсупов М. Алишер Навоий насрий асарлари тилининг лексик қатламларини ўрганиш тажрибасидан. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 2-сон.
65.Ўзбек совет энциклопедияси. 14 томлик, 3-том. – Тошкент: 1972.
66.Ўзбек адабиёти тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1976.
67.Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. – Тошкент: Фан, 1976.
68.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик, 1-том. – М.: 1981.
69.Ўзбек насри тарихидан. –Тошкент: Фан, 1982.
70.Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. –Тошкент: 1962.
71.Қодирова М. Амирий. Адабий мерос, 2-китоб. –Тошкент: 1975.
72.Кудратиллаев Ҳ. Наваи о Художественном творчестве и труде писателя. Автореферат дисс. канд. филол. наук. – Тошкент: 1975.
73.Қудратиллаев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик олами. –Тошкент: 1991.
74.Ғаниева С. Навоий ва Ҳусайн Бойқаро. // Навоий ва адабий таъсир масалалари. – Тошкент:1968.
75.Ғаниева С. Алишер Навоий насрида назм ва унинг роли. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1979, 6-сон.
76.Ғаниева С. Наср ва бадиият .// Навоий ва ижод сабоқлари. – Тошкент: 1981.
77.Ғанихўжаев Ф. Табибий. – Тошкент: Фан, 1978.
78.Ғиёс ул-луғат. Иборат аз се чилд, чилд 1. – Душанбе: 1987.
79.ХХайитметов А. Алишер Навоийнинг адабий-танққидий қарашлари. – Тошкент: 1959.
80.Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. –Тошкент: 1961.
81.Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. –Тошкент: 1963.
82.Ҳайитметов А. Навоий лирикасида реалистик моментлар ва элементлар. // Навоий даҳоси. –Тошкент: 1970.
83.Ҳайитметов А. Навоийнинг форсий мактублари. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1974, 1-сон.
84.Ҳайитметов А. Навоий ҳақида янги маълумотлар. // Ҳаётбахш чашма. –Тошкент: 1974.
85.Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Ибрагимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: 1970.
86.Ҳасанов С. Бобурнинг «Мухтасар» асарида баҳр ва вазнлар ҳамда уларнинг баён қилиниш услуби. // Адабий мерос, 3-китоб. – Тошкент: 1973.
87.Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. –Тошкент: Фан, 1981.

МАҚСУД АСАДОВ

НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҚИЙНОМА

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИКАСИДА СОҚИЙНОМА ЙЎНАЛИШИДАГИ ШЕЪРЛАР

Ўзбек мумтоз адабиётида май мавзуси ва у билан алоқадор бўлган образлар Алишер Навоий шеъриятида ўзининг кенг инкишофини топган. “Бу мавзу (яъни май мавзуси – М.А.) Навоий шеърларида, бир томондан, салафлар ижодиётида касб этган анъанавий хусусиятлари, иккинчи томондан, шоирнинг фалсафий-ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган янги қирралари орқали намоён бўлган”[1].

Буюк шоир ўзининг “Хазойин ул-маоний”даги илк ғазалида май, жом, соқий, майи ваҳдат, зарф, синғон сафол, жоми гетинамо, жому май, дайр, муғбача, майхона, азал соқийси каби май образи билан боғлиқ бир қатор тимсолларни қўллаган. Таниқли олим Н.Комиловга кўра “ушбу ғазал ўзидан кейин келадиган ғазаллар учун маълум маънода дастурий хусусиятга эга”. Яъни “мазкур ғазал маъноларини тўғри тушунган одам Навоий девонларидаги бошқа ғазалларни ҳам англаб етишга калит топади”. Чунки “унда улуғ шоир дунёқарашининг асосий йўналиши акс этган ва у кейинги ғазалларда давом эттирилган”. Олимнинг изоҳлашича, “ғазалда оламнинг илоҳий моҳияти ва буни англаган инсон завқи шавқи, қалб сурури ифодаланган”[2]. Дарҳақиқат, Навоий ижодиётида қўлланган май образи, унинг мазмун-моҳияти, маъно қирралари, шоирнинг унга бўлган муносабати, фикр-қарашлари ҳам, энг аввало, мазкур ғазалда тўғри ва аниқ очиб берилган.

Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур...

Умуман, Навоий шеъриятида май шоирнинг турли ижтимоий, сиёсий, маданий, маърифий, маънавий, ахлоқий, фалсафий масалаларга доир мушоҳадалари, ҳаётий хулосалари ҳамда қувончу изтироблари, орзу-интилишлари, қолаверса, давр, замон ва инсон тақдири билан боғлиқ қарашларини бадиий жиҳатдан ёрқин тасвирлаш воситаси саналади. Бунга шоир ғазалларидан қатор мисоллар кўрсатиш мумкин. Жумладан,

Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

“Мажолис ун-нафоис” тазкирасида хотирланишича, Мирзо Чучук адабиёт, айниқса шеъриятга ихлосманд, ўзи ҳам шеърлар ёзган истеъдодли темурий шаҳзодалардан бири бўлган: “Кичик Мирзо – хуб табълиқ, тез идроклиқ, шўх зеҳнлик, қавий ҳофизалиқ йигит эрди. Оз фурсатда яхши толиби илм бўлди ва кўпроқ улум ва фунундин ўз мутолааси билан вуқуф ҳосил қилди. Шеър ва муаммони хуб англар эрди, балки кўнгли тиласа айта ҳам олур эрди...” (9, 415). Аммо у анча эрта вафот этган. Н.Комилов мазкур байт келтирилган ғазални шарҳлаб: “май бу ерда одатдаги шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли, илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йиғма ифодаси – ғаму ҳасрат рамзи”[3], – деб ёзади. Кўринадики, шоирнинг маънавий олами, руҳий ҳолати, турли-туман: гоҳ хушнуд, гоҳ маҳзун кайфияти, ҳис-туйғулари май образи орқали янада равшанлашади. Май мавзусининг Навоий шахсиятига фавқулодда яқинлиги, бадиий тафаккури ва ижодий имкониятларини юзага чиқаришда алоҳида мавқе тутиши шоир соқийномасининг ғоявий

[1] Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. II том. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 141.
[2] Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – Б. 14.
[3] Комилов Н. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: Тамаддун, 2012. – Б. 228.

асослари, маънавий негизи, ифода усули ҳамда образ ва тимсоллар тизимига хос айрим жиҳатларни, аввало, унинг шеъриятидан қидириш лозимлигини англатади.

Профессор А.Ҳайитметовнинг ёзишича, “Навоий девонларидаги 2600 ғазалдан кўпи ишқий мавзуда бўлса, шу мавзудаги юзларча ғазаллар соқийга мурожаат билан ёки умуман майни, мастликни мақташ билан тугалланади”[1].

Адабиётшунос Н.Рамазонов “Хазойин ул-маоний”га киритилган ғазалларнинг 800 га яқинида май мавзуси қаламга олингани, шундан 70 га яқин ғазал бошдан-охир май мавзусида эканини қайд этган[2].

Биз “Хазойин ул-маоний”даги май талқинига бағишланган ғазаллар ва соқийнома йўналишидаги байтлар миқдорини қуйидаги жадвал асосида кўрсатишга ҳаракат қилдик:

Девонлар	Май мавзуси қаламга олинган ғазаллар	Май тавсифланган ғазаллар	Соқийнома характеридаги байтлар	Матлаъда	Мақтаъда	Мақтаъдан олдин	Турли ўринларда
Ғаройиб ус-сиғар	206	19	122	6	30	38	50
Наводир уш-шабоб	272	17	129	5	16	66	42
Бадойиъ ул-васат	291	16	121	2	8	74	37
Фавойид ул-кибар	307	13	121	6	6	65	44
Жами	1076	64	473	19	60	243	173

Эътиборлиси шундаки, шоир ғазалларида соқийнома мазмунидаги байтлар, кўпинча, мақтаъдан олдин келтирилган. Ё.Исҳоқовнинг ёзишича, Навоийнинг аксар ғазалларида мақтаъдан олдинги байт мазмун ва услуб жиҳатидан ғазал таркибидаги бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт олдинги байтлардаги тасвир усулидан қатъий назар, иккинчи шахсга қаратилган ибратомуз хулосадан иборат бўлади. Шоир кўпинча ўз фикрини соқийга ёки бошқа бирор объектга мурожаат шаклида изҳор қилади[3].

Дарҳақиқат, шоир ғазалларида соқийга хитоб билан бошланган байтлар ғазалнинг кульминацион байтлари бўлиб келади ва унда илгари сурилган ижтимоий-ахлоқий муаммонинг ечими вазифасини ўтайди. Бундай хусусият қуйидаги ғазалда ҳам ифода этилган:

Борғил, эй ҳамдам, ҳар ёни,
Кўнглум итмиш, топқил они.

Ҳолин сўрғил, ул ҳам сўрса,
Деким, йўқтур сенсиз жони.

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 144.
[2] Рамазонов Н. Узумни ёнчғондин сўнгра... // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2008 йил, 9 февраль.
[3] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан, 1983. – Б. 62.

Истидъо айлаб ёндурғил,
Келмас бўлса, де пинҳони.

Ким, ул дилбар қилмиш ваъда,
Бу тун бўлмоққа меҳмони.

Чин деб келса, ани эмди
Айлай кўксумда зиндони.

Соқий, бизни ғамдин қутқар,
Кетургил роҳи райҳони.

Ул ойсиз ун чекса Навоий,
Ўтгай гардундин афғони[1].

Ушбу ғазални ўқиганимизда ёрини кутиб айрилиқ азобида ўртанган бечора ошиқнинг маҳзун қиёфаси кўз олдимизда гавдаланади. Мақтаъдан олдинги байтда эса, ғам-андуҳдан қийналиб, ундан халос бўлиш истагида соқийдан май сўраётган лирик қаҳрамон – риднинг кайфияти англашилади:

Соқий, бизни ғамдин қутқар,
Кетургил, роҳи райҳони.

Байтда келтирилган роҳи райҳони – тўқ яшил рангли ичимлик, май. Мазкур байтда у шодлик рамзи сифатида талқин этилган. Ё.Исҳоқов таъбири билан айтганда, "агар қофияни ҳисобга олмасак", ишқ-муҳаббат ва ҳижрон кайфияти ифодаланган ғазалда мазкур байт "чиндан ҳам, тасодифийдек туюлади". Шунингдек, у "алоҳида ҳолда ҳам тугал маъно билдиради"[2].

Профессор А.Ҳайитметов Навоий ғазалларидаги соқийга мурожаат билан бошланган байтларни лирик чекиниш сифатидаги байтлар деб баҳолаган[3]. Ё.Исҳоқовга кўра эса, улар "бегона байтлар бўлиб, асосан, тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) ғазалларда келтирилган"[4].

Соқийга хитоб қилинган байтларда шоирнинг ишқ-муҳаббат кечинмалари, ҳаётий-маиший, ахлоқий-фалсафий қарашлари ёрқин намоён бўлган. Уларда лирик қаҳрамон кўпинча ҳижрон ва айриликдан азоб чеккан, замон ва замондошларидан жафо кўрган, қувончу шодлиги, кўнгил осойишталиги, ишонч ва ҳақиқатни май ва майхўрликдан "излаган" бир қаҳрамон қиёфасида тасвирланган. Қуйидаги байтда эса, шоир риднинг майпарастлиги сабабини гўё бундай изоҳлайди:

Соқиё, кўнглумда май ҳирсин кўруб, сўрдунг сабаб,
Ҳажри дардин ё хумори бегаронинму дейин? (4, 487)

Навоий ғазалларида келтирилган майпараст, бодапараст, сармаст, боданўш, майхора, хумор, бехуд, бодаошом, дурдкаш, дурднўш, журъакаш, қатранўш каби бир қатор тимсоллар ҳам ринд ва унинг ҳолатини ифода этади.

---

[1] Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10 жилдлик. 4- жилд. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2011. –Б. 644. (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда жилди ва саҳифаси қавс ичида берилди. – М.А.)
[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 62.
[2] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 144.
[3] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 62.

Бош қўярмен куп аёғинда май ичсам пайваст,
Қони муғ дайрида мендек ёна бир бодапараст. (1, 109)

Кўп-кўп миқдордаги май сақланадиган идиш, хум. Мажозий маънода эса, у "орифнинг қалби ва руҳи мутлақ"[1]ни ҳам англатади. Муғ сўзининг луғавий маъноси оташпараст бўлиб, у баъзан оташпарастлар руҳонийсини ҳам билдиради. Мажозан муғ – пири комил[2]. Муғ, муғбача, пири муғон каби образлар форс-тожик шеъриятидаги қатор соқийномаларда, айниқса, Ҳофиз соқийномасида кўплаб учрайди. Ўзбек шеъриятида улар Навоий ва Мажзуб соқийномаларида келтирилган. Мажзуб "муғон базми қадаҳчилари"га хитоб қиларкан, пири муғон образининг ўзига хос, бетакрор ифодасини ҳам яратган.

Навоий ғазалиётида риднинг ҳолати, кайфияти, айниқса, соқий – май қуювчига мурожаат қилинган байтларда янада ёркинроқ ифодаланган. Мумтоз шеъриятда соқий, кўпинча, бетакрор гўзаллик соҳиби сифатида таърифланган. Мутафаккир шоир ғазалларида эса соқийнинг ёш ва навқирон йигит қиёфасидаги янги ифодалари ҳам учрайдики, бу шоирнинг юксак санъаткорлигини кўрсатади:

Давр аёғин, соқиё, қўйма йигит жонинг учун,
Ким, йигитлик рўзгори айш даврони эмиш. (1, 290)

Зеро, Навоий шеъриятидаги муайян қаҳрамонлар шундай ёшлик, беғуборлик кайфияти билан тасвирланган. Бу китобхонда жўшқинлик, кўтаринкилик, ҳаётга муҳаббат туйғуларини пайдо қилади. Соқийи маҳваш, соқийи гулчеҳра, соқийи гулрўй, соқийи давр, соқийи даврон, соқийи гулрух, Исавийдам соқий, соқийи Кисронишон, соқийи ҳурваш, соқийи нўшин, соқийи Кавсар, соқийи шўх, соқийи ишқ, соқийи ширин, соқийи ишрат, соқийи васл, базми тараб соқийлари, соқийи мажлис, соқийи базм, нўшлаб соқий, сабукруҳ соқий, дарду бало соқийлари каби поэтик бирикмалар қўлланилган ғазалларда ҳам ана шундай мазмунлар ўз ифодасини топган.

Маълум бўладики, шоир турли-туман ижтимоий-ҳаётий, ишқий-фалсафий, қолаверса, маърифий-ирфоний фикр-қарашларини юзага чиқаришда мазкур образлардан самарали истифода этган.

Соқийи давр, соқийи даврон, соқийи ишрат, базм соқийси истиоралари шоирнинг ижтимоий-фалсафий қарашларини акс эттиради. Ижодкорнинг замон ва замон аҳлига муносабати, кўпинча, лирик қаҳрамоннинг май қуювчи – соқийдан шикояти тарзида ифодаланганини таъкидлаш жоиз:

Манга ҳар майки, тутти соқийи давр,
Бурун қилди ани қон бирла мамзуж. (1, 116)

Ёки бошқа бир байтдаги "Хусрави Кисронишон соқийлари" тимсолида истиоранинг мазмунига мос ҳолда улуғворлик, кўтаринкилик туйғулари устунлик қилади. Зеро, "хусрав" сўзининг луғавий маъносидаги "шоҳ", "ҳукмдор", "юксак мартаба эгаси" кабилар назарда тутилса, мисраларнинг бадиий-эстетик таъсирчанлиги ортади:

Дафъ этар дардин Навоийнинг ўшул майким мудом,
Хусрави Кисронишон соқийлари эҳсон қилур. (1, 177)

[1] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Моваройуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 153.
[2] Uludağ S. Tasavvuf terımlerı sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 373.

Кавсар, Исавийдам, сабукруҳ сифатлари билан улуғланган соқий маърифий-ирфоний ғояларни тамсил этиб келади:

Хумор дофеъ бўлғайму, соқийи Кавсар,
Бу дайр ичинда майи ишқ ичмаганга тўло. (4, 12)

Маълумки, Исо бадиий адабиётда кишиларни турли хасталиклардан, бало-қазолардан қутқарувчи, ҳатто жонсиз танага ҳам ҳаёт бахш этувчи рамзий образ сифатида тасвирланади. Қуйидаги байтда Исавийдам соқий талмеҳида унинг ана шу фазилати кўзда тутилган:

Коҳи юз бирла ўлармен, Исавийдам соқиё,
Бода тут хуршиди жоми каҳрабокирдоридин. (1, 471)

"Каҳрабо – сариқ рангли елимсимон тош. Уни чармга суркаб, сомонга яқинлаштирсангиз, уни ўзига тортади"[1]. Мумтоз шеъриятда айрилиқ ғамида сарғайган, заҳил юзни каҳрабога нисбат берадилар. Мазкур байтда ҳам ана шундай мазмун ифодаланган. Яъни эй Исо нафасли, жон ато этувчи соқий, юзим сомондай сарғайиб ўларман, менга сомонларни каҳрабо сингари ўзига тортиб оладиган май бер.

Шунингдек, Навоий ғазалларида аёқчи, пири майхона, пири муғон, пири майкада, пири дайр, пири ишқ, пири харобот, пири хаммор, майфуруш, муғ, муғбача, аҳли базм, аҳли ишқ, аҳли сабуҳ, ринди харобот кабилар ҳам соқийнинг маънодошлари сифатида инсонни камолот йўлига бошлаб, уни тариқат босқичларидан олиб ўтадиган, барча ёмон одатлардан халос этиб, яхши фазилатларга ошно қиладиган, илоҳий маърифатдан баҳраманд қилиб, комиллик мақомига кўтарадиган маънавий, руҳоний раҳбарни англатади. Маънавий устоз, пири муршид маъноларини ифодалаган тимсоллар орасида аслида ҳиндларнинг диний уламоси саналган Бараҳман ҳам учрайди. Умуман олганда, ғазалларда илгари сурилаётган бадиий ғоянинг янада чуқур мазмун касб этишида муҳим роль бажарган бу каби рамзлар Навоий ижодидаги образлар оламининг ранг-баранглигини ҳам таъмин этади.

Май бер, эй барҳаман, ар муғбача ишқида кўнгул,
Бўлса бадмаст фироқи била таъзир этайин. (2, 492)

Соқийнома мазмунидаги байтларда ошиқ қалбига инадиган илоҳий нур, маънавий ҳузур-ҳаловат, шунингдек, соликнинг аста-секинлик билан ўз ботинини англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётганини янада мукаммал тасвирлаш мақсадида томчи, қатра, журъа каби тушунчаларга ҳам ўрни билан мурожаат этилган.

Соқиё, ул кавсаросо бодадин бир журъа тут
Ким, мени ҳайронға бўлмиш кашф сирри лав кушиф. (1, 325)

Диний эътиқодга кўра, Кавсар булоғининг суви асалдан ширин, қор ва сутдан оқ бўлиб, ичган киши абадул абад чанқоқлик нималигини билмас экан[2]. Лирик қаҳрамон соқийнинг ана шундай бодасига етиш илинжидаги ташна киши сифатида гавдалантирилган. Маълумки, шоир учун илҳом манбайи бу – ҳаётнинг ўзи. Шу сабабли, шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғулари, сезги-кечинмаларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи образ, тушунча

[1] Э.Очилов. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 148.
[2] Қаранг: Pala I. Ansiklopedik Divan Şiiri Sözlüğü. – Istanbul: Kapı yayınları, 2006. – S. 268.

ва истилоҳларнинг ҳам моддий асоси, реал манбаси мавжуд. Жумладан, журъанинг ҳам. Аслида у "қадаҳдаги ичимликни бир мартада, яъни бир ҳўплам ёки бир қултумда ичиш деганидир. Исломдан олдинги даврларда қабристонда шаробнинг бир журъасини ерга тўкиш билан ўтганлар, марҳум кишилар хотирланган"лиги ҳақида манбаларда айтилган. Маърифий адабиётда ҳам журъа "ёрнинг бетоқат қилувчи ёди"ни билдиради[1]. Сажжодийга кўра, у "сайр мақомики, солик уни излаб топа билмоғи керак, яъни журъа соликка номаълум қолиб кетган сир-асрорлар ва мақомотларни англатади"[2]. Шунингдек, мумтоз шеъриятда журъа "руҳнинг турли даражаларини кўрсатиб, борлиқдаги ҳар бир заррада Ҳақ тажаллиси мавжудлигига ишора"[3] қилади. Навоий соқийномасидаги *"Кишига қайғудин ўлса зулмот, Журъаси бўлғай анинг оби ҳаёт"* мисраларида ҳам ана шундай мазмунлар ифодаланган. Кўринадики, шоир лирикасида келтирилган соқийга мурожаат кўринишидаги байтлар соқийнома мазмуни билан ўзаро муштарак. Бу эса уларнинг соқийнома жанри тараққиётидаги ўрнини белгилайди.

Соқийнома характеридаги байтларда соқийномаларга хос бўлган хум, куп, сабу, сурохи каби бир қатор образлар ҳам кенг қўлланган. Тасаввуф истилоҳида булар "илоҳий файз булоғи"[4], ошиқ, яъни соликнинг мақсадини воқелантирувчи, унинг кўнглига маънавий завқу шавқ бағишловчи образлар саналади. Шунингдек, шеърларда май ичиш учун ишлатиладиган жом, қадаҳ, соғар, зарф, пиёла, коса, бат, булбула ва кишти каби бир қатор идишлар ҳам учрайдики, улар орасида энг кўп қўлланилгани жомдир. "Ориф инсонлар илоҳий бодани жомдан ичиб, тавҳиддан сармаст бўладилар", – дейди Сажжодий[5]. Шунингдек, жом "ғайб оламидан хабардор қалб ва соликнинг зеҳни"[6]ни ҳам англатади. Навоийда жом "ишқ аҳлининг кўзгуси", ваҳдат майи тўла кўнгил тимсолидир:

Истарам, кўзгуда кўрсам ёр аксин бир нафас,
Соқиё, майким! Эрур ишқ аҳлининг кўзгуси жом. (1, 449)

Маълумки, шеъриятда ранглар воситасида шоирнинг руҳий-психолик ҳолати, кайфияти, ички маънавий олами, тасвирланаётган воқеликка муносабати ва ижтимоий, ахлоқий, фалсафий, маърифий қарашлари акс эттирилади. Шу билан бир қаторда бадиий тасвирнинг бу кўриниши фикр-туйғуларнинг таъсирчанлигини таъминлаб, ўқувчида кучли иштиёқ пайдо қилади[7]. Алишер Навоийнинг соқийнома мазмунидаги шеърларида биллурин, шафақгун, зумуррадранг, ойинагун, нилуфари каби ёрқин рангларда тасвирланган май ҳамда жом тимсоллари ҳам бу ҳаётга муҳаббат, шодлик ва қувонч туйғуларини ифода этган. Қуйидаги мисраларда ҳам соқийдан зумрад – кўк рангли қадаҳга айнан қизил май қуйишни сўраш билан мазкур ранглар ўртасидаги мутаносиблик, уйғунлик кишига беихтиёр хуш кайфият бағишлашига ишора қилинган:

Соқиё, жоми зумуррадгун аро қуй лаъли май
Ким, эрур шингарф беҳад хушнамо зангор ила. (4, 559)

---

[1] Анварий Ҳ. Фарҳанги бузурги сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 3. – Теҳрон, 1381 ҳ/ш. – С. 2121.
[2] Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Теҳрон, 1332 ҳ. – С. 286.
[3] Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // https://wayter.wordpress.com>2011/12 (08.09.2016)
[4] Uludağ S. Tasavvuf terımlerı sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 454.
[5] Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Теҳрон, 1332 ҳ. – С. 280.
[6] Анварий Ҳ. Фарҳанги бузурги сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 3. – Теҳрон, 1381 ҳ/ш. – С. 2121.
[7] Қаранг: Тўхлиев Б. "Қутадғу билиг"да ранг рамзига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 2001. – № 3. – Б. 34 – 38.

Соқийнома йўналишидаги шеърларда энг кўп учрайдиган образлар сирасига майхона, майкада, дайр, харобот, бутхона кабилар ҳам киради.

Майхона "завқу шавқ, илоҳий маърифат тўлиб-тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва руҳи мутлақ манбайидир"[1]. Тасаввуфда майхона тимсоли илоҳий завқу шавқ, маърифат тўлиб тошган комил инсон, орифнинг ички, ботиний оламига ишорани англатади[2]. Мумтоз адабиётда ҳам майхона бу дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларидан, турли-туман ёлғону сохталиклардан узилиб, кўнгил осойишталик топадиган, руҳ сокинликка етишадиган маънавий маскан, илоҳий олам саналади:

Не ғам, соқий, агар худ жоми Жам йўқ,
Етар майхонанинг синғон сафоли. (2, 648)

Соқийга мурожаат кўриниши шоир рубоийларида ҳам ўз ифодасини топган. "Хазойин ул-маоний"га киритилган 133 та рубоийнинг 30 га яқинида май мавзуси қаламга олинган бўлиб, 10 га яқини соқийнома-рубоийлардир. Уларнинг 5 таси соқийга хитоб билан бошланса, 3 та рубоийда соқий сўзи радиф бўлиб келган. Чунончи, *"Соқий, манга тут жоми ҳарифона тўла", "Соқий, баданимни нотавон этти хумор", "Соқий, мени хорхордин айла халос", "Бер жому ол, э муғбача, жонимни эваз", "Соқий, баданимни қилди ғам тийғи шигоф", "Жонимға етиптур хумор, эй соқий", "Охир дами умр этса шитоб, эй соқий", "Жонимда хумордин азоб, эй соқий".*

Соқийнома-рубоийларда ҳаётий лаззатларни улуғлаш, табиат гўзалликларидан завқланиш, ҳақиқий ишқни авж пардада куйлаш, висол умидию айрилиқ азобларини тасвирлаш, шунингдек руҳоний шавқ ва фалсафий-ирфоний мушоҳада етакчи ўринда туради.

Соқий, мени хорхордин айла халос,
Гул-гул юзунг оч, баҳордин айла халос,
Ё май беру интизордин айла халос,
Ё ўлтурубон хумордин айла халос. (1, 733)

Хуллас, Навоий лирикасини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, улардаги соқийномаларга хос образлар мазкур жанр мундарижасининг кенгайишига, ифода имкониятларининг ранг-баранглигини таъминлашга хизмат қилган. Лирик қаҳрамон – риднинг қалб кечинмаларини таъсирли тасвирлаш, маънавий оламига чуқурроқ кириб бориш учун шоир соқийга мурожаат қўлланган байтлардан самарали истифода этади. Кейинчалик соқийномаларда унумли фойдаланилган май, қадаҳ, майхона, базм каби тимсоллар ва уларнинг қатор маънодошлари, энг аввало, буюк шоир ғазалларида турли ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий қарашларни юзага чиқариш учун ишлатилган. Навоий лирикасида, айниқса, соқийнома моҳиятидаги шеърларда ишқ ва комиллик, ҳаёт ва унинг сир-асрорлари, инсон ва унинг қисмати, олам гўзалликлари ва умр шодликлари, шунингдек маърифий-ирфоний масалалар юксак бадиий талқин ҳамда таҳлил этилган. Мазмун-моҳияти, ўзига хос ифода усули, бадиий-тасвирий воситаларига кўра соқийга мурожаат тарзида бошланган байт ва шеърий парчалар соқийномалар билан муштараклик касб этадики, бу уларнинг жанр такомилидаги ўрнини ҳам белгилайди.

---

[1] Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Теҳрон, 1332 ҳ. – С. 392.
[2] Кўрсатилган китоб. – Б. 366.

“ХАМСА”ДА СОҚИЙНОМА МАЗМУНИДАГИ БАЙТЛАР

Соқийномаларга хос бир қатор хусусиятлар: соқийдан май сўраш, май тимсолини улуғлаш; олам ва одам қисмати, ҳаёт ва охират ҳақидаги теран фалсафий мушоҳадалар; ижтимоий-сиёсий, маърифий-ахлоқий ўй-қарашлар “Хамса”да ҳам маҳорат билан давом эттирилган. Навоийгача яратилган “Хамса”ларда соқийнома характеридаги байтлар фақатгина Искандар ҳақидаги достонларда учрагани ҳолда, “Хамса” таркибидаги деярли барча достонларда мавжуд. Бундай байтлар шоирнинг руҳий олами, эстетик фикр-туйғуларини англашга имкон бериши билан аҳамиятлидир.

“Ҳайрат ул-аброр”даги ҳайратлар, боблар ва мақолатларнинг сўнгги ҳар икки байти (жами 25 байт – М.А.) соқийга мурожаат ва май тавсифи билан якунланган. Шунингдек, достоннинг “Аввалги ҳайрат”и соқийга хитоб билан бошланиб, дастлабки 3 байтда май, жом ва мастлик ҳолати таърифланган. Уларда қўлланган *“жоми сабуҳ”, “субҳ майи”* поэтик бирикмалари илоҳий ишққа, Ҳаққа, камолотга эришиш воситалари сифатида талқин қилинган. Маърифий адабиётда субҳ деганда, ғайб оламида Ҳақ жамолининг нурланиб, ошиқ дилидан борлиқ, мавжудот зулматини аритиши ҳам тушунилган. Яъни “субҳ” ваҳдат нури ҳамдир. Маст бўлмоқлик эса, илоҳий завқу шавқ, Ҳақ жамолига восил бўлиш, руҳий ҳузур-ҳаловат:

Субҳдур, эй соқий, этиб меҳр фош,
Тут манга бир жом нечукким қуёш....
Субҳ сафолиқ майидин маст ўлай,
Тонг қушиға нолада ҳамдаст ўлай. (6, 64)

Соқийга мурожаат қилинган байтларда асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг умумий мазмунига ҳам ишора қилинади. Жумладан, ўн тўққизинчи мақолат сўнгида келтирилган Хожа Муҳаммад Порсо ҳақидаги ҳикоят мана бундай хулосаланган:

Соқий, олиб кел қадаҳи бодае,
Шаҳ тутсун, ё ани шаҳзодае.
То бўлайин маст сабоҳу масо,
Неча риё бирла бўлай порсо. (6, 291)

Бундай байтлар шоирнинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонларида ҳам кўплаб учрайди. “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳар бир боб ва хотима сўнгидаги 2 байт (жами 47 байт – М.А) соқийга хитоб билан тугалланган. “Лайли ва Мажнун”нинг ҳам X – XXIV бобларида турли объектларга *(“Эй пири муаллиму муаддаб”, “эй гулшани ишқ боғбони”, “эй маҳмили ишқ сорбони”, “эй қайди замона бирла хурсанд”, “эй чоранамо”, “эй зойири каъбаи саодат”, “эй ишқ элининг силоҳ шўри”, “эй ёри манозили насими”, “эй навҳагар”, “эй дўст”* каби – М.А), XXXVI бобда эса муғбачага, XXXVII бобда бевосита соқийга мурожаат қилинган.

Соқийнома характеридаги байтларнинг келтирилиши, ўзига хос тузилиши, соқийномага хос образларнинг бадиий ифодаси ва мазмунига кўра, “Садди Искандарий” достони, айниқса, ажралиб туради. Унинг боблари хотимасида жами 155 байт (310 мисра) соқийнома мазмунини ифодалайди. Шундан 51 байт соқий ва аёқчига мурожаат билан бошланган. Қолган байтларда муғанний (51 байт) ва шоирнинг ўзига (53 байт) хитоб қилинган.

Низомий Ганжавий ҳам “Искандарнома”нинг “Шарафнома” қисмида соқийга, “Иқболнома”да муғанний ва мутрибга мурожаат қилинган байтларни келтирган[1]. Улар Хусрав Деҳлавийнинг “Ойинаи Искандарий”, Абдураҳмон Жомийнинг “Хирадномаи Искандарий” достонларида ҳам учрайди. Алишер Навоий эса “бошқа достонларида ўз кайфиятини соқийга мурожаат ёки айрим умумий хулосаларни билдирувчи мисралар орқали берган бўлса, “Садди Искандарий”да аниқ ўрнатилган тартиб бўйича беради”[2]. Яъни достондаги ҳар бир бобнинг хулосаси соқий (баъзан аёқчи – М.А.) ва муғаннийга хитоб билан бошланиб[3], шоирнинг ўзига мурожаати билан якунланган. Бу жиҳатдан Навоийнинг достони Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларнинг асарларига ўхшаб кетади. Уларда ҳам риторик мурожаатлар, асосан, ҳар бир бобнинг сўнгида келтирилган. Аммо “Садди Искандарий”да муайян тартиб ўзгармайди.

Кетур соқий, *ул майи рахшандадур,*
Анинг нашъаси файз бахшандадур.
Кўнгул масканин лавнидин гулшан эт,
Назар ҳужрасин тобидин равшан эт.
Муғанний, *суруде чек ондин баланд*
Ки, тушсун сипеҳр аҳлиға дилписанд!
Унинг савтини олий овоза эт,
Сўз овозасин кўнглума тоза эт!
Навоий, *сўз айтурда фарзона бўл,*
Чу иш бошингга тушти, мардона бўл!
Баҳона тариқини барбод қил,
Суруб достон,нукта бунёд қил! (8, 67-68)

Маълумки, достонлар, одатда, ҳамд, муножот, наът, пайғамбар меърожи тасвири, замона ҳукмдорининг мадҳи билан бошланади. Озарбайжон мумтоз адабиётида яратилган достонларнинг муқаддималарини монографик тадқиқ қилган А.Халиловга кўра, улар расмий муқаддималардир. Расмий муқаддимадан кейин келиб, ғоявий-бадиий, автобиографик, ижтимоий-сиёсий мавзуларни қамраб олган бўлимлар ёки лирик чекинишларни олим бадиий муқаддима деб номлайди. Жумладан, эпик асарлар таркибидаги соқийномалар ҳам бадиий муқаддиманинг гўзал намуналари саналади[4].

---

[1] Изоҳ: Адабиётшунос Ж.Мирсаидовнинг ёзишича, Хусрав Деҳлавийнинг “Оинайи Искандарий” достонида ҳар бир боб сўнгида 2 байт соқийга ва 2 байт муғаннийга мурожаатнинг келтирилиши оддий бир бадиий усул бўлмай, балки Низомий “Искандарнома”сининг иккала қисми (“Шарафнома” ва “Иқболнома”)га умумлаштириб жавоб қайтаришни англатади. Қаранг: Амир Хисрау Дехлави. Аина-е Искандари. (Составление и предисловие Ж.Мирсаидов). – М., 1977. – С. 194. Бу фикрларни Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони мисолида ҳам айтиш мумкин. Шунингдек, достон боблари сўнгидаги шоирнинг ўзига мурожаати (“Навоий”) ни Навоийнинг новаторлиги деб баҳолаш ва асарнинг улуғ шоир ижодининг ўзига хослигини кўрсатувчи, навоиёна руҳият, кайфият маҳсули ўлароқ яратилганига ҳам ишора қилувчи бадиий усул десак, асло хато бўлмайди.

[2] Қаюмов А. Асарлар. 3 жилдлик. I жилд, 2-китоб. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2008. – Б. 391.

[3] Шарқ адабиёти, жумладан ўзбек мумтоз адабиётида яратилган муғаннийномалар ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Ғаниева С. Низомий муғаннийномалари / Низомий ва ўзбек адабиёти. Илмий анжуман материаллари. – Тошкент: ТИУНМБ, 2007. – Б. 56 – 61; Шу муаллиф. Шарқ мумтоз адабиётида муғаннийномалар // Шарқ тароналари. – Тошкент, 2007. – Б. 62 – 66; Жўрабоев О. Мумтоз адабиётда муғаннийнома. – Тошкент: Тамаддун, 2016. – 40 б.

[4] Халилов А.В. Классик озарбайжон поэзиясида бадиий муқаддима (дебоча, соқийнома, китобнинг ёзилиш сабаби): Филол.фан.номз. ...дисс. – Баку, 2006. – Б. 48.

Тўғри, соқийга мурожаат воситасида асарда ифода этилаётган фикр-қарашларга муносабат билдириш, уларни шоир ҳис-туйғулари, реал турмуш манзаралари билан уйғунликда жонли тасвирлаш Шарқ мумтоз адабиётида битилган эпик достонлардаги лирик чекинишлар учун умумийдир. Аммо соқийнома йўналишидаги байтлар нафақат расмий муқаддималардан кейин, балки достон бобларининг сўнгида келтирилиб, уларда тасвирланган воқеа-ҳодиса, фикр-кечинмаларни ҳам хулосалайди. Чунончи, "Садди Искандарий" достонидаги лирик чекинишлар, яъни соқийга мурожаат билан бошланган байтлар бунинг исботи бўла олади. Шу билан бирга, улар достон бобларининг композициясида муҳим ўрин тутади, яъни шоир фикр-қарашларини умумлаштириб, бобларни бир-бирига мантиқан боғлаш учун хизмат қилади.

Турк олими М.Кузубашнинг ёзишича, шоир янги бир мавзуга ўтишдан илгари ўзини шунга чоғлайди ва илҳом йўлининг очилиши учун кайфият ҳосил қилади ёки асосий мавзуда баҳс юритишдан илгари нафас ростлаш, фикрни бир ерга жамлаш мақсадида соқийга юзланади. Олимга кўра, бу "бир қаҳва тайёрланг, одам бироз дам олсин" қабилидаги жонли мулоқотга ўхшайди"[1]. Дарҳақиқат, достонларнинг лирик чекинишларида фикрни ўқувчига мурожаат эмас, соқийга хитоб шаклида баён этиш асарнинг бадиий қимматини оширибгина қолмай, унинг таъсирчанлигини ҳам кучайтиради. Асарнинг умумий манзараси, шоирнинг ахлоқий, таълимий, фалсафий, ҳаётий мушоҳалари, хулосалари – барча-барчаси соқийнома моҳиятидаги байтларда ихчам ва мукаммал ифодаланади. Айтиш мумкинки, "Садди Искандарий" достонининг боблари 3 қисмдан, яъни бадиий сарлавҳа, асар матни ва соқийга мурожаат келтирилган байтлардан ташкил топган. Ўз навбатида, улар ҳам мазмунан бир-бирига боғлиқ. Жумладан, XIX бобнинг сарлавҳасида шоир адолат сўзини тавсифлаган. Чунки унда Искандарнинг одил ҳукмдор сифатидаги фазилати шарафланган. Шу сабабли, бобда келтирилган соқийнома характеридаги байтларнинг дастлабкисида ҳам, охиргисида ҳам адолат сўзига алоҳида урғу берилади. Чунончи,

Кетур, соқиё, тўлдуруб жоми адл
Ки, кўргузди Искандар айёми адл!...
Шаҳеким, адолатдур онинг иши,
Тенг эмас анга шоҳлардин киши. (8, 115)

Соқийнома мазмунидаги байтларнинг достон композициясидаги муайян тартиби шоирнинг ижодий нияти, асар воқеаларининг жонли тасвири ва ўқувчида эстетик завқ уйғотишга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ифода усули ва образлар тизимига эга. Масалан, соқийга мурожаат билан бошланган лирик парчаларда май қадаҳининг поэтик тасвирлари 30 га яқин байтларда шоир ҳиссий ва фикрий оламининг бадиий-эстетик ифодаси билан уйғунлик касб этади: *Каёний қадаҳ, ойинагун соғар, миръоти Искандар, шоҳона соғар, соғари лаълранг, жоми шоҳона, жоми мотамзудой, жоми адл, жоми ёқутгун, жоми боқий, жоми пирона, жоми хисравона, жоми фақирона, соғари зарнигор, чиний аёғ, кўзгу, жоми лабо-лаб, жоми тақвишикан, жоми дарёмисол, соғари алвидо, соғари лоларанг, жоми фароғ.*

Мазкур истиоралар асар мазмуни, бобларда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг табиати билан узвий боғлиқдир. Жумладан, *"бодаи софи"* – соф, тоза май демакдир. Достонда, асосан, фикр ифодаси учун қўлланган бу поэтик бирикма янги, такрорланмаган маъноларини ҳам ифода этиб, "Садди Искандарий"нинг мазмунига ишора қилади: *"Ичар*

[1] Kuzubaş M. Sakiname (Nev'izade Atayi). – Samsun: Etut yayınları, 2009. – S. 18.

хайл сўз бодаи софини”. Май ва унга алоқадор образлар шоир лирик кечинмаларини акс эттирибгина қолмай, унинг турли ижтимоий, сиёсий, ахлоқий, фалсафий масалаларга муносабати, нуқтайи назари ва баҳосини ҳам юзага чиқаради. Чунончи,

Чу истаб тараб табъи озодаси,
Қуюб назм жомиға сўз бодаси.
Анинг журъаси элни маст айлабон,
Демай мастким, майпараст айлабон. (8, 49)

Мазкур шеърий парча достоннинг VII бобидан олинган. Унда тавсифланаётган бода, биринчидан, Навоий салафларининг назм жомидан маънавий баҳрамандликни билдирса, иккинчидан, илҳом, илоҳий инъом, ният, орзу маъноларида талқин қилинган. Чунки достоннинг ушбу бобини Навоий Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомийларга бағишлаган. Унда шоир салафларининг Искандар ҳақидаги достонларига ҳам юксак баҳо берилган. Бу фикрлар VIII бобда ҳам давом эттирилган. Шунингдек, унда ҳотиф, яъни ички бир товуш, илоҳий куч “Хамса”ни ёзишга руҳлантиргани, шоирни қўлига қалам олишга ундагани айтилади. Мазкур бобнинг сўнгида келтирилган соқийнома йўналишидаги хулосавий байтлар шоирнинг фикр-кечинмаларини ёрқин ифода этгани билан характерлидир.

Кетур соқий, ул Каёний қадаҳ,
Тағореки, дегайлар они қадаҳ. (8, 58)

Мазкур байтда қўлланилган Каёний қадаҳ истиораси улуғворлик ва қудрат рамзи, шунингдек, илҳом сарчашмаси, маънавий-руҳий камолот манбайи бўлиб келган. Бу орқали шоир хамсанавис устозларининг маъно хазинасига, яъни улкан ва бетакрор ижодига ўзига хос баҳо берган. Асарнинг бошқа бир ўрнида “жоми Каёний” – Каёний жоми поэтик бирикмаси шоирнинг олам ва одам қисмати, дунёнинг ўткинчилиги, инсон умрининг қисқалиги ҳақидаги фалсафий мушоҳадаларини ифода этган:

Аёқчи, майи дўстгоний кетур,
Тўло айла жоми Каёний кетур.
Ки давронки, ойини ўлмиш жафо,
Не Кайга, не Дороға айлар вафо. (8, 73)

Мутафаккир шоир ўзининг кўпгина асарларида, жумладан, соқийномада ҳам Ҳусайн Бойқаро ва унинг мадҳига кенг ўрин ажратади. “Садди Искандарий”нинг IX боби ҳам Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Унда ҳукмдорни таърифу тавсиф этиб, “Ҳакими азал” – Тангридан Ҳусайн Бойқарога Искандарнинг шаъну шавкати, қудрату салтанатидек улуғворлик ато этишини, “мулозимларини” ҳам “Искандарфар”, яъни Искандар сифатли қилишини тилайди:

Мулозимларини Скандарфар эт,
Адолат уйин “Садди Искандар” эт. (8, 64)

Аёқчига мурожаат қиларкан, ўзига ойнадек тоза, тиниқ қадаҳ беришини сўрайди. Ружуъ, яъни қайтариш санъати воситасида бу фикрлар янада кучлироқ ифодаланган:

Аёқчи, тут ойинагун соғаре,
Не соғарки, миръоти Искандаре! (8, 64)

Мазкур байтда келтирилган ҳар бир образ ҳам шоирнинг муайян бир мақсадини ифодалаб, асарнинг бадиий-эстетик қимматини оширишга хизмат қилган. Агар соқийга мурожаат қилинган байтларда унга илтифот кўрсатиш, май қуйишга ундаш мазмуни англашилса, аёқчига хитоб орқали даъват этиш, талаб қилиш, буюриш маънолари юзага чиққан. Диққатга сазовор томони шундаки, соқийга мурожаатлар олдидан хитоб оҳангини янада орттириш учун қўлланган "кетур" сўзи лирик қаҳрамон – риднинг аёқчидан май талаб қилган байтларда учрамайди. Яна бир эътиборли жиҳати, шоир соқийнома характеридаги шеърий парчаларнинг дастлабкисида ҳам, сўнггисида ҳам айнан аёқчига юзланган. Шунингдек, достоннинг яна 24 байтида аёқчига мурожаат келтирилган. Аёқ сўзи, аслида, соф туркий сўз. Қадимда туркий халқлар орасида қимиз ва асал шароби ичиш учун туянинг оёқ суягидан махсус қадаҳлар ясалган бўлиб, улар аёқ деб юритилган[1]. "Саёҳатнома" асарида маълумот берилишича, ўтмишда май базмларида фақат асалдан тайёрланган шароб истеъмол қилинган экан[2]. Аёқчи – аёқ тутувчи киши, яъни соқийдир. Достонда у кишига эстетик завқ, кўтаринки кайфият улашувчи поэтик образ сифатида тасвирланган. Ички бир мантиқ, қаршилантириш асосида масаланинг асл моҳиятига ишорани илғаш мумкин. Маълумки, Искандар нафақат "Садди Искандарий"да, балки Шарқ халқлари адабиётида ҳам ғолиблик, адолат, саховат ва ҳақиқат байроғини баланд тутган комил шахс сифатида гавдалантирилган. Навоий бадиий қаҳрамон Искандарни улуғлаш баробарида замонаси Искандари – Ҳусайн Бойқарони ҳам у билан тенглаштиради *("Муни тут жаҳонда Скандарнишон").*

Юқоридаги байтда қўлланган "миръоти Искандарий" – Искандар ойнаси ҳақида Навоий достоннинг LII бобида қизиқ бир ривоятни келтирган. Унда тасвирланишича, Чин хоқони Искандарга қилган тортиқлари орасида шундай ойна бор эдики, унинг ҳар иккала томони ҳам ўзига хос тилсимга эга эди. Унинг тилсимларидан бири кимки рост гапирса, чеҳраси кўзгуда намоён бўлар, аксинча ёлғон сўзласа, ойна юзини кўрсатмас эди. Кўзгунинг иккинчи юзи эса, мажлисда кўп ичиб, кайфи ошиб қолган маст кишининг қиёфасини бесўнақай, кулгили кўринишда акс эттирардики, у ўз ҳолидан пушаймон бўлиб, мажлисни тарк этарди:

Кўруб ул бузуғлуғни наззорагир,
Бўлур ўз бузуғ ҳолиға чорагир. (8, 375)

Навоий аёқчидан мана шундай хислатга эга бўлган май келтиришини сўрайди. Бу ўринда май яхши ва ёмонни, рост ва ёлғонни, дўсту душманни бир-биридан ажратувчи восита саналади. Чунки мумтоз адабиётда Искандар ойнаси ҳолдан огоҳлик маъносини англатади[3].

"Садди Искандарий"нинг IX боби хотимасида қўлланган соқийнома мазмунидаги лирик парча қуйидаги байт билан тугалланган:

Бу шоҳона мажлис аро бода ич,
Ва лекин қачон тутса шаҳзода ич! (8, 65)

[1] Қаранг: Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 38.
[2] Ибн Батутта. Саёҳатнома. – Тошкент: Шарқ, 2012. – Б. 342.
[3] Муҳаммадҳусайни Бурҳон. Бурҳони қотеъ. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1993. – С. 66.

Шу тариқа, достоннинг X боби султон Ҳусайн Бойқаронинг тўнғич фарзанди шаҳзода Бадиъуззамонга бағишланган. Достонда унинг мадҳига анча кенг ўрин берилган. Соқийга мурожаатда ҳам шоир майни ақлни тиниқлаштирувчи, кўнгилни турли-туман иллатлардан, ёмон хулқу атвордан покловчи, кишини юксак инсоний фазилатларга ошно этувчи ўзига хос образ сифатида тасвирлаб, шаҳзоданинг пок тийнатига, ҳар қандай тийраликлардан холи бўлган етук хулқу одобига ишора қилади.

Маълумки, мумтоз адабиётда Жамшид энг узоқ муддат ҳукмронлик қилган афсонавий шоҳ сифатида ҳам тасвирланади. "Тарихи мулуки Ажам" асарида Навоий унинг "салтанатқа ўлтур"иб, "жаҳон мулкин адл ва дод била туз"ганлигини, "ҳусну жамолда дилпазир, фазлу камолда беназир" бўлганлигини ёзади (8, 610). Жамшид ҳукмронлиги даврида жуда кўп ихтиролар қилиниб, халқ бахту саодатда, тўкин-сочинликда, фаровон ҳаёт кечирган. Шу сабабли, шоир Ажам, яъни Эрон шоҳлари ҳақида фикр юритаркан, соқийга мурожаат қилиб, ундан "жоми Жамшидсоз" – Жамшид жомидек қадаҳ келтиришини сўрайди:

Кетур соқий, ул жоми Жамшидсоз,
Ки, қилғай жаҳондин мени бениёз. (8, 71)

Шоир достоннинг XXXVI бобида ҳам Жамшид жоми ҳақида ҳикоя қилган. Унда тасвирланишича, Жамшид узоқ йиллар давомида жаҳоннинг олиму фузалоларини тўплаб, иккита жом ясаттирган:

Бирисин деди: жоми гетинамой,
Бирисин деди: жоми ишратфизой. (8, 233)

Навоийга кўра, улар орасида жоми гетинамо ўзгача хусусиятга эга бўлган экан. Яъни ундаги май ичган билан ҳеч қачон тугамаскан. Ҳатто жомни тескари қилишса ҳам, ундан бир томчи май ерга тўкилмас эмиш. Агар жоми гетинамодаги май тугаса, бутун оламда май ва шаробдан бир томчи ҳам қолмас экан. Соқийга мурожаатида шоир ўзига ана шундай жом келтиришини сўрайди. Шунингдек, муғаннийга хитоб қилиб, мана шу жомдаги май тугамагунча, куй ва қўшиқни давом эттиришини айтиб, бундай дейди:

Агар нағма бас қилмоқ этсанг ҳавас,
Ҳамул жом гум бўлмайин қилма бас. (8, 234)

Соқийнома мазмунидаги байтлар шоирнинг юксак инсонпарварлик руҳидаги ўй-қарашларини ўзига хос бадиий воситалар орқали таъсирчан ифода этгани билан ҳам эътиборга молик.

Аёқчи, тўла айла чиний аёқ,
Эрур бизга сўзнинг чини иштиёқ. (8, 331)

Мазкур байт асарнинг XXXXVIII бобида келтирилган. Искандар ва Чин хоқони ўртасидаги дўстона суҳбат тасвирланган мазкур бобда одил шоҳ ва адолатли мамлакат ҳақидаги фикр-мулоҳазалар ҳам етакчи мавқега эга. Унда Чин (Хитой) ҳукмдори аҳдига вафо қиладиган, донишманд ва ростгўй шахс сифатида гавдалантирилган. "Чиний аёқ", яъни чиннидан ясалган май қадаҳи бўлса ҳар қандай низолардан холи, тинчлик ва ҳақиқий дўстликка эришдиган поэтик тимсолдир. Иккинчи мисрада ҳам чин сўзи ростлик ва тўғри сўз

маъноларида ишлатилган. Кўринадики, байтда фикрнинг жонлилиги, таъсирчанлиги тажнис санъати ёрдамида юзага чиқарилган.

Буюк шоирнинг тенги йўқ ижодий маҳсули, тафаккур қамровининг кенглиги, санъаткорлик маҳорати, энг аввало, ижтимоий-ҳаётий воқеа-ҳодисалар, табиат манзараларидан фавқулодда мукаммал ва таъсирли бадиий лавҳалар яратишида яққол кўринади. Соқийнома моҳиятидаги байтлар ана шу хусусияти билан ҳам достонда алоҳида ўринга эга. Жумладан, асарнинг XVIII бобида Ҳиндистондаги Эрам боғининг ҳайратини келтирадиган, жонбахш еллари кўнгилга хуш ёқувчи, ранг-баранг гуллару турли-туман ўсимлик дунёсига бой бўлган Нигор боғини мадҳ этаркан, шоир соқийга мурожаат қилиб, зарҳал билан безалган қадаҳ келтиришини сўрайди:

Кетур, соқий, ул соғари зарнигор
Ки, май лаълидин бўлди гавҳарнигор.
Чу дашти Нигор ичра қилдим мақом,
Керактур манга зарнигор эмди жом. (8, 314)

Зарнигор соғар кўтаринки кайфият, қувонч, шодлик мазмунларини ифодалаб, гўзал висол дамларини ёдга солувчи шеърий образдир. У шоирнинг фикр-қарашларини умумлаштириб, бобнинг мазмунига ҳам ишора қилади. Лирик қаҳрамоннинг мақсади, соқийга мурожаатининг сабаби ҳамда соқийнома характеридаги байтларнинг моҳияти "зарнигор жом" бирикмаси воситасида акс эттирилган. Лирик парчада бир қатор бадиий санъатларнинг уйғунлашганини кўрамиз. Чунончи, дастлабки байтда хитобат санъати фикрнинг таъсир қувватини ошириб, *"соқий"* ва *"соғар"* сўзларидаги тавзиъ санъатининг юзага чиқишини таъминлаган бўлса, *"зарнигор", "гавҳарнигор"* истиоралари иштиқоқ билан биргаликда ифодаланган. *"Нигор"* сўзининг ёр, маҳбуба маъноларига диққат қилинса, шоир ўз ҳис-туйғуларини ийҳом бадиий воситаси орқали поэтик бўёқларда тасвирлагани англашилади.

Соқийнома мазмунидаги байтларда шоирнинг ҳаётий хулосалари, ижтимоий-фалсафий қарашлари ҳасби ҳол мазмунидаги фикр-кечинмалари билан уйғунлашиб кетган. Дарҳақиқат, улар шоир шахсияти ва руҳиятининг нозик қирраларини илғашда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Масалан, XV бобда Искандарнинг туғилиш воқеаси, шаҳзоданинг устози Арастудан илму ҳунар ва мамлакат бошқарувини ўрганиши, шунингдек, шоҳ Файлақуснинг вафот этиши ҳикоя қилинган. Шу сабабли, соқийга мурожаат келтирилган байтда чуқур руҳий изтироблар, ғам-андуҳ ва мотам кайфияти ифодаланган. Унда шоир ўзининг ички кечинмалари, ғам-қайғуларини ҳам баён қилади:

Аёқчи, бер ул жавҳари ғамзудой,
Дема ғамзудо, жоми мотамзудой
Ки, андин симурсам ғамим қолмасун,
Ато сўгидин мотамим қолмасун. (8, 87)

Жавҳари ғамзудой – ғам-қайғуни кетказувчи, кўнгилдаги аламу изтиробларни аритувчи жавҳар, май. Маърифий атама сифатида жавҳар "илоҳий (раҳмоний) нафас"[1]ни ҳам англатади. Бу ўринда у руҳий сархушлик тимсоли, маънавий ҳузур-ҳаловат манбайи ҳамдир. Жоми мотамзудой – мотамдан халос қилувчи қадаҳ. Мазкур байтда у ҳам ҳар қандай ўйлардан холи бўлган ориф инсоннинг тоза, тиниқ қалбини билдириб келади.

[1] Доктор Ҳасан Анварий. Фарҳанги бузруки сухан. Иборат аз 7 жилд. Жилди 6. – Теҳрон, 1381 ҳ/ш. – С. 3126.

Хуллас, “Хамса”да, айниқса, “Садди Искандарий” достонида соқийнома мазмунидаги байтлар салмоқли ўрин эгаллайди. Улар шоирнинг ҳақиқат ва адолат, вафо ва садоқат, ростгўйлик ва олижаноблик каби қатор инсоний фазилатларни улуғлаб айтган фикрлари, ғоялари, орзу-интилишларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади. “Хамса”даги соқийнома моҳиятидаги байтларда ўқувчи Навоийнинг шахсиятига ўзгача бир яқинликни ҳис этади. Навоий санъаткорлик маҳоратининг ўзига хос жиҳатларини юзага чиқарган мазкур байтлар ўзбек адабиётида соқийнома жанрининг такомиллашувида алоҳида ўрин тутгани билан ҳам эътиборлидир.

СОҚИЙНОМАНИНГ ЁЗИЛИШ ТАРИХИ ВА МАВЗУ КЎЛАМИ

Навоий соқийномаси мазкур жанрнинг ўзбек адабиётидаги дастлабки ва энг гўзал намунасидир. 32 банд, салкам 500 мисрага яқин бўлган мазкур асар “Фавойид ул-кибар” девонига киритилган. Профессор А.Ҳайитметов “Навоий лирикаси” монографиясида шоир соқийномасини унинг ҳаёти, фикр-хаёли, ҳис-туйғулари билан чамбарчас боғланган ва уларни анъанавий образлар билан эмас, тўғридан-тўғри акс эттирган шеър, деб баҳолаган. Шу билан бирга, олим Навоийнинг инсоний қиёфаси, шоирона қалби, одамийлик фазилатлари бу лирик жанр ойнасида тўла ва чуқур акс этганлигини, қолаверса, соқийномада шакл ва мазмуннинг фавқулодда ўзаро уйғунлигини ҳам алоҳида қайд этган[1]. Филология фанлари доктори И.Ҳаққулнинг ёзишича, “бадиий ижодда сон эмас, сифат, мисра ва қофия тизими эмас, балки моҳият ва маҳорат аҳамиятга эгалигини Навоийнинг соқийномаси тўла тасдиқлайди”[2]. Ушбу соқийнома Навоийнинг моддий борлиқ ҳақидаги мураккаб фалсафий қарашларини, ҳаётий хулосаларини акс эттирган ўзига хос ижод намунаси бўлиши билан бирга, ёркин автобиографик мазмунга ҳам эга. Унда мутафаккир шоир ўз яқинлари, қаламкаш дўстлари, устозлари, қолаверса, ўзи яшаган даврнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий турмуши, замон ва замондошлари ҳақидаги фикр-қарашлари, фалсафий мушоҳадаларини ҳам баён қилади. Шу орқали шоирнинг руҳий олами, дунёқараши, ўзига хос фазилатлари, замондошлари билан ўзаро муносабатлари каби масалалар ҳам асарда ёркин ифода этилган. Таниқли адабиётшунос Р.Орзибековга кўра, Алишер Навоий соқийномаси ўз моҳиятининг муҳим икки жиҳати билан салафлари яратган соқийномалардан фарқ қилади. Навоийда қўйилган масалалар доираси анча кенг ва муҳим бўлиб, умумийликдан конкретликка интилиш кучлидир[3]. Дарҳақиқат, олимнинг бу фикрларини мазкур бобдаги таҳлилларимиз ҳам тасдиқлайди.

Соқийноманинг шакли ва ҳажми унинг мазмун талабидан келиб чиққан бўлиб, бир неча бандлардан ташкил топган. Ҳар бир банд алоҳида мавзуга бағишланган. Аммо улар умум-моҳият нуқтайи назаридан ўзаро боғланиб, соқийнома жанрини ҳосил қилган. Буни асар бандларининг тартиботида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, соқийноманинг дастлабки банди Ҳусайн Бойқарога, II – XX бандлар шаҳзодалар ва шоҳнинг қариндошларига (Бадиъуззамон Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Музаффар Мирзо, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо, Абулмуҳсин Мирзо, Муҳаммад Муҳсин (Кепак) Мирзо, Муҳаммад Маъсум Мирзо, Иброҳим Ҳусайн Мирзо, Фаррух Ҳусайн Мирзо, Ибн Ҳусайн Мирзо, Муҳаммад Қосим Мирзо, Абуттуроб Мирзо, Муҳаммад Ҳусайн Мирзо, Фаридун Ҳусайн Мирзо, Султон Вайс Мирзо, Искандар Мирзо, Султон Аҳмад Мирзо, Баҳодир Султон, Мўмин Мирзо), XXI – XXVII бандлар Навоийнинг яқинлари, марҳум ижодкор дўстлари ва устозлари (Аҳмад Ҳожибек, Мирзобек, Мир Дарвеш, Мазидбек, Қанбар Али, Амир Шайхим Суҳайлий, Туфайлий, Баёний, Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад)га, XXVIII банд ишқ ва ошиқ изтиробларига, XXIX боб вафо ва давр аҳлига, XXX банд ҳам айрим марҳум ижодкорлар (Муаммоий, Хожа Камол, Мир Садр, Бадиий, Ёр Танбал, Сабзаворий)га, XXXI банд эса шоир ҳаётлиги пайтида яшаб ижод қилаётган қаламкашлар (Мир Атоий, Султонали Машҳадий, Осафий, Биноий, Зиёратгоҳий, Котибий, Мир Фаноий каби) таърифига бағишланган. Сўнгги XXXII банд асарнинг хулосаси

[1] Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 41 – 42.
[2] Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 19.
[3] Орзибеков Р. Соқийномаларнинг жанр-услуб хусусиятларига доир / Адабиёт ва ҳаёт (илмий асарлар тўплами). – № 6. – Самарқанд, 1980. – Б. 50 – 62.

бўлиб, “шоҳлар шоҳи”, “риндлар шоҳи Абулғози” дея таърифланган Ҳусайн Бойқаро мадҳи билан якунланган.

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов соқийномага бағишланган мақолаларида мазкур асарнинг Навоий шеъриятидаги ўзига хос мавқейи, унинг тарихий-бадиий аҳамияти, Шарқ адабиётида яратилган соқийномалар ва шоир соқийномасининг муштарак ҳамда фарқли томонлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритган[1]. Олим соқийномада Жомий марҳум, Мўмин Мирзо эса, ҳаёт киши сифатида тилга олиниши, шунингдек, “Мажолис ун-нафоис”нинг зикр этилишидан келиб чиқиб, у 1492 йилдан кейин ва 1497 йилдан олдин ёзилган деган фикрга келган[2]. Бундай хулоса чиқариш учун ҳам асос бор, албатта.

Тарихий маълумотларга кўра, 1485 йилда Султон Ҳусайн Бойқаронинг синглиси Бадакабегим (Бадиуж-жамолбегим)га уйланган Дашти қипчоқ ҳукмдори, яъни Олтин Ўрда хони Аҳмадхон Ҳожи тархоний (Кичик Муҳаммад)нинг кенжа ўғли Баҳодир Султон онаси ва синглиси Хонзода бегим билан Ҳиротга меҳмон бўлиб келади. Ҳусайн Бойқаро уларнинг шарафига “чингизийлар усулида” катта бир анжуман, яъни қурултой ташкил қилади. Шоҳона зиёфат берилиб, қимиз ва май тортилади. Қадимий куй-қўшиқлар янграйди. Алишер Навоий соқийномаси мана шу базми жамшид муносабати билан ёзилган[3]. Шундай бўлса-да, соқийномада қурултойни таърифлаш бир восита бўлиб, даврнинг турли-туман ижтимоий, сиёсий, маданий, ахлоқий масалалари ҳақида ҳам мушоҳада юритилган. Асарда тасвирланган тарихий воқеаларнинг турли саналарга дахлдорлигига қараб, унинг маълум бир қисми 1485 йилда ёзилган бўлса-да, асарни шоир умрининг охирги йилларида ёзиб тугатган, деб хулоса чиқариш ҳам мумкин.

Соқийнома бетакрор бадийяти, ўзига хос тузилиши ва поэтик санъатларга бойлиги билан ҳам эътиборга молик. Гарчи асар бир неча бандлардан иборат бўлса-да, улардаги байтлар миқдори бир-бирига мувофиқ келмайди. Соқийноманинг I банди – 41 байт, II банди – 13 байт, III банд – 9 байт, IV банд – 8 байт, V банд – 6 байт, VI банд – 6 байт, VII банд – 5 байт, VIII банд – 6 байт, IX банд – 6 байт, X банд – 5 байт, XI банд – 5 байт, XII банд – 5 байт, XIII банд – 9 байт, XIV банд – 5 байт, XV банд – 6 байт, XVI банд – 5 байт, XVII банд – 24 байт, XVIII банд – 21 байт, XIX банд – 14 байт, XX банд – 12 байт, XXI банд – 30 байт, XXII банд – 23 байт, XXIII банд – 13 байт, XXIV банд – 16 байт, XXV банд – 27 байт, XXVI банд – 19 байт, XXVII банд – 19 байт, XXVIII банд – 33 байт, XXIX банд – 24 байт, XXX банд – 10 байт, XXXI банд – 19 байт ва XXXII бандлар – 15 байтдир. Бандлардаги байтлар миқдорининг турлича эканида ҳам ўзига хос маъно бор, албатта. Кўринадики, соқийноманинг энг йирик банди дастлабки бандидир. У Султон Ҳусайн Бойқаро мадҳига бағишланган. Иккинчи банд шоҳнинг тўнғич фарзанди, валиаҳд Бадиъуззамон Мирзо, кейинги банд унинг иккинчи ўғли Шоҳ Ғариб Мирзо, тўртинчи банд ундан ёш жиҳатдан кичик шаҳзода Музаффар Ҳусайн Мирзо, бешинчи банд эса, ундан-да ёшроқ Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ҳақида. Қизиғи шундаки, бандлардаги байтлар миқдоридан ҳам уларнинг ижтимоий мавқейи ва ёшлари ўртасида фарқ борлигини билиш мумкин. Шу тариқа, қўйилаётган масаланинг муҳимлиги, таърифланаётган қаҳрамонларнинг шоирга қай даражада яқинлигига кўра, кейинги бандларда ҳам байтлар миқдори бир-биридан фарқланган.

---

[1] Қаранг: Исҳоқов Ё. Низомий ва соқийнома жанри / Ганжалик даҳо. – Тошкент: ТДПУ, 2002. – Б. 15 – 18.

[2] Исҳоқов Ё. Алишер Навоий ва соқийнома жанри // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975. – № 1. – Б. 16 – 23; Шу муаллиф. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 88; Шу муаллиф. Соқийнома // Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 170 – 178.

[3] Қаранг. Canım R. Türk edebiyatında sakinameler ve işratname. – Ankara: Akçağ yayınları, 1998. – S. 52; Kortantamer T. Sakinamelerin ortaya çikişi ve gelişimina genel bir bakiş // Türk dılı ve edebiyatı incelemeleri dergısı. – İzmir: Ege üniversitesi edebıyat fakültesi yayınları, 1983. – S. 81 – 90; Ҳаққул И. Навоийга қайтиш. 2-китоб. – Тошкент: Фан, 2011. – Б. 19.

Мумтоз сўз санъаткорлари шеърни шоир “таъби”нинг ифодачиси, унинг истеъдодини намоён этувчи кўзгу деб билганлар. Қофия эса унинг асли, асоси саналган. Навоий соқийномасида ҳам қофиялар[1] мисралар кетма-кетлигини таъминлаб, бир-бирини тўлдириб келади. Шеър мазмунини янада теранроқ англатишга, шоир ички кечинмаларини юзага чиқаришга хизмат қилади. Шунингдек, қофияларнинг “ҳар бири ўзи мансуб бўлган контекстдаги маъно ўзгаришларининг бевосита ифодаси ҳисобланади. Мазмундаги ўзгариш эса мисрадаги тасвирнинг оқими ва поэтик урғу” тушган сўзга – қофияга ҳам таъсир этади[2]. Айниқса, равий билан тугалланган қофия мисрадаги таъкид маъносини кучайтириб, мантиқий урғуни муайян нуқтага йиғади ва фикрнинг таъсирчанлиги, оҳангнинг жарангдорлигини кучайтиради. Эътиборлиси, соқийноманинг 304 байтида қофияни ҳосил қилган оҳангдош сўзлар қайдли қофия бўлиб, равий билан тугалланган (*суубат – уқубат, қарор – фирор, висол – муҳол, хайл – майл, насиб – ғариб* каби). Шайх Аҳмад Тарозий шеър қофиясини уч турга ажратиб ўрганар экан, равий билан тугалланган қофияни “аслий қофия” дея таърифлаган: “аслий улким, ҳар лафзеким, қофияда воқеъ бўлур, агар асл вазъи бирла келса ва ҳеч раҳгузардин анга тағйир ва табдил йўл топмағон бўлса, ул қофияни асл дерлар...нетокким, қофия шеърнинг аслидур. Қофиянинг асли равийдур”[3]. Шу сабабдан бўлса керак, соқийномада асосан равий билан тугалланган қофиядош сўзларга рағбат билдирилган. Буни қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Банд	Байтлар миқдори	Муқаййад қофияли байтлар сони	Мутлақ қофияли байтлар сони
I	41 байт	29 байт	12 байт
II	13 байт	5 байт	8 байт
III	9 байт	7 байт	2 байт
IV	8 байт	6 байт	2 байт
V	6 байт	5 байт	1 байт
VI	6 байт	5 байт	1 байт
VII	5 байт	4 байт	1 байт
VIII	6 байт	3 байт	3 байт
IX	6 байт	3 байт	3 байт
X	5 байт	5 байт	–
XI	5 байт	3 байт	2 байт
XII	5 байт	3 байт	2 байт
XIII	9 байт	5 байт	4 байт
XIV	5 байт	5 байт	–
XV	6 байт	3 байт	3 байт
XVI	5 байт	3 байт	2 байт
XVII	22 байт	15 байт	7 байт
XVIII	20 байт	11 байт	9 байт
XIX	14 байт	11 байт	3 байт
XX	12 байт	9 байт	3 байт
XXI	30 байт	20 байт	10 байт
XXII	23 байт	14 байт	9 байт
XXIII	13 байт	8 байт	5 байт

[1] Навоий шеъриятидаги қофия масаласида қаранг: Акбарова М. Алишер Навоий ғазалларида қофия: Филол. фан.номз. ...дисс.автореф. – Тошкент, 1997. – 20 б.
[2] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 283.
[3] Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунун ул-балоға. – Тошкент: Хазина, 1996. – Б. 66.

XXIV	14 байт	10 байт	4 байт
XXV	27 байт	19 байт	8 байт
XXVI	18 байт	12 байт	6 байт
XXVII	19 байт	16 байт	3 байт
XXVIII	33 байт	18 байт	15 байт
XXIX	24 байт	12 байт	12 байт
XXX	10 байт	6 байт	4 байт
XXXI	19 байт	15 байт	4 байт
XXXII	15 байт	9 байт	6 байт
ЖАМИ:	458 байт	304 байт	154 байт

Соқийномaнинг ҳар бир банди соқийга мурожаат билан бошланган. Уларда фақатгина *“соқиё”* калимаси келтирилган:

Соқиё, кўнглум этар бода ҳавас,
Лутф қилғилки, эрурман бекас. (4, 714)

Низомий соқийномасида бу “соқий”, Ҳофиз Шерозийда “кетур, соқий” (“бидеҳ, соқий”), форс-тожик тилида яратилган аксарият соқийномаларда “кел, эй соқий” (“биё, соқий”) шаклида берилган. Эътиборлиси, юқоридаги соқийномаларда соқийга қарата буйруқ, ундаш мазмунлари устунлик қилса, Навоий соқийномасида илтимос, илтижо каби маънолар ифодаланган.

Навоий соқийномаси улардан тузилиши, мавзунинг қўйилиши ва ифода усулига кўра ҳам фарқланади. Низомий соқийномасининг дастлабки бандида шоирнинг ички кечинмалари, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги фалсафий қарашлари акс этган бўлса, Ҳофиз бу дунёнинг “фитнакор”лигидан шикоят қилади. Навоий асарни шоҳ Ҳусайн Бойқарога бағишланган банд билан бошлаган. Низомий соқийномасининг II – V бандлари шоирнинг бобоси Юсуф, Закий Муҳаммад, онасининг хотираси, тоғаси Хожа Умар ва бу оламдан ўтган ёр-биродарлари, яқинларига бағишланган. Қолган бандларда турли ҳаётий-фалсафий масалалар ёритилган. Ҳофиз эса ўз асарини шоҳ Мансурга бағишлаган. Кўринадики, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Низомий асарига ўхшаш. Аммо Навоийда ҳар бир бандда маълум бир тарихий шахс мадҳига кенг ўрин берилишидан ташқари, замон ва инсон тақдири билан боғлиқ реал ҳаётий масалалар ҳам ёритилган. Уларда қаҳрамоннинг феъл-атвори ва фазилатлари, ҳатто айрим камчиликларига ҳам ишора қилинадики, бу билан тарихий шахс ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин (Чунончи, *“Яна бир келди Биноийки фунун, Касбида айламади манъи жунун”* ёки *“Мир Садр ўзни тутуб аҳли вифоқ, Лек кўп эди Бадиийда нифоқ”*). Шоҳ мадҳининг келтирилиши, даврнинг муваққат ва ўткинчилигидан огоҳ этиш мақсадида турли тарихий қаҳрамонлар номи ва ҳаётининг мисол тариқасида кўрсатилишига кўра Ҳофиз ва Навоий соқийномаларида яқинлик кузатилади. Бироқ Ҳофизда Кайхусрав, Жамшид, Кайқубод, Ковус, Нуҳ, Қорун, Афросиёб, лашкарбоши Пирон, Турон қиличбози Шеда, Фаридун, Парвиз, Борбад каби афсонавий шахслар талмеҳ бўлиб келса, Навоий асарида булардан ташқари Чингизхон, Ўқдой, Темур, Улуғбек каби тарихий шахслар номлари ҳам келтирилган. Ё.Исҳоқовнинг ёзишича, Навоий соқийномаси бу жиҳатдан Жомийнинг “Лайли ва Мажнун”даги соқийга мурожаат билан бошланган маснавийсига яқин туради. Сабаби, унда ҳам Чингиз ва Темурларнинг номи кўрсатилган. Аммо бу бадиий усул Жомий маснавийсининг фақат бир ўрнида келтирилса, Навоий турли ижтимоий-ҳаётий масалаларга муносабат билдириш учун соқийноманинг

бир неча ўринларида талмеҳга мурожаат қилади. Масалан, дастлабки бандда Фирдавсий “Шоҳнома”си қаҳрамонларининг номлари келтирилса, Баҳодир Султонга бағишланган бандда Ёфасга ишора қилинган. Бошқа бир ўринда Мироншоҳ, Бойқаро ибн Мансур, Қанбар Али, Мазидбек, Султон Санжар, Нур Саидбек каби оламдан ўтган амалдор кишиларнинг номлари, Хусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Салмон Соважий, Анварий, Хоқоний, Исфаҳоний сингари форс-тожик адабиётининг етук намояндалари тахаллуслари талмеҳ бўлиб келган. Шунга кўра, Навоий соқийномасини фақат шоирона илҳом, поэтик тўқима маҳсулигина эмас, тарихий воқелик, реал ҳаёт манзаралари бадиий талқин этилган ўзига хос ижод намунаси деб баҳолаш мумкин. Дарҳақиқат, Навоий соқийномада ўз замондошлари образини яратиб, улар хотирасини абадийлаштирди, шунингдек ўз манзумасига тазкиравийлик, маноқибийлик хусусиятларини сингдирди.

Адабиётшуносликда Алишер Навоийнинг

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илкимда синган сафол...[1] –

байти келтирилган таржеъбандини соқийнома деган қарашлар ҳам учрайди.

Шоирнинг ёшлик даври лирикасига мансуб 10 банддан иборат ушбу шеърнинг дастлабки икки банди соқийга мурожаат билан бошланади *(“Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт, Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст”), (“Кетур, соқиё, муждае жомдин Ки, пажмурда бўлмишмен анжомдин”)*. Шеърда соқий, май, жом, майпараст, пири муғон, зарф, сабу, харобот, синиқ сафол, дайр пири, журъа, жоми гетинамо, бода, муғбача, фано, хумхона, майфуруш, мастона, майкада, хаммор, дурдкаш, суроҳий, майхор, чоғир, қадаҳ каби рамзу тимсоллар тавсифланган. Шунга кўра, етук адабиётшунос Н.Маллаев мазкур байтни келтириб, “таржеъбанд-соқийнома”[2] деб атайди. Туркий адабиётда яратилган соқийномаларни тўплаб, нашр эттирган олим М.Арслан ҳам туркий халқлар адабиётида дастлабки таржеъбанд-соқийнома муаллифи деб Алишер Навоийни кўрсатган[3].

Академик А.Қаюмовга кўра, Навоийнинг мазкур таржеъбанди[4] ҳамда “Соқийнома”си май ва унга алоқадор образларнинг бадиий тасвирланиши, ринд ва унинг руҳий-маънавий дунёсини акс эттириши жиҳатидан бир-бирига ниҳоятда яқин. Аммо “таржеъбанддан ўрин олган” май ва “фано дайри” – “муҳаббат майи ва ўша май кайфига берилган мастона риндлар бамзидир. Соқийномадаги май эса бу табиий май, узум сувидан ясалган ичимлик. Соқий шоирга ана шундай узум шаробини узатади. Ундан кайф олиб “Жоми шукрона ичиб маст” бўлади... Ҳар ҳолда “Соқийнома”даги май билан риндлар базмидаги майни чалкаштириб юбормаслик керак. Бири ҳушёрликка олиб келади (риндона май), бири мастона хушвақтликка (узум суви)”[5]. Дарҳақиқат, соқийномада тавсифланган май ўзининг моддий, яъни маст қилувчи ичкилик маъносида ҳам қўлланган, албатта. Тарихдан маълумки, соқийномаларнинг яратилиши учун ҳаётий замин ҳозирлаган май базмлари Навоий замонасида, шунингдек Ҳусайн Бойқаро саройида ҳам ўтказилиб турган. Ўтмишда темурийлар саройидаги шоҳона майхўрлик кечаларининг ўзига хос тартиб-қоидаларга эга бўлганлигини уларнинг бевосита гувоҳи бўлган испан сайёҳи де Клавихо

1 Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент, 1967. – Б. 210.
2 Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 395.
3 Arslan M. Saki-nameler. – Istanbul: Kitabevi, 2012. – S. 233.
4 Изоҳ: Олим уни “Севгинома I” деб атаган. Қаранг: Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 22 – 28.
5 Кўрсатилган китоб. – Б. 60.

ҳам “Кундалик”ларида ёзиб қолдирган. Унинг маълумот беришича, базмда “шароб узатган киши тиз чўкиб, икки қўли билан косани олиши керак... Май ичган киши ўнг тиззасини кўтариб, ерга уч бор чўккалаши лозим. Косадаги шаробни ҳамма тўла сипқариб ичиши шарт”. Шу тариқа, “сипқариб ичмаган кишининг қўлидан косаси қайтиб олинмайди ва бир томчи қолдирмай ичишга мажбур этадилар”[1]. Шунингдек, “Кундалик”да мазкур йиғинларда майнинг қадаҳларга фақат тўлатиб қуйилгани, соқийларнинг ўзига хос одоби ҳақида ҳам айрим қайдлар учрайди. Айтиш мумкинки, Навоий яшаган даврларда ҳам бу каби майхўрлик одатлари мавжуд бўлган. Биз уларнинг айримлари ҳақида ишнинг I бобида тўхталган эдик. Шоир лирикасидаги *“Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин борай, шарт буким, ҳам қанча тутсанг лаболаб сипқорай”* байти эса бу мулоҳазаларнинг яна бир исботидир. Ўз навбатида, соқийномадаги “*Соқиё, жоми лаболаб тутқил, Адаб асрау муаддаб тутқил”* мисралари ҳам юқоридаги фикр-қарашлар билан уйғунлик касб этади. Шу билан бирга, бундай май мажлисларида мусиқа асбоблари чалиниб, куй ва қўшиқлар янграган. Таниқли олим Б.Акрамга кўра, “мусиқий истилоҳлар бевосита шоҳ саройидаги базм манзарасини акс эттиради”[2]. Олим ўз фикрларининг исботи учун Навоийнинг қуйидаги байтини кўрсатган:

Хуш улки, базмда ойлар тепарда арғуштак,
Шоҳ анда танбура чолиб, Навоий деса қўшиқ.

Дарҳақиқат, Навоий соқийномасидаги *“Нашъаи бахш уйлаки оҳанги “Ироқ”, “Мутрибо, сен доғи оҳанге туз”, “Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз”* мисралари ҳам бу қарашларни қувватлайди. Шуниси ҳам борки, Навоий шеъриятидаги поэтик образлар, айниқса май ва унга алоқадор тимсол-тушунчалар ҳам ҳаётий, ҳам мажозий мазмунларни ифодалаб, шоирнинг ички кечинмаларини юзага чиқариш вазифасини бажарган. Уларнинг ниҳоятда табиий, ҳаққоний тасвирланиши, шунингдек моддий, яъни ҳаётий асосга эга экани Навоий шеъриятининг ўзига хос жиҳатларини далиллаб, ўқувчида бадиий-эстетик завқ уйғотади.

Соқийномада фикр, туйғу ва оҳангнинг ўзаро уйғунлиги, энг аввало, поэтик образларнинг гўзал ифодасида кўринади. Юқорида Навоий шеъриятидаги *“жом”, “қадаҳ”, “бода”, “шароб”* ва *“май”* каби тимсолларнинг бир неча сифатларини кузатган эдик. Соқийномада ҳам улар ўзига хос сифатлашларга эга: *“қадаҳи шоҳона”, “жоми майи ноб”, “бодаи мастона”, “соф май”, “қадаҳи моломол”, “бодаи ёқути”, “жоми лаболаб”, “бодаи гулфом”, “қадаҳи шавқангез”, “жоми ҳилоли”, “майи фархундаасар”, “майи гулранг”, “олтун соғар”, “жоми дилоро”, “гулбўй қадаҳ”, “жоми ғарибона”, “жоми рангин”, “жоми заркор”, “қадаҳи минойи”, “жоми жаҳонбин”, “қадаҳи ақлзудо”, “қадаҳи султоний”, “ложувардий қадаҳ”, “жоми Каёний”, “жоми Жамшид”, “жоми висол”, “қадаҳи руҳосо”, “қадаҳи ойинаранг”, “жоми дарёваш”, “жоми фано”, “паҳлавийойин май”, “бодаи ишқ”, “бодаи ҳавас”, “дўстлуғ қадаҳи”, “тўла паймона”, “отланур аёғ”* каби. Албатта, “поэтик образнинг таркибини аниқлаштиришда сифатловчи-эпитет муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур поэтологик тасвир воситалари, тимсолнинг сажияси, бадиийлик даражаси ва диалектик алоқалари табиатига аниқлик киритади”. Шунингдек, “ижодкор дунёқараши, иқтидори ҳамда эстетик салоҳиятини белгилаб берадиган ўлчов-мезон ҳисобланади”[3]. Шоир руҳий тўлғонишларининг рангин

[1] Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403 – 1406 йиллар). – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 90.
[2] Акрам Б. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 180.
[3] Қурбонбоев И.А. 90-йиллар ўзбек шеъриятида образлилик: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф. – Тошкент, 2005. – Б. 17.

тасвири, кўнгил изтиробларининг ёрқин ифодаси, лирик қаҳрамон маънавий дунёсининг турфа манзараларини акс эттиришда уларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Навоий асарларида, жумладан, соқийномада ҳам тасвирий уйғунликнинг муайян кўринишлари жуда кўп ва хилма-хилдир. Шоир уйғунлаштиришда нарса ва ҳодисаларнинг фақат ранг сингари ташқи белгилари билан чекланмайди. Уларнинг ҳамма жиҳатларини – вазифаси, муҳити ва вақтини эътиборда тутган ҳолда ҳар бир хусусиятдан ўз ўрнида самарали фойдаланади[1]. Соқийнома бандларидаги илк байтларда кўпинча соқий, жом, май каби мазмунан бир-бирига яқин бўлган тушунчаларни келтириш орқали таносуб санъатининг гўзал намуналари яратилган. Чунончи,

Соқиё, жоми жаҳонбин олгин,
Ичига бодаи рангин солгин. (4, 692)

Байтда соқий, жом, бода тимсоллари ўзаро мутаносибликни ҳосил қилган. "Таносуб санъатининг ўзига хос томонларидан бири шундаки, – деб ёзади олим Ё.Исҳоқов, – у кўпинча бошқа шеърий санъатлар билан қўшилган ҳолда келади". Яъни "бир қатор санъатларнинг тўғри татбиқ этилиши бевосита таносубнинг талаблари билан боғланган"[2]. "Жоми жаҳонбин", яъни жаҳонни кўрсатувчи жом рамзи воситасида қадимги Эрон ҳукмдори Жамшиднинг афсонавий жомига ҳам ишора қилинган. Бу эса, талмеҳ санъатидир. "Жом"ни "жаҳонбин", "бода"ни "рангин" сифатлари билан биргаликда ифодалаш эса, сифатлаш саналади. "Жаҳонбин" – "рангин", "олгин" – "солгин" сўзларининг қофиядош бўлиб келиши зулқофиятайн санъатини ҳосил қилади. Кўринадики, соқийга хитоб қилинган байтларда бир неча бадиий-тасвирий воситалар ва санъатлар ўзаро уйғунлашган.

Соқийноманинг ҳар бир бандини шоир унда таърифланаётган шахс ёки ҳодисага эътиборни тортувчи ўзига хос тамсиллар билан бошлаган. Жумладан, Суҳайлийга бағишланган банд *"Соқиё, жомға қуй майдин сел, Май хуршиду анинг жоми суҳайл"*, Жомий ҳақидаги банд *"Соқиё, жом кетур дарёваш Ки замоне бўлайин дарёкаш"*, Саййид Ҳасан Ардашерга тавсифига бағишланган банд *"Соқиё, тут қуюбон жоми фано, То кўрайким, недур анжоми фано"*, Паҳлавон Муҳаммадга бағишланган банд *"Соқиё, паҳлавийойин май тут, Паҳлавий лаҳн ила кўнглунгни овут"*, ишқ таърифланган банд *"Соқиё, кел менга тут бодаи ишқ Ким эрур хилқатим афтодаи ишқ"*, шоирнинг ижодкор дўстларига бағишланган банд *"Соқиё, дўстлуғни кўргузгил, Дўст кони қадаҳи еткузгил"*, ҳаёт бўлган қалам аҳли таърифланган қисм *"Соқиё, айла тўла паймона, Манга тутқил қадаҳи шукрона"*, соқийноманинг сўнгги банди эса *"Соқиё, базм ишидин бўлди фароғ, Тутқил эмди манга отланур аёғ"* деб бошланган. Бундай хусусият соқийноманинг барча бандлари учун характерлидир.

Бундан ташқари, соқийноманинг айрим ўринларида Навоий қаҳрамонларнинг номларини айнан тилга олмай, уларнинг фазилатларига ишора қилиб ўтади. Ё.Исҳоқов бундай ўринларда тасвир ниҳоятда юксак даражага кўтарилган бўлиб, муаммо кўринишига етиб қолганини алоҳида таъкидлайди ва асарнинг Бадиъуззамонга бағишланган II бандидан қуйидаги байтни мисол тариқасида келтиради:

Шоҳи Жамқадр замон ичра бадиъ,
Ҳар бадиъ ишда макон ичра рафиъ. (4, 684)

---

[1] Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б.172.
[2] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 210.

Бундай мисоллар соқийномада кўплаб учрайди. Жумладан,

Бир шафиъидуру ул пок сифот
Ким, муаммода чиқармишдур от. (4, 718)

“Шафиъ” сўзининг “ҳимоячи”, “воситачи”[1] маъноларига диққат қилинса, “Мажолис ун-нафоис”дан бу таърифланаётган ижодкорнинг Мир Ҳусайн Муаммоий экани ойдинлашади: “Мир Ҳусайн Муаммоий – Нишопурдиндур. Шаҳрда (Ҳиротда – М.А.) таҳсил қилди. Онча ҳамида ахлоқ ва писандида атвори борким, шарҳидин қалам тили ва қаламзан илги ожиздур ва валоят осори ҳолидин ва фано намудори зотидин ҳувайдодур. Мир хизматларида бир тифл таълимин илтимос қилиб эрмишлар ва шогирди андинким, туфулият муқтазосидур, ўқумоққа коҳиллиққилмиш бўлғай. Мир бир азизға илтимос қилибдурларким, шогирдининг атосиға айтғайким, ўғлиға мулойимат била насиҳат қилсун. Аммо қилмағайким, тифл билғайким, бу Мир қошидин экандурким, ногоҳ кўнгилгинаси Мирдин оғримағай. Мундоқ тарийқи кўпдур”... (9, 381). Шу тариқа, тазкирада Мир Ҳусайн Муаммоийнинг “пок сифот” эгаси, комил ахлоқ соҳиби экани, шунингдек муаммо илмида ҳам шуҳрат тутгани алоҳида эътироф этилган: “... ва муаммо фанининг латофат ва нозуклигин ул ерга еткурдиким, андин ўтмак мумкин эмас, ва ҳукм қилса бўлурким, бу йўлни банд қилди” (9, 381). Бу ҳақда “Бобурнома” муаллифи ҳам шундай ёзган: “Яна Мир Ҳусайн Муаммоий эди. Ғолибо муаммони онча ҳеч ким айтғон эмас. Ҳамиша авқоти муаммо фикриға масруф экандур”[2].

Р.Орзибековнинг ёзишича, “соқийномаларнинг услуби учун характерли бўлган хусусиятлардан бири шундаки, шоир ўзининг турли масалаларга муносабатини яланғоч хулосалар тарзида эмас, балки хилма-хил тарихий, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни далил сифатида келтириш орқали ифода қилади”[3]. Шу сабабли ҳам соқийномаларда талмеҳ санъати алоҳида мавқе эгаллайди. “Ал-мўъжам”га кўра, талмеҳ санъати “балоғат эгалари назарида гапни чўзишдан кўра мақбулроқдир”[4]. Дастлабки бандда шоир дунёнинг ўткинчилиги, унинг ҳар дақиқасини ғанимат билиш ҳақида фикр юритар экан, ўз хулосаларини Шарқ халқлари адабиётида машҳур бўлган тарихий ва афсонавий қаҳрамонларнинг номларини келтириб, далиллайди. Бундай ифода усули тасодифий эмас, албатта. Навоийгача яратилган бир қатор форсий соқийномаларда шундай хусусият кўзга ташланган. Аёнки, Фирдавсий “Шоҳнома”сида ҳам тасвирланган афсонавий қаҳрамонлар оддий кишилардан кўра кўпроқ умр кечириб, шоҳона тантаналар ва базми жамшидларга гувоҳ бўлишган. Дунёнинг ўткинчи истаклари йўлида, тож-тахт, зеб-зийнат илинжида жангу жадаллар олиб боришган. Аммо:

Ҳам Каюмарс ила Ҳушанг қани?
Иккига тож ила авранг қани!
Қани Жамшиду Афридун охир,
Бирини қўйдиму гардун охир!
Не Каёний бору не Сосоний,
Не Скандар доғи не Ашконий.

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. III том. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 509.
[2] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 163.
[3] Орзибеков Р. Соқийномаларнинг жанр-услуб хусусиятларига доир / Адабиёт ва ҳаёт (илмий асарлар тўплами). – № 6. – Самарқанд, 1980. – Б. 50 – 62.
[4] Қаранг: Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 198.

Қолмади Рустам ила Сом доғи,
Яздижурд ўттию Баҳром доғи. (4, 683)

“Навоий лирикасининг бадиий қиммати, шоир поэтик маҳоратининг ўзига хос хусусияти, ўзига хос қирралари унинг тасвир воситалари доирасида улардан фойдаланиш санъаткорлигида яна ҳам конкрет намоён бўлади”[1]. Соқийномада талмеҳ санъатини қўллашда муайян тартиб, фикрий изчиллик ва қўйилаётган масалаларнинг мазмун-моҳиятига алоҳида аҳамият берилгани диққатга сазовордир. Асарнинг илк бандида 20 га яқин тарихий ва афсонавий шахсларнинг номлари талмеҳ бўлиб келади. Шоир ўз қарашларини дастлаб Каюмарснинг номини келтириб далиллаган. “Тарихи мулуки Ажам”да ёзилишича, “Ажам тарихида форс салотинини тўрт табақа қилибдурлар. Бурунғи табақа пешдодийлардур ва алар ўн бир кишидурларким, аввал салтанат қилибдурлар. Тарих уламоси иттифоқи била бировким аввал салтанат қилди. Каюмарс эрди”. Шунингдек, асарда Каюмарс барча афсонавий қаҳрамонлардан кўп умр кўрган (“ва тарих аҳли иттифоқи била Каюмарс замонидин Заҳҳок замониғача минг йилға яқин бор”), тарихда биринчи марта мамлакатдаги подшоҳлик тартиб-қоидаларини жорий қилган (“ҳар тақдир била подшоҳлик қоидаси бурун йўқ эрди. Бу қоидани ул тузди”) ва шаҳарлар бунёд этган (“дағи аввал кишиким шаҳр бунёд қилди ул эрди”) ҳукмдор сифатида тавсифланган (8, 604). Ҳушанг эса Каюмарснинг набираси бўлиб, салтанатнинг валиаҳди эди (“Дағи Симёк ўғли Ҳушангким набираси эрди, валиаҳд қилиб, вафосиз жаҳонға видоъ этти”). Ҳушанг ҳақида Навоий яна қуйидагича маълумот берган: “Хирадманд ва одил подшоҳ эрди... Ва дод ва адл жиҳатидин ани пешдод дедилар...подшолиғи қирқ йил эрди. Ва тажарруд ва тақво тариқи била ўткарди” (8, 605). Кўринадики, Каюмарс, Ҳушанг номларининг соқийномада муайян кетма-кетлик асосида тартибланиши Навоий яшаган даврларда ҳам машҳур бўлган қадимги афсона, ривоят ва нақллар, тарихий маълумотлар ва уларнинг мазмуни билан бевосита боғланади. Бироқ шоир афсонавий қаҳрамонларнинг номларини келтиришда реал воқелик ифодаси, ҳаётийлик ва аниқлик тамойилларига таянади. Шу сабабли, бадиий тасвир мазмунининг шоир дунёқараши, фикрий ва ҳиссий оламидаги тўқималар билан ўзаро уйғунлиги ўқувчини асарда ёритилаётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳаққонийлигига ишонтира олади. Яъни соқийномада талмеҳ бўлиб келган афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги қарашлар “Тарихи мулуки Ажам”даги маълумотлар билан қиёсланса, масаланинг моҳияти янада ойдинлашади. Соқийномада дунё неъматларию ҳою ҳавасларининг арзимаслиги талмеҳ усули билан бир-бир таъкидланган. Шу маънода, Навоий Ҳусайн Бойқарога мурожаат қилиб, бу оламнинг лаззатларига ортиқча ҳирс қўймасликни, қисқа умрда халқ манфаати ва адолатни кўзлаб яшамоқ лозимлигини уқтиради:

Мулки кишвар элига дод айла,
Адл ила иккисин обод айла. (4, 683)

Демак, адолат – ҳам шоҳ, ҳам мамлакат, ҳам халқ тақдирини белгиловчи бош асос. Шу сабабли, Навоий соқийномасида ҳам анъанавий одил шоҳ образига эътиборни тортган.

Навоий соқийномаси шоир шахсияти, руҳий олами, замон ва замон аҳлига муносабатини билишда ҳам ғоятда муҳим манба саналади.

Маълумки, ишқ тушунчасисиз мумтоз адабиётни, жумладан, Навоий ижодини ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Борлиқнинг асоси ҳам – ишқ, тириклик таянчи ҳам – ишқ, вужудни

[1] Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 105.

турли иллатлардан поклагувчи, қалбни жилолантирувчи, руҳни олий мақомга кўтарувчи ҳам – у. Соқийномада ҳам ишқ ана шу мазмунда талқин қилинган. Чунки бода – ишқу муҳаббат рамзи:

Соқиё, кел менга тут бодаи ишқ
Ким, эрур хилқатим афтодаи ишқ. (4, 711)

Мумтоз адабиётда "ишқ инсонни маърифатга олиб борадиган қудрат, инсонни моддий асосдан покловчи, холи этувчи муқаддас олов, солик вужудини куйдириб, руҳини мусаффо этувчи ўт"[1] тимсоли сифатида ҳам талқин қилинади. Алишер Навоий "Лисон ут-тайр" достонида "Ишқ водийсининг сифати"ни келтириб, шундай ёзади: *"Ишқ барқи хонумонни куйдурур, Хонумон йўққим, жаҳонни куйдурур"* (9, 270). "Маҳбуб ул-қулуб" асарида эса ишқ *"шуълаедур сўзанда, хошоки кўп жону кўнгул бўлғон ва барқедур фурўзанда, кўп жону кўнгул ашиъасида кул қилғон"* (9, 496) деб таърифланади. Соқийномада ҳам ана шундай ишқ васф этилган:

Бодаким, оғзиға ҳар ким олғай,
Пайкари хирманиға ўт солғай.
Токим, ул ўтқа ўзумни тошлай,
Дарди ишқим ўтидин сўз бошлай.(4, 711)

Тасаввуфда жунун – кўнгилни барча ўткинчи ўй-хаёллардан фориғ этиб, фақат маъшуқа ёди билан боғлайдиган, ошиқни руҳий ҳурликка, маънавий ҳузур-ҳаловатга етказувчи илоҳий жазба ҳолини англатади. Жунун мумтоз шеъриятда эрку маърифат, ростгўйлигу адолатни шиор қилган, озод қалбли, исёнкор руҳ эгаси – риднинг кайфиятини ҳам ифода этади. Чунки у ҳам ишқ билан боғланган:

Чун жунун ишқ ила бўлди дамсоз,
Асрай олғайму киши кўнглида роз...
Дедиму, ваҳ, демагай эрдим кош,
Ким демас сўзни ўзум қилдим фош... (4, 712)

Академик А.Қаюмов мазкур мисралар келтирилган бандни "Навоийнинг ўз бахтсиз муҳаббати тўғрисидаги ҳикоя... ("Севгинома II")" деб баҳолаган[2]. Дарҳақиқат, *"Ким нелар қилди мени зорға ишқ"* дея зорланаркан, шоир *"бути шўхе"*, яъни шўх бир гўзалнинг бепарволиги, бевафолиги ҳамда ҳижрон ва айриликдан шикоят қилади. Лирик қаҳрамоннинг бу ҳақдаги фикр-қарашлари ҳаётий, реал мазмунга ҳам эгадек тасаввур уйғотади. Чунки ёр соғинчи, висол умиди, "ҳажр шиддати", "ҳижрон дарди"ни сўзларкан, шоир мана бундай дейди:

Ўтти бу зорлиғимға икки йил,
Ҳар замонин икки йил чоғлиғ бил. (4, 711)

Шу тариқа, соқийноманинг ушбу – XVIII бандида Навоий таржимайи ҳоли, шахсияти, ички кечинмалари поэтик бўёқларда ниҳоятда ёрқин ва ҳаётий тасвирланган:

---

[1] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 43.
[2] Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 29.

Дарду ранжим ҳадду ғоятдин кўп,
Маразим бўлди ниҳоятдин кўп...
То ишим ўлмак ила тутти қарор,
Бўлди бошимдин аттибоға фирор... (4, 713)

Бу фикрларни "Хазойин ул-маоний" "Дебоча"сида келтирилган қуйидаги маълумотлар билан таққосласак, масаланинг моҳияти ўз-ўзидан аён бўлади: *"Бу бандаға ёш улғайған чоғда заъфе юзланди, ва ул заъф риштаси заъфлиғ пайкаримға андоқ чирманди... Ҳоло мизожим истиқоматдин мунҳарифу баданимда неча марази мухталифдур ва атиббо иложимдин ожизу маъзул аҳиббо мижозимдин мутаажжибу малул" (1, 17).*

Маълумки, Навоийнинг шоҳ Ҳусайн Боқаро билан ўзаро самимий, дўстона муносабатлари хусусида бир қатор асарларида маълумотлар мавжуд. Жумладан, "Дебоча"да ҳам Ҳусайн Бойқаро ёзган мактубдан *"бу навъ савдову васвос хаёлиға қолмаким, биз ҳеч ҳолда сенинг ҳолингдин ғофил эмас эркандурбиз, аммо бу ҳолдин сен ғофилу кўнглумиздин ҳаргиз ёдинг зойил эрмас эркандур"* сўзларини келтириб, бундан *"кўнглумга ўзга қувват кирди ва таъбимға ўзга жавдату жалодат ҳосил қилди"(1, 18)*, – дейди шоир. Соқийномада бу ниҳоятда жонли бадиий ифода этилган:

Мен бўлуб умр ила жондин навмид,
Шоҳ бериб васл уммидиға навид.
Яна бу сўз била жоне топибон,
Бир дам ўлмакдин амоне топибон... (4, 713)

Ушбу шеърий парчада таносуб ва тазод бадиий санъатлари фикрнинг таъсирчанлигини оширган бўлса, қуйидаги байтда шоир соқийга юзланаркан, ўз ҳис-туйғуларини иштиқоқ санъати воситасида ифодалайди:

Тут ғариб ун била паймона манга,
Кўргузуб хулқи ғарибона менга. (4, 714)

"Ғариб ун" – шикаста, хаста, синиқ овоз. Бу орқали "олам аҳли"дан "вафо" кўрмаган *("Олам аҳлида чу йўқ аҳли вафо")* лирик қаҳрамоннинг "зору бекаслиг"и *("Зору бекаслигимни шеван этай")* теранроқ англашилади. Зеро, "Навоий асарлари луғати"да изоҳланишича, "ғариб" сўзи бечора, нотавон, хўрланган, таққирланган каби маъноларни ҳам билдиради[1]. Аммо мумтоз адабиётда, жумладан, Навоий шеъриятида ҳам "ғариб" тимсоли кенгроқ маънога эга. И.Ҳаққулнинг ёзишича, "тасаввуф ахлоқида ғариблик туйғуси шундай бир ички қалъадирки, унда ишқ, иймон, поклик, ғурур, донолик каби ўнлаб камёб инсоний хислатлар дахлсиз асралади. Бу "қалъа" кўнгилни бидъат ва хурофотдан муҳофаза этади"[2]. "Хулқи ғарибона" эса ташқи дунёга ўз имтиёз ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб назар ташлайдиган, эзгулигу саховат, вафою садоқат, ҳақиқату адолат каби олижаноб фазилатлар эгаси бўлган, жафою жабр, хиёнату разолат, кизбу риёдан йироқ чинакам комил инсоннинг ахлоқий қиёфасини акс эттиради. Шу сабабли, лирик қаҳрамон собит ишонч билан бундай дейди:

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. IV том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 108.
[2] Ҳаққул И. Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас / http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/208-gurbatda-garib.html. (06.02.2020)

Бу сифат соҳиби мен басдурмен,
Бевафолар киби эрмасдурмен (4, 716).

Кўринадики, мазмун-моҳияти, композицион қурилиши, қофияланиш тарзи ва бошқа қатор поэтик хусусиятлари Навоий соқийномасининг ўзига хос жиҳатларини далиллайди. Асар муайян тарихий воқеа таъсирида яратилгани, шоир яшаган давр ва замон руҳини ўзида акс эттиргани билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Унда бадиий тасвир воситалари буюк мутафаккир дунёқараши, руҳий ва фикрий олами, шунингдек бошқа айрим асарларида келтирилган маълумотлар билан уйғун тарзда акс эттирилган. Шакл ва мазмуннинг ўзаро мувофиқлиги, шоир шахсиятининг нозик қирралари ёрқин ифода этилгани асарнинг қизиқарли ва таъсирчанлигини таъминлайди. Бадиий мукаммал, ғоявий юксак, фалсафий жиҳатдан теран бўлган ушбу асар нафақат ўзбек, балки Шарқ мумтоз шеъриятида ҳам ҳаётийлиги, воқеа-ҳодисаларнинг жонли тасвирланиши, тарихий шахсларнинг руҳий-психологик қиёфасини ҳаққоний акс эттиргани, қолаверса туркий шеъриятда мазкур жанр тараққиётида муҳим ўрин тутгани билан ҳам ажралиб туради. Умуман, соқийнома мутафаккир шоирнинг теран тафаккури, тасаввур ва тахайюл дунёси, шеъриятининг янги қирраларини инкишоф этган, иқтидори, маҳорати ва юксак талантини намоён қилган бетакрор асардир.

СОҚИЙНОМА БАДИИЯТИ

Лирик турга оид асарларда бадиий-тасвирий воситалар, шеърий санъатлар ижодкор фикр-туйғуларининг янада таъсирчан ифода этилишини таъминлаб, поэтик матннинг ўзига хослиги, қолаверса, шоирнинг улардан қай даражада маҳорат билан фойдалана олганини ҳам кўрсатади. Соқийномада ҳар бир банднинг дастлабки уч-тўрт, баъзан эса, беш ёки олти байтида жом ва майнинг таърифи келтирилган. II бандни ҳам шоир ружуъ санъати қўлланган мазкур байт билан бошлайди:

Соқиё, тут манга жоми майи ноб,
Жоми май демаки, лаъли сероб. (4, 684)

Мумтоз шеъриятда ружуъ, асосан, ташбеҳ, яъни ўхшатишли мисраларда учрашини ҳисобга олсак, юқоридаги байтда ҳар иккала санъатнинг уйғунлашгани кўринади.

Ноб – тоза, соф ва ёрқин рангли май. Қадимда майнинг бу нави ўзига хос усулда ясалган. Яъни бунинг учун май тайёрланадиган куп ичига яна бир кичикроқ сопол хумча солинган. Аввалига хумчанинг оғзига дафна дарахтининг япроғи қўйилиб, лой билан шувалган ва қуёшда бир неча кун қуритилган. Кейин у латта билан ўраб беркитилган ва купнинг ичида узоқ вақт (6 ойдан 1 йилгача муддатда) сақланган. Купда тайёр ҳолга келган май янада тиниқлашиб, ана шу сопол хумчага сизиб ўтган. Бундай шароб майи ноб деб юритилган[1]. Мумтоз шеъриятда шаффоф, тиниқ май, кўпинча, ирфоний маъноларни ифода этади. Е.Э.Бертельс кўрсатган номаълум муаллифнинг “Миръот ул-ушшоқ” номли асарида ҳам унга шундай изоҳ берилган: “Шароби ноб – тоза, холис, соф, беғубор шаробдир. Соф май дил кўзгусидан мавжуд суратларнинг кудурати (хиралик, ғашлик)ни тозалайдиган сифотий тажаллиётдир”[2]. Лирик қаҳрамоннинг соқийдан айнан шундай май сўраши бежиз эмас, албатта. Соқийноманинг ушбу бандида шаҳзода Бадиъуззамон таърифланган. Луғатларда бадиъ сўзининг ўзи ҳам тоза, ёрқин деб изоҳланган[3]. Шоир “майи ноб” сўз бирикмаси орқали шаҳзоданинг пок тийнати, соф қалби, шунингдек, ёрқин келажагига умид билдиради. “Мажолисун нафоис”да ҳам у *“ҳусни сурат ва ҳусни сийрат била ороста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била пийроста йигит”* (9, 415) деб таърифланган. “Равзат ус-салотин” асарида кўрсатилишича, у “сурат ва сийратда ҳусн билан безалган эди. Жанг ишидин камон отишда тенгсиз, базму бахшиш ва ахлоқда мислсиз бўлган”[4]. “Алишер Навоий Бадиъуззамон Мирзони бошқа шаҳзодалардан кўра ўзига кўпроқ яқин олган ва Султон Ҳусайннинг қонуний вориси бўлгани учун унинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қараган. “Муншаот” асаридаги мактубларнинг 10 дан зиёди Бадиъуззамонга ёзилган”[5]. Соқийномада Навоий *“Хамса” ичра ҳар бир ҳарфни... анинг отиға гузориш қил”*ганини ҳам айтган. Чунончи, “Ҳайратул аброр” достонининг йигирманчи мақолати шаҳзода Бадиъуззамон Мирзога бағишланган. Соқийномада шаҳзода Бадиъуззамон мадҳи, шоирнинг унга бўлган муносабати акс эттирилган бўлса, достонда панд-насиҳат мазмуни етакчилик қилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ҳам соқийномасида шундай ёзади:

---

[1] Шаробнома. – Баку: Илм, 1993. – Б. 21.
[2] Миръот ул-ушшоқ // Бертельс Е.Э. Избранные труды. Том III. Суфизм и суфийская литература. – М.: Восточная литература, 1965. – 524 с.
[3] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 томлик. I том. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 187.
[4] Фахрий Ҳиравий. Равсат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2014. – Б. 60.
[5] Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 70.

Айладим панд тарқида ғулу,
Юз туман фойдалардан малу. (4, 685)

Соқийноманинг шаҳзода Музаффар Мирзо мадҳига бағишланган кейинги банди ҳам мана бундай бошланган:

Соқиё, тут қадаҳи моломол,
Ранги хуноб сиришкимдек ол. (4, 686)

"Оддий баён – Навоий ижодига хос эмас. Шоир энг содда фикрни ҳам энг гўзал ташбеҳ орқали айтади"[1]. Қуйидаги байтда ҳам шоир "ташбеҳи муфассал", яъни тўлиқ ташбеҳга ўринли мурожаат этган:

Поклар ишқи кеби нашъаси тез,
Шўхлар ҳусни кеби шўрангез. (4, 686)

Поклар ишқи – ҳар қандай моддий тушунчалардан узилган, кўнгил кўзгусида Ҳақ жамолини акс эттирган ҳақиқий ошиқлар ишқи. "Маҳбуб ул-қулуб" асарида пок ишқ *"ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошубидин қўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий пок жамолидин баҳра олмоқ" (9, 498),* деб таърифланади. Май – унинг асоси, сабаби, мазмунидир. Тасаввуфда ҳусн илоҳий жамол, маҳбуб дийдорини ҳам билдиради. "Шўхлар ҳусни" ана шундай маъноларни ифода этган. Шоир таърифлаётган май мақсад, умид ва ишонч майи. "Ул бода била ком топ"ган, яъни бу бодадан ичган кишини у мана бундай дуо қилади:

Ҳар неким коми муяссар бўлсун,
Барча аъдоға музаффар бўлсун. (6, 686)

Шеъриятда "каломда бир лафз келтир"иб, "андин икки маъно англа"тиш[2] санъати ийҳом саналиши маълум. Юқоридаги байтнинг мазмуни ийҳом санъати воситасида равшанлашган. Музаффар, аслида, ғолиб, зафар қозонган дегани. Бу ўринда Музаффар Мирзонинг исмига ҳам ишора бор.

Мумтоз адабиётда бода чоғир, май, шароб, саҳбо, хамр кабилар билан маънодош сифатида кенг қўлланади. Бода сўзи форс-тожик тилидаги бод, яъни шамол, ел, шаббода сўзига ўхшаш, каби, сингари мазмунларини билдирувчи – а қўшимчасини қўшиш билан пайдо бўлган. Бода, аслида, енгил, ёқимли, ҳавойи, ғурурли каби бир қатор маъноларни ифода этган[3]. Бу сўз тезфеъллик, ҳамият, худбинлик мазмунларини ҳам англатган[4]. Тасаввуфда бода ишқ, иймон ва ирфон рамзидир. Агар шароб "ишқнинг ғалаботи, завқу шавқнинг қайноғи, масту мустағрақ бўлмоқ ва сулукнинг сўнгидаги комиллик"[5]ни, май "ишқнинг энг юксак босқичини, Ҳақнинг тажаллийси"[6]ни англатса, "бода сулукнинг ибтидосидаги бошланғич ишқни, илоҳий иноят"[7]ни билдиради. У "Ҳақ йўлига киришни мақсад қилган

[1] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 50.
[2] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойи-у-с саноеъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат., 1981.– Б. 123.
[3] Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // www.wayter.wordpress.com (08.09.2016)
[4] Муҳаммадҳусайни Бурҳон. Бурҳони қотеъ. Жилди I. – Душанбе: Адиб, 1993. – С. 137.
[5] Сажжодий Ж. С. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Теҳрон, 1332 ҳ. – С. 498.
[6] Кўрсатилган китоб. – С. 754.
[7] Кўрсатилган китоб. – С. 177.

ёки эндигина тариқатга қадам қўйган соликнинг кайфиятини ҳам англатган”[1]. Шунингдек, мумтоз шеъриятда бода “авом”, оддий кишилар ўртасидаги муҳаббатни ҳам ифода этади[2]. Шуниси қизиққи, соқийноманинг шаҳзодаларга бағишланган бандларида лирик қаҳрамон соқийга мурожаат қилиб, кўпинча, ундан бода талаб қилади. Чунончи:

Соқиё, бода кетур ёқути,
Руҳнинг қуввати, жоннинг қути. (4, 687)

“Ёқути бода”, яъни қизил тусли бода тасаввуфий истилоҳ сифатида “илоҳий ва қудсий нафас”[3]ни англатади. Руҳни уйғотувчи, ҳушёр қилувчи, сергаклантирувчи, шунингдек, жонга “қут” – озиқ берувчи ҳам аслида мана шу бодадир.

Соқийномада ҳар бир сўз, тушунча ва тимсоллар ҳам шоирнинг мақсадини юзага чиқариш учун хизмат қилган. Мана бу байтда ҳам шоир боданинг “таъм”ини “ҳижрон шарбати”га, рангини “лаъли Бадахшон”га ўхшатиб, ташбеҳнинг гўзал намунасини яратган:

Таъм анга шарбати ҳижрон янглиғ,
Лавн анга лаъли Бадахшон янглиғ. (4, 687)

Шу билан бирга, “ҳижрон” ва “Бадахшон” сўзлари воситасида ижтимоий-ҳаётий фикр-кечинмалар ҳам ўз ифодасини топган. Чунки шоир мазкур бандда шаҳзода Ҳайдар Мирзо ҳақида сўз юритган. “Бобурнома”да келтирилишича, у Ҳусайн Бойқаронинг Поянда Султонбегимдан туғилган фарзанди бўлиб, Машҳад, Балх ва Бадахшонда бир қанча вақт ҳукмронлик қилган[4]. Соқийномада у етук ахлоқли, тақводор, шариат қонун-қоидаларига собит киши сифатида улуғланган. Шунингдек, шоир унинг гўзал фазилатлари, барча ишлари кўнгилга хуш ёқишини айтган:

Улки Ҳайдар отидур, хулқи ҳасан,
Ҳар неким қилса, бари мустаҳсан. (4, 687)

Ҳайдар исми орқали талмеҳ ва ийҳом санъатлари ҳосил қилиниб, Ҳазрат Алига ҳам ишора қилинадики, банддаги *“Боқибон қуббатул ислом сари”, “То абад ҳашматидин топсун ком, Мулки исломда аҳли ислом”* мисралари ҳам фикримизни далиллайди. Қуйидаги байтда ҳам масаланинг моҳияти талмеҳ санъати орқали ойдинлашган:

Санжари мулкига бўлган ворис,
Санжари сонию балким солис. (4, 687)

“Равзат ус-салотин” асарида ёзилишича, “Султон Санжар қирқ йил подшоҳлик қилди. Чунончи, олам султонларидан Хитойнинг бошланишидан Румнинг бир қисми, Миср, Ироқ Шоми, Ямангача унинг фармони остида эдилар. У бағоят муборак қадамли подшоҳ, дарвишсифат, одил, хушхўй ва хулқли эди”[5]. Тарихдан маълумки, Марв Султон Санжар

[1] Интернет маълумоти: Джавад Нурбахш. Энциклопедия суфийской символики // www.wayter.wordpress.com (08.09.2016)
[2] Uludağ S. Tasavvuf terımleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 80.
[3] Сажжодий Саййид Жаъфар. Фарҳанги мусталиҳоти урафои мутасаввифа ва шуаро. – Теҳрон, 1332 ҳ. – С. 286.
[4] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 150.
[5] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2014. – Б. 27 – 28.

ҳокимиятининг пойтахти бўлган. Султон Ҳусайн Бойқаро тасарруфига ўтгач, уни тўртинчи ўғли шаҳзода Абулмуҳсин Мирзо (1472 – 1507)га инъом қилади. Юқоридаги байтда шунга ишора қилинган. Шоир Абулмуҳсин Мирзони "фаррух дийдор", яъни очиқ юзли, чеҳраси ёруғ, бархурдор – бахтиёр, хушҳол киши эканини айтиб, "умр" ва "давлати"дан баҳрамандлик тилайди:

Шоҳи Абулмуҳсин, фаррух дийдор,
Умр ила давлатидин бархурдор. (4, 688)

Соқийномада бадиий тасвирнинг мукаммал, ёрқин ифодаси ўқувчида эстетик завқ пайдо қилиши билан бирга, уни мушоҳадакорликка, ҳар бир ном, тимсол, сўз ва географик атамага ҳам алоҳида диққат қаратишга ундайди. Масалан, қуйидаги мисраларда фикр мазмуни, шоирнинг мақсад-муддаоси "Ховарон" сўзи орқали ойдинлашган:

Ховарон лоласидек олтун жом
Ким, анга тушса бу роҳи гулфом.
Ҳайъат ичра гули раъно бўлғай,
Ичса шаҳзода, маҳайё бўлғай. (4, 688)

Маълумки, Ховарон (Обивард) Хуросондаги вилоятнинг номидир. Султон Ҳусайн Бойқаро Ховаронни ўғли Муҳаммад Муҳсин Мирзо (шаҳзода Кепак Мирзо номи билан ҳам машҳур бўлган – М.А)[1]га берган эди. Тасаввуфда лола маърифат туфайли қалбда ҳосил бўлган гўзал ҳолларни тамсил қилади[2]. Шу сабабли, "олтун жом"даги шаробни *"Бодаким, руҳ деди ани ҳаким, Руҳ қути атади таъби салим"*, – деб ёзади шоир. Маърифий адабиётда руҳ инсонга Ҳақ томонидан берилган билим ва идрокни ҳам англатади[3]. Бу билан шаҳзоданинг ақл-заковати ва илм-маърифат соҳиби эканига ҳам ўзига хос ишора келтирилган.

Соқийноманинг аксар бандларида ийҳом санъати тарихий шахсларнинг номларини билишда ўзига хос восита саналади:

Табъиға барча ниҳонлар маълум,
Гарчи май нўш ва лекин маъсум. (4, 688)

Маъсум сўзи, аслида, пок, бегуноҳ, содда маъноларини ифодалайди. Бу ўринда у шаҳзода Муҳаммад Маъсум Мирзо (1476 – 1501)ни ҳам билдирган. "Бобурнома"да ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро бу ўғлига Қандаҳор вилояти ҳокимлигини топширган. Аммо у ака-укаларига қараганда, ҳукумат ишларида уқувсизроқ бўлганлиги учун ҳокимиятнинг барча ишлари Амир Зуннун арғуннинг ўғли Шоҳбек арғуннинг қўлида бўлган экан.

Бошқа бир бандда шоир тарихий қаҳрамонни мана бундай таништиради:

Соқиё, қил тўла жоми заркор,
Бир ғазал бошла Фаридуносор. (4, 691)

---

[1] Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 149. Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 137; Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. – Тошкент: Шарқ, 2014. – Б. 287.

[2] Uludağ S. Tasavvuf terımlerı sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 332

[3] Кўрсатилган китоб. – Б. 439.

"Жоми заркор" – олтиндан ишланган май қадаҳи. Алишер Навоий шеъриятида у улуғворлик, мартаба ва шоҳона шон-шавкат мазмунларини ҳам билдиради. Чунки Фаридун Эроннинг афсонавий ҳукмдори номи. Бу сўз орқали ийҳом санъати юзага чиққан. Шоир соқийга мурожаат қилиб, "бир ғазал бошла"шини сўраркан, шаҳзода Фаридун Ҳусайн Мирзо (1478 – 1509)ни кўзда тутади. Шунингдек, фаридун сўзининг ягона, машҳур, буюк каби бир қатор маънолари ҳам мавжуд[1]. "Назмнинг нуктаси доғи ширин", "Назм адосида мувофиқ ясаб ун, жоми май назми нигорандаға сун" каби мисра ва байтлардан маълум бўладики, соқийномада шаҳзоданинг шоирлик иқтидорига баҳо берилган. Бу фикрларни "Мажолисун нафоис"даги маълумотлар ҳам тўлдиради: "Фаридун Ҳусайн Мирзо – Фаридун ҳасаблиқ (асрининг ягонаси, машҳури, буюги) ва Ҳусайн насаблиқ. Зоти таъзим ва виқорлиқ ва хулқи одоб ва ҳурмат шиорлиқ, ёй кучида ягона ва ўқ отарда замон аҳлига нишона. Тоат ва тақвийға мойил. Зикр ва тиловатқа машғул йигитдур. Хуб табъи ва мулойим зеҳни бор" (9, 416). Бу ҳақда "Бобурнома"да ҳам шундай ёзилган: "Яна, бир Фаридун Мирзо эди. Ёйни куч билан тортиб, ўқни яхши отарди. Камонининг тўпўқи (юмалоқ соққашакл камон ўқи) айтишларича, қирқ ботмон экан. Ўзи анча мард эди..."[2] Фахрий Ҳиравийнинг маълумоти ҳам юқоридаги фикрларни қувватлайди: "Ниҳоятда одобли ва ҳурматли йигит эди. Салтанатга асло эътибор бермас эди. Ҳамма билан, жумладан, ҳамма халқ билан яқинлик қилар эди. Унинг Нишопур ва Сабзавор вилояти ўртасидаги икки работ-ла қилган баҳодирлиги ҳалқнинг ёдига Рустам ва Исфандиёрни солар эди. Камон отиш ва диловарликда катта шуҳрат топган эди. Гиреҳининг камони эллик ёки ўн ман бўлган. Ва назмда табъи ниҳоятда марғуб бўлган"[3].

"Шарқ мумтоз сўз санъатида адабий асарнинг бадийяти бирламчи шарт ҳисобланган. Бу адабиётда янги гап айтиш, теран фикр ифодалашгина эмас, балки ана шу янги гап, теран фикрни қандай шаклда, қайси бадиий санъатлар воситасида акс эттириш ҳам муҳим бўлган"[4]. Соқийномаларда ҳам шеърий санъатларнинг асар мазмуни билан узвий боғлиқлиги, айниқса, соқийга мурожаат билан бошланган байтларда яққол кўзга ташланади. "Бадойиъу-с-санойиъ" асари муаллифининг кўрсатишича, бароати истиҳлол санъатида "калом ибтидоси мақсудға ишора қилмоқ йўли била мақсудға муносиб қилинур"[5]. Яъни бу санъатда ижодкор асар мундарижасини унинг мазмунига ишора қилувчи воситалар билан бошлайди. XIX банддаги фикр-қарашлар ҳам бароати истиҳлол орқали очиб берилган:

Соқиё, тут қадаҳи султоний,
Ичида роҳи анинг райҳоний. (4, 697)

Райҳоний роҳ – райҳон исли, муаттар, яъни яшил тусли ичкилик экани маълум. Лирик қаҳрамоннинг соқийдан бундай шароб сўраши ҳам бежиз эмас, албатта. Шаҳзодалардан бирига бағишланган мазкур бандда унинг дарвешсифат, фақрга мойил киши эканига алоҳида урғу берилган. Бу фикрлар "гадо", "дарвеш", "хокваш", "фақр" каби бир қатор образ-тушунчалар воситасида англашилади:

Тут ангаким, иши бўлди тамкин,
Оти Султон, ўзи дарвиш ойин. (4, 697)

---

[1] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. III жилд. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 324.
[2] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008. – Б. 130.
[3] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 62.
[4] Очилов Э. Бир ҳовуч дур. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б. 42.
[5] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 252.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ёзишича, сўфийлар, дарвеш табиатли кишилар яшил мато (суф – жун мато)дан тикилган кийим кийишган экан. Шунингдек, яшил ранг кўкат ва сувнинг ранги саналиб, тириклик ва ҳаёт рамзидир. Бундай рангли хирқани олий ҳимматлилар ва кўнгли ҳамиша тирик инсонлар кийишган. Яшил рангли тўн соҳиблари "кўкат – майсалар каби яшнаган, хандон чеҳра ва хуррам бўладилар ҳамда сув янглиғ ҳаётбахш, ёқимли бўладилар"[1]. Мумтоз шеъриятда дарвеш "Оллоҳдан ўзга ҳеч нарсага муҳтож бўлмаган"[2], кўнгилни бу дунёнинг турфа хил қинғирликларидан, ўткинчи орзу-истакларидан поклаган, руҳий-маънавий олами эзгулик, ҳиммат, меҳр-муҳаббат каби фазилатларга бой, яхши ахлоқ соҳиби, саховат ва мурувват тимсолидир. Нажмиддин Комиловнинг ёзишича, "дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (хирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни гуманист шоирлар наздида жамики яхши хулқ-атвор, карам-саховат, инсоний фазилат дарвеш одамда акс этиши керак"[3]. Туркман халқининг улуғ шоири Махтумқули бир шеърида "Дарвеш кўрсанг, бориб олқиш олақол, Ундан яхши банда йўқдир Худойга"[4] дея дарвешларнинг мана шундай фазилатларини олқишлаган.Шоҳ ва дарвеш сўзлари, аслида, бир-бирига зид маъноли тушунчалардир. Аммо Шарқ адабиётида дарвешларга хос гўзал сифатларга эга бўлган шоҳ ҳамиша улуғланган. Соқийномада улар бундай ифодаланган:

Шоҳ дарвешваш эрса, шаҳдур,
Шоҳу дарвеш ишидин огаҳдур. (4, 697)

Иккинчи мисрадаги шоҳ ва дарвеш тазодлари каттаю кичик, ёшу қари – барча маъноларини ҳам ифодалаган. "Агар шоҳда ҳар вақт шоҳликдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир. Бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи ғозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган. У шоҳларнинг дарвешию дарвешларнинг шоҳидир, чунки ташқи кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешдир"[5]. Шу сабабли, шоир Султон Ҳусайн Бойқарони бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатган:

Улки, бу қоида мумтози эрур,
Шоҳлар шоҳи Абулғози эрур. (4, 698)

Мана бу байтда эса, тарихий қаҳрамоннинг фазилатларига маънавий санъатлар истиора ва ташбеҳи мужмал воситасида ишора қилинган:

Соқиё, жоми ҳилоли тутқил,
Бода хуршид мисоли тутқил. (4, 689)

"Жоми ҳилоли" – янги чиққан ой шаклини эслатувчи қадаҳ. У ёшлик, навқиронлик рамзи ҳамдир. "Хуршид мисоли", яъни қуёш каби соф, тиниқ, кўзни қамаштирувчи "бода" ҳам мазкур бандда ифодаланаётган фикр-туйғуларнинг юзага чиқиши учун хизмат қилган.

---

[1] Ҳусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. (тарж., Н. Комилов). – Тошкент: Халқ мероси, 1994. – Б. 44.
[2] Uludağ S. Tasavvuf terımleri sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 184.
[3] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мавороуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 162.
[4] Махтумқули. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 153.
[5] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 171.

Чунки унда шоир “ақли ҳар ишта расо, таъби салим” “Ҳусайн Иброҳим” ҳақида сўз юритган. У ҳақидаги фикрлар маълум бир тарихий шароит ва географик жой номи билан боғланган. Навоий унинг “Бохтар” – Балх элига “шоҳ” эканини, “кишварининг бир ҳади”га “Ҳиндистон” ҳам киришини таъкидлайди. “Бобурнома” муаллифи ҳам уни қобилиятли, етук иқтидор кишиси бўлганини ёзади[1]. Т.Файзиевнинг кўрсатишича, “Иброҳим Ҳусайн Мирзо 1478 йил Ҳиротда туғилган. Онаси Попо Оғача бегим эди. Шаҳаншоҳ бу ўғлига аввал Балх вилоятини, кейинчалик Қойим вилоятларини суюрғол сифатида берган”[2].

Юқорида таъкидланганидек, соқийномада қўлланган май ва унга алоқадор тушунча-тимсоллар бандларда тасвирланаётган тарихий воқеа-ҳодисаларни, шунингдек, ифодаланаётган фикр-мулоҳазаларнинг мазмунини англатишда ўзига хос очқич вазифасини бажаради. Масалан,

Соқиё, жоми дилоро хуштур,
Ичида роҳи гуворо хуштур. (4, 690)

“Дилоро” – кўнгилни юмшатувчи, дил безаги демак. “Жоми дилоро” ҳам, меҳр-оқибат, ишқ-муҳаббат тўла қалб тимсоли. “Роҳи гуворо” эса, ёқимли, хуш исли ва тотли ичимлик. Тасаввуф истилоҳи сифатида бу ичимлик “муршиди комилнинг қутсал, яъни муқаддас, табаррук нафаси”ни билдиради[3]. Шунингдек, у “сулукнинг сўнгида келган, камол аҳли етишган илоҳий ишқнинг энг жўшқин фурсати”дир[4]. Шу сабабли, шоир бундай ёзади:

Жом поку майи ноб андин пок,
Қуёшу чашмаю ҳайвондин пок. (4, 690)

Маълумки, “чашмаи ҳайвон” – ҳаёт суви. Мумтоз адабиётда у умрбоқийлик рамзи. “Жом” ва “майи ноб” эса, маърифат булоғи, кўнгилни моддий тушунчалардан, бу оламнинг турфа савдоларидан, ҳою ҳавасларидан поклагувчи тимсол. Шу сабабли, соқийноманинг аввалида ҳам шоир:

Ушбу майким, ани таъриф эттим,
Зикрин айларда ўқ ўздин кетдим, (4, 681) –

дейди.

Мазкур бандниг мазмуни “дилоро”, “гуворо”, “пок”, “сарви наврас” каби сўзлар воситасида тушунилади. Чунки унда Ҳусайн Бойқаронинг севимли фарзандларидан бири, салтанат зийнати, “сўзи” ҳам “ўзидек” мақбул ва манзур шаҳзода Ибн Ҳусайн Мирзо таърифу тавсиф этилган:

Шаҳға мақбул доғи мулкка зайн,
Сўзи матбуъ ўзидек ибн Ҳусайн. (4, 690)

Ибн Ҳусайн Мирзо 1488 йил Ҳиротда туғилган. Бошқа шаҳзодаларга қараганда ёшроқ бўлса-да, жасурлиги, шижоатлилиги ва эпчиллиги билан ажралиб турган[5]. Шу сабабли, Ҳусайн Бойқаро унга ўзгача меҳр қўйган.

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 152.
[2] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 148.
[3] Uludağ S. Tasavvuf terımlerı sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 426.
[4] Кўрсатилган китоб. – Б. 485.
[5] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 148.

"Жоми Каёний" истиораси ҳақида юқорида тўхталган эдик. *"Шараф авжида меҳри иқбол, Боғи давлат аро фархунда ниҳол", "шоҳлик Одамгача зоти"*га *"насаб", одам авлодида энг обрўли, "гавҳари пок"* сифатлари билан таърифланган Мўмин Мирзо ҳақидаги XX банд ҳам мана бундай бошланган:

Соқиё, жоми Каёний кетур,
Қути арбоби маоний кетур. (4, 698)

Бу билан шоир ёш шаҳзоданинг ақл-идрокига, фазлу камолига ишора қилган. Кейинги байтда ҳам *"Тенгри ончаки санга берди камол"* дея уни улуғлаган. Мутафаккир шоирнинг асар қаҳрамонига айтган ўгитлари, панд-насиҳатлари ҳам характерли:

Фазл касбиға кўп ўлғил машғул,
Топмасун йўл вале оллингда фузул. (4, 699)

"Фазл" ва "фузул" сўзларида ифодаланган иштиқоқ санъати байтнинг таъсирчанлигини яна ҳам оширган. "Иштиқоқ оддий сўз ўйини эмас, – дейди адабиётшунос Ё.Исҳоқов, – балки у бу сўзнинг шаклий ўзгариши мазмун тақозоси билан юзага келади, янги шаклнинг ҳосил бўлиши дастлабки маъно билан боғлиқ бўлган янги тушунчани ҳам пайдо қилади"[1]. Буни юқоридаги байт мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, шоир Мўмин Мирзонинг исмини ҳам ийҳом санъати воситасида мана бундай ифодалайди:

Бода куфри сари бўлма мудмин,
Ҳақдин ўлди лақабинг чун Мўъмин. (4, 699)

Мўмин – Ҳақнинг сифатларидан бири. Бу ўринда у атоқли от бўлиши билан бирга, мўмин, мусулмон киши маъноларини ҳам билдирган. Фахрий Ҳиравий у ҳақида "ҳусну жамолда Юсуфи Соний эди. Ва латиф таъби бор эди ва назми бағоят яхши эди"[2], – деб ёзади.

Соқийномаларда тарихий қаҳрамонлар ва улар яшаган давр хусусиятлари ҳам ҳаққоний тасвирланади. Шунга кўра, Навоий соқийномаси унинг айрим асарларидаги маълумотларни тўлдириб, шоир яшаган давр ва ҳаётини ўрганиш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Соқийноманинг шаҳзодалар – Абутуроб Мирзо ва Муҳаммад Ҳусайн Мирзога бағишланган XIII бандини эса шоир қуйидаги мисралар билан бошлайди:

Соқий, жоми ғарибона кетур,
Мен ғариб ичсам ани, ёна кетур.
Ким келур кўнглима ул икки ғариб,
Ким ул иккини жало қилди насиб.
Айру шаҳ янглиғ атодин ҳам алар,
Юз туман комраводин ҳам алар. (4, 691)

Икки "ғариб"нинг ҳолати ҳақидаги Бобурнинг фикрлари тасаввуримизни янада кенгайтиради. Унинг ёзишича: "Яна бир Абуттуроб Мирзо эди. Бурунлар андин хейла рушде ривоят қилурлар эди. Отасининг беҳузурлуғи ортқонда ўзгача хабар эшитиб, иниси

[1] Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014. – Б. 53..
[2] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 65.

Муҳаммад Ҳусайн Мирзо билан қочиб, Ироққа борди. Ироқда сипоҳийликни тарк қилиб, дарвешлиқ ихтиёр қилибтур. Яна андин хабаре топилмади”[1]. Муҳаммад Ҳусайн мирзо (1476 – 1496) шаҳзода Фаридун Ҳусайн Мирзо билан бир онадан туғилган. Онаси Минглибий Оғача ўзбеклардан бўлган. Шаҳзода ҳақида “Мажолис ун нафоис”нинг еттинчи мажлисида шундай дейилган: “халойиқ ани адолат ва шижоат ва салтанат ойинида кўп таъриф қилурлар, аммо улча зоҳир бўлди – бағоят саркашлик ва бегонавашлик гўё зотида бор” (9, 423). Фахрий Ҳиравий ҳам у ҳақида шундай ёзади: “Ҳазрат хоқони мағфурга саркашлик ва мухолифатлик қилди, отаси унга зўрлик қилмади”[2]. “Бобурнома”даги маълумотларга кўра, Муҳаммад Ҳусайн Мирзони Ироқда Шоҳ Исмоил билан биргаликда тутқунликда ушлашган. Ўша пайтда унга мурид тушган ва рофизий (шиа) мазҳабига ўтиб кетган. Астрободда вафот этган[3] .

“Қадаҳи мийнойи” – кўкимтир рангдаги ёки ҳаворанг қадаҳ. Соқийноманинг XV бобида лирик қаҳрамоннинг фикр-қарашларини очиб бериш учун, асосан, “қадаҳи мийнойи” истиораси қўлланган:

Англа мийно қадаҳ ичра майи ноб,
Жоми фирузада ёқути музоб. (4, 692)

“Мийно қадаҳ”даги тоза, тиниқ шаробнинг жоми фируза – осмон, кўк жомида “ёқути музоб” – қизил рангли қимматбаҳо тошга ўхшатилиши тадриж ва ташбеҳ санъатларини ҳосил қилади. Бадиий тасвирнинг гўзаллиги, ифоданинг бетакрорлиги таърифланаётган қаҳрамоннинг пок тийнати, соф қалби, беғубор табиатига шоирнинг ўзига хос муносабатини ҳам англатади. Байтда “фируза” сўзи тажнисни юзага чиқарган. Бу ўринда у Бойқаро Мирзо ва Султон Ҳусайннинг онаси – Фирузабегимни ҳам билдирган. “Бобурнома”да кўрсатилишича, “Онаси Фирузабегим эди. Темурбекнинг набираси. Султон Ҳусайн Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ҳам набираси бўлур эди. Султон Ҳусайн Мирзо каримут тарафайн эди, асил подшоҳ эди”[4]. Байтда “майи ноб” – тоза, тиниқ, соф май тимсоли орқали мана шундай мазмунлар ҳам ифода этилган. Мазкур бандда Султон Ҳусайннинг отаси Мансур, акаси Бойқаро Мирзо, жияни Султон Вайс Мирзо номларининг келтирилиши фикрнинг ўзаро байтма-байт, кетма-кетлик асосида мутаносиблигини таъминлаб, ҳаётийлиги, жонлилигини ҳам кўрсатади.

Навоий Бойқаро Мирзо ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да қуйидагича ёзади: “Бойқаро Мирзо – бовужуди улким, Султон Соҳибқироннинг туғқон оғоси эрди. Йиллар Балх (қуббат ул-исломий)да салтанат қилди. Ва лекин шикаста нафслиқ ва кичик кўнгуллук, тавозуъ ва таъзимлиқ киши эрди ва ҳақшунослиғи аъло мартабада эрди”... (9, 414). “Бобурнома” муаллифи бу маълумотларни янада тўлдиради: “Бойқаро Мирзо Султон Ҳусайн Мирзодин улуғ эди ва навкари эди, вале девон бошида ҳозир бўлмас эди, ғайри девонда бир тўшакда ўлтурурлар эрди. Иниси Балх вилоятини бериб эди. Неча йил Балхда ҳукумат қилди”[5]. Соқийноманинг мазкур банди Бойқаро Мирзонинг ўғли Султон Вайс Мирзога бағишлаб ёзилган:

Бўлсун чун бода учун базморо,
Султон Вайс ибни Бойқаро. (4, 692)

---

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 149.
[2] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: : MUMTOZ SO’Z, 2014. – Б. 63.
[3] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 149.
[4] Кўрсатилган китоб. – Б. 149.
[5] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 147.

Султон Вайс Мирзо Бойқаро Мирзонинг ўртанча ўғли бўлиб, 1451 йилда туғилган эди. У амакиси Султон Ҳусайн Мирзо саройида хизмат қилган. Султон Ҳусайн катта қизи Султоним бегимни унга никоҳлаб берган. Бу ҳақда "Бобурнома"да шундай ёзилган: "Боридин улуғ қиз Султоним бегим эди... Оғаси Бойқаро Мирзонинг ўртанча ўғли Султон Вайс Мирзоға чиқариб эди. Бир қиз, бир ўғил бўлуб эди. Қизини Шайбон султонларидин Йилиборс султоннинг иниси Эсонқули Султонға чиқариб эди, ўғли Муҳаммад Султон Мирзодурким, бу тарихта Қуннуч вилоятини анга берибтурмен"[1]. Султон Вайс Мирзо 1491 йилда вафот этган[2].

Соқийноманинг кейинги – XVI бандида талмеҳ санъати алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир Жоми Жам, Искандар, Хизр тимсоллари воситасида фикр-кечинмаларини теран, жонли ифода этади:

Жоми Жам ҳайъатининг мазҳари ул,
Балки ойинаи Искандари ул. (4, 692)

Искандар сўзи орқали ийҳом санъати ҳам юзага чиққан. "Бобурнома" муаллифининг маълумот беришича, Бойқаро Мирзонинг "уч ўғли бор эди. Султон Муҳаммад Мирзо ва Султон Вайс Мирзо ва Султон Искандар Мирзо"[3]. Соқийноманинг мазкур банди султон Искандар Мирзога бағишлаб ёзилган. Искандар Мирзо 1455 йилда туғилган. У ҳам амакиси Султон Ҳусайн Бойқаронинг куёви эди. Шоҳнинг еттинчи қизи – Султон Нажодбегимга уйланган эди[4]. Тарихий маълумотларга кўра, Бойқаро Мирзо 1487 йилда Балхда, унинг тўнғич ўғли Султон Муҳаммад Мирзо (У Султон Ҳусайн Мирзо саройида хизмат қилган – М.А) эса 1483 йилда Ҳиротда вафот этган[5]. Соқийноманинг мазкур банди ҳам қуйидаги байт билан тугаган:

Отою оғосиға Ҳаййи Мубин,
Равзаи хулд аро берсун таскин. (4, 693)

Соқийноманинг XVII банди лирик қаҳрамоннинг соқийга юзланиб, ундан "қадаҳи ақлзудо" – ақл-ҳушдан айирувчи қадаҳ беришини сўраши билан бошланади. Унинг бир томчиси кекса кишини ҳам ёшартириш, шўх-шаънлик, завқу иштиёқ, қувончу шодлик улашиш қудратига эга, – дейди шоир:

Қатрае қилса кўҳанпир ани нўш,
Навжувон ўлғай, этиб жўшу хурўш. (4, 693)

Шу тариқа, дастлабки икки байтда "ақл", "хирад", "кўҳанпир" каби сўзларга алоҳида маъно юкланган. Бу эса бандда таърифланаётган қаҳрамон хусусида ўзига хос ишорани ҳам билдиради. Мазкур банднинг кейинги байтлари бу борадаги фикрларимизнинг бир исботи бўла олади:

Тут ангаким, эрур иш огоҳи,
Мафхари дудаи Мироншоҳи....

---

[1] Кўрсатилган китоб. – Б. 151.
[2] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 102.
[3] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 146.
[4] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 102.
[5] Кўрсатилган китоб. – Б. 102.

Шаҳри Ҳай, мулку ҳашамни кўрдунг,
Сен доғи мулку ҳашам кўп сурдунг.
Англадинг шоҳлиғ аҳволини ҳам,
Кўрагон тахтию иқболини ҳам... (4, 693)

Бу билан гап Султон Аҳмад Мирзо ҳақида бораётгани ойдинлашади. Тарихий маълумотларга кўра, Султон Аҳмад Мирзо Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳнинг невараси, яъни Сайди Аҳмад Мирзонинг фарзанди бўлиб, Султон Ҳусайн Бойқаронинг кичик опаси Оқобегимга уйланган эди[1]. "Улар Қорабоғда ҳаёт кечирардилар. Хуросон Султон Ҳусайн Бойқаро қўлига ўтгач, Ҳиротга кўчиб келганлар. Султон Аҳмад Мирзо Ҳирот шаҳрининг доруғаси (ҳоким, бошлиқ) этиб тайинланади. У умрининг охиригача мазкур мансабда қойим туради"[2].

Соқийномада у "хусрави гардунрифъат", "донишвар", "салтанат боғида сарви гулчеҳр", "илм афлокида Биржис маҳал" дея улуғланган. Навоийнинг Султон Аҳмад Мирзога бўлган юксак эҳтироми, ҳурмат-эътибори ҳар бир байтда яққол сезилади. Асарда ифодаланган фикр-қарашларни "Мажолис ун-нафоис"даги маълумотлар билан таққосласак, қаҳрамон шахсияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш мумкин: "Султон Аҳмад Мирзо – дарвешваш, яхши ахлоқлик, писандида атворлиқ, одамишева кишидур. Ота жонибидин хуштаъблиқ анга маврусийдур. Йиллар Хуросон тахтида ҳукумат қилдиким, ҳеч киши андин шикоят қилмади ва таън этмади" (9, 414). Соқийномада бу ўзига хос тарзда ёритилган:

Шаҳлиғу илму йигитлик чоғи,
Фонию сўфию солик доғи...
Васфи теъдод ила сондин ортуқ,
Ҳар неким, айтсам, ондин ортуқ. (4, 159)

"Мажолис ун-нафоис"да қаҳрамоннинг шоҳга яқинлиги, шоирлик маҳорати ҳақида шундай ёзилган: "Ва Султон соҳибқиронға ота масобасидадур ва икки девон ихтиёри ва мулку мол мушорун илайҳи (кўрсатилган, номи зикр қилинган) ва сипоҳи ва черик муътамаддун алаҳи (эътиборли, ҳурматли) улдур ва гоҳи назм ҳам айтур"... (9, 414). Соқийномада бу фикрлар мана бундай бадиий ифода топган:

Барча шоҳларға ато ўрниғасен,
Ё жади комраво ўрниғасен.
Санга олий боридин мартаба ҳам,
Яна кўпрак баридин тажриба ҳам..
Назму насриға Уторуд мафтун,
Ҳар савол этса, жавобида забун. (4, 694)

Кўринадики, соқийномада Султон Аҳмад Мирзо ҳақида билдирилган фикрлар "Мажолис ун-нафоис"да келтирилган маълумотларни тўлдириб, қаҳрамон шахсияти, юксак инсоний фазилатлари, шоирлик иқтидори ҳақидаги қарашларни аниқлаштиради ва бойитади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Навоий ўзининг гўзал ва фавқулодда таъсирли бу асарини олис Дашти Қипчоқдан ташриф буюрган Ҳусайн Бойқаронинг жияни, яъни

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б. 147.
[2] Файзиев Т. Темурийлар шажараси. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – Б. 97.

Баҳодир Султонга бағишлаб яратган. Шу сабабли, унинг мадҳи келтирилган XVIII бандда форс-тожик ва арабча сўзларга қараганда, хон, қурултой, тўстўғон, қимиз, йиров, ётўғон, йир, тўра, сарқут каби соф туркий сўзлар кўпроқ ишлатилган:

Соқиё, май туту қўйғил сўзни,
Хон қурултойиға еткур ўзни.
Софу май жом аро дилкашдур,
Тўстуғон ичра қимиз ҳам хушдур.
Эй йиров, сен ҳам ишингни кўргуз,
Ётуғон бирла улуғ йирни туз. (4, 695)

Унда мўғул халқи орасида кенг тарқалган урф-одатлар ва маросимлар ҳам ўз ифодасини топган:

Ётўғончию йиров тузгач ун,
Сен қадаҳ олу тўққуз қотла юкун. (4, 695)

Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" китобида ёзилишича, "мўғул шўъбаси тўққуз нафардир. Унинг дастлабкиси Мўғулхон, уларнинг охири Элхон ва тўққуз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида шу важҳдан ривож топди. Мўғулларнинг бундай эътибори таққиқига кўра, ҳар мартабада тўққуз саноғидан ортиғини лозим кўрмайдилар"[1]. Жумладан, зиёфатларда ҳам мўғуллар тўққуз сонига алоҳида эътибор қаратганлар. Мирзо Улуғбек Ўғузхоннинг бир базмини шундай тасвирлайди: "тўққуз минг қўй, тўққуз юз от сўйилди, тўққуз минг қимиз меши ва бошқа муносиб абобларни муҳайё қилдилар"[2]. Абулғози Баҳодирхон эса, турк-мўғул халқлари орасида одатга айланган тўққуз ҳадя (тўққуз от, тўққуз чопон, тўққуз парча бахмал) ҳақида маълумот берган.

Адабиётшуносликда шеърнинг биринчи мисрасида келтирилган икки сўз ёки сўз бирикмаларини кейинги мисрада ўрнини алмаштириб қайтариш санъати тарди акс деб номланиши маълум. Тарди акс натижасида сўз ёки сўз бирикмалари шунчаки таъкидланибгина қолмай, уларнинг маъноси ҳам янгиланади. Соқийноманинг қуйидаги байти ҳам буни қувватлайди:

Тенгри қилсун сенга тавфиқ рафиқ,
Ҳам қилур ишта рафиқинг тавфиқ. (4, 699)

Соқийномадаги тарихий шахслар ҳақида айтилган фикрларни "Мажолисун нафоис"даги маълумотлар янада тўлдириб, таърифланаётган киши тўғрисида ўқувчига ёрқинроқ тасаввур беради. Чунончи, тазкирада Амир Шайхим Суҳайлийнинг "Хуросон эли"га мансублиги, гўзал ахлоқ ва ўткир зеҳн соҳиби экани, дастлаб Абу Саид Мирзо хизматида "махсус мулозим" бўлгани, шеъри халқ орасида шуҳрат қозонгани, Ҳусайн Бойқаро саройида йигирма йилдан буён хизмат қилиши ҳамда ундан ҳеч бир "ношойиста айб" ўтмагани хусусида ёзилган: "Аввалдин охирғача фақир била илтифот ва иттиҳоди кўп учун мундин ортуқ таърифин қилилса, ўзимни таъриф қилғондек бўлурдин қўрқуб, ихтисор қилилди" (9, 339). Соқийномада эса, Суҳайлий таърифига махсус банд (XXII банд) ажратилган. *"Жаҳон халқи аро зоти нафис", "зоти"*га *"фазлу адаб икки анис", "нақди маъни била фархунда сифот", "даҳр аро бир гарави арзанда"* таърифлари билан улуғланган Суҳайлийни шоир соғинч

[1] Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. – Тошкент: Чўлпон, 1994. – Б. 41.
[2] Кўрсатилган китоб. – Б. 52.

билан ёдга олади. Тазкирада унинг фазилатлари, хизматларига урғу берилса, соқийномада, асосан, Суҳайлийнинг шеъриятига баҳо берилган. Шоир уни *“Саъдию Хусраву Салмону Камол”* каби форс-тожик шеъриятининг машҳур шоирларига издош сифатида кўрсатади:

Гарчи чарх этти барин мутавори,
Сен алар ўрнидадурсен бори. (4, 703)

Дарҳақиқат, соқийномада Алишер Навоийнинг ўз даври ижодкорлари ва уларнинг шеърияти ҳақида билдирган мулоҳазалари алоҳида эътиборга молик. Шундай ижодкорлардан бири шоир Туфайлийдир. Мутафаккир шоир Туфайлий ҳақида “Мажолисун нафоис”да ҳам махсус тўхталган. Унинг “фақиршева ва фонийваш ва бетакаллуф ва хуштабъ” киши бўлгани, назмда ҳам “мулойим табъи” борлигини ёзган. Соқийномада эса шоирнинг *“мадҳ услуби”*да қалам тебратиши айтилиб, қасидалари юксак баҳоланган. “Бобурнома”да ҳам унинг қасиданависликда машҳур бўлгани қуйидагича кўрсатилган: “Ҳасан Али Жалойир Султон Ҳусайн Мирзо қошида қушбеги эди, шоир эди. “Туфайлий” тахаллус қилур эди, қасидани бисёр яхши айтур эди. Ўз замонида қасидада саромад эди”[1]. Буни соқийномадаги *“Ҳар қасидаки, тузутти рақаминг, Ё саводин рақам этти қаламинг. Бўлди маъни юзидин бир олам, Ул савод анда саводи аъзам”* мисралари ҳам тасдиқлайди. Шу билан бирга, шоир Туфайлийга мана бундай танбеҳ ҳам беради:

Кам демак сўзни ҳунар келди мудом,
Санга лекин бу эрур айби тамом. (4, 704)

Мазкур бандда ҳам шоир ўқувчига тарихий шахснинг исмини таништиришда ийҳом усулини танлайди:

То Туфайлий била мажлис қурайин,
Бир неча нукта анга еткурайин. (4, 704)

Луғатда “туфайли” калимаси “чақирилмаган бўлса ҳам чақирилганларга эргашиб тўй-маъракаларга борувчи киши”[2] деб изоҳланган. Шунингдек, юқоридаги байтда унинг тахаллус маъноси ҳам мавжуд. Шоир Баёнийга бағишланган XXIV бандда ҳам “баёни” сўзи икки маънони: 1. Тахаллус 2. Таъриф, изҳор маъноларини билдирган:

Токим, ул жоми маоний бирла,
Сурайин ҳарф баёни бирла. (4, 705)

Мутасаввифларга кўра, инсон Тангри мазҳарининг энг юксаги. У яратилмаса, коинот ҳам яратилмасди. Борлиқ бир жасад. Унинг руҳи ва жони одам. Шунга кўра, шоир Баёнийни шарафлаб, ўз фикрларини шундай далиллайди:

Руҳдин танға хабар йўқ эрди,
Офаринишдин асар йўқ эрди.
Етти иқлим ила тўққуз гардун,
Балки бу дабдабаи кунфаякун,

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б 157.
[2] Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 4 жилдлик. III жилд. – Тошкент: Фан, 1984. – Б. 262.

Бўлғанидин сен эдинг барча ғараз
Ким, яратилмади зотингға эваз. (4, 705)

"Мажолисун-нафоис"да Баёний ҳақида қуйидаги маълумот келтирилган: "Хожа Абдуллоҳ Садр – Хожа Муҳаммад Марворид ўғлидурким, муддате вазорат девонида муҳр босар эрди ва ўз ихтиёри била истиғфор қилиб, офият кунжи ихтиёр қилди. Бу тоифадан анга муяссар бўлғондек оз кишига бўлмиш бўлғай. Ўзи кичик ёшида улум касб қилди. Адвор ва мусиқий илмида ва хутут фанида беназир бўлди. Ва қонунни маълум эмаским, ҳаргиз киши андоқ чолмиш бўлғай... Ва иншо фанини ҳам камолотга еткурди. Ва ўзи муҳоваралиқ ва яхши хулқлиқ ва яхши суҳбатлиқ йигитдур..." (9, 394). Соқийномадаги

"Ёр сендек нечалар бор эдилар,
Суҳбатимда кечалар бор эдилар...
Фалаку анжуму беҳру дани,
Барчасиз қилди сени, доғи мени. –

мисралари Баёнийнинг Навоийга яқин кишилардан бўлганини англатади.

Бошқа бир қатор асарларида бўлгани сингари соқийномада ҳам шоир форс-тожик адабиётининг йирик намояндаси, пири устози ва энг яқин мусоҳиби Абдураҳмон Жомийга алоҳида банд ажратган. "Мажолисун нафоис"нинг учинчи мажлиси ҳам Жомий ҳақидаги мақола билан бошланган[1]. "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида Жомий "шараф хайлининг мужтаҳид ва шайхул-исломи ва, яъни Нур ул-Ҳақ вад дин, каҳф ул ислом ва муслимийна шайхуно" деб улуғланган (5, 736). Соқийномада бу каби фикрларнинг барчаси бир ёки икки байтда умумлаштирилган:

Маъни аҳлиға имоми барҳақ,
Ҳақдин ислом аро қутби мутлақ. (4, 707)

Ёднома-хотира характеридаги асарида шоир Абдураҳмон Жомийнинг ўзига бўлган муносабатини қуйидагича ёритган: "Бу навъ соҳиб давлати бузургвор ва бу янглиғ соҳиб камоли нубувват кирдор бу хоксори паришонрўзгорни азим илтифотлари била сарбаланд ва ғариб навозишлари била аржуманд қилиб, абнойи жинсим аро сарафроз, балки жинси башардин мумтоз қилур эрдилар" (5, 736). Соқийномада бу ҳолат шундай ифодаланган:

Мен киби заррани ул янглиғ меҳр,
Бўйла туфроғни ул андоза сипеҳр.
Юз ўзум ҳаддича эъзоз айлаб,
Васфлар бирла сарафроз айлаб. (4, 707)

"Хамсатул мутаҳаййирин"да Абдураҳмон Жомий ҳақидаги ҳаётий ҳикоялар, унинг ички, руҳий олами, асарлари, муаллифга муносабати ёрқин ифода этилган. Соқийномада

[1] Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг дўстона муносабатлари, ўзаро ижодий таъсир масалаларига доир адабиётшуносликда бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Қаранг: Шамсиев П. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1966. – 152 б; Шомуҳамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари. – Тошкент: Ўздавнашр, 1963. – 200 б; Жомий ва Навоий (мақолалар тўплами). – Тошкент: Фан, 1966. – 150 б; Шодиев Э. Алишер Навоийнинг форс-тожик адабиётига муносабати масаласига доир. – Ленинобод, 1964. – 211 б; Жомий ва ўзбек адабиёти (мақолалар тўплами). – Тошкент, 2005. – 120 б.

эса, шоир устозининг вафоти туфайли чуқур дарду ҳасратлари, изтироблари, айрилиқ ва мотам кайфиятини акс эттирган.

Шеърда "бир даъво одаттин ташқари бўлуб, ақлға ҳам сиғмаса",[1] муболаға санъатининг ғулувв тури ҳисобланиши аён. Қуйидаги байтда айрилиқ азобида ўртанган юракдан чиқаётган "оҳ"нинг қора парда каби фалакни тутиб, қуёшни ҳам тўсиб қўйиши ана шу санъатни юзага чиқарган:

Чекайин оҳ юракдинки, сипеҳр,
Пардаға чирмасун ойинайи меҳр. (4, 706)

Соқийномада Жомийнинг таърифу тавсифи ҳам юксак бадиият билан ифода этилган. Чунончи,

Баҳрким, қатраси бўлғай дури пок,
Дема дур, лаъл – бори оташнок. (4, 706)

Биринчи мисрада шоир Абдураҳмон Жомийни баҳр – дарёга қиёс этаркан, унинг ҳар бир томчи сувини тоза дурга ўхшатади. Кейинги мисрада эса, ўз фикридан қайтиб, оташ каби қип-қизил лаъл – қимматбаҳо тошга тенглаштиради. Шеършуносликда бундай санъат ружуъ деб юритилади. Азиз Қаюмов "Соқийнома"да Жомийга бағишланган таърифу тавсифлар ҳақидаги фикрларига шундай хулоса ясайди: *"Шундай қилиб, Навоий "Соқийнома"да Жомийни шунчалар юксакликка кўтаради, унинг шарафли хотираси олдида тиз чўкади. Жомийни "қуёш", ўзини эса "заррача" деб билади, яна ўзини "тупроқ", Жомийни эса "андоза сипеҳр" деб таърифлайди. Устоз ва шогирд ўртасидаги қадрдонликнинг олий даражаси эмасми бу нисбатлар!?"*[2].

Соқийномадаги образ, тимсол ва истилоҳлар тарихий қаҳрамонларнинг шахсияти, руҳий-маънавий дунёсини билишда ҳам ўзига хос вазифа бажаради. XXVI бандда ҳам *"жоми фано", "маст", "дайри фано", "риндлар базми", "хирқа", "фано аҳли", "фано туфроғи", "хокнишин", "фонийи мутлақ", "солики афтода", "пири иршод"* каби тушунча ва сўз бирикмалари орқали Саййид Ҳасан Ардашерга ишора қилинган. Мазкур банд қуйидагича бошланган:

Соқиё, тут қуюбон жоми фано,
То кўрайким, недур анжоми фано. (4, 708)

Маълумки, фанонинг луғавий маъноси йўқлик, йўқ бўлмоқ. У тариқатнинг сўнгги мақоми бўлиб, Оллоҳдан бўлак ҳамма нарсадан узилиб, ёлғиз Ҳаққа боғланиш, таваккул эътиқоди билан яшаш демакдир. Мутасаввифларга кўра, фанонинг уч хил кўриниши бор: 1. Фано фил-қусуд: соликнинг ўз орзу-истаклари билан эмас, Оллоҳнинг хоҳиш ва иродасига кўра ҳаракат қилиши, ўз иродасини Оллоҳнинг иродасида фоний этиши, яъни йўқ қилиши. 2. Фано фил-шуҳуд: Оллоҳдан бўлак нарсани кўрмаслик, ишқ ва важдниг таъсирида ҳар бир нарсага Оллоҳнинг тажаллийси сифатида қараш. 3. Фано фиш-шайх – Фано фил пир: муриднинг муршидга, дарвешнинг пирига фоний бўлиши. Яъни муриднинг ўз шахсий истак-хоҳишлари ўрнига шайхнинг маслак ва ниятларини қўйиши[3]. Жоми фано тимсоли

[1] Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиу-с-санойиъ. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 153.
[2] Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2011. – Б. 56.
[3] Uludağ S. Tasavvuf terımlerı sözlüğü. – Istanbul, 1995. – S. 188 – 189.

эса, мана шу фикрларнинг жами, йиғиндисини англатган. Шу сабабли, шоир Саййид Ҳасан Ардашер ҳақида шундай ёзади:

Йўқ фано дайрида ўздин хабаре,
Қолмайин ўзлукидин ҳам асаре. (4, 709)

"Мажолисун нафоис"да шоир бу тўғрида "йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо фақр жониби ғолиб эрди" (9, 374), деб ёзади. "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"да ҳам уни "солики фоний ва гавҳари коний, орифи маоний" дея таърифлаган (10, 7). Фахрий Ҳиравийнинг ёзишича, Саййид Ҳасан Ардашер "Султон Ҳусайн Мирзо тарбия қилганлигига қарамай амирликни тарк қилди ва Мавлоно Табодгонийнинг хизматига борди. Бир нечта арбаъин ёзди ва маънавий мақсадни қўлга киритди"[1]. Кўринадики, бу каби мулоҳазаларни соқийномадаги фикр-туйғулар ҳам тасдиқлайди. "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"да ўқиймиз: "Алар тариқ ва равиши бу фақирни андоқ шефта қилдиким, бир кун алар мулозаматиға етмасам эрди, сабру тоқатим қолмас эрди: "ташвише бўлмамиш бўлғайким, букун сендин хабар топа олмадуқ" (10, 8). Соқийномада бу мана бу тарзда ифода этилган:

Мен анинг бандалиғиға хурсанд,
Ул дебон лек рафиқу фарзанд. (4, 709)

Шунингдек, ёднома-хотира мазмунидаги асарида шоир Саййид Ҳасан Ардашернинг ўзи учун устоз, маънавий йўлбошчи, ҳар томонлама ибрат бўла оладиган инсон эканини айтади: "Ва фақирни фақр тариқиға далолат ва иршод қилурлар эрди..." (10, 12). Буни соқийномадаги фикрлар ҳам тасдиқлайди:

Манга зоҳирда атову устод,
Лек маъни аро пири иршод. (4, 709)

Мумтоз адабиётда ринд бу дунёга этак силкиган, олам ҳодисаларига кўнгил кўзи ила боқувчи, ҳақиқат йўлига кирган мураккаб поэтик тимсол саналиши маълум. "Гулшани роз"да харобот риндлари бадиий сўз санъатининг ўзига хос имкониятлари асосида қуйидагича гавдалантирилган:

Хароботнинг жаҳонда йўқ мисоли,
Мақоми ошиқони лоуболий...
Ҳадиси можаройи шатҳу томот,
Хаёли хилвату нуру каромот,
Барин май қуйқасига алмашиб, бас,
Йиқилмишлар чу йўқлик завқидин маст[2].

"Маҳбуб ул-қулуб"да ринд ҳақида шундай таъриф берилган: *"ринди хароботийки, май ичмак била ўтар авқоти, ҳубобдек бода ҳавоси бошида, суроҳидек бош қўяр ери соғар қошида, дайрда ҳар қаёнки базме кўруб, сабукашлик василаси билан ўзини еткуриб; номус дасторини бошидин олиб, бир журъа учун майфуруш аёғиға солиб".* Шу билан бирга, мутафаккир

[2] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: : MUMTOZ SO'Z, 2014. – Б. 108.
[1] Шайх Маҳмуд Шабустарий. Гулшани роз. – Тошкент: Тамаддун, 2013. – Б. 64 – 65.

шоир риднинг қиёфасини мана бундай чизади: *“расволиқ кўйида аёғи яланг, боши хам ва бадмастлар дастбурдидин манглайи захлиқ, қоши ҳам...”* Аммо ринд нафсу ҳаводан, ўткинчи орзу-истаклардан узилган *(“замон яхши-ямони била иши йўқ”)*, кўнглини Ҳаққа, ҳақиқатга бурган олийжаноб ва олийҳиммат кишидир. Яъни *“нафси гарчи туфроққа ҳамдаст, ҳиммати оллида фалак паст”* (9, 481). Юқоридаги фикр-туйғулар ринд поэтик образи ҳақида билдирилган, албатта. Аммо Алишер Навоий шеъриятида ринд тимсолининг реал, ҳаётий асоси, прототипи ҳам мавжуд. Бу Саййид Ҳасан Ардашердир. “Чунки Навоий назарида Комил инсон хаёлий бир нарса эмас, балки реал ҳаётий одамлар, бироқ шуниси борки, бундай одам тариқат сулукини қабул қилган чинакам дарвеш бўлиши керак. Бошқача айтганда, идеал инсон – бу камида гўзал ахлоқли, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган фоний табиат фақир киши. Саййид Ҳасан бунинг намунаси ҳисобланган”[1]. Унга бағишланган ёдномасида шоир Саййид Ҳасан Ардашернинг йигитлик чоғларида май базмлари тузганлиги ва уларга ўзи бошчилик қилганлигини айтган. Бу мажлислар ярим тун, баъзан тонгга қадар давом этган. Шоир унинг мажлис иштирокчиларига нисбатан ширин сўзли, илтифотли, сертакаллуф, қўли очиқ ва катта-кичикка бирдай муносабатда бўлганлигини ёзади. Шуниси қизиққи, Саййид Ҳасан Ардашер майхўрлик кечаларида ҳаммадан кўп май ичса ҳам, маст бўлиб қолмаскан. Аксинча, базмдан сўнг, бошқа майхўрларни бирма-бир уйларига элтиб қўйиб, ҳар бирини ўз хонадони кишиларига топшириб, ёлғиз яшайдиган даврадошларнинг ўринларини солдириб, бошларининг ёнига кўзада сув қўйдириб қайтаркан. Сўнгра хуфтон намозини адо этиб, ўзининг ҳужрасида хотиржам дам оларкан: “Бу навъ риндликларға муртакиб эрдилар, ҳар намозда муножотлар қилиб, Ҳақ субҳанаҳу ва таолодан ўзлариға тавба ва тавфиқ тилар эрдилар” (9, 390). “Равзат ус-салотин” асарида ҳам у ҳақида шундай маълумот келтирилган: “Аммо риндлик айёмида дўстлари – харобот риндлари орасида эди. Ва бу ишни ундан қони қайноқроқ киши қилган эмас эди”[2]. Соқийномада ҳам Саййид Ҳасан Ардашернинг шу каби фазилатлари улуғланган:

Риндлар базмиғача ком чеккай,
Ул харобот элидин жом чеккай. (4, 709)

Мутафаккир шоирнинг яна бир яқини, қадрдон дўсти Паҳлавон Муҳаммад ҳақидаги банд ҳам бароати истиҳлол санъати воситасида мана бундай бошланган:

Соқиё, паҳлавийойин май тут,
Паҳлавий лаҳн ила кўнглумни овут. (4, 710)

Паҳлавон каби май тутиб, паҳлавий куйи билан кўнгилини кўтаришни соқийдан сўраркан, шоир ҳаётий-ижтимоий масалага ҳам эътибор қаратган. “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида унинг “адвор (мусиқа назарияси – М.А.)” ва “мусиқий илм”да “кўшиш ва саъй кўргузуб, дахли том ва маҳорати молокалом топ”ганлиги, “эшитган хавос ва авом хушҳол бўлмоқда бахтиёр ва ўрганмоқда беқарор” бўлганликлари ёзилган (10, 18). Юқоридаги байтда ана шунга ҳам ишора бор. Шоир ўз мулоҳазаларини давом эттириб, ёзади:

Паҳлавонона кетур соғари жарф,
Қуюбон майдин анга баҳри шигарф. (4, 710)

[2] Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр-Ўзбекистон, 2009. – Б. 357.
[3] Фахрий Ҳиравий. Равзат ус-салотин. Жавоҳир ул-ажойиб. – Тошкент: : MUMTOZ SO’Z, 2014. – Б. 108.

Маълумки, Паҳлавон Муҳаммад ўз замонасининг кураги ерга тегмас паҳлавонларидан бўлган. Навоий бу ҳақда: “Невчунки ул агарчи куч ва забардастликда замонининг мунфариди эркондур, аммо куштидонлиғ ва забардастлиғда ҳам андоқ экондур ва бу тойидадин бу ўтган тўрт-беш юз йил, балки минг йилда анингдек ҳеч ёд бермайдур ва нақл қилинмайдур” (10, 25), – дейди. Юқоридаги байтда ҳам унинг ана шу хислатлари бадиий ифодасини топган. Шунингдек, “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида Паҳлавон Муҳаммаднинг “мусиқий илми”, “муаммо тарийқи”, “санойиъ” (бадиий санъатлар – М.А.), “аруз”, “ қофия”, “нужум илми”, “тиб ва ҳикмат”, “фиққ” каби илмларда баркамол киши бўлгани айтилган. Бу маълумотларни соқийномадаги фикр-туйғулар ҳам тасдиқлайди:

Таври ҳар фанда келиб мустаҳсан,
Балки ҳар фан аро табъи якфан. (4, 710)

Шунга қарамай, Паҳлавон Муҳаммад ниҳоятда хоксор, дарвеш табиатли, камтар, содда, кўнгилчан, сахий ва танти одам бўлган. Бу ҳақда ўқиймиз: “писандида атвори беғоят ва ҳамида ахлоқу ишори бениҳоят, мижозида базлу сахо ғолиб ва табъида шафқату раҳо муфрит, улуғларға зотий ниёзмандлиғ ва хизмат ва кичикроқ нотавонларға расми меҳру шафқат...” Соқийномада юқоридаги фикрлар тазод орқали қуйидагича ифодаланган:

Қувват ичра анга ўн пилча зўр,
Хоквашлиғ аро юз ончаки мўр. (4, 710)

Паҳлавон Муҳаммаднинг феъл-атвори, Алишер Навоий билан дўстона, самимий муносабати ҳақида “Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад” асарида батафсил маълумот берилган: “аммо ҳеч навъ махфий сирри ва рози йўқ эрдиким, бу фақирдин яшурин бўлғай. Андоққи бу фақирнинг ҳам андин (10, 24)”. Соқийномада ҳам бу яқинлик қисқа ва аниқ тасвирланган:

Махфий асрорда дамсоз манга,
Ҳар ниҳон розда ҳамроз манга. (4, 711)

Шунингдек, соқийномада марҳум ижодкорлар Хожа Камол, *“софи беғаш”, “зоти хуш, ҳаёти хуш, нуктаси хуш”* Ёр Танбал, *“маоний дурри гуфтори”* олим Сабзаворий каби замонасининг машҳур кишилари ҳам хотирланган. Шулардан бири *“пири Муаммойи”* эса *“ҳарам бодияпаймойи”* дея тавсифланади:

Бириси Пири Муаммойи эди,
Ким ҳарам бодияпаймойи эди. (4, 717)

“Мажолис ун-нафоис”да у ҳақда шундай дейилган: “... Мавлоно Муҳаммад Муаммоий – ани Ҳирий эли “Пири Муаммойи” дерлар эрди. Зариф киши эрди. Мир Хусравнинг ашъор ва рисоласин ва сойир мусаннифотин андин кўпроқ киши жамъ қилмабдур. Ул вақт муаммо фанида зурафо анинг шогирди эди.” (9, 345).

Лирик жанрларда оламни бадиий идрок этишнинг бош масаласи бу – “нутқ соҳиби”, яъни лирик қаҳрамонинг табиати, энг аввало, унинг ички олами, тафаккур тарзи, моддий борлиққа бўлган ҳиссий муносабатида намоён бўлади. Шу маънода, соқийнома мумтоз

шеъриятимиздаги инсоннинг қувонч ва қайғулари, орзу ва фалсафий мушоҳадаларини жонли ифодалашга имкон берадиган бир жанрдир. Навоий асарнинг бир неча қисмларида ўзига яқин бўлган ижодкорлар, салафларининг бу ҳаётда йўқлигидан қайғурса, ҳали ҳаёт бўлганлари билан ёнма-ён яшаётганига шукрона айтади:

Нутқнинг гарчи шикоят дери бор,
Шукрдин доғи ҳикоят ери бор. (4, 717)

Соқийномада таърифланган шундай ижодкорлардан бири Вафоий тахаллуси билан шеърлар ёзган Аҳмад Ҳожибекдир. У ҳақда сўз юритар экан, Навоий "вафо" сўзига алоҳида урғу берган. Бу, биринчидан, Аҳмад Ҳожибекнинг тахаллусини билдирса, иккинчидан, унинг шахсий фазилатлари билан бевосита боғлиқ:

Чун Вафоий била бўлди машҳур,
Айласун умри вафо бирла зуҳур.
Кўнгли чун топти вафо ичра сафо,
Деки, мундоқ дедилар аҳли вафо... (4, 699)

Соқийномадаги бундай фикрлар «Мажолис ун-нафоис"даги маълумотлар билан қиёсланса, масала янада ойдинлашади: "Аҳмад Ҳожибек – Султон Малик Кошғарийнингким, замонининг бебадалларидин эрди, ўғлидур. Вафоий тахаллус қилур. Сурати хуш ва сийрати дилкаш, ахлоқи ҳамида ва атвори писандида йигитдур. Хуросонда тарбият топти. Ҳирот доруссалтанатида ўн йилға яқин ҳукумат қилди. Самарқанд маҳфузасида ҳам муддате ҳоким эрди. Ва бир қарн бўла бордиким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳға наёбат қиладурким, ҳеч киши андин бир номулойим нимаким, мужиби эътироз бўла олғай, нақл қилмайдур..." (9, 902). Академик В.Абдуллаев Алишер Навоий Аҳмад Ҳожибекни ҳам давлат арбоби, ҳам маданият ҳомийси сифатида улуғлагани, Ҳиротда Вафоий тахаллуси билан шеърлар ёза бошлаган бир шоирни Аҳмад Ҳожибекка чексиз ҳурмати туфайли ўз тахаллусини ўзгартиришга ундаганини ёзади[1]. Кўринадики, соқийномадаги мулоҳазалар тазкирадаги ва бошқа адабий-тарихий манбалардаги маълумотларни янада аниқлаштириб, қаҳрамоннинг фаолияти ва шахсияти ҳақидаги қарашларни бойитади.

Соқийномада Вафоийга мурожаат қилар экан, шоир *"Андаким, ҳажр кумайтин сурдум, Бир-икки ёр санга топширдум"*, – деб ёзади. "Ҳажр кумайти" ташбеҳи воситасида ҳижрон, айрилиқ, соғинч маънолари ҳам юзага чиққан. Бу орқали Навоий таржимайи ҳолининг айрим лавҳалари бадиий ифода топган:

Бири ҳам ёр манга, ҳам фарзанд,
Жонға орому юракка пайванд.
Бири ҳамсуҳбату ҳамдарду рафиқ,
Туққанимдин доғи юз қатла шафиқ. (4, 700)

"Ёр", "фарзанд", "ҳамсуҳбат", "ҳамдард", " рафиқ" каби сўзлар орқали ифодаланаётган фикр "ул бири", "бу бири", "у", "бу" анафорик такрори *("Ул бири гулшани умрумда тазарв, Бу бири боғи ҳаётим аро сарв")* воситасида бадиий нутқнинг ўзига хос имкониятларини очиб беради ва ўқувчининг диққат-эътиборини жалб қилади. "Йигитлар сафининг зебоси",

[1] Абдуллаев В. Сайланма. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат., 1982. – Б. 34.

“Ҳар фанда” жаҳон нодираси” дея эътироф этилган қаҳрамоннинг исми Мирзобек экани воқеалар ривожидан маълум бўлади:

Ул бири оти чу мазкур бўлуб,
Мирзобек ила машҳур бўлуб. (4, 700)

“Мажолис ун-нафоис”да у ҳақида шундай ёзилган: “Мирзобек – инсоният ва хушахлоқликда Хуросон ва Самарқанд мулкида ягона эрди. Табъ ва фаҳм ва отару тутарда бу икки мулк йигитлари орасида сармади замона бу навъ таърифлардин мустағний. Бу матлаъ анингдурким:

Кўзунг не бало қаро бўлубтур,
Ким жонга қаро бало бўлубтур.

Зулқофиятайндур ва қофиялари тарди акским, жавоб айтмоқ бу фақир қошида малоҳатдиндур. Агарчи анинг тилига бу навъ абёт кўп ўтар эрди, аммо ҳаргиз парво қилиб бир ерга битимас эрди. Бу матлани фақир тугатиб анинг ёдгори девонда битибмен. Ҳайф ва юз ҳайф ва дприғ ва юз минг дариғким, ҳаёт чашмасидин сероб бўлмади ва умри нахли мевасидин бир емади. Мазоро Самарқанд маҳфузасида Аҳмад Ҳожибек мадрасасида мутаййин мадфанларидадур. Макони равзаи жинон ва руҳиға фирдавси аълода макон бўлсун!” (9, 336)

Соқийномада “ҳар фан элин” “шарманда қил”увчи, “йигитлик фанининг доноси” дея эътироф этилган “бу бири” – Мир Дарвеш бўлиб, “Мажолис ун-нафоис”да у ҳақда қуйидаги маълумот мавжуд: “Дарвешбек – Мирзо Али Идигу Темур ўғлидур. Насаби худ олам аҳлиға зоҳирдур. Ҳасаби жонибидин ҳам насабча шариф бор эрди. Ҳасаб ва насаб била ороста йигит эрди ва таъби дағи бағоят хуб эрди... Абнои жинсида андоқ киши йўқ эрди. Ҳайф юз ҳайфки, Тошканд юрушида зоеъ бўлғонлар орасида талаф бўлди. Чун фано селобиға ғариқ бўлди, қабри мутаайин эрмас”. (9, 336)

Соқийномадаги фикрлар Навоий тазкирасида берилган маълумотларни тўлдириб, улуғ шоирнинг таърифланаётган қаҳрамонга муносабатини билишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, “Мажолис ун-нафоис”да Осафий “таъриф қилғуча” истеъдод эгаси, “ҳофизаси ҳам бағоят хўб” ижодкор сифатида кўрсатилган. Аммо Навоий унинг билим ва иқтидоридан етарлича фойдаланмаслиги, вақтини беҳуда ишларга, ўткинчи орзу-ҳавасларга сарф қилиб, умрини зое кетказишини танқид қилади: “Аммо не табъин ишга буюрур, не ҳофизасин. Ятимвашлик ва раъносифатлиқ ва худройлик ва худоройлик била авқотин зоеъ қилур” (9, 340). Соқийномада эса Осафийнинг шоирлик маҳоратига юксак баҳо берилган:

Осафий улки, не назм этса рақам,
Қиймати мулки Сулаймондур кам. (4, 718)

Соқийномадаги фикрларни “Бобурнома”да келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди: “Яна Осафий эди, вазирзода учун Осафий тахаллус қилибтур. Шеъри ранг ва маънидин холи эмастур...”[1]

[1] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б 161.

Тадқиқот натижасида маълум бўладики, “Мажолис ун-нафоис”да ижодкор ҳақида кенг ва муфассал маълумот келтирилса, соқийномада кўпроқ таржимайи ҳолига тегишли бўлган характерли жиҳатларга урғу берилади:

Яна бир келди Биноийки, фунун
Касбида айламади маъни жунун. (4, 718)

Бу фикр-қарашлар “Мажолис ун-нафоис”даги маълумотлар билан таққосланса, Биноий шахсияти ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин: “... Аввал таҳсилға машғул бўлди, анда кўп рушди бор эрди, бот тарк қилди. Хатға ишқ пайдо қилди. Оз фурсатда ободон битиди. Андин сўнг илми мусиқийға майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хили ишлар тасниф қилиб адворда дағи рисола битиди. Аммо мўъжиб ва мутасаввирлиғидин эл кўнглиға мақбул бўлмади. Бу сифати салби учун фақр тарийқин ихтиёр қилди ва риёзатлар ҳам тортти, чун пири ва муршиди йўқ эрди, ўз бошича қилғони учун ҳеч фойда бермади” (9, 341). Кўринадики, тазкирада Биноий хусусида келтирилган қайдлар соқийномада ихчам, аммо аниқ ифода этилган.

Шоирнинг давр ва давр аҳлига муносабати, айниқса, бадиий санъатлар воситасида янада таъсирли ва ёрқин тасвирланган. Соқийномада бунинг учун бошқаларига қараганда, кўпроқ тазод санъатига мурожаат этилган:

Кимки ёрим эди таври аҳсан,
Бўлди жонимға қатиқроқ душман. (4, 712)

Бу ўринда *“ёр”* ва *“душман”* сўзлари бир-бирига қарама-қарши бўлса, мана бу байтда шоирнинг фикрлари *“вафо”* ва *“жафо”* зид маъноли сўзлари ёрдамида тушунилади:

Бир вафо кимгаки мен қилдим фош,
Юз жафо ўтруда эрди подош. (4, 715)

Бошқа бир ўринда шаклдош сўзлар орқали давр аҳлига мана бундай муносабат билдирилган:

Кимки мадҳини деди неча тилим,
Тилади қилғай ани неча тилим. (4, 715)

Шу ўринда, таъкидлаш лозимки, Навоий эл ичида юрган образли иборалар, оддий ҳаётий ўхшатишлардан ўз фикр-туйғуларини ифодалашда самарали фойдаланади. Чунончи, халқ орасида “этак силкиш”, “кўз юмиш” каби матал ва иборалар бирор-бир нарсадан ҳафсаласи пир бўлмоқ, ҳар қандай юмушдан умидини буткул узмоқ маъноларида ишлатилади. Соқийномада ҳам улар шоирнинг ҳаётий хулосаларини ифода этган.

Ҳар не эл қилди талаб, мен топтим,
Барчадин силкиб этак, кўз ёптим. (4, 715)

Хуллас, Навоийнинг ранг-баранг шеърий асарлари орасида соқийнома ҳаётийлиги, қаҳрамонларининг маълум бир тарихий давр ва замонга мансублиги, воқеа-ҳодисаларнинг ёрқин акс эттирилиши билан ажралиб туради. Айниқса, шоирнинг салафлари, дўстлари,

замондош ижодкорлар ҳақидаги мулоҳазалари жанр талабидан келиб чиқиб, қисқа, ихчам ва мукаммал ёритилган. Ҳар бир банднинг унинг мазмунига ишора қилинган бадиий воситалар билан бошланиши, асар қаҳрамонларининг характер-хусусиятлари, маънавий-руҳий оламини очиб беришда поэтик санъатларнинг муҳим ўрин тутгани соқийноманинг бадиий мақомини янада оширади. Мазкур асар шоирнинг ижодий мероси, санъаткорлиги, шахсиятининг юксак қирралари, қолаверса, у яшаган замон ҳамда тарихий давр хусусиятларини янада чуқурроқ ва кенгроқ билишга имкон яратади.

ХУЛОСА

1. Ўзбек адабиётида соқийнома мазмунидаги байтлар ва жанрга алоқадор образлар Навоий лирикасида маҳорат билан қўлланган. “Хазойин ул-маоний”га киритилган 2600 ғазалнинг 800 дан ортиғида май мавзуси қаламга олинган бўлса, 70 та ғазал бошдан охир май тавсифига бағишланган. Яна 500 га яқин байт соқийга мурожаат билан бошланган. “Хазойин ул-маоний”даги илк ғазалда ҳам май билан боғлиқ 20 га яқин тимсол қўлланган. Мазкур ғазал ўзидан кейин келадиган барча лирик жанр намуналари учун дастурий характерга эгадир. Май мавзуси Навоий бадиий тафаккури ва ижодий имкониятларини очиб беришда муҳим аҳамият касб этадики, шоир соқийномасининг ғоявий асослари, маънавий негизи, ифода усули ҳамда образлар тизимига хос кўпгина жиҳатлар ҳам, аввало, унинг лирикаси билан боғланади. Шоир санъаткорлик маҳоратининг ўзига хос жиҳатларини юзага чиқарган соқийнома мазмунидаги байтлар жанрнинг яратилиши учун мустаҳкам замин ҳозирлаган.

2. Соқийнома жанрига хос маъно ва тасвир йўли “Хамса” достонларидаги соқийнома характеридаги байтларда маҳорат билан ифодаланган. “Ҳайрат ул-аброр”даги ҳайратлар, боблар ва мақолатларнинг сўнгги ҳар икки байти – жами 25 байт, “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳар бир боб ва хотима сўнгидаги 2 байт – жами 47 байт соқийга мурожаат билан якунланган. Соқийнома мазмунидаги байтларнинг “Садди Искандарий” достонида миқдор жиҳатдан кўплиги (155 байт), ўзига хос тартибланиши шоирнинг ижодий ниятини англатиш ва ўқувчида эстетик завқ уйғотишга хизмат қилади. “Хамса”даги соқийнома моҳиятидаги байтларда ўқувчи Навоийнинг шахсиятига ўзгача бир яқинликни ҳис қилади. Навоий шеъриятида соқийга мурожаатлар лирик қаҳрамоннинг ҳис-туйғу, ўй-кечинмаларини ифода этган бўлса, “Хамса” достонларида келтирилган соқийнома характеридаги байтлар воқеа-ҳодисаларнинг жонли тасвирланиши ва таъсирчанлигини таъминлаган. Шоир соқийномасида унинг лирик ва эпик асарлари таркибида келтирилган соқийнома мазмунидаги байтлар поэтик хусусиятлари, образлар олами ва мазмунига кўра ўзаро уйғунлашгани кўзга очиқ ташланади.1. Навоий соқийномасининг композицион қурилиши, жумладан, шакл ва мазмун бирлиги, бадиий тасвир ҳамда ифода усулидаги мантиқий изчиллик, поэтик унсурлар – оҳанг, ритм, қофия, вазннинг шоир фикр-қарашлари, ҳис-туйғулари билан алоқадорлиги унинг алоҳида белгиларини ҳам далиллайди. Бандлардаги байтлар миқдори, сўз, ибора, образ, тимсоллар асар қаҳрамонларининг ёши, шахси ва маънавий оламини кашф этишда муҳим “очқич” вазифасини бажаради. Шоирнинг руҳий ҳолатлари, рангин кечинмаларини мукаммал ифодалашга ёрдам беради ва унинг мақсад ҳамда маслаги асарнинг ўзига хос бадиий-тасвирий воситаларидан яққол кўриниб туради. “Соқиё” хитоблари билан бошланган байтлар бандларда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг мазмунини умумлаштириб, асар бадииятида етакчи мавқе тутади. Соқийнома улуғ шоирнинг теран тафаккури, тасаввур ва тахайюл дунёси, шеъриятининг янги қирраларини инкишоф этган, иқтидори, маҳорати ва юксак талантини намоён қилган бетакрор ижод намунасидир.

3. Соқийнома ёрқин автобиографик мазмунга ҳам эга. Шоирнинг руҳий олами, дунёқараши, ўзига хос фазилатлари, замондошлари билан ўзаро муносабатлари каби масалалар асарда теран ифода этилган. Соқийнома қаҳрамонларининг маълум бир тарихий давр ва замонга мансублиги, ғоявий-бадиий етуклиги, тасвир принциплари ҳамда ифода услубининг ўзига хослиги билан Шарқ адабиётида яратилган мазкур жанр намуналаридан ажралиб туради. Унда тарихий шахснинг ички дунёси, инсоний фазилатлари, жамиятдаги мавқейи, шунингдек айрим камчиликлари ҳам соқий, жом, қадаҳ, май, шароб, бода, майхона, харобот каби образлар воситасида акс эттирилган. Бу эса асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигини орттириб, ўқувчида кучли қизиқиш пайдо қилади.

4. Навоий ўз соқийномасини яратгунга қадар шу жанрга яқин асарлар ҳам ёзган. “Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт...” сатри билан бошланадиган таржеъбанд бунинг бир исботидир. Шу сабабли, адабиётшуносликда у соқийномага нисбат берилиб, туркий халқлар адабиётидаги илк таржеъбанд-соқийнома деб баҳолаган. Навоийнинг мазкур таржеъбанди ҳамда соқийномаси ринд ва унинг маънавий дунёсини акс эттириши жиҳатидан бир-бирига яқин. Унда шоирнинг ҳаётий хулосалари тасаввуф адабиётига доир соқий, харобот, синиқ сафол, дайр пири, муғбача, фано, хумхона, майкада, дурдкаш каби рамзу тимсоллар воситасида ифода этилган. Бу асар ўзбек мумтоз шеъриятида соқийнома жанри тараққиётида ҳам муҳим ўринга эга. Зеро XIX асрда яратилган бир қатор, жумладан, Мирий, Султоний, Нодим ва Мажзубларнинг мазкур жанрдаги асарлари қофияланиш тарзига кўра ҳам Навоий таржеъбанди билан ўзаро ўхшашдир.

5. XV аср маданий-маиший турмуш манзаралари ва айрим урф-одатларнинг тасвирланиши Навоий соқийномасининг моҳият кўламини кенгайтирди. Асарда қўлланган “уч”, “тўққиз”, “ўттиз” сонлари туркий қавмлар орасида қадимдан мавжуд бўлган қимизхўрлик, шаробхўрлик ва меҳмондўстлик одатларига ишора қилади. Таҳлилларимиз уларнинг айримлари Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” китоби, Клавихонинг “Кундаликлар”и ва Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” асарларида ҳам келтирилганини кўрсатди. Манзумада буюк шоирга яқин бўлган шахсларнинг маънавий-руҳий ҳолати, ўзаро муносабатлари, айниқса замондош ижодкорлар тавсифлари “Хамса”, “Муншаот”, “Мажолис ун-нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари ва айрим тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар билан қиёсланса, масаланинг моҳияти янада аниқлашади. Бу эса мутафаккир шоир таржимайи ҳоли саҳифаларига ҳам теранроқ назар ташлашга йўл очади.

6. Навоий соқийномаси бадиий санъатларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги билан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир банднинг унда тасвирланаётган воқеа-ҳодисага ишора қилиш санъати – бароати истеҳлол билан бошланиши, соқийга мурожаат қўлланган байтларда нидо, сифатлаш, ташбеҳ, таносуб каби бир нечта поэтик санъатларнинг ўзаро уйғун бўлиб келиши шоир ҳис-туйғуларининг жонли ифодасини таъминлайди. Маълум бўлдики, соқийнома жанри намуналарида талмеҳ санъати етакчилик қилади. Навоий асарнинг дастлабки бандида дунёнинг ўткинчилиги, умрни ғанимат билиш ҳақида фикр юритар экан, Шарқ халқлари адабиётида машҳур бўлган тарихий ва афсонавий қаҳрамонларнинг номларини келтириб далиллайди. Каюмарс, Ҳушанг каби талмеҳларни қўллашда поэтик мантиқ ва кетма-кетликка қатъий риоя қилинганки, бу “Тарихи мулуки Ажам” асари билан таққосланганда, Навоий бадиий тафаккурининг ўзига хослигини кўрсатади.

7. Навоий соқийномаси нафақат ғоявий-бадиий хусусиятлари, балки ўзбек адабиётида ўзидан кейин яратилган мазкур жанр намуналарининг тараққиётида беқиёс ўрин тутгани билан ҳам эътиборли. XVI – XIX асрларда яшаб ижод қилган бир қатор, жумладан Фузулий, Огаҳий, Табибий, Аваз Ўтар, Коризий, Ғулом Расулхўжа каби шоирларнинг манзумалари мазмун-моҳияти ва бадиий тасвир воситалари билан Навоий соқийномасига издошлик қилган. Фузулий ўз соқийномасида Навоий номини тилга олиб, унинг “назм гулшани”дан “гуллар тер”ганини эътироф этади. Табибий ва Авазнинг соқийноманависликда Навоий ва Фузулийга издошлик қилганини ҳисобга олсак, Навоий соқийномаси уларга ҳам бевосита, ҳам билвосита таъсир кўрсатгани англашилади. Коризий асарида Навоий “Хамса”си қаҳрамонларининг номлари талмеҳ бўлиб келса, Ғулом Расулхўжа ўз соқийномасини бевосита буюк мутафаккирнинг манзумаси таъсирида яратган. Умуман, XVI асрдан кейинги ўзбек адабиётини Алишер Навоий ижодисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу жумладан, нафақат ўзбек, балки туркий адабиётда ҳам соқийнома жанри тараққиёти ва соқийноманавислик анъанаси бевосита Навоий билан боғлиқдир.

Мундарижа

Дилором САЛОҲИЙ

НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ УСЛУБИ МАСАЛАЛАРИ

Бадиий сўз қудрати 7
Поэтик матн такомили ва тасвир маҳорати поэтик матн қиёсий таҳлили
ва бадиий талқиннинг услубий асослари хусусида 14
Вазн муносабати ва Навоий шеърияти хусусиятлари 32
1.«Бадоеъ ул-бидоя» девонидаги 585-ғазалнинг бешинчи 34
2 «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги 573-ғазалнинг учинчи байти:
3 «Наводир ун-ниҳоя» девонидаги 283-ғазалнинг мақтаъси: 35
Ғазал композициясида сўз ва тимсол масаласи 62
2. Сўзнинг эмоционал-руҳий қуввати 79
Навоий поэтик услуби тадрижий такомили масалалари
ижтимоий руҳдаги ғазалларда ғоя-мазмун ва бадиий образ такомили 106
Алишер навоий лирик меросини илмий даврлаштириш масаласи 116
Хулоса 127
Иловалар 129
Адабиётлар рўйхати 136

Фарида Каримова

ЎЗБЕК ДАБИЁТИДА ДЕБОЧА

Кириш 143
1-БОБ
Ўзбек адабиётида дебоча ва унинг юзага келиш тарихи 146
2-БОБ
Алишер Навоий дебочалари ва уларнинг илмий қиммати 155
3-БОБ
Алишер Навоий дебочаларининг бадиий хусусиятлари дебочаларнинг
композицион-услубий хусусиятларига доир 169
Дебочаларда сажъ 174
Бадиий тасвир воситалари 177
Дебочалардаги шеърий парчалар бадииятига доир 182
4-БОБ
Навоийдан кейинги даврда яратилган дебочалар 187
XIX асрнинг I ярмида яратилган дебочалар 191
XIX аср II ярми XX аср бошларида яратилган дебочалар 195
Хулоса 202
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати 205

Мақсуд АСАДОВ

НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҚИЙНОМА

Алишер навоий лирикасида соқийнома йўналишидаги шеърлар 210
“Хамса”да соқийнома мазмунидаги байтлар 217
Соқийноманинг ёзилиш тарихи ва мавзу кўлами 225
Соқийнома бадиияти 237
Хулоса 259

УЎК 821.512.133.06(091)
КБК 83.3(5Ў)
И 28

Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Дилором Салоҳий: Навоийнинг шеърий услуби масалалари; Фарида Каримова: Ўзбек адабиётида дебоча; Мақсуд Асадов: Навоий ижодида соқийнома; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2021. 264 бет.

Ж.17: Дилором Салоҳий: Навоийнинг шеърий услуби масалалари; Фарида Каримова: Ўзбек дабиётида дебоча; Мақсуд Асадов: Навоий ижодида соқийнома. 264 бет.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамда ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Илмий кенгашлари томонидан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978 9943 5123–5 –1

© Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди, 2021

Илмий нашр

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК НАВОИЙШУНОСЛИГИ

ЎТТИЗ ЖИЛДЛИК
Ўн еттинчи жилд

Дилором САЛОҲИЙ
НАВОИЙНИНГ ШЕЪРИЙ УСЛУБИ МАСАЛАЛАРИ

Фарида Каримова
ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ДЕБОЧА

Мақсуд АСАДОВ
НАВОИЙ ИЖОДИДА СОҚИЙНОМА

Нашр учун масъуллар: *О. Давлатов, Д. Юсупова*
Муҳаррир: *Одил Икром*
Мусаҳҳиҳ: *Шоҳрўз Мўминзода*
Техник муҳаррир: *Диёра Абдужалилова*
Дизайнер: *Баҳриддин Бозоров*
Саҳифаловчи: *Акмал Фармонов*

"TAMADDUN" нашриёти. 100029, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси 30-уй.

Нашриёт лицензияси рақами AI №247.
2013.02.10. да берилган.
2021.17.11.да босишга рухсат этилди Бичими 84*108 $^{1}/_{16}$.
Cambria гарнитураси. 16,5 босма табоқ. Адади 1 000 нусха.